

Ҳаким САТТОРИЙ

ИМЗОЛИ ХАТЛАР

Танланган бадиий публицистика



**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007**

Сатторий, Ҳаким

Имзоли хатлар: Танланган бадиий публицистика. —
Т.: «Шарқ», 2007. — 400 б.

Ҳаким Сатторий журналист дипломи билан кўплаб маҳаллий ва марказий матбуот нашрларида фаолият кўрсатди. У журналистиканинг алақачон арифметика ва математикасини муваффақиятли ўзлаштириб, алгебрасида муштарийларга манзур бўлган кўплаб асарлар яратди. Муаллифнинг тарихий мавзудаги “Ҳазрат Соҳибқирон” эссе-романи, “Олтин силсила”, “Хотира карвони”, “Амир Темур севган юрт” сингари китобларини жамоатчилик яхши қабул қилган эди.

Қўлингиздаги мажмуада Ҳ. Сатторийнинг турли йилларда ёзган энг сара бадиий публицистик асарлари жамланган. Улар жанр ва мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг энг долзарб масалалари юзасидан фикр юритади. Услубнинг равонлиги, жозибадор тасвир ва чуқур фалсафий мушоҳада билан уйғунлашиб кетган фаол нуқтаи назар ҳар бир асарнинг таъсир самарасини оширади ва ўқувчини бепарво қолдирмайди. Улар бадиий маҳорат жиҳатидан ҳам ибратлидир.

ББК 84(5Ў)6.

ISBN 978-9943-00-201-2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2007.

Мен ҳам бир ота-онанинг арзанда фарзанди эдим. Афсуски, ҳар иккаласи камалимни кўрмай, бу дунёни тарк этишди. Илоё, отам Муҳаммади Саптор, онам Олия Устасоҳиб қизи мендан рози бўлишсинлар.

Ушбу китобимни камоли эҳтиром билан мени дунёда бор этмиш мўътабар зотларнинг азиз хотирасига бағишлайман.

М у а л л и ф

И З Ҳ О Р

(Ўтган йўлимга илк назар)

Мактабни битириш арафасида синф раҳбари томонидан «Ким бўлмоқчисан?» деган савол қўйиларди (бу, аслида, мустақил ҳаёт остонасида турган ўсмирга мўйсафид ва донишманд ҳаётнинг илк сўроғи экан). Албатта, «ҳамма ишни уddалай оламан» эмас, «уддалайман» деган ҳавойи баландпарвозлик хаёлни узоқ-узоқларга олиб кетар, жавоблар орзуларнинг олтинчи осмонидан топилар эди. Худди шундай кайфият билан мен ҳам ўша саволга «Журналист бўламан» деб жавоб берган эдим. Ўша пайт бу сўз қандай тилимга келиб қолган — билмайман, бироқ кўзанинг тубига тушиб қолган тилла тангадек тоғлар қаъридаги хилват қишлоқда унинг маъносини тушунадиган одам ҳам кам топилган, шекилли. «Ҳаким шарқшуносликка ўқир эмиш» деган овоза (рости, қишлоқдагилар луғатидаги янги сўз эшитганни беларво қолдирмаган) тарқалган. Бугунги кун даражасидан туриб шунини эътироф этишим мумкинки, ҳақиқатан, кимларнидир «журналист» сўзининг жарангдорлиги ҳам мафтун этар экан (устоз Очил Тоғаев ибораси), аммо бу соҳага кириш, унда бирор нарсага эришиш шунчаки омади гап эмас экан. Худди шундай, ҳаволаниб юрган ўсмирнинг ҳаёт билан юзма-юз келишидаги биринчи қадам натижаси мени олтинчи осмондан тошлоқ, чанглоқ заминга тушириб қўйган. Шарқшунослик институтига кириб ўқиш эмас, ҳатто Тошкентга келиш ҳам насиб этмаган, аксинча, Қаршидаги педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига сиртдан таҳсил олишимга тўғри келган (бунинг асосий сабаби — кўплаб фар-

зандларини ерга топшириб, охирида мени ушлаб қолган бағри сўхта онанинг истаги ва қартайиб қолган отанинг хоҳиши эди, десам, ҳеч ким ҳайрон қолмаса керак).

Не бахтки, ўқитувчилик оламида болалиқдаги барча орзуларим мустажоб бўлди. Мен чиройли кийиниб юришим, ҳар бир дарсимда бир янгилик жорий этиб, ижод қилишим, китоблар мутолаа қилиб, шеърлар ёзишим мумкин эди. Айниқса, завқи баланд улфатларни айтмайсизми? Улар билан гашт қилганда ёшликнинг барча синоатлари юзага чиқар, ўтган ҳар бир лаҳзанинг қадри баланд, мазмуни теран бўларди. Хуллас, мен ҳаёт уммонида чарх уриб, қулочимни кенг қўйиб яшар эдим. Ўша ичкари-ичкаридан туриб, пойтахт, вилоят ва туман марказидаги матбуот нашрларига найза отардим — тинимсиз шеърларим, мақолаларим, бошқа машқларимни жўнатиб турардим. Энди редакциялардан жавоб кутиб яшаш лаҳзалари — илҳақлик, изтироб ва аламлар, бу ҳолатлар ҳам умримнинг доимий ҳамроҳлари эди. Гўё узоқ-узоқларда эртақлардагидек шоҳона қасрлар ичида бир гўзал малак яшириниб олган, мен унга тинимсиз интиламан, бироқ етолмайман ва воз ҳам кечиб кетолмайман: тушларимга киради, мени қошига чорлайди, висол ваъда қилади. Баъзан жўнатганларим босилар ҳам эди. Айниқса, Маориф вазирлигининг обрўли нашри — «Совет мактаби» журналида «Хуснихат ҳам ҳусн», «Иншода эпиграф» сарлавҳали мақолаларимнинг чоп этилиши анча шов-шув бўлган.

Орадан йиллар ўтиб, ўша кунларни эслаганимда, ана шундай баландпарвоз ифодалар тилимга келди. Энди ҳаяжонлар босилган, мен ўша қасрнинг бир фуқаросига айланган пайтимда ҳали қандай савдолар бошимда турганини билмай, ҳис қилмай, истак отига муттасил қамчи босиб ирғишлаган ўша беғубор кунларим олтин лаҳзалар, чўнг лаҳзалар эканини тан олаяпман.

Мен ана шундай гўзал ҳаёт қўйнида эдим ва, эҳтимол, унинг бағрида бир умр шодон ва ошиқ ҳолда қолиб кетар эдим. Аммо борлиқда силкинишлар, одамлар ҳаётини остин-устун қилиб ташлайдиган серкўлам воқеалар ҳам рўй бериб туради. Худди шундай бўлди:

Александр Македонскийга ҳам бошпана берган, икки минг йиллар олдин дараларидан хитойликлар темир эритиб олган, яна кўплаб воқеаларнинг шоҳиди бўлган қишлоқ — Тошқўрғон ёппасига чўлга кўчирилди.

Янги жойдаги яшаш (кун кўриш) талаби, турмуш тарзи бутунлай бўлакча эди. Агар тоғда мана-ман деган йигитларнинг умри рўзфордаги ўтин-чўп (овқат пишириш, печга ёқиш учун)нинг гамида қариб кетса, бу ерда икки кунда бу юмушни эплаш мумкин эди — тирикчилик араваси ўнқир-чўнқир тоғ сўқмоғидан кенг, равон асфальт йўлга тушиб олган эди. Бундай рўшнолик кишанда ётган туйғуларга ҳам эрк берарди.

Чўлқувар бўлганимизнинг учинчи йили. Ғўзапояси ўрилган пахта даласида онам билан бир зум ҳордиқ олишга ўтирдик. Ўша пайтдаги ҳолат менга онажонимга юракдаги ишқим ҳақида сўз очиш имконини берган экан, лаб ёрдим: «Бу жойда кун кечириш осон экан. Рўзфоримиз енгил, келинингиз жуда ғайратли. Тирикчиликни бемалол кечирасизлар. Мен яна ўқимоқ-чиман». Онам ички кечинмаларимни сезиб юрардилар, ерга тикилганча жим қолдилар. Онамни ғайратлантириш учун болаликдаги эркалигимни қўлаб, яна қўшиб қўйдим: «Отам (бу пайтда падари бузрукворим Аллоҳ раҳматига кетган эдилар) битта институтда ўқитдилар, сиз иккинчисида ўқитолмайсизми?» Онам оғиртин олди-да: «Тошкентга кетсанг, қайтиб келмайсан-да», дедилар холос...

Таҳсил йиллари Эверестга йўл олган альпинистнинг ҳолатидек кечди. Бутун иродани жамлаб олдинга бир қадам қўйилади — бори шу. «Чўққига етиб оламанми?» деган истак гарчи юракнинг тубида яшасада, юзага балқиб чиқавермайди. Ўша бир қадам охириги қадам бўлиши мумкин ва исталган лаҳзада сафарни якунлашга тўғри келади. Бироқ ўша қадам заворли эди: машғулотларга муттасил қатнашар, тавсия этилган адабиётларни қолдирмай ўқир эдим. Ҳаёт тажрибаси енгил-елпи кун кечиришга эмас, келажакка жиддий тайёргарлик кўришга ундар эди.

Кейин нима бўлади — бу ҳақда ўйламас, келажак ҳақида ширин-ширин хаёллар суришга фурсатим бўлмас, балки хоҳламас эдим. Бутун энергиям шу кунни қаритиш ва янги кунни кутиб олишга йўналтирил-

ган эди. Бу шунчаки қўл қовуштириб, лоқайд ҳолда ўтириш эмас эди, аксинча, актив фаолият бўлиб, ўтаётган ҳар бир лаҳзадан ҳаққимни сўриб олардим, чунки бу кунлар менга қимматга тушганини, кеча сабоқ бериб, иншосини текшириб, баҳолаб юрган ўқувчиларим билан ёнма-ён ўтириб дарс тинглашга ўзимни гирифтор қилганимни билар эдим.

Дастлаб назария йўли билан, сўнгра амалиётлар жараёнида ўзим орзу қилган олам билан ошно бўла бошладим, лекин бу оламда қандай мавқе касб этишим мумкинлигини тасаввур ҳам қилиб ўтирмас эдим. Редакцияларда меҳнат қилаётган жонли одамлар кўзимга мўъжизадек туюлар, уларга сиртдан сажда қилиб юрардим. Ҳеч вақт уларнинг қаторига ўзимни қўйиб кўрмаганман, газетада бир саҳифа бўлиб мақолам чиқишини тасаввуримга сиғдира олмаганман (назаримда шундай шарафга эга бўлганлар тирик даҳолар эди).

Дипломни олгач, Қаршига келиб, обкомнинг бўлим бошлиғига учрашган лаҳзадаёқ менга ҳеч кимнинг кўзи учиб ўтирмаганини тушундим. Мен кўрсатмоқчи бўлган мўъжиза ҳеч кимга керак эмас эди. Демак, бу ёғини ҳам энди ўзим таъминлашим керак. Дастлабки иш жойим — «Қашқадарё ҳақиқати» газетаси чинакам Саҳройи кабир эди. Бу ерда ҳар қандай одамгарчиликдан йироқ шафқатсиз тартиблар ҳукмрон, уларнинг қуршовида ё ўласан, ё бўласан — тамом, бошқа йўл йўқ (балки унчалик эмасдир, аммо ўша пайтда менга шундай туюлган). Ана шундай муросасизлик одамни чийратар экан. Мендек ўз бошига ўзи ғовға сотиб олган одам бундай муҳитда таслим бўлиши мумкин эмас эди. Тиришиб-тирмашиб ишладим, ҳар ҳолда беш йил (1985—90) давомида жамоанинг эътирофини қозондим.

Тошкентга қайтиб келишим умримнинг баҳори бўлди. Негадир Тошкент кўнглимга яқин, худди унинг бағрида туғилгандайман — илк марта кўз очганман-у, нигоҳим унинг манзараларига тушгандек. Ана шундай меҳр билан бу азим шаҳарга интилдим. Нон-насибам қўшилган экан, уй-жой масаласи эртакнамо омаддек жуда тез ҳал бўлди. Бир кун ҳам ижарада яшамай, ўзимнинг эшик остонамга эга бўлдим. Ишларим ҳам шу даражада кетди. Меҳнат дафтарчамда ҳозиргача бир кун ҳам узилиш бўлгани йўқ.

Ҳақиқатан, Тошкентда миллатнинг гавҳарлари тўпланган. Бу фикрни ўз соҳамдаги кишиларни чама-лаб, яна бир карра тасдиқлашим мумкин. Қаламкашлик борасида жуда кўп ижодкорлар билан ҳамдард, ҳамдастлик қилиб келаяпман. Бу зотларнинг ҳар бири бир олам, ҳар бирида ўзигагина хос бирор нодир томон бор. Ана шундай камалақдек хилма-хиллик агар толиб бўлсанг, сени ҳар тарафлама мукамал қилиб камолга етказа олади. Айни лаҳзаларда мен яқиндан биладиган кўплаб беғубор, самимий инсонлар кўз олдимдан ўтаяпти. Уларнинг ҳар бири қайсидир даражада ҳамкасб, ака, устоз сифатида мен учун муқаррам мақомга эга.

Ана шундай диловарлик, рўшнолик журналистикадаги фаолиятимни завқли ва мароқли қилди. Турли таҳририятларда, турли лавозимларда ишлаб, юмушимдан, инчунин, танлаган соҳамдан бир бора ҳам норози бўлганим йўқ. Бундай мамнунлик, аввало, кишига куч бағишлайди ва шу туфайли ўзингни, табиийки, кучли ва ҳар ишга қодир, деб ҳисоблайсан.

Ўз касбимдан завқ олишимнинг сабаблари кўп. Менимча, уларнинг энг асосийси жами хатти-ҳаракатларим билан бу соҳани шарафлашга, унинг обрўсини оширишга интилганим бўлса керак. Негаки, журналистика инсониятнинг ўз тараққиёти давомида кашф қилган чўнг қадриятларидан бири. Одам авлоди такомиллашиб бориб, қачондир оловни, ғилдиракни, буғ машинасини, ички ёниш двигателини ва ҳоказо ихтироларни кашф этди. Ва шу масалада «оммавий ахборот воситалари» деб шартли номланувчи маданиятни инкишоф айладик, унинг ривожланиши жамиятнинг ривожланишига, жамиятнинг ривожланиши унинг ривожланишига боғлиқ бўлиб қолди. Бундай занжирсимон таъсирни бугунги тараққиёт эътироф этаяпти. Ҳа, эндиликда медицина ёки темир йўл транспорти замондошларимиз турмушида қанчалик рол ўйнаса, ахборот воситалари ҳам худди шундай кўлам касб этди. Албатта, шу даражада юксак мавқега эга бўлган маданиятнинг бир хизматкори сифатида олий ахлоқий тамойилларга амал қилиш лозимлигини дастлабки кунларданоқ мезон сифатида танлаган эдим.

Бу эътироф ҳавойи гап эмас. Эсимни танигандан

шу касб эгаларининг хатти-ҳаракатини кузатиб юриб, пулемёт билан пашшага ўт очган зотларни кўп кўрганман. Редакция гувоҳномасини дастак қилиб, магазинчиларни зор қақшатган, ошхоналарда бўкиб маишат қилган ёки кимларнингдир буюртмаси билан софдил одамларни бадном қилиб, ҳаётини заҳарлаган кишилар атрофимизда ёнма-ён яшашарди. Улар ҳақида жабрдийдалар ўта нафрат билан, аёвсиз сўкиниб гапиришарди. Буларни кўриб, тинглаб, буларга ўхшаш, улар сафига интилиш, назаримда, ахлоқсизлик эди. Яна ишонч ҳосил қилдимки, тамагирлик, арзимаган рўзгор кемтиги учун паст кетиш одамни заиф, қўрқоқ қилиб қўяр экан. Сафардан қайтган баъзи ҳамкасблар телефон жирингласа, безовта бўлаверади: кимнидир қўрқитиб ёки алдаб, нимадир ўндирган, шундан безовта, юрагини ҳовучлаб турарди. Ҳатто касбни пеша қилиб, тугинилган дўстликда ҳам самимият йўқлигига ишонганман. Демак, кўплаб ҳамкасблар йўл қўйган хатони такрорламаслик керак эди. Тўғри, бундай қилинганда баданинга эт битмайди, маълуму машҳур даврадагилар сени танимайди, пичофинг қуйруқ эмас, суяк устида бўлади. Масаланинг иккинчи томони эса маишатдан ўзингни тийсанг, нафсингни жиловлай олсанг, шахс сифатида, инсон сифатида камолга эришиб борасан. Юрак тозалиги, қалб софлиги ҳар қандай зиёли учун, айниқса, бировга сўз айтишга чоғланган ижодкор учун жуда зарур (талаб) фазилат. Зеро, «юракдан чиққан сўз — юракка, қориндан чиққан сўз — қоринга боради», деб бекорга айтишмаган.

Шундай қилиб, баъзилар учун эриш туюлган эътиқод билан яшайсан, шодон ва тўқ давралардан ажралиб қоласан, «авторитет» ҳам унчалик эмас, кўп масалаларда қийналасан, ва, ниҳоят, ҳаммасидан воз кечиб, эл қатори яшашга ўтасан ёки изланишга, «улар қила олмаган ишларни қилишга» — яхши, зўр нарсалар ёзишга мажбур бўласан — олға интиласан. Агар қадам собит, ният қатъий бўлса, нимадир содир бўлади — мақсадга етилади.

Бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Ўқувчига манзур бўладиган нарса яратиш учун фақат тақвонинг ўзи лозим бўлсайди, масала саксон фоиз, балки «тўқсон тўққиз фоиз» (М. Горькийнинг машҳур гапини эсланг) ҳал

бўларди. Энди шундан сўнг ижодкорнинг шахси, интеллектуал салоҳияти, гражданлик нуқтаи назари, у танлаган мавзунинг нечоғлик муҳимлиги, ҳаттоки, жамиятнинг унга муносабати сингари омиллар ҳам тарозига чиқади. Қолаверса, «энг яхши», «энг зўр» деб қўйиладиган талабларнинг ўзи ҳам нисбий. Шунданми, «мавсумий машҳурлар», «доимий машҳурлар» ва «абадий машҳурлар» бўлади. Хуллас, ҳамма тушунча ва мезонлар нисбий дунёда ўз ишингдан завқ олиб, фаолиятингдан мамнун бўлиб, янги бир асарнинг сарлавҳасини тоза вараққа ёзиб турсанг, шунинг ўзи улуф мукофот.

(Мен ўз изҳоримда беҳудага «маишат», «нафс» сўзларига урғу бераётганим йўқ. Шубҳасиз, ҳар бир одам маълум иқтидор билан туғилади, аммо ана шу иқтидорнинг заволи ҳам ёнма-ён яшайди. Атрофимдаги кўплаб одамларни кузатиб, уларнинг иқтидорига худди шу — маишат ва нафс завол бўлганига ишондим. Ҳаётга улуф мақсадлар билан катта қадам ташлаб кирган зотлар турмуш тарзини бошқара олмаган ва оқибатда оддий маишатбоз ёки нафс бандасига айланиб қолган ёхуд улкан истеъдодини тўла юзага чиқара олмаган. Афсуски, бизнинг «ўзбекчилик» деб аталадиган турмуш тарзимиз ана шунга кўпроқ имкон беради — маишатнинг тури кўп, ош кўп...)

Масаланинг бизга боғлиқ бўлмаган яна шундай томони борки, сенинг ўта «меҳнатталаб», «покиза»лигини атрофдагилар (ҳамкасблар, таниш-билишлар, ҳатто, оила аъзоларинг) қандай баҳолайди? Негаки, жамиятнинг бир аъзоси сифатида чеккада туриш мумкин эмас, қолаверса, тинчгина бир кунимни кўрай, ўз чопоним ичида иссиққина яшай, деганинг ҳам бировларга ёқмайди, «бу нега тинч юрибди?» деб, келиб товонингга тепишади. Журналист қайноқ ҳаёт ичида (касб тақозоси билан) бўлгани учун унинг атрофидаги одамларга ўз муносабат тамойили ҳам бўлиши лозим. Баъзилар риндона йўлни танлайди, айримлар «Ёмон бўлсам ҳам, яхши бўлсам ҳам ғийбат қилишади» деб, очик кураш йўлини тутади. Айримлар эса ҳеч кимни ранжиттиси келмай, «Тентакни қочган тарафига қув», талабига амал қилади. Хуллас, нима бўлганда ҳам, ижтимоий муносабатлар гирдобида одамнинг заминга чу-

кур кирган олтин қозиги бўлгани, қўйилган ҳар бир қадамидан сўнг шу муқаддас манзилга қайтиш йўлини ҳам чамалаб қўйгани дуруст экан.

Атрофдагиларнинг муносабати ҳамма нарсани бўлмаса ҳам кўп нарсани ҳал қилади. Агар ҳамкасблар даврасида меҳнатинг ҳалол баҳоланса, ишга рағбатинг кучайиб бораверади. Улфатлар даврасида ҳамма сенга қадаҳ тутаверса-ю, сен ҳеч кимни ранжитишни хоҳламасанг, бу ҳам маишатвозликка олиб борадиган бир йўл. Шуниси борки, аксарият ҳолларда оқни эмас, қора доғни тез кўрадилар. Мен бошқаларнинг ютуғидан ўз ютуғидек шодланадиган одамни кам кўрдим, лекин пашшадек айбингни филдек бўрттирадиганлар кўплаб топилади. Шунингдек, бошқа халқларни билмадим, аммо бизда янгиликни қарсак билан кутиб олишмайди. Унча-бунча интилишинг, ғалабанг «ўзимиз қаторида» деган жўн эътироф билан баҳоланади. Газетада босилган яхши мақоланг билан табриклаш учун ҳамма ҳам ўзида куч топа олмайди. Бу — оддий ҳол. Янги бир истеъдоднинг юзага чиқиши ўртамиёна ўнлаб ижодкорларнинг пилигини пасайтириб юборади ёки чироғининг ўчиб қолишига олиб келади.

Бу қайдлар шикоят ёки нолиш эмас, балки ижод, ижодкорлик табиатининг оддий манзараларидир. Демак, улар олдинги аждодларимиздан мерос бўлиб келади. Ахир халқимиз беҳудага «Жон чекмасанг, жонона қайда?!» демаган. Қоғозга туширилган (ёруғлик юзини кўрган) бошқа ижод намуналари каби, битиклар пастдан ва тепадан ёпирилган турли қаршиликлар, ҳужумлар, ёвлар устидан эришилган ғалабадир. Бу зафарнинг миқёси қай даражада эканини ўқиганлар баҳолайди.

Мен ҳам кўнгилда бир эзгу илинж билан ўз ҳакамларимга тортиқ деб, ёзганларимни саралаб жамлаган эдим. Публицистиканинг турли жанрларида ёзилган бу катта-кичик битиклар ўзи ҳақида ўзи сўзлайди. Гарчи уларда умумий ягоналик — бир муаллиф қаламидан чиққанлиги бўлса-да, мавзуси, кўлами, ҳатто, даражаси ҳар хил. Уларнинг ҳар бирининг ёзилишига туртки бўлган сабаблар ҳам турлича. Баъзилари редакциялар топшириғи билан ёзилган, баъзиларини турмушдан кузатганларим асосида ўз ташаббусим билан

қоғозга туширганман. Айримлари бир ўтиришда ёруғлик юзини кўрган бўлса, айримларини йиллаб узилишлар билан, тўхтаб-тўхтаб ёзганман (улардан шунақалари ҳам борки, мен унга сарф қилган қувват билан бир илғор ёзувчи роман яратиши мумкин эди).

Албатта, ниятнинг эзгулиги — яхши, аммо бирор нарсани жамоатчиликка ҳавола қилишдан олдин ички инсоф билан иш тутиш ёмон бўлмайди. Бу борада менинг андишам шуки, ўзбек бадий публицистикаси бой анъаналарга, салмоқли меросга эга. Унинг йирик вакиллари миллий маданиятимизнинг ардоқли намоёндалари ҳисобланади. Устозлар ижодида улар яшаган давр воқеалари бадий ифодасини топган ва бу асарлар ўша кунлар тарихини ўрганишда салмоқли мавқе касб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, юртимиз мустақиллигининг долғали лаҳзалари ҳақида кўп ёзилди ва бундан кейин ҳам бу жараён тўхтамайди. Халқ ҳаёти шунақа фавқулодда воқеликки, уни бирданига қамраб олиш, ҳатто оддий унсур ҳикматини инкишоф этиш мумкин бўлмай қолади. Халқ ҳаёти тарихи эса турли жанрлардаги минглаб катта-кичик асарларда акс этади. Муаллиф ҳам мислсиз ўзгаришлар жараёнининг жонли шоҳиди, иштирокчиси сифатида кўплаб воқеаларни шууридан ўтказиб, уларни иқтидори даражасида қоғозга туширган. Мабодо, уларда танги, дўлвор, бағри очиқ, содда-самимий халқимизнинг феъл-атвори, бой ўтмишга даҳдорлик аломатлари, бахтли келажакка муносиблиги-ю, мустамлака йилларидаги йўқотишлари сингари камалакранг сифатлари бир чимдим бўлса-да, акс этган экан, уларнинг қайсидир даражада зарурлигига шубҳам йўқ. Зеро, бир фарзанд сифатида зиддиятли замонда халқимизнинг тўғри йўлдан чалғимаслигини, ёруғ манзилларга тезроқ етишини истаганмиз. Бу борадаги ютуқлардан қувонган ҳолда, муаммолардан изтироб чекканмиз. Ҳеч қачон уйқу аралаш ёки лоқайд қиёфада бирор нарсани қоғозга тушириш мумкин бўлмаганидек, ёзганларимизда ўша пайтдаги кайфият кўчиши табиий эди. Қолаверса, чорраҳаларда, кескин бурилиш паллаларида ҳар қандай одамни енгилмас ҳарасон, ҳаяжон чулғаб қолади. Бизга ана шундай даврда яшаш насиб этди.

«Мен нима дейман, кўнглим нима дейди?» деган экан бир ўланчи. Дилда истак қат-бақат ва кўп бўлиши мумкин, бироқ насиб этгани, бошга тушгани ҳар доим истак билан уйқаш келавермайди. Мабодо, истисно тариқасида шундай бўлиб қолса, унда ҳар қандай шикоятга ўрин йўқ. Катта даргоҳлар эшигини тортиниб-қимтиниб очган бир мухлис улғайиб ўз сўзини айтиб турган экан, бундан ҳам шукр, ҳам фахр қилмоқ жоиздир.

«Бургутнинг парвози тоғнинг баландлиги билан ўлчанади», дейилади бир нақлда. Бошқасида эса «Қирга чиққан одам тоғни кўзлайди», деб таъкидланади. Қаранг, ҳар доим тоғлар кишилар назарида бўлади, улардан улуғвор фикрларни ифодалашда тимсол сифатида фойдаланадилар. Тоғлар шукуҳи, завқу илҳоми, тоғлар қаршисидаги бурч ва тоғларнинг қарзи янги парвозларга ундайверади, янги чўққиларга чорлайверади. Ҳали парвоз учун уфқлар кенг. Ҳали забт этилмаган чўққилар бисёр. Кўнгилда навқирон орзулар ҳамон жўш уради.

2007 йил, январь

ҚАЛПОҚ ВА КОВУШ ЎРТАЛИФИДА

БУ — ЎША, ОЛИС ВА ЯҚИН МУҲАББАТ

*Юрагимда баҳор янглиғ гулага туйғу,
Кўзларимдан қиш қоридек эриди қайғу.
Мудроқ босган киприклардан чекинди уйқу,
Сени таниб, ўзин топди девона дилим.
Наврўз бўлиб ҳаётимга кириб келдинг сен,
Гулим менинг, жоним менинг, менинг севгилим.*

Мен уни муаззам ҳайкал қаршисига чорладим. Дедики, «Кезинишларни хушламайман, ёмон кўзлар кўп». Яна айтдики, «Шундай уйқуга кетсам ва уйғониб, ҳаммасини унутсам». Кейин эса «Ўша оғриқларимни қадрлайман, ахир улар менинг йилларни қаритган умрим», деди.

Мен унга ўзим гувоҳ бўлган бир ҳаёт ҳақиқатини сўзлаб бермоқчи эдим. Эзгу мақсад эса ёруғ бир манзилни талаб қилади. Мен жаҳд этган ровийликда «ёруғ манзил» — Унга дунёда Муҳаббат борлигини, ҳали бу олижаноб туйғу тирик эканини эслатиб қўйиш эди.

* * *

Узоқдан чўпон қўналғасига кўзимиз тушгач, адашмаганимизга ишондик. Йўлда роса ичимизга ҳарасон тушди: нима бўлганда ҳам улоқиб кетмайлик-да. Бирор фожиа рўй бермаслиги мумкин-у, сарсонгарчиликни айтмайсизми? Дуч келган одамдан суриштириб келавердик. Йўқ, мўлжални тўғри олган эканмиз.

Тиниқ осмонда ожиз из қолдириб ўрлаётган тутун ҳаммамизни ғайратлантириб юборди. Ҳайдовчи ҳам газни қаттиқроқ босди. Яна қандайдир ҳангома нақл қилинди.

Бундай чексиз яйловни биринчи кўришим. Айниқса, майсалар ҳайратимни оширди. Йил бўйи қуёш тиғида ҳансираб ётувчи кенгликларни қандайдир тап-тақир ҳолда тасаввур қилишга одатланиб қолган экан-

миз. Серёгин баҳор саховатидан тўйинган замида турли майсалар шунчалар гуж униб чиққанки, танга ташласангиз елкасида тутиб қолади. Машинанинг қовурғали шиналари остида бир бўйин эгадилар-да, яна мафрур тураверадилар Атроф муаттар ҳидга тўлган. Бор бўйи — яшиллик. Ботаётган қуёш нурларида жами ранглар жилваланади. Сарин ел эсиб турибди. Ана шундай сеҳру нафосатга тўлган бахмал қирларда яланг оёқ ирғишлагинг, бағрингни ерга бериб, заминни қаттиқроқ қучгинг келади.

Эҳтиросга берилишга ҳали эрта, манзилга етиб бормаган эдик. Йўлда давом этдик.

Бу томонга тасодифан бошимиз оғди. Ишдан кейин ўзини воҳадаги барча чўпонларнинг эркаси деб билгувчи газета чорвачилик бўлимининг мудирини Бозор ака «Сизларни яйлов романтикасига бошлаб бораймиз? Михдай бўлади-да» деб қолди. Бу гап менга ёқиб тушди. Таклифни фотограф дўстимиз ҳам қувватлади. Машинани Бозор ака топадиган бўлди.

Хўжалик идорасида ҳеч кимни учратолмадик. Яхшиси, тўғри келган бир отарга бора қолайлик, барра тутаган бўлса, қўй қатиғи бор-ку, деган мулоҳаза билан йўлни давом этказдик. «Анови тепанинг ортида» деб қўйди. Бозор ака уйига тез қайтишга шошилаётган шофёрга таскин бериб. Келишув талаби бузилган бўлса-да, ҳайдовчи рози бўлиб, «Фақат тезроқ қайтамиз» дея янги шарт қўйди. Тепалиқдан кейин ҳам қарийб юз километр юришга тўғри келгач эса шофёрнинг дами бутунлай ичига тушиб кетди. Бир-икки марта машина жойида айланиб ёки сел кесган жарликка тикилиб қолганда хуноби баттар ортди.

— Хит бўлаверманг, шофёр — деди Бозор ака шодон. Яйлов ҳавоси ҳаммадан тез шу одамга таъсир қилгандек эди, — ҳаммамизни ҳам уйда бола-чақа кутиб турибди. Борамиз

— Шундайку-я. Меҳмон келиши керак эди.

— Меҳмонни ҳам бирга кутаверамиз.

— Бемалол.

Қўрадан бирданига учта кучук отилиб чиқди. Тап тортмай машина томон югуриб кела бошлашди. Хўрпайган жунлар остидан бақувват пайлари аниқ билиниб турарди. Машина ойналарини ёпиб олганча кута

бошладик. Анчадан кейин ўрта бўйли, ихчам гавдали одам ичкаридан ҳай-ҳайлаб чиқди-да, итларни қувиб юборди. Машина билан деярли остонанинг тагигача бордик, итларнинг ваҳимаси йироқлашмаган эди. Мезбон кучоқ очиб кутиб олди. У чайир, очиқ чехрали, кўринишидан анча дилкаш одам эди.

Чап томонда алоҳида қурилган меҳмонхонага кирдик. Тўғрида — бола-чақалар бошпанаси, ўнгда — бостирма, ҳовли уч томондан иморатлар билан қуршалган, дарвоза тараф эса девор билан ўралган. Яқин-атрофда жон зоти йўқ, кўзга кўринадиган жойдан шу хонадонгина қўнқайиб кўринса-да, ҳовли-жойнинг пана қилиб олингани, мустаҳкам дарвоза, яна деворда ташқарига чиқиш учун икки жойда эшиклар ўрнатилгани хонадон соҳибининг миллий анъаналаримизни жуда ҳурмат қилишидан, «Деворсиз ҳовли — ҳаёсиз аёл» сингари эътиқодни мустаҳкам тутишидан далолат берарди. Бундай орасталик қалб торларининг энг но-зик пардаларига тегиб ўтди. Кишида ғойибона ҳурмат ҳисларини қўзғади.

Қўл чайиб, даҳлизга чиқдик. Кўчма электр қурилмадан хира ёритилган сўл тарафдаги хонада ерга кўрпачалар ташланган, ёстиқлар қўйилган эди. Юзга фотиҳа тортиб, узоқ ҳол-аҳвол сўрашилди. Дўлан ака (мезбон) Бозорқулни ростдан яхши танир, қадрдон эканлар. Ўзаро ҳазил-мазоқ гаплар бўлди.

Уй ичи унчалик совуқ эмас, шунингдек, унчалик иссиқ ҳам эмас. Эт бир оз жунжикади. Тўрда эргачак — бир жуфт силлиқ тахта оёқлар устида ўрнатилиб ясалган, унга бўғча, бўғжамаларда кўрпа-тўшаклар, тозалик моллар турмакланиб, тахлаб қўйилган. Бўғчаларнинг ҳар бирига соч ўрмидек қилиб оқ пилтадан «кокил»лар ясалган, учидаги ип толалари буғдой бошоғидек ғужланиб, пўпак қилинган, пўпаклар турли ранглардаги иплар билан безатилган. Бўғжамаларга кўндалангига икки қатор қилиб ўрмақда тўқилган шероз тортилган. Жойнинг тепасига оқ чойшаб қопланган қуроқ ёстиқлар тахтланган. Хона турли дала кўкатлари ва арзон атир ҳидининг қўшилуvidан муаттар бўйга тўлган. Пойгақдаги қора печка ҳам умумий манзарага жон киритиб тургандек.

Ҳадемай дастурхон ёйилди ва сопол косаларда қатиқ

тортилди. Дўлан ака ўзича меҳмонларга гиргиттон бўлар,

*Яхшининг юзи жаннатдир,
Ани кўрмак ғаниматдир, —*

деб шеър ўқир, «Энди, бир келибсизлар, шошилмай-сизлар», деб такрорларди. Қатикхўрлик бошланди. Косадаги оқлиқ йиргимчик кефир ёки реяженка эмас эди, балки йигирма қадам наридаги қўтоннинг қўйидан сут соғиб тайёрланган чинакам чорва неъматиди. Шаҳарликлар табиат музейига кириб қолган биолог олим каби ҳар бир нарсага суқланиб қарашар, дастурхондаги бир оз суви қочган, ранги хирароқ нон ҳам мўъжизадек туюларди.

— Қатик ҳаққат зўр экан, — деди биров бўшаган косасини четга суриб.

— Ҳали ҳам унчалик эмас. Қатик кеч кузда тобига келади. Унда бир косаси ҳам ёради-да.

Гап қатик устида кетди. Кимдир Зармитанда қатикни косада увитишларини, уни пичоқ билан кесиб ейишларини айтиб қолди. Тошқўрғон, Деҳқонобод, Вори қатиклари тилга олинди. Қуртова, шулла, чалоп, коччи деган овқатлар эсланди. Бироқ мезбондан дарак йўқ эди. Ташқарига чиқиб, нима эканлигини билиб келишга темир совут керак — бўрибосарлар шундоқ остонага бошини қўйганча кўзини лўқ қилиб ётибди. Шофёр ҳам уйини унутган, қатикқа фарқ бўлгандек жим эди. Ташқарида шамол қўзғалди, шиферланмаган томнинг тарновларини тақиллатиб, увиллай бошлади. Меҳмонларнинг баъзилари секин пинакка кетди.

* * *

Эшик ғирчиллаб очилди-да, қўлида иккита бутилкани осилтирганча Дўлан ака кўринди. Бемалол жойлашиб ўтирар экан, «Ҳозир овқат ҳам келади», деб қўйди. У бизнинг шошаётганимизни, қайтишимиз кераклигини бутунлай унутган, эслашни ҳам хоҳламасди. Чўпон халқининг феъли шундай бўлади. Рухсат ҳам сўрамай шишани очди, пиёлаларга қўйиб узатди.

— Буғой солдим тегирмоннинг дўлига,
Икки кўзим меҳмонларнинг йўлига, —

дебди машойихлар, — ароқ очилгач, албатта, шеър айтиш қоидадек, қадаҳ сўзини байт билан бошлади чўпон, — тўл пайти келмадингизлар, гинамиз бор. Бар-ра бўлмаса, ширвоз-да, қора кабоб келгунча биттадан олайлик.

Қадаҳлар айлана бошлади. Ҳар куни бир-бирини кўравериб, дийдорига тўйиб кетган ҳамкасблар — поезд жадвалидек бир хил турмуш тарзига ўрганиб қолган шаҳарликлар кенгликлар султони — Дўлан чўпондан кўпроқ тинглаш, уни кўпроқ гапиртириш истагида эдилар. Сизгандек, чўпон ҳам қараб қолмади, дунёнинг у четидан кириб, бу четидан чиқа бошлади. Айниқса, ароқ сархуш қилиб, гурунг ҳам гўпира бошлагач, эҳтирослар алангалади, ҳамма умумий бир гулхан тафтига тобланаётгандек бўлди.

— Шаҳарнинг кун кўрмаган қизларидан олиб келмабсизлар-да — деб қолди Дўлан ака.

Бу гап ҳеч кимни ажаблантирмади. Разолатта чўмиб кетаётганда қип-яланғоч одам ҳам шундай ажаблантирмайди. Фақат гап мавзуи бошқа томонга — собиқ раис билан чўпонларнинг жанжалига бурилиб кетди.

— Эси бор раҳбар бизлар билан тирашмайди, — деди Дўлан ака, — мен, Ҳайит Бойқул — серкамиз, сурувни исталган томонга бошқарамиз. Нима бўлди, ўзи бевурд бўлиб қолди. Биз машиналарни, — ҳовлида қатор турган уч машинани кўрсатиб, — бармоқ қайириб олганмиз. Бутун ҳеч кимнинг чўпоннинг таёғига кўзи учиб ётгани йўқ. Ҳамма нарсани яхши тушунамиз. Э, ука, чўпонни сурувда давлатнинг молича чаганаси бўлмаса, судралиб юрмайди. Олинг-э, совимасин.

Ҳарорат анча кўтарилиб қолгандек эди, телпақларни ечиб, бош яланг бўлиб олди. Тўшакка яна биттадан ёстиқ қўйиб, баралла ёнбошладик. Гурунг қизийдигандек эди. Бу орада учта катта товоқда кабоб келтирилди. Обдон қиздирилган ёққа ташлаб олинган ёш қўй эти балиқ гўштига ўхшарди. Дўлан ака қип-қизил бўлиб пишган қовурдоқларни меҳмонларнинг олдига суриб, илтифот қилди. Унинг бармоқлари калта қўлла-

ридан самимият силқиб турарди, кўзларида маъсумлик бор эди. Бу одам оёқ етмас жойларда унган майсадек тоза кўринарди. Унинг чеҳраси, мўйлови бўлмаганда, меҳрибон ва кўп болали аёлнинг рухсорига ўхшарди. Кечирасиз, мен — хушёрман, у билан беш дақиқа гаплашган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши шубҳасиз.

— Бу нарса кўп яхши-да, — деди навбатдаги пиёлани бўшатиб кўяр экан, — одамнинг чеҳрини очади. Айниқса, даврангда қора қошлардан бўлса, — кейин хижолат бўлгандек ҳолга тушди-да, ҳазилини оқлайдиган оҳангда гап бошлади. — Ўн саккиз йил тоатибодат қилдим. Рўза-ю беш вақт намозни тарк қилганим йўқ. Домлам қаттиққўл эди. Нишонга кўчиб келдик-у (бизлар асли Тожикистонданмиз), кўп нарса ўзгарди

Айтишича, «бош олиб чўлга чиқиб кетган». Дастлаб мажбур қилиб ичиришган, оғзига теккач, йўқотган фароғатини топгандек бўлган. Энди эса хумор қиладиган бўлиб қолибди.

Қия очиқ эшиқдан шамол уриб турибди. У узоқ-узоқлардан хилма-хил майса бўйларини, энди очилаётган гуллар ҳидини олиб келмоқда. Буларнинг ҳаммасига чўпон кўрасининг қадрдон иси қўшилиб кетган. Элас-элас кўзичоқларнинг маърагани қулоққа чалинади, узоқда ит увиллаб ҳуради. Кейин бирданига сукунат чўқади, у баъзан бизнинг қайноқ даврамизни ҳам эгаллаб олади. Шунда борлиққа қулоқ тутсанг, муаззам бўшлиқда фақат шу чўпон хонадонида, хира чироқ атрофидагина ҳаёт бордек, теварак-атроф узоқ-узоқларга чекингандек, ҳаракат тўхтагандек туюлади. Бирдан турфа хил бўйларга тўйинган эпкин оқланмаган деворлар бўйлаб кезинади, кейин бизнинг юзларимизни силаб елади, мудроқ кўтарилади-да, суҳбат давом этади. Энди даврадан бегонасираш бутунлай кўтарилган, ҳамма бир-бирига илтифот қилар, айниқса, Дўлан аканинг самимияти, овозидаги ажиб мусиқа даврадагиларни маҳкам бирлаштирган эди. Мезбон бошидан ўтганларини сўзлар экан, у меҳмонлар учун яна ҳам қадрлироқ туюлар, қандайдир туйғу унинг сўзларини бўлмай тинглашга ундарди. Унинг кўп умри хилватда кечган, одамларнинг лойқа оқимига кам ара-

лашган, шунданми, кишининг аксар болалик ёки йигитлик даврига хос қилиқлар, хотиралар заҳа урмай, бисотида тоза сақланган эди. Баъзан чуқур «уф» тортар, баъзан жўн аскияга ҳам қаҳ-қаҳлаб куларди. Андиша сақлаб ўтирмас, одобсиз гапларни ичига ютмас эди. Яна пиёлаларни айлантитар экан:

— Мен бир мажнун одамман, — деди мағрур, кейин «культурний» эканлигини ҳам кўрсатмоқчи бўлгандек ғайри тилдан сўзлар қўшиб гапира бошлади, — бу дунёда идеалний кишилар билан ошно бўламан. («Туда» эмас) куда-суда қиладиган бўлса, қўл силтаб кетаман. Мен Мажнунман, — овози ўктам ва дадил эшитила бошлади. — Муҳаббатим юрагимда қолган, — у нафасини ичига ютди ва баралла шундай деди: — 39 йил бўлди... Чин ошиқлар бир-бирига 40 йилда эришар экан.

Дастлабига кинояомуз кулиб турган эдик. Ҳадеб «сочи узун»ларни эслайверганига «сайёҳларга» озиқланган чўл шақолидек таассурот қолдирганди. Энди эса юракдан чиқариб гапираяпти. Дўлан ака қалб дастурхонини ёзмоқчидек туюлди. «Неча замонда бир от ўйини», дейишади. Ошиқ ўз муножотини сўзламоқчи экан, қулоқ тутмай нима бўлибди? Ахир бу дард ҳеч бир юракни четлаб ўтмаган-ку.

Дўлан ака болаларча бокира кунларини эслаб кетди.

* * *

— Ёлғиз йигитман, фақат бир синглим бор, — чуқур сўлиш олиб гап бошлади Дўлан чўпон, — ўн саккиз ёшгача бўлган умрим иситмадек эсимда қолган. Оч-юпун яшаш. Падару волидам нариги дунёга шошиб, эртачи жўнаб қолишган экан. Амакимнинг қўлида ўсганман. Шу десангиз, урушдан кейинги вақтлар, йил офир. Қўй боқаман. Кўнглим маърифат истаб, муллага бордим. Қабул қилди. Зеҳним тез, айтганини айтгандек илиб оламан. Кўнгли ярим одам, яхши сўзнинг гадосиман. Қўл-оёғим енгил, бўз бола. Устозимнинг ихлоси тушиб қолди. Уй ишига ҳам қарашиб юрдим. — Дўлан аканинг кайфияти кўтарилиб кетди, очилиб сўзлай бошлади. Сухбатдошлар ҳам илмоқли саволлар ташлаб, тилини қичитардилар. — Домлага ихлосим чек-

сиз, бутунлай измига бўйсундириб олган. Тилимдан калимаи шаҳодат тушмайди, беш вақт намозни қазо қилмайман, тавба-тазарру, тоат-ибодат. Дилим пок, кўнглим равшан, — бир оз тин олиб, давом этди. — Қурбақада ҳам ҳавас бор, дейдилар. Домланинг қизларига ишқим тушиб қолса бўладими? Ҳа, бу калнинг кўнгли подшолик истамай қолсин, етимлигим, оч-юпунлигим етмасмиди? Мулламу гуноҳу савобни шунчалик уқтирганки, савоб учун яшайман, гуноҳнинг кўчасига кирмайман, деб онт ичганман. Инчунин, қизга тегинишдан мислсиз гуноҳ йўқ-да. Бировнинг хотинига суқланиб қараш ҳам гуноҳи азим. Эй, бир мажнун одамман, муҳаббатим юрагимда қолган.

Ишқ саргузашти тилга кираётган эди. Дўлан ака шоҳ достонининг авжига яқинлашаётган бахшига ўхшарди. У чирпанарди, безовталаниб, ёстикни гоҳ у тиззасига, гоҳ бу тиззасига айлантирарди. Пиёладаги чой алақачон совиб қолган, тун эса тобора қоронғилашарди.

— Шу йўсин уч йил ўтди, — суҳбатини давом эттирди у. — Домланинг юзига оёқ қўймадим. Фаросатли одам эди, балки менинг ишқимни сезгандир, бироқ бирор марта панд бермади. Кунига бир-икки бор қизнинг бўйини узоқдан кўрсам бўлди. Куни билан дилим ёруғ бўлиб юради. Бир марта қўлидан ушлаганман. Тикарчага кўпчилик ўтин теришга бордик. Йўлда дарёдан ўтиш бўлди. Орқамдан келаётган экан, қирғоққа чиқишда қўлимни узатсам, қайтармади. Бармоқларининг тафти ҳалиям кафтимдан кетгани йўқ, 39 йил бўлди. Рўзи қиёматда ҳам оқ билагим меники. Буни эрига ҳам айтганман. Ҳе, оғалар, чинакам ошиқлар бир-бирини кўриб юриш учун севади. Моҳ билан Муштар ҳам шундай бўлган-да. Гоҳида юзма-юз келиб қолар эдик. Оҳ, шу чоқ бутун дунё залворини ташласа Дўланнинг елкасига, у отса палахмон тош қилиб Миррихга томон. Қиз ҳам суяди, юрагим билан сезаман. У менинг меъратул амолим эди, мумкин бўлса, куни билан ўтириб жамолига термулсам. Ана шундай кўйга тушдим. Ишқ ҳам йигит юрагининг бир жавҳари экан.

Мезбоннинг ҳикояси анча мароқли эди. Уни қиёматга етказиб ёза олмаганлигимдан хижолатдаман. Фақат кўз олдимга эгнида одми чопон ва кўй терисидан тел-

пак, белини сириб боғлаган ўспирин ва адрас мурсак кийиб, шол рўмол ёпинган қиз келаверади. Илк баҳор очилган бодом гулларидек қирмизи ранг туйғулардан музайян қалбларда орзу кўпиради. Улар ёнма-ён туришибди. Йигитнинг тили айланмайди. Айтадиган гаплари шунчалар кўпки, қай биридан бошласин. Қиз ҳам бошини эгтанча сукутда, фақат бармоқлари билан рўмолининг сачоқларини ўйнайди. Илоҳий ҳолат — шу чоқ ер ўз меҳваридан чиқиб, икки ёш атрофидан айланаётгандек. Теварақдаги жонли ва жонсиз ашёларнинг кўзи — шуларда. Икки мусаффо қалбда эса Одам Ато ва Моҳо Ҳавво умридан мерос қолган мангу қўшиқ садо беради, оқ қоғознинг тоза юзида илк марта биринчи сўз ёзилади: ишқ.

Чўпон сўзлаш, балки куйлашда давом этади. Биз, сомеъ одамлар эса мезбоннинг кўнгли учун эмас, сидқидилдан берилиб тинглаймиз. Ростини, оқшом денгизига фарқ бўлиб кетаётган чексиз Сулувмайдон яйловини кезиб, бу қўналгани излаганимизда ҳафсалам пир бўлган, нафас ростлайман-у тез ухлайман, деб ўйлаган эдим. Бунини ҳозирги мутаассир ҳолатимга қиёс қилинса, мўъжизага дуч бўлгандайман. Дўлан ака энди секин, салмоқлаб сўзларди.

— Амакимга сўз очдим. Домлага оғиз солган экан, қайтармабди. Бахт куши бошимга қўнгандек қувондим. Домла покдомон одам эди, ўзи эргаштириб бир кун бозорга олиб тушди. Тўйга қўй керак эди. Анча йўл тортиб борсак, бозор — карантин. «Келаси бозор келамиз», деб далда бердилар устозим. Амакимнинг ҳам ҳеч вақоси йўқ. Келиб, «иш битмади», дедим. «Бўлмабди-да», деди. Келаси бозор, энди, қўймаса бўладими? Баттол, харажатдан қочдим, бошқа фикрга бордим, «бормайсан» деб олди. Худонинг зорини қилдим, ялиндим, ёлвордим — кўнмади. Шундан кейин домлага ҳам, қизига ҳам кўринишга юзим бормади. Бахтимдан айрилдим. Энди бу жойлар менга бегона эди. Ҳайт дедим-у, ташлаб чиқиб кетдим.

— Исми нима эди у қизнинг?

— Гуноҳга ботсам ҳам айтай: Зулайҳо.

Дўлан ака бу ҳикоясини тез-тез сўйлаб турса керак. Балки етим қалбига шундан таскин олар. Гарчи овози мунгли ва бўғиқ эшитилса-да, чехрасида ҳам

кўланкаси йўқ эди. Аксинча, аччиқ тақдир ҳазили — йигитлик орзусининг бир қўй туфайли барбод бўлганига киноя рамзи сифатидами, юзига ним табассум ёйилган, ғалати жилмаяр эди. Кўзидаги шуъла хира тортган, ўзи ҳам муштдек бўлиб қолган эди.

— Пешанамга яйлов тўла қўй ҳам ёзилган экан, — деди қаддини кўтариб, — ҳозир хоҳласам битта эмас, ўнта-юзтасини сўйиб ташлайман. — Пиёлаларга чой қуйди. Дўлан ака ёш бола эмас, йиғлоқилик даврлари ўтган. Бир зум тин олди-да, ғамгин ўтмишидан баралла бугунги шодлигига қайтди:

— Зап келибсизлар-да, Бозорқул.

— Олдин қўра яқинроқда эмасмиди? — деб сўради фотограф.

— Шундай эди. Бу қўрада икки тўлни ўтказдик-да. Эй, бу чўлга Хўжаи Хидир алайҳиссаломнинг пойи қадами теккан. Барака ҳам, бойлик ҳам, давлат ҳам шунда. Уч марта тўй қилдим. Қанча ошна-оғайни, таниш-билиш келиб-кетди. Ҳаммаси хурсанд. Барибир кўнглимнинг бир томони бўш-да.

— Янга қариндошларданми?

— Аёлим — тожиклардан. Одамнинг фарқи бўлмайди. Биз ҳаммамиз Нуҳ пайғамбарнинг авлодларимиз. Аёлим ҳам чўпоннинг қизи. Тожикистондан келиб, анча юрдим. Бўлмас экан. Овулдошлар эплаб, тушириб берди. Худога шукр, хурсандман. Ўн фарзанд кўрдик. Учтасини ерга қўйдим. Уч ўғил, тўрт қиз. Бадавлатман. Болалар соғ бўлсин. Мол-дунёда-ку вафо йўқ.

— Зулайхо ҳақида янгага айтиб берганмисиз?

— Мен бир ичи яланг одамман. Бунча нарсани сиғдира оламанми? Айтганман.

— Рашк қилмайдиларми?

— Йўқ, тушунади. Кулади. «Яхшиям ўшани олмасиз, бўлмаса, сизни қаердан топар эдим», дейди. Аёлимдан ёлчидим. Шу пайтгача бир оғиз ёмон гапирганим йўқ. Бошимда тутиб юрсам, дейман. Яқингача хамирини ҳам ўзим муштлаб берардим, фақат тандирда ёпарди.

Дўлан ака:

— Дунёнинг ширини аёл билан-да, — деди-да, нашъа қилиб кулди. Унинг бирор жиддий гап айтишга майли бор эди.

— Кенгаш, курултой, деб ресторанга ўргандик, аёлга ўргандик. Бир йил йўлланма билан Ригага бордим. Ёлғиз қари кампирникида турдим. Худди ўғлидек яхши кўриб қолди. Тўрт кундан кейин бошқа шаҳарда ишлайдиган қизи таътилга келди. Йигирма олти ёшда, ўқитувчи бўлиб ишлар экан. Уларга фарқ қилмас экан, онасининг ўзи рози бўлди — бирга яшадик. Дунёга янгидан туғилгандек бўлдим. Ҳамма алам-у ҳасратларим чиқиб кетди. Қоматини... Лабларини нақ гунча дейсиз...

Кейин палов дамлагани ва бошқа майда тафсилотларни ҳикоя қилиб кетди. Мен эса томирида олов оқаётган осийлик билан шимол гулини бирга тасаввур қилиб, «Оғзи куйган одам сувга югурибди-да» деб ичимда куддим. Барибир, одам зоти майлларини енга олмас экан-да. Ажаб, мураккаб инсоний муносабатларни тартибга солиб турувчи ахлоқ қонунларига қачон кўпроқ амал қилишган? Хуллас, муайян инсонга севгининг илоҳийлиги («кучи») қай даражада? Ишқи мутлақни борлиққа эмас, руҳга йўналтирган таълимот, назаримда, жуда мукамал туюлди.

Сухбат поёнига етиб борарди. Дўлан ака узоқ айрилиқдан кейин Зулайҳо билан илк учрашувларини ҳикоя қиларди.

— Эрга текканини, бир нечта фарзанд кўрганини билардим. Синглим ўша ерда яшаётган, бориб турардим. Эшитишимча, эри мени юзига солиб қийнар экан. Орадан кўп йиллар ўтди, сочга оқ тушди, набирали бўлдим. Лекин юрагим ўшанда қолган.

Бир боришимда тўйга «қуллуқ бўлсин» баҳонасида кўришга аҳд қилдим. Куёвга тўёна деб бир яшик ароқ олдирдим. Бир оғайним, куёвим — уч киши бўлиб бордик. Дарвозадан киришим билан югуриб келиб эрининг кўзича кўришди. Уйга кириб ўтирганимизда чиройли қизил гулли чойнакка чой дамлаб, пиёласи билан олдимга келтириб қўйди. Ўзим қуйиб, ичиб ўтирибман, ҳеч кимга узатмайман. Эри тилга кирди:

— Чойдан бизларга ҳам узатинг.

— Узатмайман, — дедим, шу кеча ҳамма нарсага тайёр эдим. — Бу чой мен учун «заказной» дамланган.

Чиқиб кетиб, бошқа чойнак олиб келди. Овқат келгач, ароқни бошладик. Сувдек кетади. Ҳар хил гап-

сўз бўлаяпти. Ўн олти шиша бўшади. Ҳамроҳим ётиб қолди, куёв кетди. Аста гап бошладим:

— Хотинингни бузуқ дер эмишсан, нима гувоҳинг бор, — дедим.

Гапни айлантиради, куда-суда дейди. Икки кўзим белидаги пичоғида. Хотинини чақирди.

— Хотинлар Олло-таолодан эркакни сўраб келган, хизматини қилай деб. Сен нимага буни хўрлайсан, — дедим. — Додингни кимга айтсанг ҳам суйганман, лекин хиёнат қилмаганман. Қўлидан бир ушлаганман. Қаерга борсанг ҳам қиёматда оқ билаги меники.

Зулайҳонинг дийдаси тўла ёш, сел бўлиб йиғлайди.

— Йиғламанг, айтинг — дедим. Гапириб, унга қараганимда юрагимнинг бир тори узилиб кетгандек бўлди. Кўзини ердан кўтарди.

— Бу дунёда эрим ҳам йўқ, ўн уч болам ҳам йўқ, — деди аёл баралла менга қараб, — сиз учун яшаяпман.

Эрининг ранги қув учди. Эгилган бошини кўтарди-да:

— Қойилман, — деди хириллаб ва йиғлаб юборди. — Менинг ҳам суйганим бор эди, мен ҳам ета олмадим.

Кўзимга ёш келса-да, куч билан тўхтатиб қолдим.

Мижжа қоқмай тонг оттирдик. Эри ҳам мард экан, бошқа гап-сўз қилмади. Эрталаб чиқиб кетдик. Чин ошиқлар қирқ йилда дийдорига эришар экан. Шунга бир йил қолди. Мен ҳам келаси йил ниятимга етармиканман-а?

Ҳозиргина ўлимдан ҳам қўрқмай рақибига тик қараб, нафсониятини ҳимоя қилиб ўтирган довурак одам бир зумда ёш болага айланиб қолган эди. У бизнинг бир оғиз гапимизга мунтазир, бизнинг истагимиз билан ҳамма нарса ўрнига тушадигандек, жўла-йиб термиларди.

— Етасиз, етасиз, — дедим астойдил, — яхшиси, куда бўлиб қўя қолинг.

— Шундай гап ҳам бор, синглим ўғлига бир қизини сўратган экан, эри кўнмай турган эмиш.

— Хўп, тўйларга келайлик, — Бозор аканинг бу гапи туришга ишора эди. Мезбон «кеч бўлди, қолинглар» деб астойдил ўтинди.

— Ҳикоянгиздан кейин хотинимни тезроқ кўргим

келаяпти, — деб ҳазиллашди шофёр. Ҳаммамиз кулишдик.

Шаҳар томон йўлимиз тез ўнди.

* * *

Ҳар хил ғалваларга тўла шаҳарда икки-уч кун бошим баттар айланиб юрди. Тўғриси, ташвишлар (улар хийла бачкана ва жўн туюлди) гирдобиди кўнглимиз қадрдон ҳислардан чекиниб, қалб тақирлашиб бораётганлиги ҳақида ўйлар миямни эзарди. Ҳар куни эрта-лаб шошиб ишга келиш, тош деворлар ичида диққи-нафас бўлиб, қисилиб ўтириш ва шом қоронғисида ҳорғин уйга қайтишда, дам олиш кунларидаги ҳомуза тортиб зерикишларда бирор маъно йўқ. Тирикчилик ташвишларига фарқ бўлиб кетсанг-у, мангу ардоқли кишиларинг, ўз саждагоҳларинг бўлмаса, умр қарзга олинган буюмдек бўлиб қолар экан. Мулоҳазаларимдан яна бир нарсага ишондимки, бу тезкор асрда яшаш худди бир қадам қўйиб, кейин эса шу қадам изини кўмиб ёки супуриб ташлаб, иккинчи қадам қўйишга ўхшайди. Оқибатда, орқага қаралса, теп-текис бўшлиқдан кетаётгандек бирон из кўзга ташланмайди. Ҳар куни янги бир киши билан сўрашамиз. Эртага уни унутишга мажбурмиз. Бугун яна янги одамлар, янги таассуротлар. Гўё қалбнинг теп-текис равон кўчасидан дунё бир марта сирпаниб ўтади ва қайтиб қадам ранжида қилмайди. Яна ҳаракат шунчалар тез, оқим шунчалар кучлики, ҳаммасини илғаб олишга улгуриш ҳам қийин. Шунданми, шошиб юриш одат бўлиб қолган. Шошиб ишга борилади, шошиб автобустга чиқилади. Ошхонага шошиб кирилади ва, ниҳоят, дунёдан ҳам шошиб ўтиб кетамиз. Аслида, дунёнинг иши чала-лигича қолаверади. Демак, дунёнинг ишини ҳам чала қолдириб, одамлар мангу маконларига йўл оладилар. Ҳолбуки, тафаккурда сабр деган улуғвор тушунча бор. Еллар визиллаб кезган қирлар панасида чексиз сабр водийси ястаниб ётгандек гўё, унга назар солган одам, эҳтимол, туянинг думи ерга текканини, суяклар сурма бўлганини, кўз ёшлар дарёсида балиқлар сузаётганини, сочларнинг қоп-қора зулматида оппоқ тонглар отаётганини, тирноққа қадалган киприклар униб чиқаётганини, ғўрадан ҳолва битаётганини кўрган бўларди.

Бу водийнинг фуқаролари орасида чўпон Дўлан ака ҳам бўлса ажабмас. Ахир у 39 йилдан буён сабр қилиб, илк муҳаббатини кутаяпти-ку! Шунча йиллик қаноат олдида ерни ўпса ҳам арзийди. Шунда ўзимдан «Менинг ҳам қалбимда 40 йиллаб сақлашга муносиб туйғуларим борми?» деб сўрадим. Бор экан, бироқ уларнинг бири ҳам муҳаббат деб аталмайди. Наҳот мен бу буюк мўъжизага бир бор дуч келмадим?

Чанг босган шаҳар кўчаларини кезар, тирикчилик кетидан чопиб юрган одамларни кузатар, инсон номи-ни хўрлайдиган бадбўй гап-сўзларни эслар экансан, мусаффолик хилватларга чекиндимикан, деган андишага ҳам борасан. Менинг кўз олдимга эса оқшом денгизига гарқ бўлиб кетаётган чексиз Сулувмайдон яйлови келаверади. Шунда Дўланнинг сўлаги оқиб айтган баъзи гапларини, Рига саёҳатини эслаб, унга сидқидилдан ачинаман. Покиза дунёда эс таниган, дунёга пок оёқ билан қадам қўйган бу мардумни одамлар бузган эди. У шу ҳолида балаңд тоғларда ўсадиган кийик ўтига ўхшарди. Унинг томирига ҳам селитра қуйишган, бангига айлантириб, бозорбоп қилиб ўстиришганди. Бепарда гапларни оғизга оларкан, оқ кўнгиллик билан бундай суҳбат гуруннга файз қўшади, деб ўйлар, одобсизлик қилаётганини сезмасди. Қолаверса, унинг қалб кулбаси зимистон эди, севгисига етолмаган, юлдузидан мосуво бўлганди. Бундай кишилар қоронғи кечадаги чироқсиз одам каби тақдирнинг турли кўчаларига кириб кетишлари, тўғри келган дарвозага бош уришлари мумкин. Эгасиз ҳовлининг посбони бўлмаганидек, келиб-кетувчиларнинг кимлиги ҳам унча фарқланмайди.

Олтмишга яқинлашиб қолган Дўлан ака менинг тасаввуримда анча маъсум эди. Ҳа, «ошиқлар бир-бирини кўриб юриш учун севадилар», деб яшаётган бобо севгининг қудрати бадан лаззатидадир, деб ўйловчи баъзи ўсмирлардан маъсум, тоза эди.

Хаёлимда оқ нурлардан ана шундай сурат яралди ва у билан яшай бошладим.

* * *

Шундай кунларнинг бирида У дуч келиб қолди. Ҳар доимгидек паришон, саргашта хаёллари қўним

билмасди. Унинг деярли менга аталган янгилиги йўқ эди, мен эса худди қор одамни кўргандек, биз билан ёнма-ён, қўл етгудек жойда бир хилқат яшаётганидан уни хабардор қилишга шошилардим. Мангулик обидаси томон кетдик. Қип-қизил ва силлиқ тош йўлқадан тепага, осмонга найза ўқталиб турган ёдгорликка қараб кўтарилиб бордик. У ерда мангу олов ёнарди. Бу фақат Ватаннинг фидойи ўғлонлари руҳигина эмас, мангу барҳаёт муҳаббат рамзи ҳам эди. Зеро, қаҳрамонликка ундаган ҳис ҳам аслида муҳаббатдир. Гарчи апрелнинг дастлабки куни бўлса ҳам ҳаво иссиқ. Сояроқ томондаги курсиларнинг бирида ўтирдик. У ҳамон хаёлларини тўплай олмас, фарзанди тақдири ҳақида нималарнидир изтироб билан сўзларди. Ҳайтовур, қўлида ҳужжатлар тўла катта жуздон ҳам бор эди. Мен ҳикоя айта бошладим. Албатта, ёш Дўлан ва гўзал Зулайҳо севги қиссасини бир оз титроқ билан нақл қилдим. Унга баъзан ўз кечинмаларимдан ҳам қўшдим. Рига воқеасини ва бизни хижолатга қўядиган бошқа ўринларни тилга олмадим. Ҳикоям анча мароқли чиқди. Суҳбатдошим жим тинглади, ора-сира хўрсиниб қўйди. Охирида ғам кўланкаси чўкиб қолган чехраси бир оз ёришгандек бўлди. Узоқларга термилиб турди-да, боғларда яшил рўмолини силкитиб кеза бошлаган баҳорга роз айтгандек, аста шивирлади:

— Мени ҳам... олиб боринг.

Сокин ўтирилиб, менга тикилди. Қорачиқларида ҳаётсевар шуъла порлагандек бўлди. Жуздонни титкилаб, бир қоғоз олди-да, узатди. Ўқидим. У шундай сатрлар билан бошланарди:

*Муҳаббат — бу ҳаёт, муҳаббат қийноқ,
Сенга ҳар бахшига умр муқаддас.
Чўчима, бахт, эшик қоққан бемаҳал
Бу — мен, остонангдан кўкарган ҳавас.*

Шеър анчагина катта эди. Унда ёрқин орзулар, умид ва умидсизлик, бой берилган дамларнинг эзгин хотиралари — ошуфта дилнинг латиф қўшиғи куйланган эди. У ишонч билан, эрта насиб этадиган бахтли кунга салом билан тугарди. Шеърдаги нимадир — самимиятми, армонми, руҳми — унутилган кунларимни эса туширди. Қайта ўқий бошладим.

У беозор ҳаракат билан тўхтатди-да, айтди:
— Қўйинг, ўқисангиз янги шеърлар кўп...

*Ишқ водийсига очилган гулдан,
Бизга ҳам насиб этсин бўйи муҳаббат.*

* * *

Яқинда ўша томонларга йўлим тушди. Вақт зиқ эди, Дўлан аканикига ўта олмадим. Бир танишидан (аслида, уни ҳамма танийди) сўраб билдимки, у ичишни ташлабди, намоз ўқиётган экан. Яна тоат-ибодатга қайтибди. Тўй қилибди. Қизларининг бирини Тожикистон тарафга узатган эмиш.

Қанийди, боқий муҳаббат ҳамма нарсени ўз измига олсайди, у доим ғолиб ва юксак бўлиб қолсайди.

АНГЛАНАЁТГАН ҲАҚИҚАТ

Қулмур қишлоқдан келди.

— Тандир кабобга роса тўйгандирсан. Бизга ҳам илинмадингни, олиб келмадингни?

— Нима деяпсан, ўзим тандир бўлиб кетишимга сал қолди-ку.

— Қишлоқдошларинг сени танитай қолишибдими ё кўзичоқ деб ўйлашдими?

— Йўқ. Қўй бўлиб қолганимни билишади.

— Рангларинг очилиб, ёноқларинг қизарибди. Ёқибди сенга...

— Ҳаво алмаштирганимдандир-да.

Қулмур (аслида Қулмурод) билан тенгдошмиз, тепишиб-тепалашиб катта бўлганмиз. Самимиятимиз шунчалик кучлики, у ҳар қандай андишани ўртадан сиқиб чиқариб юборган. Ҳамма нарса ҳақида яширмай, тортинмай гаплашамиз. У менинг шошқалоқ, довдир, беғубор болалигимга ўхшайди, шунинг учун уни дарров соғиниб қоламан.

Бу сафар ҳам қишлоқдан қайтгач, суҳбатига шошилдим. Ўзиям бир дунё гап топиб келибди.

— Жўшқин ҳаёт давом этаяпти. Бундан 10-15 йил олдинги мудроқ кайфиятни кўрмайсан. Одамлар хушёр, зеҳни очилган, қараб турмайди, зир югуради, — дейди у дўпписини айлантириб.

Унинг ҳамма қилиғи менга бирдай ёқади. Бироқ бир фазилати айна оромижонимни қўзғайди: одамнинг юрагини сиқиб юборадиган гапларни тилига олмайди, яъни ҳасрат қилмайди, ҳамма нарса ҳақида, ҳатто бировнинг вафоти тўғрисида ҳам қаловини топиб, ётиғи билан сўзлашни билади. Унинг дали-ғули гурунгида ўтирсам, бир зумда ўзимни жаннатдагидай ҳис қилиб қоламан.

— Борган куним кечқурун Жонузоқникига ўтдим, тўй қилувди-ку, ўшанга, қуллуқ-бўлсинга — чойни қайтариб, салмоқлаб гап бошлайди. Қулмур, — яхши, дастурхон тиздан, шаҳарлик капустахўр кўрсин, дедими, роса тўкиб ташлади. Ўзи жўра, инсоф билан айтса, ҳаракат қилган яшайпти. Тоғошар қашқа бор эди-ку, ўша «Тико» олибди. Думи қирқилган эшақдан бошқа нарсага ёлчимаган одам. Ўғиллари ақлли, қобил чиқибди-да, бир мушт бўлиб ишлаётган экан, ер олиб пиёз экибди. Аммо-лекин тўкилиб қолган рўзгорлар ҳам бор. Тошпиёз домуллони биласан, қандай довруф солиб ўтди. Қишлоққа келган одам уни сўрарди, уйда меҳмон бўларди.

— Қишлоғимизнинг рамзи эди-да домullo, — дейман дард ва ҳасрат билан.

— Ўзиям йигирма йиллар мактабга директор бўлувди.

— Ҳаммамиз ўша кишининг шогирдимиз-да.

Аммо-лекин, қурғур, шу домулломизнинг болалари анча чарчаб қолибди. Устоз кўп эркалатган эканми. Аҳмоқлар, бир-бирига бош ҳам қўшмас экан-да. Йўқ, ҳаммаси соғ-саломат, қариллашади, ҳеч пастга тушишмайди. Тўнғичлари Нуртиловни кўриб қолдим, «Уйга борамиз, қўчқор сўяман» деб осилиб олди. «Қўй, раҳмат», дедим-у бошқа сўзга тилим айланмади. Кийимлари юпунгина. Барибир қўймади, магазинда яримтани «тиктурма» қилиб бўшатдик.

— Бас қил, жуда чуқурлашиб кетдинг. Жонининг зиёфатидан гапир.

— Ўтирувдик, ҳамсояси Пиркомил болта сўраб ўтиб қолди. Қозон жизиллаётганини сездими, у деди, бу деди, роса айланди. Жониям бир бало қилиб, эшикнинг тагидан жўнатиб юборди, «ичкарига кир» демади. Бу ёғини тушунасан-ку. «Қиш ўчоғи тор...»

дегандек. Ҳам бировнинг етар оши бор, етмас оши бор...

— Йўқ, жўра, сен бундай тушунма ва бундай талқин этма. Сен ҳам, мен ҳам ўша боғнинг меваларимиз. Боғбонларимизнинг феъл-атворини яхши биларимиз. Уларни нима десанг, дегин-у, хасис, зиқна, овқатини кўрпасининг ичига кириб ейди, дема. Жонининг Пиркомилни уйига таклиф қилмагани, менимча, шундаки, у кўпроқ сени аяган. Уни олиб кирсам, кўнгли нозик шаҳарлик қисилиб қолмайдими, деб истиҳола қилган. Ёки, ҳатто, ҳамсоясини ичкарига таклиф қилган бўлиши ҳам мумкин. Бунга жавобан Пир «Қўй оғайни, ўзларинг ширингина ўтиринглар. Уст-бошимни қара, ҳозир оғилдан чиқиб келаяпман. Ҳўкиз жонивор қозигини суғуриб, шунда болта сўраб чиққан жойим эди. Башарамга қара, соқолимга қара...» тарзида эътироз билдирган ҳам бўлиши мумкин.

Қулмур менга чой узатаркан, синиқ оҳангда сўради:

— Сен қачон охирги марта қишлоққа борувдинг?

— Олти ойлар бўлди.

— Ҳм, — деди-ю, бу ҳақда бошқа оғиз очмади. Унинг хаёллари чувалиб кетган эди. Буни паст-баланд бўлаётган қошидан, чимирилиб турган лабидан биларман. Чарчаганми (йўлда) ёки қарияптими (бу сўзни, билмадим, қирқдан энди ўтган қирчиллама йигитга нисбатан қўллаш қанчалик ўринли, бироқ биринчи марта шу ҳолни ҳис этгандек бўлдим. Йўқ, биз «Етмишбой», «Саксонбой»ларга ота бўлганларнинг авлодимиз, бу ёшда қаримаймиз, ё насиб) овози салмоқли, мулоҳазалари жиддий бўлиб қолганди.

— Эй, сен ўзингга ўхшамаяпсан, кўнгилочар гаплардан гапир.

— Сен шақшақага шу керакми, сенга анкитот (*анекдот*» *демоқчи*) айтиб берайми? Мана сенга анкитот, — шундай деб Қулмур муштини зарб билан қулоғим тагида айлантирувди, орқага ўзимни ташлаб, бошимни деворга уриб олдим. Меҳмон йиқилиб кетмасин дедими, қўлимдан ушлаб шарт олдинга тортди. Шу чоқ кўзларимиз тўқнашди. Қулмурнинг нигоҳларида чақноқ ўт йилтирарди, у болалик туйғуларимни ёритиб юборди.

— Чакки эмас.., — дедим-да қўл ташладим, у ҳам кафтини тутди, бармоқларимиз учрашди. Мен жилмайдим, у кулиб юборди. Дўстимнинг қаҳқаҳаси барча губорларни тарқатгандек бўлди.

— Шундоқ қилиб, қишлоққа қайтамиз, зиёфатга, — деди у очилиб.

— Тўғриси, у томонларда бир эркинлик бор. Бу дейман шу — кенгликлар таъсиримикин?! Шаҳарда ҳамма нарса қолипга солинган, қишлоқда-чи?

— Бу ҳол сенга ҳам, менга ҳам боғлиқ бўлмаган ҳолда шакланган. Шаҳарда қатъий тартиблар, меъёрлар амал қилмаса, миллионлаб одамлар қандай сифишади? Қишлоқдаги турмуш тарзи одамдан зийракликни, ғайратни талаб қилганидек, шаҳар мулоҳаза, тафаккурни ёқтиради.

— Барибир ўша эркинлик билан сен айтган мулоҳазани қўшиш керак экан-да. Лекин самимият, дўлвор, танги самимият ҳаммасини тўлдириб юборади. Жонузоқ сени ҳам кўп сўради, борсанг, бир кир.

— Сени яхши сийладими?

— Гапирма. Чинни лаганда уч кило гуручнинг ошини олиб келди. «Қолдирмаймиз», — дейди, ўзиям ширин бўлган экан, роса олдик. Ошдан кейин кўк чой эрмак қилиб, анча гурунглашиб ўтирдик. Тургани қўймайди. Анчадан кейин шўрва келди.

— Қошиғи ҳам бор эканми?

Бу ҳазил эди, енгил кулиб олдик.

— «Ошдан кейин... шўрва?» десам, «Э, бизда қайсиси олдин пишса, ейилаверади», дейди. Шўрваёмон-да. Гап-гап билан уни ҳам туширдик. «Энди рухсат берарсан?», десам, «Ароқ ичмай қаерга борсан? — дейди.

Ҳазиллашаяпти, деб турсам, ростдан, ўғиллари 4—5 шишани кўтариб кирди. «Ақлинг тушдан кейин кираяптими?». «Ақлим жойида, очиғи, хотин сандиқнинг калитини олиб, акасиникига кетган экан, ҳозир келди», — дейди пинагини бузмай. «Бу зормандадан магазинда қуриган эдими?» «Э, бу бошқа, айна тўйниқидан, атайлаб олиб қўйганман. Мана, қара, қоғозига отинг ёзуғлик». Энди, шунчалик ҳурматдан кейин ичмай бўладими?

— Ҳақиқатан, олдин ош, кейин шўрва, охирида

ароқ... Тасодифий, тушунмаган одамга эриш туюлиши мумкин.

— «Эриш туюлиши» эмас, ғазабини қўзғаши мумкин, «Ах, дикие, тупие» дейиши мумкин.

— Инсоф билан айтганда эса бунда бирор ғайритабиийлик йўқ. Деҳқонча айтганда, ҳаммаси бир жойга боради (овқатларнинг), бироқ шу тартибни омма қабул қилган-да.

— Мабодо, ўша дўстимизга ақл ўтгатмоқчи бўлсанг, хафа бўлади.

— Сен билан юз кўришмас ҳам бўлиб кетиши мумкин.

— Чунки бизнинг одамларимиз иззат-нафсини жуда баланд олади, эркин ҳаракат қилишни, эркинликни яхши кўради.

— Ҳар бири ўзига, ўз ақлига ишонади, ўзининг мияси билан ўз тирикчилигини кечира олишига ишонади.

— Лекин «тирикчилик»нинг қайси даражада бўлиши, бу — бошқа масала.

— Агар бизнинг одамларни тўғри бошқарса, ҳамма иш қўлидан келади.

— Тўғри айтасан, эркни, эрксеварликни севган одамларни гаврон билан орқасидан тушиб ҳайдамаслик керак, олдига ўтиб бошқариш керак.

— Бу одамларга чўпон эмас, раҳбар керак.

— Жуда жўшиб кетмаяпмизми?

— «Ўз уямда сайрагани қўймайсанми?», деган экан каклик.

Пиёла секин айланар, стол атрофида юзма-юз ўтириб, кўзимизни кўзимизга қадаб гурунглашардик. Орада ялтоқланиш, мунофиқлик йўқ эди. Биз бир-биримизга бўлган ҳурматимизни дастурхонга чиқариб қўйиб, тоза юракдан гаплашаётган эдик. Суҳбат маромининг етакчилиқ, раҳбарлик ҳақида оғиши ҳам беҳуда эмас эди. Ҳозир жойларда сўконғич «хўжайин»лар пайдо бўлаётганини бот-бот эслатишарди. Шундай гаплар эшитганда тоғлардан чиқиб ҳайқиринг келади: «Эй, номард, бу халқни нега сўкасан, нега урасан? Арпангни хом ўрдими? Ахир тупроқ қатори хокисор бундай одамлар дунёнинг бошқа бирор бурчагида йўқ-ку!»

Нафсиламрни айтганда, бизга ҳам алам қилган жойи бор эди. Кичик ширкат бошлиғи бўлиб ишлаётган ўрто-

ғимиз Жонузоқни ҳам шу пахта терими чоғи ҳоким кўнчиликнинг ўртасида онасини... сўкиб, бир мушт урибди, деб эшитган эдик. Бу рост эди.

— Шунинг нима бўлганини сўрамадингми?

— Э, қўявер, — деди Қулмур бошини сарак-сарак қилиб куларкан. Кейин жим бўлиб қолди. — Менга қуйган ароғи бор-ку, — вазмин гап бошлади, — биласанми, нима деб таърифлайди. «Бу ҳоким буванинг дастурхонидан қолган. Келганинда, ёнига ўтқазиб қўяр эдим», дейди.

— Ҳоким... тўйга келибдими?

— Ҳа. Билмадим, ўша ўзи урган раислигини сезганми ёки шотирлари «Юринг, бир қулбаччанинг маъракаси бор», деса келаверганми, лекин ҳовлига кираётганда Жони лапанглаб олдидан чиқди, дейишади. Шунда орқага тисарилиб, ранги оқариб кетибди ҳокимнинг. «Тўй эгаси шу» деганларидан сўнг қўл олишиб саломлашибди, «вечер»да гапирибди. Жони билан уриштириб ичибди. Ҳамма «яраш бўлди, яраш бўлди», деб шивирлаб қолибди.

— Энди Жонини биласан, меҳнат қилишдан бошқа гуноҳи йўқ. Шуларга қўл кўтариш...

— Бағрикенгликни қара. Уйининг тўридан жой бериб, яна оғзидан бол томиб мақтагани-мақтаган: «Рамиз Пистахонович у деди, бу қилди». Олдин кимни гапираяпти, деб анграйиб турдим, кейин тушуниб оғзимга «лоп» этиб бир сўз келди: «Шу онангни қатарон қилган ҳокимми?» Андиша қилдим, қарасам, кайфияти жуда аъло, жим ўтиравердим. Бу қўрқоқликданми, муҳтожликданми?

— Бу — чинакам бағрикенглик. Фақат уни тўғри тушуниш, қадрлаш керак. «Зулм зулмни туғдиради», деган гап бор. Бағрикенгликка ҳам бағрикенглик билан жавоб бериш лозим. Бағри кенг одам қўрқоқ, мутеъ бўлмайди, ўзига ишонган бўлади. Шундай одам ҳамма нарсага олий ҳақиқатлар мезонидан, азал ёзудан келиб чиқиб муносабатда бўлади: «Бу беш кунлик дунёда...» ва ҳоказо.

— Аммо-лекин ҳамма шу фикрда эмас-да.

— Бўлмайди ҳам. Нима бўлса-да, бизнинг одамларимиз раҳбарга «Ота» деб қарар экан.

— Рост. Қўшиқ бор-ку «Отага тик боқма имонинг

куяр...» Шу насиҳат қон-қонимизга сингиб кетган экан-да.

— Шундай. Нима деймиз. Худо «Ота»ларга инсоф берсин.

— Аслида, бу ёмон фазилат эмас. Қани, ҳамма ўз ишини қилса — раҳбар отадек одамларнинг бошини силаса, одамлар шаккоклик қилмай ўз вазифасини ҳалол бажарса... Кейинги пайтда орада бўшлиқ пайдо бўлиб, раҳбарлар билан одамлар йироқлашиб қолдиларми-ей. Бу яхши эмас.

— Бир ҳолат мени қийнайди. Мана, мустақил бўлдик. Ҳаммамизнинг пешанамизга битта тақдир ёзилди. Дунё мени, ё сени эмас, Ўзбекистонни тан олади, тўғрими? Семизимиз ориғимизни, каттамиз кичигимизни, юқоридаги пастдагини мутаб ётса, қачон биз дунёга чиқамиз? Бир мақол эшитдим: «Ўсадиган эл бир-бирини «ботирим», дер экан, ўсмайдиган эл бир-бирини «хотиним» дер экан. «Хотиним» — хўрлаш, чўри маъносида...

... Қулмур мени кузатиб пастга тушди, кейин йўлак билан кетдик. Тоza ҳаво тетиклантирди, атроф қалин қор қўйнида эди. Секин одимлаб, ҳамроҳимнинг орқада қолганини, қўлига қор олганини сезмай қолибман, фақат юзимга муздек момик урилганда хушёр тортдим. Қулмур бурним аралаш кўзимга қор ишқалади.

Тортқилашиб кетдик. Бирдан қулочимни ёзиб, Қулмурни ўзимга тортдим, қовурғасини қисиб кучоқлаб олдим. Бағрим бирам тўлди. У ҳам чангақдек қисиб олди-да, кўтариб, яна ерга қўйди, кейин мен кўтардим. Шу алпозда икки жўра қафас олиб анча ўйнадик.

Тун сукунати, борлиқнинг оппоқ либосда эканлиги, муздек ҳаво завқимизни оширар эди.

ЯХШИЛИКНИНГ БАҲОСИ

Ҳашар

Абдуқаҳҳор ҳарбийдан келган коржомасини устига илди-да, қўшнининг ҳовлисига йўл олди. Бугун Бўриқулникида қоракесак ҳашари бўлади. Қоракесак дегани тикланаётган иморатнинг деворларига қўйиб чиқилган устунлар орасига кесак териб, лой билан су-

вашдир. Шундан кейин иморатнинг шамойили пайдо бўлади, узоқдан кўзга ташланиб, сояси ерга тушади.

Бу томонларда азалдан одам истиқомат қиладиган кулбалар чўпқори усулда тикланади. Ўзига хос муҳандислик тизимига эга бўлган бундай услуб маҳаллий табиий шароитга мос, иморат бардошли ва кўримли бўлади. Айниқса, тагини кўтариб ёки болахонали қилиб қурилса, жуда шинам ва чиройли чиқади.

Абдуқаҳҳор яқинда ҳарбий хизматдан қайтди. Бирор ишнинг бошини тутганича йўқ, аниги, ҳозир ишламоқчи эмас. Тайёрланиб, институтга ўқишга кирмоқчи. У бекорчироқ бўлганидан ҳашарларда қўлдан-қўлга тегмайди. Бундан оғринмайди, аксинча, қишлоқдошларининг самимий давраларида қулочини ёзиб тупроқ қазади, лой қорийди, замбил кўтаради. Шундай майда-чуйда юмушлар билан қанча одамнинг дуосини олади. Қишлоқда ҳамма шундай қилади, бирор таъмасиз, шартсиз эртадан оқшомгача, ҳафталаб бир-бириникига ўтиб ишлаб юраверади. Айниқса, уй қуришдек серташвиш юмуш ҳашарсиз, кўпчиликнинг кўмагисиз бўлмайди. Уста ерга қозик қоққандан эшикромлар қурилиб, кўчиб кирилгунча ҳар куни ҳашар.

Иморатлар маҳаллий ашёлардан тикланади. Пойдеворига тош ётқизилади. Синч, устун, болорлар толтерак ёки арчадан тайёрланади. Таги тахт бўлгач, тагсинч ётқизилади. Ҳар бир хонанинг тўрт бурчида зувонча кўтарилади-да, унга устсинч миңдирилади, кейин қаламаланади, яъни устун териб чиқилади. Ҳар бир жараён тажрибали уста томонидан ўлчовлар асосида бажарилади, устанинг қўлида гоҳ теша, гоҳ арра, гоҳ исканжа, йўнади, қирқади, тешади, ўяди.

Абдуқаҳҳор борганда Бўриқулнинг ака-укалари, қайнотаси — фақат энг яқин кишиларигина бор экан. Уни очик чеҳра билан қарши олишди, дастурхонга таклиф қилиб, бир пиёла чой қуйиб беришди. Ҳашарда юмушлар ихтиёрий тақсимланади, албатта, оғир, кўп куч талаб қиладиган ишларни хонадон эгасининг энг яқин кишилари бажаради. Жумладан, лойни пишитиб, замбилга солиб бериш ёки том устига лой тортиш анча оғир бўлганидан қорувли, ишончли йигитларгина бел боғлайди. Замбилда лой, кесак ташиш сингари юмушларни ёш келинчаклар, бокира қизлар

ҳам бажараверади. Пазанда янгилар овқатга, чойга қарайди. Ўрта ёшли, тажрибали одамлар қулухчин қилади, яъни устунлар орасига девор тиклайди. Кекса, касалманд кишилар ҳам қараб турмайди, улар ўтириб олиб, лой, кесак узатиб туради ёки чанқовбосди учун чой, сув ташиб беради. Хуллас, ҳамма ягона ансамбль бўлиб, ҳазил-мутойиба, қаҳқаҳа билан мириқиб ишлайди.

Ҳашар, одатда, кун бўйи давом этади. Ўртада енгил тушлик қилиб олинади. Эркаклар шундоқ сайхонликда тўшалган гилам, кигиз, кўрпачалар устида ўтириб, кесган ош, мастава ёки шўрва танавул қилишади. Павлов кечқурун бўлади.

Бўриқул ўша йил баҳорда беш хонали уйни тиклаб, тиромоҳ кўчиб кирди. Анча тер тўкишга тўғри келган бўлса-да, ёру биродарларнинг кўмаги билан шунча катта қурилиш поёнига етди. Каттагина қишлоқда ҳар йили ўнлаб янги иморатлар қурилар, улар арзимас харажат ҳисобига тикланарди. Одамлар ўртасида қарор топган ҳамжиҳатлик, камтарона, бироқ файзли турмуш тарзи 2—3 ойда йўқ жойда бир обод хонадоннинг пайдо бўлишини таъминларди. Албатта, бундай анъаналар ҳозир ҳам давом этаяпти. Мустақилликдан кейин улар янги мазмун билан янада бойиди.

Бўриқулнинг ҳашарида Абдуқаҳҳор энг оғир юмушларни бажарди, бир зум тиним билмади. Унинг кўнглидаги илинж, йигитликнинг бокира орзуси шунга ундарди. Орадан йил ўтиб, институтга киргач, Бўриқулнинг синглиси Анорага совчи юборишди. Иш енгил кўчди, тўй бўлди. Абдуқаҳҳор уй қурганида ҳам Бўриқул астойдил кўмаклашди. Эндиликда улар 4—5 нафардан фарзанднинг отаси, каттагина икки рўзгорнинг сардори.

Яқинда Абдуқаҳҳорнинг ўғли тоғасиникига ҳожат билан чиқди. Қишлоқчилик, тегирмонга буғдой олиб бориш керак бўлган. 3—4 чақирим жойга елкада кўтариб бормайсан, бирор улов бўлса, унга ортиб бориш осон.

— Эшакларингни бериб туринглар, тегирмонга ғалла олиб борай, — дебди жиян.

Ота қолиб ўғил жавоб берибди:

— Кира ҳақиқа бир кечалик емини берасан.

Бу гапни эшитиб Абдуқаҳҳор бир оз тажанг бўлди, яна ёзилди.

«Менинг йигит умрим отасининг даргоҳида ўтди. Бирон нарсада ҳисоб-китоб бўлгани йўқ. Энди шу тирранча келиб-келиб эшагининг меҳнатига ҳақ сўраб-дими?» деб ўйлади-да, яна «Бола-да, бола», деб қўя қолди. Фақат «бола»ларнинг бошқачароқ тарбияланаётгани, азалий заминдан узилиб қолаётганидан бирикки кун хижил бўлиб юрди.

Газ ташвиши

Одамлар ташқи кўринишларидан бир-бирларига ўхшамаганларидек, феъл-атворлари ҳам ҳир хил. Кимнингдир дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайди, кимдир ёш бола йиғласа ҳам қўшилиб кўз ёш тўкишга тайёр. Бозорқул кейинги тоифадан чиқди. Кўнгли очик, далли-ғулли, ҳаммага нафим тегсин, деган одам бўлиб танилди. Бундайлар ҳақида «Бир қўли хайр-саховатга яратилган» дейишади.

Бўлмаса, қишлоққа газ олиб келишга ундан бошқа мутасадди қурибдими? Бу воқеалар анча олдин, ҳисоботларда «Газлаштириш 4%, ичимлик суви билан таъминланиш 7,2%» тарзида ёзилган қизил империя даврида рўй берган.

Қўл етадиган жойда балаң қувурлар уфққа олов пуфлаб, миллион кубометрлаб газни қайта ишлар, уларни олис «Марказ»га узатар, бироқ Қаҳрамон қишлоғида хонадонлар ғўзапоя ва таппи билан кун кўрарди. Ҳарбийда бўлиб, дунёқараши кенгайиб келган, институтда «ҳар бир инсон фаровон яшаш учун яратилган»и ҳақида етарлича маъруза тинглаган муаллим бундай «бедодлик»ка чидолмади, серфайз кунларнинг бирида юрак дардини қоғозга тўкиб, почтадан юқорига жўнатди. «Энди кўрасан ўйинни, — дер эди ўзича, — тревога бўлиб кетади, ҳамма «катта» Қаҳрамонга келади. Уларнинг олдига янги кийимларини кийиб, бўйинбоғ тақиб чиқаман. Кўриб турибсизки, бир ойда қишлоққа газ келади. Ўзим ҳам жа қаттиқ ёзганман-да». Бир ҳафталар шу кайфият билан учиб юрди, бироқ оламда тинчлик эди. Орадан икки ойлар ўтди ҳамки, бирор жавоб йўқ. Кунора

почтага қатнайди, эртадан кечгача йўл пойлайди. Гоҳ сўкинади, гоҳ умид қилади. Иккинчи хатни биринчисидан ҳам зўр қилиб тайёрлашга киришганда, почтачи хушxabар келтирди: унга сўрғичланган хат бор. Ўқиб, капалаги учиб кетди. Тўрт қатор русча текстда унинг шикоятни районга текшириш ва чора кўриш учун юборилгани маълум қилинган эди. Бироқ райондан уни куттириб қўйишмади, эртасига излаб келиб, роса пўстагини қоқишди.

Кейинги сафар районни қўшиб, зўр қилиб яна ёзди. Энди унинг шикоятни билан вилоят шуғуллана бошлади. Шу орада «Урсанг, эти қотар, сўксанг бети қотар» деганларидек, катталар билан тортишавериб. Бозорқул анча баҳс-мунозарага уста, қайсар одамга айланиб қолди. Очиқчасига «Ё газ, ё ўлим!» деган мақсадни қўйиб, елиб-югурадиган бўлди. Унинг бу қилиқларини қишлоқдошлари гоҳ масхаралаб, гоҳ сидқидилдан қўллаб-қувватлаб туришди.

Энди у турли идораларга физ-физ қатнайдиган, катталарнинг жиғига тегиб, элнинг дардини баралла сўйлайдиган бўлиб қолди. Уни маъқулловчилар ва моддий томондан кўмак берувчилар ҳам топилди. Кўриб турибсизки, шароит бир маҳаллий ватанпарварни тарбиялаб вояга етказди.

Муаллимнинг ҳаракатлари зое кетмади. Ниҳоят, саодатли кунларнинг бирида «Қишлоққа газ келармиш», деган хушxabар тарқалди. Бу рост эди. Бозорқулнинг оғзи қулоғида, кўкрак кериб юради, ҳеч кимга гап бермайди. Толиби илмларга ҳақиқатнинг боқийлиги, ҳаётда ҳар доим қахрамонликка ўрин борлиги ҳақида тўлиб-тошиб ваъз ўқийди.

Ниҳоят, қувурлар келтирилиб, ишлар бошланиб кетди. Муаллимнинг бир оёғи мактабда бўлса, бир оёғи газчилар қароргоҳида. Ўзича, қувурларни санайдими-ей, ҳар куни нечта одам ишга чиқди-ю, неча соат ишлади — шулар билан қизиқадими-ей, хуллас, тиниб-тинчимайди. Ҳар қадамда ҳозир у нозир. Очиғи, унинг бунчалик «жонкуяр»лиги одамларнинг жиғига тега бошлади. Айримлар орқаворотдан ғийбат ҳам қила бошлади. Айниқса, газчиларнинг бошлиғи ҳар куни тергайверганидан, уни бутунлай ёмон кўрадиган, ҳатто сўкиб берадиган бўлиб қолди.

Бир тасодиф, нохуш воқеа рўй бермаганда бу «тарих» қандай тугарди — ҳеч ким билмайди. Тавба, «ҳамма нарсанинг тош-тарозиси бор, бармоққа беҳудага зирапча кирмайди», деган ҳикматлар айна ҳаётий ҳақиқатга ўхшайди. Бўлмаса, муаллим билан бундай фалокатнинг рўй беришини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаганди. Нима бўлибди денг?

Муаллим ҳар кунги қилиғини такрорлаб, газчиларнинг ишига аралашиб, аниғи, «бурнини суқиб» юрганда, юқори босим остида ишлаётган компрессорнинг қузури ёрилиб кетибди. Бир парча темир (зўлдирми, қисқичми) қисилган ҳаво таъсирида милтиқнинг ўқидек учиб, Бозорқулни шикастлабди. Пешанасини ёриб, кўзига ҳам жиддий жароҳат етказибди.

Оқибат

Бозорқулнинг узоқ даволанишига тўғри келди. У ўшанда ҳушини йўқотган, ўнг кўзи жиддий шикастланган эди.

Шифохонада у бепарво ва лоқайд бўлиб қолди. Таъсирчан одам эмасми, бошига тушган қисматдан эзилар, нуқул «Қайси ёмонлигим учун жазо тортаяпман?» деб нолирди. Бошида таниш-билишлар бот-бот хабар олиб туришди. Кейинчалик уларнинг оёғи ҳам тортилиб кетди — ҳамманинг ташвиши ўзига етарли эмасми? Шифокорлар қўлдан келган ёрдамини аямади. Бироқ барибир жароҳатнинг нуқси қолди: пешанасида йўғон чандиқ, айниқса, кўзининг олайиб, қорачиғининг қотиб туриши биринчи кўришда кишини сескантирадиган даражада бадбашара қилиб қўйди. Қишлоғида, хонадонида ҳам уни қувонч билан кутишмаётган эди. Газ келтириш учун жон чеккани, елиб-югурганидан кўра катталарнинг жиғига теккани кўпроқ асоратини қолдирган эди. Не кўргиликки, қишлоқдаги барча хонадонларга етиб борган газ қузури унинг чеккадаги фақирона кулбасини четлаб ўтган эди. Газчилар яна кўшимча 50 метр қувурни раво кўришмабди, лойиҳалаштирилаётганда, бу нарса кўзда тутилмаган эмиш. Оқсоқолларнинг енгил-елпи илтимосларини ҳеч ким эътиборга олмабди.

Албатта, бу турфа ранг оламда ҳар хил воқеалар рўй бериши мумкин, бироқ бирон хатти-ҳаракат умумий оқимдан (олам меҳваридан) ташқарида содир бўла олмаганидек, бошқа бир ҳаётий ҳодиса ҳамма нарса-ни (олам сир-асрорини) тўла қамраб ололмайди. Ҳар бири ўзича якка, ҳар бири ўзича алоҳида ва такрорланмас. Шу нуқтаи назардан юқоридаги ҳикояларни халқимиз феъл-атвори, туриш-турмушининг умумий қиёфаси, деб талқин этмоқчи эмасмиз. Шубҳасиз, биз ўз сахийлиги, ҳиммати, оққўнгиллиги билан дунёни лол қилиб келган халқмиз. Аслида, моҳият қиёсларда намоеён бўлганидек, ижобий ҳолатларни баъзи нохуш кўринишлар уфқида чамалаб кўрсак, ўша фазилатларнинг мазмуни янада теранлашади.

Юқорида ҳақиқатан ҳаётда учраган воқеа тафсилоти келтирилди (бу даҳри дунёда бундан ҳам баттар кўргиликлар рўй бериши табиий ҳол). Ҳали-ку, баъзи қасоскор кимсалар фидойи муаллимни ўз ташаббуси (балки унинг ташаббуси билан эмас, режа бўйича) билан келтирилган газдан маҳрум қилишибди, аммо бир тўда ғаламис чиқса-да, ўша муаллимга ўхшаган ҳушёр, ҳаракатчан, жонкуйди одамни кўрсатиб, «Бу сизларнинг тинчликларингни бузаяпти, шу туфайли сизлар бадном бўлиб қолаяпсизлар. Уни тошбўрон қилинлар» деса, ҳеч тортинмай тош отувчилар ҳам топилади (бунақаси ҳаётда учрамасин!) Негаки, кўпчиликнинг қўйнида бир бурда нон бўлмаслиги мумкин, бироқ бир жуфт тош бўлади. Нафсиламрни айтганда, ҳаётда ноҳақликка учраб, хизмат эвазига тухмат олиб, оқибатда, алкаш ёки руҳий касалликка чалиниб қолган кўплаб кишиларни биламиз. Бу ёлғон эмас.

Олатасир дунёда ҳамма нарсага ўрин бор. Ва ҳаммасига муносиб изоҳ ҳам топилади. Жумладан, кимларнингдир ҳаётий шиори мана бундай бўлиши мумкин: «Биз мевали дарахтларга тош отамиз!»

Дунё ўзининг сирли жилвалари билан одамни яшашга, бардам яшашга чорлайди!

ЎЗБЕКЧА «КОРРИДО»

— Бу йил ҳам об-ҳавонинг келиши яхши.

— Ҳамма умидимиз Яратгандан. Бандаларининг оҳига кулоқ тутиб, марҳаматини аямаса, карамидан кам келадими?

— Ўтган йили буғдой роса бўлди-я!

— Худо берди-да! Бўлмаса... Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам барибир ажри қайтади.

Одатдагидек, об-ҳаводан бошланган суҳбатимиз ай-ланиб-айланиб «нарх-наво»га — бугунги кунларнинг воқеасига тўхтади.

Оқшом Қулмурод яна ҳам очилиб, хандон уриб кириб келди. У ҳарбий хизматдаги ўғлимнинг туғилган кунини ҳам ёддан чиқармабди. Қўлтиғида — кичкина халтача, ундан қалин бир китоб чиқарар экан:

— Бу — «Бобурнома»нинг яқиндаги тўла нашри, ўғлинг китобга ишқибоз эди, хизматдан бўшаса, ўқийди, — деб қўйди. Унинг бу лутфидан иккаламиз ҳам кулиб юбордик. Негаки, умринг узоқ бўлгур ўғлим китоб деса, ўзини жардан ташлаб қочадиган бўлиб чиқди. Омборга қамаб қўйиб жазолашларим ҳам, панд-насиҳатларим ҳам кор қилмади. «Нега ўқимайсан?» десам, «Ўқишга кирсам ўқийман» дейди. Ўқишга эса... киролмайди. Феъли ўзгарармикан, деб не бир истиҳола билан мудофаа бўлимига бордим-да, армияга ол-дирдим. Ўғлим билан ўтган гап-сўзларни эслаб, юрагим қисилиб ўтирувдим, қадрдон оғайнимнинг кириб келиши хижиллигимни тарқатиб юборди.

— Одамнинг жонисан-да, Қулмурод. Дунё кўзимга тор кўриниб турувди. Сен билан бир яйрайдиган бўлдим. Хотин, чойга қарашиб юбор.

Қулмуродда жуда кўп фазилатлар яширин. У ўтирган даврада бешарм гап айтилмайди, бировнинг кайфияти бузилмайди. У уйга кирса, ташрифидан енгил шабада, муаттар ҳид таралгандек ҳамманинг баҳри-дили очилиб кетади. Қулмуродда бир покизалик, самимиятнинг табиий нуқси бор. Бундайларни «фариштали одам» деймиз чоғи.

Жўрамнинг ота-оналари покдомон одамлар эди. Ўзиям тўрт қиздан кейин тилаб олинган ўғил, чолу кампирнинг ардоқлаб ўстирган нури дийдаси, ғубор

қўндирмай вояга етказган дуру гавҳари эди. Қулмурод туғилгунча беш ўғил болани ерга топширишган экан, шунинг учун қора ерни тўйғиза олмаган ота-она уни ушлаб қолай, деб ҳамма ҳунарни қўлашган: туғилишидан доямомолар йўрғаклаб, деразадан бир-бирларига узатишган; бўрининг жағига «тишлатишган»; лўлининг халтасидан ўтказиб олишган. Етти авлиё-ю, қирқ бир мазорга чироқ дейсизми, гадоларга садақа-ю ҳайитлардаги нарзи ниёз дейсизми, фолбину қушноч, мулло-ю азайимхон — ҳамма-ҳамма даргоҳларнинг тупроғини кўзга суртиб, «пахта ичида ўстиришган» арзандаси у ота-онасининг. Мен эсимни танигач, турли миллат вакиллариининг фарзандини қай йўсинда тарбиялаши билан қизикдим. Ҳаммаси ўзига хос, бироқ бизнинг халқимизнинг ёндошови ўзгача. Тўғри, қурт-қумурсқалар ҳам ўз зурриёти учун дон ташийди, қушлар жишболасига оғзида озуқа келтиради, оҳу боласини ҳимоя қилиб, қашқирнинг биқинига шох уради; одам эса энг мукамал жонзот сифатида жигаргўшасига Меҳрини ҳадя этади, аммо ўзбеклардек болажон, фарзандталаб халқ кам топилса керак. Бизнинг одамлар учун зурриёт қолдириш Аллоҳ таоло олдидаги муқаддас қарз ҳисобланади, инчунин, фарзандсизлик энг оғир бахтиқароликдир. Дуоларнинг бошида, саволларнинг аввалида бола-чақани тилга олиш шундан бўлса керак.

Худога шукр, фарзандлар ҳам ота-оналарининг юзини ерга қаратмай, дуркун инсон бўлиб етишадилар. Қулмурод ҳам бекаму кўст вояга етди, илтижолару дуолар уни комил қилиб улғайтирди чоғи, ҳаётда ўз ўрнини топди. Фан номзоди, йирик илмий марказларнинг бирида етакчи ходим. У мен учун «Қулмур» бўлса, иш жойида — Қулмурод Бектошевич Рухиддинов жаноблари.

— Ҳалиги муҳокама нима билан тугади? — деб сўрайман ундан. Биз бунгача дунёнинг у томонидан кириб, бу бошидан чиққан, ҳазил-мутоибалар, енгил суҳбатлардан «тўйиб», жиддийлашаётган бўламиз.

— Илмий кенгаш тасдиқлади. Фақат домланинг бевбурд бўлгани қолди. Олтмишдан ошган одамга бундай ишлар ярашмайди-да.

Маълум бўлишича, бир аспирант тўрт йил ўз мав-

зуси устида ишлаб, номзодлик диссертациясини тайёрлайди. Ҳимоядан олдин маълум бўладикки, бундан олдин бошқа бир аспирант шу мавзуда ҳимоя қилган. Меҳнати куйган аспирант бошқа раҳбар олиб, янги мавзунини давом эттиради. Эски раҳбар ҳар қандай андишани унутиб қўйиб, ҳимоя куни «Шу ишни ўтказмайсизлар» деб туриб олади. Бунгача ҳам барча илмий доираларни шунга даъват этиб чиқади.

— Ана шундай ичқоралик, бахиллик бизнинг халқимизга кишан бўлиб келаяпти. Атрофинга қарасанг, албатта, ҳар бир одамнинг битта рақибни бор. Ҳатто шундай бўлар эканки, умрида бир-бирини кўрмаганлар ҳам бировларнинг ифвоси билан сиртдан душман бўлиб қолишаркан.

— «Ерни сув бузади» деганларидек, одамни одам бузади-да. Билмадим, мен хато қилаяпманми, кейинги пайтларда фискал-фасодга жуда ўч бўлиб кетмаяпмизми?

— Бу қусур бугун пайдо бўлгани йўқ. Амир Темур билан Боязиднинг ёки Навоий билан Ҳусайннинг ўртасига совуқлик солган зотлар ҳар доим тирик. Аммо уларнинг зиддиятига тож-тахт ёки мамлакат тақдирини асос бўлган, эҳтимол, булар учун талашса, курашса арзир. Ҳозир-чи, қўлга илинмайдиган манфаатлар йўлида одамлар умр бўйи таллашиб ўтаяпти.

— Рост. Бунга ҳам одамнинг кулгисини қистайдиган, ҳам ғазабини қўзғайдиган мисоллар кўп. Энг қизиғи — бир хил мавқедаги одамлар бир-бири билан олишади.

— Полвонлар рақибини танлашда адашмайди-да, — дейман кулгига олиб.

— Инглизларда шундай мақол бор экан: «Бир манзилни кўзлаган қушлар бир хил балангликда учади». Англияда одамлар мақсад-манзилига етиш учун осмонда парвоз қилса, бизда икки томондан келиб, бир-бири билан сузишади.

— Испанияда борми «Буқалар жанги»...

— Қадимги Римда ҳам бўлган. Ҳозир Америкада ҳам таомилга кирган.

— Биздаги бошқача, ўзимизга хос, ўзбекча сузиш, калла уриштириш, корридо-да!

— Газетада ўқиб қолдим. Ота ўғлини магазинга юборибди. Ҳа, деганда келавермагач, «Нима гап» деб

изидан борибди. Йўлда қараса, ариқ устидаги кўприк устида ўғли қарши тарафдан келган бир одам билан «Сен йўлни бўшат, сен йўлни бўшат» деб елка суришиб ётган эмиш. Шунда ота шартга ўғлининг ўрнини эғаллаб, «Мен суришиб тураман, сен магазинга бориб келавер» деган эмиш.

— Энди шу пайтда бунисининг отаси келиб қолмасин, дегин.

— Ҳаёт-да, бизнинг ҳаётимизда ҳам бундай абсурд ҳолатлар учрайди, кўп учрайди. Барча мияли жонзотларда «инстикт» деган нарса бўлади. Ҳайвонларда бу жўнроқ намоён бўлади: ўз кўтонини топиб келиши, қўйнинг қўзичоғини танишига ўхшаган ҳолатлар шундан. Инсонда эса инстикт жуда кучли таъсирга эга. Туғма инстиктлар ирсий бўлади. Менинг назаримда эса биз муҳокама қилаётган ифво, фисқ-фасод, бахиллик сингари қусурлар ижтимоий инстикт сифатида шаклланиб, бизнинг бир неча авлодаримиздан авлодимизга ўтиб келаяпти. Унинг пайдо бўлиш илди-зига назар солсанг, оғайни, бизнинг ота-боболаримиз ўз эркини йўқотганига неча юз йил бўлган?

— «Қачон эркин яшаган?» деб сўралса, тўғри бўлади.

— Баракалло. Ана шундай асрий қарамликлар мутеъликни оддий ҳолга айлантирган. Тобеъ, мутеъ одамнинг кучи ниҳояти оғзига етади. Орқаворотдан ғийбат қилиб, тош отиб ўзининг топталган ғурури учун гўеки ўч олади. Икки-уч авлод шу тахлит яшаб ўтса, бундай ҳол кундалик одатга айланиб қолади. Агар эътибор берсанг, ўша ифвогар ёки ғийбатчи ўзи ниҳоятда тубан иш билан шуғулланаётганини кўп-да ҳис қилмайди, охирини ўйламай вайсайверади. Ҳолбуки, у ўз ғийбати билан бир одамни ботқоққа чапаяпти, уни маънан йўқ қилаяпти.

— Буларнинг ҳаммаси ота-боболаримизнинг юксак туйғулардан маҳрум қилингани, уларга инсон сифатида эмас, бир меҳнаткаш зот сифатида қаралганидан зарпечак болалаб кетган иллатлар. Аждодларимиз учун «Ватан» туйғуси ҳам мавҳум бир тушунча бўлган-да. Худди ижарада яшагандек, босқинчиларнинг ихтиёридан ташқарига чиқолмаган. Ватан тақдирига аралашиб, унинг гуллаб-яшнашидан манфаатдорлик ҳис-

сини туймаганлар. Ватан улар учун ўзи яшаб турган кулбаси ҳисобланган, холос. Дунёни сув босса ҳам кулбам омон бўлсин, деб курашган, шу мақсад, шу шиор билан яшаган. Фақат Ватандан айрилгандан кейин унинг қадрини, Ватан нима эканлигини билган.

— Бундай кулбасидан нарини кўра олмасликни назари қисқалик, маҳдудлик ёки шабкўрлик каби тушунчалар билан ифодалядилар. Мустақилликкача бўлган «фазилят»ларимизни билмас эдик, чунки оғзи ёпилган қозонга тушгандек, бутун дунёдан ажратиб ташланган эдик. Қопқоқ кўтарилиб, дунёга юз тутганимизда кимлигимиз маълум бўлиб қолди. Албатта, шонли тарихимиз, тупроғи олтинга тенг еримиз, меҳнаткаш фидойи одамларимиз борлигини кўриб, дунё қойил қолди, аммо эркинликни қабул қилишимиз секин кечди.

— Мустақилликни кўпчилигимиз жуда саёз тушундик, яъни «ўз байроғи ёки гербига эга бўлиш — шу мустақиллик» дегандек, ибтидоий тушунча доирасида қолиб, бу буюк воқеанинг туб моҳиятини чуқур англамадик. Ҳолбуки, мустақиллик шу юртда яшаётган инсонларнинг тақдирини ягона қилиб қўйган эди. Ҳаммани ё бор бўлиш, ё йўқ бўлишга ўхшаш кескин, муросасиз қисмат кутаётган эди. Албатта, бу синов давом этаяпти.

Агар суҳбатдошлар бир-бирини тўла тушунса, гурунгни кўр олишига тараф йўқ. Баъзан очилиб, эшилиб, бутун дардларингни тўкиб ташлашни кайфият ҳам талаб қилади. Бутун иккаламизда ана шундай ҳолат мавжуд эди. Олим дўстим бир оз тин олиб, давом этди:

— Гийбат, иғво каби иллатлар юқорида тилга олинган салбий инстинктнинг ички тарафи бўлса, ташқи тарафи — мутеълик, қуллик кайфияти. Шу ҳолга тушган зот ўз яқинларини иғво қилади, ўзидан юқори мавқедаги киши олдида қўлини қовуштириб, бўйнини ҳам қилиб туради. Бу — айнан ўзи.

— Назаримда, худди шу манзара репрессия компаниялари вақтида жуда қўл келган. Сен айтган ички тарафи билан ташқи тарафини аралаштириб, халқимизнинг ўз қўли билан ўз фарзандларини йўқ қилишган.

— Тўғри, репрессиялар собиқ Иттифоқ республи-

калари орасида Ўзбекистонда жуда оғир кечган, чунки ўша вируснинг урчишига бу ердаги шароит жуда ўнғай бўлган.

— Энди, дўстим, бундай иллатлардан эртароқ қутилиб, мустақил юртимизнинг келажагини ўйлашимиз керак.

— Қутулиш ҳам осон кечмайдиганга ўхшайди. Негаки, бир неча юз йил давомида шаклланиб, қотиб қолган турмуш тарзимизни бирданига ўзгартириш осон эмас. Эркинлик шароитида жамиятнинг илғор қисми баъзи камчиликларни илғай бошлади, холос. Ва бир вақтнинг ўзида янги нуқсонлар ниш ура бошлади. Ўша «катта оға»лардан халос бўлиб, мустақил яшай бошлаган йилларимиз маҳаллийчилик кўзга ташланиб қолди. Босим ўтказувчи кучдан, яъни иккинчи қутбдан озод бўлгач, «марказ»нинг хизматини қилиб юрган одамлар ўз юртдошларини туғилган жойига кўра гурӯҳларга ажратишга киришдилар. Бу қарамлик исканжасида қолиб, мустақилликнинг улуввор ғояларини, ташвишларини тўла ҳис қила олмаганларнинг иши эди. Дунё саҳнида бир мамлакатни оёққа турғизиб, ўз ўрнини тайин этиш учун қанчалик катта куч керак? Шундай синов арафасида тили, тарихи бир халқнинг маҳаллийчиликка зўр бериши анчайин кулгили ҳол эди. Юрт мустақиллигини таъминлашдек оламшумул юмуш олдида сенинг Қаршида туғилганинг-у, унинг Қўқонда туғилганининг қанчалик аҳамияти бор? Аслида, биз ўзимизча бўлиниб ётмай, аксинча, дўстларни кўпайтиришимиз керак эмасмиди?

— Улар ожиз одамларнинг ўйини эди, чоғимда. Марказга садоқати туфайли юқорига чиқиб олган ва мустақиллик шароитида мавқеини йўқотишдан қўрққан зотлар маҳаллийчиликка таяниб, жиловни сақлаб қолмоқчи бўлишган...

— Қизиқ-да, бутун ер юзида оналар фарзандларини эзгу ниятлар билан Аллоҳдан тилаб олсалар, оталар бешикнинг устида бедор туриб, уларни улғайтирсалар, тоза орзулар ардоғида вояга етган бола ўз ота-онасига, элига, юртига сидқидилдан хизмат қилман, деса-да, унинг йўлига иғво, фисқ-фасод ёки маҳаллийчиликка ўхшаш майда хас-хашаклар тўсиқ бўлса! Бундай пасткашликлардан қутулиб, парвозни ба-

ландроқ, олиш фурсати келмадимикин?! Ахир мустақиллигимиз ана шундай парвозлар учун бепоён имкониятлар эшигини очди-ку.

— Тутқунликда кечган юз йиллардан кўра мустақилликнинг ўн йили қадрли бўлганидек, унинг сабоқлари ҳам ҳаммамизнинг мулкимиз, бойлигимиз, муҳокамалар учун кўплаб мавзулар берадиган манба у. Ростки, қизил империя даврида халқнинг ўз ёғига ўзи қовурилиб ётиши — бир-бирининг оёғига, қўлига кишан бўлиши босқинчилар учун қўл келган, энди эса занжирлардан халос бўлгач, тиш-тирноғимиз билан курашиб, мустақил давлатимизни оёққа қўядиган пайт келди...

Мулоҳазамизда ҳаяжон устунлик қила бошлади, шу туфайли юракнинг қат-қатидаги нидолар тилга чиқаётган, бу, бир томондан, баландпарвозликдек туюлаётган эди. Нафсиламрини айтганда эса кечинмаларинини бошқача ифодалай олмайсан. Негаки, эртанги куннинг қандай бўлиши, Ватан тақдири ётсанг ҳам, турсанг ҳам безовта қилаверади. Тўғри, ютуқларимиз кўп, бироқ бу ҳамма вазифалар уддаланди, энди бемалол қўлни қовуштириб ўтираверса ҳам бўлади, дегани эмасда! Ҳақиқатдан қочиб қутулиб бўлмаганидек, ҳаракатдан ҳам бир зум тўхтаб бўлмайди.

Муаллиф андишаси: Икки ўртоқнинг суҳбати асосида айтган гаплари анчагина жўн, содда туюлиши мумкин, аслида, ҳаётнинг ўзи ҳам содда, жўн тузилган эмасми? Буюк ҳақиқатлар ҳам одми либосларда яшайдилар, туғилиш ёки ўлим ҳодисасининг рўй беришидек! Фақат кимлардир ўз манфаатлари йўлида уларни безаб, мураккаблаштириб юборади.

...Ҳаммамиз бир кемада бир манзил сари йўлга чиққан эканмиз, Ватан тақдирига дахлдорлик юракларимизни безовта қилаверсин.

ОШ

«Чўнтак дафтарчаси»даги ёзувлардан:

200... йил 11 феврал:

Наҳорда. «Жаноб»никада ош,

К.М. — амри маъруф.

«Шеф»никида маърака.

Тушлиқда. «Кал»никида худойи.

Б.С. — юбилей.

Соат 4.00да «дом»да — чарлар.

Соат 7.00да — «Бой»никида сабзи тўғраш.

Кечда. «Жоним»никида вечер.

12 феврал

Наҳорда «Дархон»да ош.

Кўкчада — ақиқа

Тушлиқда — маҳаллада — йигирма.

Оқшом — Қибрайда никоҳ тўйи...

«Қулоққа чалинган гап»лардан:

— Телпакчадек қорнинг бор, бунча ошни қаеринг-га ейсан?

Бўғилар алфоздаги узоқ кулгидан кейин:

— Сен гумроҳ экансан. Ўйлайсанки, мен оч қолганимдан елиб-югураманми? Йўқ, мен дўст излайман, дўст орттираман. Маъракаларда, издиҳомларда одам излайман. Таниш орттириб, кимнингдир юрагига нозиккина ипак арқон ташлаб қўйсанг, бир кунмас-бир кун асқотади-да.

* * *

Эркали Туронович босинқираб уйғонди-да, атрофига ҳадиксираб қаради. Зеҳни ёришиб, аста-секин рўпарасидаги ашёларни кўра бошлагач, қаердалигини қийналиб эслади. У ошдан чиқиб, ишхонасига келган ва кабинетидаги диванга ёнбошлаб ухлаб қолганди. Бошининг тагида қолган ўнг қўли зириллаб увишарди. Бармоқларини ишқалаб турди-да, сочиқни қўлига олди. Уни фаррош кампир уйғотиб юборганди.

Бир олим дунёни чаманзорга, ҳар бир халқни эса гулга ўхшатган эди. Жуда чиройли муқояса. Ҳақиқатан, дунё чаманзори бир-бирига ўхшамайдиган кўплаб гуллардан тузилган. Жумладан, халқимизнинг ҳам бошқаларга ўхшамайдиган ўз бўйи, ранги, таровати бор гулга ўхшатсак, бу ўзига хослик турмуш тарзимизда, урф-одат ва анъаналаримизда, халқимизнинг бир қарашда кўзга ташланадиган феъл-атворида намоён бўлади.

Менимча, халқнинг салоҳияти ана шу ўзига хосликнинг нечоғлик илғорлигига, оламшумуллигига қараб белгиланади. Сир эмас, айти пайтда умуминсоний ма-

даният сифатида тақдим этилаётган тартиблар, одатлар, либосларнинг илдизи аниқ бир халққа бориб тақалади. Ва, табиий равишда, кўпчиликнинг мулкига айланган яхши нарсаларни ҳаёда этган халқлар дунёда энг олдинги ўринларда туради (инглизлар, французлар, немислар, руслар, араблар, дегандек).

Шундай маданият белгилари борки, уларни алоҳида бир халққагина хос деб баҳолаш тўғри эмас. Улар умумий бўлиб, бу белги жами одамзотнинг бир нуқтада пайдо бўлганини, жами одамлар бир-бирига қариндош эканини тасдиқлаб туради. Масалан, меҳмондўстлик ҳамма халққа хос, бироқ бу фазилат турли ҳудудда турлича намоён бўлади. Умумий манзара шуки, бирон маданиятли халқ даргоҳига келган кишини қувиб солмайди, имкони етганича меҳмоннинг кўнглини овлашга ҳаракат қилади. Ёки меҳнаткашлик ҳам шундай умумий ҳодиса. Яшашнинг ўзи одамни меҳнат қилишга мажбур қилади. Биров балиқ овлаб кун кўради, биров пахта ёки шоли экиб... Шунданми, ўз қадрини, иззатини билган бирон халқ худди «кўзим бор» деганга ўхшаш табиий ҳол ҳисобланган меҳмондўстлик ёки меҳнаткашлиги билан мақтанмайди, буни ор билади. Аммо ана шундай умумий фазилатларда ҳам аниқ мезонлар борки, улар ҳар бир халқда алоҳида намоён бўлади. Масалан, меҳмондўстликда — самимият ёки очик кўнгиллик; меҳнаткашлиқда — фидойилик.

Халқимизнинг қиёфасини кўз-кўз қиладиган фазилатлар кўп. Қолаверса, ҳар бир маданият унсурига **Ўзбекча ёндашув** қарор топганки, бу ҳолат шу заминда яшаётган халқнинг илдизи жуда чуқур кетганидан, бир неча минг йил олдинги маданиятлардан сув ичишидан дарак беради. Суверен Ўзбекистон давлати юзага келгач, ана шу теран маданиятнинг қонуний ворислари пайдо бўлди.

Мустақиллик табиати, имконияти ҳар бир унсури хушёр зеҳн билан қайта баҳолаш ҳуқуқини беради.

* * *

Муздек сувга юзини ювгани наф қилди, уйқуси очилиб, энгил тортди. Ичи куйарди. Ошда ичилдими-ей, тонг саҳарда-я. Чойнакни балаңд кўтарди.

Қарийб бир ойдирки, шу аҳвол. Кунда ёки кунора — ош. Бормасанг, бўлмайди. Одамгарчилик, ўзбекчилик. Эртага сенинг ҳам дастурхон ёзишинг бор, «ол товоғим — бер товоғим».

Эркали юмшоқ курсига чўқди-да, тўй-ҳашамларда, маъракаларда ўтаётган умри ҳақида ўй суриб кетди.

* * *

Албатта, тўйлар керак. Хурсандчиликдан, шодликдан бош тортадиган, уни хушламайдиган одамзот бўлмайди. Ҳатто балиқлар, ўша индамас махлуқлар ҳам мовий ҳовузларда қувлашиб ўйнашади-я. Демак, ҳамма маъқуллайдиган умумий ҳолатни (қолаверса, умуминсоний маданиятни) камситиш, уни ёзғириш кайфияти бўлиши мумкин ҳам эмас. Нима десак, қандай мулоҳаза билдирсак, бу шахсий бир кечинма сифатида қабул қилинади, албатта.

Рости, ўзбекона «ош»ларнинг оҳанжамаси ўзгача! Бизда хатна тўй, қиз узатиш, ақиқа, юбилей, худойи, ҳаж маросимлари муносабати билан кўпчиликка тарқатиладиган текин овқатни умумий қилиб «ош» дейишади. Ўтироф этиш керак, бугунги ҳаётимизда ош энг катта воқелик бўлиб қолди. Бирор олимнинг илмий кашфиёт қилганини, шоирнинг китоб чиқарганини, режиссёрнинг янги спектакл саҳналаштирганини ва ҳоказо маънавий салоҳиятга даҳлдор бирор хушxabарни билмаслигимиз мумкин (очиғи — билсак ҳам қўл силтаб қўйишимиз мумкин). Лекин «фалон киши ош беряпти» деса, эшитган одам хушёр тортади, сабаби билан қизиқади. Табиий, таклиф қилинишини кутади. Таклиф қилинса, «рўйхатларда бор»лигидан хузур қилади, таклиф қилинмаса, сабабини ахтариб, барча тешикка бош тикиб чиқади.

Кашфиёт, китоб, спектакль ҳам «ош»дан кейин тан олинади.

Жуда чиройли ва гўзал манзара! Ўзбек халқининг бу бетакрор одатини, айниқса, чет элик дўстларимиз шоён ҳайрат билан олқишламоқдалар ва одамларимизнинг сахийлиги, бағрикенглиги, очиқ кўнгиллигига тиз чўкиб таъзим қилмоқдалар.

Буларнинг барчаси рост ва биз эркинликнинг минглаб олмос қирралари қатори «ош»ни топдик ҳамда шу

орқали дунё ҳамжамиятига қадам қўйдикми (наҳот!)? Фақат минг бир истиҳола билан баъзи ўринлар кичкина эътирозларга сабаб бўлаётганини маълум қилиб, мулоҳазаларимизни қулофингизга аста шипшитсак, шаккокликда айбламайсиз. Баъзан шундай бўладикки, сен бирор нарсани танқид қилсанг, қолганлар унга баттар ружу қўяверади.

Ошнинг наҳорда, ҳали юлдузлар ўз ётоғига кетишга улгурмаган, коинот ҳукмдори — қуёш борлиқни забт этишга қодир бўлмаган паллада тарқатилишида ажиб бир ҳикмат бор. Нақадар шоирона, дилбар палла. Кундуз чарчоқларидан тамом халос бўлган, жисман ва руҳан тиниқиб, янги суткада етарли куч-қобилият ғамлаган вужуд улғувор ишлар остонасида ош ейди. Таассуфки, азбаройи дастурхоннинг юқори дид билан безатилгани, соҳибларнинг жонбахш лутф-марҳамати туфайли мўлжалланганидан ортиқ қудрат сарфланади. Балки бир кунга мўлжалланган жами қудрат сарфланади. Мия ва мускулар тамоман бўшашиб қолгач эса куннинг қолган қисмида ошхўрнинг ўзи эмас, сояси ёки нусхаси ҳаракат қилади. Нечун тонгда?! Саволга турли нуқталардан турлича жавоб қайтариш мумкин, лекин жавоблар барибир бир ёқлама бўлиб қолаверади ва моҳиятни тўла ифодалай олмайди. Бизда шуниси ҳам борки, бирор нарсани тасдиқлаш лозим бўлса, етарлича оқлайдиган далил топилади, ўша нарсани рад этишга тўғри келганда ҳам салмоқли даъволарга муҳтожлик сезилмайди.

Ҳар гал уйқуни бузиб, шоша-пиша йўлда кетаётганда шу ажойиб машғулотни кундуз (тушлик пайти)-да ёки ишдан сўнг ўтказса, нима ўзгариши тўғрисида ўйлаб кўриладими-йўқми, билмадик. Бироқ тонгдаги ширин уйқуни бузиш фақат фавқулодда ҳолатлар — сув тошқини, ер қимирлаш, кутилмаган фалокат шароитида жоизлигини бошқа халқлар тажрибаси тасдиқлайди. Ўзбеклар эса шулар қатори ошхўрликни ҳам фавқулодда қабул қилади ва саҳар туриб ош ейди.

Юқоридаги саволга жавобларнинг ҳаммасини эса вазиятнинг фавқулоддалиги билан боғлиқ оддий мантиқ четга суриб қўяди. Ҳа, халқимиз ўтмишида фавқулодда ҳодисалар кўп бўлган. Ташқи ёвнинг босқини, дарбадарликда кўчиб юришлар, диний-миллий қад-

риятларнинг таъқиқланиши туфайли урф-одатларга бегона кўздан панада амал қилиш билан боғлиқ ташвишлар. Марҳумларга жаноза ўқиш таъқиқланганда бу амал бомдод намози пайтида адо этилган. Хатна тўйлари таъқиқланганда ота ўғлининг қўлини ҳалоллаш билан боғлиқ маросимни халқ маълуми қилиб қўйиш учун гира-ширада енг ичида қўшниларга ош тарқатган. Никоҳ (ижоб) ўқиш қатаронга олинганда икки ёшнинг бахт тўйи яширинча, қоронғида кичкина зиёфат билан мусулмонча ўтказилган. Тўй-маросимлар худди шундай зайлда ўтказилганини бутун ҳаёт бўлган кексаларимизнинг хотиралари тасдиқлайди. Инчунин, саҳарда ош тарқатиб, ош ейишнинг савоби (яхшилиги) ҳақида бирор маърифий-таълимий адабиётларда ҳам фикр йўқ (бу пайтларда намоз ўқиш, мутолаа қилишнинг фойдалари ҳақида кўп эслатилган), демак, гира-ширадаги ошхўрлик илдиизи пўк амал, аниғи, қувғинда, таъқибда юрган аждодларимизнинг заруратдан касб қилган одатининг оқоваси эмасми? Ахир, ўйлаб кўринг, эркин бир замонда қанча оворагарчилик билан ухламай стол безаш, тонг отарда юзлаб одамларни кутиб олиш, куни билан уйқусизликдан қийналиб юриш, ҳафта давомида росмана иш фаолиятини барбод қилишнинг қандай мантиғи бор? Бу — миллий қадриятми, миллий ўзликми ёки қарамликда шаклланган фикр инерциясидан чиқиб кета олмасликми?

Сир эмас, кейинги пайтларда ош тарқатишлар урф-одат, расм-таомил, қадрият қиёфасидан чиқиб, ўзини кўрсатиш, намоёиш қилишнинг ёки шу баҳонада кимларнингдир кўнглини овлашнинг жўн воситасига айланиб қолди.

Ошга бораётганда ош берувчининг кимлигига катта эътибор қаратилади. Баъзи маъракаларда 700-800 кило гуруч бир дона қолмай талаш бўлиб кетса, баъзан 100 кило ошни ҳам еювчи топилмайди.

Ташриф буюрувчилар ҳам: а) келса ошнинг мавқеи ошадиган, б) обрўси ошадиган, в) мавқега ҳам, обрўга ҳам таъсир қилмайдиганлар тоифасига бўлинади. Кўпчилик инсоний бурч нуқтаи назаридан борса, баъзилар кўрққанидан, ўлганининг кунидан, ҳатто қорнини тўйдириш учун қадам ранжида қилади.

Ош берувчиларнинг баъзилари ном чиқариш учун,

баъзилар зўрма-зўракилик билан шу юмушни адо этишади.

Кўриниб қоладики, айна пайтда ошхўрликларда намоён бўлаётган жиҳатларда инсоний самимият етишмайди, бу маросимни алақачон манфаатлар кураши ўз домига тортган. Ошда бошлиғу ходим, катта-ю кичик аралашиб кетади, шу жиҳатдан унда оломонлик унсури устунлик қилади.

Ўзинг хоҳламаган тарзда кўпчилик бажарган одатга эргашиш, бир дарёнинг томчиси бўлиб қолиш эса қалбни мудроқлаштиради.

Сохта табассум, муомала-ю илтифотлар завқни сўндиради.

Ҳар доим бир хил кўринишдаги, бир хил тартибдаги маросимларда иштирок этавериш зехни ўтмаслаштиради.

Сидқидилдан, юракдан чиқариб эмас, бирор манфаат билан дастурхон ёзиш ва келганларнинг тўёна-сига кўз тикиш таъмагирга:

ном чиқариш ёхуд «еган оғиз — уятлик» қабилида қарз кўтариб ош тарқатиш эса кишини муттаҳамга айлантиради.

Албатта, бу мулоҳазаларни ўқигач, муаллифнинг мурасасиз позицияси эриш туюлиши мумкин. Негаки, «ош — ўзбекнинг юзи» деган ақидага амал қилувчиларнинг ҳам ўз исботлари бор. Биз ҳам ҳеч қачон ошга, тўй-тантаналарга, дўстларнинг дийдорлашувига қарши эмасмиз. Гап бу ўринда меъёрни унутиш, шунинг орқасидан ўзбекчиликни обрўсизлантиришга олиб келаётган баъзи ножоиз уринишлар ҳақида кетаяпти. Мана бундай ҳолатларга эътибор беринг. Ошга танлаб, асосан, лавозими юқори кишилар лозим бўлса бўлмаса таклиф қилинади. Маъракаҳонада ҳаммага бир хил эмас, танлаб-танлаб муносабатда бўлинади. Ош кундаги иштирокига қараб, одамларга нисбатан турлича муносабат шаклланади: фаол иштирок этганлар сийланади, кам кўринганлар ёки келмаганларга зуғум қилинади. Хуллас, ош турмуш тарзимизга бир томонлама — фақат моддий томондан таъсир этувчи салмоқли кучга айланиб улгурган. Шу ўринда оддий бир мулоҳаза туғилади: бундай таъсирлар бизни юксак мақсадлардан чалғитмайдими? Ахир биз моддий (қорин)

манфаатлар атрофида эмас, халқни, миллатни, Ватанни юксалтиришдек оламшумуш мақсадлар атрофида бирлашишимиз керак-ку! Одатда, юксак мақсадлар турмуш тарзини белгилаши керак, биз эса турмуш тарзида шакланган бесўнақай тартибларга юксак мақсадларни қурбон қилмаяпмизми? Бир тоифада бошқа бир тоифа ҳақида шундай гап юрар экан: «Улар муҳаббатни қоринлари орқали қабул қилишади». Мабо-до, азми буюк, юксак чўққиларни кўзлаб яшаётган халққа нисбатан шундай ибора қўлланса, хижолатпазлик бўлмайдими?

Албатта, инсон ҳар лаҳзада яшаш завқини, тириклик лаззатини туюб умргузаронлик қилишни истайди. Ошларда қадрдонингизни кўрганингизда, кўпчилик қаторида елкама-елка ўтирганингизда, мумтоз му-сиқа тинглаб, кўк чой хўплаганингизда ўша завқни, лаззатни туюсиз. Менинг бу фикрим юқоридаги мулоҳазаларимга тескари эмас. Айтмоқчи бўлган гапим бошқа: биз турмуш тарзимизда маданий дам оладиган, чинакам завқланадиган маъракалар, тадбирлар сонини торайтириб юбормадикмикин? Олайлик, яқин йилларда бирор шоир ёки ёзувчининг янги китоби чиқиши муносабати билан ўтказилган ижодий учра-шувни эслай олмайман. Шеърийат кечалари, мушоиралар бутунлай таомилдан чиқиб кетди. Ёки бирор рассом дўстимизнинг ижодий кўргазмасига бориб, ранглар сеҳридан завқланиб, тасаввуримизни, хаёло-тимизни бойитдикми? Маънавиятли халқларда тўпланиб, театрга, концертга бориш сингари одатлар бор. Ёхуд бирор кино ёки театр актёрининг бенефисини уюштириб, меҳримизни қозонган санъаткорни олқишласак, у билан дилдан суҳбатлашсак, асло гуноҳ бўлмайди. Ана шундай ажойиб учрашув, мулоқотлардан кейинги ош ҳам ўзини оқлайди. Биз ош ейиш учун эмас, ош еб яшаш учун дунёга келганимизни ҳис этамиз. Энг гўзал табиат манзаралари, инсоният ақли билан яратилган мислсиз мўъжизалар тимсоли бўлган Ниагара шаршарасини томоша қилиш ёки Альп тоғларида бўлиш, Акропол, Помпей, Везувей ёки Мексикадаги ибодатхоналарни кўриш сингари оламни ва одамларни билишга қизиқиш ҳисси қачон турмуш тарзимизга сингади? Ва дунёдаги илғор халқларнинг та-

омилига айланган бошқа замонавий урф-одатлар ўзбекиона ошхўрлик билан бақамти хонадонларимизга кириб келсин энди.

* * *

— Етар, маошни оқлаш учун ишга киришайлик, — деди Эркали Туронович оғир мулоҳазалардан амаллаб қутулар экан. Бироқ унинг ботинида бир-бирига қарама-қарши икки куч талашарди:

— Бунчалик аламзадалик билан фикр юритасиз, сизни ошларга кам таклиф қилишадими?

— Меъёрида таклиф қилишади. Бу — аламзадалик эмас, фақат шу издиҳомларда одамга куч берадиган, юксалтирадиган унсурни кўрмайман. Аксинча, ошларга бораверсам, ўзимни маишат ботқоғига ботиб кетаётгандек, фақат шу кунлар учун яшаётгандек ҳис этаман.

— Ҳамма нарсани чеклайверсак, халқимизга нима ни тавсия этамиз?

— Мен ҳеч нарсани чеклаш тарафдори эмасман. Ошлар бўлаверсин, фақат инсоф доирасида, таъмасиз, самимий бўлсин.

— Унақада, нуқтаи назарингиз аниқ бўлмай қолади-ку!

— Менинг фикрларим ҳукм эмас, маърифий мулоҳазалар, холос. Сиз уларни ошдек қабул қилинг: иштаҳангиз тортса, бошдан охиригача ўқинг, бўлмаса, четга суриб қўйинг.

У ўз-ўзи билан мунозара қилиб, кундалик юмушларини бошлаб юборди.

ОЛТИН ОЙКУМЕНА

Ширин бола

Бу боғ чорраҳада, неки чорраҳа, балки дунёнинг тўрт томонидан турли юмуш билан ўтувчи карвонлар қўниб ўтадиган, катта йўллар туташган жойда барпо этилган эди. Унинг эгаси ўзига анча бино қўйган, ҳар дақиқада насли тозалигини эслаб туришни, неки эслаб туриш, балки боғига ташриф буюрувчиларга эслатиб туришни хуш кўрадиган ҳавойироқ одам эди. Боғдан

меҳмон узилмас, инчунин, уларни кутиб олиш, қўллари чайдириб, сочиқ тутишдан боғ соҳибининг дастёри — Ширин бола асло бўшамасди. Зеро, боғ, унга ташриф буюрувчилар, боғ қўйнидаги синоатлар кўҳна мозийда рўй берган худди шундай тарзи ҳаётнинг сувдаги аксига ўхшарди.

... Нигоҳ етмас йилларнинг бирида макондан қувилган беш нафар жонзот боғдан маскан топди. Уларнинг иккаласи ҳожати учун анжир дарахти бешта япроғини ҳадя этди. Кейинчалик бу япроқларнинг бирини кийик еган эди, у уфорга айланди. Сигир егани гул бўлди. Ари егани асалга айланди. Қурт еганидан ипак пайдо бўлди. Бирини ерга қадаган эдилар, одам зотига кафанликка ярайдиган момиқ дарахти — пахта ўсиб чиқди. Ана шу жойда икки жинс қовушди, улардан фарзанд туғилди. Фарзандларнинг каттаси қиз талашиб укасини ўлдирди. Бундай буюк ривоятдагидек воқеалар чорраҳадаги боғда ҳам аҳён-аҳёнда рўй бериб туради, фақат гап бир-бирининг жонига қасд қилишгача бориб етмайди. Негаки, бу жойдан макон топувчилар муқим яшашмайди, узоқ сафарлари асносида бирров қўниб ўтишади, холос.

Ширин бола хизматдан чарчамайди. Қўл-оёғи чаққон, пилдираб югургани-югурган. Боғ йўлагида унинг югургилаб кетаётганини кўрган киши оёғи елкасидан ошиб кетаяптими, деб ўйлайди. Қоратўри ранги ёноқларининг қизиллигини яшира олмайди, дўмбоқ бармоқчалари семизгина, кўзлари жовдираб туради. Туннов кун қўноқлардан бари жеркиб берган эди, қаттиқ хафа бўлди. У ўзининг бирор қилиғида ёмонлик сезмайди, шунинг учун ёмон гапни кўтара олмайди. Унга фақат ширин гапириш, эркалатиш, тез-тез мақтаб туриш керак. Шунда ўлар-тириларига қарамай, хизматингизни бажаргани-бажарган. Албатта, у ейиш-ичиш ва кийинишдан заҳалик тортишни хоҳламайди. Тўқ бўлса, усти бут бўлса, дунёдаги энг катта бахтга эришгандек яйраб юраверади. Боғнинг кўркамлиги, жаҳоноролиги меҳмонларда қанчалик хотира уйғотишини билмадик-у, лекин қадам ранжида қилган киши лўппи юз, чақноқ кўз бу болачани узоқ вақт эсидан чиқара олмаслиги тайин.

Бир куни олис, қуёшли бир юртдан ташриф буюр-

ган меҳмон ҳузурига чорлади-да, узоқ сафаридан чарчаган чоғи, унга тўйиб-тўйиб тикилди, бошини силаб, пешанасидан ўпди. Кейин шоҳ ва шоир Бобурни соғинтирган қовун, «оқ олтин» деб эъзозланадиган пахта ва, албатта, ўзининг ўн бир нафар фарзанди ҳақида қизиқ-қизиқ ҳикоялар сўзлаб берди.

Хаёлий сафар

Йўловчининг ҳикояси анча узоқдан — миллион йиллар нари-берисидан бошланар эди. У жумлажаҳон синопатларини мушоҳада этиб, тафаккур фойдасини ўз юрти тақдирига қиёсларди, дунёни олтин узукка, ватанини эса узукнинг марварид кўзига менгзарди.

... Даҳри дуннинг ҳар бир ҳудуди бетакрор қиёфага эга. Бири саҳродан, бошқаси муздан иборат. Бир жойда гул кўкарса, бошқа ерда янтоқ ўсади. Шундай масканлар борки, одамлар нуқул табиат ҳужумларига қарши яшайдилар. Бир довул ёки сув тошқини билан йил бўйи қилинган меҳнат кунпаякун бўлади. Ёки баъзи мамлакатларда аёвсиз ҳарорат ёхуд, аксинча, кўз очирмас совуқ муттасил одамларни имтиҳон қилиб туради. Хуллас, ер юзида ҳаёт кечириш учун одамзот наслига ташвиш етарли. Бироқ кўп халқлар ҳавас қилиши мумкинки, куёшли Осиёнинг қалбида, унинг Марказий Осиё деб аталувчи бўлагининг Ўрта Осиё қисмида, яна унинг қоқ марказида Аллоҳ сийлаган бир маскан бор. У ҳозирги истилоҳда Ўзбекистон деб аталади. Замин тарвузида тоғ ва боғ, чўл ва кўл бунчалик расамади билан жойлаштирилган бошқа маскан топилмас. Унда йилнинг кўп даври куёшли бўлади, тўрт фаслнинг алмашилиши тугал кечади. Тупроғи унумдор, замини маъданга бой. Ана шундай ватанда туғилганлик билан фақат ифтихор қилиш лозим. Муаррихлар қайд қиладиларки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида одам зоти бир миллион йилча олдин пайдо бўлган (Фарғона водийсидаги Сел ўнгир ғоридан топилган ашёлар буни тасдиқлайди). Бу жиҳатдан — инсон наслига ватан бўлишдаги қадимликдан Ўзбекистон ер юзидаги учта энг кўҳна манзилдан бири ҳисобланади. Излар оловнинг пайдо бўлиш тарихи ҳам шу ҳудудда ўшанча қадимийликка бориб тақалишини тасдиқлай-

ди. Демак, бу замин бутун инсониятнинг муқаддас ота маконларидан — дастлабки ойкуменалардан бири саналади. Бундан 100—40 минг йил олдин яшаган неандерталь одамларнинг шаклланиши (меҳнат қурола-рини кашф этиши, танасининг мутаносиблашиб, ҳозирги одамларга ўхшаб бориши жараёни) ҳам шу ҳудудда тезроқ кечганини, бунга қулай табиий иқлим шароитлари асқотганини моддийон илм хулосалари тасдиқлайди. Тешиктош ғоридан юз минг йил олдин дафн этилган бола жасади топилган. Демак, каннибализм (одамхўрлик)дан воз кечилиб, яъни ваҳшийлик даври тугаб, бадавийликка ўтиш ана шунча қадимда бизнинг тупроғимизда бошланган (муқояса учун далил: ҳозир — XXI асрда ҳам одамхўрлик босқичидаги қабилалар борлигини фан тасдиқлайди). Такомиллашув жараёни шу тарзда муттасил ва изчил давом этган, матриархатнинг ва табақалашувнинг пайдо бўлиши 40 минг йиллик, ёйнинг ясалгани 12 минг, деҳқончилик ва чорвачиликнинг юзага келиши 7—5 минг йиллик тарихга эга. Таъкидлаш керак, ўша даврларда ер юзининг кўп бўлақларида муз даври тугамаган ёки ҳамма ерга гомосипиенс — одам авлодининг қадами етиб бормаган эди. Албатта, бундай қадимийлик менинг ёки сизнинг шахсий муваффақиятимиз эмас, бу борлиқ ижодқорининг туҳфаси. Уларни тилга олишдан мурод эса тараққиёт силсиласида бу масканлар ҳар доим илғор бўлиб келганини қайд этиш ва шу орқали ҳар қандай фактга ҳовурдан тушиб, босиқлик билан муносабатда бўлиш лозимлигини таъкидлаш, холос. Бизнинг эрамызгача ҳам ҳозирги Ўзбекистон замини кўплаб маданий тарихий воқелар шоҳиди бўлган. Ҳозирги замон стандартлари билан ўлчаганда ҳам тугал маданият ҳисобланувчи Калтаминор, Сополлитепа, Тозабоб, Чуст, Амиробод, Бурғулуқ номлари билан аталувчи машҳур ёдгорликлар, Бақтрия, Хоразм, Қанг, Довон давлатлари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари 2—4 минг йил олдин пайдо бўлган. Мулоҳазаларимизнинг давомида мактаб ўқувчисига ҳам маълум маълумотларни санаб ўтишни ортиқча, деб ҳисоблаймиз, албатта.

Узун гапнинг қисқа хулосаси шуки, ҳар доим дунё меҳварида порлаб, кўзларни ўйнатиб келган бу замин

бугун сиздан ва биздан мўъжиза кутаяпти. Бугунги авлод зиммасига ана шундай тарихий вазифани 1991 йил 1 сентябрда рўй берган шонли воқеа — мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши долзарб қилиб қўйди.

Маданиятлар чорраҳасида

Албатта, кураш суронлари тўхтаб, осойишталик бошланганда ўтган ҳамма воқеа-ҳодисалар тарозига қўйилади, таҳлил қилинади, хулосалар чиқарилади. Хулоса ва яқунлар эса келгусидаги янги юмушлар учун дастурул амал бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан бугун юртимиз жамолига боқсак, асрлар дастхати сифатида қадимий шаҳарларимиз, умри боқий меҳнаткаш қишлоқлар, уларнинг бағридан уфуриб турган қадим маданият излари кўзга ташланади. Ростдан, бу замин шундай бир нуқтада жойлашганки, уни бирор тарихий ўзгариш, цивилизациялар тўлқини, маданий оқимлар четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Бунинг устига қулай табиий иқлим ва бошқа моддий омиллар ҳамманинг кўзини ўйнатиб келарди. Шунданми, ҳозирги эрадан 530 йил олдин бошланган Аҳамонийлар ҳужумидан XX аср 20-йилларидаги Чор босқинигача бу замин қанча талатўпларни кўрмади. Табиий, бундай муҳорибаларнинг ҳеч бири беиз кетмади ва ҳар бири бу юрт тарихи, маданияти, тараққиётида ўз нуқсини қолдирди.

Шундай қилиб, бугунги ўзбек маънавияти ва маданиятига разм солсак, қуйидаги энг йирик халқлар маданиятининг унсурларига дуч келамиз. (Албатта, бу ўринда республика аҳолисининг 80 фоиздан кўпи ўзбеклар эканини, бу миллат тарихан туркий маданиятни отамерос сифатида қабул қилганини энг бошида қайд этиб ўтиш лозим.)

Шубҳасиз, шу заминда пайдо бўлган дунёдаги энг қадимги маданиятлардан бири ҳисобланувчи, бугунги кунда тарих ғаладонидан жой олган зардуштийликнинг таъсири бу ҳудуд маданиятининг шаклланишида дастлабки туртки, биринчи қадам бўлган. Тан олиш керак, ҳозир ҳам халқимиз турмуш тарзида бу қадимги (эрамыздан олдинги VII—VI асрларда пайдо бўлган

ва гуллаб яшнаган) маданият унсурлари — оловга сизиниш билан боғлиқ одатлар ҳам учрайди.

Маълумки, VII асрда араблар истилоси бошланди ва улар ўзи билан ислом динини олиб келди. Шундан буён ўтган барча ўзгаришлар силсиласида бу воқеа гоҳ ҳал қилувчи даражада, гоҳ энг муҳим омил сифатида ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Албатта, маҳаллий аҳолининг истилочиларни, оташпарастларнинг ислом ақидаларини қабул қилиши осон кечмаган. Икки томоннинг кураши бир неча ўн йиллар давом этган. Барибир янги ва илғор ғоя сифатида ислом дини Ўрта Осиёда ҳам қарор топди, ривожланди, маданий тараққиётнинг табиатида ҳал қилувчи омилга айланди. Ислом динининг ёйилиши жараёнида фотихлар, лашкарбошилар билан бирга илм аҳли ҳам бу юртларга ташриф буюрди. Кўплари шу жойда абадий яшаб қолиб, илм-фан, адабиёт-санъат ривожига ўз ҳиссаларини қўшишди. Табиий, улар ўзлари билан бирга араб маданияти унсурларини ҳам олиб келишди. Ўрта Осиёнинг шуҳратини оламга ёйган алломалар қаторида араб миллатига мансуб кишилар кўпчилик экани тарихий ҳақиқат.

Бу замин халқлари турмуш тарзи ва маданияти чегарадош, ери туташ бўлган Эрон (форс) маданияти билан муносабатта киришмаслиги мумкин эмас эди. Қолаверса, форс ҳукмдорлари — Кир, Доро ва бошқаларнинг бу гўзал заминни истило қилиш йўлидаги қонли юришлари тарихдан маълум. Бироқ Туронзаминнинг ўша пайтдаги муқим аҳолиси — скифлар, саклар, массагетлар Эрон босқинчиларига ўз ватанларини топшириб қўймадилар. Барибир, Турон — Эрон маданиятининг бир-бирига хоҳ тинч, хоҳ кураш йўли билан интилиши тўхтаб қолмади. Бу жараён буюк Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўз поёнига етди. Баъзи тарихчилар Соҳибқирон бобомизнинг маданиятлар ўртасидаги ғовларни бартараф қилиб, туркий ва форсий халқлар маданий алоқаларига кенг йўл очганларини энг буюк хизматлари қаторида биринчи ўринда қайд этишадикки, бу бежиз эмас. Форсий халқлар маданияти таъсирида Туронзаминда меъморчилик, адабиёт, санъатда янгича руҳ, қиёфа, мазмун пайдо бўлди. Бу икки катта маданиятнинг қўшиливидан юртимизда

маданий ҳаёт гуллаб-яшнади. Инсоф билан айтганда, энг гўзал бинолар шундан кейин қурилади, бетимсол шеърӣ, мусиқӣ ва бошқа санъат асарлари яратилди. Темурийлар ҳукмронлиги ана шу салоҳиятнинг тўла юзага чиқишда кафиллик қилди.

Кўп йиллар давомида араб тили илмий тил, форс тили адабиёт (асосан, шеърӣят) тили бўлиб қолди.

Кўриниб турибдики, зардуштийлик ва исломий таълимот, туркий, арабий, форсий маданиятларнинг қўшилувидан дунёга тенги йўқ кучли маданий марказ юзага келган. Бу марказнинг мўъжизаларини бутунги кунда бутун дунё эътироф этиб турибди. IX асрдан XVI аср бошларигача — қарийб етти юз йил Ўрта Осиё, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бутун оламнинг том маънодаги маданий каъбаси бўлиб турди. Ана шундай шарафга эга бўлган юртни умуминсоний ойкумена, олтин ойкумена, деб аташ бутунлай қонунийдир.

ИЗОҲ: Ойкумена, изкумена (грекча **ойкеу** сўзидан — **яшайман, бошпана** маъноларини билдиради) термини ер юзининг одамлар яшайдиган қисмини англиш учун қўлланилади. «Ойкумена» ҳақидаги маълумотлар биринчи марта Гекатий Милетский тадқиқотларида учрайди. У Европа (шимолдан ташқари), Кичик ва Олд Осиё, Ҳиндистон ва Шимолий Африкани ойкумена тушунчаси билан ифодалайди (*Қомусган*). Демак, ер шарининг энг қадимдан инсонга бошпана берган қисми ойкумена, деб аталар экан, инсоният такомилга бетимсол ҳисса қўшган алломаларга ватан бўлган қисми «Олтин ойкумена» деб юритилиши, шубҳасиз, мантиқан тўғри бўлади.

Ҳа, маънавият осмонини Шарқдан порлаган юлдузлар ёритиб, уларнинг шуъласи қанчалаб карвонларнинг тўғри йўл топиб олишини таъминлаб турар экан, фалакнинг қайси бир буржидан қора зулмат бостириб келар эди. Баҳриуммон тўлқинланиб турганидек, цивилизациялар тўлқини ҳам алмашилиб борар экан. Ўта фараҳли кунлар интиҳосида орадан кўп ўтмай, гуллаб турган маданият завол топди. Боболар шуҳратидан боши айланиб қолган юрт эгалари жловни қўлдан чиқариб юборди. Оқибатда, Аттила, Болломбер, Чингизхон сингари фотиҳлар уйқудан уйқотган Европа эгасиз, сарҳадсиз қолган хазинага ўзини

урди. Гоҳ элчи, гоҳ сайёҳ ёки тужжор, ҳатто дарвишқаландар қиёфасида айғоқчиларини юбориб, бебаҳо маънавий бойликни ташиб кета бошлади. Ўзаро сўқишу маишатдан бошқасига ярамай қолган ҳукмдорлар, зулм исканжасида пачоқланган, эзилган халқ буларни лоқайд кузатиб тураверади.

«Кимдир ариқ қазади, кимдир ундан сув ичади» деганларидек, боболаримиз тафаккури марваридлари Фарбада алгебра, медицина, минералогия, геодезия, фармокология, астрономия сингари бутун бошли фанларга асос бўлди. Ҳатто Мирзо Улуғбек қўлга киритган ўлчов натижалари космик кемалар парвозида асқотди, бироқ энди бу кашфиётларнинг эгаси бошқа эди. Таланган, ғорат қилинган юртга чор босқинчиларининг «ташрифти» эса Яратганнинг ҳам, қасоскор тарихнинг ҳам муносиб жазоси бўлди. Бу муҳориба ўлкадаги ижтимоий, маънавий муҳитни бутунлай бошқа изга солиб юборди.

Шундай қилиб, араб, форс маданиятидан роса тўйинган халқ энди рус, у орқали Европа маданияти билан «ошноланиш» имконига эга бўлди. Албатта, бу истилонинг табиати олдингиларига асло ўхшамасди. Бу сафар нафақат тақдирлар, балки динлар тўқнашган эди. Балки фожианинг мислсизлиги ана шундадир. Энди фақат моддий бойликларга эмас, маънавиятга ҳам қутқу солинди. Бу ҳолни қўйни чўчкага айлантиришга ўхшаш бешафқат тажрибага қиёслаш мумкин.

Табиий, буларнинг барчаси маҳаллий халқнинг руҳиятига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Зулм, қонхўрлик, қийноқлар исканжасида ҳар қандай эътиқоддан, ғоядан маҳрум одамлар пайдо бўлаётган эди. Яшаб қолиш, кун кўриш илинжи уларни шундай кўйларга солган эдики, бу бандалардан гурур, ҳатто шахсий қиёфани излаш кулгули ҳол эди. Негаки, маҳаллий ҳукмдорларга ҳам, истилочиларга ҳам шахслар эмас, қулар керак эди. Босқинчилар аҳолининг асосий қисмини иш берувчи махлуқларга айлантирган эдилар. Одамдек яшашни хоҳловчилар истилочиларнинг чизигидан чиқолмасди. Шаккоклик қилса эса боши кетарди. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам халқ инсоний қиёфасини сақлаб қолди. Сахийлик (аслида қашшоқ тирикчилигида нимани ҳам қизганарди?), меҳнаткаш-

лик (меҳнат унинг ягона халоскори эди), ҳамжиҳатлик (ҳасратингни эшитиш учун кимдир керак-ку) сингари фазилатлар уларни тарк этмади. Табиий соддалиги, ишонувчанлиги эса фойда ўрнига кўпроқ зарар келтирди.

Коммунистик империя ҳам эксплуатацияни худди шу йўсинда давом эттирди. Фақат ишлаб чиқариш саноатлашгани туфайли маҳкумларнинг малакасини оширишга мажбур эди. Бу юқори самарадорликка эришишни таъминлаш учун зарур эди. Шунинг учун савод ўргатилди, тиббий хизмат, ижтимоий муҳофаза йўлга қўйилди, бироқ моҳият ўзгармай қолаверди.

Маълум бўладики, бир томондан турли маданиятларнинг кириб келиши, алмашиши, тўқнашишидан мия чалғиб, барқарор мафкурага эга бўла олмаган, иккинчи томондан, «чақирилмаган меҳмон»ларнинг хизматидан қўли бўшамаган аجدодларимиз дўппини ёнига олиб қўйиб ўзи ҳақида бафуржа ўйлашга фурсати етмаган. Авлодлар шамол қайси томондан эсса, шу томонга эгилиб, ким бошпана-ю, бир бурда нон берса, ўшанга қуллуқ қилиб яшаб ўтаверган. Тақдирнинг бешафқат ҳукми уларни ўз қадри, ўз ғурури, ифтихори, шон-шарафи ҳақида бош қотириш, гирибонидан бўғиб турган қўл эгасининг кўзига тик боқиб, инсон сифатида ўзини кўрсатиш жасоратидан маҳрум қилиб келаверган. Ана шундай муҳитда яшаш санъати, эҳтимол, «ўзбекчилик» деб аталар. Демак, ўзбекчилик — борига барака, насиб этганига кўникиш, Худо берган умрни бир нави тинч, осойишта яшаб ўтказиш. Гапнинг дангали — шу, ҳар қандай овунчлар, таскинлар, пардозлар ва алдовларсиз гапнинг бори — шу.

Афсуски, шу тарзда яшашнинг нечоғлик яхши ёки ёмонлигини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Биз — ўзбеклар

Албатта, биз ўзимизни «ўзбек», яшаётган ватанимизни «Ўзбекистон» деб эътироф этар эканмиз, бу сўзларнинг қандай маъно англатиши-ю, келиб чиқиш тарихидан бохабар бўлиш асло зарар қилмайди. Зеро, бир муқаддас китобда: «Ҳар бир сўз Аллоҳдир» дейилганки, бу билан муомаладаги ҳар бир каломда чу-

қур мазмун мужассамлиги, у мислсиз (Аллоҳга ўхшатишган!) қудратга эга бўлиши таъкидланган. «Ўзбек» сўзининг ёзма тарихий манбаларда учраши, у ифодалаган маъноларни кузатишдан ажойиб манзара юзага келади. Табиий, бу ўринда баён этилаётган мулоҳазалар бир зиёлининг фикрлари бўлиб, у тадқиқот ёки кашфиёт даъво қилмайди.

Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, Темучин 602 ҳижрий йил ражаб ойида (эрта баҳор фасли) катта бир қурултой чақиради. Жами улус вакиллари тўпланиб, тантаналар бошланиши арафасида мўғуллар «тибтангри» деб атайдиган, доим тоғ-тошларни кезиб юрадиган, «оғздан чиққан ҳар бир сўзи воқибъ» бўладиган авлиё кириб келади. Ана шу анжуманда авлиё Темучинга Чингизхон (туркийда — шоҳлар шоҳи) деган ном беради. Кейин кўплаб китобларда қайд этилган Чингизхон номини тайин этган киши ҳақида Мирзо Улуғбек «Уни ўзбек улуси Яланғоч ота дейишарди» деб ёзади. Демак, ўзбек улуси (китобларда «ўзбак, «ўзбакий», «ўзбек» тарзида ёзилган) Чингизхон даврида ҳам мавжуд экан. Умуман, бу сўз тарихи ҳақида гапирганда туркий қавмларни ташкил этувчи уруғ (улус)ларни эслаш кифоя. Араб тарихчилари улардан 56 тасини санаб кўрсатган экан. Баъзи манбаларда 60, 72, ҳатто 92 уруғдан иборатлиги қайд этилган. Ана шу уруғлардан бири қадимдан «ўзбеклар» деб аталган.

Психология фанлари доктори Азим Жабборов шундай эслайди: «Бизнинг Яккабоғ туманидаги Тошқўрғон қишлоғимиз билан бир ўрамда, бир қир нари Ғўрум, Ҳачча, Дўконхона каби қишлоқларда «ж»лаб гапирувчи, ҳамон кўчиб юриш одатини тарк этмаган, қизил ранг матодан яқтак кийиб, катта салла ўраб юрадиган одамлар меҳмон бўлиб келишарди. (Гап ўтган асрнинг 70-йиллари ҳақида кетаяпти.) Улар нонни ўчоқда эмас, қизитилган ясси тош (товатош)да пиширишарди. Ёзда яйловларга кўчиб чиқиб, ўтов (қора уй)ларда яшашарди. Катталар бизга уларни «ўзбаклар», «ўзбақлар» деб танитишарди. Ҳозир ҳам умргузаронлик қиладиган бу қавм қўнғирот уруғига мансуб миллатдошларимиздир». Демак, туркий қавмлар пайдо бўлгандан бошлаб ҳозиргача ўзбек (ўзбак) улуси мавжуд бўлган.

Яна бир версия шундан иборатки, Чингизхоннинг шавкатли набираси Ботухоннинг Фарбада зафарли юришларидан кейин бир табақа ажралиб чиқади. Булар Европадаги ўтроқ маданият таъсирида анча маданийлашган саҳрои мўғул лашкарларининг энг илғор (аристократ) қисми эди. Тадбирда ва сиёсатда юқори савияда бўлган бу гуруҳ бошқа туркий қавмларга етакчилик қила бошлайдилар. Улар маълум уруғдан шакланган бўлмай, бошқа шуъбалардан ҳам ажралиб чиқа бошлайдилар. Асосан оқсуяклар (аристократлар)дан иборат қавм ўзини «ўз бек» (ўзига бек) деб атадилар.

Бошқа манбаларда эса «ўзбек» сўзининг пайдо бўлишини «Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг» (1312—0342) номи билан боғлайдилар» (*Бўрибой Аҳмедов*). «Тўрт улус тарихи» китобида Мирзо Улуғбек ёзади: «Тўқтайхон давлати поёнига етгач, ҳазрати Султон Муҳаммад Ўзбекхон ибн Тўғрал ибн Каликхон ибн Тўғон ибн Ботухон ибн Жўжихон ибн Чингизхон тахтга ўтирди. Ўзбек улусини унга нисбат берадилар».

Султон Муҳаммадхоннинг тахтга ўтириши ҳижрий 712 йилда содир бўлган. Улар саккиз йил Дашти Қипчоқда давр сурганларидан сўнг авлиёлардан Занги Ота ва Сайид Оталарнинг даъвати билан Султон Муҳаммад ислом динини қабул қилади. Бу воқеа 720 ҳижрий, 1312 мелодий йилда рўй беради. Шундан кейин, Мирзо Улуғбекнинг ёзишича, Сайид Ота уларнинг барчасини Мовароуннаҳр диёри сари олиб келди». Ўзбекхон ҳукмронлиги 30 йил давом этади, унинг вафотидан кейин ўғли Жонибек тахтни бошқаради.

Бу воқеаларни эсга олишдан мақсад ўзбек қавми, ўзбек улуси, ўзбек халқи, ўзбек миллати тушунчалари динамикасини бир қур кўз олдимишга келтиришдир. Демак, ўзбеклар ҳукмронлигининг илк босқичида бу тушунча ҳозир биз тасаввур қилганимиздек кенг қамров касб этмаган, балки бутунги масштабда қараладиган бўлса, у ўзбек халқи шажарасининг бир бутоғини ифодалаган, ташкил этган, холос. Ана шу жузъий ҳолни тушунмаган ёки эътиборга олмаган баъзи ватандошларимиз, ҳатто олимлар Амир Темур «Тузуқлар»идаги «Туронзаминни ўзбеклар тоифаси қолдиқларидан тозалаш учун қилган кенгашим жумлаларини ўқиб ёки «Бобурнома»даги Ўзбек хонларига бегонадек муноса-

батни тасаввур қилиб, миллатнинг бу икки бутоғини бир-биридан ажратиб қўймоқчи бўладилар.

Абдулғозий Баҳодирхон «... ондин сўнг жумла Жўжи элини Ўзбек эли дедилар. То қиёматга қадар ойтқуси турурлар» деб ёзган экан. Замонлар зайли, тарих эврилишлари туфайли «ўзбек» атамасининг маъно доиралари кенгайиб борди ва ниҳоят Туронзаминда яшайдиган туркий қавмларнинг салмоқли қисми ўзбеклар деб аталадиган бўлди. Тақдир тақозоси билан бу заминга келиб қолган араблар, форслар, ҳиндлар, хитойлар, ҳатто тибетликларнинг авлодлари ҳам ўзбек унвонини ўзларига ихтиёрий қабул этдилар. Паспортида «миллати — ўзбек» деб ёзилганлар қаторида оналари бутунлай бошқа миллатга мансуб кишиларни кўплаб учратиш мумкин. Бу ҳол ҳеч кимда эътироз уйғотмайди, аксинча, мамлакатдаги йигирма беш миллиондан ортиқ аҳолининг асосий қисми ягона тил, маданият, динни ихтиёрий танлагани катта салоҳиятни, буюк кучни ташкил қилади.

Тонг отгач

Агар таъбир жоиз бўлса, ўз эркига эга бўлган ва ягона туғ остида бирлашган чинакам ўзбек миллати қачон пайдо бўлди, деган савол қўйилса, мен мустақиллигимиз эълон қилинган санани тилга олар эдим, негаки, тақдир бизни қайтадан яратди, яъни узоқ ва шонли тарихга эга бўлган, бироқ бирлашмаган, ўз эркидан маҳрум, «катта оға»ларнинг сояси бўлиб, дунё ҳамжамиятида тилга ҳам олинмаган халққа истиқлол туфайли шу толеъларнинг барчаси насиб этди, гўё шарпа ҳақиқатга айланди.

Мабодо, ўтган истиқлол йилларида кўзга яққол ташланиб қолган хусусиятлар ҳақида гап кетса, биз узоқ уйқудан сўнг бирдан уйғониб, неча юз йиллик истибоднинг чангалидан дангал чиқиб кета олмаганимизни таъкидлаш ўринли бўлади. Қўрқув ҳиссидан, ички қулик исканжасидан халос бўла олмаётганимизни Юртбошимиз ҳам жуда кўп марта куончаклик билан таъкидлаган эди. Эҳтимол, мана шу тутқунлик кайфияти ҳамма нарсада ўз таъсирини кўрсатди. Рухшунос олимлар қўрқув ҳолатини шарҳлар эканлар, бундай вази-

ятга тушган одамнинг жами сезгилари тўла ишламаслигини таъкидлайдилар. У рангларни хира кўради, оғриқни тўла сезмайди, аччиқ-чучукни аниқ ажрата олмайди ва бошқалар. Борлиқни чала ҳис этган одамнинг тафаккури ҳам шунга яраша бўлади-да.

Воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, юртимизга ҳамла қилган ҳар қандай куч, экспорт қилинган ҳар қандай ғоя ҳеч қандай қаршиликка учрамай шахдам қадамлар билан кириб келаверган. Айниқса, XVI асрдан кейинги тарих бунга яққол гувоҳ (ва, албатта, энг катта инқирозлар ҳам шундан кейин рўй берган). Ташқи кучга қарши туриш имкони етарли бўлса ҳам таслимчиликни хуш кўрган халқни бирлаштирувчи куч топилмаган. Гарчи зоҳиран яхлит ҳудудда яшовчи одамлар бир жамоадек туюлса-да, ботинда мавжуд бўлган ички ихтилофлар уларнинг бирлашишига кучли тўсқинлик қилган. Бундай ихтилофларнинг пайдо бўлиши ва яшаб қолиши эса тарихнинг туҳфаси эди, яъни турли маданиятлар қоришиб кетган (юқорида таъкидлаганимиздек, туркий, араб, форс, рус, Европа маданияти), дунёнинг барча бурчакларидан гоҳ ихтиёрий, гоҳ мажбурий олиб келинган юзлаб миллатлар яшовчи ҳудудни бир ғоя атрофида бирлаштириш осон эмаслиги — ҳақиқат. Бирлаша олмаслик эса қандай фожиалар олиб келгани тарихдан маълум. Келинг, ўтган асрда рўй берган рус босқинини эслайлик. Уч давлатга бўлиниб, бир-бири билан ёвлашиб ётган халқнинг бошига тушган шўришлар нақадар аянчли. Руслар Хоразмга ҳужум қилганда бухороликлар томошабин бўлиб турган. Бухоро забт этилганда эса Қўқон хони босқинчиларни қутлаб, совға-салом пешкаш қилган. Эвазига ўзи ҳам қонга ботирилган. Албатта, тарихимизнинг шонли саҳифалари кўп, бироқ кундузни кечасиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, қора кунларни ҳам эрдан чиқариб бўлмайди.

Ягона халқ бўлиб бирлаша олмаслигимизга монетьлик қиладиган ихтилофлар мавжудлигини Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарида ҳам таъкидлаб ўтган эди. «... Энг юқори сиёсий поғоналардан туриб, умумий ишимизга халақит берадиган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ҳолатларига фаол чек қўйиш лозимлигини кўрсатишга ва дунёда ягона

Ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхон-дарёлик ўртасида фарқ йўқ — уларнинг барчаси ўзбеклар деб таъкидлашга тўғри келмоқда» (103-бет).

* * *

Ҳа, тонг оттач, ҳамма нарса равшанлашганидек, биз энди ўтган кунларни аниқроқ кўра бошладик, уларни мустақиллик гоёси билан қайта идрок этиш имкониятига эга бўлдик. «Тарих — сабоқ, бу сабоқдан оқиллар ва фозилларгина ибрат оладилар», деган экан бир донишманд.

Ростдан, Туронзамин катта тарихга эга, бироқ «Чириган суяк ифтихор бўлолмайди» деб ёзган экан ватандошимиз, қомусий олим Абу Райҳон Беруний. Бунинг устига бой ўтмишга меросхўрлик бизга улкан масъулият ҳам юклайди. Биз ҳар жиҳатдан аجدодларимизга муносиб бўлишимиз лозим, аксинча, бизнинг мақтанчоқлигимиз мушукнинг «Биз ҳам йўлбарслар авлодиданмиз» деб кўкрагига уришига ўхшаб қолади. Туронзамин, унинг ёш ворисларидан бири Ўзбекистон турли чечаклар гул очган бўстонга ўхшайди. Бу чечакларнинг уруғини шамол узоқ-узоқлардан олиб келган бўлиши мумкин, бироқ у бағри ҳароратли тупроққа тушди, шунда унда ўсди, туп ёзди. Аждодларининг иддизи шу тупроққа қўшилиб кетди, у ҳам шундай саодатни кутиб яшайпти. Биз ҳам шу чечак мисол оёқ остимиздаги қутлуғ тупроққа садоқат кўрсатайлик. Ҳаммамизнинг аъмолимизни «ўзбек» деган бир сўз (балки у шартли атамадир) бирлаштирган экан, шу сўзни баланд тутиб, юртимиз Ўзбекистонни шарафлайлик.

* * *

Сафарим бошида дуч келганим Ширин бола! Сен туриш-турмушинг, кўниш-рафторинг билан менинг халқимга ўхшайсан. Сен, дўмбоқ бола, бахтли бўлиш учун туғилгансан, пешанангга шундай ёзилган. Аждодларинг, буюк момоларинг, боболарингнинг сенга тилаги шу! Сен шунга муносиб бўл.

ҚҰНФИРОҚЧАЛАР

«Остонаси — тиканли»

Қамбар Қамбарнисо билан узоқ йиллар мусофирчиликда умргузаронлик қилиб, ота юртига қайтадиган бўлди. Ота юрт — Эгритут деб аталадиган, катта асфальт йўл яқинидаги эликтача хонадонни кўча четларига тизиб яратилган қишлоқ. Қайтишининг сабаби эса ҳамма жойда гапириб бўлмайдиган ички сир.

Шундай тўхтама келинча, Қамбар не бир андишалар юкини елкада адил кўтариб, Эгритутга келди. Таомилга кўра маҳалла фуқаролар йиғини раисига дуч бўлиб, юрак ёрди. Раис бутун умри фирқа хизматида ўтган, нафақага чиққач, «халқ ва ватан олдидаги хизматлар»ини чўтга ташлашиб, элбошиликка қўйилган одам, сиёсий ҳушёрлигини йўқотмаган экан, роса суриштирди. Иложи йўқ, ҳаммасини бир бошдан айтиб беришга мажбур бўлди Қамбарали.

— Мусофирчилик жонимга тегди, раис бобо. Боз устига бир чети фарзандлар улғайиб қолди, авлодим улақиб кетмасин деяман. — Шу жойга келганда юраги тўлиб кўзига ёш келди, беихтиёр инграб юборди, — ахир ота-онамининг хоки-туроби ётган қишлоқда менга ҳам бир каталақдай жой топилар.

Раис бу нидони «У ўзига қабр сўраб келибди», деб тушунди чоғи, тош кўнгли юмшади-да, муовинини чақириб, қаттиқ тайинлади. Муовин, аксинча, ёш, гайратли, бунинг устига меҳрибон йигит экан, ҳожатмаднинг қўлтиғидан олиб, хонасига олиб чиқди. Бир пиёла чой қуйиб бериб, дилини тинглади. Иш битадиган бўлди.

Болалиги ўтган ҳовли афтода ҳолда экан. Девор текис бўлиб қолган, тўрда кўнқайиб турган кулбанинг томи қийшайиб, сувоқлари кўчиб кетган эди. Инсон қадами билан жонсиз масканга ҳаёт нафаси кириб келди. Бола-чақа билан жовва ёпишиб супур-сидир қилишни бошлаганларининг эртасигаёқ бу гап қишлоққа тарқалди. Отасининг қадрдонлари, онасининг дугоналари бола-бақра, нева-чевараларини етаклашиб кела бошлашди. Эр-хотинни алқаб, «Хўб иш қилибсизлар, олиснинг қўйруғидан яқиннинг ўпкаси

яхши, бағримиз тўладигаг бўлди», деб эзгу тилаклар билдиришди. Бир ҳафтада ҳовлини ҳам қўлма-қўл қилиб, қўғирчоқдек ясашиб қўйишди.

Қишлоқдошларнинг меҳридан ғарибларнинг кўнгли ўсди, қишлоққа қайтиб тўғри иш қилганларига минг бора амин бўдилар. Ўчоқпояда қозон қайнаб, тандирда нон ёпила бошлади, ташландиқ ҳолга келиб қолган хароб кулба жаннатга айланди. Дарвоза бир зум бекилмайди, остонадан оёқ узилмайди. Ана шундай дориломонда вақтлар ўта бошлади.

Ночоқ кунларнинг бирида қишлоққа ёқимсиз хабар елвизақдек тез тарқалди. Бу гапдан энг олдин ҳар жойда ҳозир у нозир, «юзи буришган, ияги тиришган, ўзи билан ўзи уришган» ёсуман Хайриниса сувилон хабар топди. Кўча кезиб санқиб юрганининг бирида Қамбар ва Қамбарнисонинг ҳовлисига милиса кириб келаётганини кўриб қолди. Бу янгиликни зумда Ойсара шақилдоққа, у Бийсара қақилдоққа етказди. Жами қишлоқ аҳли келгиндиларнинг иши милисада эканини бир зумда билиб олишди.

Ҳар бир қишлоқнинг ёзилмаган қоидалари, такрорланмас одатлари бўлади. Бир қишлоқда, дейлик, умуман шолғом танавул қилинмаса, бошқасида меҳмонга ўтин (тўнка) ёрдириб кўришади... Эгритут қишлоғида эса мелиса келиши, унинг кўча айланиши қаттиқ қораланади. Бу ерда милисага иши тушган одамга ё ўғри, ё босқинчи, хуллас, жиноятчи, қолаверса, «халқ душмани» деб қаралади. Милисанинг ҳар қандай иши бўлса, маҳалла идорасидан (у шаҳардан келишдаги чет жойда қурилган) қайтиб кетади.

...Шундай қилиб, янги меҳмонларнинг ишкали ҳақидаги миш-мишлар болалаб кетди. Бу эса одамларнинг ўзини тортиши учун кифоя эди. Қишлоқдошлар ташрифидан файзга тўлган хонадон кўз очиб юмгунча ҳувиллаб қолди.

«Тоштегирмондан қўймасин»

Шаҳарда бизнес қиладиган Мамадали қишлоқда маркетинг ўтказди-да, «электрда ишлайдиган тегирмон прибилний экан» деган хулосага келди. Ва тезда ўз режасини амалга оширди. Энди сувда ишлайдиган

учта тегирмон ёнига яна биттаси қўшилди. Электр тегирмон қишлоқлар учун мўъжиза эди: тутмасини боссанг, бас, буғдойнинг унга айланишига тараф йўқ. Ун ҳам бирам оппоқ, бирам майин. Табиийки, унинг ишқибозлари кўпайиб кетди. Шу орада тегирмонлар тўхтаб қолишига бир баҳя қолди. Дастурхонга қўйилган оппоқ, сўлқилдоқ нонларнинг лаззати меъдага тегдими ёки буғдой ғамланган хаммаларнинг чўғи тез пасайиб кета бошладими, бир кун офтобрўяда шундай гурунг бўлди. Гапни Сайфулло соқол бошлади:

— Хай, нима дейсилар, шу Мамадалининг тегирмонида тортилган уннинг ғози йўқ, нонига қорин тўймайди.

Орага Мамаражаб қора қўшилди:

— Тўғри айтасиз, соқол тоға, бизнинг болаларни ҳам нонга тўйғазиб бўлмаяпти. Ток буғдойнинг мағзини куйдириб юборар экан-да.

— Кўрасизларми, қанча тез айланади? Ҳалиям ун гард бўлиб учиб кетмайди.

— Электрда қайнаган чойнинг ҳам таъми бошқача бўлади-ку.

— Чойини билмадим-у, буғдойни паққос куйдириб юборар экан.

— Ану, эски тегирмонларимизда тортилган ун роса баракали бўларди. Битта нонига уч киши тўярди.

Муҳокама анча давом этди. Якуни эса аниқ эди.

Турсунбойнинг ҳикояси

— Ишдан келиб турсам, ҳамсоям Жўра савдогар ўтиб қолди. Қулоғи шалпайган, боши хам, кўзи нам. «Нима гап?» десам, «Отам касалхонада узилибди» деди хўрсиниб. «Кеча бориб келганинда аҳволи яхши, эртага чиқади, девдинг-ку». «Нима бўлганини билмайман, ҳозир телефон келди».

Нима қиласан, оёғимдан жоним чиқиб турган бўлсам, рулга ўтирдим. Борсак, рост, ўраб қўйишибди. Нима рўй берганини ҳеч ким билмайди. Жўра оташин бўлиб қараган дўхтирга бир икки бақирувди, дўхтир ҳам бўш келмади. «Эй, мол, — деди, — шунга ҳам раҳмат демайсанми? Кечадан бери моргта бермай палатада сақлаб ўтирибман, топшириб юборсам, ўлигингни уч

кунда ҳам ололмасдинг...» Мен бордим-да, Жўранинг аста қўлидан тортдим, «Нимага гўзирасан, бу жой катта холангнинг уйими? Ҳозир ўзингни ҳам ичкарига олиб киради-да, битта укол билан ўлдириб қўяди. Ундан кўра отангни кўтар, тезроқ олиб кетайлик, тупроққа топширайлик».

Суҳбатдошимнинг ҳикояси эшитган одамни ўйлан-тириб қўярди. Ҳар ҳолда, соғайиб, эртага уйига кетман, деган одамнинг бирдан вафот этиб қолишида нимадир сир бор. Буни шифокорлар очиқ айтиши керак эди.

— Қизиқ бўлган экан. Марҳумни... экспертиза қилдирмадингларми?

Оғайним унутган сўзини эслаган одамдек бир чимриди-да, оҳиста жавоб берди.

— Шу нарса... хаёлга келмабди. — Анчадан кейин қўшиб қўйди. — Бундай пайтда одам шошиб ҳам қолади-да.

Спартакида

Районда югуриш бўйича мусобақа ўтказиладиган бўлди. Унда барча хўжаликлардан меҳнаткашларнинг вакиллари қатнашиши кўзда тутилганди. «Илғор» хўжалиги раҳбарлари мусобақа шартлари билан танишиб чиққач, гарданларини қашиб қолишди. Унда тишга тегадиган бир жойи бор эди. Югуришда уч нафар қиз боланинг ҳам қатнашиши таъминланиши лозим эди.

Раис спорт йўриқчисини чақирди-да, «Нима қиламиз?» деди жўлайиб. Югуришга буқалар, қўйлар, ҳатто куёнларни жалб қилиш мумкин, бироқ қизларни?! Яна спорт либоси кийиб, жамоанинг кўз олдида.

Бу чекка қишлоқда аёл зотининг юзини эмас, бўйини кўриш ҳам — мўъжиза. Париқишлоқнинг заифалари дала ишларида деярли қатнашмайди, боғу тоқзорларга ишлов бериш норғул йигитлардан ортмайди. Хонадонга келган меҳмон бу даргоҳда хотин-қиз бор йўқлигини сезмайди ҳам, улар кўриниш беришмайди, меҳмон билан фақат уйнинг эркаги муомала қилади. Мактабга қатновчи қизлар узун рўмол ёпиниб бориб-келади, сабоқ тингланганда ҳам бош либосини ечмай-

ди — эски ақида бўйича аёлнинг «қорабош» ўтириши совуқ аломат ҳисобланади.

Мана шундай таомил ҳукм сурган хўжалиқдан оломон олдда ўзининг спорт маҳоратини намойиш қилишга қиз болани топиш қор одамни излашдек гап эди. Шунинг учун раисни ғам босди. Райцентрда пивовофурушлиқда қоқилиб хўжалиқда спортни йўлга қўйишга жазм этган йўриқчи бошчасини чангалладида, «Йўлини қиламиз», деди раисга киприклари остидан умид учқунларини сачратиб. У уч кун йўқолиб кетди ва келиб маълум қилдики, «иложи бор!». Яна бир кун кейин (раисдан олган ақчани сарфлагач) бошлиққа савол қўйди: «Мукофотли ўрин керакмасму?» «Яхши бўларди, ҳисоботларда хўжалик номи жаранглаб турарди». Кейинчалик спартакиада юқори савияда ўтди ва «Илғор» хўжалиги вакиласи югуриш бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Муаммо мана бундай ечилган экан. Районда пиво сотиб кўп улфат орттирган йўриқчи дуч келган бир собиқ шишадошига ташвишини изҳор этган. «Подумаеш, — деган улфат, — грамм ташвиш чекмайсан. Мана, медучилишининг қизлари жайрондек ирғишлайди. Нечта керак?» Ўз вақтида шишадош бўлган тиббиёт билим юрти директори уч нафар эмас, ўттиз нафар бўлса ҳам талабасини сафарбар этишга тайёрлигини изҳор этган. Барча ташвишларни зиммасига олган. Боз устига не бахтки, у жюрининг раиси бўлиб чиққан ва биринчи ўринни «Илғор»га... совға қилган.

Луқма: «Илғор»ликлар шўро замонида топган усул ҳозир жуда оммалашиб кетганга ўхшайди. Кимдир эзгу ният билан билим, заковат, жисмоний тайёргарликни кўриқдан ўтказиш учун беллашувлар, телешоулар ташкил этади. Бу билан ҳалол рақобат воситасида етукликка, камолотга хизмат қилмоқчи бўлади. Шўратпараст бошқа бир одамга эса иштирок этиш эмас, ўрин мукофот керак. У турли йўллар билан «жаноби жюри»ни сотиб олади, фолиб бўлади ва яхши бир тадбирнинг бурдини кеткизади. Демак, олдин мукофотли ўринлар тақсимланиб, кейин мусобақа ўтказилади. Мана, ... ёндашув.

Рекламага муносабат

Икки улфат — Йўлчи ва Тўйчи роса бозор айла-ниб, ул-бул харид қилишди. Дарахт соясига ўтиб, би-сотларини кўздан кечира бошлашди. Йўлчи ялтироқ халтали, қалин қоғозларга ўралган жимжимадор бу-юмлар сотиб олганди. Тўйчиники эса ўралмаган, қадоқ-ланмаган нарсалар эди.

— Нега бундай кўримсиз матоҳлар олдинг, — деб сўради Йўлчи.

Тўйчи билимдонлик билан жавоб берди:

— Булар кўримсиз бўлса ҳам сифатли, ҳар арзон. Биласанми, халта, уни ялтиратишга кетган бўёқ, қалин қоғозларнинг баҳоси ҳам маҳсулот нархига қўшила-ди. Оқибатда, у қиммат бўлади. Эсинг бўлса, бундан кейин реклама қилинмаган, одми буюмлардан сотиб ол.

Илтифотсиз меҳмон

Мирқобил бобо кампири Зумрад момо билан «икки ярим — бир бутун» бўлиб тинчгина умргузаронлик қилишар, иссиқ-совуқларига узоқ қариндошларининг қизи Асолат қарашиб турарди. Кексаликнинг ҳар бир куни минг машаққат билан кечса-да, икковлон бир-бирига суянчиқ бўлиб, қора оқшомларни оқ тонгларга улаб яшашарди.

Бир кеча Мирқобил чол ташқарига чиқди-ю, ҳамроҳ билан қайтди. Айтишича, биров девор тагида ғужанак бўлиб олган, аянчли овоз билан инграрди. Мўйсафид «Ҳар товур инсон боласи, савоби тегар» деб, у ёқ, бу ёғини қоқиб, етаклаган эди, эргашиб келаверди. Пойгақда жой қилиб беришди, эрталабгача тош қотиб ухлади. Нонуштага шерик бўлди ва «меҳ-мон» бутунлай қолиб кетди. Кўринишидан беозор, «дунё кўрган» бу одам кампирга ҳам, чолга ҳам бир-дай ёқиб қолди. У гавдасини кўтариб ул-бул ишларга қарашадиган бўлди. Орадан бир ойлар ўтиб, унинг бегоналиги ҳам билинмай қолди.

...Кўшнилари чолни гоҳ аравада гўнг ташиётган, гоҳ ерни ағдараётган ҳолда кўрардилар. Кампир ҳам тин-май сув ташир, товуқларга қарар, моллар атрофида

айланарди. «Меҳмон» эса кам кўринар, баъзан савлат билан кўчадан ўтиб қоларди. Хонадондан одамларнинг оёғи ҳам тортилди, «меҳмон» келди-кетдини хушламас экан. Баъзан узунқулоқ гаплар тарқалди:

— Бобонинг «ўғли» чол-кампирага қаттиқ зуғум қилармиш. Ўзи қўлини совуқ сувга урмасмиш.

Маълум бўлишича, Исоқали («меҳмон»нинг исми шундай эди) ҳукмронликни тўла қўлга олибди. Қарияларнинг нафақасини ҳам ўзи ҳисоб-китоб қилар, рўзгорни бошқарар, айтгани-айтган экан. Кўзлари жўлайиб, юмушдан ортмай қолган кексаларни кўриб танишларнинг раҳми келар, баъзан ажабланишар экан. Яқинда «Исоқали Асолатга уйланибди» деган гаплар ҳам тарқалди.

Нима бўлганда ҳам охири бахайр тугасин, кутилмаган меҳмон омадмиди, офатмиди, деб ҳамма ҳайрон.

Қасосми?

Қишлоқда ақлга тўғри келмайдиган воқеа содир бўлди: Итолмас бобони ҳўкизи сузиб, ... ўлдириб қўйибди. Умр бўйи бири икки бўлмаган, тирикчилик арава-сига қўшилган отдек умргузаронлик қилган бу болажон одамнинг қисматига ҳамма афсусланди.

Дунёда нима кўрди, бир ҳовуч гўдакни боқаман, элга қўшаман деб, оёқда тик ўтиб кетди. Таъзия куни ҳамма унинг руҳига бош эгди.

Молнинг одамга қасд қилиши кам учрайдиган ҳодиса. Кўпчилик бунга ажабланди. Шунда бобонинг қўшниси Қоржов вазиятга аниқлик киритди. Маълум бўлишича, тажанг бўлиб юрган бобо тутқич бермай роса овора қилган буқачани хумордан чиққунча савалаган экан. Шундан кейин ҳайвон эгасига ола кўз билан қарар, пишқириб-пишқириб қўяр экан. Орадан уч-тўрт йиллар ўтгач, бир-икки ҳамла қилганда, шохига уриб қайтарган экан, доим пишиқ арқонда нухталаб юраркан. Ўша машғум кунда бобо ҳўкизни жилдириш учун борган, нима бўлган-у, арқон узилиб кетган. Кўзи қонга тўлган бўйни йўғон ҳайвон бирдан бобони шохи билан илиб юборган-у, бориб роса мижиғлаган. Кенг далада одамлар етиб келгунча бечора

мўйсафид қонга беланиб бўлган. Зарб шунчалик кучли бўлганки, бемор касалхонага етмай, йўлда жон таслим қилган.

Яхши отанинг ёмон фарзанди

Усмон ҳожи бир умр элнинг корига яраб ўтди. Кафтдеккина қишлоқда у қурган мойжувоз таҳликали йилларда неча одамнинг қозонини қайнатиб, йўқ бўлиб кетишдан асраб қолди.

Қари чўбир қўшилган, кундасида ёбонда етиштирилган зиғиру кунжут эзилиб, ёғ силкиб чиқадиган жувозхона одамларнинг дилтортар жойи, ўтган-кетгандан гаплашиб, хуморини ёзадиган ўзига хос оромгоҳи эди. Эскичадан андак саводи бор Усмон ҳам ривояту афсоналарни ширин тилда жуда таъсирчан баён этар, унинг суҳбатини шомдан тонггача эшитганлар ҳам зерикишмас эди. Ҳамма у ҳақда «Гаплари ҳам мойдек поримли, гурунгниг ҳам мойини чиқариб юборади-я» тарзида ярим ҳазил, ярим чин билан гапиришарди.

Ана шу фариштамисол одамдан Мирали исмли зурриёт қолди. «Қўрғошиндан кул чиқар» деганларидек, тантиқ ўғил бутунлай бошқача одам бўлиб вояга етди. Ҳайтовур, уни ота хонадонидаги тўкинлик, фаровонлик доводиратиб қўйган эди. Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб ўрганди у. Бунинг устига хурмача қилиқлари билан ҳамманинг меъдасига тегди. Бир куни эшақда мудраб келаётган Неъмат чўпонни оёғидан кўтариб, ариққа қулатиб юборибди. «Мен хашакларнинг чирсиллаб ёнишини яхши кўраман», деб Фозил самоварчи ёз бўйи даласида ғарамлаб қўйган пичанга ўт қўйиб юборибди. Миралининг тунги санғишларидан нечта оиланинг халовати бузилиб, ажрашгача борди. Ҳеч ким бу «шайтон»ни жиловлашга қодир эмас.

Шунда Усмон ҳожини билган кексалар пана-панада бошларини ликиллашиб, афсус билан таъкидлайдилар:

— Аттанг, отаси раҳматли мойдай мулоим одам эди. Мирали фарзанд эмас, у заҳри қотил, заҳри қотил.

Кўнгли тўқ ижарачи

Акбаралининг ғалласи роса бўлди. Баракасини бераман деса, ҳеч гап эмас экан. Бошоқлар қуёшда олтиндек товланади. Ҳар бирида тўқ, маржондек донлар. Ўзиям, сидқидилдан меҳнат қилди-да, қор кўчгандан буғдой ўримига келгунича тиним билмади.

Ғалвир сувдан кўтарилаётган кунларда Акбарали дунёга сизмай юрди. У кўшиғини меъёрида ижро этган ҳофиз ёки энг гўзал достонини ёзган шоир кайфиятида эди. Ниҳоят, моторларини гуриллатиб ўрим комбайнлари келди. Кейин эса мутасаддилар. Бири комбайнчининг ёнига ўтириб олган, юрса юради, тўхта-са — тўхтайтиди. Дон ташувчи машинада ҳам, хирмон бошида ҳам, тарози ёнида ҳам — мутасаддилар. Ўзлари ўрди, ортди, топширди. Бошоқлар шовуллаб турган дала ярим кунда сочлари тарашланган боладек бўлди-қолди. Фақат охирида саркор Акбаралини чақириб:

— Тайёрлов идорасига боришингиз керак, — деди.

— Нимага?

— Шартномага, бошқа ҳужжатларга, қолаверса, рапортга қўл қўясиз.

— Қўяверинг, ука, — деди Акбарали гарданини қашлаб, — шунчасини ўзларинг «эпладинглар», бу ёғини ҳам тўғрилаб қўярсизлар.

Ижарачини шунча қисташса ҳам туман марказига тушишга рози бўлмади. У кечаси бемаҳалда уйига қандай қайтишини ўйлади.

Аёл жасорати

Ойбаланд камсуқум, вазмин қиз бўлиб ўсди. Рўзгор ишларига эпди, бировга тик қарамагани учунми, кўшиллардан оғиз солганлари ҳам бўлди. Бироқ чўрткесар, дангалчи отаси уни узоқ қишлоқда яшаётган, кўздан йироқ ўсган нотаниш қариндошига узатишни лозим топди.

Бўлажак куёвни ҳеч ким кўрмагани, унинг даргани яқинларидан кимдир топган, «ёмонимиздан сачраган яхшимиз» қилиб, тўпга қўшиш учун Ойбаландни унга «инъом» этиш фикри туғилган эди.

Тўй ҳам қиз тарафда бўлди, куёв Отишакнинг қари

онасидан бўлак ҳеч бойлиги йўқ экан. Уй-жой қаров-сизликдан хароб бўлиб кетган, тирикчилик бировларнинг эшигида ўтиб юраркан. Отишакнинг исмигина эмас, ўзи ҳам галати чиқиб қолди. Ойбаланддан ўн икки ёш катта, «қайириқ»сиз ўсганидан ҳам билганидан қолмайди: нос, папирос чекади, ичади, қарта ўйнайди, ҳафталаб бедарак кетиб қолади. Турмуш шундай шароитда кечди, бироқ Ойбаланд овозини чиқармади. Дардини кимга ҳам айтарди? Ҳамсоялар ҳам уни бирон марта шикоят қилиб ёки хафа бўлиб юрганини кўрмади.

Тақдирнинг сийловимикин, аёл ўн бир марта ҳомиладор бўлди. Шундан етти нафарининг умри қисқа экан. Болалар касалвад туғилар, уларни катта қилгунча онанинг суяклари оқариб кетарди.

Отишак трактор ҳайдар, атрофида шишадешлар бисёр бўларди. Тўйиб ичиб келган кунлари уни тинчителишга бутун маҳалла «иштирок этарди». Айниқса, ботқоқларга ағанаб, уст-боши жиққа лой бўлиб келганда Ойбаландга жуда алам қиларди.

Умр шу хилда ўтаверди, эркак инсоф қилмади, аёл эса матонат билан барига чидади. Шикоят қилиб бирор идорага бормади, бировга нолиб, кўз ёш тўкмади.

«Худо урганни пайғамбар ҳассаси билан туртади» деганларидек, Отишак нафақага чиққач, қўл-оёғи ишламай тўшакка михланиб қолди. Ойбаланд холага яна ташвиш кўпайди.

Менинг тасаввуримда қора қош, қирра бурун, ёноқлари лоладек бу маъсума қишлоқ аёли садоқатнинг жонли тимсоли бўлиб гавдаланади.

«Махсум» қўлга тушди

Бу хонадон қишлоққа кейинроқ кўчиб келган — Аштор амакининг ҳаммабоялиги, чаққонлиги туфайли тез эл бўлиб кетишган. Аштор амаки оёғи енгил, тили ширин, тўй-маъраканинг жони. Гурунларда ўзи ҳақида кам гапиради-ю, гоҳида қулфи дили очилса, «пахтапунктда мудирга «зам» бўлиб қирқ йил ишлаганман, онам мени пунктда туққан» деб қўяр экан.

Амаки қанча элакишли бўлмасин, шунча сирли ҳам.

Уни гоҳ жиндай «отиб олган» ҳолда кўришади, гоҳ ярим кечада бехосдан даладан қайтаётганларга дуч келиб қолади.

Қишлоқда унга «махсум» деб лақаб қўйишди. Бошида ижирганиб юрди, кейин ўрганди, энди номига «махсум»ни қўшмаса, аччиқланадиган бўлди. Хуллас, махсумнинг номи тез-тез тилга олинади: «махсум мол бозорда даллоллик қиляпти», «махсум чойхонада ёшлар билан улфатлашибди», «махсум бир ҳафтадан буён бедарак кетибди»...

Ёз келиши билан қишлоқда майда ўғрилиқлар содир бўла бошлади, кимнингдир қўтондан қўйи йўқолади, биров эрталаб «товуғим йўқ», деб чиқади. Бошида парво қилишмади, кейинчалик бу ҳол кучаявергач, аҳоли ҳушёр тортди. Айниқса, бекорчи ёшлар қаттиқ тергалди. Ҳаққи-рост, бу ишларда ҳеч ким Аштор махсумдан гумонсирагани йўқ.

Бироқ...

Ярим кечада хонадонлардан бирида товуқлар қоқоғлаб қолди. Ҳушёр тортиб қолган одамлар оёққа турди. Ўғри анча чаққон экан, этагини тутқазмади. Фақат катак олдида бир пой калиш тушиб қолган эди. Калишни кўргач, масжид қоровули қичқириб юборди:

— Бу Аштор махсумнинг калиши-ку!

Балодан — ҳазар

Қўнғиртош ўзининг ғаройиб қилиқлари билан одамларни ҳайрон қолдириш, балки саросимага солишни яхши кўрарди. Бир қизини 7 ёшгача сочини тарашлаб, ўғил болалар кийимини кийдириб юрди, бошлаб сўкишни ҳам ўргатди. Баъзан унинг бундай қилиқлари чегарадан чиқиб кетар эди. Айниқса, мана буни-си...

Қўшниси Саманшер от сотиб олди. Арғумоқнинг қадди-бастаи кўзни олгудек, айниқса, эгар уриб, кумуш сувлиқларни тақиб қўйса, гижинглаб, ҳамманинг ҳавасини қўзғатарди. Қўнғиртош Шерни маҳв қилиш, ундан ҳам юқори шуҳратга эришиш учун ва ҳаммани лол қилиш мақсадида... чўчқа сотиб олиб, боқа бошлади. Махлуқ ҳеч нарсани чиқит қилмас, юҳодек қот-

ган-қутгану ювиндиларни паққос туширарди. Тезда тепадай семириб кетди, иштаҳаси баттар очилди. Баъзан бекорчи, чапани одамлар келиб, чўчқани мириқиб томоша қилишар, бундан хўжайиннинг кўнгли тоғдек кўтарилар эди. Ҳайвон баҳайбатлашиб кетавергач, уни сотишни маслаҳат берганлар бўлди. «Ҳар ҳолда бизнинг рўзфоримизда чўчқа сақлаш урф бўлмаган, уни йўқот», — дейишди яқинлари, бу гапларни қулоққа оладиган оқил топилмади.

... Ўша кун ҳовлида келиндан бошқа ҳеч ким йўқ, у ҳам ўчоққа ўт қалаб, тандир қизитиш билан овора эди. Энди тетапоя бўлган болакай ҳовлининг бир четида гувраниб юрарди. Иштаҳаси галаён қилган баднафс чўчқа ёғоч тўсинни бузиб, ташқарига чиқди-да, оғзига илинадиган нарса излай бошлади. Унга мурғак гўдак рўпара келиб қолди ва шўрлик она бу фожиадан ғафлатда қолди, у тандирдаги нонларни куйдириб қўймай пишириб олиш билан овора эди...

Зар қадрини...

Уч сафардош йўл четида машинани тўхтатиб, нафас ростламоқчи бўлди. Атроф манзарасидан кўз қувнайди.

Нарироқда арава устига самовар ортилган, унга қўшилган от назарини қирларга солиб, шахдам турибди. Ҳамроҳимиз Умрбоқи амаки от деса ўзини томдан ташлайдиган одам, ариқдан сакраб ўтди-да, жонивор атрофида гирдикапалак бўлиб қолди. Сағрини силади, туёғини қаричлади, қовурғасини санади, ёлини таради. Тулпор ҳам табиб ҳузуридаги бемордек эркини бўш қўйиб, инсон эътибори, самимиятини яйраб қабул қилар эди. Амаки анча давом этган синчилигини тугатиб, биз томонга ўтар экан, лабини тишлаб, бошини сарак-сарак тебратарди. У катта бир ҳақиқатни кашф этган каби жиддий тортиб қолган эди:

— Увол бўлибди-да, жонивор, — деди чуқур нафас олиб, — зоти тоза чорпоя экан. Бунақалар кўпкарини тик ёради, пойгада биринчиликни бермайди. — Бир оз тин олиб давом этди, — ёши ўтиб қолибди, йигирмаларда бор.

Ҳаммамиз аргумоққа уйғоқ кўз билан қарадик,

ростдан, чақмоқдек тулпор экан. Викор билан туришларида, тирсиллаган сирти-ю, фозникидек бўйинларида ажиб бир ғайрат, шижоат яширингандек эди.

— От неча йилдан буён қўлларингда? — деди шангиллаб Умрбоқи амаки дарахт соясида мудраб ўтирган аравакашга.

— Ўн беш йилнинг нари-бериси бўлди-ёв. Ўша ер кўчган йилдан бери биламан, — деди аравакаш чайқалиб.

— Тулпорни фақат аравага қўшасизларми?

— Жонивор емини ҳалол оқлайди, — деди йигит гарданини қашлаб, — ҳозир арава тортади. Қишда эса гўнг ташиймиз.

Ҳаммамиз беихтиёр отга ялт этиб қарадик. У ўзи ҳақидаги гаплардан беҳабар думи билан пашшаларни кувиб, лоқайд турарди. Фақат сувлиқ қийиб юборган лаблари «Тақдир экан» деб, шивирлаётгандек бўларди.

Қиёматга қолган қарз

Ўшанда Зафаржон Гулнора йўқлаб келганда бир яйраган бўлса, «тоға» деб мурожаат этганида яна бир яйраганди.

Аёлдан қишлоқнинг мусаффо нафаси уфуриб турар, тортиниб-қимтиниб, кўзини ердан олмай, ҳаракатлари кимнидир хафа қилиб қўйишдан кўрққандек беозор эди. Турмушидан омади юришмагач, «хай-ю хай» деб қишлоқдан чиқиб кетганини, ҳисобчиликка ўқиб диплом олганини эшитгач, Зафарнинг Гулнорага бир ҳурмати ўн бўлди. Баъзан аёлига «Сен қозонтовоққа ўралашиб қолиб кетдинг, Гулнорани қара» деб дашном берадиган ҳам бўлди.

Булар энди бир йил олдинги хотиралар бўлиб қолди. Бир оз муддат ўтгач, аёл телефон қилди-да, нозли бир овоз билан «Сизга гапим бор эди» деди. Борди, гаплашдилар. Укаси уй олаётган экан, шунга озгина етмай қолибди. Аёл шунчалар илтижоли сўзладик, Зафар қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам пулни тўғрилаб берди. «Уч ойда тақинчоқларимни сотиб бўлса ҳам қайтараман, раҳмат, тоғажон», деди аёл кўзига ёш олиб.

Орадан уч ой эмас, олти ой ўтди. Ҳеч бир дарак

бўлмади. «Қарзни уч марта сўраш фарз» деганларидек, Зафаржон Гулноранинг ишхонасига борди. Ростини, уни танимай қолди. Бир пайтлар иккита қилиб ўриб юрадиган сочларини қирқтириб, шаҳарча турмаклабди. Баланд пошналар туфли, шим кийиб олибди. Қишлоқдошлик ҳурмати, буларга эътибор бермади, хижолат бўлмасин, деб пулни ҳам эслатмади. Фақат, «Йўлим шу томонга тушган эди, бир хабарлашай, дедим. Қийналмаяпсизми?» дея олди, холос. Аёл шаҳарда анча ўзини тутиб олган, унча-бунча эркак билан гап олиб-гап берадиган даражага етган, бунинг устига ҳаётдан мамнундек бепарво хайрлашди. Зафарни ўйлов босди: «Бу пинагини бузмайди, қарз олганларга нима дейман?»

Кейинги сафар андишани ҳам унутиб, пулни эслатди. Гулноранинг қошлари чимирилиб, «Аёлдан пул сўрашга уялмайсизми?» дегандек, сумкасидан қоғозга ўралган бир нарса чиқариб берди. Зафар жуда хижолат чекди, одамгарчилик қилганига пушаймон бўлди. «Энди бу ишни такрорламайман», деб онг ичди. Бироқ қоғоздаги матоҳ у берган пулнинг тўртдан бири ҳам эмас эди.

Анча вақт жим юрди. Ниҳоят, «Ўзимнинг пулимга ўзим хижолат бўламанми?» деб, телефон қилди. Ҳали муддаога ҳам ўтмаёқ, нариги томондан вазабли овоз эшитилди:

— Нега ҳадеб мени безовта қилаверасиз, тинч кўясизми, йўқми? Ё хотинингизга айтиб берайми? — деб трубкани шартга қўйди.

Зафарнинг кўз олди тиниб, қишлоқ манзаралари чаплашиб кетди. У нима бўлаётганини тушунаётгандек эди.

«Иягной» қаерда?

Аллаберди махсум ҳазил-мутойибага ўч, ҳозиржавоб, шоиртабиат одам. Қўнғироқдек овози бор, завқи жўшиб кетса, тарелкани олиб «Ушшоқ»ни шундай хиргойи қиладики, тингловчилар сел бўлиб кетади.

Гарчи институт таҳсилини кўрмаган бўлса-да, олий маълумотли йигитлар билан баҳслашишни, уларни «бўрдоқи» саволлар билан мот қилишни хуш кўради. Жумладан, унинг бисотида шундай жайдари саволлар бўлади: «Атала неча даражада қайнайди?», «Янтоқнинг

томири неча метр чуқур кетади?», «Мушукнинг кекса-си қандай аталади?», «Сув оғирми ёмғир?» ва бошқалар.

Яқинда махсум зарурат туфайли шошилинич Қарши шаҳрига иш билан тушибди. Йўлда қаншаридан сиз-лоғи чиқиб, роса безовта қилди, эртаси шишиб, кучли оғриқ бера бошлади. Қаршида ўн йиллар олдин бўлган, шаҳар ҳам ўзгариб кетибди. Унинг тахминича, бир поликлиника бўларди, ўша ерда ярасини бойлатувди. Чамалаб жўнади, аксига олиб муюлишдан сўнг муюлиш пайдо бўлаверди-ю, сиҳаттоҳдан нишон йўқ. Ўзиям, лорсиллаб роса юрди, изига қайтаман деса анча йўл босиб қўйди.

Ниҳоят, навбатдаги қайрилишдан сўнг кўзга таниш бино кўринди. Унинг эшигини топиш ҳам осон бўлмади. Оқ халатли аёлларга кўзи тушгач, кўнгли анча жойига келди: хайрият, адашмабди.

Рўйхатхонага бир туйнук орқали мурожаат этилар, ичкарида нозандай бир аёл китоб ўқиб ўтирар эди. Махсумнинг оғриғи ҳам йўқолди, кайфияти кўтарилиб, туйнук орқали арзи ҳол қилди.

— Опажон, ўтирибсизми айвонда? Иссиқ жон-да, бирданига шу, жағимда шиш пайдо бўлди...

Яна анча дароз нутқ ирод этиб, кўмак сўради. Афтидан, аёл уни тушунмади. Яна узун ҳасрати бутунлай ёқмади чоғи, кўзини китобдан олиб:

— Это — глазной, — деди лабини чўччайтириб.

Махсум ҳам ўзини паст олмай, ўша алпозда қайириб сўради:

— А, где иягной?..

«Фалончи — талончи»

Фалончининг ўз суҳбатдошларини бутунлай мафтун этиб, ўзига бўйсундириб олиши учун бир соат кифоя қилди.

— Қишлоқдан бир қошиқ билан чиқиб кетганман. Мана, эллик хоналик уй қурдим, сауна, биллиард ичида, боринглар, яйранглар, — деб юборди.

Ҳаммаси Фалончи «шамоллаш учун» ташқарига чиқиб келгандан сўнг бошланди.

— Хуршидбекнинг қўтони тўла қўй экан-у, — деди шанғиллаб, у ўзига ўхшамай бораётган эди, — курсдоши ўн йилда бир уйига келса, битта ширвоз сўймайдими?

Бу гап улуф бузруквор тилидан учган фармон син-гари қабул қилинди ва ҳадемай дастурхонда ёш қўзи-чокнинг барра гўшtidан тайёрланган турли таомлар пайдо бўла бошлади. Энди суҳбат қизлар билан кўллар-да, чўмилиш-у, тоғларда қамишдан чайла тикиб, ҳаф-талаб яшашлар, каклик ови ва бошқа саргузаштлар ҳақида борди. Умри далада ўтаётган, кетмону белку-рақдан бошқасини танимай қолган қишлоқдошлар учун бу гаплар «Минг бир кеча» эртақларидек таъсир қилар, ҳамма бошини ликиллатиб, анграйиб тинглаб эди.

— Ҳадеб бир хил нарса истеъмол қилавериш ош-қозонга кони зарар, — деди Фалончи тин олиб. — Хуршид, катагингда мўйлаби сабза урмаган хўрозлар кўринаётувди, ўшаларни меҳмонга қурбон қилиб, қай-ноқ ёққа ташлаб келмайсанми?

Меҳмон бу гапни уй эгасининг кўзига тик қараб айтди, бирдан ҳамият, фурур қаттиқ силкинди ва энди дастурхонга товуқ гўшти тортила бошлади.

Шундан кейин Фалончи жилон жийда топтириб ке-либ, дамлаб ичди, балх тутнинг шарбатига тўйди, бодо-му писта чақди. Унинг ўзи тўйса ҳам кўзи тўймасди. Ўзиям ичини бўшатиб келганми, қоши ҳеч тўлмас эди.

— Шу, кулдон менга ёқиб қолди, — деди очофат-лик билан атрофни кузатиб, — Хуршид, менга совға қиласан. Э, ўртамизда мол борми, сеникини сўрамай ҳам олиб кетаман.

Бу томошани четдан индамай кузатиб турган Ашур муаллим бошини ирғаб:

— Бунақа одам элик хонали эмас, юз хонали уй ҳам қуради, — деди.

Ростдан, ўша сафар Фалончи кулдонни, яна унга кўшиб ул-бул нарсаларни ҳам халтасига солиб кетган экан...

«Ҳайдасам, йўлдан қоч»

Тошқўрғонлик Маҳманазар ака чўлқувар бўлди-ю, йиғиб-териб тезда машина олди. Чўғдек «Жигули» ҳов-лида қўр тўкиб турибди.

Ака ҳар тонг машина атрофини бир айланади, у ёқ-бу ёғини артган бўлади, шундан кўнгли кўтарилиб, димоғи чоғ бўлади. Бироқ... тулпорни йўлларда физил-латиб учуришни фақат орзу қилади: сабил, рулга ўтир-

са, кўзи тиниб, оёғи қалтирайди. Шу одатидан қутула ололмапти, бўлмаса, гувоҳномаси ҳам бор.

Бир куни йигирма йиллик синфдошлар Муборакка борадиган, янги машинанинг оёғини синаб кўрадиган бўлишди. Юк машинасининг шофёри Ҳимматали ака рулга ўтирадиган бўлди. У кабинани очиб, узоқ қидиринди, «Жигули»ни биринчи кўриши, мурватлари бошқачароқ эди. Анчадан кейин шай бўлиб турган тенгдошларига қарата айтди:

— Бунинг «скори» йўқ-ку.

— Ростданми, — деди Маҳманазар ака шошиб...

— Йўқ, мана.

— Э, эрталаб Маҳмаражаб айланиб ётувди, кисса-сига солиб кетдимикан?

Хуллас, кулги-кулги билан йўлга тушишди. Кўп юрмай ДАН ҳам тайёр турган экан, тўхтата қолди. Рулдаги Ҳимматали гувоҳномасини ташлаб чиққан экан, нозир уни тушириб олди, койиди.

— Машина кимники? — сўради нозир.

— Биздан, — деб олдинга чиқди Маҳманазар ака.

— «Права» борми?

— Бор, — қўлтиқ чўнтақдан қип-қизил дафтарчани чиқариб кўрсатди.

— Ҳайданг, ўзингиз ҳайдаб кетинг.

Аканинг ранги ўчди, каловланиб қолди, аранг тили айланиб, шундай деди:

— Ҳайдайман-ку-я.

— Ҳайданг, мана калит.

— Ҳайдайман-ку-я, — деди яна, бу сафар ўзини қўлга олиб, — ҳайдасам, манов мошинларни четга олиб, ўзларинг ҳам йўлдан қочинглар.

Нозир кулиб юборди, бошқалар ҳам.

Ўшанда пиёда қишлоққа қайтиб, ҳужжатли шофёрни олиб келишган ва машинани ҳайдаб чиқишган эди.

«Фалвамурод»

Алимурод мактабни аранг битирди. Ўқувчиларнинг келажагига «муҳр босадиган» муаллимлардан бири «Сенга қишлоқнинг подаси ҳам тегмайди», деб башорат қилди. (Яқинда ўша домлани Алимуроднинг қабулхонасида кўрдим.)

Ҳаёт эса бутунлай бошқа нарсани кўрсатди...

Ҳарбий хизматдан Алимурод эр етиб қайтди. Уни кўргани борган қишлоқдошлари тартиблилиги, босиқлиги ва маънили гапларидан қойил бўдилар. Хуллас, бу ёғи тез кетди. Қишлоқ хўжалик техникумини тугатиб, ҳосилот бўлди, қишлоққа қайтиб, участка агрономи бўлиб ишлай бошлади. Камгап, одамларга қўшилавермас, бироқ ишига пухта эди. Орадан ҳеч вақт ўтмай ҳовлисида яп-янги «Жигули» пайдо бўлганда, қўшилари ҳам ёқа ушлаб, «Индамасдан индар бало чиқади чоғи», деб тан беришганди. Яна у меҳнаткаш эди, соҳасини биларди, олий илм даргоҳида сиртдан ўқишни давом эттиришни ҳам унутмаган эди. Ниҳоят, у бош ҳосилотликка кўтарилди, кейин туман қишлоқ хўжалик бирлашмаси раисига муовин бўлди. Шу орада хўжаликни «еб тугатган» Эшон бобо бир кечада қочиб кетгач, раислик бўшаб қолди. Элнинг оғзида гап: «Пойга бошланибди, марра 30 қадам эмиш, 40 қадам эмиш...»

Бир кун Алимурод яп-янги «танка»ни миниб, қишлоққа кириб келди: у ютиб чиққан эди. Одамлар шод бўлди: биз ҳам санага қўшилдик, биздан ҳам раис чиқди, деб.

Одамларнинг дарди кўп эди, ҳур куни идорада навбат. Раис ҳаммани хурсанд қилиб жўнатар, бироқ ҳеч нарсани бажармас эди. Одамлар андишани унутди, раисга қўлини бигиз қилиб гапирадиган бўлди. Раис эса ғалвалардан зада бўлди, идорага келмайдиган, эрта-ю кеч «дала айланадиган» бўлди. Учи-қири йўқ майдон бўлса, уни қайси пучмоқдан топасан? Эл ҳам бунга кўниқди, ўз кунини ўзи кўриб, раисни ҳам унутди. Фақат Раис деса, яхшилаб ёғлаб оладиган, исмини «Ғалвамурод» деб атайдиган бўдилар.

Одамлар пул кўрмаса ҳам, дон кўрмаса ҳам, Раис қараб ўтиргани йўқ: данғиллама ҳовли курди, шаҳардан уй сотиб олди. Эл бунга ҳам кўнди. Овоза тарқалдики, «Алимуроднинг кўзири бор эмиш, унга ҳеч ким тегиша олмас эмиш». Яна иккинчи марта уйлангани-ю, «Нексия» сотиб олгани ҳам гап бўлди. Энди одамлар зўрга тан бериб, дамани ичига ютиб юрадиган бўлди. Бироқ элнинг оғзига элак тутиб бўлмас экан, халқ барибир ўз ҳукмини айтар экан.

... Яқинда ошпаз ношуддик қилиб, маъракапаловни

тагига олдириб қўйибди. Шунда чапани йигитлардан бири бор овоз билан:

— Сенинг ошпазлигинг ҳам Алимуроднинг раислигидек бўлибди, — деди.

Шундан бери ким ишқал қилса, «Алимуроднинг раислигидек» деган ибора тилга келади.

Қулмур кулади

Афанди кўча чангитиб юрган болаларни алдаб ҳузурланиш учун уларга шундай дебди:

— Болалар, нариги кўчада Ҳожи бобо ҳаммага текин ёнғоқ улашаяпти.

Бу гапни эшитган болалар «ёнғоқ оламиз, юринглар, ёнғоқ оламиз» деб шовқин-сурон кўтарганча югуриб кетишибди. Буни кузатиб турган Афандининг завқи тошиб, ўз алдовига ўзи ҳам ишониб, «Ростдан ёнғоқ бераётгандир» деган ўй хаёлига келибди ва болаларнинг изидан ўзи ҳам чопиб кетибди.

Баъзан вазиятдан чиқиш учун ишлатилган ёлғон шунчалар самара берадики, рост гап билан бунга асло эришиб бўлмас эди. Бундай «натижа»дан «мазахўрак» бўлиб, яна ва яна ёлғон ишлатилаверади ва бу кундалик одатта айланиб қолади.

...Фақат ёнғоқ билан ёлғон ишлатилса, унча алам қилмаслиги мумкин. Бироқ баъзан жиддий масалаларда, инсонлар тақдирига дахлдор вазифаларни ҳал этишда шу усул қўлланса-чи?

* * *

Афанди бутоқнинг учи тарафига ўтириб, уни теша билан жадал кесаётган экан, кўчада ўтаётганлар бу жинниликдан кулиб:

— Эй тақсир, ҳозир ўзингиз ҳам қулаб тушасизку, — дейишибди.

Шунда Афанди пинагина ҳам бузмай:

— Қулаб тушишгача анча бор, аввал бутоқни кесиб олай-чи, — дебди.

Шу ўринда Афанди бир жихатдан ҳақ: юк тушиб таранглашган бутоқни кесиш анча осон кечади, бироқ унинг «узоқни кўра олиш истеъдоди» шунчалик нўноқки, ниятига етиши ўзини маҳв қилишини тушуна олмайди.

Аслида сохта жаннат илинжида изғиб юрганлар ўзига чоҳ қазиётган, ўз оёғига болта ураётган нодондан кам фарқланади.

* * *

Тоғдан тушиб келаётганлар Афанди ва унинг ҳамроҳини кулгили бир алпозда кўришибди: улар тошли йўлдан кетаётган бўлишса-да, оёқ кийимларини ечиб, почаларини шимариб олишган эмиш.

Йўловчилар ҳайрон қолиб, Афандидан изоҳ сўрашибди.

— Шу қирнинг ортида дарё бор, бизга шундай дейишган. Ана ўшандан кечиб ўтишга тайёргарлик кўриб боряпмиз, — дебди Афанди.

Ростдан ҳам гоҳида дарёдан ўтишга тайёрланиб, сангзорда оёқ қабартиришдек ҳолларга дуч келамиз. Халқда эса шундай ибора бор: «Хўжа бугунини кўрибди, эртага Худо подшоҳ». Кўплар ҳали уйланмаган боласининг боласига данғиллама ҳовли-жой қуриб қўйибди, ишқилиб дарёгача эсон-омон етиб олишсин-да.

МИССИЯ

Таврот (китоб) юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтара олмаган (унга амал қилмаган) кимсаларнинг мисоли худди китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди...

Қуръони карим, Жумъа сураси, 5-оят.

Ўз илмига амал қилмайдиган, ёлғон гапирадиган уламолар охирзамон элчиларидир.

Ҳадиси шарифлардан

*Гар итларга арслон бўларкан боши,
Бу итлар бўлади у арслон туши.
Гар арслон тўдасига ит бўлса бош,
Бу арслонлар бўлар итнинг тенгдоши.*

Юсуф Хос ҲОЖИБ

*Бизнинг бахтимиз шундаки,
биз китоб ўқимаймиз.*

Бўрдоқихона дарвозасидаги ёзув.

Халқда «Ҳамма ўз ишини қилиши керак» деган одмигина гап бор. Гарчи ташқи томони одми бўлса-да, ички маъноси — мазмуни жуда теран, чуқур. Яъники, этиқдўз — этиқдўзлигини қилса, ошпаз — ошпазлигини қилса ва ҳоказо — ёзувчи — ёзувчилигини, муаллим — муаллимлигини, шу билан олам гулистон, ҳеч ким оёқ кийимсиз юрмайди ёки оч қолиб кетмайди, жамият худди ҳозирги замон компютеридек чаққиллаб ишлайверади. Лекин ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Халқ шундай ҳолларни ҳам ҳисобга олган чоғи, бир қалампирли гап чиқарган: «Мабодо, этиқдўз ошпаз бўлиб қолса, хўранданинг егани чарм бўлади».

Инчунин, бутун инсоният оламида зиёлилар алоҳида мавқега эга бўлиб келган. Албатта, ҳар қандай тушунчанинг ифодаси — атамада шартлилик бўлганидек, «зиёли» сўзида ҳам шартлилик бор, бироқ унинг ўзагидаги «зиё» сўзи моҳиятни ифодалаб турибди. Зиё — ёруғлик, нур демак; зиёли — ёруғлик, нур таратадиган одам. Қаранг, ер кавлайдиган одам бўлади, мол боқадиган одам бўлади, балиқ овлайдиган ва ҳоказо. Зиёли эса нур таратади, унинг изидан ёруғлик қолади, у кирган давралар ёришиб, чарақлаб кетади. Тилимизнинг гўзаллигини кўринг, бир тушунчани шунчалар мукамал ва аниқ ифодалаб бўладими?

Зиёли қавмини кўп мамлакатларда «интеллект» деб аташади. Бу сўз «интеллект» — ақл сўзидан келиб чиққан эмиш. Ёшлар билан бўлган бир учрашувда шоир акамиз «дунёдаги энг бебаҳо бойлик — интеллектуал бойлик», деди. Шунда тингловчилардан бири сўради:

— Бу қандай бойликки, баҳоси бўлмаса?

Шоир суҳбатдошининг савияси даражасида тушунарли қилиб жавоб берди:

— Ҳар қандай бойлик ишлатилаверса, камайиб кетаверади, бир кун бориб тугайди. Халтадаги унни олинг, нон ёпаверса, камайганидек, тилла-кумушлар, дарахтлар, ҳатто қуёш энергияси ҳам камайиб бораверади. Интеллектуал бойликни қанча истеъфода этсангиз ҳам камаймайди, аксинча, кўпайиб бораверади. Тушунарлими? Мана, АҚШ, дунёда зўрларнинг зўри, унинг кучи нимада? Интеллектуал бойлигида!

Яна биров савол берди.

- Интеллектуал бойлик кимларда бўлади?
— Олимларда, зиёлиларда... Ким кўп ўқиса, ўшанда.

Аслида ҳам зиёлиларни интеллектуал кишилар, интеллектуал бойлик эгалари, интеллектуал бойликни тарқатувчилар, деб қарашади. Зиёлилар (интеллегенция) ҳар доим тараққиётда ҳал қилувчи овозга эга бўлиб келган. Мустақиллик ҳаммани ўзига хос имтиҳондан ўтказаяпти. Тадбиркорлар, ишбилармонлар ўз мавқеини топди, чорвадор, деҳқонлар ҳам тер тўкишяпти. Зиёлилар-чи? Аввало, уларга тарихий ўзгариш — мустақиллик улкан вазифа (миссия) юклади — ўз номига яраша улар ҳали ҳеч ким юрмаган сўқмоқлардан юришда (ўтишда) халқимиз йўлини ёритиб боришлари керак эди. Бу вазифа қандай уддаланди? Бу саволга келажак жавоб беради. Мавриди келганда эса фидойи, эътиқоди бутун зиёлиларга қуллуқ қилган ҳолда айни пайтдаги турмуш тарзимизда бўртиб кўриниб қолган баъзи ҳолатларни кўздан кечирайлик.

Бир коса шўрва

У ҳаллослаб, йўртиб борарди. Суратини кўз-кўз қилиб ўтирган рассомлар, эски-тускиларни сотишга олиб чиққан ёймачилар чангига илашолмас, жаҳду жадалида улар лип-лип этиб қолиб кетарди. Кўзлари тутунлар парку-парку бўлиб самога ўрлаётган масканга қадалган, 80 суягу 360 томир билан ўшаққа талпинарди, балки учарди. «Оҳ, кабобининг тутуни, кабобжон, кабобжон, қанча куйиб-ёнмасин интизор вужудида оташин иштиёқ наъра тортарди — ҳойнаҳой, биринчини еб бўлишгандир. Эҳ, лаънати, уни йўлдан қўйди-я. Қизиқ, босқинчи отган бўлса, ўғлинг билан хотинингни отибди, ахир ўзинг тирик қолибсан-ку. Шунга шуқр қилиб юравермайсанми? Нима қиласан одамларнинг бошини қотириб, сендан бошқа ташвишимиз йўқми?»

Совунлаб ювилгандек ялтироқ кўнглидан ана шундай губорларни қува-қува жонон даврага кириб борди. Бундай давралар унинг жони-дили, ана шундай жойларда у очилади, яйрайди, «оламшумул» ишларига куч-қудрат, илҳом олади. Ҳадемай биринчини, кейин

иккинчи ва бошқаларни паққос туширди, ичди, чекди. Яна бир бор ичидан наъра тортиб, изҳори дил қилди: «Йигитга бошқа нима керак? Одамлар қотган нонга зор бўлиб, ахлат титиб юрганда нечтаси оёғинг остида пойи-патак, зиёфат изидан зиёфат, «тўрга чиқинг, тўрга чиқинг». Ана шундай иззатни раво кўрган толеъимдан ўрғилай».

Унинг бу даражада мавқеъ қозониши узоқ чўзилди. Аниқроғи, тақдир сўқмоқлари бир дунё орзулари, ҳаракатлари, курашлари эвазига шу манзилга судраб олиб келди. У бутунлай бошқача, оламшумул одам бўлмоқчи эди. Бироқ «эл қатори» одам бўлиб қолди.

Эҳ, болаликнинг порлоқ орзулари! Қишлоқ уни қандай буюк ниятлар билан шаҳарга кузатган эди. Тўғри, қишлоқни ерга қаратгани йўқ, қишлоқ ҳали ҳам уни шаҳардаги зўри, деб билади. Бироқ бу «зўр»ликдан унинг ўзи таскин ололмайди. У жамиятнинг, миллатнинг осмонида кенг қулоч ёзиб парвоз этмоқчи эди, бўлмади. Етишгани эса «дўстларнинг мижғов давраси» бўлди. Бепоен уфқлар бағридан излаганларини ана шу давралардан топди, шаккоклик бўлмасин, истаган орзуларига эришди ҳам: «дўст»лар туфайли муродига етди. Лекин... лекин кўлмак жойнинг озуғи чексиз самоларнинг мусаффо ҳавосига тўғри келмайди-да.

У ҳаётда ҳаммасига ўз кучим билан эришаман, деб ўйларди. Шундай ҳам бўлди, тенгдошларидан кам бўлмаган, балки юқорироқ даражага чиқди. Ҳаммаси яхши кетаётган эди. Ниҳоят, бир кун кўнглида иззат-талаблик уйғонди. Гўёки унинг хизматлари муносиб қадр топмаётган, баҳоланмаётган эди. Бу аламини уч кун сақлади, бир ҳафта сақлади, аммо ботинида ғимирлаб қолган қуртни ўлдиролмади, охири ёрдамчисига ёрилди:

— Аҳволлашмайсан ҳам.

Бу унинг айтмоқчи бўлган гапи эмас эди. Муддаосини мана бундай ифодалади:

— «Бир пиёла чой ичинг» ҳам демайсан...

Ёрдамчининг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Хўжайин, — деди биринчи марта қўлларини ёзиб. — Бормисиз. Одамни жа қийнаб юбордингиз-ку! Шу гапингизни ўн йил кутдим.

Зиёфатда тирноғигача яйради. Ҳаёт лаззатини, ин-

сонлигини деярли биринчи марта ҳис этди. Асаблари яйраб, бўғинларига фароват етгач, ўзини койиб ҳам қўйди: «Ўламанми шунчалигини олдинроқ билсам. Ҳеч бўлмаса, бир ойда бир марта яйраш мумкин эди-ку. Ўзимни ит азобига қўйган эканман».

Бироқ ўзини енгиши осон бўлмади. Душанба куни иш ўрнига келиб ўтирар экан, худди оёғига хас илаштириб олгандек ноқулай сезди. Зиёфатни эслаб эса жирканиб кетди. Икки ҳафта ёрдамчидан қочиб юрди, ўзи билан ўзи тинимсиз олишди. Нафсиламрини айтганда эса хижолат бўлишига ўрин йўқ эди, ишлар барқарор давом этар, аксинча, ходимлар анча самимий, очиқ бўлиб қолган эди. Ниҳоят, ёрдамчини чақирди:

— Ҳимматинг... бир марталик экан-да?

Ҳаммаси тушунарли эди.

Бу галги зиёфат бутунлай бошқача бўлди, олдингиси беванинг тўйидек кўриниб қолди. Энди у орқага қайта олмас эди. Орқада — остонада эса бир ингрок нидо таралар эди: «Сен асли курка эдинг, лочин мақомини даъво қилиб, ўзингни беҳуда қийнадинг. Энди катагингни топдинг».

Шундай қилиб, яна осмон лочинсиз қолди. Яна минг йиллардан буён донишмандлар эслатиб келаётган ўша офат — нафс бир мўмин бандани ютиб юборди...

Унинг кенгликлар шавқини, парвоз ҳавасини эсидан чиқариб юборганига анча бўлган. У энди осмон асрорини косада, учиш завқини суяк чайнашда кўради. Атрофида ҳар доим ҳамтовоқлар бисёр, улар бутун бошли жамоа бўлиб, тириклик лаззатини баҳам кўришади.

Товуқмия

Фан ва маданият гуллаб яшнаган қадимги Юнонистонга бориб, илм ўрганган аждодимиз — туркий қавмларнинг вакили Анахаристни биз туркийлар «биринчи алломамиз» деб эътироф этамиз. Анахарист дунё маданиятининг бешиги ҳисобланмиш юнонлар юртига илм излаб бориб, жуда катта ютуқларга эришган ва Афинада Аристотель, Платон, Диоген сингари буюк титанлар қаторида ҳайкал ўрнатилган экан. Энг эъти-

борлиси — Анахарист ҳайкалининг пойига унинг бир ибратли сўзи кейинги авлодларга танбеҳ, эслатма тариқасида ёзиб қўйилган экан. Бу калом қуйидагича:

«Ҳамма бало тилдандир».

Донишманд халқимизда шу гапнинг мангикий давомига ўхшаш бир мақол бор: «Тил балоси — бошга».

Биз ҳам тафаккур арқонини учидан ушлаб олайлик-да, муҳокамада давом этайлик. Хўш, ҳамма бало (ёмонлик, фожиа, умуман, кўнгилсизликлар) тилдан келса, тилнинг балоси — бошга урса (бош оғриши, бош қотиши, бош кетиши (!), бош балоси (бошнинг ишламай қолиши, демак, мия суюлиши, миянинг кичрайиб қолиши сингари физиологик нуқсонлардан келиб чиқадиган шахсий фожиалар) кимга, нимага тегади? Жавоб тайёр: бу иллатнинг касри бошқаларга, улар орқали жами одамларга, умуман, жамиятга тегади-да! Масаланинг бир томонини истисно этайлик: мабодо, кимнингдир миясида иллат бўлса, тиббиёт алломалари бир чорасини топади. Аммо мия фаолияти орқали пайдо бўладиган онг ва унинг маҳсули фикр, тафаккур нуқсонли бўлса-чи? Албатта, ҳали одамзот ҳозиргача «тўғри фикр» деган тушунчаларда ягона тўхтамга кела олмаган экан, биз ҳам мунозара уммонига фарқ бўлмайлик-да, масаланинг мингдан бир қирраси бўлган хатти-ҳаракатларимизда тафаккурнинг ўрни нечоғлигига бир қўр назар ташлайлик.

Биров дарвоза қуриш фикрига тушиб қолади. Азийт чекиб дарвоза ясатади, жой ҳозирлаб уни ўрнатади. Бироқ у дарвозани теп-текис чексиз саҳрода ўрнатади. Бу жойларда ҳаракат қиладиган жонзотнинг ўзи йўқ, билмадим, дарвозадан ким кириб чиқади?

Кимдир уйига тинимсиз тоғора ташийди. Йўл устидаги хўжалик моллари магазинида эса тоғора адо бўлмайди. У эса қўлига пул тушдими, тоғора харид қилади.

Булар турмушда учраши мумкин бўлган воқеалар, масхарали воқеалар. Уларни содир этган одамлар ўз амалларини фикр тарозисига ўлчаб, ўзларига «Нега шундай қиляпман?» деган саволни бериб кўрмаганлар. Таниқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг қаҳрамонларидан бири фикр қилиб ўзини қўлга ололмаган (кўз ёшини тия олмаган) суҳбатдошини «товуқмия» деб атайди.

Агар интеллегентлар (зиёлилар) ўртасидаги муносабатларни кузатсангиз ҳам худди шундай ўз хатти-ҳаракатини зиёли салоҳияти билан бошқара олмасликдек кўлаб «товуқмия» ҳолатларга гувоҳ бўласиз. Шундай ҳолатларнинг тахминий рўйхатини тузишга ҳаракат қилиб кўрайлик:

беҳуда баҳс-мунозаралар;
гуруҳбозлик;
мансаб талашш;
маҳаллийчилик;
шикоят — хатлар уюштириш;
мунофиқлик;
ёлғончилик;
ўзига ортиқча баҳо бериш;
манманлик;
шуҳратпарастлик;
такаббурлик;
тамагирик;
қаллоблик

— хуллас, зиёли шахсини барбод қилиб, нурини сўндирадиган қилиқлар.

Агар майл билдирсангиз, бу рўйхатни яна давом эттиринг ва ўзингиз биладиган зиёлилар бу иллатларга қанчалар гирифтор бўлганини чамалаб, ўзбек интеллегенциясининг аҳволига баҳо бераверасиз.

Рости, жамиятда юқори даражадаги масалаларни ҳамма табақа ҳам тўла тушуна олмайди. Дейлик, этик-дўзга пойабзали йиртилган одамлар тез-тез келиб турса, бас. Савдогар ҳар куни фойда кўриб турса, хурсанд. Яна ҳам дангали — шундай тоифалар борки, улар учун қандай ғоя ҳукмронлиги, кимлар раҳбарлиги ҳам аҳамиятсиз. Бироқ ана шу олий қадриятларни тўғри тушунган, уни истаган одамлар ташаббусни қўлдан бериб қўйсалар, сафнинг олдидан чекинсалар, тараққиёт депсиниб қолишини тажрибалар кўрсатган. Қолаверса, ҳар кимнинг ўз амр этилган вазифасини бажармаслиги — келажак олдида хоинликдир.

Кундуз кундаги ўғрилар

«Мустақил газета»нинг дастлабки сонисида «Юридическийга кириш... 40 миллион сўм» сарлавҳали мақола

чикди. Гап республикадаги энг нуфузли, кўплаб ёшларнинг идеал орзусига айланган бир олий ўқув юртидаги кириш имтиҳонлари (тест) жараёнида йўл қўйилган жиноятлар ҳақида кетади. Бу мақолани ўқиб, бир мулоҳазага боради киши: «юридический»дагига ўхшаш нохушликлар фақат шу ўқув юрти ҳаётига тегишли тасодифий ҳолми ёки бу нарса зарпечакдек бошқа билим даргоҳларига ҳам юқиб улгурганми? Саволга жавобни бир оз орқароққа қолдирайлик-да, мулоҳаза юритайлик.

Олим Абдураҳим Эркаев (у киши Қаршида яшайди) суҳбат асносида бир фикрни айтиб қолганди. Гап юқоридагидек ўқув юртларига қабул ҳақида кетганда «Ўзбекистонда кириш имтиҳонларида, умуман, билим юртлари ҳаётида пул (пора) олинишини Москва биларди (маълумки, бизда олий таълим тизими Беруний замонида эмас, СССР даврида ташкил топган). Бундай порахўрлик Кавказда ва Ўрта Осиёда бор эди. Марказ буни биларди-ю, бироқ атайлаб ташлаб қўйганди. Чунки мустақил ҳаётга қадам қўяётган, бунинг устига зиёли бўламан деган ёшларни мажруҳ қилишнинг бундан ўнгай йўли йўқ эди», деб фикр билдирганди. Эътибор беринг, жиддий ўйлаб кўрадиган мулоҳаза. Ростдан, ички ҳаётга кўз-қулоқ бўлиб турадиган, ўз доктринасига зид эсанг шамолни ҳам сезган «оға»лар ўқув юртларида пул айланишини билмаслиги мумкин эмас эди. Агар устимиздан тинимсиз бутифосу гексохлоран сепиб турганларини, «роддом»лардаги антиқа эмлашларни эсласанг, улар кўп ҳам эзгу нарсаларни бизга соғинавермаганини тушуниб олиш қийин эмас. Олим таъкидлаганидек, ёш қалбни заҳарлаш, унга ҳаромхўрлик вирусини юқтиришнинг оммавий усули эса студентликда порани жорий қилиш бўлиши мумкин. СССР кунфаякун бўлди, афсуски, талабалиқдаги порахўрлик ҳамон ўзининг машъум вазифасини адо этаяпти: ёшларимиз ҳозирги замон илмларини чуқурроқ ўрганиш ўрнига «туяни думини кўрсатмай ютиш», «ишни энг ичида ими-жимиде битириш», «пул билан виждонни сотиб олиш» сабоқларини мукамалроқ эгаллаяптилар. Бундай ҳолларнинг ёлғон эмаслигига аҳди Ўзбекистон гувоҳ.

— Пул бермасдан ўқиб бўлмайди, — дейди шундай

муҳитда яшаб, анча қитиғи ўлиб қолган юқори босқич талабаси, — талаблар шунчалик чалкашки, холисанилло бажариш мумкин эмас, оқибатда, албатта, «домлажон»га чўзиш керак.

— Инсоф қолмади, — дейди тоза орзулар билан икки фарзандини ўқитаётган ота, — тестни «есть» қилиш учун бир туговдим, бу ёғи ҳам тинимсиз чўз-чўз.

— Рейтинг зўр бўлди-да, — дейди шерюрак домлардан бири очилиб кетганда, — балини чўтга ташлаб, боланинг ўзи олиб келиб бераверади. Нав-проблем!

Очиғи, вазифа компьютерга юкланадими, муттаҳамликка тузоқ қўядиган янада мукамал йўллар излаб топиладими, ният бузуқ бўлса, ҳаммасининг йўлини топишар экан. Ахир одамнинг ўзи кашф қилган мўъжизасига қарши усул ҳам топади-да. «Тест усули қўлланила бошланган йилларда холислик анча юқори эди, — дейди кузатиб юрганлар, — вақт ўтавериби, азаматлар бунинг ҳам йўлини топишди».

Хуллас, бу масалада бир дунё тафсилотни келтириш мумкин. Ҳаммасини тўхтатайлик-да, ўқув юртларидаги порахўрликнинг жамиятга келтирадиган зарарини чамалаб кўрайлик. Келинг, шу борада бир сафар холис туриб, шафқатсиз мулоҳаза юритайлик. Ўзига, дунёларнинг софлигига, инсонларнинг меҳрига ишониб, ҳаётга қадам қўйган ёш қалб маърифат даргоҳида қабиҳликка дуч келаяпти. Ундан қандай граждандан чиқади, у нечоқлик ватанпарвар бўлади? Ҳаётда адолат, ҳақиқат, поклик, тўғрилиқ, мардлик борлигига ишончини йўқотган дипломли мутахассис ўз устозларидек битта истеъмолчига айланади-да, бошқа нимага ярайди? Энди жамиятга шунчалик зарар етказадиган «домла»ларни ким деб аташ керак? Агар сабаби — тирикчилик учун шундай йўл тутиладиган бўлса, лаънат келсин бундай тирикчиликка!

Ким келажагини ўйламайди, дунёнинг боқийлигини ўйламайди? Эртанги кунимиз бутундан афзал, тараққий этган бўлишини хоҳласак, талабалар ҳаётини булғаб турган бундай иллат ҳаммани безовта қилмоғи лозим. Зеро, янги авлод ҳар жиҳатдан ўзидан олдинги авлоддан кучли бўлмас экан, жамият араваси олдинга силжимамай, қумда ботиб тураверади.

Бирор ташкилот кимгадир «зиёли» деган гувоҳнома беришга масъул эмас. Бу унвонни ҳар кимнинг ўзи танлайди, ўзи шарафлайди. Мустақил юртимизда бутунлай янгича асосда бўй кўрсатаётган зиёлилар қўшини ташкил топмоқда. Улар исломий тарбия кўрганлиги, дунё таниганлиги билан салафларидан устун туради. Улар гўзал ватанимизни илғор марраларга олиб чиқадилар — бунга шубҳа йўқ. Фақат уларнинг парвозига эски ақидалар тузоқ ташламаса, бўлди. Қуёшни ҳар куни соғинамиз, кутамиз, чунки зиё ҳар куни керак бўлади.

БИР АЖИБ ҚАВМ

*Хизр назар қилмаса, қовун
бозорида галлол ҳам бўлолмайсан.*

ГурунҒдан

Беш-олти йилдан буён Дарвишалининг уйи тўғрисидаги катта кўчага ўзгача файз кириб қолди. Эгатда палак етилиб, қовун-тарвуз таъмга киргандан қарийб то яна янги мавсум бошлангунга қадар бозор бўлади. Кўча анча серқатнов эмасми, кечаси билан харидорларнинг кети узилмайди. Сабзавотчилар қўли-қўлига тегмай савдо қилишади.

Уларнинг кайфиятини, иш маромини, шу муваққат бозордаги тирикчилик тарзини кузатсангиз, катта-катта ҳақиқатларни тушунишга йўл очилгандек бўлади.

Бозорда меҳнат тақсимооти шундай йўлга қўйилган: эркаклар яқин атрофлар — Янгийўл, Чиноз, Зангиотадан маҳсулотни улгуржи харид қилиб олиб келишади, хотин-қизлар эса уларни «майдалаб» сотишади. Ёки, аксинча, иш кўрган, айниқса, хорижнинг сувини ичган опоқойилар у ёқлардан жўнатиб туришади, азамат йигитлар бу ерда савдо қилишади. Умуман, бу «муассаса»да меҳнат тақсимоотида қатъий чегара йўққа ўхшайди: эркакларнинг ишини аёллар бажариб кетаверади ва, аксинча, аёлларнинг ўрнини эркаклар босаверади. Шунданми, турмуш тарзимизда қарор топган баъзи нозик масалаларга унчалик ҳам эътибор берилавермайди. Олайлик, ёш-ёш жувонлар ёки ёши

ўтиб қолган аёллар кўча тарафга орқасини ўтириб, каравотда бемалол ухлайверади (ҳаво иссиқлигидан бирор нарса ёпиниб олиш иложи бўлмайди). Айниқса, уларнинг тўпланиб олиб нонушта қилишини кўрсангиз. Бир томонда — автомобиллар ҳаракати, бу ёқдан тинимсиз пиёдалар ўтиб турибди, улар эса ўрталикда пинагини ҳам бузмай нон кавшайди. Бундай пайтда шаҳар шовқини-ю, чанг-тўполонлар бир пул, эркинлик истагидаги вужуд шу чоқда мовий қирлар, яшил кенгликлар ҳавосини, пода қувиб чарчаб, булоқ бўйида бир зум ёнбошлагандаги ҳузурни туяётган бўлса, эҳтимол. Негаки, бу издиҳомнинг фуқаролари ризқи далаларга сочилган, тирноғи билан ер кавлаб, бойлик ундирадиган қавм вакиллари.

Дарвишали бу манзараларга анча кўникиб қолди. Ҳар куни ишдан (ўзининг таъбири бўйича — «овдан», қарийб икки йилки, муттасил юмуш йўқ, касби адвокат бўлган бу зот тирикчилик қайиғини омад дарёсига қўйиб юборган, бахти юришиб, мижоз топилиб қолса, пичоғи ёғ устида, билъакс, тишининг кирини сўриб юраверади) қайтаётиб, қовун-тарвуз уюмлари олдида тўхтайтиди, бўлиқ жувонларнинг энгашиб нарса олишини кузатади, уларнинг қимтиниб, тортиниб савдо қилишидан завқ туяди. Уларнинг гап-сўзлари, қилиқлари дилига яқин (ўзи ҳам яйдоқ қозоқ далаларида улғайгани учунми), шу туфайли оёғи шу томонларга тортаверади.

Дарвишалини бошида ҳеч ким сезмади, тигиз қатнов, лаҳзада ўнлаб йўловчи ўтиб турибди, ким кимнинг фарқига борарди. Фақат бир гап бўлди-ю, у отнинг қашқасидай танилиб қолди.

Одатдагидай айланиб, сотувчиларни ҳам олдидан, ҳам орқасидан кузатиб юрган эди, қаторларнинг ўрта роғида шовқин чиқиб қолди. Икки киши гижиллашиб турар, сочлари ёйилиб кетган аёл уларни тинчитмоқчи бўларди. Дарвишали шу ёққа юрди, у яқинлашганда можаро қолипдан чиқиб, ёқалашига бориб қолган экан.

— Осмон қўлингда бўлса ташлаб юбормайсанми, қонимни ичиб юбординг-ку, тирикчиликка қўясанми, йўқми?

Обрўли идоранинг либосини кийиб олган силлиқ

мўйловли одам эса дурустроқ важ айта олмас, фақат дудуқланарди. Дарвишали сездики, «масъул шахс» қовун тушириб қўйган, айти пайтда деҳқон ҳақ, шунинг учун овозини баралла кўтариб, шаддодлик қила-япти. Иш кўрган одам эмасми, Дарвишали ўзини ўртага урди, йигитнинг қўлини ёқадан бўшатиб, унга танбех берди:

— Ука, ҳаммасини муомала билан ечса бўлади-ку. Мусофир юртларга тирикчилик учун келгансиз. Яхши эмас.

Шовқин тинди, кузатиб турганлар енгил тин олди. Дарвишали масъул шахсни қўлтиғидан олди-да, нарироқ олиб бориб, паст овозда деди:

— Чаканафуруш одам билан ҳазиллашиб бўлади-ми? Ҳаммасининг ҳиқилдоғига келиб турибди. Биласиз-ку, учқундан аланга чиқиб кетиши мумкин.

Ёқалашувда баралла ютқазиб, мулзам бўлган масъул шахс бундай мантқиқли гапларни эшитиб, ер бўлди. Ҳайтовур, у деҳқоннинг бунчалик ғазабини кутмаган, ногаҳон жағига мушт еган одамдек қарахт ҳолда эди, тили айланмас, фақат жўлайиб термиларди.

— Қўяверинг, кўп хижолат бўлманг. Бунақалар бизда ҳам кўп бўлган. Энди ҳушёр бўлинг-да. — Дарвишали авждан паст тушмай, мағлубни кузатиб қўйди-да, деҳқонга яқинлашди:

— Аммо богладингиз...

Мағлум бўлишича, масъул шахс олдин ҳам 2-3 марта хизмат вазифасини писанда қилиб, нарса олиб кетган, унга тишни тишга қўйиб чидашган. Бу сафар аёлга илакиша бошлаган. Унинг тирғалаётганини кўрган йигит чидаб туrolмаган.

— Ака, яхшиям ўртага тушдийиз, бўлмаса, Мейлиқул акам анувни ўлдириб қўярдилар. Жаҳллари ёмон, — аёл мунғайиб кўз ёш тўкар, ҳам хижолат бўлар, ҳам миннатдорчилик билдирарди.

Шундан кейин сотувчилар Дарвишалини таниб қолишди, узоқдан бош қимирлатиб саломлашишадиган бўлишди. Ёқалашган йигит эса ўша кечадаёқ будшудини юклаб гумдон бўлди. Балки у масъул шахснинг кейинги тазйиқларини чамалаб, чўчигандир.

Дарвишали анча эллашиб қолди. Энди уларнинг қўлидан бир пиёла чой ичадиган, суҳбатларига арала-

шадиган бўлди. Бошида андак тортиниб туришган эди, кейин ундан бирор ёмонлик чиқишига кўзлари етмади чамаси, ҳамма гапларини бемалол ўртада баҳам кўрадиган бўлишди. Айниқса, оқшомлари — қатнов сусайганда шунақа суҳбат бўлар, шунақа ҳангомалар тилга олинар эдики, уларнинг олдида Сусамбил афсоналари-ю «Минг бир кеча» эртаклари ип эшолмасди.

«Халқ ҳаётидан йироқлашиб кетибмиз, — деб мушоҳада қиларди Дарвишали бу ҳикоялардан боши айланиб, — бу улўф тилсимга яқин бўлишимиз, оғриқларига қулоқ тутишимиз керак экан». Шунда қўлига қалам олар, ўғли ташлаб юборган дафтарнинг бўш ва рақларига нималарнидир ёзар эди. Сотувчиларнинг ҳикоялари шунчалик қуюқ бўёқда тасвирланар, илди-зи чуқур кетган, ҳатто одатдаги тасаввурларга сирмас эдики, Дарвишали уларни математик мисолларни ечгандек, майдалаб жавобини излар, моҳиятига етмоқчи бўларди. Шаҳарнинг тўкис ҳаёти бағрида, баландпарвоз ҳайқириқлар қанотида яшаб, шунчалар гап борлигини билмас экан. Юраверган экан содда одамларни лақиллатиб, пулини олиб, ҳолбуки, «берди»си бу ёқда экан.

Ҳикоялар турфа хил, баъзан ичагинг узулгудек куласан, баъзан... кўз ёшинг қўл бўлгунча йиғлагинг келади.

Завқи баланд деҳқонлар мушук гўштни қандай олиб қочгани-ю, уй эгаси қувганини, орага ит араллашиб, гўшт ариққа тушиб кетганини сонига шапатилаб ҳикоя қилиб берса, суҳбат мароми жиддийлашиб, гап орномус, ғурур, шаън ҳақида кетганда оғир тортиб қолишади. Чинакам қулфи-дили очилганда эса махфий тугиладиган гапларни ҳам сўзлаб қолишади. Бундай ҳикояларни овозни пастлатиб, бўйинни ичкарига тортиб, баъзи сўзларнинг ўрнига имо-ишоралар қўлаб айтиб берадилар, гўё бундай кир гапларни шамол учириб тарқатмасин, эшитган қулоқларга заха етмасин, кўкракдаги арслон уйғониб кетмасин, деган андишалар босиб туради.

Бундай хос суҳбатларни Дарвишали ўн чандон жон қулоғи билан тинглайди, энг нозик ўринларида баданлари жимирлаб кетади, воқеалар гирдобига тушиб қолгач, ҳиссиётлари жунбушга келиб, «Наҳот одамлар

шунчалар пастлашиб кетдилар?! Ахир бундай чайқовчиликдан ўлим яхши-ку!» деб инграйди, кейин эса «Нега шу гапларни эшитдим?» деб ўзини тинмай, койийди. Бундай ҳикоялар унга ёмон таъсир қилар, эр-талабгача ҳеч нарсадан беҳабар пар тўшақда сочларини ёйиб ухлаб ётган хурлиқо хотини, энди вояга етаётган қизи кўз ўнгидан кетмасди. «Эй, Худо, — деб илтижо қиларди унсиз, — Нима қилсанг қилгин, аммо мени ўшаларнинг кунига солмагин».

* * *

*Одам қашшоқлашган сари
ёвузлашиб бораверади.*

Юхан СМУУЛ

Эмишки, Буғдойли деган жойда чет эллик ҳамкорларимиздан бирлари корхона ташкил этишибди. Аслида, катта йўл ёқасидаги бу хилват манзилда олдинлари қайсидир илмий текшириш институти фаолият кўрсатиб, кейинчалик унинг хизматига эҳтиёж қолмаганиданми ёки тугатилганиданми, тўрт қаватли ҳайҳотдек бино ҳовуллаб ётар, аста-секин унинг чет-четларини ўпириб сотиш бошланган экан. Ана шу бинони атрофидаги боғи билан хорижликлар сотиб олибди-да, тезда қўғирчоқдек ясатиб, ишни бошлаб юборишибди. Албатта, баъзи юмушларга шу ерлик маҳаллий фуқаролар (асосан, 25 ёшга тўлмаган қизлар, яна танлов асосида)ни ҳам жалб этишган.

Ана шу ишли бўлганлар аксарият бекорчи, тирикчиликдан қийналиб қолган одамларнинг турмуш тарзини бутунлай остин-устун қилиб ташлаганлар. Ярашиқли либос кийиб юрадиган, анча сипо, бунинг устига сирли, қадам олишлари шаҳдам бу қизларга ҳамма ҳавас ва ҳасад билан қарар, бирор «миш-миш» ундириш илинжида йўлини пойлашарди.

Кунлар ўтган сари аста-секин кўзлар ҳам кўника бошлади-ю, уларга қизиқиш ортса, ортдики, сусаймади. Ишли қизлар ора-орада қўшимча юмушларга танишларини ҳам таклиф қилиб турар, бир марта қўшимча юмуш (супуриб-сидириш, қадоқлаш дегандек)ни бажарган аёл ичкарини яна қўмсайверарди ва бу оқим фавкулодда кучайиб кетди. Энди ҳеч ким-

нинг ёрдамсиз аёллар хорижликлар ҳузурига борар ва кўнгли тўлиб қайтарди. Бошида бу ҳол кўзга ташланмади (чунки хориж корхонасида иш эрта тонгда бошланар, бу пайтда аксарият уйқуда бўларди, кейин тезда дарвозалар тақа-тақ ёпилар, ҳеч кимга очилмасди). Бироқ мазахўра ўрганган баъзи аёллар куннинг истаган пайтида дарвозани тақиллатиб борадиган бўлишди. Дастлаб уларни ҳам кўш қўлаб кутиб олишди, дарвоза ўз-ўзидан очилар ва ташриф буюрувчи ўзини ичкарига урарди. Кейинроқ оқим кучайди чоғи, дарвоза олдида тўпланиб турувчилар пайдо бўла бошлади.

Одам зотининг табиатида қизиқ ҳолатлар кўп-да. Бир нарсага ружу қўйгандан кейин бошига уриб ҳам қайтара олмайсан. Қолаверса, тиланчи ҳам биринчи ҳовлидан ўтгунча уялиб турар экан, ўтиб олгач, уямай қолар экан. Опалар ҳам ичкарига кириб, бир оз чойчақа ишлаб келди-ю, ширага айланган асаларидек шу бино атрофидан кетмай қолди. Энди дарвоза олдида аёлларнинг тўдалашиб туриши ҳам ҳеч кимнинг гашини келтирмай қўйди.

...Бор гап шу бўлганда Дарвишали кўп ҳам фарёд чекавермасди. Унинг ичини ёндирган ҳолат бўлаётган воқеаларга эркакларнинг муносабати, уларнинг совуққонлиги бўлди.

Хориж корхонасида иш фақат аёлларбоп бўлгани учун эркакларни йўлатишмасди. Ҳатто бирор аёл эркаги билан келса, таниб қолиб, ўша аёлни умуман ичкарига киритишмаган. Нима қилиш керак? Эркак дарвоза ҳатламай уйда ўтиришга мажбур. Нар и борса, у рўзғор ишларини бажариши мумкин. Мабодо, у ҳаяжонини жиловлай олмаган ва бирор нобоп қилиққа ружу қўйган бўлса-чи? Буғдойли қишлоғида эркакларнинг вино ичиши расм бўлган эканки, оғзидан ичимлик узилган эркак пайғамбарни ҳам танитай қолар, захрини хотинига сочиб, пул топиб келишни талаб қилар экан. Эркак пул берадиган жойни билади. Шунданми, энди аёллар дарвозани очишмаса, девордан ошиб ичкарига кирадиган бўлишибди.

Кўча-бозордаги гурунглр жуда дилкаш бўларди. Ким нимани гапирса, бегидир, далли-ғулли ҳикоя қилар, фақат баъзи ўринларда томоқ қириб ёки танглайини

тақиллатиб қўйишарди. Тингловчилар ҳам жон қулоғи билан эшитар, нимани эшитса, ўшани «Шундай бўлиши керак экан, бўлибди-да» тарзида қабул қиларди.

Юртимизнинг чеккароқ ҳудудларидан тарвуз олиб келган йигитнинг мана бу ҳикоясини эса ҳам берилиб тинглашди, ҳам эзилиб, маъюс тортиб қолишди.

...Яйдоқ чўлда гигант корхона қуриладиган бўлибди. Атроф-теварақда унинг тенги йўқ экан. Шунданми, жуда кўп хорижликлар ташриф буюрибди. Улар махсус идишларда қадоқланган сув ичишар (овқатини ҳам ҳар куни эрталаб самолётда алақайси мамлакатдан келтиради, дейишади), ялтир-юлтур машиналарда юришаркан. Бинойидек қурилган омонат уйларда беш кун истиқомат қилиб, ишлаб, шанба-якшанба кунлари шаҳардаги махсус боғ-ҳовлиларда дам олишаркан.

Гапнинг қизиғи шаҳарда бўларкан.

Қорин тўйғазиш эҳтиёжи жами сут эмизувчилар (умуман биоорганизм)га хос ҳодиса, бу эҳтиёжни қоплаш учун эҳтиёжманд кўп нарсага тайёр бўлади. Баъзи жониворлар очликдан ўзи туққан боласини еб қўяр экан (ҳайвон-да). Гарчи одам бу даражага бормаса-да, очлик тазйиқи, баъзан нафсни жиловлай олмаслик оқибатида бундан кам бўлмаган фожиаларга қўл урар экан.

Шаҳардаги «қизиқ» гап шуки, хорижликларнинг шанба, якшанба кунлари дам олишини билган бир тўда чаққон одамлар уларнинг йўлини пойлаб туришади. Асосан, жума куни, оқшом чўлдан қайтган автобуслар тўхташ жойида улар кутиб олинади, маълум шартлар келишилгач, «меҳмон»лар уйларга таклиф қилинади (аниқроғи, олиб кетилади). Бу ёғи эса маълум — чойчақа умидида икки кун чет элликнинг кўнглидан чиқиш учун роса ҳаракат қилинади. Бунинг учун уй эгалари дастлаб махсус ёлланган хизматкорларни жалб этган. Кейин нақд даромад четга чиқиб кетмасин, деган илинжда оила аъзоларининг ўзи ҳамма юмуш (кир ювиш, дазмоллаш, овқат тайёрлаш ва бошқа)ни зиммасига олган.

Чўлдаги улкан қурилиш беш йилга давом этган ва бу орада вилоят марказида чет элик жанобларга хизмат қилишнинг ўзига хос «индустрияси» юзага келган. Шуниси диққатга сазоворки, бу ҳолат ҳеч кимни бе-

зовта қилмаган (бирон марта тартиб ёки қонун бузилиш ҳолати қайд этилмаган), ҳаммаси ими-жимидан ҳал бўлган. Аксинча, хорижликлар танда қўядиган жойлар равнақ топиб, хонадонларда сауналар, тренажёрлар, гаражлар пайдо бўлган, хизмат кўрсатиш тармоғи такомиллашган.

Дарвишали бу гапларни ўзининг «қолоқ» зеҳни билан тингларди. У табиатан скептик эди, янгиликни жуда офир қабул қиларди. Тасаввурида миллий анъаналаримиз оёқ ости бўлаётгандек, тарихийлик замонавийлик олдида тиз чўкаётгандек туюларди. Энг хавфлиси эса муносабатларни ақл эмас, эҳтирос бошқараётгани аниқ эди. Шунданми, бутунлай бир-бирига бегона бўлган икки тараф бир-бирига тез киришиб кетаётганди...

— Бу нима? Глобаллашув деганлари шуми? — мулоҳаза қиларди Дарвишали, — наҳотки, биз глобаллашув тўфонига дош беролмаймиз, маҳв бўламиз? Жавохирдек дурдона юртимиз бўз гиламнинг бир чети бўлиб қоладими?

Дарвишали ўзини қийнаётган саволларга тез жавоб топишни хоҳларди. Ўқитувчининг ўғли, мутолаани севадиган одам эмасми, ўзини китобга урди. О, китоблар! Инсоният яратган энг буюк мўъжиза! Унинг сарҳифаларида нималарга жавоб йўқ, дейсиз.

* * *

... Ўзингни изла ва
ўзингни танҳо топ.
Паҳлавон МАҲМУД

«Менталитет, — ўқиди янги чиққан луғатлардан бирида, — ўтган кейинги ўн йиллигида муомалага киритилган сўз (французча — *mentalite*, лотинча — *mentalis* — ақлий, руҳий) 1. Алоҳида шахс ва бутун халққа хос дунёқараш (ғоявий, диний, эстетик, психологик, этник ва шунга ўхшаш)ларнинг йиғиндиси. 2. Ақлий бойлик, тафаккур тарзи ҳақида (қўлланилади)». Бошқа бир ихчамроқ луғатда эса бу сўзга яна ҳам қисқа таъриф берилган экан: «Менталитет» — (фр. *mentalite*) — ақлий бойлик, дунёни ҳис этиш, дунёқараш, психология.

Баъзи қомусий адабиётларда бу тушунчага ёзилган изоҳлардан «извращенный (бузилган) менталитет»,

«пресловутий (бадном бўлган) менталитет» сингари қирралари ҳам борлигини билиб олди.

Демак, афкор омма «алоҳида шахс ва бутун халққа хос» умумий белгиларни тасниф қилиш жараёнида аниқ тўхтамларга келган, рус билан чеченни, арман билан озарбайжонни ёки яҳудий билан қозоқни фарқлайдиган мезонлар мавжуд.

— Менталитет — шафқатсиз кўзгу, — деди Дарвишали, — унда халқнинг йиллар давомида шаклланган феъл-атвори, маънавий қиёфаси акс этган. Бу қиёфани эса тезда ўзгартириб бўлмайди. Агар у ёпиқ ҳолдаги хазиналар сандиғи бўлса, уни очадиган калит, аниқ роғи, ёндашув лозим.

Менталитет, унинг тасаввурида, олтин сандиқ бўлиб гаудаланди. Уни дарёда сузиб кетаётган ҳолда тасаввур қилди ва «Тўфону пўртаналар қанчалар кучли бўлмасин, сандиқни бурдалаб ташламаслиги керак», деган хулосага келди. Демак, сандиқ (менталитет)нинг мустаҳкамлигига ишониб, бемалол ҳар қандай оқимга тушаверса бўлади. Иккинчи бир жиҳат — балки оқим синовдир ва унга бардош берган қадриятлар яшаб қолар. Унақада, қадриятларимиз яшовчан бўлмоғи лозим экан-да. У глобаллашув борасида шундай тўхтамга келди.

Ҳозирги ҳудудлар тарихини, маданиятини ва бошқа омилларни тадқиқ қилиш эса тўқ ёнғоқнинг мағзидек хулосалар берди. Ўзбекистон — буюк цивилизациялар меросхўри. Бу нуқтада деярли дунёнинг жами бурчакларида юзага келган тараққиёт йўллари кесишган. Амалдаги маданият ҳам туркий, араб, форс, Европа маданиятлари қоришиғидан юзага келган. Мафкура — дин — соф арабий унсур. Мусиқа, адабиёт, меъморчилик ва бошқа санъат турларида арабий таъсир билан бир вақтда форсий унсурлар етакчи. Шунингдек, Европанинг таъсири сезиларли. Бу ҳолни кимдир қўлдан, сунъий яратмаган, балки цивилизация (тамадун)нинг инсон иродасига бўйсунавермайдиган стихияли ҳаракати юзага келтирган.

— Цивилизация бўрони ҳам денгиз тўфонидан қолишмас экан-да, — мулоҳаза қиларди Дарвишали.

Ана шу арабий ғоя (қалб) форсий ва ғарбий руҳ, эмоция, завқ-шавқ) туркий вужудда мужассамлашган,

фикр туркийга хос тилда ифода этилади (тил — туркий). Хўш, шундай вақтда нима қилиш керак, триада-нинг қайси томонини асосга қўймоқ лозим? Яъни биринчи навбатда қалбни сақлаш (кучайтириш) керакми, руҳними ёки вужудними?

— Албатта, вужудни, — деб хулоса қиларди Дарвишали энг оддий мантиқ билан, — агар вужуд ўлса, қалб ҳам, рух ҳам ўлади.

Шубҳасиз, у билар эдики, ана шундай қоришиқ маданиятга эга бўлган халқ пайдо бўлганига қарийб етти аср ўтапти.

— Бироқ, — шафқатсиз фикр юритарди Дарвишали, — ҳамон ўзини тўла инкишоф қила олгани, топа олгани йўқ. Тўғри, миллат куёши Соҳибқирон Амир Темур ва ҳазратнинг фарзандлари даврида икки юз йиллар чамаси ёруғ порлади, улар йўл кўрсатувчи машғалани баланд тутиб туришди. Лекин у фараҳли кунларни зулмат ютиб юборганига беш аср бўлаяпти. Бу муддат ичида дунё неча алвон тобланди. Соҳибқирон бобомизнинг юлдузи чарақлаб порлаган кезлар ер юзида Америка деган қуруқлик борлигини кўпчилик билмасди, бугун Америка инсоният тамаддунида биринчи ўринда турибди.

— Нега биз шу даражага эриша олмадик, ахир дунёни лол қолдирганимиз ёлғон эмас-ку, — ўзига савол берарди Дарвишали ва мураккаб формулалар, узун ҳисоб-китоблар билан эмас, жайдари мулоҳазалар билан содда жавоб топарди, — чунки бизнинг аждодларимиз ўзини, ўзлигини йўқотди (ўзлик фақат «ўзбек» деган сўзда қолди) ва уни ҳозиргача қайтиб топа олгани йўқ.

У ана шу «ўзлик»ни глобаллашув деган тўфонда йўқолиб кетмаслик омили, деб тушунди. У ўзликнинг бой берилганини ёсдиқдошининг девор ошиб ажнабийлардан чойчақа ундиришга йўллаётган эркакнинг бепарволигидан топди. Ўзлигини йўқотган одамнинг ғурури, орияти бўлмаслигини ўз қизи, келинини хорижликлар хизматига қўйган уй эгасининг феълида кўрди.

«Тирикчиликнинг айби йўқ», — нидо қиларди ички бир овоз. Дарвишали унга қулоқ тутар, танганинг иккинчи тарафини кўрмоқчи бўларди. Аслида, юқорида-

гиларга ўхшаган ҳаракатлардан фожиа яшаш ҳам шарт эмас. Дунё шунақа турмуш тарзини қабул қилганига кўп йиллар бўлган. Қолоқ мамлакатлар илғор ғояларни четдан қабул қилиб, ўзини ўнглаб олган. «Илғор ғоя», — мушоҳада қиларди Дарвишали, — наҳотки, у миллий ўзликка қарши бўлса? Унда миллийликка ўз-ўзидан «қолоқ ғоя» деб қарашга тўғри келадими?» «Йўқ, миллийликни бу тарозида тортмаслик керак. Ҳар бир миллат ўзича илғор ва ўзича қолоқ бўлиши мумкин», — чалкаш мулоҳазаларига шундай нуқта қўйди у.

Шунингдек, ўзликни йўқотиш бошқа гап, ўзликни топа олмаслик бошқа гап. «Агар отанг йўқотиб қўйган пичоқни сен топа олмасанг, айб отангдами, сенда? — мана, масала қаерда?»

Ўзликдан маҳрумликнинг белгиларини излай бошлади. Кўз олдига пастки қаватдаги қўшнисини Отақўзини келтирди. Уни йигирма йилдан буён билади, бироқ ҳақиқий қиёфасини ҳали билмайди. Гоҳ қарасанг — сахий, борини баҳам кўрадиган, гоҳида битта мих учун ҳафталаб талашади. Баъзан масжидга қатнаб қолса, аксарият ширакайф бўлиб юради. Нуқул ҳалоллик ҳақида лоф уради, аммо ишхонасида парҳез қилмай пора олади. Ўзи ёлғонни аямай, охириги нуқтасигача гапирди, лекин биров унга берган ваъдасини бажармаса, қаттиқ хафа бўлади. Ана шу Отақўзи Дарвишалининг кўзига ўзлигини топа олмаган, ўзлигини йўқотган одам тимсоли бўлиб туюлди.

— Уни ким деб аташни ҳам, қандай муомала қилишни ҳам билмайсан. Ўғри бўлиб, ўғри эмас, тўғри бўлиб, тўғри эмас. Одамда субут бўлиши керак-да, пок бўлса пок бўлсин, мутгаҳам бўлса, мутгаҳамлигини тан олсин, мўлтонилик қилмасин, — ўз-ўзи билан гаплашиб, мулоҳаза қиларди Дарвишали, — Отақўзи ёши олтимишга кетаяпти, бутун умри шундай ўтган, энди ҳам ўзгармайди. Унга иссиқ ҳам, совуқ ҳам бир. Бундайларга қуликнинг ҳам, озодликнинг ҳам фарқи йўқ.

Ана шунақа бетайинлик ўзликдан маҳрумликнинг зоҳирий (ташқи) кўриниши бўлса, ботиний (ички) ҳолатнинг намоён бўлиши — нутқда ўз ифодасини топар экан. Бу ҳақда XVI асрда яшаган француз халқпарвар файласуфи, ёзувчи Мишель Монтеннинг бир фикрини ўқиб қолди. У шундай деган экан: «Мияла-

рида жуда кўп фикрлари бор-у, аммо гапга уста бўлмаганликлари туфайли сўзлай олмасликларини таъкидлаганлар ҳали **ўзларини унча англаёлмаган** (*таъкид бизники*) кишилардир». Табиийки, ўзини англай олмаслик ўзликдан маҳрумликнинг бир кўриниши, аниқроғи — унинг ҳосиласидир. Сир эмас, кўпгина ватандошларимизда фикр бор, лекин уни равон ифодалай олишмайди. «Зангори экран»да кўрган бўлсангиз, келишган, салобатли одамларга микрофон тутилса, бирдан ўзини йўқотиб, дудуқланиб қолади, чунки унинг тафаккурида бутун борлигини тартибга солиб турадиган ёруғ нуқта йўқ. Тафаккурининг манбалари ҳар хил — ё бошқа тилда фикрлайди, ё турмуш тарзи ғайри одатий... Қолаверса, ўша уч маданият — арабий, форсий (ғарбий) ва туркий унсурларнинг қоришиқ яшаши ва улардан бирининг етакчи мавқе касб этмагани ҳам фикрлаш тарзига таъсир этади.

Рус миллатига мансуб шахс ўз фикрини ўз тилида равон ифодалай олади, ҳатто бошқа миллатлардан ҳам кўплаб мисоллар топиш мумкин, афсуски, ўзбеклар бу борада қийналади. Албатта, бу истисно тариқасида кам учрайдиган ҳолат, лекин аксарият шундай.

Дарвишали бошни кўтарди. Кўзи маҳобатли иморатларга, ундан тип-тиниқ осмонга тушди. Осмонўпар бинолар — унинг аجدодлари ижоди, фалак тоқида эса қуёш, бошқа ёритгичлар боқий турибди. Улар бир пайтлар шу заминда биноларнинг лойи қорилгани, ғишт терилгани, пардоз берилганини кузатишган. Бутун ҳам ўшандай бунёдкорлик руҳи ҳукмрон. Бу руҳ неча йиллардан кейин қайтди. Мустақиллик, албатта, халқимизнинг иззатини жойига қўяди. Эҳтимол, ўтмиш асоратлари остида эзилган, пажмурда бўлган гурур давр, ўзгаришлар шиддати олдида эсанкираб қолган чиқар, аммо ўзини ўнглаб, бўй-бастини чинакам ростласа, унинг қиёфасида ўтмишнинг буюк шукуҳи яшаётганига дунё тан беради, шубҳасиз.

Мустақиллик — бой берилган қадриятларни излаб топиш, уларга эгалик қилиш даврини бошлаб берди. Бутун барча жабҳада уйғониш, изланиш кетмоқда. Бу ҳол, албатта, **ўзликни англаш, ўзликни топиш ва ўзликни дунёга намойиш қилишга** олиб боради. Биз ана шу катта йўл бошида турибмиз. Манзилга етиш-

нинг кафолати эса ишончли қўлларда. Бугун Президентимиз томонидан ўртага ташланган «**Ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз**», деган шиор халқимиз иродаси бўлиб янграмоқда.

Ёруғ хотимадан Дарвишаланинг дили ёришиб кетди.

Бир кечада мўъжиза рўй берди. Қалин қор тушди. Кўча четидаги қовун-тарвузлар қор остида қолди — сотувчилар бундай бўлишини кутмаган эди.

Дарвишали тарвуз уюмларини оралаб борар экан, сим каравотғижирлаб, қалин кўрпа остидан бир бош кўтарилди. Тарвузфуруш молини қўриқлаб, қор тагида ухлаб қолган эди. У туриб, апил-тапил атрофни тартибга солишга киришди.

— Ризқини бировга бериб қўймайди бу халқ. Табиат стихиясидан ҳам ҳаққини ундиради.

Дарвишали ўз мулоҳазасидан ажабланди.

2003 йил, март — 2004 йил, октябрь

«БЎЙИНГДАН...»

Эл не деб топгай мениким,
Мен ўзимни топмасам.
Алишер НАВОИЙ

*Кимки умумий таҳлика дақиқаларига
ватан халоскорлигидан бошқа бирон-бир
хаёлга борса, у озод давлатда яшашга ҳақли
эмас.*

Фридрих КЛИНГЕР

*Ватан! Сени қучай десам, қулочим ет-
майди.*

*Ватан! Сени меҳрли нигоҳларим билан
қучаман.*

«Кундалик»дан

Ҳақиқатни, менимча, икки хил ёндашув орқали тан оладилар: 1) уни инкор этиб; 2) уни эътироф этиб.

Ҳақиқатни инкор этиб тан олишда бирор фикр (яъни ҳақиқат)га қарши борилади, қарши фикр айтилади. Ана шу изҳор қилинган фикрни (ўз шахсий ёндашувини) исботлаш жараёнида аслида ҳақиқат (тўғри) бўлган фикр жамол очаверади, юзага қалқиб

чиқаверади. Шундай қилиб, ҳақиқат ўзини ўзи инкор қилиш орқали тан олинади.

Иккинчи йўл — ҳақиқатни эътироф этиб тан олишнинг диалектикаси оддий — изҳор қилинган фикр (ҳақиқат)ни ташкил этувчи мотивларни кучайтирадиган, қўллаб-қувватлайдиган янги далиллар топилади ва фикр бутун илдизи билан намоён бўлиб, тўла тан олинади.

Гап ҳақиқатни тан олиш ҳақида кетар экан, иккита ёки учта ёндашувнинг нима кераги бор, деб эътироз билдирилиши мумкин. Шунда қадим файласуфнинг гапи ёдга тушади: «Ҳақиқатни топиш эмас, уни излаш мароқли». Ҳар қолда осон-қийин бўлиши мумкин, бироқ бир манзилга турли йўллар билан бориш борлиқ, демак, маълум ҳаёт ҳақида тўлароқ тасаввур беради. Инчунин, ҳақиқатни тан олишнинг биринчи йўли анча мураккаб бўлиб, узоқ давом этиши, кутилмаган вазиятлар содир бўлиши мумкин.

Иккинчиси эса анча силлиқ, кўпроқ таомилда бўладиган йўлдир. Мен ҳам «Менталитет» рукнидаги мақолаларда («Хуррият», 2003 йил, январ-май) биринчи йўлдан боришга ҳаракат қилдим. Баъзан жамоатчиликда шакланган умумий қарашларга муқобил мулоҳазалар билдирдим. Шу аснода биз миллий қадрият ёки анъана деб улуғлаб келаётган турмуш тарзимиздаги баъзи урф-одатлар бир оз тафтишга муҳтож экани ҳам кўриниб қолди. Лекин хулоса битта: ўзбеклар дунёдаги энг бой тарихга эга бўлган халқлар сирасига киради ва айни пайтда бу бойликнинг муносиб ворислари камол топмоқда.

Шу ўринда халқимиз шаънига айтиб келинган кўплаб мақтовларни келтириб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси чин юракдан тан олиниб изҳор қилинган. Гап ҳозир бу ҳақда бўлмагани учун лоақал Илья Эренбург деган русийзабон ёзувчининг «Ўзбеклар» очеркини қайд этиб ўтайлик. Илья Эренбург табиатан бир сўзли, эътиқоди бутун қаламкаш сифатида эътироф этилади. У Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшаган. Халқимизнинг саховатидан баҳраманд бўлган, бағри кенглигини кўрган. Оқибатда, ўша даврнинг «шон-шарафи, ор-номуси, виждони» ҳисобланган КПССни ҳам тан олмаган (унга аъзо бўлмаган)

ёзувчи ўзбекларга қуллуқ қилади, фронтда «қаншари паст» фашистни (улар ўзларини олий ирқмиз деб роса дунёга жар солишганди) олдига солиб ҳайдаб кетаётган ўзбек йигитига энг ардоқли сўзлари билан таъриф беради.

Олдин қайд этганимиздек, бу ҳудудда макон топган халқлар (яъни, шартли равишда — «ўзбек»лар) туркий қавмнинг аристократ (зодагон) қатлампидан шаклангани ростлиги феъл-атворида, турмуш тарзида жуда сезилади: ҳамма масалада амалий ёндашувдан кўра ҳиссийлик, ҳавойилик кучли; имкониятини ошириброқ баҳолайди; ҳаёт ташвишлари ҳақида эмас, кўпроқ тантаналар, байрамлар ҳақида бош қотиради; атрофдагилардан ўз ҳиммати, ташаббусидан кўра кўпроқ эътибор, иззат талаб қилади; ҳаётда тайёргарлиги (сарфлаган меҳнатидан) умиди устун ва ҳоказо. Албатта, бу шахсий кузатишлардан чиқарган хулосаларимиз, уларга эътироз бўлиши мумкин, бироқ сўзсиз тан олинадиган, неча юз йиллардан бери шу халқнинг бўй-бастини дунёга намоёиш қилиб турган ҳақиқатлар борки, уларни ҳеч ким рад этолмайди. Улар фақат ўзбек халқининг ҳаёт тарзида кашф қилинган ва фақат шу халққа тегишли, холос.

Хонадонларимизда ҳамма сажда қиладиган, оналар бағрини босиб, меҳрини тўкиб соладиган бир олий тахт бор. Унинг номи — БЕШИК. Оддийгина қурилма. Бироқ унинг синоатларидан баҳраманд бўлганлар, эсини таниб, ҳикматларини тушуниб етганлар бу мўъжаз ошиёни қанчалик буюк ақл яратганини чамалай олади. Тўғри, бешик бошқа халқларда ҳам бордир, энди урф бўлаётгандир, лекин айнан болажон ўзбек оиласига у жуда ярашади.

Ҳар бир халқнинг ўз таомлари бўлади, ҳатто ўз нонлари бор: буханка, каравай, ҳубс... Аммо сиз ТАНДИР НОНнинг ҳикматлари ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрганмисиз? Ҳамирни тайёрлаш, тандир... Шуларнинг ўзи улкан ижод. Тандирдан узилган нон, ундан тараладиган бўй. Бу мўъжизаларни нимага тенглаштириш мумкин? Табиий, қирқдан зиёд тури бўлган, тайёрланиши бир-бирига ўхшамайдиган новвойлик ҳам теран томирга эга, боқий маданият маҳсули.

Гап таомлар ҳақида кетар экан, ҳозирча тандир

кабобни қўйиб турайлик-да, ПАЛОВНИ эсламаслик мумкинми? Бизда уни овқатларнинг «хон»и, «тўра»си деб аташади: «ПАЛОВХОНТЎРА!» Ҳозир паловнинг минглаб таърифларидан чекланайлик-да, бир жиҳати-га диққатни тортайлик. Кўп таомлар бир жараён (ё қайнатиб, ё қовуриб, ё димлаб) тайёрланади. Наридан борса икки жараён бажарилади (қовуриб димланади ёки қайнатиб димланади). Паловда эса учала жараён ҳам мавжуд. Жаҳон кулинариясида бундай мураккаб таомлар санокли экан, борлари ҳам паловдек тайёрлаш ўнғай, кўримли, дастурхонбоп эмас экан.

Энди қоринни тўйғизиб олгач, либосларга ўтайлик. Уларнинг санови кўп, бироқ АТЛАСнинг тенги борми-кан? Атлас, шубҳасиз, матоларнинг маликаси. Ундан қимматбаҳо, мукамал мато бўлиши мумкин, лекин аёл зотига атласдан ортиқ ярашадиганини топиш қийин. У ҳам худди халқимиз табиатидек: кўриниши одми, лекин сеҳри, жозибаси... Беқасам ҳам худди шундай.

Жўн бир мулоҳаза: инсон гавдаси бошни кўтариб юради — энг юқорида бош. Ўз навбатида бош инсонни бошқаради. Бошнинг ҳам либоси бор ва у ҳар бир халқда ҳар хил. Гап ўзбеклар бош кийими ҳақида кетганда, шубҳасиз ДЎППИ эсланади. Бизда дўппиларнинг тури кўп: андижонча, бухороча, бойсуни, чуст-дўппилари, тошкентча, шахрисабзча... Ҳар бири алоҳида дoston — игна билан матога битилган қўшиқ. Азиз бошга муносиб азиз либос. Шаклида, нақшида, тузилишида халқимиз қалби, феъл-атвори акс этган...

Шубҳасиз, ҳар бир халқнинг ўз ғурури бор, ҳар бир халқ ўзича буюк, такрорланмас, дахлсиз. Ўзбек халқининг ҳам ана шу силсилада ўз ўрнини тайин этган унсурларда ёрқин тарих мужассам. Улар йиллар оша сайқалланиб, шу кўринишга эга бўлган. Демак, уларнинг ижодқори — халқ. «Халқ» аталмиш боқий карвонда қанча авлодлар алмашди, бешикка кимлар ётмади, дўппини кимлар киймади, дейсиз. Шу жойда ягона мағизни иккига ажратиб, муҳокама юритайлик: авлодлар ва ашёлар. Муддаони яна ҳам очиқ ифодаласак, тарози паллаларига авлодларимиз (ўткинчи) ва миллий белгиларимиз (боқий)ни қўяйлик. Бу мантиқий баҳсда тарози шайини ўйнаб турганини, гоҳ у палла, гоҳ бу палла босиб кетаверганини кўриш мум-

кин. Яъни бизнинг тараққиётимизда изчиллик бўлмаган, гоҳ миллий қадриятлар шарафланган, гоҳ таъқиб қилинган. Бир неча марта «бошидан бошлаш»га (худди ҳозиргидек) тўғри келган. Бу ҳол кўп нарсани остин-устун қилиб, томирларда тутунлар пайдо бўлишига олиб келган. Вазиятни аниқроқ тасаввур қилиш учун ўзимизни японларга қиёслаб кўрайлик.

Маълумки, XXI аср бошига келиб японлар дунё цивилизациясининг байроқдорига айланди. Табиий захиралари чекланган, аҳолисининг салмоғи ҳам у даражада юқори бўлмаган бу мамлакатда амалга оширилаётган мўъжизаларни тасаввур ҳам қилиш қийин. (Афсуски, Японияда бўлмаганман, зеро, ҳикоям янада қизиқарли чиқарди.) Бу мўъжизаларнинг сирини тушуниш учун ҳам японлар даражасида фикрлаш лозим. Барибир, дунё афкор оммаси бу тилсимлар билан қизиқарди ва уни очишга интилади. Менимча, япон мўъжизасининг энг катта сирини, бу — анъаналарнинг боқийлигида ва инсонпарварлигидадир. Ер юзидаги бирон халқ японлардек миллий анъаналарига содиқ ва фидойи бўлмаса керак. Япон борки, унинг либоси — КИМОНО бор, у чинакам миллий ифтихор сифатида шарафланади. Уларнинг кимоно билан боғлиқ бир дунё урф-одатлари мавжуд дейишади. Халқ ҳаётида қарор топган анъана — самурайлик неча юз йил олдин қандай бўлса, шу кўринишда яшаб қолган. Бизнинг ҳам тупроғимизда футувват, жувонмардлик, ахийлик, сарбадорлик сингари анъаналар бўлган, биз ҳозир уларнинг номини ҳам билмаймиз. Ёки аҳолининг энг қудратли қатламини бирлаштирувчи сёгунъ (ҳарбий табақа) билан боғлиқ анъаналар, урф-одатлар, талаблар ҳамон японлар ҳаётини безаб турибди. Бизда ҳам йигитларни ҳар томонлама камолга етказадиган сарбозлик ва яна бошқа ҳаракатлар бўлган. Қани улар? Японларда анъаналарнинг сақланиб қолгани кафолати — уларда тараққиётнинг бошланғич асосдан изчил давом этиб келганидир. Ҳозир ҳам амалда бўлган император авлодлари 2600 йилдан бери Японияни узлуксиз ва изчил бошқариб келаяпти. Бизнинг замонимиз эса қанча суронларни, босқинларни бошидан кечирди? Олдинги ҳикояларимизда таъкидлаганимиздек, форс, юнон (Александр Македонский), араб, рус истилоси бу туп-

роқни неча бор элақдан ўтказди, энг даҳшатлиси — бир босқинчилик ўзидан олдинги тараққиётни йўқотиб, ўрнига ўз ҳукмронлигини ўрнатиб келган. Бунақада бошланғич анъаналарнинг умрбоқийлиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Ана шу туфайли тарози палласидаги «авлодлар» томони «ашёлар» томонидан энгил келаверган, дунё қирғинларини энгиб, собит тураверган жонсиз ашёлардан уларга эгалик қилиши лозим бўлган жонли одамлар заиф бўлиб қолаверган.

Япон анъаналарининг инсонпарварлиги шунда кўринадикки, улар, аввало, табиатни бўйсундириб эмас, табиатга бўйсуниб, унга тақлид қилиб яшайдилар. Табиат билан ҳамоҳанглик, уйғунлик японлар турмуш тарзининг асосидир. Бу жиҳатдан улар ўзларига энг яқин бўлган хитойликлардан фарқ қиладилар. Хитойликларда табиат устидан ҳукмронлик тамойили устун. Дейлик, хитой ошпази денгиз қисқичбақасини ўз дидига мослаб бутунлай бошқа кўринишда пиширади. Япон эса уни худди аслидек, тириклигидаги кўринишига зарар еткармай тайёрланган таомни хуш кўради. Хитой рассоми сакура япроғини ўзи истаган ранга бўяши мумкин, япон рассоми эса уни фақат ўз табиий рангида акс эттиради. Табиатга бундай чексиз ҳурмат уларнинг миллий дунёқарашини натижаси. Японлар дин — гўзалликка сажда қилишдир, деб биладилар. Японлар ҳаётида будда, ислом, конфуций, сиато динлари унсурлари мавжуд. Бироқ улар ўта диндор эмас. Улар диний талабларни ўз анъаналарига хизмат қилдирадилар. Хуллас, японлар ҳаётга санъаткор эстет сифатида қарайдилар, турмуш тарзи ана шу тамойилга асосланган.

Албатта, халқимиз ҳаётини яхши билган ҳар бир одамга ўзимизни японлар билан қиёслаб кўриш имкони бор, шу туфайли бу ўринда менинг узоқ мулоҳазам шарт эмас.

Энди қиёсий таҳлидан чиқадиган хулосаларга келсак, ҳатто «диний талабларни ўз анъаналарига хизмат қилдирадиган» японлар билан ўтирса ҳам, турса ҳам «Ё, Аллоҳ» деб дам урадиган ўзбек ўртасидаги тафовутни назардан қочирмасликни сўрардим. Дарҳақиқат, биз ўта мутаассиб халқмиз. Бу мутаассиблик ислом дини пайдо бўлган араб олами вакилларида ҳам

ўтиб тушади. Талабалиқда 3-4 йил Яман, Сурия, Ливан сингари юртлардан таҳсилга келган хорижликлар билан бир ётоқхонада яшашга тўғри келди. Уларни Қуръони карим нозил қилинган тилда гаплашганлиги учун чексиз ҳурмат қилиб, исломий ақидаларга нечоғлик амал қилишини кузатганман. Тўғри, улар ўша замон мафкураси тазйиқи остида намоз, рўза сингари диний арконларни адо этиш имконидан маҳрум бўлгандир, бироқ шу нарсаларга заррача иштиёқ, интилиш кайфияти сезилмаган. Маишат, юриш-туришда ҳам бирор диний унсур кўзга ташланмаган. Менимча, арабларда ҳам диний талабларга амал қилиш ихтиёрий, бошдан-охир диндорликни эса маълум табақанинг юмуши деб қарашади. Бизда-чи? Аҳвол изоҳсиз ҳам маълум. Яна ўша анъаналарнинг нечоғлик чўнглиги ва мўртлиги муносабатни ҳал қилади. Зардуштийлик, ислом, христианлик талабларини кечириб, анча сийқа бўлиб қолган ўзбекона анъаналарга даҳрийликни ҳам, диндорликни ҳам сингдириш унча қийин эмас. Тушгача даҳрий бўлган одамлар тушдан кейин диндорлик либосини кийиб тураверадилар — бу объектив ҳодиса. Бундай заиф эътиқод қарор топган жойда ҳар хил зарарли, экстремистик кайфиятнинг кучайиб кетиши ҳам осон. Бўлмаса, «Ҳизбут таҳрир» деган ташкилот Ўзбекистон мустақиллигидан олдин ҳам бўлган, агар у шунчалик динпарвар бўлса, нега юртимизда коммунистик мафкура исканжаси остида масжидлар вайрон қилинаётган, диндорлар қувғинга учраган пайтларда ёрдамга келмади? Чунки унинг сафсаталарига ишонадагин одам йўқ — ҳамма даҳрий эди. Диний эркинлик пайдо бўлгач, ташна одамлар сувни хас хашаги-ю, лойқасига қарамай, симира бошладилар. Муҳокама қилиб ўтиришга фурсат кам эди, яна биринчи бўлишга — Маҳмуд Қутайба Иккинчи сифатида тарихда қолишга ҳавойи иштиёқ, учинчи томондан қора қозонни қайнатишга яраб турган чойчақа кўплаб юртдошларимизнинг бошини айлантириб ташлади ва шу афъюн таъсирида «халифалик тузуми»дек ақлдан ташқари юмушга бел боғладилар. Инсоф билан айтганда, ислом оламини бирлаштириб, араб миллатини дунёда устивор қилиш фикридан ҳар қандай ақлли араб жирканиб кулади. Мабодо, бизнинг адашган ватандошлар-

римиз бутун дунёни эмас, ёнма-ён икки туман ҳудудини қўшиш қанчалар бошқоғриқ туғдириши мумкинлигини тушуниб ета олганларида бунчалик чалғимас, Мустақилликдек олий неъматнинг обрўсига соя солишга уринмас эдилар.

Мана, сизга чўнг анъаналар билан яшаётган ва дунёни лол қолдираётган япон ва ўз қадриятларини тиклаш йўлида говларни енгиб ўтаётган ўзбеклар ҳаётидан бир лавҳа.

Азалий анъаналарга садоқат миллат ҳаётида кучли омил экан, бу ҳол билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Шу ўринда бизнинг табиатимиздан муқим ўрин олган бир хусусиятни яна бир бор қайд этишга тўғри келади. Биз — маърифатсевар халқмиз, биз қоғозда дарж этилган сўзга ишониб, ёзув тушган қоғозни кўзга суртиб тавоф қилиб яшаган одамларнинг фарзандимиз.

Маърифатли сўз ҳар қандай таҳдиддан, кучдан самарали таъсир қилади. Дунёдаги унча-бунча халқ менталитетида учрамайдиган бундай фазилатимиз етарлича қадрланмоғи шарт. Ҳозир одамлар ўқимай қолганлиги, ўқийдиган нарсалар камайиб бораётганлиги ҳақида ташвишлар изҳор қилинмоқдаки, бу ҳолга бепарқ қараб бўлмайди. Табиатан ҳалим, муроса-ю мадорага мойил одамларимиз норозилигини очик намоён этмайди ва бу ҳолни ҳамманинг хурсандлиги сифатида қабул қилиб ҳам бўлмайди. Билъакс, кўндаланг турган муаммолар вақтида ҳал қилиб борилмоғи лозим. Жумладан, китоб савдоси, вақтли нашрларни узоқ жойларга ҳам етиб боришини йўлга қўйиш катта-катта ислохотлардан ҳам яхшироқ самара бериши мумкин. Маърифат ҳар доим тараққиётнинг қаноти бўлиб келган, қолаверса, ҳозир халқлар маърифатининг даражаси билангина ўзига баҳо бера олади.

Ҳа, фикр яна бошланғич нуқтасига қайтди. Зеро, биз дунёни фақат маърифат орқали англаймиз. Ниманидир англашга ҳаракатимиз эса биринчи навбатда ўзимизни англашга интилишдир. Сўзсиз, бир халқ табиатига баҳо бериш жуда маҳобатли ва масъулиятли вазифа. Аммо ана шу теран, синоатли оламнинг деразасидан бир қур мўралаш ҳам ҳар бир бандани ожизга улкан маънавий қудрат ато этиши мумкин экан. Бинобарин, бу саъй-ҳаракатлар ҳам ўзни англаш йўли-

даги истак эди. Жаҳду жадал эса истакнинг тўла қано-
атланишига олиб келди. Аслида одам (шахс) ўзини тўла
тушуна олмайди, у бир халқ табиатини қандай ту-
шинтириб бера олсин?!

Қониқиш ҳисси янги юмушларга чорлайди.

2003 йил.

МАТРИАРХАТ

Жинойятнинг изиган жазо келгусидир.

Ҳадисдан

I

Буюк Яратувчи оламни бунёд этгач, унга эга қилиб,
бир зоти шарифни дунёга келтирди. Фаразларга кўра,
у тупроқдан яралган ва унинг исми Одам Ато бўлиб,
ер юзида пайдо бўлган инсон қавмининг биринчи ва-
кили, намунасидир. Беҳудуд маконда Одам Ато учун
ёлғиз яшаш қийин эди, у зерика бошлади ва яна Буюк
Яратувчи марҳамат кўрсатиб, инсон қавмининг ик-
кинчи вакилини ижод этди. Бу Момо Ҳавво эди.

Одам Ато ва Момо Ҳавво бепоён мовий яйловда
бақамти ўтиришар, иккаласининг ҳам кўнглидан бир-
бирига талпиниш ҳаракати кечаётган эди. Аммо Одам
Ато гурурини сақлар. Момо Ҳавво эса андиша қилар-
ди. Шу тахлит улар узоқ, балки минг йиллар туриб
қолишди. Ниҳоят, Одам Атонинг сабри тугади, зерик-
кан бардоши чидамади, мувозанатни биринчи бўлиб
бузди ва Момо Ҳаввонинг ҳузурига борди. Ўшандан
бери бу ақида давом этиб келар экан.

Кўплаб эътиборли манбаларда қайд этилган бу гап-
лар ростдан ҳам чинга ўхшайди. Ҳали ақли бутунлай
мукаммаллашмаган ярим ёввойи одам тош қуроқлар
билан овлаган ўлжасини аёлнинг оёқлари остига кел-
тириб ташлайди. Ваҳшиёна қирғин-баротлардан омон
қолган жангчи ўзига яқин хотиннинг қўналғасига шо-
шади. Дарёларни забт этган фотиҳлар ғалаба гулто-
жини суюкли маликалари бошига нисор этадилар, сўз
соҳиблари энг ардоқли каломларини севимли дилбар-
ларига бағишлайдилар — хуллас, эркакнинг барча

эътирофу эътибори ўзининг муниса жуфтига аталган бўлади.

Цивилизация бу муносабатни — эркак-аёл жуфт-лигининг бақамти ҳаракатини тараққиётнинг янги-янги безаклари билан жилолантирди. Ибтидоий тузум шароитида ҳам, ҳали кўп никоҳлилиқ (полигамия) сақланиб турган даврда ҳам аёллар ярим ваҳший турмуш тарзини тартибга солиб юрдилар. Ўлжаларни тақсимладилар, ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиб, чорвачилиқни; бошоқли экинларни кўпайтириб, деҳқончиликни асосладилар. Ва кучли, забардаст овчиларни тарбиялашда бош-қош бўлдилар. Хуллас, тараққиётнинг илк босқичида аёллар ҳукмронликни тўла қўлга олдилар, жамиятни бошқардилар. Шунинг учун ҳам ўша давр матриархат — она ҳукмронлиги даври деб аталади. Шундай қилиб, аёллар салтанати одамзотнинг пода даврига нуқта қўйиб, жамиятни бошқаришнинг илк унсурларини жорий этди ва инсониятнинг кейинги тараққиётига доя бўлди.

Бу ўринда узоқ тарихни беҳуда эслаётганимиз йўқ. «Қанча баладдан қарасанг, шунча яхши кўрасан», деган гап бор. Зеро, бугун мустақил юртимизда ҳам «табиат мўъжизаси» — муҳтарама аёлларга алоҳида эътибор берилаяпти, уларнинг баркамоллигини таъминлаш учун кўп тадбирлар амалга оширилаяпти. Бундай саъй-ҳаракатлар, албатта, қувончли. Мақсад — ўзбек аёлининг камоли экан, демак, энг яхши анъаналар, муносабатлар юртимизда қарор топмоғи шарт. Бунинг учун эса аввало хатоларни такрорламаслик лозим. Гап кеча ёки бугун ҳақида эмас, эртанги кун тўғрисида кетаяпти.

Шундай қилиб, кўп ўтмай аёллар ўзларининг но-зик, латофатли қўллари билан жиловни эркакнинг забардаст, ишончли бармоқларига ўраб қўйди: тарих экинзорида аравани эркаклар йўлга сола бошладилар. Йиллар, асрлар ўтар экан, ҳукмдорлар, тузумлар ўзгарар экан, Аёлга муносабат ҳам минг бир куйда товланиб турди. Нима бўлмасин, хоҳ уни чимматга ўраб ичкарига тикдиларми, хоҳ давлат ва саройдан бутунлай четлаштирдиларми, хоҳ бу енгилмас куч билан мурасага бориб, уни яна катта ҳаётга қайтардиларми — ҳар қандай шароитда ер остида илон қимирласа

биладиган ёки макри қирқ туяга юк бўладиган Аёлнинг нинадек ўткир, қиличдек кескир ақлига, тадбирига эҳтиёж сезилаверди. Бу жинс шунчалар сирли, мавҳум эдики, шунчалар беқарор бўлиб, на бир қолипга, на бир ўлчовга сизмас эдики, ҳатто бутун дунёдан вакиллар қатнашиб, «Аёл ҳам одамми?» деган катта саволни бир неча ҳафта муҳокама қилдилар.

Ўша қадимги аждодларимизнинг безовталиклари ҳам беҳуда эмаслигини тушунишимиз керак. Негаки, табиат аёлга оналик шарафини — зурриёт қолдириш вазифасини ато этган. Аёл бола тувади ва унинг вужудида улғайган гўдак одамзотнинг изчил давомчиси бўлиб қолади. Ёмон ердан яхши ҳосил унмаганидек, ёмон аёлдан яхши фарзанд туғилмайди. Ва ёмон туғилган болани камдан-кам ҳолда яхшилаб бўлади. Мана шу жўн ҳақиқатлар ҳозиргача инсон ақли кашф этган техникалару сунъий ашёларни ҳам рад этиб, чўнг қоядек туртиб чиқиб турибди: жамиятнинг тараққиёти унинг аъзолари қўлида, арпа экиб, буғдой ўраман, деб ўйлама!

Ана ўша безовталик жамиятлар меъморларини турли йўллар тутишга мажбур қилган бўлса, ажаб эмас. Бундай чораларнинг барчаси уни чеклаш, бўйсундиришга қаратилган эди. Аёлни гоҳ фақат либосларга эмас, баланд деворлар билан ўраб, жамиятдан ажратдилар, гоҳ энг шафқатсиз йўллар билан жазоладилар — барибир ҳар қандай шароитда у Аёл бўлиб қолаверди ва жамиятдан ўзига муносиб эътиборни, ўринни талаб қилаверди. Зеро, кўҳна тарих ҳам шундай жасоратлар, ҳаракатлар мавжудлигини ва уни фақат Аёл эплай олиши мумкинлигини тасдиқлаб туради.

Миср маликаси Клеопатра дунёни зир қақшатган уч фотиҳ: Юлий Цезарь, Марк Антоний ва Октавиани иродаси қаршисида тиз чўкишга, ўзининг майларига бўйсунушга мажбур қила олди. Жасоратли рицарь Жанна дъ Арк Англия ва Франция ўртасида давом этган юз йиллик урушга нуқта қўйди. Номи афсоналарга қўшилиб кетган Анжелика оғзидан олов сачраган қанчалаб лашкарбошиларни оддий мухлисига айлантириб қўйишидан ташқари элчи сифатида мўъжизакор Шарқни ҳам ўзига мафтун этди. Императрица Екатрина II ҳукмронлиги даврида рус армияси бирон

марта ҳам мағлуб бўлмай, мислсиз ғалабаларни қўлга киритди... Булар туманли тарих осмонидаги айрим юлдузлар холос. Фан ва санъатда, маиший ҳаётда аёллар содир этган мўъжизаларни санашга қанча вақт керак? Уларнинг моҳияти оддий бир ҳақиқатни тасдиқлаб турибди: Аёл ҳамма ишга қодир ва Аёл ўзи билан ҳисоблашишни талаб этади.

Ёки халқимиз тарихида ҳам шундай воқеалар содир бўлганки, уларни хаёдан ўтказиб, бундай ишларни амалга оширишга фақат яна бир марта Аёл зотигина қодир, деган хулосага келасан киши. Тўмарис момомиз ўғлининг хуни учун босқинчилар сардорини яккама-якка курашда енгиб, кесилган бошини қон тўла мешга тикади. Бундай муносиб қасосни аёл кишигина ўйлаб топиши ва амалга ошириши мумкин. Ёки ўз эри энгилмас Спантамаънони ёғийга тутиб берган Заронинг ҳаракати аёл феълнинг нақадар мураккаблиги устида ўйлаб кўришга ундайди. Ракшана азиз отасининг ҳаётини сақлаб қолиш учун қонхўр лашкарбошига хотин бўлишга рози бўлди.

Ҳа, Аёл ҳар қандай шароитда ҳам аёл бўлиб қолади, унинг бисотида табиат ҳада этган имкониятлар бисёр. Ва ҳар қандай жамиятнинг табиати ҳам ана шу имкониятларни қайси тарафга йўналтира олгани билан ўлчаниши ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам умуминсоний маданиятнинг қай даражалиги аёлга бўлган муносабат билан тан олиниши норасмий эътироф этилган.

XIX асрга келиб, инсоният кўп масалаларда бир тўхтамга эришди. Жумладан, бир гуруҳ маърифатчилар чиқиб, аёлларга нисбатан амалда бўлган барча таъқиқларни бекор қилиш, уларга эркаклар билан баравар ҳуқуқларни кафолатлаш талаби билан чиқдилар. Хотин-қизлар эмансипацияси деб номланган бу ҳаракат дунёда тез тарқалди ва бизнинг юртимизда ҳам ўтган асрнинг 20—30-йилларидан аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлдилар.

II

Шўро даврида юртимизда бу тадбир қандай ўтказилгани ва унинг самаралари ҳақида маълум гапларни такрорлаб ўтирмайлик-да, масалага жараён бизнинг

миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизга нечоғлик ҳамоҳанг, ҳисобга олиниб ташкил этилганини эслаб ўтайлик. Ҳеч ким аёллар эмансипациясига қарши эмас, бу воқеа тараққиёт ҳосиласи, аммо хотин-қизлар озодлиги «Ҳужум» деб аталган сиёсий кампания номи билан зўравонлик, халқимизга тўғри келмайдиган андазаларда ўтказилгани ҳам сир эмас. Гап ҳозир кечаги кун воқелигини тафтиш қилиш устида эмас, унинг асоратлари, мустақил юртимизга қолдирган мерослари ҳақида кетмоқда. Зеро, аёлларимизнинг жамиятимиздаги иштироки ҳақида мулоҳаза юритмоқчи бўлсак, бу омилни эсдан чиқариб, ҳисобга олмай ўтолмаймиз.

Шундай қилиб, қарамлик йилларида аёллар ҳуқуқини тиклаш ишлари «юқори»дан тайёрлаб берилган схемалар асосида ўтказилди. Изчил сиёсат туфайли юзага келган ва империя қулаши арафасида тўла бўй кўрсатган манзараларни кўз олдимизга келтирайлик. Аввало, хотин-қизлар учун, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам, миллий либосда ўқишга, ишга бориш таъқиқланган эди ва сўнги кунларгача ҳам махсус «комиссия»лар шу масала билан шуғулланарди. Натижалар асосан сон билан ўлчанарди, депутатлар, партия аъзолари, раҳбарлар, ҳатто механизаторларнинг нечтаси хотин-қизлардан бўлиши лозимлиги белгилаб қўйиларди ва топшириқ қанчалик аниқ бажарилганига қараб ишга баҳо бериларди. Оқибатда, жамиятда миқдор ўзгаришларига эришилди, бироқ бу ўзгариш сифатга таъсир қилгани йўқ, яъни аёлга муносабат неча юз йил олдин қандай бўлса, шундайлигича қолаверди. Бу ҳол нималарда воқе бўлганди? Шу ўринда аёллардан чиққан раҳбарларнинг феъл-атворини, иш услубини эсга олайлик. Миллийликдан йироқ, фақат ижрони таъминлашга қаратилган, қаттиққўллик, ҳатто шафқатсизликка асосланган етакчилик талаби қалби нозик, ҳаракатлари мулойим, латофатли аёлларни этик кийиб юрадиган, хизмат юзасидан кечалари билан ухламайдиган, шанғиллаб, ҳатто сўкиниб гаплашадиган эркакшода нусхаларга айлантирган эди. Уларнинг аксарияти на она, на уй бекаси, на турмуш ўртоғи эди, кўплари турмуш ҳам қурмай ёлғиз ўтиб кетишди. Ана шу фожиали тақдир эгаларини социализмча эмансипациянинг энг юқори маҳсуллари, деб аташ мумкин.

Энди бугунги эркин ҳаётимизга ҳам соя солиб турган ўша кунлардан қолган икки хил асорат ҳақида тўхталиш вақти етди. Бу хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тадбирининг шунчаки қоғозда қолиб кетганини тасдиқловчи меҳнат тақсимоти ва аёлларга муносабат масаласидир.

Ўша давр шоирларидан бири юзага келган номақбул тартиблардан нолиб, «Биз аёллар ҳуқуқини эркаклар билан тенглаштириш даражасигача пасайтирдик» деб зорланган эди. Негаки, жамиятда аёллар эркаклар билан тенг экан (ҳуқуқдагина эмас), демак, эркаклар бажарадиган ишларни ҳам тенг бажаришга мажбур, деганга ўхшаш ёзилмаган қоида амал қиларди. Аёллар трактор бошқарди, кўмир қазиди, балиқ овлади, чорвани боқди, ҳатто космосга парвоз қилди. Бошида бу ҳаракатлар рағбатлантириб турилди, биринчи кашшофлар қаҳрамон сифатида талқин қилинди. Бориб-бориб эса эркаклар ўзларига хос топқирликлари ва муғамбирликлари билан қийин жойларни тарк эта бошладилар, ниҳоят, энг оғир иш ўринлари аёлларга қолиб кетди. Улар бу жойларни ташлаб кетолмасдилар, бунга улардаги энг оддий инсоний туйғу — аёллик туйғуси йўл қўймас эди: «Болам оч қолади-ку!».

Асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги бўлган юртимиздаги ўша йиллар манзарасини кўз олдимизга келтирайлик. Даланинг темирни ҳам букиб ташлайдиган минглаб юмушлари аёллар елкасига тушиб қолган эди-ку. Эркаклар нари борса бригадир, табелчи, жуда бўлмай қолса, чой қайнатувчиликни зиммага олганди, миллион эгатларда эса кесакка тўқишиб аёллар меҳнат қиларди.

Йиллар давомида шакланган ана шундай мувозанат бир ҳолатни тасдиқлаб қўйган эди: рўзгор ташвишлари учун аёллар эркаклар (эрлари)дан кўра фаол, жонқуйди, куйди-пишди. Ва шу нуқтада эркакларимиз ўзлари сезмаган ҳолда етакчилик вазифасини аёлларга топшириб қўйган эдилар. Худди шу моҳият бозор иқтисодиётига қадам қўйилган дастлабки йилларда юзага қалқиб чиқди: тирикчилик учун аёллар эркаклардан кўра кўпроқ куйиб-пишди. Бу ҳолни биз, эркаклар, мўйловдор бригадир ўз аъзоларини мириқиб тер тўкаётганини кузатгандек лоқайд кузатиб турдик.

Албатта, рўзғори бут, оиласи фаровон бўлса, аёл бозорга чиқмайди ёки чет элга қатнамайди. Тўғри, тирикчилик айб эмас, танасида жони бор ҳақ, бир банд яшаш учун курашади. Бироқ нозиккина, шафқатта муҳтож, хокисор аёлнинг уйқусини бузиб совуқларда қотиб, кимларгадир мўлтираб топган пули қанчалик қимматга тушаётганини ким мулоҳаза қилиб кўради? У номаълум юртларга йўл олди, қандай саноатлар уни кутаяпти, наҳотки, хорижда нон кесакнинг устида бўлса — бу саволлар кимни қийнаши керак? Ва, ниҳоят, энг асосийси — ундан дунёга келажак зурриёт тақдирини ким ўйлайди?

Агар дунёда учинчи жинснинг йўқлиги рост бўлса, демак, бу ҳақда эркаклар ўйлаши керак! Йиллар ўта-япти, бироқ...

Масала гўё ечимсиздек туюлади. Аслида-чи? Имкониятларимизни чамалаб кўрайлик. Тупроғи олтинга тенг заминимиз бор, сув етарли, қуёш ҳарорати бисёр. Шундай шароитда ҳар бир қарич ердан рекорд ҳосил олиб, бозорларни тўлдириб ташлаб, чет элларга экспорт қилиб тижоратдан топган даромадни олиб бўлмай-дими? Тўғри, бу гаплар хаёл суришга мойил бир қаламкашнинг мулоҳазалари, бироқ Хитойдек сон-саноксиз халқ ўзини боқиб, дунёга ҳам озиқ-овқат чиқазаяпти-ку! Яна қанча имкониятлар бор, ҳаммасига феълимиздаги асоратлар йўл бермаяпти.

Биз шўро даврида бировлар учун ишлаб келдик, топганларимизнинг ёғини олиб, айронини қолдириб кетишди. Қарам одамнинг феълидан бугун ўтсин, эртага бир гап бўлар, дегандек лоқайдлик, ялқовлик, танбаллик жой олиб қолар экан. Энди мустақилмиз, шу ватан, унинг эртаси ўзимизники, деган туйғуни қалбимизга жойлайлик.

Аслида, ўтган неча ўн йилликлар давомида аёлга аввало инсон сифатида, шу заминни гуллатишдек ма-шаққатли ишда дўст, елкадош сифатида қараш кайфияти феълимизда жуда заиф даражада шакллангани ҳам бор гап. Эркакларнинг алдови, номуносиб хатти-ҳаракати туфайли қанчалаб маъсума қизларнинг тақдири чилпарчин бўлиб кетганига кўпчилигимиз гувоҳ-миз. Гулдек нозик, шишадек мусаффо аёл қалби ши-каста бўлдими, унинг бутун ҳаёти заҳарланиб издан

чиқиб кетиши тайин эканига мисоллар жуда кўп. Бугун чекка-чеккаларда бош ҳарф билан ёзиладиган Аёлга хос бўлмаган қилиқлар намоёиш этаётган бирор кимсага дуч келганда, у бечора қайсидир эркакнинг хатоси эканини унутмайлик. Бу ўринда вазиятни бўрттириб кўрсатиш учун машъум қисматларнинг саргузаштларини келтириб ўтириш ўринсиз, негаки, қўшимча эслатишларсиз ҳам аҳвол барчамизга аён. Ҳозир гап «Ўтган ишга салават» тариқасида сукут сақлаб, келажак учун, Шарқона назокат, ўзбекона нафосат билан безанадиган эртанги кун учун амалга оширилиши лозим бўлган амаллар устида кетаяпти. Зеро, бу муаммоларни ҳеч ким умуминсоний йўналишдан ажратиб олиб талқин қилмоқчи, «Ҳамма ерда — яхши, бизда — ёмон» тарзида ноўрин шовқин кўтармоқчи ҳам эмас. Аёлга муносабатда барча замонлар, барча тузумлар ўз вақтида сўзини айтиб келган. Фақат баъзи масалаларда «Бугун — вақти, эртага — кеч бўлади» қабилдаги бесаришталик юзага келиб қолмаса, бўлгани.

III

Истиқдол йилларида ёш давлатимизда энг демократик, адолатли тартибларни жорий қилиш бўйича кўп ишлар амалга оширилди. Уларнинг силсиласида Аёлларга муносабатни алоҳида таъкидлаш жоиз. Лоақал ўтган йилларни «Соғлом авлод йили»; «Аёллар йили»; «Оналар ва болалар йили» тарзида белгиланишини ва шу муносабат билан салмоқли ҳукумат дастурлари амалга оширилганини эслаш kifоя. Кўрилган чора-тадбирлар қаторида меҳрибон оналаримиз, вафодор аёлларимиз, оқила опа-сингилларимиз, муниса қизларимиз манфаати биринчи ўринда турди. Ўтиш даврининг қийин шароитида бу борадаги шунчалик салмоқли эътибор ҳар қанча таҳсинга арзийди.

Биз кескин ўзгаришлар даврида яшаймиз. Тараққиёт суръатлари шунчалар тезки, кўплаб янгиликлар гапдан амалиётга ўтгунча эскириб қолаяпти. Таъбир жоиз бўлса, жамиятда нур оқими кучайган. Ёруғлик қанча ошса, қора кўланкалар шунча аниқ билиниб қолади. Гапнинг индаллоси эса бугун турмушимизда аҳён-аҳёнда бўлса ҳам кўзга ташланаётган баъзи иж-

тимой иллатларга нисбатан бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ. Юртимиз дунё ҳамжамиятига дадил кириб бора-япти. Кечаётган ҳар бир ўзгариш кўпларнинг назарида турибди. Шундай шароитда ота-боболарнинг бой меросига суяниб, миллий қадриятларни улуғлаб, ўз фуруримиз ва виқоримизни дунёга тўла намойиш этиш — ватанпарварлик бурчимиздир.

IV

Мана, Наврўз қирларга яшил гиламларини тўшаб ташлади. Уйғониш, янги кун, янги фасл нафаси сезимларни сарафроз этиб, туйғуларга шоҳона тўн кийгизди. Қурсокдек қотган туя изларидан умид уйғонади. Одам дўпписини қия қўндириб, белбоғини сириб боғлайди-да, кетмонни илк дафъа ерга зарб билан уради — мавсум бошланади.

Ҳозирча улар ёбондаги супрадек ер бошида гирдикапалак. Айниқса, Аёлнинг шаҳди, шижоати ўзгача. Унинг ғайрати эркакнинг ҳимматини алангалатади, ёниб, эҳтирос билан меҳнат қилади. Барака уруғи миқдорича марварид терлар заминга тўкилади. Ҳордиқ чокларида эса эр маҳбубасига шеърлар ўқиб беради: «Итларин(г) тирноғига бўлсин хино қоним менинг...» Аёлнинг узоқдаги шоира набираси ҳам яқинда шунга ўхшаш шеър ёзибди: «Итларимга саломлар айтинг». Бугун одам ўз ҳурматини бошқачароқ ифодалай бошлади.

Қирдан узоқ-узоқ жойлар кўринади. Қирдан узоқ-узоқ жойларга кўз етиб боради. Ўша узоқлардаги манзаралар гарчи хира кўринса-да, негадир жозибали, одамни ўзига тортаверади, сирлидан-сирли туюлаверди. Аёл ўша мавҳумликлардан таскин олади, уларга дил қулфини очади, меҳнатдан бўшаган заҳотиёқ хилватга ўтади-да, кўкрагини ўша олислардан келаётган шамолларга тутади, ўпкасини тўлдириб нафас олади ва овоз чиқармай ўкраб-ўкраб йиғлайди.

Мен бу тасвирларни «Келинлар қўзғолони»даги муҳбир йигит айтгандек, «фон» учун келтираяпман. Бугунги бахтиёр кунларимизнинг жами иштирокчиси ўнлаб нева-чевараларнинг севимли бувижониси Хосият хола 30-йиллар хотираларини сўзлар экан, унинг

тасаввурида жонли манзаралар шу хилда гавдалана-верди.

Ҳаётда мўъжизалар рўй берар экан. Мўъжизаларга ишониб, мўъжизаларни кутиб яшаган ҳам яхши экан. Бўлмаса, муштдеккина, хокисор аёл Хосият холани тақдир қандай кўйларга солмади? Ота-онасини ку эслолмас эди, турмуши ҳам татимади. Энди ҳаётнинг завқини, аёллик бахтини татиб кўраман, инсонлигим шукронасини айтаман, деганда уруш бошланиб қолди. Ўша ён қирдаги супрадек жой, кенглиқдан туғён кўзгаб кетмон чопган Босқонқул, унинг дўлвори феъли-ю, эҳтиросли шеърлари хотира бўлиб қолди. Уч ойлик эр-хотинлик даври абадиятни таъминлаганди, ҳомиласи улғайиб ўғиллик бўлди. Кейин келин туширди, бир этак невараларни Яратган туҳфа этди. Хола ўзига эътиборли, тартибли одам эди. Шунданми, қишлоқнинг катта-кичиги ундан ҳайиқарди. Йигирма уч ёшида бева қолиб, бошқа эркакнинг кўзига тик қарамаган аёлнинг кайвонилик йиллари биронта ҳам кўйди-чикди бўлмади. Ўзи ёлғиз яшаса-да, (бирок у ўзини ёлғиз ҳисобламас, арзандасини «дунёдан орттирган бахтим, бошқаси керакмас» дерди), ёлғизликни қарқар, ёлғизликка «ишқи тушиб» қолган аёлларни аямай койир эди: «Эрсиз хотиннинг кўчадаги барча эркак эри, уялинг, ойбуви...»

Шу қишлоқ аёлининг ҳаётини қарашда тирикчиликнинг жами моҳияти намоён бўлганга ўхшайди. Табиатнинг яралишидаги оддий ҳолатларни эсга олайлик. Ой билан қуёш ҳамроҳ, кеча ва кундуз, иссиқ ва совуқ, аччиқ ва чучук. Ҳамма унсурнинг ўз жуфти бор ва бир воқеликнинг намоён бўлиши иккинчисининг мавжудлигига боғлиқ — ой қуёшдан ёруғлик олади ва шу нурни ўзида акс эттириб, тунлари қуёшнинг борлигини, мавжудлигини тасдиқлаб туради. Кеча туғайди ва кундуз бошланади. Биз кечанинг белгилари қоронғилик, юлдузлар пайдо бўлиши, дам олиш фурсати эканлигини кундуз куни ҳис этамиз. Мабодо, тун ҳодисасини кўзгуда акс эттирганда, унга зид тушувчи кун бўлмаганда бу икки воқелик ҳам инкишоф этилмаган бўларди. Бундай жуфт ҳолда мавжуд бўлиш далилини сезимларга таъсир қиладиган иссиқ ва совуқ, таъм билиш орқали идрок этиладиган аччиқ ва чучук,

хуллас, барча туйғулар воситасида айланадиган бошқа жуфтликларга ҳам татбиқ этиш мумкин. Демак, ибтидо ва интиҳо бўлганидек, туғилиш ва ўлим мавжудлигидек, дарё икки ўзан ўртасидан оқиб ўтганидек, нарса ва ҳодисалар моҳияти ҳам икки ўлчамда юзага чиқар экан: гўё жуфтлик (дейлик, ой ва қуёш) тарозининг икки палласи бўлиб, мувозанатни ушлаб туради, шу билан бирга бирининг воқе бўлиши учун иккинчисининг мавжуд бўлишини зарурат қилиб кўяди.

Аслида, бу қонуният дунё яралганда, Одам Ато ва Момо Ҳавво пайдо қилинганда юзага чиқмаганмикан? Энг оддий зеҳн билан эр-хотинлик муносабатини назардан ўтказайлик. Ахир дунёнинг бутун завқи шу муносабатда эмасми? Ҳатто «дока рўмолнинг қуришидек» тез ўтиб кетадиган можаролар ҳам соҳибсиз ёки бекасиз уйнинг бутун оҳанжамасидан устун-да.

Рости, аёл турмушдагина ўзига табиат томонидан ато қилинган буюк истеъдодини тўлиқ намоён эта олади: бир эркакнинг хизматида бўлади, фарзанд туғади, уларни тарбиялайди. Энди тасаввур қилинг, шу уч оламшумул вазифадан маҳрум бўлган аёлнинг ҳаётида нима қолади? Шариатда тўрттагача никоҳга рухсат бор экан. Шу тартибда ҳам қанчалик даражада мантиқ, инсонпарварлик мавжудга ўхшайди. Ана шу даражадаги бахтга муяссар бўлиш ҳам сўққабош ўтиб кетганидан мазмунли, инсоний эмасми?

Ҳа, жин кўзада тинч ётади, дейишади. Кўзанинг деворлари ўз пайтида муҳофаза чизиги, яшаш майдонининг чегараси. Ичидаги бўшлиқ эса тириклик, ҳаёт кечириш доираси. Ана шу доирада ўз ўлчамига солинган эркинлик бор. Худди шунингдек, барқарор ҳимоя, мудофаа-муҳофаза мавжуд. Агар унсур ҳимоядан ва унинг доирасидаги эркинликдан мазмун топа олса, шу дунёни кашф эта олса, бир комил умрини нолимай ўтқара олади. Озод кўнғил эркинлик қўмсайди, фильм қаҳрамони айтгандек, «мен сени севаман, бироқ эркинликни кучлироқ севаман». Эркинлик эса ўз мазмуни доирасида мавжуд. Мазмунсиз эркинлик эса озодлик эмас, умуман, унда гўзаллик, яъни инсонга хуш келадиган белги йўқ, балки у бориб турган хунукликдир (таққос учун эркинликни ўзича тушуниб, жамоат жойида яланғоч юрган одамни кўз олдингизга келтиринг).

Олти нафар келин туширган, тўртта қизни чиқарган Хосият хола тафаккурнинг бундай мураккаб қоидаларини тушунмайди, аммо табиат ато этган зеҳн, иқтидорни энг оддий инсоний нуқтаи назар билан уйғунлаштира, қўша олди. Шу туфайли унинг оиласида ҳамма бахтли, айниқса, аёлларнинг барнолиги, гўзаллигига қишлоқда ҳамма ҳавас қилади.

V

«Дунёни гўзаллик қутқаради» дейди мутафаккир. Бу ўринда англовчи ва англомиш ўртасидаги чегара қайси нуқтадан ўтади? Яъни дунёни қутқарувчи гўзаллик англомишми, англовичими? Агар у князь Мишкин қиёфасидаги зот бўлса, демак — англовчи. Мабодо, гўзалликнинг оддий тимсоли, дейлик, товус бўлса-чи?

Муҳтарам ёзувчиларимиздан бирлари қанотлари камалак рангида товланувчи товуслар боқиладиган қўриқхона атрофида уларнинг гўшгини тановул қилишга кўнгли суст кетган зот пичоқ қайраб айланиб юрганини изтироб билан ёзганди. Бинобарин, товус ўзини кўзи қонга тўлган овчидан қутқара оладими? Ахир у дунёни қутқариши керак эди-ку.

Хуллас, гўзалликнинг ўзини қутқарсақкина дунёни қутқариб қоламиз. Демак, дунё ва гўзаллик тушунчалари доирасида уларни бирлаштириб, мустақкам учбурчак шаклига олиб келадиган учинчи тушунча ҳам бор. Бу — гўзалликни англовчилар, ҳис қилувчилар, қадрловчилар — яъни гўзаллик муҳиблари.

Аёл ҳам гўзалликнинг бир тимсоли сифатида ҳар доим эътибор талаб қилади.

2002 йил

ТИРИКЧИЛИК «ИЛМ»И

Хонада қисилиб кетдим. Гўзал баҳор таровати, уйғонаётган олам нафаси мени ташқарига ундарди. Тор йўлакчадан боққа чиқдим. Дарахтлар мижжа ёриб, куртак чиқаришга шайланаяпти. Бўлиқ тупроқни киприклар билан тешиб ўтиб, ёруғликка, ҳаётга интилган

майсанинг жасоратида яшашга бўлган бўйсунмас кучни кўрамиз. Табиатнинг бу мўъжизаси одамлар ўртасидаги шарҳлаш оғир бўлган муносабатлар таҳлилидан чарчаган зеҳнимда чақин чаққандек бўлди: ахир барча ҳаракатларни, муносабатларни бошқариб турувчи Буюк куч бор-ку. Новдаларнинг япроқларга бурканиши, ғунчанинг гулга айланиши, кейин мева тугиши шундай қудрат борлигини энг оддий тарзда такрорлаб турмаяптими? Инсон қанчалик ўзига бино қўймасин, шу юмушларнинг барини бажара олмайди-ку. Уни қўйинг, дарахтнинг сон-саноксиз баргларидан бирини ясаш кимнинг қўлидан келади? Буюк куч олдида ўша япроқдек ожиз инсон баъзан ўз қавмига шунчалар зиёдасарлик қиладики, ундайлар ҳақида «Худосини ҳам танимайди», деган ибора ўринли тўқилган.

Сени ўзига яқин олиб, юрак дардини тўкиб солган одамга бирор кўмак беролмасанг, қийин бўларкан.

— Тақдирим Яратганга қолганда пешанамдан кўрардим, — деди кап-катта одам аламдан даф-даф титраб, — рўзгорим хувилаб ётган бўлса, еярман-ичарман беш болани боқиш ўзи бўладими? Кошки, қариндошларда ҳам бирор нарса топилса, ҳаммаси қақшаб ўтирибди. «Кўзингни ўйиб бер» деса, тайёр эдим. Бироқ бунча пулни қаердан оламан?

Бирор нарса деб таскин беришга ожизсан. Фақат шу бечорадан пул (яъни пора) талаб қилган одамнинг ҳам фарзандлари бормикан, деган энг оддий андиша фикрдан ўтади. Ота-она ўз дилбанди учун ҳамма нарсага тайёр, бироқ йўқни йўндириб бўлмайди.

Рости, амалини, вазифасини, касбини пеша қилиб, ўзига мутеъ одамдан пора талаб қилиш урчиб кетди. Бироқ бу тўғарак, ҳисоб-китобли дунёда олмоқнинг — бермоғи, емоқнинг — қусмоғи борлигидек, ҳамма ишнинг ажри ёзилган-ку!

Муҳокама шу ерга келганда фикр чувалашиб кетади. Ибратлар, далиллар, хулосалар — кўзнинг очилишига ундовчи маърифатлар шунчалар кўпки, ҳаммасини шарҳ этишга йиллаб вақт керак бўлади. Қаршимда зор қақшаб ўтирган инсон изтироблари таъсирида баъзи воқеаларни эсладим, тафсилот ва суҳбатлардан парчалар келтирдим.

Танишимнинг ҳикояси

— Ўзимни бировларнинг кўзига бунчалар ожиз, ҳатто нотавон кўриниб қолганимни сезмас эканман.

Бир куни очиқ эшиқдан ёш ҳамкасблардан бири илтифотсизлик билан кириб келди-да, қаршимда ўтириб, одатдаги мулозаматлар билан гапини бошлади.

Унга ҳар куни кўзим тушганидан, баъзан иш юзасидан мулоқотда бўлганимдан, юриш-туриши-ю, қошқовоғидаги ҳар бир ўзгариш зеҳнимда акс этаверарди. Фақат акс этаверарди эмас, муҳрланиб қолганди. Ундаги улғайиш тадрижини ўзимнинг шу ёшдаги ҳолатим билан таққослайман. Азбаройи омади чопиб, бообрў жамоага қўшилиб қолгани-ю, унинг бу имкониётдан қандай фойдаланиши мумкинлиги мени беихтиёр муҳокама майдонимга айланиб қолган. Фикратимда ёш ҳамкасбимга нисбатан икки қутб шаклланган: бири — у шу зайлда изчил улғайиб борса, соҳанинг етук арбобларидан бири бўлиши мумкин, деган тахмин бўлса, иккинчиси, кўпларни фарқ қилган оқимдан чиқиб кетолмаса керак, у ҳам 2-3 йилда ҳамманинг кунига тушиб қолади-ёв, деган хавотир эди. Дастлаб, биринчи қутбдаги далиллар ишончли эди. Ишда фидойилик, ҳафсала етарли эди унда. Илмий кенгаш йиғилишларида қўйилган масаланинг кўпчилик илғамаган жиҳатлари хусусида асосли фикрлар билдириб, тезда назарга тушди. Ҳатто оқсоқоллардан эътирофлар ҳам эшитди. Мен эса хавотирда эдим: мақтов болакайни доводиратиб қўймаса эди. Шундай ҳам бўлди, кўпчиликнинг назарини ўзига қаратди-ю, ботинидаги «айбғина»лари кўзга ташланиб қола бошлади. Ўзи, лангнати, кўпчиликнинг эътиборини қозониш қийин нарса-да. Юзингни ўзинг кўролмаганингдек, ҳаракатларингни баҳолай ҳам олмайсан. Баҳолаганда ҳам ҳаммаси ижобий туюлаверади. Атрофингда эса тошни тешадиган назарлар сенинг ҳар қилигинг-у, сўзингдан маъно ажратиб, ўз тамғасини қўяди. Бунинг устига мисқоллаб йиғилган обрўни бир лаҳзада ҳавога совуриш ҳам мумкин. Хуллас, шундай синовда қолган ёш ходимга муносабатлар иккинчи қутбга томон ўзгара бошлади.

Авалло, унинг феъл-атвори баъзи нуқсонлардан

холи эмасди. Кўплаб ёшлар каби жиззаки, бунинг устига мақтанчоқликка мойил экан. Аста-секин илмий баҳсларда ўзини йўқотиб, асабини тутолмайдиган бўлиб қолди. Бир сафар обрўли мутахассислардан бирига қараб «Менинг ўрним сиздан юқорироқ бўлиши керак», деб юборди. Кейин эса ёлғончилиги ҳам бор экан. Энди «беайб парвардигор» деганларидек, бундай қусурлар кўпчиликда учраши табиий. Шу андиша билан уни маъзур тутиб, «Нафси қанақа экан, қўли ҳалол, дили покмикан» деб мулоҳаза қилардим. Чунки кўпчилик айна пайтда худди шу масалада қоқилаётган эди.

Рости, атрофингдаги кишига, ўз ҳамкасбингга нисбатан шунчалик даражадаги мулоҳаза билан қараш табиий, бироқ бирон марта унга «ундай бўл, бундай бўл» демадим, бунга зарурат ҳам, ҳожат ҳам йўқ эди. Негаки, муносабатларимиз шунчаки иш доирасида эди, фақат менга бир оз ихлос билан қарашини сезардим.

Икки йиллар ишлагач, гарчи маош бу даражада бўлмаса-да, кийинишлари башанглаша бошлади. Бу ҳеч кимни ажаблантиргани йўқ: кўпчилик ёшлар ҳам ишлаб, ҳам тадбиркорлик қилишяпти, қандини урсин. Бир кун қўлида қимматбаҳо сумкачани ўйнатиб ишга келди. Кейин эса унча-бунча одамнинг бўйи етмайдиган чарм чакмон кийиб юрадиган бўлди. Рафтори ҳам ўзгариб қолди, қўлини шимининг чўнтагига тикиб, йўлақдан беписанд ўтиб қолади. Мен ички сезги билан унинг ўзгараётганига ишона бошладим. Фақат бу нима туфайли эканини англаб етганим йўқ эди. Кенгаш йиғилишларида ўзини тутиши ҳам бошқачароқ бўлиб қолди. Фикрларининг салмоғи камайган бўлса-да, овози шиддатли, кесиб-кесиб гапиришни одат қилди.

Ана шу ёш ҳамкасбим бугун негадир калласи оғиб, хонамга кириб келди. Кайфияти анча чоғ кўринар эди. Ҳаракатлари шахдам, тетик. Суҳбатимиз нимадандир нолиш билан бошланди (биз ҳаммамиз, қандайдир, шу нолиш касалига мубтало бўлиб қолдикми-ей). Мен ҳам ярим ҳафсаласизлик билан нимадир деб минғирладим. Шунда суҳбатдошим кўзимга тик боқиб сўз бошлади.

— Жалил ака, сиз бундай қийналиб юрманг.

Бу довдир нима деяпти? Наҳотки, менинг ҳолатим унга «қийналиб юриш» туюлган бўлса? Ўзи ботиний юқданми ёки сермулоҳазакорликданми, оғир карвон

бўлиб қолганимни билардим. Бироқ бу нарса азоб бераётгани йўқ. Фақат сийратим суратимга кўчгандир. Эътирозимни эшитмай яна давом этди.

— Яшаш тарзини ўзгартиринг.

Агар дастлаб қизишган бўлсам, энди қизиқиш билан сўрадим:

— Хўп, нима қилишим керак?

— Пора олинг, — деди салмоқлаб ва биринчи сўзга урғу бериб.

У бу гапни ва ундан кейин нима дейишни обдон ўйлаб олган экан чоғи, тўхтамай давом этди:

— Ҳамма шундай қилаяпти ҳозир.

Рости, қотиб қолдим. Маст бўлиб олган қуённинг шерга дўқ қилгани ҳақидаги латифани эшитган эдим, ўшанда шер билмадим, қандай аҳволга тушган, бироқ мен ўзимни йўқотаёздим. Қаршимда она сути оғзидан кетмаган гўдак мен баркамол ақлим билан англай олмаган ҳақиқатимни болаларча ўйинқароқлик билан эрмак тарзида такрорлаб, менга сабоқ беришга интиларди гўё. Лекин у бола эмас эди, у шароитта жуда тез мослашган, кўплар ботина олмай турган қўлмакка тизза уриб, ундан ризқини қидириб, еб юрган уддабурон жаноб эди. У оғзида мазаси қолган луқмасининг таъми билан менга дадил сўз қотарди. Балки ростдан унинг менга раҳми келгандир. Балки ягона йўл — шунақа яшаш тарзи эканига қатъий ишониб, мени гафлат уйқусидан уйғотмоқчи бўлгандир, шунданми, гап оҳанги жуда самимий, товуши мусаффо эди. У гўё менга илтижо қиларди: «Акажон, пора олинг!» Шу аснода уни жеркиб ташлашим ё хонадан қувиб солишим мумкин эди. Бироқ у бунга арзийдиган гуноҳ қилмаган эди. Менга укаларча, юракдан маслаҳат бераётган эди. Нима бўлганда ҳам ўзимни қўлга олдим, бўғзимдаги ғазабни ичга ютдим, ҳатто унга ним табассум билан тикилишга ўзимда куч топа олдим. Орага маънисиз сукунат чўккан эди, уни бузиб, шундай дедим:

— Укажон, мен бундай қила олмайман.

Кейин жўшиб гапириб кетдим: «Йўқ, бу ишни мен кўрққанымдан қила олмайман, демайман. Юрагим отнинг калласидек. Ёки уқувсизлик туфайли ҳам эмас — ҳар қандай мутгаҳамликнинг уйини куйдираман. Кўриб турибман, товуқмия, бурнидан нарини кўра олмайди-

ганлар қандай бойиб кетаяпти — ҳаммаси фирромлик йўли билан. Нима, мен фирромлик қилиш ёки пора олишни ниҳоятги бойиш учун қиламанми? Йўқ, мен ундай одам эмасман. Менинг жоним битта, мен дунёга бир марта келаман. Мен учун бойлик эмас, жоним азиз. Мен унақа ишларни қила олмайман, атайлаб қилмайман».

Албатта, менинг бу гапларимни ёш суҳбатдошим шунчаки чираниш, деб тушунди ва елка қисганича хонадан чиқиб кетди. Ҳар ҳолда унда ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишончи зўр эди.

«Китоб»дан

Аллоҳ инсонни фаришта ва ҳайвон оралиғида яратди. Унинг борлиғида ана шу икки унсур мужассам. Инсон танасидаги барча вужудлар бошқачароқ кўринишда ҳайвонларда ҳам мавжуд: кўз, қулоқ, оёқ, қўл, юрак — умумий тарзда ҳаё этилган. Аммо инсоннинг фаришталарга яқинлиги шундаки, унинг кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмайдиган олами бор. Мана, севги, деймиз, у недир? Бундай тушунчалар фақат ҳис қилинади. Ёки ақл, фикр, орзу, шодлик сингари тушунчаларни ҳам қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайди.

Агар тана юрак орқали бошқарилса, мавҳум олам эса қалб орқали бошқарилади. Қалбни ҳам кўриб бўлмайди, уни Аллоҳга тегишли дейдилар.

Ҳар бир жисмоний ҳаракат қалбда акс этади. Агар парвардигор томонидан раво кўрилган қилиқларни (тоат-ибодат, рўза каби) содир этгансиз, қалбингиз ойдинлашиб, тозариб бораверади. Макруҳ нарсаларга (пора, ёлғон, зулм каби) қўл урсангиз эса қалб ойинаси кирлашиб кетаверади.

Тоза қалбларда Аллоҳ жамоли акс этади, кир қалблардан эса барча эзгуликлар қочади. Тоза қалбларда туғилган сўз қалбларга тўғри йўл топади, қўшиғи қалбларни кашф этади. Тоза қалбли олимларгина энг буюк ихтиролар ярата оладилар. Чунки бундай кишилар билан ҳар доим Аллоҳ бирга бўлади. Қалби нопок кимсалар эса бундай саодатдан маҳрумдирлар, шунинг учун улар фақат вужудларининг лаззати учун

яшайдилар. Тўйиб еб-ичиб, давру даврон суриб дунёдан ўтадилар.

Тоза қалбли одамлар боғлигидан дунё ўз меҳварида боқий айланиб туради. Агар улар бўлмаса, қиёмат қойим бўлади. Ана шундай мувозанат бузилган пайтларда табиий фалокатлар рўй бериб, қишлоқ-шаҳарларни ер ютган, тошқинлар рўй берган, урушлар чиққан.

Палаги тоза кишиларга Аллоҳ насиб этган ризқдан ўзгаси татимайди. Мабодо, бу шартни бузсалар, бирон зиён кўриш эҳтимоли аниқ.

Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган зотларнинг зуваласида ҳаром унсурлар бўлади. Улар ё зинодан туғилган, ё ҳаром-хариш луқма деб улғайган чиқади.

Нафсни енгиш катта қаҳрамонлик, энг улуғ жиҳотдир.

Ҳикоянинг давоми

— Ўшанда вилоят газетасида ишлардим. Газетанинг янги йил сонига маҳаллий ҳокимият депутатларидан бири ҳақида ижобий мақола ёзиш менга топширилди. Тезда сафарга чиқдим. Йўлда яп-янги оқ каптардек «Жигули»да кетаяпман, уни икки ойча олдин харид қилган эдим, рудда — ўзим, хаёлим ижодий режа билан банд. Туман ижроия қўмитаси котибини топиш, у билан келишиб олиш қийин кўчмади. Жуда маданиятли одам экан, муддаомни тез англаб, ёрдам беришга шошилди. Маҳаллий депутатлар ҳақида маълумот берувчи журнал юритган экан, уни аста варақлаб, сўз бошлади:

— Касби — пахтакор, ижарачи, бригадир. Ҳамма кўрсаткичлари яхши. Фақат бир «айб»и — менинг жияним бўлади. Яна бошқалар ўз қариндошини тикшиштирибди, деб юрмасин, кўйинг. Мана, сут соғувчи, ўтган йил пойтахтга ҳам бориб келувди. Ҳаммалари арзийдиган одамлар.

Яна шундай муҳокамалардан кейин бир савдо ходими устида тўхтадик. Ҳамма ишлари яхши, ҳам қишлоқда бообрў одам экан, бунинг устига яқинда орден ҳам олибди. Қолаверса, нега магазинчиларни нуқул ёмонлаш керак, уларни мақтаб ёзиб бўлмайди?

Номзод аниқ бўлгач, котиб туман савдо идорасига телефон қилиб, гап нимадалигини яхшилаб тушунтирди. У ёқдан вакил келадиган ва мени олиб кетадиган бўлди.

Вакил билан унинг машинасида депутатнинг қишлоғига қараб йўлга тушдик. Ҳамроҳим — таъминотчи экан, мен билан истиҳола қилиб гаплашаяпти. Савдо ходимлари мухбирлар олдида ўзларини нохуш сезишларини биламан, шунинг учун кўп ҳам киришиб кетмай, манзилга етиб бордик. Магазин янги бинода экан, ойнаванд, таги кўтарилиб қурилган, атрофдаги пастқам уйлардан ажралиб турибди. Кириб, айланиб кўрдик, маҳсулотлар бисёр, анча тартибли, басаришта. Бироқ мудир — депутат аканинг ўзи йўқ экан, ҳамроҳим уни тез топиш ҳақида кимларгадир кўрсатма берди.

— Акани топгунларича бу ерда турмайлик, — деди таъминотчи, — у кишининг уйларига бориб, ўша ерда кутамиз.

Ҳаво совуқ эди, ўрта бир жойда қаққайиб тургандан панароқда таңда қўйиш афзаллигидан, ноқулай бўлса ҳам (ўзимча) рози бўлдим. Йўлда яна икки киши қўшилди. Тўртовлон депутатникига жўнадик. Кўп кутдирмай, уй эгаси ҳам етиб келди. Ёши эликдан ошган, чаққон, удабуронлиги кўриниб турган одам экан. У-бу ҳақида гаплашган бўлдим, ён дафтаримга нима-лардир ёздим.

Худди ўша пайтлари ичкиликка қарши аёвсиз кураш кетаётган эди, дастурхонга қаердандир битта «тоза»сидан ҳам олиб келишди. Албатта, бу мухбир учун эди, бироқ мен ичмадим. Жуда кўп илтижо қилишди. Ҳатто мезбон намоз ўқиб юрган бўлса-да, ўзи ҳам ичишга рози бўлди, барибир қўлларини қайтардим. Машина бор, рулда янгиман, деб туриб олдим. Негадир ҳаммалари хомуш бўлиб қолишди, зиёфат унча татимади. Нариди-бери тамадди қилиб чиқдик.

— Меҳмон, яхши кузатолмадик, узр, — деди уй эгаси астойдил хижолат бўлиб.

— Йўқ, нега, ҳаммаси яхши бўлди, биз хизмат юзасидан келганмиз — дедим мен.

Машинага чиқишдан олдин депутат, яъни мезбон менинг ҳамроҳим — таъминотчини анча ушлаб қолди,

ниманидир узоқ тушунтирди. Мен ўзларининг иши бўлса керак, деб заррача ҳам эътибор берганим йўқ.

Қайрилишдан ўтиб, катта йўлга чиққач, ҳамроҳим гап бошлади:

— Ака яхши меҳмон қила олмадим, деб жуда хи- жолат бўлди.

— Тўйга келганимиз йўқ-ку. Лекин самимий одам экан, — дедим бамайлихотир. Кейин ишдан, сафар- лардан суриштириб кетди, мен ҳам қисқа жавоб бе- риб кетавердим. Аслида, таъминотчи менинг қўйнимга қўл солиб кўраётган экан. Бир оз гапимиз қовушгач:

— Ака, меҳмонга яхши бир костюм совға қили- шим керак эди, аксига олиб магазинда дурустрофи йўқ экан, деб анча қийналди-да, — деб қолди. Мен яна қандайдир далиллар билан мухбирлар совға олмасли- гини исботлашга уриндим чоғи, ҳамроҳим эса дадил- ланиб:

— Барибир ака костюмнинг пулини менга берди, сиз шуни олинг, — деб қолди.

Тажрибамда бунақаси ҳеч учрамаганди, шошиб қол- дим. Ўзимни қўлга олиб, қаттиқ жеркиб ташладим, у эса савдони давом эттираверди:

— Э, қизиқ экансиз, битта костюмнинг пули нима бўлибди, олавермайсизми...

Йўлда кетаяпмиз. Шунақа тортишув анча чўзилди, у «у» деди, мен «бу» дедим. Кўнглимнинг тагида унинг пулини олиш йўқ эди, бу ишни сидқидилдан ўзимга ор, деб билгандим.

— Мен ҳеч нарсага муҳтож эмасман...

Менинг гапларим энсасини қотирдимми ёки ростдан жаҳди чиқдимми, жиддийлашиб деди:

— Ўзим ҳам ахлоқ эканман, бир қўрқоқ одам би- лан пачакилашиб ўтириб...

Пихини ёрган таъминотчи шундан кейин ҳоврим босилганини сизди-да, букланган йигирма бешталик- ларни кўкрак чўнтагимга тиқиб қўйди. Унинг қийна- либ кетгани таъсир қилдимми ёки нафс голиб келдимми, пулни қайтариб беришга куч тополмадим. Фақат алам билан:

— Бунақа нарсаларга ўрганмаганман. Менга ёқмай- ди, бирга ўн бўлиб чиқиб кетади, — дея олдим холос. Бўғилиб кетгандим, бу нохуш ҳодиса қаерда рўй бер-

ди, дегандек, ташқарига қарадим. Биз Кийикчи қишлоғидан ўтиб борар эдик. Ҳадемай туман марказига ҳам етиб келдик, мен машинада уйга кетдим.

Йўлдаги воқеани унута олмадим. Гуноҳ иш қилгандек эзилиб юрдим, бировга айтмадим ҳам. Кимдир кийимимга мина жойлаштириб қўйган эди-ю, у қачондир портлаши керакдек сезардим ўзимни. Икки-уч кун ўша чўнтагимга қўл ҳам тикмадим, ўша гап-сўзлар эсга тушиб, кайфиятим бузилар эди. Кейин у пулларни йўқотиш пайига тушиб қолдим. Ниҳоят, юрак ютиб, қўлга олдим ва санаб кўрдим — 150 сўм. Яна ўша костюмнинг ташқарисидаги юқори чўнтагимга жойлаб қўйдим. Уни ҳамкасблар билан бирга тушликка чиққанда ишлатишни мўлжалладим. Шундай қилиб яримларини йўқотдим. Яна бир сафар ошхонада навбатга турсам, қўшни қишлоқлик танишимни кўриб қолдим. У шанба куни ўзларида катта тўй борлигини айтиб, боринг, бирга томоша қиламиз, деб таклиф қилди.

Негадир шу тўйга боришни жуда истаб қолдим. Бунинг кичкина сири шунда эдики, менинг биринчи севгим шу қишлоққа тушган, унинг кўчасидан машинамни бошқариб ўтиб, кимлигимни кўрсатиб қўймоқчи эдим. Бир-икки жўрамга ҳам тўйга бирга боришни тайинлаб айтдим.

Ниҳоят, шанба куни эрталаб уч киши йўлга тушдик. Машинани ялтиратиб артганман, рудда виқор билан кетаяпман. Туман марказидан ўтиб, яйдоқ дала ўртасидаги йўл бошланди. Олдинда қаторасига иккита тележка тортган тракторни қувиб етдик. Обгонга чиқсам, олдинда яна шундай иккита тележка тортган трактор бор экан. Далага гўнг чиқариш авжида бўлса керак, биринчисини қувиб ўтганимда чап тарафдаги қўшимча йўлдан яна бир трактор бемалол йўлга чиқди-да, менинг қаршимдан кела бошлади. Шундай пайтда мен тезликни пасайтириб, икки трактор орасидаги бўш жойга киришим керак эди. Афсуски, шундай қилмадим, тезлик анча юқори эди. Яна газ босиб, олдиндаги қўш прицеполи тракторни ҳам қувиб ўтишга шошилдим. Ўзиям, қаршидан келаётган тракторнинг баллони тагидан (у ҳам бостириб келиб қолган экан) машинани кескин ўнгга қайирдим. Очиқ йўлга чиқиб

олган эдим, лекин машина тагимдан чиқиб кетгудек бўлиб учиб кетди.

Ақлнинг қочгани — нимадир орқадан келиб турт-дими, деб кейинга қарабман, ҳеч вақо йўқ. Тезда олдинга тикилсам, кўзимга дарахтлар кўриниб кетди. Худди уларга бориб уриладигандек, рулни кескин чапга тобладим. Машина қийшайди, яна нимадир бўлди ва ойналар шалдираб тўкилиб кетди. Бир лаҳзада 2-3 умбалоқ ошиб, оёғи осмонга бўлганча ағдарилиб қолди. Ҳаммасини кўриб, ҳис қилиб турдим. Атрофдан одамлар югуриб келиб, бизни тортиб олишди. Менинг бошим тилинган ва ундан салонга қон оққан эди. Ҳамроҳларимдан бирининг қўли синибди. Йиғилганлар эзилиб кетган машинага афсус билан тикилишар, бизнинг тирик қолганимизга шукрона билдиришарди.

Шундан кейин ғуссалик кунларим бошланди. Кайфиятим жуда бузилди. Бироқ ҳаммасига чидашим керак эди. Машинани тузатиб, арзон-гаровга сотиб юбордим.

Орадан анча вақт ўтгач, ҳасрат билан авария содир бўлган жойдан йўловчи машинада ўтдим. Беихтиёр қаер экан, деб разм солсам, ё товба, ўша Кийикчи қишлоғининг тўғрисида таъминотчи чўнтагимга пул солиб қўйган жойнинг айнан ўзида экан. Яна тасодифни қарангки, абгор бўлган машинани тузатган уста 1500 сўм олганди...

...Менга пора олишни тавсия қилаётган ёш дўстим бундай гапларни билмайди-да. У дунёни бошқариб турувчи ҳикматлар борлигини, ҳамма қилиғимизни Яратганнинг ўзи кўриб турганини билмайди-да. Бизнинг ризқимизни ҳалолдан ёзган, ука, ҳалолдан!

Ибратли сабоқлар

Ҳамкасблардан бири ҳикоя қилади:

— Бир муҳожир одам тил билмасликдан қийналиб юрган экан, чойхонада тасодифан танишиб қолдик-да, арзимаган юмушини бажариб бердим. Азбаройи хурсанд бўлгандан бир даста пулни чўнтагимга тикди. Олмаيمان, деб роса хархаша қилдим. Бечора «соҳиб таржимон» деб шунчалик осилиб олдики, қўлини рад этсам, йиғлаб юборгудек эди. Олиб санаб кўрсам, уч

кило гўштнинг пули экан. Уйга бордим, ҳовлига киришим билан бадбўй ҳид димоғимга урилди. Бзовта бўлиб, қўйхона тарафга ўтдим. Не кўз билан кўрайки, бир ой давомида аравада ташиб, қуритиб, қишга ғамлаб қўйган ҳашагимни болалар ёқиб юборишибди. Бехтиёр ўша пул солинган чўнтагимни чангаллаб олибман.

Мана бундай воқеа ҳам бўлган экан:

— Бозордан сабзи харид қилгандим, деҳқон охирида қолган майдаларини ҳам халтамга солиб берди. Пул берсам, олмади. Уйда тўрвани супада қолдириб, бошқа ишларга андармон бўлиб кетибман. Қарасам, қўтондан бўшаган қўйлар сабзини паққос тушириб қўйибди.

Ва яна:

— Картошка ўлчаб турган деҳқон меҳри ийиб кетдими, тарозидан ташқари яна бир каттасини ташлаб юборди. Уйга келиб, бозорликни тоғорага жойлаётсам, ўша картошка пастга тушиб думалаб кетди-да. Пешана тер тўкмай топилгани буюрмаган ризқим-а.

Неча йиллардан буён тилдан тушмай, одамларни ўйлаб кўришга ундаб келаётган ривоятлар ҳам кўплаб топилади.

— Бошқоронғи бўлган аёл эри билан бозорни айланиб юарди. Улар узумфурушнинг олдида тўхтадилар. Аёлнинг узумга кўнгли сушт кетди, бироқ истиҳола қилиб эрига айта олмади ва кўзни шамғалат қилиб, бир дона узум олиб оғзига солди. Кунлар ўтди, аёлнинг кўзи ёриди. Нима бўлди-ю, чақалоқни опичлаб олган эр-хотин яна ўша узумфурушнинг олдидан ўтиб қолишди. Унга яқинлашишлари билан гўдак чидаб бўлмайдиган даражада чинқириб йиғлаб юборди. Бу синоатдан эр ҳайрон бўлди, хотин эса гуноҳини эслади ва бўлган гапни эрига айтди. Ота узумфурушни рози қилгач, гўдак йиғидан тўхтади.

— Бир бола нуқул мешкобларнинг мешига игна санчиб тешар ва уларнинг жиғига тегарди. Бу қилиқдан безор бўлган мешкоблар боланинг онасини топиб, уни бундан воқиф этдилар ва боласининг бошқа шаккоклик эмас, айнан мешларга игна санчиб қочишидан ажабланиб гапирдилар. Шунда она бир сирни очди. Шу бола бўйида пайти анорга бошқоронғи бўлганини,

хоҳиш тазйиқида қўшинининг боғига тушганини, бироқ анорни очиб ейиш имкони бўлмаганидан унинг пўстига нина санчиб, шарбатини ичганини айтиб берди.

Хулоса ўрнида

Жонли таассурот турткиси билан қайд этилган бу мулоҳазалар гўё сидирга ёйилиб ётарди. Уларнинг бўйи, эни, баландлиги йўқ, эди ва бўшлиқда маълум ҳажмни эгалламагани учун уни кўриб бўлмасди. Фақат тепадан тикилгандагина бу манзарани кўз илғаши мумкин эди. Мен эса ўта безовталиқ билан «пора» деб аталган иллатнинг рostaкам шамойилини кўрмоқчи эдим. Шу мақсадда ҳамкасбларга, танишларимга мурожаат этдим, китобларни варақладим. Барибир муддаом ҳосил бўлмади. Ахир муҳитда эркин парвоз қилиб, ўзича тирикчилик «илм»и (балки «тирриқчилик илми»дир)ни кашф этган ёш ҳамкасбим, «бизга ҳалолдан ёзилган» деган эътирофга келган танишим, катта «Китоб»дан келтирилган иқтибос ва ибратли воқеалар тафсилотида ички мантиқий боғланиш бор-ку. Уларнинг бири кўзгу бўлса, иккинчиси — қиёфа. Менинг мулоҳазаларим эса икки қирғоқда баравар кезарди: қалб ва қисмат. Гўё қалбнинг шахс аъмолига таъсири йўқдек таассурот пайдо бўлаётганди. Яъни кимдир ўзини қанча авайлаб, пок тутса, шунча ташвиши кўпаяверади, кимдир ҳеч нарсани писанд қилмай, билганича яшаса, умри роҳат-фароғатда ўтаверади. Аслида, бундай ҳолат мен улуғламоқчи бўлган ҳояларга зид бўлиб, уни бир пулга чиқарарди.

Ниҳоят, жавобсиз саволларни қаноатлантириш учун бир умр масжид тубини макон тутган отахон ҳузурига йўл олдим. Фариштадек оқ либосга ўранган чол мулоҳазаларимни қизиқиш билан тинглади. Айниқса, ҳаяжонланиб айтган «Нега пора баъзиларга ёқади, баъзиларга ёқмайди?» сингари саволларимга алоҳида диққатини қаратди. Сўнгра салмоқ билан гап бошлаб, дунё сир-синоатларидан анча ваъз ўқиди. Домланинг нутқи одамларнинг тўрт тоифага (аҳли илми маърифат, зоҳидлар, тақво аҳли ва қолганлар) бўлиниши, уларга алоҳида хизмат ва қисмат ноил этилгани, Аллоҳ маърифат руҳини ато этган зот ноқис амаллар билан шу-

гулланса, бу Эгамнинг норозилигини қўзғашни ва бош-қалар хусусида эди.

— Иллатлар туғма бўладими?

— Йўқ, ҳар бир инсон дунёга келар экан, у тоза рух сифатида ҳаётини бошлайди. Бироқ ҳаром лўқма еб улгайса ёки ношаръий туғилган бўлса, феълида бадкирдорлик голиб бўлади. У тез ёмон амалларга банди бўлиб қолиши мумкин. Болангга ҳалол едириб, ҳалол ичир, роҳатини кўрасан.

— Яхшилик ва ёмонликнинг ажри нимада?

— Бу дунё ҳақиқий ҳаёт олдида синов эканини биласанми? Ажр шундаки, ёлғончи дунёда пишқириб яшаётганлар охиратни эсдан чиқармасинлар. Агар ҳамма ҳар куни ҳеч бўлмаса бир марта шу амални бажарса, мувозанат бузилмасди. Ҳаддидан ошган ёмонлар бўлмасди.

— Маърифий каломлар эпкиндек бир юзларни силаб ўтади-да, унутилади. Энг ёмони — кўпларнинг газабини қўзғатиб юрганлар бу гапларни эшитмайдилар, бундай мажлисларда бўлмайдилар, китоб-газета ўқимайдилар. Шу қаторда ҳеч кимдан ҳам, ҳеч нимадан ҳам қўрқмайдилар.

— Худодан қўрқмагандан қўрқ, болам. Мен бир ақлли одамга сабоқ бўладиган гапларни айтдим, бундан кўпи — ортиқча.

Шундай деб отахон бир байтни қироат билан ўқидилар:

*Ёмондин қоч, ёмондин қоч, ёмондин,
Агар у қочмаса, сен қочгин ондин.*

Шу билан суҳбатимиз тугади.

1998 йил.

СИНГАН ОДАМ

*Тентакни қочган тарафига қув.
Бир идорадаги ёзув*

Чапақай девдек одам. Бўй — 198, оғирлиги 130 атрофида. Бир ўтиришда 2 кило гуручнинг ошини, 6 кило қўй этини кўрдим демайди. Агар қайрағочнинг

соясси, сувнинг бўйи бўлса, биров елиб турса, 30 чойнак чойни чанқовбосди қилади. Савлат ҳам обрў экан, ишхонада ҳамма ундан ҳайиқади, «Полвон ака» деб гирдикапалак бўлади. У бирон ишни қойилмақом қилдими-йўқми, ишга келиб юрса бўлди. Мабодо, бир зум кўринмай қолса, худди хонадан катта диванни чиқариб кетишган-у, курсичалар сарак-сарак тизилиб тургандек ҳаммаёқ хувилаб қолади.

Шу одам бошлиқдан ёлчиган. Кўплар «Бошлиқ билан Чапақайни параддан ўтказиш керак, шунда одамлар филни етаклаб кетаётган фаллаҳни кўргандек, роса қийқириб кулишади» деб ҳазиллашади. Яъники, Чапақай қанча улкан бўлса, бошлиқ шунча митти, лекин «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни» қабилада. Яна уни айримлар «бурга» деса, айримлар «ари» дейди.

Чапақай — майда одам. Бир умр қорин ташвишида яшаб келди. Унинг жаҳли, исёнкорлиги, ғурури ҳам шу даражада. Дунёни сув босса ҳам кулбаси ғарқ бўлмаса — бўлди. Шу илинжда бошлиқнинг силташларига, иддаоларига чидаб келади, энгашиб туфлисини артишдан, бўйнини эгиб елкасини тутишдан ор қилмайди. Баъзан шу гавда билан букилишларини, ялтоқланишларини, кўзига филт-филт ёш олиб туришларини кўрган ҳамкасблари «Полвон, гавдани кўтаринг», деса, «Нима қилай, бола-чақамнинг ризқини бериб турибди-ку», деб жўлаяди.

Яқинда шу одам «синди».

* * *

(Русчадан таржима): Хемингуэй Торонтога халқаро даражадаги йирик журналист шухрати билан қайтди. Бироқ у энди дўстлари ишлаётган «Стар уикли» ҳафтаномаси эмас, кундалик «Стар» газетаси ихтиёрида эди. Хемингуэй Европада кечирган йиллар давомида бу газетадаги муҳит кескин ўзгарган эди. Газетада амалда нашр эгасининг қизига уйланиб олган бош муҳаррир ўринбосари қандайдир Гарри Хайндмарш раҳбарлик қиларди.

Хайндмарш ўз табиатига кўра антиқа одам эди. У мустақил фикрловчи, ўз нуқтаи-назарига эга одамлардан қўрқарди ва нафратланарди, раҳбариятта қар-

ши борадиган, дадил ва ҳаракатчан журналистларнинг попутини пасайтириб қўйиш орзуси билан яшарди. Ўз ваколатидан фойдаланиб, бундай репортёрларни «бу-таб туриш»ни, «тагига босиб олиш»ни яхши кўрар, негаки, унга талантили одамлар эмас, яхши топшириқ, ёғли хизмат сафари, мансабини кўтариш илинжида қўлига қараб турадиган итоаттўй ижрочилар керак эди.

Хайндмарш ҳали Хемингуэйни кўрмасдан ўзича Европадаги эркинликдан тантиқланиб кетган мухбирнинг ўзига ёқмайдиган журналистлар тоифасидан эканлигига қатъий ишонган эди. Шунинг учун у Хемингуэйни «синдириш» кераклигини қатъий ҳал қилди. (Б. Гриванов. «Хемингуэй» 1970 й., 169—70-бетлар.)

* * *

Тасаввур қилинг: ташқарида ёзнинг чилласи, қуёш ҳарорати айни забтига олган. Сизга эса ташқарида қаҳратон совуқ, деб сингдиришган. Сиз ҳаётини кўнлик-маларингиз билан аёзни, унинг таъсирини ва унга қарши инсоннинг акс таъсирини тарозига қўясиз ва агар сафарга чиқмоқчи бўлсангиз (ахир одам ҳаётининг бутун борлиги ўз моҳияти билан сафар-ку), шунга яраша тайёргарлик кўрасиз. Иссиқ кийимлар киясиз, қулоқчинни бостириб оласиз, икки қават пайтава ўрайсиз ва...

Бу ҳангомани ўқиб, назокатли муштарий мулоҳаза юритиши ва ичида заҳарханда қилиши мумкин: «Шунчалик галварслик бўладими? Наҳот, ёз билан қишни ажратиш ўта қийин бўлса?!» Шўришлар ичидаги одам эса унга қарши шундай дейди: «Шунчалик меровлик бўладими? Барча туйнуклар тақа-тақ бекитилган бўлса, кеча билан кундузни ҳам фарқлай олмай қоласан-ку?»

Шундай қилиб, гуппидай кийиниб олган одам саратонда сафарга чиқади ва юз қадам юрмай қулайди. У амалда синади, терлаб, нафаси қайтиб, бўғилиб, ўладиган бўлиб қолади.

Ёки, аксинча, қиш кунда худди ёздагидек, ярим яланғоч йўлга тушган одам ҳам кўп ўтмай тарашадек қотади ва совуқ урган дарахт бутуғидек... синади. Боз устига совуқ ашаддий кучли ва найзадек изғирин эсиб турган бўлса-чи? Бечора йўловчининг ҳолига «вой», минг «вой»!

Пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар тушган автобус тўйхонага етиб келганда вақт алламаҳал бўлган, одамлар тарқалиб, фақат хонадон соҳиблари ва уларнинг яқинлари наҳорги ош ташвишида куймаланиб юришарди.

Автобус эшиклари очилгач, узок йўлда димиққан йўловчилар пўртанаси атрофга ёйилиб кетди. Ҳадемай чилдирманинг жаранги ва Жаннатойнинг ўйноқи лапарлари уйқудаги қишлоқ осудалигини чил-парчин қилиб ташлади.

Пойтахтдан ташриф буюрган нозиктаъб (асосан, ижодқорлардан иборат) меҳмонлар «Тўй — тўйдек бўлиши керак» деб беш соатлик йўлда куй-қўшиқнинг роса машқини олишган, илк учрашув саҳнаси обдон пишитилган, унда «Гала-концерт» намойиш этишга, яъни ҳамма (ҳайдовчигача) ўйнаб-куйлашга келишилган эди. Бу асъаса ўн минутлар давом этди. Унда меҳмонлар қанча жазав ва шовқин намойиш этган бўлсалар, мезбонлар шунча хижолат ва ҳайратда эдилар. Пойтахтдан анчайин сипо, босиқ, «културний» одамларни кутган қишлоқилар зикр тушиб, қийқираётганлар олдида тамом лолу ҳайрон, улар ўзларини «Энди, тўй-да» дебгина овутардилар, холос. Оммавий саҳна тугаб, юбилярни қутлаш бошланди. Ҳамма Гулузорийни бағрига босиб қучар ва, албатта, истисносиз ялтироқ бошидан ўпарди. Лутфлар ҳам бир оҳангда эди: «О, бу олтин бош», «Фикрлар омбори», «Олтмиш йилни ёритган маёқ». Шундай қилиб, жиңдай олим, шоир ва журналист Гулузорийнинг олтин тўйи бошланиб кетди. Меҳмонлар дастурхонга таклиф қилинди. Бир қараганда курсиларнинг омонатгина қўйилгани-ю, чойшабларнинг наридан-бери ёзилганини пайқаб олиш қийин эмас эди. Гулузорий меҳмонлар билан оёқ устида омонлашди-да, «Узр, машина кутиб қолди» деб, супадан тушди. Унинг тақир бошида чироқ шуъласи муздаги қуёш нуридек ялтиларди. Шу кетишда қайтиб кўринмади: шаҳарга, новвойхонага кетибди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, ошпаз ҳам кап-гирни кўтариб келиб қолди.

Нақадар очиқ кўнгиллик билан тўй кайфиятини кўтармоқчи бўлган меҳмонлар бунга эҳтиёж йўқли-

гини бутунлай тушуниб етишди ва бир зум ёнбошлаб, мудраб олиш ташвишига тушиб қолишди...

Нофоралар тарақлаб, сурнай нола қилиб юборганда киприклар илинмаган ҳам эди. Одамлар гуррос «ош»-га кела бошлади. Пойтахтликлар шундоқ ариқ сувига юз чайишди-ю, тўдага ўзларини уришди. Улар алоҳида илтифотга лойиқ қадрлари йўқлигига амин бўлишган эди. Гулузорий совғаларни қабул қилар, табрикларга қулоқ тутар, кимларгадир илжаяр — ҳаммасини ўзидан ташқари ҳолатда адо этарди. У ростдан ҳам ўзида эмас эди.

... Бунга роса ўттиз йил бўлиб қолди.

Котиб негадир «Тушликни сизникида қилайлик» дейишга одат чиқарди. Ўзи бозорга тушади, таъбига ёққан нарсани харид қилади, кейин шофёр икковини ташлаб қўяди. Гули — Гулузорийни шоирга айлантирган, мадҳига ғазаллар битилган покиза малак — ўз қўли билан ул-бул нарса тайёрлаб беради. Бу ишда Гулузорий бирор ғайирлик сезмайди, аксинча, ўзи ҳам яйрайди, қулфи-дили очилади. Тушликлар одатдаги кун тартибига айланиб улгурган кунларнинг бирида ҳаммаси бошқача тус олиб кетди. Бозорга помидор олиб келиш учун (балки шу сафар котиб атайлаб помидорни эсдан чиқаргандир) тушган Гулузорий қайтгач, дераза орқали кўрдик, Гули, Гулузорийни шоирга айлантирган, мадҳига ғазаллар битилган покиза малак котибнинг оғушида мушукболадек суйкаланиб ўтирарди. Яна бу даҳшатли воқеа муқаддас байтлар ёзиладиган хонада содир бўлаётганди. Тўғри, бир зумда ҳаммаси изига тушган, Гулузорий эшиқдан киргунча Гули дастурхонни йиғиштиришга киришган, котиб сиёсий адабиётлар мутолаасига фарқ бўлганди, лекин деразадан эшикка етгунча Гулузорийнинг ичидаги устунни фарч синди. Ўшанда одатдагидек тушлик қилишди, котибни кузатиб қўйди, аммо бирдан ўзига ўхшамай қолди. Бу сирни лаб ёриб бировга айтолмади ҳам, кўз ёши қилиб юрагини бўшатолмади ҳам. Фақат Гулига, уни шоирга айлантирган малакка нисбатан сўнмас нафрат юрагида ловуллаб қолди. Уни ошкора ҳам қилолмасди — котибдан кўрқарди. Аёлига бўлган нафрат томир ёзиб, ўттиз йилда жами одамларга нафратга айланди. Энди унга дўст билан душманнинг, яхши билан ёмоннинг

фарқи бўлмай қолди. Энг ачинарлиси у шу қиёфа билан яшашга мажбур эди. У ана шундай абгор бўлган, синган одам эди.

* * *

Профессор Очил Тогаевдан кўчирма:

Одамларни барқарор сиёсий эътиқод ва ахлоқ инсофга келтиради ҳамда жамиятни бошқаради. Бунга амал этмайдиган жамият бебош оломондир. Жамият ўз фуқаросига қаҳр билан, адолатсиз, ноҳақ муносабатда бўлса, фуқаро ҳам жамиятга шундай муомала қилади.

Қул эркинликдан маҳрум бўлиб, иш бажарувчи во-ситадир. Мутеълик — муайян эркинликдаги қул. Бирор тоифани ўзига қул, муте қилган ҳоқимиятнинг ўзи ҳам қуллик руҳиятидан холи бўлолмайди. (*«Тух-матнинг ижтимоий қиёфаси», «Халқ сўзи», 1991 йил, 30 март*).

Изоҳ: Устознинг бу мулоҳазаларида тоталитар тузум маънавий қиёфаси ўз баҳосини олган. Ана шундай муҳит Гулузорий сингари миллионлаб одамларнинг ча-лажон бўлиб, муте бўлиб яшашга мажбур этганди.

* * *

Учинчи қаватдан бино олдидаги майдон кафтдаги-дек аниқ кўринар экан. Кўзга ташланадигани — атроф ям-яшил. Шунданми, ҳув узоқдаги бўш ерлар ҳам назарни тортади, яйдоқ ва тақир туюлмайди. Аслида, бундай чиройга эришиш учун катта маблағ ҳам талаб қилинмаган, фақат дид ва ҳафсала уйғунлиги билан шунга эришилган. Янги раҳбарнинг ишнинг кўзини билишини ана шу кичик унсурдан ҳам сезиб олиш қийин эмас эди.

Котиба у ёқ-бу ёққа тез-тез ўтади, қаерларгадир телефон қилади. Калта юбкаси бекита олмайдиган йўғон оёқлари кишининг суқини кўзгайди, хойнаҳой, у қизлар футбол командасининг ҳужумчиси бўлса керак. Қарийб уч соатдирки, раҳбарни излашади, у манзилини айтиб кетмаган, қўл телефони ўчирилган. Ўтган уч соат кўп нарсаларни мулоҳаза қилиб олишга кифоя қилди.

Аввало, янги раҳбарнинг кутилмаганда бу жойларда пайдо бўлиши ҳеч кимда англашилмовчилик уйғот-

магани маълум бўлди. Ахир у қанча тез кўтарилган бўлса, шунча тез пастга «шўнғиди»-да. Бироқ бир йилда юқори идорада олам-жаҳон иш қилди, ҳатто мукофот ҳам олди. Унинг бу вазифага туширилиши ҳаммани ажаблантирди, билганлар у деди, билмаганлар бу деди. Ўзи қандай қабул қилди экан? Бир йилга яқин вақт ўтса-да, овозини эшитиш имкони бўлмади, ҳар ҳолда яхши биларди, суҳбатдош эди. Албатта, ҳаёт тарзи жиддий одамларда ҳеч нарса изсиз кечмайди, ҳатто олди-дан саломлашмай ўтган одамнинг қилиғини миясида бир ҳафта муҳокама қилади. Уни эса кўтариб, уришди. Бу зарбани қандай кечирди экан? Шулар хаёдан ўтаркан, раҳбарнинг келишган қадди-қомати, сермаъно, шунқор нигоҳлари жонлангандек бўлди.

Ниҳоят, унинг ҳовлида пайдо бўлгани ҳақида хабар тарқалди. Албатта, мулозимлар унга эски таниши — Палончи Писмадончиев кутаётганини айтишган эди. У эса бу «хуш» хабарни оддий қабул қилган, тоқат билан уч соат кутган меҳмонни ҳовлида, ходимларни «тахтага оладиган» супада қабул қилишга изн берганди.

Унинг толиққанини, ҳатто ҳаммасидан ҳафсаласи пир бўлганини зўрма-зўраки табассумлар ҳам, сийқа илтифотлар ҳам бекитолмасди. Билъакс, у эски, қадрдон таниши олдида шундай ночор ҳолда кўринганидан оғир хижолатда экандек туюлди. Ташриф нечоғлик ўринсиз бўлмасин, обрўни қўлдан бермаслик керак эди. Одамнинг бир аснолик мулоқот ёки узоқ ҳамкорлик даврида пайдо бўладиган энг оддий инсоний меҳр ўртага тушди:

— Мен бу жойларга олдин ҳам келган эдим, қиёфаси тамом ўзгариб кетибди. Худди дастлабки иш жойингизга ўхшаб, файз кашф этибди.

Одам зоти ҳар қандай шароитда ҳам бир чимдим ширин сўз гадоси. Мартабали меҳмоннинг бу лутфи раҳбарни хушёр торттирди, толғин нигоҳида шуъла йилт этгандек бўлди.

— Келсам, ҳаммаёқ асфальт — қулочини ёзиб, апрофни кўрсатди, шундан кейин унга бир ўктамлик қайтгандек бўлди, — олдириб ташлаб, чим ётқизтирдим.

— Анов жойларда қўй-қўзилар юрган эди. Энди гулзор бўлиб қолибди.

— Худо хоҳласа, яна келишингизгача бундан ҳам бошқача бўлади.

Шундан кейин янгиликлар ҳақида сўз очиш мавриди юзага келди.

— Нега бундай кутилмаган ўзгаришлар бўлиб қолди? Сизни кўпчилик ўша жойда бош раҳбар бўлади, деб кутганди...

— Биласиз-ку, бизнинг соҳада биринчи хўжайиндан ўтиб бўлмайди. Кейин совет тузумидан қолган бир қоида бор: «инициатива — наказываемая».

Изоҳлар қисқа бўлди. Шуларсиз ҳам ҳамма нарса тушунарли эди. Кейин гап бошқа икир-чикир мавзулар устида айланди. У «бурга» ёки («ари»)нинг ўрнига келган, дастлабки соатларданоқ Чапақайнинг думини туккан эди. Унга отаси — котибдан масалага амалий ёндашиш сифати юққанди.

Барибир суҳбат кўр олмади. Раҳбар оғир масъулият остида эди. У тинимсиз кимларнидир йўқлар, топшириқлар берар, ўта бандлигини ошқора намоиш этарди. Унинг юрагига қил ҳам сифмасди.

— Сизга муваффақият.

— Албатта. *Итдан суяк таъма қилмайман.* Ишхонани яқинда қўғирчоқдек қилиб оламан.

У «қандай келгансиз, қандай кетасиз» деб сўрамади ҳам. Зинанинг олдида хайрлашди. Йўловчи машинада шаҳарга қайтиш пайтида турли мулоҳазалар чарх урди. Раҳбар илк учрашувда оламшумул ғояларга тўлиб-тошган, серғайрат, одамохун инсон сифатида намоён бўлганди. Кейинги икки-уч учрашувда ҳам шу фазилатларини тўла тасдиқлаган, ҳатто янада мукамаллашган, улғайган эди. Бир сафар тўйга бошлаб борган, ҳаммага «Қадрдон акам» деб таништирган, шаҳарга алоҳида машинада кузатиб, багажга бир қопдан гуруч, картошка, пиёз ташлаб қўйишни ҳам унутмаган эди. Бугун... Мана оқибат, мана ўсиш.

«У синибди, — деган ҳукм келди фикрга, — лекин ўзини тиклаши керак. Айни кучга тўлган пайтда синиб кетаверса, увол. Ўзини тиклай олармикан?!»

У ўзини тиклаши керак. Мустақилликнинг талаби шундай.

2004 йил.

КЎПКАРИ

Тизма тоғлар қуршаб олган хилватдаги қишлоқни босиб турган зулмат тарвузи ёрилди, кун чиқиш тараф йиртилиб, уфқ кипригини кўтарди. Осмонни кўтариб турган чўққилар ортидан бошланган равшанлик аста-секин ўрмалаб, борлиққа тарала бошлади. Азбаройи ҳавонинг қаҳратонлигидан ташқарига чиқишга ботинолмаган хўрозлар катакларидан хирқираб қичқиришга бошладилар.

Тонг отиб келар, қишлоқнинг янги куни бошланаётган эди.

Кексайиб, кам уйқу бўлиб қолган Арбоб Қарчирайбобо (айниқса, унга узун қиш кечалари тонг отириш азоб эди) қалин бостириб тўшалган кўрпалар қатидан сибжирилиб чиқди-да, туя жунидан тўқилган чакмонини елкасига ташлаб, ташқарига йўналди. Эшик қартиллаб очилди, у совуқ зарбидан музлаб қолган эди. Ташқарида, қияликда жойлашган қишлоқ ҳовлиларида онда-сонда отбозлар тутган фонусларнинг шуъласи милтилар, булутсиз осмон юлдузлар чаманзори билан музайян эди. Ҳамсоянинг меҳмонлари алақачон уйғониб, отларининг атрофида гирдикапалак бўлишар, жониворларни ялаб-юлқашарди.

Қишлоқда йигирма кундан бери узлуксиз тўй бўлаётган ва муттасил кўпқари чопилаётган эди. Шу туфайли саҳармардонданоқ жўшқин ҳаёт бошланар, одамлар эрталабки «жамоат оши»ни апил-тапил тановул қилиб, кўпқаридашгта ошиқишар эди. Каттакичикни сеҳрлаб қўйганди бу кўпқари. Ҳамма кўпқари жиннисига айланиб қолганди ўша кунлари.

Қўшни ҳовлидан ҳаяжонли овозлар эшитилди.

— Жониворни соат тўртларда тери қуриди, кўзим илингани йўқ, олдида ўтириб чиқдим. Ҳозир бир қашлаб, ҳовуздан сувлаб келдим.

— Сен, жинхўр, қачон бўлсаям отнинг тагида ўлиб қоласан. Емини қолдирмай едимиз? Бир боғ ганнимак (беда) керак эди-да. Бу Юсуф (уй эгаси)нинг сомонхонаси тешилган экан. На шевар бор, на йўнғичқа. Озгина қабзантириб олсам, девдим.

Узоқроқдан отнинг шанғилаб кишнагани, ер те-

пингани эшитилди. Кимдир даранглатиб печка карнайининг қуримини қоқди.

Бобо ҳафсала билан майдаланган арча пайраҳаларини билагида қисиб келганда, кампири ҳам уйғонган, туриб, печнинг кулини олишга тутинган эди. Ҳадемай, қўрда олов гурилади, аланганинг шуъласи деворларда ўйнар, оҳиста гувиллаган овоз қулоққа чалинади Уйнинг ҳарорати кўтарилгач, кўрпалар билан ўраб қўйилган, ширин ҳароратта чўмган бола терлаб кетдими, устидагиларни тепиб ташлади-да, уйқу аралаш кўзларини ишқалади, сўнг қўлларини озод ёзиб юбориб оҳиста пичирлади. Унинг гунчадек лаблари орасидан шу сўзлар сизиб чиқди: «Кўпкарига бораман...»

Ёноқлари қизарган, қошлари билинар-билинемас учиб турган нурийдасининг бу масъум ҳолатини кузатиб ўтирар экан, бобонинг юраги ҳаққириб, кўнгли тўлиб кетди. Боланинг оҳиста саси унинг қалб деворларига босқондан ҳам кучли зарб билан урилган эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Холмурод Эшмуродов ҳикояларидан: «Кўпкари биз болалар учун энг мароқли томоша эди. Кўлдаши (кўпкари чопиладиган майдон)га от чиқишини дилдираб интиқлик билан кутиб ўтирардик. Фақат биз эмас, катталар ҳам ҳамма ишини йиғиштириб, томошага боришарди. Мана, ниҳоят сўйилган така келтирилади. Уни чавандоз (бизнинг шевамизда «чавағон»)лар ердан кўтариб, пойчасини эгарга қистиради-да олиб қочади, бошқалар қувади. Ҳадди сизса тортишади, ҳатто тортиб ҳам олади. Ҳеч бир отлиқни етказмай яккалаб чиққан чавандоз ҳалол бўлади ёки айиради, яъни волиб ҳисобланади. Дастлаб отлиқларнинг ҳаммаси тўплангунча шунчаки чошиб турилади. Буни «тани» ёки «шовулоқ» дейишади. Бунда зот, яъни мукофот қўйилмайди. Ярим соатлар чамаси шовулоқ чошиб, баданлар қизиби олгач, асосий кўпкари бошланади.

Баковул чавағонлар олдида қисқача ваъз сўзлайди. У айтадики: «Бугун фалончи бойнинг тўйи, неча йилдан бери йиғиб-териби элнинг олдидан ўтаяпти. Ҳалол чопасан, яккалаб оласан, мен «бўлди» десам, бўлди, «бўлмади» десам, бўлмади. Тўйчининг пулиям кўп, молиям кўп. Чавағонлар, тўйди ўйнаб-кулиб ўтказайлик.

Ол, мана шунинг 50 сўм пули, бир жуфт калиши, устига бир тикув машинаси ҳам бор». Шунақа гаплардан кейин баковул тақимидаги такани ерга ташлаб, ўзи четга чиқади. Ҳамма — албатта, қурби етганлар таканинг устига от ҳайдайди. Кимдир уни ердан кўтариб олиб жўнайди, бошқалар таъқиб қилади. Тўрт пойчани эгарга тортиб, қўли билан маҳкамлаб, роса талашади. Бу орада така икки-уч ерга ҳам тушиб қолади, яна кўтарилади. Хуллас, кимдир яккалаб чиқади. Ушанга баковул эълон қилган зот (уни «болғи», «соврин» ҳам дейишади) берилади. Энг фахрли зот тирик мол (эчки, қўй, хўкиз, туя) ҳисобланади. Ҳамма орзу қиладиган, талашадиган зот эса ўлик така, ўша олиб чопиладиган така. Уни айирган чавароннинг уйида ўша кеча байрам бўлиб кетади.

Кўпқари (уни баъзан оддий қилиб «улоқ» ҳам дейишади)нинг қачон пайдо бўлгани ҳақида манбаларда маълумот бўлиши аниқ; унинг бизгача етиб келган ҳолати ҳам, бу спорт тури (агар шундай аташ жоиз бўлса) анча қадим замонда пайдо бўлганидан дарак беради. Йиллар, балки асрлар давомида кўпқарининг ўзига хос қоидалари шаклланиб, сайқал топиб борган. Унинг рухсат бериладиган ва берилмайдиган талаблари, ўз қоидалари бор, шу жиҳатдан кўпқарини бевош отличлар оломонининг чопишиши эмас, ўзига хос миллий турмуш тарзининг бир кўриниши, деб баҳолаш лозим. Олайлик, чавандознинг устига от солиш, такани ишга тутиш ёки узангига қистириш тақиқланади. Ёки олиб чопиб кетаётган отличнинг сиртидан айлан-тириб тортиш ҳам мумкин эмас. Бундай талаблар бузилганда зот берилмаган, ҳатто қоидани бузган чавандоз тўдадан ҳайдаб чиқарилган.

Чавандозлар тўйлар мавсумида сафар ҳолатида бўлганлар, улар ойлаб қишлоқма-қишлоқ тўйлаб юришган. Ана шу аснода тўғри келган оилага тўғри келган отлич меҳмон қилиб жойлаштирилган ва бир кечадан бир ойгача ҳам тураберган. Меҳмон-меzbонлик давомида от еми (арпа) ва чавандозларга озиқ-овқатни тўй қиладиганлар бериб турган (уни «қўниқ» дейилади), қолган хизматлар уй эгаси зиммасида бўлган. Табиийки, меҳмон меzbоннинг оилавий шаънини қаттиқ ҳурмат қилган, ахлоқ-одоб талабларини

тирноқча ҳам бузмаган. Бу шартларни бузганлар қаттиқ калтакланган, ҳатто кўпқари қилинган, кейинги тўйларда эса уни меҳмончиликка қабул қилишмаган.

Тўйларда меҳмон кутиб олиш, уларни жойлаштиришнинг ўзи катта тадбир ҳисобланган. Одатда, қишлоқда дастлабки тўй бўлган хонадонда меҳмонлар кўшхоналарга тақсимланган. Махсус тайинланган, элнинг баланд-пастини яхши биладиган оқсоқоллар барча тарафларни ҳисобга олиб иш тутган. Бунда меҳмон ва мезбоннинг ёши, касби, мавқеи ҳисобга олинган.

Кўпқари — тўйнинг асосий воқеаси ҳисобланади. У меҳмонлар кўниқни еб, тонг оттирган кун чопилади. Кўпқарининг бир қанча унсурлари бор.

Така — отличларнинг оёғи остига сўйиб ташланадиган мол. Бунинг учун тўрт-беш ёшли така ёки серкалар махсус боқилади. У қанча оғир, тортишишга чидамли бўлса, шунча яхши. Бир тўйда бештагача така ташланади, улар галма-гал чопилади. Такаларнинг бирини ўз хизмати эвазига баковул олади.

Баковул — кўпқарини бошқарадиган ҳакам. У обрўли, инсофли, кўпқари шартларини биладиган кишилардан тайинланади. Баковулга қаттиқ талаблар қўйилади, ҳатто унинг овози чанқиллаган, жарангдор бўлиши, зотни эълон қилганда ёки «бўлди» деганда ҳаммага эшитилиши керак.

Зот — чавандозларга таъсис этилган мукофотлар. У пул, мол, турли буюмлар (чекланмайди) бўлиши мумкин. Баъзан кутилмаган зотлар ҳам ташланган.

Кўпқари — жуда қаттиқ ва шафқатсиз ўйин. От сурдовда чавандоз оёғини қайриб синдириб юбориши, эгардан тушиб кетса, туёқлар тагида қолиб шикаст топиши ҳеч гап эмас. Чавандозлар баланд пошнали ҳаққари этик кийишади, қўнжигача оёқни сақлаш учун ёғоч тахтачалар қўйиб олишади. Бошга қалин қилиб тикилган махсус телпак, кафтга филоф кийишади.

Кўпқаридаги муваффақият кўп жиҳатдан отга боғлиқ. Шу туфайли тулпорлар махсус парвариш қилинади.

Олий тоифали жарроҳ, от ишқибози Раҳматулла Файзуллаев ҳикояларидан: «Ёз тафти қайтиб, салқин тушгач, чопиладиган отлар байловга тортилади. Тинч,

ўтган-қайтгандан хилват сайисхонада от арқонга оли-
нади. Бу муддат қирқ кунгача бўлиши мумкин. Ем
(арпа) тўрт-беш килодан бошланади, ошириб борила-
веради, бир кунда зўр отлар 25 килогача ейдиган бўла-
ди. Жонивор яхши етилгач, етаклаб, ҳовлига олиб чи-
қилади ва яккамихга боғлаб қўйилади. Баъзилар от-
нинг баданини тузли сув билан ювиб юборишади. От
байловдан чиққан кун бирорта жонлиқ сўйиб, бобо-
ларнинг дуосини олиш ҳам мумкин».

Кўпқарига танланадиган от билан боғлиқ тафси-
лотлар ҳам бир дунё. Аввало, қадимдан асл тулпор-
ларни танлаш йўллари мавжуд, бу ҳатто кўплаб ки-
тобларда махсус акс эттирилган. Негаки, ҳар қандай
чорпоя кўпқарига ярайвермайди. Энг яхши улоқчи от-
лар бутун юртнинг фахри бўлган, юртнинг довуғини
узоқ-яқинларга таратган. Ҳар қандай от, айниқса, се-
вимли дулдуллар худди олифта йигитлардек ясанги-
рилган. Узангилари мисдан, ҳатто кумушдан бўлган,
унга ингичка нақшлар туширилган. Эгарларга пай тор-
тилиб, обдон елимланган, узоқ муддат қуёшда тоблаб
қурилган ва усти тўсланган. Баъзи эгарлар қиммат-
баҳо хазина сифатида авлоддан авлодга мерос бўлиб
ўтган. Отга ёпиладиган жул, эгарнинг тагидаги дик-
дикка, ёлпуш ва жулхезларга худди жойпўш (сўзана)га
ўхшатиб қизлар, келинлар инжа кашталар тикишган.
Айили, пуштанининг тўқасига олтин суви юргизилиб
жило берилган. «Отдир йигитнинг қаноти», деб улуғ-
ланган жонивор ана шундай эъзозланган ва ўз навба-
тида у ҳам чавандозини элга танитган, машҳур қил-
ган.

... Майдон отларнинг туёғи остида гувиллайди. Тул-
порлар чирпинади, силтаниб пишқиради, баъзан та-
жанг чавандознинг қамчиси ҳавода ўйнайди ва шар-
тиллаб отнинг бошига, сағрисига тушади. Қисувга қол-
ган жонивор ўзига йўл излаб суринади, ўзидан кучли
отнинг қовурғаси остида эзилади, оёқларидан мадор
кетиб, тўдадан сибжирилиб чиқиб қолади. Яна кучлар
талаш авжланади, така қўлдан қўлга ўтади. Отлар уюри
гувиллаб ўрнидан қўзғалади, баковулнинг ўктам овози
янграйди: «Ҳалоллайсан!» Ростдан, бу ўйин фақат ҳалол-
лик асосида пайдо бўлган, бу шартни бузганлар эса,
албатта, панд еганини одамлар гапириб юришади.

Майдоннинг кўз илғамас томонига сурилиб кетган тўда сачовраб, улоқни тақимига босган азамат «Ё, отам» деганича яккаланиб чиқди. Юз йиллардан бери давом этиб келаётган синовдаги ғолиблар рўйхатига яна бир йигитнинг номи ёзилди. Мана, у одамлар назарига тушди, энди асрий анъаналарга содиқ мухлислар унинг номи-ни ҳам такрорлаб юришади. Ҳолбуки, чавандозлик билан довруқ таратганлар кўп бўлган бу кўхна дунёда.

Ўқитувчи Ҳамро Узоқов хотираларидан: «Шаҳ-рисабз яқинидаги Аннай деган қишлоққа етганимизда кўпқари бошланиб кетган экан», — деб ҳикоя қилган-ди отам раҳматлик. Сурдов айланиб олдимишга келиб қолди. Арбоб Қарчиғай ҳам ҳали сафар жабдуқлари ечилмаган, хуржуни ҳам туширилмаган оти устида тур-рар эди, яқинлашиб қолган тўдани кўриб беихтиёр қўшилиб кетди. Ҳаял ўтмай ҳалоллаб чиқди. Баковул яна зот айтди. Бу сафар биров билан тортишиб тўда-дан чиқди Қарчиғай. Жуда олисга тортишиб кетди. Охири у рақибини эгар-пегари билан ағдариб, якка-лаб чиқди. Энди ҳамма ўраб олган, тавоф қилиб ётиб-ди. Келганимизда биров парво қилмовди, «Бизниқига меҳмон бўлинг» деганлар кўпайиб қолди».

Кўпқари чопиладиган майдоннинг томошабоп бўли-ши — унга қўйиладиган биринчи талаб. Қурғур томо-шабинлар ҳам отнинг тагида қолишдан кўрқмай қисиб келаверади. Ўзи, бу пайтда пиёда турган ўзини идора қила олмай қоладими-ей?! Рангида қон йўқ, қалтира-ганича чопиб, гоҳ бу ёққа ўтади, гоҳ у ёққа. Кейин эса таассуротларини йил бўйи гапириб юришади. Улар-нинг назаридан ҳеч нарса фориф бўлмайди: такани ким биринчи ердан кўтарди, кейин кимга кетди, ким қайси зотни айирди ёки неча марта айирди.

Томошабинлар сафида ёши ўтиб, букчайиб қолган бир чол ҳам бўларди, уни ҳар доим кўпқаридаштга кўриш мумкин эди. Бир сафар итни урса кўчага чиқ-майидиган қаҳратон совуқ бўлиб, қорбўрон турди. Шун-да ҳам бобонинг бир ўзи кўпқаридаштга борди. Унинг умри от устида ўтди, ёшлигини кўпқари суронлари олиб кетди. Йигитликда хуморини аёвсиз от суриш-ларда, тортишувларда қатнашиб ёзарди. Энди белда куч, кўзда нур йўқ. Энди ўша ёлқинли кунларини тушида кўради, тушлари энг азиз хотираларни кўзгаб

уни қийнайди, азоб беради. Шундай ҳолда уйда ўтириб бўладими? Элнинг орини олиб юрган, «юлдузни бенарвон ураман», деган йигит эди-я.

Ўқитувчи Музаффар Рўзиқулов ҳикоя қилади: «Отликлар тўйлаш учун Зармасга йўл тортишди. Қиш куни (кўпқарили тўйлар одатда шу фаслда ўтади) бўлганидан ҳаво совуқ, теварак оппоқ қор. Гуруннга ҳам иштиёқ бўлмай, зерикишдан мудраб боришарди. Аёз баданини чимчилаб ўтаётган Арбоб бир қизиби олиш учун отига қамчи урди-да, елиб кетди. Шу пайт одам бўйи келадиган нав-ниҳол арча атрофида жиловни қайириб, уни тақимига босди. Шерюрак, баҳодир йигит бўлган экан бобо ёшлигида. Кўпқарининг ҳадисини олган моҳир чавандоз эгарга ҳам олиб улгурган экан арча бутоғини, от бир силтанди-ю, изига тушди. «Ҳайт», деб ҳайқирганча оёғи билан тулпорнинг биқинига ниқтади. Яна бир силтанди-ю, узиб кета олмади жонивор. От ҳам чўққини кўзлаган, йигит ҳам билагига зўр паҳлавон эди. Ҳайвоннинг жони чиқди, кўзларига қон тўлди, чавандоз арча бутоғини яна ҳам беркитиб ушлади-да, овоз қўшди. Нағалланган туёқлар ерга зарб билан урилди, музлаган тупроқ тўзиб кетди, билаклар эса заррача толиқиш сезмай, оғирликни тақимларга, отнинг елкасига қапишган оёқларга ташлаб турарди. От ҳоримади, йигит қўйиб юбормади, минг йилни кўзлаган арча суғрилиб келмади. Тулпор учинчи депсинганида айл-пуштан шарт узилиб, эгар тушиб қолди. Тақими ана шундай маҳкам эди Арбоб Қарчиғайнинг».

...Юртимизда хилват, чекка қишлоқлар кўп. Улар тоғлар орасида, қум барханлари қуршовида, қуш ўтолмас қирлар оғушида жойлашган. Беш-ўнтадан уч юз-тўрт юз хўжаликкача жамулжам бўлган бундай гўшаларда одамлар худди катта шаҳарлардагидек бардам яшайдилар. Дабдурустан бориб қолган киши уларнинг қадрдон заминга боғлаб турган меҳр ришталарини бирданига пайқамаслиги мумкин, лекин бу ерлардаги турмуш тарзи соф, беғубор, самимий асосда қурилган, маънавиятда поклик ва ҳалолликка таянган. Шу туфайли ҳам бу жойлардан кўнгили узиб бўлмайди, худди зилол чашма бўйини тарк этиш мушкул бўлганидек.

Ана шу назарлардан йироқ манзилларнинг қайноқ,

гуриллаган даври тўйлар ўтаётган кунлар бўлади. Зериккан кўчаларга одам сифмай кетади, осуда хонадонларга меҳмонлар билан меҳр ва жўшқинлик кириб келади. Узоқ вақт учрашмаган қадрдонлар бир-бирларига бағрини очади, кўпқаридашдаги қийқириқлар билан ҳар қандай гина-кудурату бошқа ғуборлар кўтарилиб кетади. Эл яна кейинги йиллардаги шу мавсумгача куч-қудратга, ҳаётсеварликка маъмур бўлади. Шу туфайли одамлар тирноқ билан ер қазиб, емай-ичмай тўйга ййғади, ҳеч бўлмаганда юртга бир марта дастурхон ёзишни ўзининг тириклик қарзи, деб билади.

Тўйларга қанча кўп меҳмон келса, унинг довуғи шунча баланд бўлади. Шунингдек, тўдани қоқ ёрган чавандозлар-у, билагини мойлаган полвонларнинг қайси сувлат (сув ўзани бўйидаги аҳоли яшовчи жойлар)га қадам ранжида этиши ҳам одамлар назарида туради. Энг обрўли тўй — яқин атрофга донг таратган чавандозлар-у полвонлар бир даврада тўплангани ҳисобланади. Шунда совринлар ҳам аялмайди, тўйчи бор бисотини майдонга чиқариб тўқади. Энг катта зотни айирган чавандоз эса узоқ йиллар эслаб юрилади.

Акам Нормат Сатторовнинг боболаридан эшитган ҳикояси: «Калтақўлик Мавлон жўрабоши ўғлини уйлантирадиган бўлибди. Ўшанда унинг мўйловини болта кесмайди, яқин атрофни кучи билан ҳам, бойлиги билан ҳам қўлига қаратган. Келин тўйида камдан-кам ҳолда кўпқари берилади, лекин Мавлон кимлигини кўрсатиш учун етти иқлимга жар солиб, катта кўпқари беришини, унинг бош соврини одам..., ҳа, қошликўзли, сендек-мендек инсон бўлишини маълум қилибди. Талабгорлар бир кун, икки кун олдин етиб келиб, отларини совитиб турибдилар. Бу ёғини эшитсанг, ўша зотга тикилган одам Арбоб бобонинг қайнотаси экан. Бечоратоб, уқувсизроқ одам бўлган чоғи, бойдан қарз кўтариб узолмаган. Бир умр даргоҳида ишлаб беришга рози бўлиб келган. Жуда ҳаддидан ошиб, димоғи шишган Мавлоннинг калласига чолни кўпқарига тикиб обрў орттириш фикри келиб қолган. Боболаримиз айтарди, ўшанда Арбоб Қарчиғай 25—30 ёшларда, ялқиллаб чиқиб назарга ташланган пайтлари бўлган экан. Орияти қўзғаб шу «зот»ни қандай бўлса-да, ўзи ҳалоллашга аҳд қилибди».

Бугунги кўпқари мисли кўрилмаган бўладиган чоғи. Майдон отликқа ҳам, пиёдага ҳам тўлиб кетган. Айниқса, совринга аталган кўзи-улоқлар қамалган кўтон атрофида одам тирбанд. Ҳамманинг кўзи бугун зотга тикилган одамга қадалган. У эликдан ошган кўса бир киши экан. Устида янги якак (бойнинг қувагини қаранг), боши эгилган, қадди букилган, шохдор кўчқорнинг панасига ўзини олиб, ерга тикилганича эгилиб ўтирибди. Унинг тақдири нима бўлади, ким айиради? Бирор тантироқ одамга насиб этса, қўйиб ҳам юбориши мумкин. Ёки бошқа тўйга тўёна қилинса, тўйдан яна кейингисига ўтади. Бунинг насл-насабини суриштирадлар, бу қариндошлари учун иснод эмасми? Бечора чол... Ҳаммадан уни томоша қилаётганларнинг назари ёмон, эркак кишини ер қилади.

Арбоб бир-икки улоқ олиб қочди-да, четта ўтиб, отдан тушди. Тақдир унга бугун оғир вазифа юклади, агар қайнотасини номусдан қутқармаса, дунё унга қоронғи. Оғир хаёл остида ўтирган йигитнинг ёнига ҳамқишлоғи Мавлонқул келди, гапни чалғитиш учун деди:

— Худо менга ҳам фарзанд ато этса, кўпқари бериб...

— Сен ҳам одам тикасанми? — жаҳл билан деди Қарчиғай.

— Жўравоз итлик қилди, — унинг ҳам эзилганлиги билиниб турарди. — Биз ҳам йигитмиз-ку.

Бу «орни қўлдан бермаймиз» дегани эди. Қуролпасининг (қуролпа — тенгқур дўст) бу гапидан Арбоб қаддини кўтарди. Демак, жўралари қанотига киради.

— Ғофирбойга айт, аргумоғини менга берсин, сен Бозорбойнинг шапқурини мин.

Кўпқари авжида, бош зотни ташлаш фурсати ҳам яқинлашганга ўхшайди. Сувсар телпак, қордек оппоқ чакмон кийиб, ўзини кўз-кўз қилиб юрган Мавлон жўрабоши ҳам кийимларини ўзгартириб тўдага кирибди. Остидаги зулукдек қора тулпор ўйноқлайди, хойнаҳой, у бош зотни ўзи ҳалоллаб, яна доврўф тара тишга астойдил иштиёқмандга ўхшайди.

— Йиғил, катта айтаман, — деб ҳайқиради баковул. У чавандозларнинг гайратини жўштириш учун ҳар

хил ҳйллалар қилар, зотни бир валтақдан бошлаб, ҳўкизгача кўтарарди.

— Армонда қолма, от-отингни эгарла, — жар солди баковул, — энг катта зотни ташлайман. Ҳалолла-санг, қўйингни боқади, ҳовлингни қўрийди, ўлгунича хизматингда бўлади.

Барчани тўплагач, бир овоз билан эълон қилди:

— Ол, мана шуни ичида одами билан янги яктаги бор!

Ҳамма ўзини тўдага урди. Қийқирув, сўкиниш, шовқин-сурондан майдон ларзага келди. Улоқ ерда ётар, уни кўтаришга ҳеч кимнинг қурби етмасди. Анча урсурдан кейин тўда гуриллаб қўзғалди. Таканинг бир пойчаси Берди гунгда, бири Мавлонда эди. Арбобнинг арғумоғи жадаллаб, кўтарилган улоққа еткарди. Ёнида қишлоқдошлари — мулла Камол, Баҳром, Тоштемир ҳамкорлик қилиб келаяпти. Мавлонқул минган шапкўрнинг тўдани суриш одати бор эди, у жўрабошининг ёнидан от солди. Ора узоқлашиб, пойча Мавлоннинг қўлидан шартиллаб чиқиб кетди. Бўрондай кўчган тўда бу пайтда майдонни икки айланган, фақат санокли отларгина илашиб келарди. Арбоб такани яхшилаб беркитди, ҳам тақимга олди, ҳам эгарга солди. Ғофирбойнинг арғумоғи юлдузни кўзлаган от эди, олди очилса ўзиб чиқишига тараф йўқ. Жонивор пишқириб икки силкинди, улоқ бошқалардан озод бўлди. Арбоб фақат жўралари қуршовида борарди, кўнгиллари тўлгач, сочавраб ёйилиб кетишди. Арғумоқ анча ўзиб кетганди, ёнида бораётган Мавлонқул унинг сағрига икки қамчи урди-да, изиллаб йиғлаб юборди. Бош зотнинг тақдири ҳал бўлганди.

Кейинчалик Яккабоғ беги бу қилиғи учун Мавлон жўрабошини қаттиқ койиган экан. «Шундан кейин бирор кўпкарида одам тикилганини эшитмадик», — деб эслашади кексалар.

Ўзига хос мардлик, тантилик, ҳамжиҳатлик кўриғи бўлган бундай ўйинлар ўз тарихида кўплаб ҳаяжонли, баъзан кулгили воқеаларга бой бўлган.

Кўпкари ишқибози Аллаберди Мусаев (ҳикояларидан) ҳангомаларидан: «Кўпкарига катта-кичик отлиқ-пиёда бир хил қизиқади. Бир жойдан тўйнинг дарағи эшитилса, дилдираган тойи борми, чўбири бор-

ми, миниб бораверади. Яна унинг кўнглида энг катта зотни айиришдан умид ҳам бўлади. Раҳматли Турди чўлоқ тойини дикирлатиб бир четда турган экан, бирданига тўнадан улоқни яккалаб чиққан чавандоз пайдо бўлибди. Камқовурга той кўрққанми, шарикқанми, бориб чавандозга ўзини урибди. Ўтакаси ёрилган Турди чўлоқ бу ёғини билмайди. Фақат қулоғига «қол-а, бўйингдан», — деган гап кирармиш. Кетибди, кетибди, охири чавагон «бор-э» деб такани ташлаган экан, чўлоқ ҳам отдан шалпилаб тушиб қолибди. Маълум бўлишича, чавандоз биров ёпишгач, кимдир тортишиб келаяпти, деб ўйлаган ва ундан қолишини сўраган. Аслида кўрқиб кетган Турди чўлоқнинг қўли эгарнинг қошидан ўтиб кетган, тойнинг устидан юлқиниб, така билан осилиб келаётган экан».

От билан дўстлашган, тиллашган кишиларда ўзгача улуғворлик, мағрурлик бўлишини кўп таъкидлашади. Аслида отда юришнинг хосияти кўп. Эгар устида чайқалиб кетар экансан, ўзингни бошинг кўкка етгандек ҳис этасан. Илкис, майин силкинишлар вужудга аллақандай ҳузур бағишлаб, чарчоқларингни ёзгандек бўлади. Сезгир, ҳушёр, фаросатли бу жонивор одам зотига жуда кўп яхшиликлар қилган. Шу туфайли айрим тулпорларга худди қаҳрамонлардек ҳайкаллар қўйилган, улар тўғрисидаги хотиралар барҳаёт яшаб келади. Ҳатто устидан йиқилган кишини ҳам от авайлар экан. Халқда «от йиқитса ёлини тўшайди» деган гап беҳудага пайдо бўлмаган. Отга тақдирини боғлаганлар ҳам бошидан кўплаб кескин воқеаларни кечирган. Жумладан, кўпкарида доврўғ таратган Арбоб бобо ҳаётдан яна бир лавҳа.

Қишлоқ оқсоқоли Мейлиқул Тўхтамишев эслайди: «Кўпкари жуда қаттиқ, ҳам қалтис ўйин. Агар ҳадисини олмаса, биринчи қадамдаёқ шикаст топиш ҳеч гап эмас. Жонивор от издиҳомдан қутулиш учун жон-жаҳди билан талваса жарми, чуқурми, ўзини отади. Бир кўпкарида Арбоб тоғанинг оти ялтираган музга тўғри келиб қолган. Тойиб кетиб, қаттиқ депсинган ва улоқ билан келаётган Арбоб ҳам эгардан учиб кетган. Ўзиям ўн қадамлар тойрилиб борган, дейишади. Шунда музга юзи билан тушган, пешанаси ёрилиб, териси қошининг устига тўда бўлиб қолган экан.

Хушини йўқотган чавандозни уйига олиб борганлар. Терини юқорига тортиб, пешанани маҳкам тангишган. Қушноч олов солиб эласлаган, темирчининг дўконидан олиб келиб қўрқув суви ичиришган. Хушига келган тоғани яна суяб отга миндирганлар-да, кўпкарига олиб чиққанлар. Ирими шунақа бўлган: хушини йўқотган одамни яна қайтариб тўдага солмаса, гаранг ёки жинни бўлиб қоларкан. Арбоб тоға дастлаб ўзини билмай турган, кейин шовқиндан боши очилиб, кўпкарига кириб кетган. Шунда ҳеч нарса бўлмагандек, охирги ўлик такани айирган экан».

...Мана, куёш ҳам кўтарилиб қолди. Тош қотиб музлаган ернинг усти терлашди. От туёқлари изида ҳосил бўлган кўлмакчаларда сув томчилари йилтирай бошлади. Анчадан бери томошабинлар сафидан ўрин олган Арбоб бобо таёғини белига тутиб, кўпкаридаштга йўл олди. Уни кўплар танийди, кўплар танимади. Олдинги шуҳратлар йиллар губори олдида хиралашган, кўпкари отлиқ кураш майдони янги-янги қаҳрамонларни кашф этган.

«Ҳамма нарса унутилади, дунё боқий тураверади», деганларидек, кўплаб ҳаяжонлар, кулфат ва шодликлар уммонида тирикликнинг бу унсури ҳам бойиб, тўлишиб, яшаб қолаверади. Аслида кўпкари ҳам халқимиз ҳаётининг бир парчаси, айнан ўзи эмасми?! Қолаверса, ҳаётнинг ўзи катта кўпкари-ку! Фақат имкон ва эҳтиёж даражасида баъзан от бўлса, майдон йўқ, баъзан майдон бўлса, от йўқ. Шунингдек, тирикчилик доволарида бир зум нафас ростлаб, ўз-ўзингга «нима қилиб юрибман?» тарзида савол бериб турганида маҳзун туйғуларингни фаромуш қилиб, бир садо қулоққа элас-элас чалингандек бўлади:

— Ҳайда, чавағон! Катта айтаман...

1995 йил, декабр

БИР ТОЛА НУР ЖИЛВАСИ

АКАДЕМИК ХОЛМУРОДОВ

Бундан 7-8 йиллар олдин вилоят газетасининг мухбири иш билан пойтахтга тушди-да, ўзича «катта ўлжа» билан қайтишни мўлжаллади. Омонат хонада ўтириб олиб, 5-6 жойга қўнғироқ қилгач, керакли рақамни топди. Тўғри келганики, гўшакни академикнинг ўзи кўтарди. Ҳаяжонини босиб ололмаган мухбир саломалиқдан кейин «мен...» деди-ю, тўхтаб қолди. «Мухлисингизман» десинми, йўқ-э, ахир ул зот машҳур артист ёки ёзувчи эмас-ку. Нариги томондаги ўктам, салмоқли овоз эгаси давомини кутарди. Ҳаяжон тўлқини журъат билан алмашди-да, дадил гапира бошлади.

— ... ҳамюртингизман. (Бу сўзда шаккоклик йўқдир, ахир Ўзбекистон — ҳаммамизнинг юртимиз). Сиз ҳақингизда газетага ёзмоқчиман.

Бу сафар «у томон» тўхтаб қолди. Эҳтимол, қардош мамлакатда йигирма йилдан кўпроқ яшаб келган одамга балки ҳеч ким бу таклифни айтмагандир ёки мухбирнинг гапи эришроқ туюлгандир. Ҳар ҳолда гўшакни қўйиб қўймади, бир оз қизиқиш ва ҳатто иштиёқ билан сўради:

— Нима деб ёзасиз?

— Илмий кашфиётингизни...

— Биз кўзга кўринмайдиган нарсалар билан ишлаймиз. Иннанкейин, хулосаларимиз зерикарли (яъни мураккаб, англаш қийин демоқчи). — Бир оз тўхталиш. — Очиги, халқ... тушунармикан? Хўп, майли, эртага қўнғироқ қилинг, ўйлаб кўрамыз.

Бу таклифни илтифот деб бўлмасди, «келаверинг» деса ҳам бўларди. Ўша «зерикарли» монографияларидан бирини бериб, «мана шунинг маъзини чақиб келинг, кейин гаплашамиз», деса-ку осон қутуларди. «Эртага қўнғироқ қилинг». Яна «ўйлаб кўрамыз».

Ўшанда «халқ... тушунармикан» деган гаплар ўзи-

ни катта олишдек туюлган, хуллас, биринчи суҳбатдан ҳафсаласи пир бўлганди. Шундай қилиб, кейинги кун қўнғироқ қилмади.

Ойлар йилларни қувиб ўтди. Мухбирнинг қалбида анор донасидек армон ётарди. У бир оз ўжар эди. Энди академикни сиртдан «ўргана» бошлади. Қизиги шундаки, ҳамма — ҳамкасб қаламкашлар, шоирлар, деҳқонлар, ул зотни билган кишилар нуқул ижобий гап айтарди: «йирик олим», «одамохун инсон», «ажойиб ташкилотчи».

Энди мухбир пойтахтдан қўнғироқ қила бошлади, бироқ олим барибир бўй бермасди. Бир сафар «Академиянинг катта ҳисоботи бор, шуни ўтказиб олайлик» деди. Яна «Илмий текшириш институтининг янги биносида қурилиш битай деб қолди. Шундан кейин гаплашайлик», деб орқага сурди. Буларнинг ҳаммаси иштиёқни кучайтирар, холис ахборотлар туфайли эса «акамик»га самимий ҳурмат пайдо бўлган, газетачи билан гаплашишга рўйхушлик бермасликда заррача тақабурлик ёки беписандлик йўқ, бу соф камтарликдан эканлигига ишонч уйфонганди...

Кутилмаганда олимнинг ўзи сим қоқиб, бир анжуман ўтказилаётганини маълум қилди-да, «Хоҳласанг — бор, кўп нарса ўрганасан» деди. Ўша ерда институт фаолиятига доир маълумотлар билан таништирар экан! «Энди сен ҳам микробиолог бўлиб кетасан», деб ҳазиллашди.

* * *

Асқар Фаниевич Холмуродов қалин гардишли кўзойнаги ортидан беозор тикилиб турди-да, изоҳ бериб шундай деди:

— Асосий йўналишларни тушуниб олдинг, сенга соатлаб маъруза ўқишим мумкин. Бунинг учун ё диктофонинг бўлиши, ё мана бу (бошини нуқиб кўрсатиб) яхши ишлаши керак. — Доим қувноқ бардам кайфиятда юрадиган олим одатига кўра яна лутф қилди, — ўрганиб олсанг ёзаверасан, мана Санобар опанг ҳақида. Қаҳрамон аканг ҳақида...

Ростдан, олимлар ҳақида ёзиш керак. «Илм — ўзни англамоқдир» (Ҳадис). «Илм олиш игна билан қудуқ қазишдек машаққатли иш» (Ҳикматли сўз). «Билим,

фақат билимгина инсонни озод ва улуғвор қилади» (Писарев). Яна ҳурматли устозимнинг бир гапини бот-бот эслайман: «Илмга интиланларнинг маълум қисми олий маълумотли бўлади, озчилик олимликка эришади. Олимликда саноқли кишилар фанда ўз йўлини очади, мактабини яратади». Балли, бироқ Асқар ака ўзини мақтамасликни қаттиқ илтимос қилган, фақат нима бўлса, шуни кўрсатиш керак. Бу эса осон эмас, биз баъзан кўриб, ушлаб турган нарсаларнинг моҳиятини тўла англай олмаимиз-ку. Илмдаги, тафаккурдаги кашфиётлар эса фақат юрак ва мия орқали қабул қилинади. Биз бунга тайёрмиз — кетдик.

* * *

Олам сирини синоатларга тўла. Инсон ўзини англай бошлагандан буён ана шу қўриқни очиш, дунё жумбоқларини тушунтириб беришга интилади. Жумладан, бизни кўринмас мавжудотлар қуршаб олган ва тева-рақда аёвсиз ҳаёт-мамот кураши бир зум тинмайди. Мана, бир киши эснаса, бошқалар ҳам ихтиёрсиз так-рорлайди. Қизик-а, бу нимадан? Мабодо, ана шу кичкина ҳолатнинг ўзини таҳлил қилганда ҳам унинг замирида бир дунё мўъжиза борлигига гувоҳ бўламиз. Яна ҳиднинг тарқалишига эътибор беринг. У учиб келдимиз, юриб келдимиз ва қандай тарзда бурунда жойлашган ҳид билиш толаларини қитиқлаб, қўзғалиш юзага келтирди? Саволлар, улар жуда кўп ва ана шу жумбоқларга йиллар оша изланган жавоблар бир манбага тўпланиб, кўп тармоқли муаззам бир фанга айланган:

— Микробиология!

Микроорганизмлар — бактериялар, вируслар, микроскопик замбуруғлар ва бошқалар «дунёни бошига кўтариб, тўполок қилиб» юради. Бири касаллик қўзғайди (маълумки, вабо, ўлат каби офатларнинг бошловчиси ҳам шулар), бири бижғитади ёки бузади. Табиатдаги мувозанатни қарангки, уларни жиловлаб турадиган «миршаб»лар ҳам ўзларидан, фақат (бу ҳам бир қонуниятта ўхшайди) ижтимоий ҳаётдаги яхши кучлар ғамхўрликка муҳтож бўлганидек, хайрли ишлар қиладиган кўринмас вужудлар ҳам парвариш ва эътибор талаб қилади. Қолаверса, уларнинг атомдан кам

бўлмаган қудратини Инсон ҳазрати олийлари манфатларига хизмат қилдириш мумкин.

Академик Асқар Холмуродов бутун илмий фаолиятини ана шу кўринмас олам сирларини очишга бағишлади. Агар ҳаёт йўлининг қирлари, чўққиларини Тошкент дорулфунунидаги таҳсил, академия зоология-паразитология институтида илмий ходим, Украина Фанлар академияси А. Палладин номидаги биокимё институтидаги йигирма йиллик жўшқин фаолият ва, ниҳоят, Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институтига раҳбарлик деб белгиласак, бу тифиз ва сермаҳсул йилларнинг мазмунини қисқача шундай ифодалаш мумкин: Асқар ака барча ҳаракатланувчи тўқималарда яшовчи ва фаолиятни бошқариб турувчи микроорганизмлар дунёсини кашф этиб, уларни «қулоғидан чўзиб» инсоният манфаатларига хизмат қилдириш санъатини эгаллади. Ҳамкасбларнинг эътироф этишича, бу оламшумул ютуқ!

Фаннинг худди шундай соҳаларидан бирига ўзини бағишлаган олимлардан қайсисидир кейинчалик «Умримнинг 35 йилини бармоқдай шиша идишга термулиб ўтқаздим» деб ёзганди. Бошқаси эса заҳарли вирусни ўз вужудига юқтириб, тажрибалари нагижасини текшириш чоғида ҳалок бўлганди. Бу олимлар фидойилигини бир сўз билан «жасорат» деб баҳолашади. Менимча, илмдаги жасорат энг олий қаҳрамонлиқдир.

Микробиолог олимнинг ўз дунёси бор. У бир томчи сувда жойлашган. Олим бу дунёнинг йўларида йиллаб сарсон кезади, унинг шаддот ва тартибсиз «фуқаролари» билан тинимсиз мулоқотлар олиб боради, музокаралар юритади. Миллион марта катталаштириб кўрсатадиган қудратли микроскоп деразаси орқали намён бўлувчи бу олам сирларига етиш тадқиқотчидан миллион карра сабр талаб қилади. (Ҳозирги энг замонавий электрон микроскоплар 20—25 ангстрем катталиқдаги микроорганизмларни кўрсата олади (ангстрем —мм.нинг млн.дан бир улуши), бактериялар 10—500 ангстрем катталиқда, 1 см кубда 1 млн.гача биотўқималар бўлади.) «Сир»лардан бири эса — биотехнология — ўсимлик, ҳайвон, инсон ҳужайраларида умумбиологик қонуниятлар асосида кечадиган жараёнларнинг технологик ечимини топиш, уни техно-

логияга кўчириш, ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш-дир. Барча мавжудотларнинг онаси — табиат бўлганидек, жами кашфиётлар ҳам ундан олинади. Ана шу мақсад йўлида микроорганизмлар тайёр дастёр бўлиши мумкин. Жумладан, аср бошларида организм фаолиятини кучайтирадиган дармон-дорилар яратиш ғояси пайдо бўлди. Олайлик, танада керакли, масалан, кўриш қобилияти сусайганда уни фаоллаштирадиган модда узоқ давом этадиган табиий жараён орқали ҳосил бўлади. Шунингдек, лаборатория шароитида синтезлаб, организмга юбориш ғояси амалда ўз исботини топди ва витаминлар кашф этилди. Бу ҳали катта ишнинг бошланиши бўлиб, илмдаги янги уфқларнинг очилиши эди. Асқар Холмуродовнинг мазкур йўналишга қўшган ҳиссаси шуки, витаминларнинг одам ва ҳайвон ҳужайраларига таъсирини РР витамини (никотин кислотаси) мисолида текширди ва шу йўналишда янги хулосалар, ечимлар кашф этди. Шунингдек, изчил изланишлар туфайли ҳужайралараро муносабатларни таъминлашда никотин кислотасини ташийдиган махсус оқсилларни ҳам А. Холмуродов биринчи бўлиб ажратиб олди. Шунингдек, уларнинг хоссаларини ўрганиб, биологик моҳиятини асослаб берди.

Табиийки, бу жумлалар ҳар қандай бадийликдан йироқ, соф илмий хулосалар баёни. Баъзан кўз олдинга буюк ақл эгаларини келтирсанг, улар дунёни кафтида ушлаб туриб, роса айлантриб томоша қилгандек таассурот пайдо бўлади. Аслида, оламнинг моҳиятини ҳам энг тўғри 2-3 жумлада ифодалаш мумкин. Бу сиқик иборалар ҳам тинимсиз изланиш ва азоблар, кунларни тунларга улаб ўтқазилган кузатишлар асосида қўлга киритилганки, афсуски, улар ечимларда сўз билан ифода қилинмайди. Асқар ака бу натижаларни Украина Фанлар академияси лабораторияларида қўлга киритди. Илмдаги изланишларнинг чегара билмаслиги, оламшумуллиги шундаки, дўстлар унга бағрини очди, парвозига қанот бағишлади, изланишларини қўллаб-қувватлади.

Тадқиқотларини давом эттириб, дастлабки кашфиёт учун асос бўлган никотин кислотасининг янги хоссаларини ўрганди. Табобат ва чорвачилик учун жуда асқотадиган бу модда махсус завод ва цехларда ўн

бир босқичли кимёвий технология асосида, чет элдан валюта ҳисобида харид қилинадиган бета-пиколин деган моддадан синтез қилиб олинарди. А. Холмуродов ҳам технология, ҳам табиий заҳираси жиҳатидан қимматта тушадиган никотин кислота ўрнини тўла босадиган корник деган препарат яратди. Корник саноат йўли билан бир босқичда синтез қилинади. Унинг ижодкори мамлакатдаги табиий манбаларини ҳам қидириб топди. Ана шу кашфиётнинг ўзиёқ олимни халқаро доирага олиб чиқди. Бу муваффақият собиқ Иттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг икки медали билан тақдирланган, олим Украина Фанлар академиясининг А. Палладин номидаги мукофотига сазовор бўлган эди.

Никотин кислотаси билан боғлиқ тадқиқотларини давом эттириб, кашфиётнинг янги қиррасини ҳам асослади. Тошкўмир смоласидан ажратиб олинadиган РР витамини (никотин кислотаси)ни синтез қилишда 3-метилпиридин яна бир саноат хомашёси ҳисобланарди. Бу жараён ҳам бир қанча босқичлардан иборат бўлиб, кагта сарф-харажат талаб қиларди. А. Холмуродов 3-метилпиридиннинг тирик хужайраларда функционал жиҳатдан тўлақонли никотинамид коферментларига айланишининг кўп босқичли ферментатив механизmlарини текширди. Кузатишлар, шу йўналишда дунёдаги бошқа олимлар эришган натижаларни солиштиришлар асосида ушбу реакцияларнинг хужайрадаги кечиш жараёнининг илмий таҳлилини биринчи бўлиб ишлаб чиқди. Бу кашфиётларнинг жами арзон ва самарали саналмиш корник препаратини яратишга асос бўлди.

Балиқчилик ва сув ҳавзаларида бойитувчи ва тўйинтирувчи вазифасини бажарувчи витаминли премикс-ни ҳам проф. А. Холмуродов яратди. У халқ хўжалигида кўпдан буён қўлланилади.

Айни пайтда олим асослаган бу ишланмалар Россия ва Украина микробиотехнология саноатида кенг қўлланилмоқда. Асқар ака 6 кашфиёт ва 2 патент муаллифидир.

Албатта, бу ютуқлар фанда эътироф этилди, олим асослаган етакчи йўналишнинг хусусий жиҳатларини тадқиқ қилишга киришган шогирдлар кўпайди. Киев-

да Фанлар академиясида «Холмуродов мактаби» пайдо бўлди. Кейинги йилларда биокимё институтида ўзи бошқарган бўлим тадқиқотлар ўчоғига айланди. Олимга берилган тавсияномада шундай сатрлар бор: «Фундаментал биокимё ва биотехнология соҳасида академик А. Холмуродовнинг тирик хужайраларда модда алмашувининг ацетил-КоА ва убихинон — 10 каби муҳим занжирларни метаболитлар ва витаминлар ёрдамида бошқариш механизмларини ўрганиш услубларини таҳлил қилишда ҳам йирик ҳиссаси бор. Унинг охириги йилларда айрим микроб хужайраларида ДНК биосинтези ва репликацияси жараёни НАДга боғлиқ АДФ рабозиллаштириш усули орқали ҳам бошқарилиши ва коферментларнинг рецепторлари ҳақидаги тадқиқотларининг натижалари илмий жамоатчилик орасида эътиборга лойиқ бўлди».

Илмда ўз йўлини кашф қилган биология фанлари доктори, профессор А. Холмуродов она-Ватанга қайтгач, катта илмий марказ — Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институтига раҳбарлик қилиш билан бирга илмий изланишларини жадал давом эттирди. Юрт меҳри, ҳамкасблар эътибори олимни янги кашфиётларга ундади. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил сўз юритиш қийин. Намуна тариқасида битта топилма юзасидан маълумот келтириш жоиз бўлса керак.

Пахтакор ўлканинг ташвишлари сирасида чигитни беҳато ундириб олишнинг ўз ўрни бор. Маълумки, тўлиқ кўчат — мўл ҳосил гарови. Бунга эришиш учун уруққа дастлабки ишлов бериш — уни экишдан олдин дорилаш катта аҳамиятга эга. Ерга тушган чигит камида 6-7 кун, ҳатто 10-15 кун қолиб кетади. Шу пайтда зарарли замбуруғлар — микроорганизмлар таъсирида чириб кетиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида ўткир заҳарли моддалар — фентиурам ва шунга ўхшаш аралашмалар билан ювиларди. Инсон саломатлигига, атроф-муҳит мусаффолигига салбий таъсир этувчи дорилар ўрнига самарадорлиги юқори, бутунлай зарарсиз янги препаратнинг яратилгани академик А. Холмуродов ва шогирдларининг кейинги муваффақиятларидан бири бўлди. Ҳозир кенг қўлланилаётган биоалан препаратининг таъсири 80 фоизгача бўлиб

(олдин — 60 фоиз бўлган), ғўзанинг вильта чидамлигини 25-30 фоиз кучайтиради, ҳосилдорлик гектаридан 4 центнергача юқори бўлади. Энг асосийси — бу усул тупроқнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир этмайди, инсон учун бутунлай зарарсиз.

Атроф-муҳит мусаффолиги учун курашиш олим илмий фаолиятининг муҳим йўналишини ташкил этмоқда. Эслатилганидек, кўзга кўринмас оламнинг яхши хулқли вакилларига раҳнамолик қилиш, уларни хайрли ишларга йўналтириш борасида салмоқли юмушлар бажарилди. Жумладан, оқова сувлар таркибини тозалаш юзасидан илмий ишланмалар таклиф қилинди. А. Холмуродов табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси кенгашининг аъзоси ҳам. Шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг микроб биотехнологияси, чорвачилик озуқаларини сервитамин бирикмалар билан тўйинтириш, баъзи касалликларни даволашда микроорганизмлардан фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар ҳам давом эттирилмоқда.

Зеро, Дидро таъкидлаганидек «Нарсалар қандай бўлмоғи лозимлигининг ҳақиқатда қандайлигини билиш тажрибали одамга хос; нарсаларни янада такомиллаштиришни билиш буюк одамга хос». Изланишларнинг нурли йўли олимни янги сарҳадлар томон етакламоқда.

Айни пайтда Микробиология институтининг 12 та лабораториясида фаннинг турли муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Академик Машҳура Мавлоний, профессор Ҳалима Асқарова билан бақамти 14 фан доктори, 48 фан номзоди, 90 илмий ходим фаолият кўрсатяпти.

Албатта, кичик жилғалар қўшилувидан ҳосил бўлган наҳр улкан уммонларга интилганидек, микробиолог олимларимизнинг хизматлари дунё миқёсида эътироф этиляпти, уларни ҳамкорликка чақирувчи илмий марказлар кўпайиб бораяпти. А. Холмуродовни камолга етказган Украина Фанлар академияси ҳамон уни ўз олими деб билади, бу ерда Асқар ака ўзи яратган илмий йўналиш бўйича кенгаш раиси. Ана шу ердан унинг дунёга парвози бошланган эди. Бир неча йиллар олдин Европанинг энг машҳур илм даргоҳларида ташкил қилинган йиғинларда «қорамағиз осиелик» ҳам

қатнаша бошлаганди. У рус тилидан ташқари инглиз, поляк, украин тилларида мукамал маъруза ўқишни ўзлаштирди. Россия Фанлар академиясининг рус ва инглиз тилларида чиқадиган «Амалий биохимия ва микробиология» журнали уни таҳририят аъзоси қилиб сайлаган. Таҳририят йўллаган хатда «Сизнинг илмий мақолаларингиз бир неча марта журналимиз саҳифаларини беаган» каби самимий эътирофлар айтилган. Беларус Фанлар академияси Биохимия институти витаминли ва коферментли субстанциялар биопродуцентлари соҳаси бўйича илмий ҳамкорлик қилишга розилик бергани учун олимимизга миннатдорчилик изҳор этади. Хатда Чернобиль фожиасини бартараф этиш учун яратилажак сервитамин маҳсулотларни биотехнологик синтез қилишда Асқар Фаниевичнинг никотикат, пантотенат ва тиамин синтетиклари ва юқори синтетиклари микроблари штаммлари бўйича асослаган хулосаларидан фойдаланишга изн сўралади. Бу ҳамкорлик келгусида янги кашфиётлар очилишига асос бўлишига умид билдирилади.

Илмий ахборотлардан хабар топган Исроилнинг Хайфа технология институти олимни ҳамкорликка таклиф килди. У дунёдаги энг йирик ўнта илм масканларидан бири ҳисобланиб, унда биотехнология факультети ҳам мавжуд. Асқар ака бу ерда икки марта маъруза қилган. Ҳамкасблар ўзбек олимнинг фаолиятига қизиқиб қолдилар ва уни ҳамкорлик қилишга таклиф этдилар. Ҳозир биотехнология соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш учун Америка—Исроил—Ўзбекистон уч томонлама лойиҳаси устида ишлаяпти. Унда фандаги ҳали ечимини топмаган, бироқ ҳал қилиниши сув ва ҳаводек зарур бош муаммоларнинг илмий калитини топиш учун масаланинг турли қирраларини бўлиб олиб тадқиқ қилиш кўзда тутилади. Ўзбекистонда бу соҳада дунёнинг икки етакчи маркази билан тенг фаолият кўрсатишга қодир илмий салоҳият етарли. Уч томонлама лойиҳа ҳамкорликда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири — омборларда ғаллани узоқ вақт сақлашни таъминлашга эришишдир. Маълумки, ҳамма (ғалла ўраси)да сақланган буғдой вақт ўтган сари зарарли микроб иштирокида бузилади. Ҳатто қизиб, ёнғин ҳам чиқади. Ана шу микробларни бартараф этув-

чи янги фойдали микроорганизмлар яратиш билан муаммони ечиш учун кучлар бирлаштирилади. Ёки бугун кўпчилик ошқозон яраси билан азоб чекмоқда. Касалликни бартараф этишга ёрдам берадиган микроорганизмлар мавжудлиги назарий исботланган. Олимларимизнинг америкалик, исроиллик ҳамкасблари билан ҳамкорлиги ана шу юмушни амалий жиҳатдан поёнига етказса, ажаб эмас.

Англиядаги Брайтон дорилфунуни жаҳондаги йирик биотехнология марказларидан бири. Ана шу марказ Асқар акани микроблар таъсирини юзага чиқаришда ирсият масалаларини татбиқ қилиш бўйича ҳамкорлик қилишга даъват этди. Бу жуда катта халқаро дастур бўлиб, лаборатория ишлари турли муҳитда — океан қаърида, қуруқликда, космосда олиб борилади. Таъминот жамғармаси бир неча миллиард доллар бўлган бу тадқиқотга дунёда машҳур бир қатор алломалар, хуллас соҳанинг даҳолари жалб этилган...

* * *

Шарқнинг қалби уммон файласуфларидан бири Яратгандан илтижо қилиб шуни сўраган экан: «Ижод ва илм аҳлига иккита умр ато этсанг. Улар биринчи умрида ўргансалар, иккинчи умрида эса ўрганганларини халққа ҳадя этсалар». Катта илм ва ҳаёт мактабини ўтаган Асқар Холмуродов айни яратиш, кашф қилиш палласида. Олим ўз эътиқодига содиқ қолиб, аниқ дастур асосида тифиз ишламоқда. Фаолиятнинг етакчи ғоясини алақачон топган: мустақиллик бахтига эришган она-Ватан келажаги йўлида хизмат қилиш. Зеро, алломалик бобомерос фарзанд учун бу ҳам қарз, ҳам фарз. Қирғоққа келиб урилган тўлқиндан баҳри муҳитнинг нариги четида ҳам қуруқлик борлигини инкишоф қилган буюк ақл эгалари, ерда туриб осмон тоқига нарвон қўйганча юлдузларни тасбеҳ доналаридек санаган илм қаҳрамонлари яшаб ўтган замин ўз авлодларидан абадул-абад мўъжизалар кутишга ҳақди.

Академик А. Ғ. Холмудоровнинг яқин келажакдаги вазифаси Ўзекистонда биотехнология саноатини яратишга ҳисса қўшиш. Ҳозир олимлар қўлида кўплаб тайёр ишланмалар мавжуд, бироқ уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш имкони чекланган. Бизда бу

тармоқда ишлайдиган йирик заводлар йўқ ҳисоби. Ҳолбуки, ўлкамизнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами жуда бой, дунё эътироф этган илмимиз бор. Демак, ҳар қандай дори-дармон-у асбоб-ускунани ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин. Бу борада амалий ишларга киришилди. Ўтган йили биотехника заводи лойиҳаси яратилган эди, ҳозир ишни бошлаш учун зарур маблағларни топиш устида бош қотирилаяпти

...Томга нарвон пиллапоялари орқали чиқилганидек, чўққига ҳам қадам-бақадам эришилади. Худди шунингдек, кўриниб турган жами мавжудот кичик зарралардан тузилган. Дунёни ларзага солувчи буюк ўзгаришлар дастлаб шу зарралардан бошланса ажаб эмас. Майда нарсаларнинг катта оламини тушуниш, улар билан тиллаша олиш имконини қўлга киритиш уларни йириклаштириб кўрсатадиган ўлчамлар даражасида меҳнат талаб қилиши шубҳасиз. Бугун Қашқадарёнинг Яккабоғ қишлоғини кўпчилик билмайди, бироқ унда туғилиб ўсган Асқар Холмуродов илм аҳлига яхши маълум. Бу, эҳтимол, юксак парвозларга қанот берган, кичкиналар оламининг катта олими шарафига муяссар этган зарраларнинг яшовчанлигидан, умри боқийлигидек бўлса, ажаб эмас.

* * *

«Халқ... тушунармикан?» Аллома билан хизмат юзасидан қисқа мулоқотларим давомида ҳар доим унинг шу гапи қулоғимда турди. Микроскоп остидаги бу текширув ашёсини танқиднинг ўта фаол коферментлари билан аёвсиз «бомбардимон қилиб», реакцияларнинг узлуксиз занжирини ҳосил қилдим ва ўз хулосаларимга эришдим. Бу эътироф, аслида, синиқ бир андишадан туғилган ва у тоза ҳокисорлик ифодаси экан. Унинг «анологи» эса мана бундай: «Халқимизнинг корига ярармиканмиз?!»

Асқар Фаниевич бир даста қоғозларни қўлимга тутқазар экан, астойдил тайинлади:

— Буларни архивимдан олиб бераяпман, йўқотиб юборма.

Қоғозлар билан танишиб эса уларни йўқотиб бўлмаслигини, йўқолмаслигини тўла тушуниб олдим.

1994 йил, октябрь.

БАРИБИР КҮНГИЛДА ЭЪТИРОФ ЯШАР

Адиб ҳузурига йўл олар эканман, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор миллий адабиётимиз вакили сифатида бир китобхонига — менга нечоғлик қадрли эканини хаёлдан ўтказиб бордим. Эҳтимол, илк танишув «Адолат» шеърӣй эртаги орқали бўлгандир. Биз, нечанчидир синф ўқувчилари, ўшанда бола зехнимиз билан қаҳратон қишда ялпиз излаб тентираган кимсасиз, сиғинди қизнинг аҳволига дилдан ачингандик, қўлида сават тутган чорасиз қизалоқ тушларимизда безовта қилган, у билан кўрқинчли ўрмонда адашганмиз. Бироқ эртакнинг руҳи ёрқин эди: мўъжиза рўй беради. Адолат суҳбат қуриб ўтирган ўн икки оғайнига дуч келади. Шунда ўринлар алмашади, оламга яшиллик ҳукмронлик қилади, қизнинг муроди ҳосил бўлади: ялпиз териб, уйига қайтади. Шеърнинг қофиялари зарбали, оҳанги дилга яқин эди. Ундаги жами фазилавлар: латифлик, эзгулик тантанасига ишонч ва бошқа сифатлар уйғунлашиб, бизнинг мурғақ қалбимизни кашф қилган, ўша мамлакатни, ўша оламни кўриш истаги орзуга айланган эди. Кейинчалик «Опа-сингиллар» романидан парчалар билан таништиришди... Шундан сўнг Асқад Мухтор асарларини излаб, топиб ўқийдиган бўлдим. «Туғилиш» романи босмаҳона ҳидлари ҳали кетмасдан қўлимга тушди, уни тўхталмай ўқиб чиқдим ва қайта ўқидим. Йиллар ўтди, бироқ ҳамон ўша таассуротлар эскиргани йўқ. Поездда кетаётган Луқмончанинг ҳолати кўз ўнгимда, унинг бухороча шевадаги гаплари эшитилиб тургандек бўлади. Романда ишончли акс эттирилган газчилар меҳнатининг романтикаси дунёнинг мавжудлиги бузиш эмас, қуришдан иборат, деган ҳақиқатни ўргатган бўлса, қаҳрамоннинг ўлими ҳаёт мазмуни, яшашдан мақсад ҳақида болаликданоқ ўйлаб кўришга ундаган...

Буларнинг барчаси кўплаб ёзувчилар қаторидаги бир ёзувчининг бизга инъом этган туҳфаси, бизнинг ундан ундирган хазинамиз эди. Шунингдек, ҳиссиётларимизни қайириб-қайириб ўз измига бўйсундирувчи ботиний эҳтиросга йўғрилган «ақлли» шеърлар, қардош адабиётлардан гўзал таржималар бутун бир халқ маънавиятига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бундай таассуротлар нақадар ёқимли. Бироқ зиддиятли кунларни бошдан кечираётган бир фуқаро сифатида қарама-қарши ҳислар оғушида эдим. Наҳот шундай бўлган? Дўрмондаги боққа боришда чап тарафдаги ўтлоқда кавш қайтариб ётган моллар ҳам шубҳали кўрина бошлайди. «Ахир булар давлат мулкани талон-тарож қилиб, колхознинг капасига ўт қўяпти-ку!» Бедазорда чордона қуриб ўйнаётган болаларнинг ўйинида социализмга қарши бирор нарса йўқмикан? Ростдан, дунёга шундай кўз билан қараш мумкин экан. Бирдан яйловда ҳузур қилиб юрган сағри ялтилаган шахсий молларни отиб ташлагим, эгаларини бадарға қилгим келиб кетади. Тирранчаларни қулоғидан осиб, товонига савалаш, уларга «ёрқин ғоя»ларни тушунтириб қўйиш нақадар завқли бўлса керак... Қуёш чиқиб келаётган муаззам Шарқдан эсан майин сабо эсимни ўзига келтирди. Бир зум олдинги хаёлимдан қаттиқ хижолат бўлдим. Қаранг, инсон вужудида эзгулик ва ваҳшийлик ёнма-ён яшайди. Баъзи машғум хатоларнинг сабаби озгина эҳтиётсизлик, совуққонлик деб изоҳланаётгани ҳам шундан эмасмикан? Яқин ўтган кунларимизда нималар бўлганини тўла идрок эта олмаяпмиз.

Суҳбатимиз ибтидосидаёқ шарқликларга хос самимият ва илтифот ўзига бўйсундириб олди. Бундай пайтда тилга асло гина-кудуратлар келмайди, аксинча, томонлар бир-бирига ёшилан қатъи назар иззат кўрсата бошлайдилар. Қолаверса, муборак 70 ёшга тўлган кишини эҳтиётсиз бир оғиз гап билан кўнглини оғритиш — гуноҳ. Лекин ҳамма нарсадан кўз юмиб ҳам бўлмайди. Олдинда бўлганга қийин дейдилар. Ўзбек шўро адабиётида қалам сурганларнинг иккинчи авлодига мансуб бўлган Асқад Мухтор таржимаи ҳолида даврнинг яхши-ёмон томонлари акс этмаслиги мумкин эмас эди. Судда гувоҳлик беришга ҳам, ишдан ихтиёрий кетишга ҳам, чет қишлоқларга қочиб юришга ҳам тўғри келган. Замона урчуғида роса чийралган адабни тақдир ҳам муносиб сийлади. Унинг асарлари Иттифоқ жумҳурияларининг барча тилларига ва ўнга яқин чет эл тилларига таржима қилинди. Зеро, бутунги кунда бундан ортиқ таскин йўқ. Асқад Мухтор — ўзбек адабиётининг шуҳратини юксак доираларга олиб

чиқа олган санъаткор. Албатта, жаҳон адабиётининг энг сўнгги ютуқлари даражасида туриб баҳо бериладиган бўлса, адибни бу қаноатлантирмайди. Бироқ ҳар бир ҳудуднинг ўз ғоялари, чўққилари бўлади-ку.

Адабиёт ҳақида сўзлаш суҳбатдошимга жуда ёқарди. Сиёсий шов-шувлар ҳатто оилавий можароларга сабаб бўлаётган ҳозирги «қайноқ» кунларда адабиёт ҳақида суҳбат қуриш жазирамага қолган кишининг қуюқ дарахтзор соясига талпинишига ўхшарди. Айниқса, сўз санъатини эътиқод, қисмат деб танлаган киши учун бу яна ҳам табиий ва қонуний ҳол. Ногоҳ шу латиф ҳолатни бузиб, сўз қотишга ўзимда куч топдим:

— Асқад ака, ўша бухронларни тўхтатиб қолиш мумкин эдимиз?

Адибни, туманли кунларнинг гувоҳи бўлган барча виждонли кишиларни шу андиша қийнаса керак, юзларига надомат пардаси ёпилгандек бўлди, кўзларда ғафлатдан кейинги пушаймонлик учқуни аксланди.

— Йўқ, мумкин эмасди.

Кўз олдимда балаң тоғдаги текисликка қараб йўл олган даҳшатли сел оқими келди. Уни қандай куч яратган бўлса, ўша бартараф эта олади.

Бу савол-жавоблар кайфиятга таъсир қилгани йўқ. Гаплашадиган мавзулар ҳам кўп: миллий тилимизнинг аҳволи, ўтмишга муносабат. Айниқса, умумий дардимиз — миллатлар орасидаги можароларнинг илдизи очилмай қолаётгани ва бошқалар. Асқад ака адабий баҳсларни, дўст-тенгдошларини, чет эл сафарларини эслади. Мазмунли ҳаёт йўлига эга бўлган адибнинг сўзларида ишонч, қатъийлик мужассамлашган эди. Одатда, ўзининг ҳақлигига ишонган, умридан мамнун кишиларда шунақа ўқтамлик бўлади, дейишади.

Биз негадир инкор этишни хуш кўриб қолаяпмиз. Ҳолбуки, кичкинагина муваффақият ҳам қанчалик қийинчилик билан қўлга киритилиши бошдан ўтказган ҳар бир кишига маълум, келажак ҳурмати ўтмиш билан кулиб хайрлашайлик. Ҳадеб шубҳаларга боравериш, «душман изловчилик» (А. Мухтор ибораси) кайфиятидан кимга наф? Биздан ўтмишни эмас, бугунги кун гуноҳини сўрайдилар-ку! Бу мулоҳазаларни дарж этишимни асло адиб меъдан илтимос қилган эмас. Фа-

қат баъзан ҳамма нарсадан, демак, энг яхши нарсалардан ҳам воз кечиб юбормаяпмизми, деган андишадан юрак увишиб кетади.

...Кейинги йиллар ҳам Асқад Мухтор учун баракали бўлди. Фафур Фулом нашриётида чоп этилган тўрт жилдли «Асарлар»дан ташқари «Бухоронинг жин кўчалари», «Аму», «Кумуш тола» қиссалари, «Ёш дўстларимга» тўплами ва пьесалар жамланган «Тонг билан учрашув» китоби жамоатчиликка етиб борди. Шунингдек, янги шеърлар ва таржималар, қатор тўпламлар ҳам китобхонлар мулкига айланди.

* * *

Шоир хаёлларидек паришон, тартибга келтирилмаган дарахтлар қуршовидаги кўп қаватли мўъжаз саройчалар кўзга ташланавермайди. Ўртароқдаги ҳовлининг кунгай тарафида «социализмнинг бир кампири» кексалик гаштини сурганча маҳзун хаёллар қуршовида йўқликка термулиб ўтирибди. Унинг юриши оғирлашиб қолган, елкасининг қақшаб оғришидан қўллари кўтара олмайди. Ўз «гашти»дан бир зум халос бўлди-да, ичкаридан ёзувчини чақирди. Гарчи қуёш буржи қиш томон оғган бўлса-да, борлиқдан саховатли куз таровати кетмаган, ишқомда, нарироқдаги гилос дарахтида унутилган мевалар осилиб турарди. Биз одми, жуда одми ҳовличада суҳбатга киришдик. Мусобаҳа бошдан-охир самимий бўлди.

— Асқад ака, давр жуда тез ўзгараётгандек, йиллар бир-бирига ўхшамай қолди. Ниҳоятки ўн йил олдинги воқеаларни эслайлик. Ўшанда сизнинг 60 йиллик тўйингиз бўлганди. Бугун жумҳуриятда тантаналар. Ёзувчилар уюшмасида мухлисларингиз сизни зиёрат қилгани келган. Ҳамза номли театрда юбилей кечаси бўлиб ўтганди.

— Ҳозирги шароитда одамларнинг кўнглига бундай тантаналар сиғмайди. Уюшмамизда шунга ўхшаш тадбирлар кўрилаяётган экан, розилик билдирмадим. Унинг устига ташвишлар ҳам кўпайиб кетди. Ёзувчининг ёзишдан бошқа юмуши йўқ, деб юрардик...

— Фарзандлар...

— Йўқ, манави миллатлар орасидаги низоларга ким бепарво қарай олади? Уларнинг туб сабаблари аниқ

айтилмаяпти. Наҳотки, фақат уй-жой ёки иш йўқлиги одам ўлдиришга, қирғинга бош сабаб бўлса. Ҳолбуки, ур-йиқитлар шундай изоҳланаяпти. Ва жанжалларга эртами-кечми рўй бериши керак бўлган заруратдек қаралаяпти. Бу ўйлаб кўрилса, ўша хатти-ҳаракатларни оқлашга ўхшаб қолаяпти. Демак, кимнинг яшаши оғир бўлса, у бировни — қўшнисини, қишлоқдошини маҳв этиб, ўзига шароит ҳозирлаши керак. Мен икки марта очарчиликни кўрган кишиман. Лекин у пайтда биров-бирова қўл кўтармаган ёки Тошкент зилзиласини эсланг? Ўшанда кимнинг уй-жойи, касби-кори бор эди? Қийин кунларда Тошкентда жиноятчилик 10-15 марта камайганини қайд этишган-ку. Болтиқ-бўйидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Лекин у ерда ҳеч кимнинг бурни қонамаяпти.

— Умуман, ур-йиқитларга миллий тус беришнинг ўзи тўғрими? Ўш фожиалари рўй берган кунларда тоғлардаги шаҳрихонлик асаларичиларни қирғизлар яшириб қўйишган экан. Фарғонада ўзбеклар месхети турклардан кам азият чекишмади. Тирикчилик-да, ҳар доим баланд-паст гап-сўзлар бўлиб турган. Бир тўда миллати ҳам, эътиқоди ҳам бетайин кимсаларнинг бебошликларига жиддий тус бериб, миллий нафсониятга тегиш оловга мой қуйгандек гап эмасми? Балки манфаатдор томонларнинг асл мақсади шу бўлгандир. Менимча, воқеа «фалон жойда бир тўда тартибсиз оломон ўзаро низога борди» қабилида талқин этилиши керак эди.

— Бундай низоларга иқтисодий омилар ҳам тўртки бўлгандир. Бироқ асосий сабаб эмас. Одамларнинг маънавияти, маданий савияси қай даражада? Биз ҳозиргача алдовлар ичида яшаб келдик. Инсон ишлаб чиқаришнинг ихтиёрсиз ижрочисига айланиб қолди. Адабиёт ва санъатда эркинликлар чекланди. Ер юзи — ташқи дунё билан алоқа узилиб қолди. Бутунги кунда ўзбек пахтакори Америкадаги плантаторнинг ҳаётини тасаввур қила олмайди. Тушида ҳам кўрмайди. Оқибатда, турмушдан файз кетди. Оила ўз муқаддаслигини йўқота бошлади. Ташлаб кетилган чақалоқлар, отасиз туғилган гўдакларга тез-тез дуч келинаяпти. Қўйди-чиқдилар юқори даражага етди. Меҳр-шафқат ўрнини бағритошлик эгалади. Ана шуларга кўра Фарғона,

Ўш фожиаларининг туб сабабларини ваҳшийлик, тарбиясизлик, маданиятсизлик деб биламан.

Афсуски, булар ҳақида гапирилмаяпти. Кўрилган чора-тадбирларда завод, фабрика қурилгани айтилади-ю, тарбия муассаларининг ишидаги ўзгаришлар қайд этилмайди. Оддий мисол: олий ўқув юртларига пул билан кирган бола келажақда ким бўлиб етишадиди? Жумҳуриятимизда шу илатнинг олди олинаяптими? Маданий савиянинг пастлиги ҳар доим панд бериши мумкин. Бу қандай оилаки, боласи кўчада муштлашиб келади, ота-онанинг парвойи палак?

— Эҳтимол, ўша ҳурматли ота ёки онанинг ўз фарзандларига қандайдир даражада таъсир этишига кўзи етмас? Дастлаб Италияда пайдо бўлган, кейин Германия ва бошқа Оврупо мамлакатларида ёйилган фашизм ғоясининг инсониятга қанчалик зарар етказгани ҳаммага маълум. Кейинчалик тарихчилар, социологлар, психологлар ва бошқа даҳлдор илм соҳаси кишилари фашизм балосининг келиб чиқиш сабабларини, туб иддизларини ўрганиб таҳлил қилишган экан. Уларнинг хулосаси жуда оддий бўлиб чиқди. Дунёни қонга ботирмоқчи бўлган бу «назария»нинг пайдо бўлишига болаларнинг оталарини тингламай, яъни фарзандларнинг ота-оналарини ҳурмат қилмай қўйгани йўл очиб берган экан. Бугунги авлоднинг ўтмиш авлодни менсимай қолиши, тан олмаслиги ва рад этиши тарихда офир фожиаларга олиб келгани аниқ. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш манзара кўзга ташланмаяптими? Бизнинг кечаги кунимизни аёвсиз қоралашимиз, эртанги куннинг эгалари — бугун улғаяётган авлод қалбида қандай акс-садо берад экан?

— Фашизм ғоясининг мухлислари ҳали ҳам бор. Машғум свастикани бўйнига осиб юрганларни кўплаб Оврупо мамлакатларида ва Америкада учратиш мумкин. Лекин бу ғоя Осиёга тарқалмади. Асосан, мусулмонлар яшайдиган бу қитъада сиз айтган «болаларнинг оталарни менсимай қўйиши» каби ҳолат йўқ. Менинг катта ўғлим 42 ёшда. Мустақил яшайди, болалари бор, лекин тез-тез келиб туради. Баъзан рўзғорига қарашига тўғри келади. Бунинг нимаси ёмон? АҚШда эса 16 ёшдан кейин фарзанд ота-она даргоҳини тарк этар экан. Ва уларнинг бор-йўқлигини ҳадеб

эслайверишмаскан. Демак, бу жиҳатдан кўнгилини тўқ қилавериш мумкин. Бироқ яқин ўтмишга, совет даврига билдирилаётган кескин танқидларда... асос борга ўхшайди. Масалан, Сталинни ҳеч вақтда оқлаб бўлмайдди. У авторитет сифатида гаразгўй кишиларга керак бўлган. Унинг ортида туриб исталган номаъқулчиликни қилишган. Ана шундай қалқонлар кимларгадир керакка ўхшайди. Ўртамиёна одам Брежневни ҳам 18 йил сақлаб туришди-ку.

Бугунги кескин танқидлардан ҳеч нарса йўқотилаётгани йўқ. Бу ҳолни авлодлар ўртасидаги нифоқ ёки инқироз деб ҳам тушунмаслик керак. Аксинча. Келажак дастури ишланаяпти. Боши берк кўчадан чиқиш йўллари изланаяпти. Аслида тузумимизнинг тағ-замини қийшиқ қўйилган экан. Социализм назариясини Карл Маркс тузумни идеал одамни тасаввур қилиб асослаган. Ҳолбуки, идеал реал бўлмайдди. Комил одам мавжуд эмас.

— Шу ўринда сизга бир саволни бермаслик мумкин эмас. Сиз Шароф Рашидовни яқиндан биладиган кишисиз. Шу кишига нисбатан бир оз адолатсизлик бўлмадимми? Балки Рашидов ҳақида бор ҳақиқатни маълум қилиш фурсати етгандир?

— Дорилфунунда мен иккинчи курсда, у учинчи курсда ўқир, у партия ташкилотининг секретари эди. Ниҳоят интизомли, маданиятли эди. Йиғилишларни ўз вақтида бошлаб, ўз вақтида тугатарди. Лекин камчиликлари ҳам кўп эди. Шуҳратпараст, бироқ жиноят қилгани йўқ. Танқидни умуман хушламасди. Кейинчалик менинг обрўйим — Ўзбекистоннинг обрўйи, деган тушунча билан яшарди. Бирон гапнинг Москвага етиб боришини истамасди. «Комсомольская правда» рўзномасида бир шаҳар комсомол қўмитаси бюро аъзоларининг номақбул қилиқлари ҳақида мақола чиқиб кетган эди. Барча муҳаррирларни чақириб, дарғазаб бўлдики «наҳотки, шу нарсани ўзимиз йўқ қилолмаймиз», деб туюқди. Одилов, Яҳёевни ҳам ҳимоя қилди. Сирини ёпди. Охирида улар бунга суистеъмом қилишди. Лаганбардорлар ҳам бошини кўп айлантиришди. Қарсақбозларни, эгилиб таъзим қилишларни кўрганмиз... Тирлик бўлганида Алиев, Кунаев каби озодликда юрарди.

Рашидов қарийб 30 йил жумҳуриятда масъул ла-

возимда ишлади. Ўттиз йиллик тарихимиздан воз кечолмаганимиздек, ундан ҳам воз кечолмаймиз.

— Кейинги ўн йиллардаги воқеаларни кўз олдидан ўтказган киши оқим кемани гоҳ у қирғоққа, гоҳ бу қирғоққа олиб бориб келаётганини сезади. Воқеаларга, шахслар фаолиятига баҳо беришнинг ягона мезони йўқ. Бунда на тарих тажрибаси, на оддий инсонийлик ҳисобга олинмади. Қачон бу борада барқарорликка эришилади? Наҳотки, барча раҳбарларни машғум қисмат кутаётган бўлса, деб ўйланиб қоласан. Тажриба — келажак учун дастур. Кечаги хатони таҳлил қилмасдан, эртанги тўғри йўлни топиб бўлмайди. Қадимги Юнон донишманди айтганидек: «Мен узоқни кўраётган бўлсам, бу менинг кимнингдир елкасида турганимдан». Ҳозиргача ҳар доим нолдан бошлашга тўғри келаяпти. Мана, кема эса ҳамон чайқалиб турибди. Сиз қатагон йилларининг жонли гувоҳисиз...

— У пайтда одамлар оғир босинқираш ичида эдилар. Бизга Сталинни қарийб Худодек илоҳий ҳолда сингдиришган. Тепадан бир фармон келади, уни бажариш шарт — тамом. Бошқача бўлиши ақлга ҳам сифмайди. Одамлар қўшиқ айтиб ўлимга боришарди. А. Икромов, Ф. Хўжаев отилган кун уюштирилган байрам сайлида қатнашганлар ҳали тирик. Қўлларида «Энг сўнгги халқ душманини ҳам янчиб ташлаймиз!» қабилади шиорлар бўлган. Ана шундай шароитдаги одамнинг аҳволини тасаввур қилиб кўринг.

50-йилларда менинг ҳам бошимга қора булутлар айланиб қолди. Бир кун Ёзувчилар уюшмасида ўтирсак, партком секретари Мельчаков ҳе йўқ, бе йўқ вилоят судига бошлаб борди. «Гувоҳ ўтасанлар, нимани сўраса, айтиб берасанлар», дейди. Шайхзода домлани суд қилишаётган экан. Катта залда суд аъзолари-ю судланувчидан бўлак ҳеч ким йўқ. Мен Шайхзодага фан номзоди минимумларини топшириб, аспирант бўлиш истагида юрган эдим. Роса мақтаб гапирдим. Чиқиб кетаётганимда пахталик кийиб олган домла чўкиб ўтирган еридан оғир қўзғалиб, «Раҳмат, Асқаджон», деди. Шундан кейин кўп ўтмай ишдан («Шарқ юлдузи» ойномаси масъул котиблигидан) ариза ёзиб кетишга мажбур бўлдим. Партияга ўтиш ҳақидаги аризам орқага сурилди. «Муштум»да бир ҳикоям фами-

лиямсиз чиқиб кетди. «Опа-сингиллар»нинг муҳока-маси кечиктирилди. Менга «Дело» тўлдириш бошланган эди...

Болаларни Тошкентда қолдириб, Оқдўрғонда агроном бўлиб ишлаётган акамни кетиб юбордим. Икки ойлар хилват бир уйда яшаб юрдим. Оиламдан хавотир олиб Тошкентга келишга мажбур бўлдим. Шу орада Сталин ўлиб қолди. Тергашлар, чиғириқдан ўтказишлар бир оз камайгандек бўлди. (Мабодо, «Партияга шон-шарафлар!» деб ёзилган бўлса, чақириб, албатта, «Қайси партияни кўзда тутгансиз?», деб сўрашарди.) Рўшноликни сезгандек енгил тин олдик. Ҳай, ўтган ишга саловат.

Сиёсатга аралашини ёқтирмас, у ҳақда гаплашини ёмон кўрадим. Сухбатимиз нуқул шу ҳақда бўлапти.

— Адабиёт ҳақида гаплашайлик. Масалан, адабий танқидчилик ҳақида. Ҳозиргача танқид адабиётни белгилаб келди. Аслида бадиий адабиёт эркин ривожланиши, танқидчилик эса кечикмай унинг «ҳарорати»ни айтиб туриши керакмиди? Шу жиҳатдан олганда мабодо Маркес асарлари совет адабиётида яратилганда, назаримда, бирортаси ҳам нашр этилмасди...

— Адабиёт жамиятнинг руҳий ҳолати. Уни қарор ёки фармонлар билан бошқариб бўлмайди. Айни кунда публицистика ривожланиб кетди. Чунки шу жанрга талаб кучли. Демак, ҳаммани тарихий роман ёзишга «сафарбар этиш» самарасиз бўлади. Бадиий адабиёт ҳақида қабул қилинган бирорта қарор ижобий рол ўйнамаган бўлса керак. Социалистик реализм деган нарсаларнинг тиқиштирилиши эса фожиадан бошқа нарса бўлиб чиқмади. Шаклий изланиш рамзийлик каби сўз санъати қанотларини қайирди, сийқа шакл ва саёз мазмунни юзага келтирди.

Агата Кристи юзга яқин катта-кичик асар яратган экан. Лекин уларнинг бирортаси қўйма қолипга тушмайди ёки бирор партия манфаатига бўйсундирилмаган. Унинг китобхонлари ер юзининг барча қисмида бор. Бу кунга келиб бизнинг адабиётимиз бор-йўғи публицистикадан иборат бўлиб қолапти. Бу умуман нохуш ҳол. Адабиётда публицистика бўлиши мумкин, лекин фақат публицистика адабиёт бўла олмайди.

Бир томондан шунга мажбур ҳам бўлишаяпти. Давр у ёки бу масала юзасидан шоир ёки ёзувчидан муносабатини сўрамоқда. Жавоб талаб қилмоқда. Лекин бу доирада ўралашиб қолмаслик керак эди. Инерция ҳолатидан чиқиб кетиш, ҳозирги вазиятни таҳлил қилиб, бундан 40-50 йил кейинги ҳаётни кўрсатувчи асарлар ёзиш керак эди.

— Демак, бизнинг адибларимиз кичик ёзувчилар экан-да. Чингиз Айтматов эпляяпти-ку. Улкан ёзувчи ижодида теранлик шунчалик беқиёски, бир оз эҳтирос билан айтганда, бу уммонга истаганча шўнғиб, истаганча жавоҳир териш мумкин.

— Чингиз кейинги ўттиз йилда Осиёда пайдо бўлган нодир ҳодиса. Биз шу жавоҳирни ҳам асрай олмаяпмиз, ҳадеб ўрага итараяпмиз. Унга жамоат ишларининг кераги йўқ. Ўша тоғдаги уйида уни тинч қўйиш, у эса ёзиши лозим...

Эртанги кун адабиётини башорат қилиш қийин. Ҳозир ақл бовар қилмайдиган нарсалар бўлаяпти. Мана, Солженицин шу пайтгача биз учун жумбоқ эди. Асарлари эълон қилиниши билан таний бошладик. Кейинги мақоласи — «Как нам обустроить Россию?» — буюк давлатчилик васвасасидан бошқа нарса эмас. Билмадим, бунга бошқа миллатлар, жумладан, украин ва белоруслар қандай муносабатда бўлади? Қозоғистон ҳудудини Россияники, деб даъво қилишдан ташқари Ўрта Осиёни «подбрюшье» деб атайти (брюшье — қорин дегани). У умуман 70 йилда нимага эришилган бўлса, ҳаммасига қарши. СССРни парчалаб юбориши тарафдори. Рус жамоатчилиги уни Лев Толстой билан тенглаштиришаяпти. Толстой халқлар, миллатлар ўртасига бу хилда нифоқ солмаган...

— Нима бўлганда ҳам ҳар бир миллатнинг Андрей Сахаров, Александр Солженицин, Борис Ельцин каби ўғиллари бўлиши керак экан. Бу менинг шахсий фикрим. Асқад ака, мана хилват боғчада қалам-қороз билан ёлғизсиз. Сизга эътибор, муносабатлар маъқулми? Қониқтираяптими?

— Қониқтирадиган томони шундаки, ҳеч ким раҳбарлик қилмаяпти. Кичик нарсалар ёзиш билан машғул бўлаяпман. Менимча, имконият даражасида ишлар кўнгилдагидек кетаяпти. Шу ўринда бир мулоҳаза

туғилди. Ёзувчилар уюшмасида раҳбарлик лавозимида ишлаганимда юқорига ҳар хил маълумотномалар сўрайвериб, силлани қуритишарди. Яна камида бешта идорага ҳисоб бериш шарт эди. Шу даҳмазалар нега керак экан? Ижодкорга эркинликдан бошқа имтиёзнинг кераги йўқ. Яна бир мулоҳаза. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан кўплаб янги сўзлар қўлланилаяпти, муқобиллари топилаяпти. Бироқ тил фақат ўзининг ички қонуниятлари асосида тараққий қилишини унутмаслик лозим. Ҳозиргача қўлланиб келинган барча байналмилал сўзлардан воз кечиш шарт бўлмаса керак. Уларнинг туркий муқобили бўлса яхши. Аксинча, сўз лотинча бўлди нима-ю, арабча бўлди нима? Барибир эмасми? Олайлик «совет» сўзини «кенгаш» тўла қоплай олмайди. Совет граждани — кенгаш фуқароси тарзида ўтириб бўлмайди.

...Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти соҳиби Асқад Мухтор билан қисқа мулоқотнинг мавзуи ранг-баранг бўлди. Мулоҳазалар бугунги ўзгаришларда хайрихоҳдик руҳида эди.

1990 йил, сентябр.

СИБИРГА КЕТМАГАН ЎЗБЕК

Пиёда генерал...

Ўшанда кеч кузнинг тунд кунларидан бири эди. Устоз газета редакцияларида ишлаётган қадрдонларини кўришни ихтиёр этдилар, уларга яқинда нашр этилган китобларига дастхат ёзиб тақдим қилдилар. Қаватма-қават, хонама-хона ҳамроҳлик қилиб юрар эканман, инсон тақдирида из қолдиргувчи йиллар залворини, ҳаёт аталмиш олий неъматнинг ишва-ю инжиқликларини ва, ниҳоят, тақдирнинг ажру мукофотларини яна бир карра ҳис этгандек бўлдим. Олимни кўрганда ёришиб кетган чехралар, таниганларнинг меҳр ва ҳавас ила боқишлари, танимаганларнинг эса катта кўзойнакли ушоққина чолга тавозеъ билан жой бўшатишлари Бўрибой Аҳмедов сиймосини борликда акс эттириб тургандек бўларди. Ўшанда домлани мах-

сус машинада кузатиб қўйиш имкони бўлмаганди. Троллейбуснинг олд ўриндиғига бемалол ўрнашиб олган етук тарихчи олим, ўтмишимизнинг зукко билимдони йигитлардек қўлларини чамбарак қилиб хайрлашганча халқ денгизи ичига шўнғиб кетар экан, заррача оғриниш ёки инжиқлик зоҳир бўлгани йўқ. Аксинча, атрофида шунча одам борлигидан бағри тўлгандек улуғвор туюлган, мен машина ойналари ортидан катта матонат ва фидойилик тимсолини кўриб тургандек бўлгандим. Бу манзара узоқ вақт кўз олдимдан кетмади ва беихтиёр юқоридаги жумлани такрорлаб юрдим.

Ана шундай хокисор, лекин улуғ инсон бу йил етмиш ёшга тўлади. Ростини, устозини мухлислар билан дилдан мулоқотга кўндиришга кўп ҳаракат қилганман. Ҳар сафар азбаройи камтарлик ёки дилтанглик туфайли бунинг иложи бўлмаган. Кейинги пайтда муносабат яхши томонга ўзгарди. Ниҳоят, илм-фан ҳомийлари — республикамиз масъул раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан олимнинг меҳнатлари ўз қадрини топа бошлади. Зеро, қутлуғ сана арафасида, осмон булутлардан *фориф* бўлган фаслда дилдан гурунглашиш фурсати ҳам етганга ўхшайди.

— Ҳурматли Бўрибой ака! Олим меҳнатини шамга қиёслашади: ёниб, ўзгалар даврасини равшан қилади. Бугун сизни катта-кичик яхши танийди. Тақдирингиздан мамнунмисиз?

— Тўғри, олимнинг меҳнатини нина билан қудуқ қазишга ўхшатса бўлади. Олимнинг ҳам илм ва зиё таратгани учун шамга қиёс қилиш мумкин, чунки ундан худди шам атрофидаги айланган парвонага ўхшаб, кўплар баҳра олади. Шунга ўхшаш менинг ҳам бошқаларга озми-кўпми «ёруғим тушган», шогирдларим бир талай. Улар ҳозир Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда меҳнат қилишяпти. Қувончлиси шуки, Қозоғистон ва Қирғизистондаги шогирдларим бирлашиб, ўз жумхуриятлари шарқшунослик марказлари тузиб ҳам олишибди. Бунини мактаб дейиш мумкин. Мактаб бўлганда ҳам — илмий мактаб. Бу, албатта, менинг ҳам мактабим. Шундай бўлгач, тақдиримдан, албатта, мамнунман. Ҳайрият, ҳаётда самарасиз, сояси ўзидан бошқага тушмайдиган дарахт бўлиб ўтмабман.

— Ҳозиргидан ҳам яхшироқ натижаларга эришишингиз мумкинмиди? Бунинг сабаблари нима?

— Мен илм-фан майдонига анча кечикиб, 36 ёшимда кирганман. Бунинг сабаби бор, албатта. Тўрт йил урушда бўлдим, фронтдан қайтганимдан кейин ўрта мактабга кириб, ўқишни қолган еридан бошлашга, тирикчилик, деб уч-тўрт йил ишлашга тўғри келди, чунки оиламизда каттаси мен эдим. 1953 йили Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг (ҳозирги ТошДУ) шарқ факультетини ўқиб битирдим. Битирганда ҳам қизил диплом билан туталадим. Лекин мени Тошкентда аспирантурага ҳам, ишга ҳам олишмади. Сабаби, дейсизми? Талабалик йиллари факультет партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлардим. Буни биладиган одамлар бор. Ўша машъум 50-йилларнинг бошида етук ўзбек зиёлиларини турли жазога тортиб қувгин остига олиш, узоқ Худонинг қарғишига қолган юртларга сургун қилиш кучайиб кетди. Мен бунга чидолмадим, очикдан-очик қарши чиқдим. Шу-шу бўлди, кўчада қолдим, охири қишлоғимга қайтиб кетишга мажбур бўлдим: 1957 йилнинг ёзигача ўша ерда муаллимлик қилдим. Хайриятки, 1956 йилнинг кузида бўлса керак, Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи қурултойи бўлиб қолди. Ўша йиллари республика партия Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Н. Муҳиддинов ўз докладида 50-йил бошларида қувгин ва қатагон этилган зиёлиларимизни оқлаб чиқдилар. Шундан кейин менга ҳам аспирантурага йўл очилди. 1969-1974 йиллари, айти докторлик диссертацияси устида ишлаб турган пайтимда, мени яна этибордан четлатиб қўйишди. Кўп қийналдим. Айниқса, руҳан... Халқимизда «қорнимга эмас, қадримга йўлайман», деган гап бор. Илож қанча, бошга тушганини кўз тортар экан! Чидадим, сабр қилдим. Сирасини айтсам, буни ўзбекчиликка йўйдим. Тангназарлик, яъни бир-биримизни кўролмасликдек одатга йўйдим. Бу ёмон одат ҳали биз ўзбекларни кўп офатларга мубтало қилади. Мана шунақа гаплар бўлмаганда, илм-фанда бундан кўпроқ хизмат қилган, ҳеч бўлмаганда иккита китоб ортиқ ёзган бўлардим. Шогирдларим ҳам учта-тўрттага ортган бўларди.

— Шу ўринда илмий фаолиятингиз ва таржимаи ҳолингизнинг асосий нуқталарини эслаб ўтсангиз?

— Таржимаи ҳолим ва илмий фаолиятимнинг баъзи тарафларини айтдим, шекилли. Буларга яна нима-ларни қўшишим мумкин? Колхозчи-деҳқон хонадонига мансубман. Ҳаётда кўп қийинчиликлар тортганман. Уч марта очарчилик, тўрт йил уруш, фронтда орттириб келган дард-касалик азоби, кейинги руҳий ҳужумлар...

Шунга қарамай, илм-фан майдонига соқол-мўйлабим анча ўсиб қолганда кирган бўлсам ҳам, озми-кўпми хизмат қилишга улгурдим, ҳаёт машаққатларидан холи бўлиб кун кечирган тенгдошларимдан орқада қолмадим. Бунинг битта муҳим сабаби бор. Ҳаёт мени кўп яхши одамларга рўбарў қилди. Жаҳон шарқшунослик фанининг танилган марказларидан ҳисобланмиш Санкт-Петербург дорилфунунида ўқиш ва ўша мен учун муқаддас бўлган илм даргоҳида ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертацияларини ёқлаш шарафига мушарраф бўлдим. Тақдир мени академик Б. Струве, И. Орбели, А. Кононов, И. Петрушевский, А. Арендс, А. Болдирев, Б. Беляев каби жаҳон тан олган забардаст профессорлар билан мулоқотда бўлиш, улардан сабоқ олишга муяссар этди. 1961 йили Тошкентга қайтиб келдим ва шундан бери Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Раёҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида хизмат қилиб келаётибман.

— Эшитишимча, Сибирга кетиб қолишингизга озгина қолган экан.

— Шунга ўхшаш гап бўлган эди. 1970—72-йиллари бўлса керак, куз пайтида Қозоғистондан икки ўртоқ Тошкентга келиб қолишди. Шулардан бири билан 1948—1958 йиллари дорилфунунда бирга ўқиган эдик. У энди Қозоғистон Вазирлар Кенгаши фан бўлимига раҳбарлик қиларди. Иккинчилари республика партия марказий қўмитасида шундай бир бўлимга раҳбар эди. Улар Олмаота дорилфунуни қошида шарқ факультети очиб, шарқшунос кадрлар тайёрлаш ниятида экан. Суҳбат пайтида дўстим «Олмаотага кўчиб бормайсизми?» деб қолди. Мен Тошкентда турсам нафим кўпроқ тегишини айтдим. У ўзини тушунмаганга олди. Кейин қўлёзмалар ва ҳужжатлар, умуман илм учун зарур бўлган материал шу ердалигини айтга-

нимда, фикримга қўшилишди. Ўшанда биз кадр тай-ёрлаш билан боғлиқ бўлган баъзи масалаларни келишиб олдик. Хулласи калом, мен сўзимнинг уддасидан чиқдим. Қозоғистонда учта-тўртта малакали шарқшунос олим тайёрлаб бердим.

Ўша йиллари Сибир ҳақида ҳам гап бўлди. 1975 йили ёзда ўғилчам Акбархонни олиб, Бердск деган бир шаҳарга ҳарбий хизматдан сўнг ўша ерда оила қуриб қолган кенжа укам Холмуҳаммадни кўриб келгани бордим. Кичик, лекин учта катта заводи бўлган бу шаҳар Академия шаҳарчаси билан туташ экан. Бир куни ўша Академия шаҳарчасини томоша қилгани бордик. СССР Фанлар Академияси Сибир бўлимининг идора ва институтлари ҳам шу ерда экан. Академик Окладниковни суриштириб ўша идорага кирдик. Алексей Павлович Ўзбекистоннинг қадимий тарихини ўрганиш ишига улкан ҳисса қўшган олим эди. Уни зиёрат қилиш керак эди-да. Одатда, у ёз ойларида экспедицияда бўларди. Бахтимизга бир-икки кун бўлибди, зарур иш билан Новосибирскка келган экан. Бир соатча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Бир пайт гап Сибирдаги туркийзабон халқларга кўчганда мен унга шу кунларда ҳам бу ерда туркий атамалар, хусусан, топоним (жой номлари) ва гидроним (дарё номлари)лар учрашини айтдим. Дарҳақиқат, Бердск шаҳри Берда деган дарё (Обь дарёсининг ирмоғи) соҳилида жойлашгани учун шундай аталаркан. Бу жойни бир замонлар Бердибек деган амир қурдирган экан. Ўша Бердскнинг ёнида Искитим деган яна бир саноат шаҳарчаси ҳам бор экан. Шаҳарнинг асл номини битиш қийин эмас — «эскитим» (тим — тепаси ёпиқ бозор)дан. Алексей Павловичнинг ўзи ҳам бу хусусда кўп нарсаларни айтиб берди ва пировардида «Сибирга кўчиб келмайсизми, инингиз ҳам шу ерлик бўлиб қолибди. Сибирда туркийзабон халқлар маданиятининг қолдиқлари кўп. Шуларни ўзингиз текшириб, битта-яримта китоб ёзиб берардингиз», деб қолди. Иккиландим. «Ёвқарашлар ва сиқувлар исқанжасида юргандан кўра шу ерга келиб ишласаммикин», деган хаёлга бордим. Ва яна Новосибирскнинг Академия шаҳарчаси гўзал, унда ҳаёт учун зарур барча қулайликлар мавжуд экан. Лекин ўйлаб кўриб фикримдан қайтдим. Ўзбекилимга бор-

дим. (Ўзбек худди қозиқлаб қўйган отта ўхшайди. Киндик қони тўкилган масканни муқаддас тутати.) Алексей Павловичга «рахмат, ўйлаб кўраман», деб қўяқолдим...

— Умуман, ўтмиш ҳақида тўғри гапни айтиш мумкинми? Бу нимага боғлиқ?

— Мумкин, албатта. Мумкингина эмас, балки зарур ҳам. Маълумки, ота-она фарзандини дастёрликка яраб қолганидан бошлаб, унга рост сўзлашни, ёлгон гапирмасликни ўргатади. Бир гуруҳ одам бир умрга шу йўриғни тутиб ўтади, бошига қилич келганда ҳам ростини айтади. Бу, фикримча, имоннинг мустақамлигига, имон рукнлари — Аллоҳ таолога, Муҳаммад алайҳиссаломга, ҳар бир мусулмон учун муқаддас ҳисобланган Қуръон ва Ҳадис китобларга, тақдир ҳамда охиратга ишонишга — садоқатга боғлиқ. Имони борда — инсоф, инсофлида адолат бўлади. Бу — масаланинг асосий тарафи. Сиз бу ерда қадриятлар ва кўхна тарихни назарда тутаетган бўлсангиз — масаланинг бошқа томони. Маълумки, биз яқин-яқингача ўтмишимиз, кўп асрлик тарихимиз, бой маданиятимиз ҳақида бор гапни айтмай келдик, тўғриси, айтолмадик. Чунки марксизм-ленинизм деб аталмиш ҳукмрон мафкура тилимизни муҳраб, оғзимизга қулф солиб, қўл-оёғимизни кишанлаб қўйганди. Шу мафкура чизигидан билибми-билмай чиққанлар қувғин остига олиниб, беаёв қатагон қилинди. Қисқаси, шўролар замонида ҳамма кўрқиб-пусиб қолганди.

Ростини айтсам, бунинг (ҳадиксираш ва қўрқувнинг) асорати озми-кўпми ҳозир ҳам бор. Битта мисол келтираман. Ўтган (1993) йили ёш бир тадқиқотчи Мадамминбек ҳақида китобча ёзиб нашриётга олиб келган экан. Китобча терилиб, муқоваланадиган бўлиб қолганда кимдир (цензура деб аталмиш идора бўлса керак) ёш тадқиқотчининг китобидан бор-йўғи иккита хато топиб, уни тўхтатмоқчи бўлибди. Хўш, ўша хато нимадан иборат экан? Биттаси китоб сўзбошининг бир жойида ёзилган «алдамчи Ленин» деган ибора, яна биттаси Мадамминбекни миллий-озодлик курашчиси дейилгани экан. Қаранг-а, жаллод Ленинни «алдамчи» деб аталганидан кўрқиб кетишибди, Мадамминбекни эса аввалгидай «босмачи» деб аташ керак

экан! Биз, профессор Ҳамид Зиёев, иккимиз китобни синчиклаб ўқиб-ўрганиб чиқдик, лекин ундан хато топмадик. Кўрдингизми, «Яна ўша кунлар қайтиб келиб қолмасмикан?» деб қўрқиб-пусиб ўтирган одамлар, афсуски, орамизда ҳали борга ўхшайди.

— Тарихдан маълумки, кимлардир қурган бинони бошқалар бузган. Бузғунчи кучлар қандай шароитларда дунёга келади?

— Шўролар ҳукумати даврида, айниқса, унинг дастлабки йилларида асрлар давомида халқ орасида илмзиё тарқатиб келган масжиду мадрасалар бузиб ташланди, битта-яримта қолгани бўлса омборхона ва ётоқхоналарга айлантирилди. Фалон подшоҳ ёки хон қурдирган, деб муҳташам қасрлар ва бошқа олий бинолар бузиб ташланди. Афсусланадиган жойи шулки, бу разил ишни ўзга юртлардан келиб қолган одамлар эмас, ўзимизникилар қилишди. «Қизил амаки»га ёқайин, деб қилинди. Чунки «Ҳой, мусулмон, тўхта!» деб қўлимиздан тутадиган одам топилмади ўшанда. Топилмасди ҳам. Мадраса ёки масжидни бузаётганларида, ё бўлмаса салла ўраган бирорта одамнинг қўлини орқасига қилиб авахтага ҳайдаб кетаётганларида бошқалар ўзини кўрмаганга солиб, тескари бўлиб турдилар. Буни нима деб аташ мумкин? Қўрқувми ёки лоқайдликми? «Лоқайдлик» бўлса керак. Лоқайдлик, гапнинг сирасини айтадиган бўлсак, ёвузликнинг барчасидан ёмон. Бир донишманда (Бруно Ясенский бўлса керак) айтган экан: «Кечаги дўстдан чўчимайман, етиб борса сотади; душманимдан кўрқмайман, етиб борса, ўлдиради, лекин лоқайдликдан кўрқаман, чунки лоқайдлик оқибатида дунёда кўп ноҳақликлар содир бўлади». Шўро тузумининг тартиблари лоқайд бўлишга олиб келганди...

— Шу ўринда минг йил умр кўрган Рим империяси ва 74 ёшини нишонлай олмаган совет империясининг қисмати ўхшашлиги қонуниймиди?

— Аввал қадимий Рим давлати масаласига ойдинлик киритайлик. У ҳам йирик мустамлака давлат бўлган ва асосан милоддан аввалги III асрда шакланган. Аввал Аппенин ярим оролини тўлиғича эгаллади, сўнг Оврупонинг шарқий-жанубий қисмини, Кичик Осиё, Африка, Сурия ва Паластинни бўйсун-

дирди. Харитага бир қаранг-а, қадимги Рим давлати қандай улкан давлат, кўп мамлакатлар ва халқларни ўзига бўйсундирган давлат! Лекин тарихда бунақа давлатлар кўп ўтган. Мисол қидириб узоққа бормайлик. Собиқ Русияни олиб кўрайлик. У ҳам қадимги Рим давлатига ўхшаган мустамлакачи давлат бўлган. Уларнинг тараққиёт жараёни ва тақдири ҳам деярли бир хил. Русия ҳам Римга ўхшаб дастлаб Москов атрофида шаклланди, яъни унинг йирик давлат бўлиб шаклланиши тарқоқ Рус князларининг Москов тева-рагига бирлашувидан бошланди. Бу жараён Иван Калита (1325-1340) даврида бошланди. Иван III (1462-1505), Василий III (1505-1533) даврида Новгород, Тверь, Псков, Смоленск ва Рязань ерлари ягона Рус давлатига бирлаштирилди. Иван IV Грозний (1533-1584) вақтида эса Русия бошқа мамлакат ва халқларни асоратга сола бошлади XVI асрнинг ўртасида Русия Қозон (1552) ва Астрахан хонлиқларини, аср охирига келиб Шайбонийларнинг Сибир хонлигини босиб олди; XVII асрда Волгабўйи, Ўрал ҳамда Шарқий Сибир эгалланди, Пётр I (1672-1725) ва унинг ворислари Азов ўртасидаги ерларни, Болтиқбўйи ерларининг бир қисмини, Қрим, Жанубий Буг ва Днестр дарёлари оралиғидаги юртларни босиб олдилар. Ва, ниҳоят, XIX асрда Русия Кавказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиёни ўзига бўйсундириб, улкан бир давлат — мустамлакачи империяга айланди.

Русия ҳам худди Римга ўхшаб аввал мустабид подшоҳлик тузуми, сўнг бир кишининг чекланмаган ҳокимияти ўрнатилган диктатура даврини — шўролар ҳукумати даврини бошдан кечирди.

Қаранг-а, ҳар иккала империянинг ҳам қулаш сабаблари ўхшаш. Бу — биринчидан, асоратга тушиб қолган халқлар билан мустамлакачилар ўртасидаги қарама-қаршилиқларнинг тобора ортиб бориши; иккинчидан, солиқ ва жарима ҳамда эксплуатация зулми, империя тайин этган ҳокимларнинг ўзбошимчилиги; учинчидан, халқларни асоратда тутиш қуроли бўлган армия ва бошқа жазо муассасаларининг кўпайтирилиши ва уларга берилган ортиқча ҳуқуқ ва имтиёзлар; тўртинчидан, зулм ва бебошлиқларга қарши халқ норозилиги ва қўзғолонларнинг кўпайиб кетиши ва, ни-

ҳоят, бешинчидан, давлат ва ҳокимият тепасида турган турли даражадаги ҳукмронларнинг бундан буён мамлакат ва давлатни бошқаришга қодир бўлмай қолиши. Шўролар империясининг жуда тез фурсат ичида — 70 йил ичида қулаши масаласига келсак: у 1) асоратга тушиб қолган халқларга қаттиқроқ зулм ўтказди, уни тарихи маданияти ва ҳатто она тилидан жудо қилишгача борди; 2) бутун дунёга ҳоким бўлиш сиёсатини тутиб, шу йўлда бор-йўғини совурди, лекин бунга кучи етмади.

— Хуллас, тарихчи сиёсатчи ҳам бўлиши шартми?

— Тарихнинг ўзи аслида сиёсат билан боғлиқ фан. Ҳозир ҳам, ўтмишда ҳам шундай бўлган. У ҳукмрон синф ва ҳокимият тепасида турган тузумнинг мақсад ва манфаатларига хизмат қилиб келган. Фан шундай бўлгандан кейин тарихчи ҳам маълум даражада сиёсатдан бохабар бўлиши ва уни билиши шарт. Бусиз даврлар ўзгариши, жамиятда содир бўлиб турадиган ҳодисаларнинг моҳиятини англолмайди. Бу — масаланинг бир томони. Лекин унинг иккинчи тарафи ҳам бор. Гап ўша ҳодиса ва воқеаларни тўғри англаш, уларга тўғри ёндашиш ва объектив баҳолашда. Тарихчи бирон ҳодиса ёки воқеа хусусида ҳукм чиқаришдан аввал уни ўзи англаб етиши лозим. Тўшунмай, билмай туриб ҳукм чиқариш айб ҳисобланади.

— Илмда олимнинг идеали бўладими? Хусусан, сиз кимни «юлдуз» деб танлагандингиз?

— Бошқа касб-ҳунарда бўлганидек, илм-фанда ҳам идеал бўлади. Бироқ ҳунар орттиришга қасд қилган ҳар бир одам кимнидир ўзига устоз деб танлайди, унинг кетидан эргашади. Бу тўғри, албатта. Лекин эргашувчиларнинг шундайлари ҳам бўладими, у ўзига бир эмас, балки бир неча муршидни пир тутуди. Масалан, Амир Темурни олиб кўрайлик. У бир эмас, уч пирнинг: кўпроқ Амир Кулол номи билан шуҳрат топган саййид Шамсиддин Фахурий (1371 й. вафот этган), хуросонлик Зайниддин Абубакр Тайободий (вафоти 1389 й.) ҳамда андхўйлик Саййид Бараканинг этагидан тутган. Фикримча, ҳазрат Соҳибқироннинг йўриғи тўғри, чунки дунёда ўрнак олса, эргашса арзийдиган одамлар кўп. Ҳар бирининг унинг фақат

бир ўзига хос бўлган яхши хулқ ва ҳозик одати бўлади. Одам қанча кўп кишидан ўрганса, пири муршиди қанча кўп бўлса, шунча яхши. Мен ҳам ҳаётимда улуғ одамларга эргашиш, улардан бирор яхши нарсани касб этишга ҳаракат қиламан. Хусусан, илм-фанда Ўрта Осиёнинг толмас, буюк тадқиқотчиси академик В. Бартольд, жаҳонга машҳур шарқшунос олимлар профессорлар Илья Петрушевский билан Альфред Арендсларга эргашганман. Чунки улар буюк олим бўлишлари билан бирга ҳаётда ўта одми, кўнгли очиқ ва инсоний хислатлари кўп кишилар эдилар. Ҳашаматли уйларда яшаб, тўкин-сочин ҳаёт кечирган баъзи касбдошлари уларни «дарвеш» дейишарди, «авлиё» деб устидан кулишарди. Айтганларича, қулганларича бор эди-да ўзи. Академик Бартольд бир умр ертўлада ҳаёт кечирди (1925 йили Нева тошганда сув унинг деразасидан кириб, квартирасини босган экан). Петрушевский билан Арендс каталақдай икки хоналик уйда умр ўтказишди. Петрушевскийнинг квартирасига бўлса ёруғлик тушмасди, чунки деразаси йўқ эди. Ҳаракат қилиб яхшироқ жой қилиб олсалар бўларди, лекин бу уларнинг хаёлига ҳам келмасди. Идорама-идора юришга вақтлари етмасди. Чамаси, балки катта-кичик тўраларга арз-ҳол тўкишни ишташмади. Улар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай илм йўлида заҳмат чеқдилар. Ўйлаб кўрсам, тўғри қилишган экан. Мана, оқибати хайрли бўлди. Ўзидан даста-даста китоб, энг муҳими, буюк олим, деган яхши ном қолдирдилар. Бу дунёдан квартирани ҳам, мол-дунёни ҳам орқалаб олиб кетиб бўлмас экан. Яхши ном олдида улар сариқ чақага ҳам арзимас экан.

— Эътиқод билан яшаш осонми? Замондошларингиздан кимларни бу борада беназир, деб ўйлайсиз?

— Аввал шу «эътиқод» тушунчасини аниқлаб олайлик. «Эътиқод» атамасининг диний ва дунёвий маъноси бор. Динда, масалан, унинг «имон» деган маъноси бор. «Имон» деганда (мўмин-мусулмон киши буни яхши билади) Аллоҳ таолога, Унинг элчиси бўлмиш пайғамбарларга, ислом динининг арконларига ишониш; Аллоҳнинг пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га нозил этган Қуръони каримга, муқаддас китобларга,

жаннат ва дўзах борлигига, яъни Аллоҳнинг бандаси учун ёруғ дунёдан абадий кўз юмгандан кейин белгилаб қўйган жазо ва мукофоти борлигига ишониб тушунилади. «Эътиқод»нинг дунёвий маъносига келсак, ҳукмрон мафкура, гоя, йўл-йўриқларга, оғир меҳнат кетидан фаровон ҳаёт келишига, қоронғилик, албатта, ёруғлик билан алмашишига ишонч англашилади. Ҳар икки ҳолда ҳам эзгуликка ишонувчи кишиларни эътиқодли одам, дейишади. Лекин ҳамма ҳам эътиқодли бўлавермайди, эътиқодли бўлиш қийин. Сўзи билан иши бир-бирига зид, фақат пул ва мол-дунёдан бошқа нарсага ишонмайдиган одамларда ҳақиқий эътиқод бўлмайди.

— Сиз ўзингизга ва бошқаларга нисбатан ўта талабчансиз. Яна одамларга берган баҳоингиз, кўпинча, тўғри чиқади. Одамдек мураккаб жонзотни бунча аниқ билишни қандай «ўргангансиз»?

— Талабчанлик — яхши одат. Киши қўл остидагилардан кўра ўзига кўпроқ талабчан бўлса — ундан ҳам яхши. Лекин, бахтга қарши, бошқага ўта талабчан бўламиз-у, ўзимизни эсдан чиқарамиз. Шу пайт ўзини фан ходими деб ҳисоблаб юрган бир одам эсимга тушди. У бир умр юмшоқ курсида савлат тўкиб ўлтирди, мансаб деганда ҳеч нарсага қарамай, ўзини томдан ташлади. Ўтирган ери илм маскани эканлигини, бу ерда ҳар бир кишининг қадр-қиймати илм билан ўлчанишини унутди. Фақат бошқалардан иш талаб қилиб ўтди. Кунмас-куни «Хўш, ўзингиз-чи?» деб сўраб қолишларини хотирага ҳам келтирмади. Мана, яқинда қартайиб пенсияга чиқай деб турганда, одамлар унга сояси ўзидан бошқа ҳеч кимга тушмайдиган, мевасиз дарахт, деб таъна қилишди. Билган одамга бундан ортиқ жазо бўлмаса керак.

Одамни, унинг кимлигини бир кўришда англаш, яхши-ёмонни хатосиз ажратиш масаласига келсак, бунақа хислат ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, борлиққа ҳам, йўқликка ҳам сабр-тоқат қилиб кун кечирган одамларнинг кўпчилигида бўлади. Лекин мен баъзи-баъзида адашиб ҳам тураман. Баъзиларга яхшилик қилиб, ёмонлик кўрган пайтларим ҳам бўлган. «Ҳайвоннинг олasi ташида, одамнинг олasi ичида» деб, бежиз айтишмаган эканлар донишмандлар.

— Муттасил (ҳатто тобингиз бўлмаганда ҳам) иш-лашга одатлангансиз. Бунга қандай эришгансиз?

— Бунинг, янглишмасам, битта сабаби бор — мен меҳнат нималигини болалик пайтларимдан билганман. Отам деҳқон киши эди. Саккиз ёшимдан менга ҳўкиз етаклатиб ер ҳайдатган, колхоз тузилгандан кейин мактабдан бўш вақтларимда далага чиқиб, онамга қарашганман, оёқ остига яшик қўйиб босмахонада ҳарф терганман... Хулласи калом, туғилибману меҳнат билан ўтаётибман, меҳнат билан суягим қотган. Қисқаси уни суюб қолганман. Шунинг учун ҳам ҳатто соғлигим бир қадар ёмонлашиб қолганда ҳам пайт топиб ишлайман. Ҳатто тезроқ ишлайман, чунки мўлжаллаб қўйган ишларим чала қолишидан қўрқаман. Тинмай ишлашимнинг яна бир сабаби шулки, унинг орқасидан юртда, халқим орасида озми-кўпми обрў-эътибор орттирдим. Буюк даҳоларимиз хожа Баҳоуддин Нақшбанд жанобларининг «Дил ба ёру, даст ба кор!» яъни, «Дилда Аллоҳ таоло билан, ҳаётда меҳнат билан бўл!» ва «Ҳаракат — сендан, баракот — Худодан», деган уқтиришларига амал қилишга ҳаракат қиламан.

— Мабодо, сизга яхши одамларга раҳмат айтиш имкони туғилса, кимларнинг номини тилга олардингиз? Нега?

— Имкони бўлганда, биринчи навбатда волидайти мухтарамам, онажоним Роҳилапошша Саййид Камол қизининг пойига тиз чўкиб, ул ажойиб инсонга яна бир марта чексиз миннатдорчилигимни изҳор этган бўлардим, чунки қўлимдан етаклаб, биринчи марта мактабга олиб бориб қўйган, бир умр борини сарфлаб, мени ўқитган шу улуғ инсон бўлди. Ва яна мактабда қўлимга қалам тутқизиб, хат-саводимни чиқарган азиз муаллимларимга, илм-фан хазинасига олиб кириб қўйган устозларимга яна бир бор қуллик изҳорини адо этган бўлардим. Ҳаётимда кўнгли қора, тангназар, ғаразгўй одамларни ҳам учратдим. Энди улардан хафа эмасман, чунки улар менга сергаклик ва ҳушёрликни ўргатишди.

— Мўъжиза рўй бериб, айнан ўзингизга ўхшаш бошқа Бўрибой Аҳмедов билан юзма-юз келиб қолсангиз, нималарни насиҳат қилардингиз, қандай маслаҳатлар берардингиз?

— Сиз айтгандай, мўъжиза рўй бериб, айнан ўзимга ўхшаш, лекин ёш бир ҳамкасб учратиб қолсам, унга: «Умр дўппи айлангунча ўтиб кетадиган нарса, шунинг учун вақтингни беҳуда ўтказма, фурсат борида хунар касб эт, уни эъзозла» ва яна «Оғир меҳнатдан қочма, чунки заҳмат чекмай муродга етомайсан» ва яна «Устозингга бир умрга содиқ бўл, уни улуғ ва муқаррам тут!» деб айтган бўлардим. Таъбир жоиз бўлса, бошимдан кечган бир аччиқ ҳақиқатни мисол тариқасида келтирмоқчиман. Номзодлик диссертациясини ёқлаб олганимдан кейин ўн йил шуҳрат орқасиданми ёки бошқами, билмадим, ўзимни у ёққа, бу ёққа урдим. Масалан, «АҚШ ва Африка», «Овруро хавфсизлигига ким таҳдид қилаётир?», «Лотин Америкаси» деган китоблар ёздим. Нимага, десангиз ўша вақтларда ўтмиш тарихимиз таъқиб остига олинган, ҳозирги замон масалалари билан машғул бўлган олимларнинг эса ошиғи олчи тушган пайтлар эди. Бир куни Альфред Карлович мени уйларига чақириб қолдилар. Бордим. Устоз гап орасида «Биз, Илья Павлович иккимиз, сени манбашунос қилиб тарбиялаган, асрлар қаърига тушишингда шамчироқ бўлиб хизмат қилувчи қўлзма китоблар оламига олиб кириб қўйган эдик. Сен бўлсанг...» деб қолдилар. Шундан кейин йўлимни яна топиб олдим, қўлзма асарларни таҳлил қилиш, кўҳна тарихимизни ўрганишга озми-кўпми хизмат қилдим. Лекин ўша ўн йил қулоғини ушлаганча кетди. Ўн йил оз вақтми?! Айниқса, ёш, куч-қувват тўлган пайтимдаги ўн йил...

— Тилакларингиз.

— Улуғ ва заҳматкаш халқимга биринчи навбатда тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва касбу корига барака тилайман. Тўғри, қийинчиликларимиз ҳам бор. Лекин бундан оғирроқ кунларни ҳам кўрганмиз. Фаровонлик ва тўкин-сочин вақтлар ҳам келиб қолади. Мен бунга аминман. Шунинг учун ҳаммага сабр-тоқат тилайман.

1994 йил, март

ЁЛҒИЗ ДАРАХТ

Давр ва даврон

*Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолғуси яхши ному иши.*

Саъдий

Яккабоғ қишлоғидан тоққа томон кетишда эски қалъа деворларининг ўрни сақланиб қолган. Қизилсув дарёсининг жиловини тутиб кунчиқишдан келган йўловчилар қалъа деворининг қишлоқдаги уйлар устига тиралиб тушган жойидан қирқиб очилган йўлдан улаҳатга (шевада аталиши, «вилоятга» бўлса керак) кириб келар эдилар. Йўл пастдаги хонадонларнинг тепасида худди дўлайиб тургандек туюлар, тик нишаблик ва кескин бурилишдан ҳайдовчилар юрагини ҳовучлаб ўтишарди. Эндиликда шу жойдан қалъа ўрни ғарчча кесилиб, тўғри йўл чиқарилибди. Бу ўзгариш узоқдан қараганда эгарни эслатади. Машиналар ўртадан физиллаб қатнаб турибди. Икки томонда эгарнинг қоши ва корсони уфққа тиралиб қолган.

Қишлоқда агроном Абдурайим Жабборов ва ўқитувчи Назокат Эшонқуловалар хонадонида бўлиб ўтган суҳбат хотираларни тугёнга келтириб юборди. Барибир суҳбатимиз қаҳрамони ҳақида ҳамма гаплар айтилмади, мен ҳам барча саволларимга жавоб ололмадим. Ўзи, шундай бўлади: агар одам кўп қатори бир нави умргузаронлик қилиб ўтган бўлса, унинг ҳаёти барчанинг кўз олдида муҳрланиб қолади ва ул зот ҳақида «туғилди, яшади, ўлди» қабилидаги жўн мулоҳазанинг ўзи кифоя. Мабодо, биров кўплар учун умумий бўлган турмуш тарзидан воз кечиб, бошқачароқ йўлни танласа, азалий тартибни бузган саналади ва унинг ҳаёти одатдаги қолипга сифмайди. Қолаверса, ўзи ҳам тўла тушунтириб беролмайдиган тирикчилик тарзи нотаниш йўлдан илк бор ўтган йўловчи ҳаёти каби мавҳумлик касб этиб қолаверади. Худди шундай, профессор Очил Тоғаевни билганлар ва узоқдан таниганлар ҳам у кишининг шахси ҳақида аросатда яшаб келмоқдалар.

...Машина янги очилган йўлни — эгарнинг қоқ ўрта-

сини сийпалаб, олдинга интилади. Ҳамроҳим — туман газетасининг муҳаррири Г. Раҳматов таклиф қилинган жойдан кечикди — шошаяпти. Иккаламиз ҳам домланинг шогирдларидан — кўлида таҳсил олганмиз. Эҳтимол, журфақда 30 йилдан кўпроқ давр ичида маълумот олганларнинг барчасида шундай эътироф яшар. Аслида ҳам бундай тан олиш инсофсизликка кирмайди. Шубҳасиз, ҳамманинг ўз мезони бор ва ҳар бир қалба устознинг ўзига хос тимсоли яшайди.

Хотиралар лип-лип ўтади. Нигоҳ кўним излайди. Машина секинлаб, йўл четига чиқди. Ўнг томон шигил тутзор, унинг бошланишида атрофга соя ташлаб, азим дарахт солланиб турарди. Ҳув қирда, буғдойи ўриб олинмаган дала четида ҳам шоҳлари тарвақайлаган дарахт. Ажаб, ўт-ўланлару хас-ҳашаклар қоплаган ёбонлар бағрида, ҳатто пастак буталар қуршовида фақат дарахтлар кўзга ташланар экан. Дарахтларга қараб йўлни белгилайдилар, соясида дам оладилар, мевасини тановул қиладилар ва... баъзан унга тош ҳам отадилар.

Ўшанда дарахтлар илк хазонларини ташлай бошлаган, ёзнинг офтоби қайтиб, ҳарир шамоллар эсаётган пайт эди. Экспедициядан қайтиб, домлани суриштирдим. У кишининг соғлиғи ёмонлашганини, пинҳона дард хуруж қилганини билардим. Сафарга жўнаш олдидан хонадонларида бўлиб, оқ фотиҳаларини олгандим. Ўшанда тез-тез терлаётганларидан, дармонсизланиб бораётганларидан шикоят қилган эдилар. Ранглари уникқан, кўзимга озиб қолгандек туюлганди. Амирқул (Каримов) билан ишдан чиқиб, кўришга йўл олдик. Юрагимизда бир ҳаяжон бор эди, гарчи ҳамроҳим ўтган кунлар ичида аҳвол қандай ўзгарганини билмаса-да, ташвишини яширмади.

Таниш хонадоннинг балконида янга, яна 3-4 киши турарди.

— Домлаларингиз ҳув ҳовузнинг бўйида ўтирибди, — дейишди саволимизга жавобан.

Ҳайрият, оқшомги сайрни қанда қилмабдиларми, ҳаммаси яхши экан-да. Кўнгилдан кечган бу фикр беихтиёр таскин бергандек бўлди. Атрофда ҳеч ким йўқ, йўлақларни айланиб, узоқдан кўриниб турган шляпага яқинлашамиз. Биз ён (ўнг) томондан келиб қол-

дик. Узун суянчиқли курсида озиб кетган ва ҳорғин мўйсафид ҳассасининг учига кўзини қадаганича зилзамбил хаёллар остида эзилиб ўтирарди. У бутун борлиқни унутган, энди фақат ўзигагина аён бўлган дунёнинг ич-ичга кириб кетганди. Унинг учун атрофдаги барча нарсалар — мармар тошли ҳовузу текис қирқилган ҳашам дарахтлари, узоқдан димоққа урилаётган овқат ҳиди-ю мусиқа товуши ўз аҳамиятини йўқотган, жумладан, бизнинг яқинлашганимизга ҳам парво қилмади.

— Ассалому алайкум, домла, бизлар келдик, — дедик дардимизни ва ҳаяжонимизни аранг босиб.

Бош оғир кўтарилди. Қарашлар ҳамон ўткир, кўзларда ўша меҳр ва ақл порлаб турарди. Вазият ниҳоятда эзгин эди. Иккимиз бир улуф одамнинг умр шомига гувоҳ бўлиб турардик, бу ҳолат биз — довдир йигитларни шоштириб қўйганди.

Устоз қаддини кўтарди, ўзини ўнглай бошлади. У шогирдларининг қаршисида ҳам аянчли кўринишдан ор қила бошлагандек эди. Бир хўрсиниб олди-да:

— Энди, аста қайтиш қилсакми, деб турибмиз, — деди оҳиста салмоқлаб.

Бу гапни ўша пайт устоз уйга кетишни ихтиёр қилдилар, деб тушундик ва илтифотлар билан қўлларидан олиб, хонадон сари йўладик. Рости, устоз бизнинг ёрдамимизни рад этди ва ўзи секин йўлга тушди. Фақат иккинчи қаватга кўтарилишда бир оз ҳимо қилдик. Уй одамлар билан гавжум, узоқдан қариндошлар етиб келган, ҳамма домланинг саломатлигидан безовта эди.

Неча йиллар давомида шогирдлар, меҳмонлар даврасида дилкаш суҳбатлар бўлган хонага кирдик. Устоз тетик бўлиб қолди, зеҳни чарақлаб очилди-да, ишларимизни суриштирди. Мен Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб 20 кунлик сафар жуда муваффақиятли кечганини айтиб, тафсилотлардан сўзлаб бердим.

Беморни уринтириб қўймаслик учун тезроқ чиқишга шошилاردик, мезбоннинг эса қўйиб юборишга раъйи йўқ эди. Охирида бизни кузатиб, эшик олдиғача чиқдилар. Мен таътилга кетаётганимни эслатдим. Ул зот «Оқ йўл» дедилар. Биринчи қаватнинг зинасидан тушиб кетаётганимизда ҳам яна бир марта «Оқ йўл» дедилар ўктам овоз билан.

Булар устознинг бизла га юзма-юз айтган сўнги сўзлари бўлиб қолди.

Абдурайим тоға ҳақида .ўп эшитган эдим. Мабодо, у чанқоғини босиши керак бўлса, яъни ҳалоллик ва ҳалол одамлар ҳақида ўз қарашларини баён этишга киришса, албатта, ўз касбига фидойи ва виждонан муносабатда бўладиган «бир қолоқ хўжалик агрономи»ни тилга олиб ўтар ва ўзлаштиришга муккасидан берилган раҳбар билан унинг курашларини мисол қилиб кўрсатарди. Шу киши домланинг сўнги кунларигача садоқатини намойиш этди, аза кунлари бошқош бўлди. Унинг кўнгли тўлиб кетганда ёш болалардек йиғлаганларини шу кунлари кўп кўришганди. Энди эса ўзи ҳам 65 ёшни уриб қўйган отахон ҳаяжонларсиз болалик хотираларини сўзлаб ўтирибди.

— Ўтин теришга бирга борардик — шулар ёдимда қолган. Бир сафар еру кўкни ларзага солиб, бир нарса ўрмалаб кела бошлади. Ипимиз, ўроғимизни ташлаб қочдик. Қирга чиқиб қарасак, бригадир тоғам олдига тушиб келаяпти. Қишлоғимизга биринчи тракторнинг келиши шундай бўлган. Тоғам (онамнинг укаси) — гап домланинг болалик йиллари ҳақида кетаяпти — кейин мактабга борди, расми китоблар олиб келди, мен уларни қизиқиб томоша қилганман. Кейин улар Тўла қишлоғидан Яккабоққа кўчиб кетишди. Бир сафар борсам, мукофотга катта сумка олибди. «Аъло ўқиганим учун бердилар», деб мақтанган...

Бу катта ҳаётга илк қадамлар эди. Шубҳасиз, ўшанда мурғак қишлоқ боласи келажакда уни ўзбек миллий маданиятида нисбатан кам тадқиқ қилинган публицистика назарияси билан шуғулланиш кутаётганини, аъмоли, йўли шу эканини билмаган. Ва, умуман, ҳали кўп нарса у пайтда аниқ эмас эди.

20—30-йиллар авлоди вояга етган муҳитга кўз ташлайдиган бўлсак, улар жиддий синовлардан ўтиб, ҳаётга қадам босишганини кўрамиз. Беғубор болалик уларни очарчилик билан кутиб олди. Суяги қотганда — уруш, билагига куч тўлганда — тикланиш, ақли тўлишганда — «коммунизмга элтувчи йўл» бошида адашишлар, жамиятни бошқариш мавриди келганда — қарсакбозлик, тажрибаси асқотадиган паллада — бирданига ҳаммасини қоралаш, инкор этиш. Бунчалик нотекис ва талатўп

умр йўли кўпроқ ижтимоий ҳаётда чуқур илдиз отиб яшашни эмас, балки пуфақдек учиб юришни, тез-тез алмашиб тураётган нуқтаи назарлар шамолдан кечик-масликни тақозо этарди. Шундай шароитда ўлса ҳам тиз чўкмайдиган коммунистлар, найзага тик борган болшовойлар ибрат қилиб кўрсатиларди. Ҳатто катталарга партия даъвати учун отасини сотган ёш болалар қаҳрамонлиги мисолида танбеҳ бериларди. Ана шундай бозорда ҳар ким ўз матосини танлар, эътиқод ва ғоядан йироқ кишилар юмалоқ бир ҳолга тушиб олган, улар мослашишга жуда уста бўлиб тарбияланган эдилар. Аксинча, ўз йўли, қиёфасини излаганларда шахсий худбинлик тарзидами, яккабош манманлик тарзидами, бир дунёқараш шакланганди. Улар яккаш фақат ўзларига ишонар, ўз тушунчалари доирасидаги эътиқодлари учун собит туриб курашсалар, енгиб чиқишларига шак-шубҳа қилмасдилар. Хуллас, шахслар, йирик Шахслар ҳам вояга етган эди ва улар ўз нуқтаи назарлари ҳимоясидан бир қарич ҳам орқага чекинмасдилар. Ахир улар саксонинчи йилларда коммунизм қурамиз, космосни ўзлаштирамиз, табиатни инсон измига бўйсундирамиз, деганларнинг авлоди эди-да. Бу пайтда ҳатто романтика ҳам ўз доирасидан чиқиб, фазовий кўлам касб этган, қўлга киритилаётган натижалар — Гагарин, БАМ, Қарши чўли... ҳар қандай орзунинг амалга ошишида реал имкониятлар борлигини тасдиқлаб тургандек бўларди.

Очил Тоғаев ана шу даврнинг илғор зиёлиларидан эди. У бу даражага бутун табиий қобилияти, илмий салоҳиятини тўла сафарбар этиб, курашиб, интилиб эришган эди. Ўша даврда бу даража жуда кўплар ҳавас қиладиган юксак поғоналардан эди. Бугунги кунда узоқлардан янгича ёндашувлар билан устоз йўлини назардан ўтказиб, шахсий мулоҳазаларимни баён этар эканман, бу ҳаётдан рад этишга, қоралашга ҳукм қилинган кичик бир унсур топа олмайман. Аксинча, бугунги ҳаётимизда ўшандай зотлар асқотаяпти. Гап шундаки, Тоғаев байроқ қилиб кўтарган ғоялар умуминсоний маънавиятга даҳлдор бўлиб, уларни турли жамиятда турлича талқин қилиб бўлмайди. Олайлик, ҳалоллик тушунчаси одамзот пайдо бўлгандан буён бир хил таърифланади ва абадий ўзгармай қолаверади.

Дейлик, жамиятда кўпчилик мансабини суиистеъ-

мол қилиш, пора олиш иллатига муккасидан кетган ва бундай кишилар бирлашиб, бир оқимни, ҳатто етакчи оқимни ташкил қилган бўлса, уларга қарши борган одамга осон бўладими ва бундай миннатга елкасини тутиб берган ул зот қандай одам? Шак-шубҳасиз, бу саволга холис жавоб берувчилардан аксарияти уни қоралаши табиий: ҳатто генсек ҳам олиб турса, сенга ҳалолликдан лоф уришга бало борми? Даврнинг ана шундай зиддиятлари домланинг фаолиятида чуқур из қолдирган эди ва у, таассуфки, оппоқ тонгларга, чашмаларнинг мусаффолигига ёш гўдақ қалби билан ишонарди.

Унинг навбати етиб, енгил машина оладиган бўлди. Шунда Яккабоққа келиб, қариндошларини тўплади-да:

— Пуллари борми? — деб сўради.

— Пул сизда бўлади-да, — дейишди. — Ҳар йили 3-4 болани ўқишга киритсангиз, ота-онасининг ўзи ташлаб кетади. Ҳамма домлалар шундай қилаяпти. Сиз ҳам таниқли профессор бўлсангиз.

Рости, ўша йиллари профессорнинг эмас, оддий ассистентнинг шу йўл билан қанчалик даври даврон сурганини кўпчилик билади. Бироқ Тоғаев бундай қилолмасди. Кўрқармиди?

— Мен пора олмаганим, билимим, виждоним билан ишлаганим учун Тошкентдай жойда бўйин эгмай яшаяпман, — деганди ўшанда бир оз зардаси қайнаб.

У «бўйин эгмай яшаш» йўлини танлаганди.

Нафсиламрни айтганда ҳам бўйин эгмай яшашдан фаровон яшаш йўли осон. Пулдорлар, мансабпарастлар сендан кўп нарса талаб қилишмайди. Кўнгилдаги гурурнинг (агар у бўлса) юзига қора чаплаб, «улуф зот»нинг қошида эшилсанг, товонини яласанг — кифоя, ҳамма нарсага эришасан. (Теварагимизда бунақалар сон мингта эди ўша пайтлар). Фақат тарбиями, табиат ҳукмими, нима учундир кўкракдаги арслонни ўлдириш — гурурдан воз кечиш мумкин бўлмайди ва бошингга турли сиру савдолар тушади. Бундан ранжима, биродар! Аслида дунёни портлаб кетишидан, олайлик, сақлаб турган нарса — шу. Сен ўша қийноқларинг билан одамларга оламини ҳада этипсан.

— Университетда ўқийман, деган ўғлимизни амакимга топширдик, — деб ҳикоя қилади Назокат опа, — иншо ёздириб кўрди-да «4» баҳо олади, деди. Бироқ

«3» олиб қолди. Биз ундан ёрдам сўрадик. Шунда «Бунга битта баҳо қўйиб берсам, яна тўрттаси одами-ни олиб келади. Шунинг учун бу ишни қила олмайман», — деди. Шу йил ўғлимиз ўқишдан қайтди.

Шунда Назокат опаларнинг хафа бўлмаган дейиш қийин. Эътиқод билан яшаш қариндошларни ҳам бегона қилиб қўяр экан-да у жамиятда. Бугун эса қариндошлар ўша кунларни соғинч билан эслашади. Домланинг қаттиққўллиги изсиз кетмади. Ўфил кейинги йил Львовдаги олий ўқув юртига ўқишга кирди, бугун у ўз соҳасининг моҳир мутахассиси. Ҳақиқатан, узоқни кўзлаб қилинган «яхши»ликларни ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. «Тўғри тушуниш» ибораси қандай маъноларни ифодалашини билмайман-у, лекин бир-бирини англамаслик, қабул қила олмаслик туфайли дуппа-дуруст одамлар умр бўйи душман бўлиб қолганини кўпчилик билади. 80-йилларда журфакнинг талабалари домлалар икки гуруҳга бўлиниб, «жанг қилиш»ларини ошқора гапириб юришарди, лекин устозлар нимани талашиларини тушуна олмасдик. Ўша тор, нимқоронғи коридорнинг икки томонида жойлашган факультет, кўпдан бери таъмирланмаган аудиториялар, қийшайиб кетган курсилар жойида тураверар, лекин талашилар тўхтамасди. Табиий, бундай «муҳориба»дан муҳит ифлосланар, беғуноҳ кишилар азият чекишарди. Ана шу «гирдоб»га тушиб қолган бир талабанинг диплом ишини ҳимоя қилиши 20 кунга чўзилган, у уч марта давлат комиссияси олдида ҳисоб берган, бироқ ҳеч нарса ўзгармаган, фақат бўлажак ёш мутахассис қалбида алам билан факультетни тарк этган эди. Биз, талабалар, «икки томон»ни ҳам билардик, ҳеч бирининг бизга ёмонлиги йўқ, маълумотли, меҳрибон одамлар — чинакам устозларимиз эдилар. Бироқ ўртадан парда кўтарилган, орага «шайтон кириб олган» эди. Энди ўша ҳолатларни мулоҳаза қилиб, аслида ёмон одамлар йўқ, бироқ ёмон муносабатлар борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Яна ўша «бир-бирини тушуниш» ҳам кўп нарсани ҳал қилган. Ҳатто шоғирдлар ҳам устозларнинг, эҳтимол, чин юракдан қилаётган яхшиликларини, хатти-ҳаракатларини қабул қила олмас, бир-бирини инкор этувчи чалкаш хулосаларга борардилар.

Профессорга (жўнатилмайдиган) хат

*(Талабанинг конспект гафтари ҳошиясидаги
ёзувлардан)*

2 апрел. Ўргатганларингиз амалий фаолиятда кам асқотса керак, чунки фикрларнинг кўпи бизнинг ҳаётимиздан йироқ, мисоллар рус журналистикасидан олинган.

6 апрел. Биз назарияни ўрганиб очерк ёзамизми (яъни олдин идиш ясаб, унга ҳаёт парчасини жойлаймизми) ёки қаҳрамонлар тақдири, ҳаёт тарзи бизнинг назариямизни талаб қиладими (яъни ҳаёт парчасига қараб идиш ясаймизми?) Сизнинг маърузаларингиздан дастлаб «Таксист» (Зюсюкин очерки)ни ўқиб, кейин таксистни излаш керак деган таассурот олаяпман.

10 апрел. «Инсонийликнинг бош йўли — фуқаро туйғусига эга бўлиш ва меҳнатни севиш», дедингиз. Даврнинг энг сўнгги талаби даражасида фикрлай олиш қай бирига киради? Фикрларингиз билан 80-йиллар ёшлари ўртасида зиддиятлар бор, дейилса, ишонасизми? Ҳозир анорнинг анорлигига уни очиб емагунча ҳеч ким ишонмайди. Бу ҳамма жойдан анорни арзон нархда топиб бўлишдан эмас, балки меваларнинг лаззатидан тўла баҳра олиб юрган тўқ одамнинг қўлида шундай имконият борлигидан. Дамбани сув уриб кетаётганда жамоат мулкани асраш ҳақида томоқ қириб ваъз ўқиш билан ҳеч кимни жилдиrolмаслик мумкин, бироқ силлиқ дазмолланган пўрим уст-бош билан қутурган сув йўлига қўндаланг бўлиш одамларда кўпроқ даъваткорлик уйғотиши аниқ. Болалар оғиз билан сўкишишнинг жуда кўп йўлини билади, бироқ улар ҳеч нарсага қодир эмас, чунки улар ожиздирлар. Халқда (кўпчиликда) барибир оломонлик руҳи бор. Жамиятни барча эмас, йўлбошчилар бошқаради. Ҳатто етилиб турган тарихий заруриятни омма тушуна олавермайди. Сиз орзу қилган ўзгаришлар кураш талаб қиладди. Курашга эса йўлбошчилар керак.

15 апрел. Бугун жуда мард кетдингиз. Одатда, янги ташкилотга вақтинча ишга борган ходим кўп ноҳақликларни кўрса-ю, уни фош этишга кучи етмаса, сафар муддати тутаган кун ё эшикнинг қулфини бузиб

кетади, ё телефон симини узиб кетади. Сиз ҳам жунбушга тушдингиз (доим исёнкорлигингиз тутса шундай бўлади), қўлларингизни — аниқроғи, бармоқларингизни бир-бирига нуқиб, қандайдир сўзлар билан бош рақибингиз кимлигини, у ноҳақликни тик туриб ҳимоя қиладиган диёнатсиз одам эканини баралла айтдингиз. Шунда бирдан енгил тортгандек бўлиб, узоқ вақт жим қолдингиз. Сўнгра таъкидлаб, «унинг тарафдорлари ҳам бордир, майли, уларнинг жаҳли чиқсин», деб андиша билдирдингиз. «Менинг сизларнинг ораларингизда ёмон кўрадиган талабам йўқ. Билим олишдан бошқа талабим ҳам йўқ». Бу гапларнинг чинакам фидойилик ифодаси, миллат, халқ манфаати йўлидаги жонкуярлик эканига ишонгим келади. Ахир нега баъзилар сизнинг атрофингизда яқин одамларингиз камлигидан ёзғиради? Наҳотки, ҳамма сизни тушуниш даражасига кўтарила олмади? Лекин совуқлик ҳеч вақт ҳарорат бўлолмайди...

26 апрел. Тасаввурларимиз шунчалар лойқалашиб, бошимизни қалин туман пардаси ўраб олган эдики, буларнинг ҳаммаси чиройли ўзбекча эҳтиросли нутқингиз остида тарқаб кетгандек бўляпти. Кўпда мўъжизага ишонмай қолган тушкунликдаги бизлар ўз дардларимизга чинакам дардқаш топилганидан кўнглимизда умидлар уйғотдик — зора, тўйиб-тўйиб йиғлаб олиш имкони топилса! Ахир кимнинг олдида кўз ёши тўкишнинг ҳам фарқи катта-ку. Танаффусларга кўзимизда ҳайрат порлаб чиқамиз, лабимизни тишлаб, бошимизни сарак-сарак қиламиз-да, «даҳшат» деб қўямиз. Бошқа сўз келмайди. Бизнинг бутун ҳиссиётларимиз бошланган қалб тўфонини босиш билан банд бўлади. Ҳа, биз университетда жуда кам нарса кўрган эдик. Бизнинг очилмаган қалбларимиз тобора ҳиссиз бўлиб, нафис туйғулардан айрилиб қолаётган эди. Булар сиз туфайли кўзгалгандек бўлди. Бу ҳол кучайиб борди. Энди биз сизга шифокорга термулган бемордек қарай бошладик. Аслида-чи, сиз ҳам... бемор экансиз. Сиз юрагингиздаги тугунларни ёзиш учун «исён»ингизни ташқарига чиқарар экансиз.

Қизиқ, сиздек бир зотга, миллат маданиятига сезиларли ҳисса қўшган бир алломага таъсир қиладиган, чалғитадиган дард «етук» жамиятимизда бор экан-

ми? Наҳотки, сиздек эътироф этилган шахслар ҳам баъзан ноҳақлик олдида мулзам бўлиб қоласизлар-у сизларнинг ҳақ эканингизга ишонишмайди? Агар қизил мулоҳазалар билан ҳақиқатни қарор топтиришга ишониш мумкин бўлса, наҳотки, сиз курашмагансиз?..

(Бу ёзувларимни «очерк»дан зерикканимда давом эттириб қўйяпман. Бу хилдаги қайдларни ҳеч ким ҳақида, ҳатто қалбимни овлаган қиз тўғрисида ҳам бунчалар жигдий ёзмаганман. Иложи борича эркинликка интилмоқдаман, фикримга нима келса, қоғозга тунширмоқдаман...)

5 май... Сиз ҳамкасбларингиз ичида энг етугисиз. Кўпгина устозларнинг овоз мусиқаси аллақачон унутилиб кетди. Сиз айтган сўзлар эса худди ўшандай, илк марта айтилганидай қулоқларимизда жарангламоқда. У сўзларда оғир чарчоқ ва толиқишнинг, умидсизликнинг, комронликнинг, жанжалкашликнинг, кўп савдоларни бошидан ўтказган-у, ҳаммасидан ҳам илондек зийраклик билан хулоса чиқариб ололмаган баҳодир ақлнинг, отанинг ва илғор фикрли олимнинг қалб садолари Яккабоғ боғларининг ҳарир шамолидек садо бериб турибди. (Шамол бўронни бошлаб келиши мумкин?!).

Изтироб оғушидаги теранлик

*Дилда гардинг бўлмаса,
Саргафтаримни кавлама.*

Машраб

... Талабанинг (фикрини эркин қўйиб), самимий баён этган эътирофи Очил Тоғаев ҳақидаги турли қарашларнинг бир намунаси, холос. Ундаги муносабат тадрижи (динамикаси) кишини ўйлантиради. Домланинг сабоғи «амалий ҳаёт»да асқотармикан, деган андишага борган талаба кунлар ўтиши билан уни кашф қилиб боради ва ўзи билган одамларнинг етуги, деб қайд этади. Ички майллардан ҳоли бўлмаган бу хулосага қўшилмаслик мумкин, бироқ домла талабаларга маъруза ўқишни, улар билан мулоқотда бўлишни «жонидили» деб биларди. У рўёбга чиқмаётган орзуларини ёшлар амалга оширишига ичдан ишонарди.

Ҳали шовқин босилмаган аудиторияга паҳлавон келбат, нуроний сиймо, кумушланган сочлари орқага таралган профессор кириб келади-да, минбарга қалин папкасини қўйиб, бироз синиқ овоз билан маърузасини бошлайди: «Кўплар «журналист» сўзининг жарангига учиб, бу касбни танлайди. Ҳолбуки, инсоният маънавий оламидаги етук кадриятлардан бўлган бу соҳа фидойилиқдан ташқари табиий истеъдодни ҳам талаб қилади. Қолаверса, истеъдод биринчи омилдир. Ёзолмайдиган журналист ҳеч ким эмас».

Эҳтиросли, кескин нутқ талабаларни бошқа бир дунёга — беғубор яшил бир водийга олиб кетади. У ерда ҳаммаси — табиий, қўйлар сурувига бўри чўпонлик қилмайди. Бирдан устоз қаердадир худди шундай тескари ҳолни кўриб қолгандек бўлади. Жазаваси тутади, бошланади: «Омбор мудирини бўлиши керак бўлган баъзи молпарастлар талабаларга сабоқ бериб юрибди...» Домланинг қалби қаттиқ жароҳатланган, у оғриқни унута олмас эди.

Мабодо, О. Тоғаевнинг изтиробини қарамликдан ва у истиқлолни орзу қилганди, десак, бу гап эриш туюлиши мумкин. Чунки СССРдек қудратли давлатнинг парчаланиб кетишини Вангадек фолбин ҳам башорат қилмаган бўлса керак. Ва фақат домла сажда қилган юксак ғоялар билан жамият тартиблари ўртасидаги зиддиятлар исёнкорликка сабаб бўлди, деган изоҳ ҳам моҳиятни тўла ифодамай олмайдигандек.

Ёки:

Савдо ходими Саъдулла ака хўжалик раҳбари Ҳотамовнинг «ношудлиги»дан куйинади. «Туман назорат кўмитасида ишлаганда шундай «шанс»лар бўлди, битта ишора қилса, енгил машина совға қилишарди. Кўнмайди. Айтдим, «ўзингиз қўрқсангиз, машинани бизнинг ҳовлига элиб қўйинг». Йўқ, Еган еб ётибди. Ўзи, шунақа қирриқ одамлар бўларкан. Раҳбарлардан бири тўй қилувди. Уч яшиқ ароқ элиб ташладим. Тўйдан кейин қўшнимиздан пулини бериб юборибди. Мен «тўяна қилганман», деб қайтариб юбордим. Кейин шофёрдан жўнатибди. Олмадим. Бир куни ўзи олиб келибди: «Ҳеч кўнглим тинчимасди, олмасангиз бўлмайди», дейди».

Куламиниз, иккаламиз икки хил куламиниз.

Яхшиям ҳамманинг феъл-атвори бир хил эмас.

Яккабоғдаги оила даврасидаги суҳбатда ҳам мавзу нуқул ҳалоллик, мардлик, инсонийлик устида айланди. Домланинг жияни ўқитувчи Салим Аҳмедов маҳаллага ун келтирилганини, бироқ заводдан 50 килолик халтанинг ҳар биридан 4 килодан уриб қолишганини куюниб гапириб қолди. Бу далил 17-18 киши гувоҳлигида исботланган, қоғоз тўлдирилган, аммо бирон киши шу қаллобликни керакли идораларда фош қилишни хоҳламайди. Аксинча, воситачилар чиқиб, актни йўқотишни режалаштирган. Суҳбатдошлар бир-бирларига қараб қолишди: инсоф учун ким курашади, ҳақ сўзни ким айтади? Афсуски, бундай мардлар ҳар қадамда топилавермайди. Қолаверса, Очил Тоғаевни бу жойларда жуда кам билишади, десам хато бўлмайди. Бу ҳолнинг мустамлака шароитида бой ўтмишдан маҳрум қилинган, ғайритабиий тартибларни қабул қила олмай аросатда қолган қишлоқларнинг турмуш тарзи, фикрлаш даражаси билан боғлиқ томонлари бор. Агар бу жойларда олдин ҳам етишиб чиққан юксак мартабали шахслар ҳақидаги хотиралар сақланиб қолганида, азалий тарихий маданиятга даҳдорлигини одамлар билганида, янгидан юртга танилган машҳур кишиларни табиий қабул қилишарди, кейинги издошларнинг ҳам обрўсини жойига қўйишарди. Ҳолбуки, тарихидан мосуво қилинган халқ каллакланган тутдек ночор аҳволга тушиб қолган, унинг илдизига ҳам секин таъсир этувчи захри қотил қўйилган эди. Ана шундай шароитда, мабодо, кимдир биринчи бўлиб юксак шарафга нойил бўлса, уни ҳам бир мардум сифатида қабул қиладилар, ундан кáромат ҳам, шарофат ҳам кутмайдилар. Аксинча, эътирофдан кўра пажмурда ғурур билан ўзлари каби турмуш машаққатлари остида эзилмагани, пода қувиб, чанг ютмагани, бошлиқларнинг сўкиши остида хўрланмагани учун аламзадалик билан муносабатда бўладилар. Турмуш ташвишларининг оғир юки остида рамақижон бўлиб кетган вужуд (тана)да руҳ ҳар доим покиза бўлавермайди. Ҳаёт лаззатидан маҳрум қилинган, чарчаган одамлар дунёни губор ичида кўрадилар, ҳамма нарсага хуфёна нафрат туйғуси билан қарайдилар. Улар шундай кунга дучор этгани учун тақдирни, бевақт дунёга келтиргани учун ота-онани, ноқобилли-

ги учун ўз фарзандларини аямай сўкадилар. Бундай қалбда ҳавас эмас, ҳасад яшайди. Хилват бир қишлоқдан чиққан икки олим «биринчилик» талашиб, узоқ йиллар «мангу жанг» олиб борганини биламиз. Худбинлик палак отган бундай муҳитда бир киши бошқа бир кишини ўзидан устун қўя олмайди, ўз мақсадига эришиш, ўзининг «биринчи»лигини исботлаш учун эса ғийбат, фисқу-фасодга зўр беради. Оқибатда, ҳар қандай тоза либосга ҳам қора чаплаб ташлашади. Маънавиятдаги таназзул — шундан, бир умр тор қобикқа ўралашиб, ўз жулдур чопони ичида дунёдан ўтиб кетиш — шундан. Тириклик азоб туюлувчи, одамлар ўлимни хушхубардек кутиб яшовчи бундай гўшаларда манзара худди шундай. Бунда бировни айблаб ҳам бўлмайди, фақат шўровий тартиблар туфайли асл қиёфасини йўқотган бу жойларда бошқачароқ турмуш тарзини қабул қила олмаслик, ўз улуғларига кўникмаслик каби худбинлик кайфияти ҳукмрон, холос. О. Тоғаев — Қашқадарёда биринчилардан бўлиб фан доктори илмий даражасини олган, кимнингдир таъбири билан айтганда «иккинчи Қарши чўлини очган» одам республика жамоатчилигига яхши таниш олим бўлган. Лекин юртида шунга яраша эъзозни кўрмайсиз. Қандай ҳам бўлсин, худди шу хайрли ишни бажариши керак бўлган икки идоранинг раҳбари бир пайтлар домланинг қамчисига тўғри келиб қолган. Публицистик чиқишларида бирини мансабпарастликда, бирини ўз касбига нолайиқликда айблаб роса дўппослаган. Мақолада номлари айнан келтирилмаган бўлса-да, ўзларини адашмай таниб қолган бу зотлар марҳумнинг руҳини авф этишга куч топа олармиканлар? Тақдирнинг ажримини қаранг.

Худди шундай, дунёқарашнинг тор доирага сифмаганлиги ёки табиатан ҳалоллик ёхуд яна бошқа омиллар бир курашчини дунёга келтирган эди. Ўша даврнинг пинҳона (бутун биз учун аён) моҳияти — ҳалоллик қиёфасидаги нопоклик, талабчанлик қиёфасидаги ғаразгўйлик, байналмилалчилик қиёфасидаги маҳаллийчилик билан У мураса қила олмас, У бундай қобикқа сифмас ва катта қудратга эга бўлган нариги томон бу томонни шафқатсиз эзар эди. Уни бадном қилишга, фирқа сафларидан ўчиришга эришдилар, бироқ у бўйин эгмади. У қандайдир тасодифлар, яхши одамларнинг кўма-

гида омон қолаверди. Албатта, бундай даҳанаки жанглар кўп нарсалардан маҳрум қилди. Қанчалар илмий асарлар ёзилмай қолди, турмушдан лаззат йўқолди.

Унда ўз муҳолифларига нисбатан шафқатсизлик, одамларга нисбатан ишончсизликни сезиш мумкин эди. Бир сафар «рақибларингизга бироз ён боссангиз бўлмайдими?» деганимда, қаттиқ жаҳли чиққан, «тирранча, ҳали сен менга ақл ўргатасанми?», деб дарга заб бўлганди. Унинг ўзига озор берганларга шафқатни асло раво кўрмаслиги шу даражада эдики, муросага чақирган яқин шогирдини аччиқ сўз билан силтаб ташлаганди. Кейинчалик ҳам устоз бу қилиғидан пушаймон бўлмаган, ҳеч кимни кечиритишни ўйламаганди. Фақат касаллик анча хуруж қилиб қолган кунларнинг бирида бироз таассуф билдириб, «Бирор мансаб эгаллашга интилишим, атрофимда гуруҳ тузишга эришишим керак экан», дегандилар.

Шуни эътироф этиш керакки, курашлар ичида кечган ҳаётида домла нимага интилган бўлса, ҳаммасига эришди. Илмда ўзига хос йўлини кашф қилди, ижодкорлар ва олимлар ўртасида бировга алмаштирилмайдиган ўрни бор эди. Айниқса, кейинги йилларда тўла ғалаба нашидасини сурди. Матбуотда долзарб мавзуларда тез-тез ўткир мақолалар билан чиқиб турди. Узоқ йиллар сукут сақлаган газеталар ҳам «ўзбек публицистикаси назариясининг асосчиси» ҳақида мақолалар эълон қила бошлади. Шундай чиқишларнинг бири «Қашқадарё ҳақиқати» газетасида бўлиб, уни муаллиф билдирилган мулоҳазаларнинг кўп қирраларини ойдинлаштиришини ҳисобга олиб, бироз таҳрир билан ҳавола этади:

Олимлик — фидоийлик

(Филология фанлари доктори, профессор

Очил Тоғаевнинг 60 ёшга тўлиши

муносабати билан эълон қилинган)

«Дунёдаги энг буюк жасорат тафаккур жасоратидир», — деб ёзади «Прометей олови» китобининг муаллифи йирик адабиётшунос олим Очил Тоғаев. Ҳурматли ҳамюртимизнинг бутун илмий ижодий йўли, тар-

жимаи ҳоли шу сўзларнинг тажассумига ўхшайди. «Олимлик меҳнати бадий таланти меҳнатидан кам эмаслиги ўз-ўзидан аён. Кўзланган мақсадга қатъий интилувчанлик, мустаҳкам ирода, бардошлилик олим меҳнатининг негизидир». Баъзан бир кашфиёт тарихи, бир истеъдод тақдирининг эътирофи этилиши ҳақидаги қаҳрамонномани эшитиб қолиб, қалбимизда оғриқ сезамиз: «Оғир, нақадар оғир ижод йўли!». Ҳатто қуёшнинг қуёшлигига шубҳа билан қаровчилар бор дунёда тафаккурнинг асов тулпорини жиловлаб, уни бир мақсадга йўналтириш, масофасиз кенгликлар, чексиз тушунчалар уммонида ўз нузли оролини топиш ва яна ўша жойга илм аҳлининг, афкор омманинг назарини қаратиш осонми? Бунинг устига ҳали ҳеч ким бу миннатни ўз зиммасига олмаган бўлса, ҳали бу сўқмоқдан ҳеч ким юрмаган, ҳатто ўша сирли оролга элтувчи йўл борлиги шубҳали бўлса. «Нузли орол» — бу ерда ҳаёт маскани, мақсад бекати. Қўлда қилич ўрнида қалам тутиб, юзга сипар киймай йўлга чиқилади. Ҳамма нарса аниқ, фақат оғир. Жасорат ҳақидаги даъватлар — кўринмас умид ришталари, масъулиятнинг бутун оғирлигини — фил ҳам кўтара олмайдиган оғирлигини ўша ингичка ипларга осиб олға интиласан. Баъзан одам ўз-ўзини овута олади-ку, ўзини-ўзи илҳомлантиради-ку! Ҳар ҳолда гўзал ҳаётнинг босқичлари сарҳисоб қилинаётган мунаввар кунларда ҳам «мозийга қайтиш — хайрли!» Жасоратга ундаган ўша даъваткор сўзлар бугун ўша инсон ҳаёти мазмунининг ифодаси бўлиб турибди. Гўё буюклик ҳақида ҳикоятинглаб ҳайратланган одам бугун ўша ҳикоятнинг қаҳрамони бўлганидек. Хаёлни ҳақиқатга айланиши шундай бўлса керак. «Тафаккур жасорати» сизга ҳам хос бўлди, устоз!

Бу муборак кун — профессор Очил Тоғаевнинг юбилеи шоғирдлари учун, олимни яхши билган кишилар учун қувончли айёмдир.

Яккабоғ районидаги Тўла қишлоғида туғилган бўлажак олим ҳарбий курсантликдан фан доктори даражасигача бўлган сермазмун ва ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Тенгқурлари каби О. Тоғаевни ҳам турмуш ташвишлари жуда тез улғайтирди. Қарши педагогика билим юртининг партасидан тўғри фронтга —

фашизм билан жангга отланди. Хизматни ҳарбий курсантликдан бошлади. Бироқ офицерлар тайёрлаш курсидаги машғулотлар тугамасдан фашизм кунфаякун бўлди — уруш тутади. О. Тоғаев икки йил шарқий чегаралар дахлсизлигини таъминлашда хизмат қилди. 1946 йилда тинч ҳаётга қайтар экан, дастлаб қишлоқ мактабида ўқитувчи, директор бўлиб ишлади. Вилоят газетасида ёш мухбирнинг мақолалари, хабарлари ва шеърлари босилди. Газетада иштирок этиш, устознинг ўзи эътироф этганидек, ҳаётга синчковлик билан қарашга, воқеъликка фаол муносабатда бўлишга ўргатди. Ҳа, таъби латиф, гўзалликка ошуфта барча кишиларда бўлгани каби унинг ҳам қалбида шеъринг яшар эди, навқирон йигит ўз ҳисларини вазн ва қофияга солиб ифодаларди. Тўғри, шоирлик унга қисмат бўлмади, у адабиётшуносликнинг янги, кам ўрганилган соҳасига ўзини бағишлади ва эътироф этиш керакки, шу соҳанинг «шоири» бўлиб етишди. Бу ҳақда устознинг ўзи бир суҳбатида шундай деган эди: «Шеър туғилган қалбада бир ёлқин бўлади. Шу ёлқин етуқликка ундайди. Кишининг бутун борлиғига ҳарорат бағишлайди. У машҳур шоир бўлиб танилмаслиги мумкин, бироқ ўз касбининг (ҳатто этиқдўз бўлса ҳам) моҳир устаси бўлиб етишади».

Ҳаёт билан баравар одим ташлаган бўлажак олим мудом олға интилди. Давр билан ҳамоҳанг қадам ташлади. Умрнинг юксалиш босқичлари эса қуйидагича манзара касб этди: 1947-51 йилларда Бухоро давлат педагогика институтининг студенти, 1951-54 йиллар Қарши давлат ўқитувчилар институтида ўқитувчи, 1954-57 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида аспирант, 1951-61 йилларда «Шарқ юлдузи» журналида адабий ходим, бўлим мудири, 1961 йилдан Тошкент давлат университетига ўқитувчи.

Очил Тоғаевнинг дастлабки йирик илмий тадқиқоти Асқад Мухтор романларининг конфликтли масаласига бағишланган эди. Ҳали адабиёт ва адабиётшунослик «конфликтсизлик назарияси»нинг зарарли оқибатларидан тўла қутула олмаган 60-йилларда бу илмий иш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу илмий тадқиқот Очил Тоғаевни филология фанлари кандидати унвонига муяссар қилди. Олим филология фанлари соҳа-

сидаги тадқиқотларини кейинчалик ҳам давом эттирди. Йирик ёзувчилар ҳақида адабий портретлар, адабий алоқаларнинг ривожини ва тараққиёт йўналишлари ҳақида қатор илмий асарлар яратди. Бироқ Очил Тоғаев истеъдодининг, илмий салоҳиятининг бутун камоли, бўй-басти адабиётшуносликнинг бошқа бир соҳасида намоён бўлди.

Бадиий публицистика талқини ўзбек адабиётшунослигида етарли ўрганилган, деб бўлмасди. Бунга аввало публицистиканинг адабиётимизда нисбатан янгилиги сабаб бўлса, иккинчидан, малакали миллий кадрлар ҳали етишмас эди. Жанрнинг йирик тадқиқотчилари — О. Тоғаевнинг замондошлари М. Черепанов, Б. Журбина, Б. Прохоров, В. Ученова ва бошқалар эса публицистиканинг ўзбек тилида яратилган намуналарини тадқиқ қилиш имконига эга эмас эдилар. Публицистика — энг ҳозиржавоб жанр. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни кўрсатиш, бу ўзгаришлар моҳиятини очиб бериш, уларга муносабат билдириш, жамоатчилик фикрини кўзгашининг тезкор йўли — публицистика, кундалик газета-журнал материалларидир. Давр билан ҳамқадам олға интилиб борган ўзбек матбуоти ўз тадқиқотчиларини кутар эди. Очил Тоғаев М. Қўшжонов, Б. Имомов, И. Мирзаев каби тенгдошлари билан бир вақтда елкадош бўлиб публицистика тадқиқоти билан шуғуллана бошлади. Ўзбек адабиётида публицистиканинг тарихий илдилари, тараққиёти ва шаклланиш жараёнига, жанрнинг мустақил назарий масалалари — характер яратиш, таҳлил санъати, далил ва воқеаларни умумлаштириш каби мавзуларга бағишланган фундаментал тадқиқотлар яратди.

Ўзбек адабиётидаги янги шахслар тимсоли (1963) ҳақида, «Асқад Мухтор» (1966), «Кураш ва қаҳрамон» (1970) каби монографиялари билан илмий-адабий жамоатчиликка танилган олим узоқ йиллик тадқиқотларини якунлаб, 1973 йилда «Ўзбек бадиий публицистикасининг назарий муаммолари» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Фан доктори Очил Тоғаев ана шу тарзда ўзбек адабиётшунослигида нисбатан кам ўрганилган соҳанинг тамал тошини қўйишга эришди.

Шундан кейин ўтган йиллар олимга янги қувонч

ва ташвишлар келтирди. Йирик мутахассис сифатида янги-янги назарий муаммоларга дадил қўл урди ва уларнинг аниқ илмий ечимини кўрсатиб берди, Очил Тоғаев қаламига мансуб 200 дан ортиқ мақола ва тақризлар, бир неча монографиялар публицистика масалаларининг янги-янги қирраларини таҳлил этишга бағишланган. Кенг қамровлилик, жаҳон масштабида фикр юритиш олим ижодига хос фазилатдир. Бирор мавзунини ёритар экан, тадқиқотчи уни дунё халқлари бадиияти тажрибасида учрайдиган энг яхши намуна билан муқояса қилади, фикр ривожининг янги, кенг уфқини очиб беради. Бундай теранликни ихчам тақриزلардан тортиб, «Публицистика жанрлари», «Адиблар ва жанрлар», «Идрок ва ижод», «Қаҳрамон — ижтимоий ҳодиса» каби йирик тадқиқотларда ҳам кўриш мумкин.

Биобарин, профессор Очил Тоғаев публицистика назарияси бўйича академик В. Зоҳидов таъкидлагандек, фақат Ўзбекистонда эмас, Ўрта Осиёда ҳам йирик мутахассислардан ҳисобланади. Олимнинг ўзбек адабиётшунослигида шу соҳанинг асосчиси, деб эътироф этилиши ҳам ана шундан.

Устознинг илмий-педагогик фаолияти ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Профессор Очил Тоғаев 25 йилдирки, Тошкент давлат университети журналистика факултети студентларига дарс беради. Мураббийлик — олим фаолиятининг ажралмас қисми. «Мен маъруза ўқиб ижод қиламан, ижод қилиб маъруза ўқийман» — деган эди устоз.

Аудиторияда публицистика муаммоларини таҳлил қилар экан, ғоявий эътиқоди бутун, илғор ўриндаги журналистни шогирдларига ўрнак қилиб кўрсатади. Уларни даврнинг бош масалаларини матбуотга олиб чиқишга даъват этади. «Тухум олдин пайдо бўлганми, товук?» каби «доиравий», ғоявий саёз муаммолардан қочинг, «ҳамма болалар яхши, ёмон одам қаердан пайдо бўлади?» каби ижтимоий салмоқдор масалаларга ўзингизни бағишланг», — устознинг ўз шогирдларига истаги шундай. Воқеълик моҳиятини очиб бериш, ижодда чуқур таҳлилга интилиш журналист фаолиятининг принципига айланиб қолиши керак, дейди у.

Шогирдларига меҳнатсеварлик ва илмда жасорат сабоқларини ўргатиб келаётган устоз бу борада ўзи

ҳам ёрқин намуна кўрсатяпти. У янги-янги илмий, ижодий ниятлар билан яшамоқда. Айни кунларда олим студентлар учун илмий-назарий қўлланмаларнинг иккинчи қисми устида ишляяпти.

Илмда муваффақиятга эришиш фидоийликни талаб қилади, дейдилар. Яна бир аллома фан водийсини чакалакзорлар қоплаган, ваҳший ҳайвонлар истило-сидаги ўрмон, деб атаган эди. Хуллас, барча хатарларни енгиб, ўзининг нурли оролини топган илм фидоийсини табриклар лозим. Биз бугун устоз Очил Тоғаевнинг шу бахтга мушарраф кўриб, бу ҳақиқат олдида маҳдиё бўламиз. Яхши ният билан баланд чўққиларни забт этишга жазм қилган авлод эса ёрқин намуналар борлигини ҳис этиб, қалбида нурли шуур сезади.

Ҳорманг, ҳурматли устоз!

* * *

...Ўша йилларнинг одатдаги бу қутлови домлага анча маъқул келган, хурсанд бўлган эдилар. Орадан 10 йил ўтиб, мабодо унга бирор нарса қўшиш керак бўлса, шундан кейин устоз яна ҳам кўтаринки илҳом ва зафар сурури билан меҳнат қилганини, яшаганини қайд этиш зарур. Айниқса, ҳаётда рўй берган ижобий ўзгаришлар, тарихий меросга, миллий қадриятларга муносабатнинг ўзгараётгани кўнглини чоғ қилган, янги-янги мавзулар устида қалам тебратишни мўлжаллаб қўйган эди. Хусусан, Соҳибқирон бобоколониимиз Амир Темур ҳақида катта эссе ёзишга маълумотлар тўплаётганини суҳбатларимизда 2-3 марта эшитгандим. Худди шундай, ўша йиллари Клавиҳо ва Вамберининг Самарқандга, Ўрта Осиёга саёҳатлари қундаликларини зудлик билан таржима қилди. Бу иш билан ижодхонасида, Дўрмондаги боғда жадал шуғулланганига гувоҳ бўлганман. Ижодий юмушдан бўшаганда атак-чечак бўлиб қолган қизчаси Анорани завқ-шавққа тўлиб эркалар, ҳаёт лаззатини қайта тотаётгандек бўларди. Кўп йиллар давомида маромини йўқотган турмуш тарзи ҳам бутунлай изига тушиб қолганди.

Домла маиший ҳаётда ҳам ўзига хос одам эди. Рўзғорни жуда қадрлар, ҳар куни хонадон учун улбул харид қилишни қанда қилмасди. Тўкин ва бой дастурхонни ёқтирарди. Қўлбола шароб ёки қазии би-

лан бизни обдон сийлар экан, «Профессорнинг уйида ҳамма нарса топилади», деб мақтанишни хуш кўрар эди. Йигитлигида Дилдора исми қизга уйланган, ундан 5 ўғил, 1 қиз фарзанд кўрганди. Кейинроқ алоҳида яшашарди. Бу, эҳтимол, фикри тўғри келмайдиган кишисини бутунлай ёқтирмаслигидан бўлса керак. Гиналардан воз кечиб, бирга яшашни маслаҳат берганларида, «бу аёлдан юрагим музлаган» қабилида жавоб берган эканлар. Бироқ ўша аёл бемор бўлиб қолганда астойдил қайгурган, елиб-югуриб касалхоналарга жойлаштирган эди. Вафот этганда эса чуқур ўксиниб, илк марта хотини ҳақида аччиқ ҳасрат билан гапирган, биз бирор нарса сўрашга ботинолмаган эдик. Кейинчалик Норгул исми яккабоғлик оддийгина аёлга уйланди, ундан қиз ва ўғил фарзанд кўрди. Умрининг сўнгги йиллари бекаму кўст ўтганди устознинг.

Эсимда, Амир Темур излари бўйлаб сафар уюштириш юзасидан менинг мақоламни қўллаб-қувватлаб кўплаб хатлар келди. Булардан домланинг хабарлари бор эди. Хатларнинг аввалида у кишининг номидан ҳам муносабат ифодаланган кичикроқ сўз боши тайёрлаб, устозга кўрсатдим. Ўқиб кўриб, «Йўқ, мен махсус мақола ёзиб бераман», дедилар. 2-3 кунда «Олтин дарахт» мақоласи тайёр бўлди ва газетада эълон қилинди. У устознинг ҳаётлигида босилган энг сўнгги сўзи бўлиб қолди. 1994 йилда ўша сафар тафсилотлари ва Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги мақолаларни тўплаб, «Хотира қарвони» деган китоб чиқардим ва уни устознинг руҳига бахшида этдим.

... Ўша «Оқ йўл» тиланган учрашувдан кейин таътилда уйда — Касби туманида бўлдим. Бир кеча шундай туш кўрдим: ердан супа шаклида кўтарилган, атрофи чиройли панжара билан ўралган ва устига қирмизи духоба ташлаб қўйилган қабр бошида устоз билан турибмиз. Ул зот қабрнинг эгасини сўрайди, мен «Отамники» дейман. «Ниҳоятда эъзоз топибди», дегандек бўлади... Эрталаб Қаршига бордим ва журналист Пўлат Гадовдан домла вафот этганини, жанозага одамлар кетганини эшитдим.

«Ҳамма нарсани тупроқ яширади», деганларидек, домланинг дунёдан ўтиб кетганига ҳам анча бўлди. У сўзи, нафрати билан қарши курашган муаммолар эса

ҳамон янги Очил Тоғаевларни кутиб яшаб келаяпти. Тирикликнинг мазмуни, тараққиётнинг асоси асли шу экан: икки қарама-қарши қутблар тинимсиз курашадди ва унда мутлақ мағлублар ҳам, ғолиблар ҳам бўлмайдди. Қилич ва қалқон кейинги авлодга ўтаверади. Шунинг учун бу ўринда «5 кунлик дунёда шундай яшаш шартми?» тарзидаги саволга ўрин қолмайди. Одамзот бундай курашчан кишиларни яратишни, етиштиришни орзу қилиб яшайди...

Шубҳасиз, устознинг беназир меросининг ўз муҳлислари бор. Фақат қирдаги ёлғиз дарахт ортида ўрмон шовуллашини, маънавиятимиз янада юксалиб, бўйимиз баландроқ ўсишини истайди кўнгил, холос.

* * *

Азбаройи зиммамдаги қарз туфайли қоғозга туширган хотираларга яқун бўладиган арзирли сўз топиш учун заррача бош қотирмадим. Зеро, бу ерда дарж этилганлар атоқли шахс суратига оддий чизгилардир. Вақт ўтаверади, замонлар алмашади, турли нуқтаи назарлар призмасида Очил Тоғаевнинг қиёфаси янги қирралирини намойиш этаверади. Ана шундай теран эди бу ҳақиқат. Демак, ёзувлар ҳам ҳаёт қадар давом этаверади.

1996 йил, июнь

«МЕН БОЛАЛИГИМДАН ОШИҚМАН»

Бу мулоқотга анча узоқ тайёрландим. Бизнинг ихтиёримиздан ташқарида бўлган сабабларга кўра, машҳур ҳофиз билан суҳбатлашиш эрта куз кунларининг бирида, барибир, сиҳатгоҳда тўғри келди...

— Фахриддин ака, Сиз етарлича шон-шуҳрат қозонган одамсиз. Одамлар бир пайтларда Сизнинг қўшиқларингиз билан уйғониб, яна наволарингиз сеҳридан ором олиб уйқуга кетарди, ўғилларига ҳавас билан исмингизни қўйишарди. Суҳбатимизни ана шу катта йўлнинг ибтидосидан — санъат оламига кириб келишингиздан бошласак.

— Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган гап бор. Яна «Қозонда бори чўмичга чиқади»

дейишади. Мен шундай бир сарватли оилада туғилганманки, қисматим ёруғ дунёга қадам қўйишим билан ҳал бўлган, десам, муболаға эмас. Биласизми, чақалоқ дунёга келгач, уч кундан кейин унинг миясида шаклланиш бошланиб, етти кунда тугайди. Кейин ривожланиш бошланади — эътиборли манбаларда шундай кўрсатилган. Шубҳасиз, камолга етишимда хонадонимиз сарвари, падарибузрукворимнинг тарбияси, саховати мислсиз вазифани бажарган.

Отам Асилпўлат Умарҳожии ўғли миришкор деҳқон ва бир вақтнинг ўзида санъатнинг фидойиси бўлган. Қўшнимиз Саидкарим аканинг эслашича, у икки хил — думалоқ ва қайчибарг картошка уруғини олиб келиб, қайси биридан экишни маслаҳат қилибди. Отам «Болаларинг учунми ёки бозорга чиқарасанми?» деб сўрабдилар. «Агар болаларинг учун бўлса, думалоғини эк, ҳосили кўп бўлади-ю ширин, сифатли чиқади, агар бозорга чиқармоқчи бўлсанг, қайчибаргидан эк, камроқ бўлса ҳам бозорсевар бўлади» дебдилар яна. Кузда яхши хирмон кўтарган қўшнимиз бир аравада юклаб олиб келса, «Эй, болам ўзимизникини йиғиштириб эплай олмаёпмиз», деган эканлар. Мен туғилгунча (1926 йил, 1 сентябрда Қибрайда туғилганман) қирқ йигитга жўрабоши бўлган эканлар. Ўн беш тўсинли меҳмонхоналаридан одам айрилмас, албатта, йиғинлар куй-қўшиқсиз ўтмас экан. Отам кейинчалик «Ўйимизга Фарғонадан — ашулачилар, Чимкентдан — қўшиқчилар келарди» деб эслайдилар. Ашулачилар ликоп билан, қўшиқчилар соз ва рақс жўрлигида санъатларини намоёиш этаркан. Отамнинг ўзлари дутор чалганлар, «чалганда қулоғига булбул қўнарди» деб хотирлашади билганлар. Демак, хонадонимизга атроф-теваракка машҳур ҳофизу созандалар ташриф буюриб турган. Ким билади — ўшалар оғзимга тупурган ёки дуо қилган эканми, шундай тақдир насиб этди. Кечалари уйқум қочиб хархаша қилсам, отам дутор чалиб берар, ухлаб қолганимдан кейин устимни ёпиб чиқиб кетар эканлар.

Кейинчалик оиламиз бошига кўп шўришлар тушди. «Қулоқ» қилиб Украинанинг Херсон вилоятига ихрож қилдилар. У жойдан отам Бирабиджанга бадарға бўлди. Онам мусофир юртларда вафот этдилар. Уруш

йилларида комбайн ҳайдаб, каттагина оиламизни ўзим боққанман, фақат 1946 йилда ватанга қайтиш насиб этди. Отамдан дутор, Раҳимжон Икромовдан скрипка чалишни ўргандим.

Табиатан санъаткор бўлган қиблагоҳим бир кун радиода Сўфихоновларнинг ашуласини эшитиб, «Шуларга шогирд тушсанг бўларкан», деб қолдилар. Ўзимча хиргойи қилиб юардим. Бир кун машҳур санъаткор Шоқосим Шожалилов республика радиосига бошлаб келдилар...

— Эришган даражангиздан қониқасизми?

— Ёруғ дунёнинг бетакрор мўъжизаларидан бири (ҳазрат Форобий бежиз «Эй, мусиқа, сен бўлмасанг бу оламнинг аҳволи не кечар эди» деб хитоб қилмаганлар) — санъатда нимага эришган бўлсам, мени қониқтиради. Фақат дилимнинг тубида чўкиб ётган бир гапим бор — жой бўлса шуни ёзинг. Уни шоир Шухратнинг бир тўртлигига назира сифатида шундай ифодалаганман (Шухрат акам Саъдий чаманзоридан чиройли гуллар терган шоир эдилар):

*Ноҳақлик жонингдан ўтганда гоҳо, —
Ўкиниб-ўкиниб аччиқ йиғлагинг.*

*Гоҳо заррин қадрингга топмасдан баҳо —
Хуш, ҳалол кунларга умид боғлагинг.*

Баъзи замонасоз мансабдорлар туфайли қадримни топмадим.

— Ўзингизни ўзингизга нисбатан талабчан дея оласизми? Ўзингизга бешафқатмисиз, ғамхўрмисиз?

— Ижодда ниҳоятда шафқатсиз равишда талабчанман. Ҳар қандай ҳолатда, бемор бўлсам ҳам севимли машғулотимни тарк этмайман. Ўзимга раҳмим келиб кетган пайтлар кўп бўлган. Нега? Бир ҳадиси шариф бор — Пайғамбаримиз (с.а.в.) одамлардан бир қадам олдин юрибдилар. Буни кўрган рақиблири «У сизлар билан ўзини тенг тутади-ю, олдин юради» деб ифво қилишибди. Саҳобалардан буни эшитгач, ўртада юрибдилар. Энди ғанимлар «қўрқоқ» деб атабдилар. Одамларнинг охирида юрадиган бўлибдилар — «расво бўлибди, назардан қолибди» дея кулибдилар. Ҳа, ёмон бўлсанг — куларлар, яхши бўлсанг — урарлар. Ана

шундай тарзда яшадим. Баъзан бўғзимдан Бобурнинг нолалари отилиб чиқади: «Эй, Тангри, агар мендан кейин инсон яратсанг, менинг ҳолимга тушадиган бўлса, яратмаганинг яхшироқ».

Шогирдларимга, фарзандларимга ўз тақдиримнинг ташвишли кунларини раво кўрмайман.

Барибир майда гаплардан устун турадиган ҳақиқатлар бор. Фахриддин Умаровни халқим, она халқим билади, қадрлайди-ку. Энг оғир пайтларда яхшиларнинг мадади мени тош бўлиб чидашга ундаган. Фафур Фуломнинг мана бу сўзлари қулоғимда абадий қолган: «Сени маломат қилишса, хафа бўлма. Каъбани Иброҳим Халилulloҳ қурган, одам қалбини Аллоҳнинг Ўзи яратган. Қалбдан жой олишдан ортиқроқ бахт йўқ, Сенга бу бахт насиб этиб турибди».

Миллий қўшиқчилигимиз ривожига қўшган камтарона ҳиссамдан бахтиёрман. Менинг йўлим лирика, бақириқ-чақириғу чиранишлардан ҳоли тарзда, инсон қалбининг нолаларини ифодалаш, ҳарир оҳанглар ёрдамида кўнгилнинг ипак торларини чертиш. Не бахтки, бугун худди шу усул ёшларимиз ижодидан устун даражада ўрин олаётган экан, бундан мамнунман.

— Кайфиятингиз нималардан кўтарилади? Нималар жаҳлингизни чиқаради?

— Яхши суҳбатдошнинг мулоқотидан кайфиятим кўтарилади. Жўраҳон ака «Сен «Тош» десанг, суҳбатдошнинг « —кент» деб юборса шунда «Тошкент» пайдо бўлади, дердилар. Суҳбатдошнинг ёши, бўйи тенг бўлиши шарт эмас, лекин фикри тенг бўлсин. Классикадан хабардор, уни мендан ортиқроқ биладиган одамлар суҳбатини қўмсайман. Одамнинг кимлиги мусобаҳа тарзидан дарров билинади.

Мен эътиқодимга ҳиёнат, мунофиқлик қилмадим, ана шундай кишиларга дуч келсам, ортиқ жаҳлим чиқади. Ёлғондан, тухматдан, ўзининг ҳақиқий башарасини яшириб турланадиган одамлардан нафратланаман. Матбуотда мени ёмонотлиқ қилиб ранжитган одам йиллар ўтгач, бир йиғинда дуч келиб қолиб, қучоғини очиб келди-да: «Хуш келибсиз, энди ёмонлик қўлидан келган одамнинг қўлидан яхшилик ҳам келади», деди. Менга унинг «яхшилиги» энди керак эмас эди. Бундай риёкорликларга чидаб бўлмайди...

Ҳофизлар сўзларини бузиб ўқиса, кечалари ухломмай чиқаман. Машҳур «Муножот» кўшигида «кўрган-да» сўзи бор, уни баъзилар биринчи бўғиндан кейин чуқур нафас олиб, кейин давомини айтади. Сўзларни бўлиб, бузиб айтмасинлар.

— Сиз амал қиладиган қоидалар қайсилар? Санъаткорга қандай фазилат асқотади?

— Ҳаётий қоидаларимни қиблагоҳимнинг ишончларидан, насихатларидан танлаганман. Булар — поклик, ростлик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, ёлгон гапирмаслик. Санъаткор учун энг катта фазилат у «мен — санъаткорман» деган ғурур, шиор билан яшасин. «Мен сиёсатчи, боксчи, депутатман», деса, ё зўравон, ё таъмагир бўлиб қолади. У камтар бўлсин, халқни ранжитмасин.

— Ўзингизни Ошиқ деб ҳисоблайсизми? «Ошиқ» сўзининг, сизнингча, қандай талқинлари бор?

— Бизнинг «Ушшоқ», «Гиря» деган кўшиқ йўлларимиз бор. Отам тўйда «Гиря» айтилмайди дердилар. «Юзингни бир кўрай десам кўлингни пардалар қилдинг» деган сатрлар «Гиря»га тушадами — йўқ! Шунингдек, «ошиқ» сўзини ҳам ҳамма нарсага тиқиштиравермаслик керак, «машина ошиғи», «қизнинг ошиғи» эмас, мухлиси ёки ишқибози. Ошиқлик — фақат Аллоҳнинг васлига интилишдир. Ошиқ — шу йўлдаги киши. Мен болалигимдан Ошиқман. Бу руҳ мени оила муҳити билан қалбимга кирган. Бобом Умарҳожидан вафот кунларини аниқ билиб, ўзларига бир неча кун аввал қабр тайёрлатиб қўйган эканлар, Худо раҳматли. Отам художой одам эдилар. Ошиқлигимни кўплаб кўшиқларимда куйлаганман. Уларнинг бири шундай бошланади:

*Ё, Худоё, сангадур ҳамду сано,
Қодиро, ҳаййу тавоно зул аъло.
Ҳам қадимсан, ҳам азалсан лам язал
Борлигинга йўқ сани ҳеч интиҳо...*

— Одамларимизнинг санъатга, санъаткорга муносабати ҳақида нималар дея оласиз? Шинавандалар бир-биридан фарқланадими?

— Ҳақиқий санъатни жуда қадрлайдиган халқимиз

бор. Улар бизнинг қўшиқларимизни тингласалар, «раҳмат» десалар — бўлди. Агар янги қўшиқларимиз маъқул тушиб, шуни яна бир марта такрор эшитиш истагини билдирсалар, бизга бундан ортиқ мукофот йўқ. Пул қистириб, керилиб юрадиганлар ҳақиқий шинаванда эмас. Қўшиқни берилиб эшитиш керак.

Саиджон деган киши бор, санъат йўлига кирганимдан бери мухлислар. Айниқса, Бобур газали билан «Жамолнинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгайман» деб бошланувчи қўшиқни айтсам, ёнимга чиқиб оладилар-да, жўр бўлиб айтадилар, роса ҳузур қиладилар. Бир тўйда хонанда шуни бошлабди-ю, ўртароқда бузиб юборибди. Энди ором оғушига чўмган Саиджон ака бундан дарғазаб бўлиб кетибди, ўзини тутта олмай, хонанданинг олдига чиқиб борибди-да, созини тортиб олиб, ғазабини тўкиб солибди: «Торингга садаф қадаб, тилла тиш қўйганинг билан Фахриддин бўлиб кетдингми? Керак бўлса Фахриддиннинг ҳовлисидаги кучукнинг тиши ҳам тилладан. Эпломасанг, нега қўшиқни оғзингга оласан?» — дебди бўғилиб.

Албатта, урушда бир оёғидан ажралган, тажанг, чапани одам жунбушга келиб айтган бу гаплар кейинчалик менга тавқи-лаънат бўлиб осилишини билмаган. Ҳолбуки, мен итга бунчалик «ҳурмат» кўрсатмаганман.

— Санъатда илоҳийлик борми? У сизга қай йўсинда намоён бўлган?

— Шубҳасиз, бор! Фазалга оҳанг излаб, уни ўқий-ўқий чарчаб, ухлаб қолсам, қулоғимга ўша куй келади. Раҳматли келинойингиз баъзан ҳайрон қоларди: «Ҳофиз, кундузгиси етмайдими, кечаси ҳам қўшиқ айтиб чиқасиз?» Бундай туйғулар беихтиёр бўларди, уларни жиловлаш учун киши пок бўлмоғи шарт. Шукрки, қўшиқларимнинг аксариятига ўзим куй басталаганман.

— Бошга қийинчилик тушганда одам нима қилиши керак, деб ўйлайсиз?

— Оятларда, илоҳий каломларда бундай пайтда сабри бўлиш уқтирилади. Мабодо, одам сабри топа олмаса, мастона йўлга кириб кетади: ичади, чекади... Биров ноҳақ ҳақорат қилганда ҳам чидаш, ўзини йўқотмаслик — мен амал қилган талаблар бўлган.

— Сиз одамлардан яхшилик кўрганмисиз?

— Қўшиқларим орқали қалбимни, халқимга айтар сўзимни ифодаладим. Одамларни эзгуликка, меҳроқибатга чорладим. Ҳаммага яхшиликни раво кўрдим. Эвазига эса ўзим меҳрга зориқиб яшадим. Мен ҳаммага мадаккор бўлишга интилдим, улар учун қайғурдим, мен учун эса оз одам ташвиш чекди. Бироқ виждоним олдида қарзим шуки, икки зот — Нуриддин Муҳиддинов ва Саидкарим Зиёдуллаевнинг қалтис пайтлардаги мададини эътироф этаман. Ҳурматли президентимизнинг унвонимни тиклаш ҳақидаги адолатли фармонлари кўнглимни тоғдак юксалтирди, ноҳақ чеккан азобларимга малҳам бўлди.

— Мухлисларингиз ҳаётингиздаги яхши-ёмон кунлардан хабардор. Баъзан совуқ гаплар оралаганда ўзингизни сабабчи деб ҳам биласизми?

— Мен ўзимни фаришта қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Шуҳратнинг авж нуқтасига кўтарилганда, ёш, ғайратли эдим, бироқ инсонийлик доирасидан чиқмаганман. Бунга менинг тарбиям, ота-бобомнинг руҳи йўл қўймас эди (бир одатим бор, уни асло қанда қилмаганман: томошабинлар ҳузурига йўл олганда, албатта, бобомнинг, отамнинг қабрини зиёрат қилиб ўтаман). Бироқ концертни ташлаб, тўйга хизмат қилмаганинг учун пешонангни ғўрра қилиб ўч олишса, додингни кимга айтасан?! Менинг камчилигим — тўғрисўзлим, хатоим — хушомадни билмаслигим. Булар менга йўрғақдан теккан.

— Чинакам муҳаббатга дучор бўлганмисиз? Уни эслаш сиз учун ёқимлими, азобми? Умуман, дунёда муҳаббат (севги) борми?

— Севги йўқ нарса, у икки қалбнинг бир-бирига интилишидан, ошиқ ва маъшуқанинг ҳис ва туйғуларидан туғилади.

Севган одам севилиши, севилган одам севиши керак, ана шунда чинакам муҳаббат юзага келади. Мен чинакам муҳаббатга дучор бўлганман, у Эски шаҳарлик оддий соатсознинг қизи Равзахоним билан ўрта-мизда кечган ҳис-туйғулар. Биз қирқ йилдан зиёд бекаму-кўст турмуш кечирдик (*сукунат*).

— Севгидан кучли нарса борми?

— Бор. Ҳозир ўрис тилида ўқиган бир китобим-

нинг мазмунини айтиб бераман. Шунда тушуниб оласиз. Изланаётган ашаддий жиноятчи севгилиси билан ўрмонга қочиб боради-да, қоровулникида яшай бошлашади. Лекин йигитни тутиб кетишади, узоқ муддатга қамашади. Кимсасиз қолган қиз отаси тенги ўрмончи билан қолишга мажбур бўлади, бир неча йилдан кейин йигит қамоқни ўтаб қайтади ва қизга ўрмондан кетишни таклиф қилади. Шунда қиз ўрмончи ҳам бирга бўлса, кетишини билдиради. Гарчи қиз қалбида йигитга нисбатан оташин севги бўлган, уни кутган бўлса-да, ўрмончига ўрганиб, ипсиз боғланиб қолган эди. Хабарингиз бор, 9 июлда умр йўлдошимни охириги йўлга кузатдим. Шу туфайли оғир ҳисларни бошдан кечирмоқдаман. Марсия:

*Энди машҳарга кўришгунча, нигорим, алвиго,
Хаста кўнглим қуввати эрдинг, магорим, алвиго.
Кеча — ой, кунгуз — қуёш, нури жаҳоним, алвиго,
Ўтди қагрин, кунлар ўтгач, ёрижоним, алвиго.
Бесамар кун тушда кўрдим, худи хурдек шодсан,
Билмадим — руҳми улар, дедики, сен озодсан.
Бор умидим, иншоаллоҳ, уқбоси ободсан,
Тангрим этса, гар шафоат, жаннатмаконим алвиго.*

Муҳаббатимни ана шундай эслаяпман.

Кайфиятимни маснавий, ғазаллар ёзиб, ифодалайпман. Уларнинг баъзилари қўшиқ бўлади, албатта.

— Ошқора, самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Яхши кунларда ёруғ юз билан учрашайлик.

* * *

Ҳофиз билан суҳбатимиз анча давом этди. Мухлислар Фахриддин Умаровнинг зариф ва дилбар қўшиқларини узоқ йиллардан буён тинглаб келадилар-у, шахс сифатида уни кам, жуда кам биладилар. Бу юмушга астойдил бел боғлаб, ўттизтача савол тузган, уларнинг ҳаммасига жавоб олиш истагим бор эди. Бироқ тушовланган тафаккур, хаёлотнинг кенгликларни қумсовчи учқур тулпори ҳар бир унсур ва воқеа атрофида батафсил тўхталишни ихтиёр этар, одатдагидек, ўлчовли вақт чегараси эркинликни хушламас,

тафсилотларнинг барини сингдира олмас эди. Мусоҳаба асносида суҳбатдошимни буюк Шарқ донишмандлиги билан йўғрилган улуғ зиёли, миллий санъатимизнинг баркамол намоёндаси сифатида кашф қилдим. Бу зот ўзида улкан хазинани, муסיқий қомусни сақлаб келаётганига шак-шубҳа йўқ. Ишончим борки, мустақил ватанда қўшиқ ҳам ғуборлардан фориғланади, озод бўлади. Гина-кудуратлар унутилиб, халқимизга муносиб хизмат қилади.

1993 йил, сентябр.

«РАНГЛАР МЕНИ ҲАР КҮЙГА СОЛДИ»

Эҳтимол, сиз камалакни тутаман, деб ҳалак бўлган бола ҳақида эшитгандирсиз. Эшитмаганмисиз? Бу оддий воқеа агар у машҳур бир одамнинг таржимаи ҳолига дахлдор бўлмаганда эсланмаслиги ҳам мумкин эди. Гап мана бундай. Ҳовуз бўйида ўйнаб юрган уч ёшли бола бехосдан фавворада ёй тортиб турган камалакни кўриб қолади. «Ҳасан-Ҳусан»нинг етти хил ранги кўзларига қаттиқ ботади, мурғак қалбидаги ҳали қуёш кўрмаган тоғдай ҳавас тўлқинланади-да, уни тугтиб бағрига яширгиси келади. Фақат ўйинчоқ ушлаб ўрганган қўллари чўзиб унга интилади. У эса қиқирлаб нарироқ қочади, бола қувлайди ва ... ҳовузга қулаб тушади.

Рўзи ака бу тотли лаҳзаларни ҳаётнинг баланд-пастликлариаро мубҳам хотирлайди, хотирлайди-да мўйсафид чехраси ёришиб кетади. Бундан ўша кунлар — «детдом»даги нордон ҳаёт лавҳалари жойланади. Болалик барибир гаштли. Ўшанда ҳовуздан тортиб олган боғча опанинг ташвишли чехраси ҳамон кўз олда турибди, исми-шарифи ҳам Галя Бугорова эди. Кейин эса сувга бўкиб шалаббо бўлган, ўлиб қолишига бир баҳя етмаган болакайнинг бармоқлари, оёқчасини майин сийпалаган оналар қўлининг тафти...

Рўзи Чориев расм чизишни илоҳий деб билади, у бу гапни бўкириб айтганда елкалари кўтарилиб кетади, кўкрак қафаслари гичирлайди. Камалакни қувлаган болакайнинг қисматини ростдан ҳам Аллоҳ рангларга боғлаган экан.

Мен рассом ҳақида 5-6 варақли газета мақоласи ёзишни мўлжаллаган эдим. Шунинг учун «нуқтаи назар»ни топиш ҳам қийин бўлмади. Қолаверса, менинг ўз тасаввуримдаги «Рўзи Чориев»им бор эди. Унга тайёрланган саволаримни айтаман-да, қаршимда ўтирғизиб олиб, қобил ўқувчидек бурро-бурро жавоблар оламан. Табиий, унинг майдони кенг, мен эса энг оддий бир унсур ҳақида мулоқот қилиб, унинг дунёсига дарча очаман...

Рўзи ака айтилган пайтда келмади. Яна ярим соат кутишга қарор қилдим. Атрофдагилар билан суҳбатимиз, албатта, у ҳақда бўлди.

...Унга дунёдаги энг нодир бўёқлардан тухфа этилди. У эса қабул қилишга очиқ қўллари билан борди, бўёқ бармоқларидан сизиб, ерга тўкилди. Кейин насибаси — тупроққа шимилиб бораётган имкониятдан апил-тапил олиб, расмлар ишлашга киришди. Шошиб, жадал ишлади. Миқдор жиҳатдан барча замондошларидан ўтиб кетди. Сифати эса... унинг ишлаганлари мўъжиза эди. Ҳали қалам кўлида, имкон ҳам етарли, мабодо ўша ҳадяни заранг идишга солиб ололганда кўпроқ чизармиди.

Аслида шуниси ҳам етарли, шундоқ бўлгани ҳам яхши бўлгандир. Ҳузур-ҳаловатдан, турмушдан кечиб ишлади, «ризқим тилла кутида турибди, айнамайди» деб қараб ўтирмади.

Кечикаётган рассомни кутиш асло офринтирмас, аксинча, унинг рангин оламига девор оша қайта-қайта нигоҳ ташлаш имкони кўпайгандек эди.

Бу пайтда Рўзи Чориев эртага очиладиган кўрғазмаси намоиш қилинадиган саҳнада ҳамкасблари билан куйманиб юрарди. Бир пайтлар уни анча йирик, чорпахилдан келган йигит эди, дейишади. Энди ушоққина, миқти чолга айланиб қолибди. У метрода кўрган им — бир йил олдингидан ҳам кичрайгандай туюлди. Қўлида арра ушлаб олган, ўғлига уй қурадиган отадек шаштли эди. Чиндан, айна пайтда ғайрати ичига сиғмасди. Кимдир аррани олиб қўйди, важоҳатидан бирор жойга уриб оладигандек эди. Жўшиб, нутқ ирод эта бошлади:

— Мен яна ўзимга қайтдим. Энди бошқача ишлайман. Анча вақт кўринмай юрдим, бас етар. Қаранг-а,

Рембрандтнинг «Нобоп ўфил» суратининг мазмунига 63 ёшга кириб тушунибман. Бу буюк Рембрандтнинг буюк асари, ижодининг тожи. Юрагимга янги руҳ кирди, энди яна чизаман.

Рўзи Чориев чизмай қўйган экан-да! «Янгидан бошлайман», деяпти, эҳтимол, бу мустақил Ватан шавка-тига тухфалар бўлар.

Уни тўдадан ажратиб олиш осон эмас. Рассом учун ижодий кўргазма — мухлислари олдидаги энг катта имтиҳон. Бутун Рассомлар уюшмасининг «Хамар» халқаро кўргазмалар зали унинг ихтиёрига бериб қўйилган. Улкан саҳнада чорчўп қилинган суратлар суялган, тахтланган турибди.

— Булар менинг қазноғимдагилар, — дейди Рўзи ака мақтанишни ҳам жойига қўйиб, — дунё бўйлаб кезиб юрганлари бу ерда йўқ.

Ниҳоят, бафуржа гаплашиш пайти келди.

— Ранглар нечта? — савол ғалати туюлади, лекин ўзига хос мулоҳазага туртки бўлади.

— Ҳаётни қанчалик тушунса, шунча. Битта, иккита, юзта, мингта бўлиши мумкин. Мусаввирлик ва ҳайкалтарошлик бир бутун ҳолда илоҳий санъат. Уларнинг марказида Инсон туради. Инсонни акс эттириш учун санъаткор турли шакллардан фойдаланганидек, турфа ранглардан ҳам фойдаланади. Буларнинг ҳаммаси ҳаётни тушунишга кўмаклашади. Ҳаётни тушунишни сиз ўзингиздан бошланг. Рассом ҳаёти ҳақида ёзаяпман...

— Э, сиз хотиралар ёзаяпсизми?

— Сен ёз, «шундай бир рассомни кўрдим, ҳаёти ундай-бундай ва ҳақозо»...

Рўзи ака «ҳаёт» сўзини севиб такрорлар, шу орқали жами туйғуларини ифодалашни хоҳларди. Афсуски, сўзлар ботинда қолиб кетар, уларни қоғозга чизиб бўлмасди. Яна суҳбат маромига қайтди.

— Рангларда мазмун борми?

— Рангларда мазмун бор, мазмун бўлмаса дунё бўлмасди. Қизил — фожиавийлик, жўшқинлик; кўк, яшил — ҳаётга қониқиш, сокинлик; сариқ — шодлик, интилиш, безовталиқ; оқ — тириклик, бепоёнлик; қора — энг мураккаб ранг, уни тушунмаса ишлатмаслик керак.

— Ўзингиз қайси рангни ёқтирасиз?

— 70-йилларгача сариқ рангни ёқтирардим. У пайтлар кўп нарсага эришмаган, ҳеч нима йўқ эди. Энди совуқ (кўк, яшил, зангори) ранглар ёқади.

Биз рангларни еттига ажратамиз. Бу аслида нисбий тушунча. Борлиқ ҳеч вақт тиниқ бир тарзда акс этмайди, худди воқеа-ҳодисалар дарё ўзанидаги сув мисол қоришиб кетганидек, табиатда ҳам ранглар бири-бирига киришган, сингиган ҳолда учрайди. Фақат алоҳида шахсларгина уларни қалб учбурчагидан ўтказиб, тилим-тилим қиладилар, кейин «ўқийдилар». Рўзи Чориевга навбатдаги саволни айтаётганимда ана шу инжиқ ва заргарона юмуш кўлами гавдаланади.

— Рассом бўлиш қийинми?

— Бу соҳа кишисида жуда катта руҳий куч бўлиши лозим. Негаки, ўз дастхатини қолдириш осон эмас. Ҳамма бўёқ чаплайвериши мумкин. Ҳатто шундай расм тури бор — ҳар хил рангларни қориштириб ташлайсан. Шу ҳам ҳиссиётга таъсир кўрсатади, қараб туриб биров баҳорни, бошқаси хурсандчиликни тасаввур қилади. Бироқ аниқ мақсад қўйиб уни такомилига етказиш осон кечмайди. Мабодо, чизганларинг бошқаларникига ўхшаб қолса ёки фарқ қилмаса, демак, сен йўқсан. Рассом ҳар доим табиат билан мусобақа қилади, агар уни кашф этолса, ўзини кашф этади. Рассомлар кўп туғилавермайди. Мана, Сурхондарёнинг бир миллион аҳолиси бор ва битта рассом чиққан.

— Кўргазмага 300 дан зиёд асарингизни намойиш этишни мўлжаллаяпсиз. Шулар орасида энг қийналиб ёки кўп куч сарфлаб, чизганингиз қайси?

Рўзи ака бу саволни, менимча, «шоҳ асарингиз қайси?» маъносида тушунади. Ўйланиб қолади. Эҳтимол, шу пайтда ижод онлари, гўзал тасвирларга туртки бўлган воқеалар кўз олдидан ўтаётгандир. Мана, тўғрида оқиш фонда ишланган портрет. Унда паришон сочлар, чақноқ нигоҳ ва яна хаёлотнинг бошқа манзаралари қоришиб ифодаланган. У Европада урф бўлган сюрреализм, абстракционизм ва бошқа сўнги истеъмолдаги услубларда чизилганга ўхшайди. Академик Тошмухамедов сурати ангорлик аёлнинг масъум қиёфали силлиқ тасвиридан тубдан фарқ қилади. Иккаласи қарама-қарши қутбли икки ижодкор асарига ўхшай-

ди. Рўзи Чориев салоҳияти бу қутбларни қамраб ологан. Ниҳоят, сукунат тугайди.

— Биласизми, ҳали бундай асаримни яратмадим. Уни келажақда чизаман.

— Хўш, қалбингизга энг яқин асарингиз-чи?

— Мана бу, — қониқиш билан чап тарафдаги мўъжаз суратни кўрсатади. Унда эркак ва аёл ҳамда икки ёш бола тасвири.

— Бу менинг оилам.

Рассом қалбида ўз турмушидан мамнунлик, оила-сига бўлган самимий меҳр жўш уриб кетгандек бўлди.

— Олдинги кўргазмангиз қачон бўлган эди?

— 1981 йил, декабр ойида. Жуда яхши ўтганди. Бундай бой кўргазмаларни ташкил қилиш қийин, энди бўлиши ҳам ... Могиканлар дунёдан кетиб бораяпти...

— Мухлисларингиз орасида шундай гап юради: «Рўзи ака собиқ СССР Бадиий академиясига аъзо бўлмагунча соқолимни олдирмайман», деган экан...

— Шундай гап бўлган эди, бу — рост.

— Бадиий академия аъзолигини нега бунчалар орзу қилгансиз?

— Бу даргоҳ шу соҳанинг энг буюк даҳоларини бирлаштирган эди-да. Менга насиб этмади. Биздан фақат Ўрол Тансиқбоев ва Раҳим Аҳмедов аъзо бўлишга улгурди.

— Ўзингизни шу даражага муносиб деб ўйлайсизми? — бу қалтисроқ савол ҳам азбаройи самимият туфайли Рўзи акага қаттиқ ботмайди ва одатдагидек очилиб жавоб қайтаради:

— Академик бўлиш шу соҳада кўриқ очиш, янгилик киритиш дегани, — бироз тўхталади-да, ўз ижодига ўз назари билан оддийгина қилиб шундай баҳо беради, — Мен ишлаган портретларда НИМАДИР бор дейишади.

Суҳбатдошим хомуш тортади. Кейин тезда ўзига қайтиб умидвор кайфиятда дейди:

— Энди ўзимизда очилса, бўламан.

Беғубор бу одам ҳокисорлик билан «нимадир» деган нарса аслида Рафаэль, Беллони ёки Титциан излаган мўъжиза — ҳаётнинг айнан ўзи. Рўзи Чориев чизган портретлар худди жонлига, тирикка ўхшайди. Уларга узоқ тикилиб бўлмайди, кўз қамашиб, толиқади.

Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев рангтасвир жанрининг барча соҳаларида баракали ижод қилган истеъдод соҳиби, унинг асарлари орқали бутун борлиги билан Ўзбекистонни ҳис қилиш мумкин.

1994 йил, декабрь.

БАХТИЁР ИХТИЁРОВ «... КАСБИНИ ЎЗГАРТИРАДИ»МИ?

У саҳнани тарк этди. Муқаддас томошагоҳни, минглаб мухлисларнинг нигоҳи қадалган майдонни қалбда гувиллаган бўрон ила ташлаб чиқиб кетар экан, бу ҳол унинг иқтидорига маҳдиё бўлиб чапак чалган оломоннинг пинагини бузгани йўқ, ҳатто улар сезган, киприги пирпираган ҳам эмас. Нафсиламбри — ҳеч ким ҳатто пештахталардан фаранг атрини топа олмай қийналган таннозчалик ҳам изтироб чекмади.

У саҳнани тарк этди. Кимларгадир зарда қилиб ёки иззатталаблик билан эмас, балки иложсизликдан шундай қарорга келди. Деярли бўш залга қараб монолог ўқишни сийқа ваъзхонлик, роль ижро этиш — куйиш, ёниш, тўлқинланишни санъаткорлик ҳамиятига ҳақорат деб билди. Театр офир кунга қолди — унга томошабинлар тушмай қўймоқда. Серқирра актёр — комик ролларнинг қойилмақом ижрочиси, етук драма артисти, эпизодик саҳналарнинг жони янги ижод дунёсини танлади. Лекин бунга кўникиш осон эмас, мардлар жанг майдонидан ими-жимида чиқиб кетавермайди. Зеро, ғалаба кунларигача етиб келганлар бахтлидир. Гарчи унвонлар бор, ҳурмат ҳам бисёр бўлса-да, нимадандир кўнгил тўлмайди. «Санъат фидойиликни талаб қилади», дейдилар. У ўзини фидо қила олдимиди? Бутун 50 ёшнинг девонида туриб бор иқтидорини, имкониятини юзага чиқара билди, дея мақтана оладимиди? Юрагидаги бутун дардларини, шуурини халққа еткази олдимиди, айта олдимиди? Балки безовта қилаётган туйғу ўз-ўзидан қониқмаслик, ўзбек миллий санъатини яна ҳам юксақда кўриш истагидир. Бой берилган имкониятлар алами ва бутун орттирилган тажриба ила қилинган таҳлилларнинг сабоқлари, издош авлод камолини

яна ҳам порлоқ кўриш орзуси тинчлик бермаётгандир. Нима бўлганда ҳам оғир, қарама-қарши ҳислар исканжасида қийналиб, истиҳола билан газета редакциясига кириб келди. Истиҳоласи шу эдики, қарийб 120 спектаклда саҳна орқали мурожаат қилган, 70 га яқин кинофильм титрларида исм-шарифи қайд этилган ва ниҳоят, 40 тача драма ва комедияга режиссёр бўлган санъаткорни тинглашармикан? Ва тўғри тушунишармикан?! Айтиладиган гаплар эса кўп.

... Шуҳрат унга кўп кутдирмай келганди... (Сир эмас, ёш бола ширинликка қанчалик ўч бўлса, санъат халқи шуҳратга, машҳур бўлишга шунча чанқоқ бўлади). 1964 йилда экранларга чиқарилган «Ёр-ёр» кинокомедияси, ундаги Бахтиёр роли уни шоҳсупанинг нақд ўртасига чиқариб қўйди. Унга ҳавас қилишарди. Эҳтимол, санъат оламида кўз очгани (отаси Аҳмад Ихтиёров Бухоро вилоят мусиқали театрининг етакчи артистларидан эди) ёки туғма қобилият туфайлими, дастлабки қадамлариёқ омадли кечаверди. Камсуқум бола театр олийгоҳи борлигини билмас ҳам эди. Уни биринчи синовда қабул қилишди. Талабалик йилларида театрдa роллар ўйнади. Ўқишни битиргач, олти ойда артист бўлди (ҳолбуки, баъзилар бу кунни 6-7 йиллаб кутишади). Кинодаги дебютдан кейин яна қатор фильмларда («Саҳро осмони», «Учрашув», «Сайёд қўнғироғи», «Ўтган кунлар», «41-йил олмалари» каби) турли манерадаги роллар ижро этди. Улар турли касб ва ёшдаги ҳар хил меъзожли кишилар қиёфаси бўлсада, томошабинлар ижрочини тез таниб олишар, қолаверса, унинг кадрда пайдо бўлиши кўриб турганларда жонланиш уйғотарди. Саҳнадаги муваффақиятлари ҳам чакки бўлмади. У ўз дастхатини мухлисларга жуда тез тақдим этди. Ниҳоят, 23 ёшида Хизмат кўрсатган артист бўлди.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Ўзи шундай бўлади. Бошида қўйиб беришади. «Бузоқнинг югиргани сомонхонагача, нима бўларди, ҳозир қоқилади», деб ўзларини овутишади. Кейин эса сени кўролмайдиган қора кучлар ҳали бирлашиб улгурмаган бўлади. Мабодо, қайтмай кетаверсанг, «Ҳап, сеними?» деб ишга киришадилар. Бу «иш» шунчалар маккорлик билан амалга ошириладики, беихтиёр рақибингнинг қўлини

силаб, ўпасан, унга бошингни ўзинг тутиб берасан. Қанийди, ҳаёт бир маромда, силлиқ давом этсайди? Лекин унинг зилзилалари, вулқонлари кўп экан. Ҳар бир силкиниш бир торингни узиб юборади, умид гулингнинг бир ғунчасини ҳазон қилади. Энг алам қиладигани — қайтарилмас умр лаҳзалари беҳуда ўтади: йиғилишлар, муҳокамалар, танбеҳлар...

Кўргуликни қарангки, артистларни ҳам санъаткорнинг кўчасидан ўтмаган партия ходимлари тафтиш қилиб турарди. Кеча қаерда бўлганинг, айтган латифанг, ким билан гаплашганинг ҳақида ҳисоб бериб туришинг керак. Ҳатто спектаклни қабул қилиш ҳам «партиявий нуқтаи назар»дан олиб бориларди. Икки ойда тайёрланган асарни икки йилда ҳам топшира олмайсан. Баъзан ўнлаб вариантларни (чинакам санъат талабидан ўн марта орқага чекинган) яратишга тўғри келарди. «Юлдузлар жамоли» спектакли ўн бир марта топширилган, барибир бўлмаган. Ахир санъат қолипга сиғадими? Бугунги театрнинг омадсизлиги унинг бўйнига темир зўлдир осиб қўйилганида эмасмикан? Ёки бир зиёфатга боргани учун Фахриддин Умаров, Суръат Пўлатов — учаласини нима кунларга солишмади? Кейин эса табиатидаги чўрткесарлик, ўзига ишонч «бошлиқ»ларга ёқмасди. У симфоник оркестрга бутунлай қарши чиқди, қайси маънодаки, чолғу дастасидаги барча соз миллий бўлсин: доирадан карнайгача, чанқовуздан танбургача. Нақд миллатчи, халқ душманига чиқариб қўйишди. Амадорларга эса бўш келмади, «Мен араб ёзувидаги китобни ўқий олмайман, саводим йўқ. Сен ҳам санъатни тушунмайсан, саводсизсан. Бизнинг ишимизга бурнингни суқма!» Оқибатда... «Омадли жентелменлар» фильмида Алибобо ролини ўйнаши керак эди, рухсат беришмади.

Булар — бир қалб драмаси. Уларнинг ортида қанчалаб қийноқлар, алам-ситамлار яширинган, бироқ у бу изтиробларни енгишга, кулишга, кулдиришга мажбур эди.

Миллий санъат ривожига ҳақидаги орзулар уни тарк этмайди. Эҳтимол, ишни институт даргоҳидан, таҳсил жараёнидан бошлаш керақдир. Талант, иқтидор такрорланмас бўлади. Санъаткор индивидуал (якка) тартибда ўқитилиши шарт. У ўзи танлаб олиб 5 нафар

актёр тайёрлаб беришга рози. Олдинроқ бунга киришган ҳам эди, афсус, олий ўқув юртларида тартиб издан чиқиб кетган экан. Гуруҳга тасодифан қўшилиб қолган талаба қўлини чўнтагига тиқиб нима дейди денг: «Ока, пулини тўлаб қўйганмиз». Ёпирай, наҳотки Аброр Ҳидояттов ёки Ҳамза Умаров бўлишнинг «пули» бўлса?! Ўқитиш тартиблари-чи? Бутунлай миллий заминдан йироқ. Бизнинг анъаналаримиз Европача театр олдида тиз чўктирилган. Ахир бизда халқ томошаларининг шакли, руҳи, услуби бутунлай бошқача бўлган-ку! Миллий муаллифлар яратган қўлланмалар ҳеч вақога арзимади, деса, дорга осарларми? Асосий дарсликлар эса русча, бу талабанинг қалбига, шуурига етиб бормайди. Миллий театр тарихи ҳали яратилгани йўқ, миллий таҳсил услублари ишланмаган.

Санъатда «юлдузлар» керак, бусиз мумкин эмас. Мародоннанинг командаси Москвага келганда ҳувиллаб ётган Лужникига одам сизмай кетди-ку! Юлдузларнинг бўлиши сомон йўллари хиралаштирмайди, балки уларни чароғон қилади.

Мана, театрнинг обрўсизланишига олиб келган омилларнинг иккитаси: санъаткорга муносабат ва ўқитишнинг эскиргани. Энди қонуний савол туғилади: мабодо, театрнинг ўзи ҳам янгиланишга муҳтож эмасмикан? Санъат турларини фарқлай олиш керак, театр 50-100 йилда пайдо бўлса, рол ярим соатда юзага келади. Нафсиламрини айтганда, энг кекса санъат тури — театр ўша Сафокл ёки Еврипид давридан ҳам қашшоқлашиб кетди: ижро, сахна безаклари актёрлар — ҳамма-ҳаммаси бўйича. Яқин-яқинларгача Ҳамза номли театрда қандай зотлар ишлашарди? Одамлар Олим Хўжаев ёки Шукур Бурҳоновни кўриш учун келишарди, дейилса, муболаға бўлмас. Ёки Раззоқ Ҳамроев, Соиб Хўжаев ва энг сўнггиси — Ҳамза Умаров ўзига хос такрорланмас сиймолар эди. Улар сеҳри, фариштаси ўзига хос йирик шахс эдилар. Санъат ҳам покликни, тозаликни ёқтиради. Устозларнинг болалиги миллий қадриятлар барбод бўлмаган йилларда ўтган, улар бироз бўлса-да, эски мактаб, мадраса таҳсилини олишгандилар. Эҳтимол, араб имлосида савод чиқариш, ҳеч бўлмаса «Калимаи шаҳодат»ни тўғри айта

олиш уларнинг руҳини очгандир. Нима бўлганда ҳам улар нузли юз, тоза қалбли кишилар эдилар. Ҳар бир сўзни юракдан чиқариб айтишар, шу туфайли юракка тегарди. Ахир «юракдан чиққан сўз — юракка, қориндан чиққан сўз — қоринга» дейишади-ку! Санъат даргоҳига манфаат туфайли, бойлик излаб кирган кишилар алданади, бу — фидоийлар, ўзи ёниб, ўзгалар даврасини ёруғ қиладиганлар майдони.

Тор манфаатлар ҳар доим юксак идеалларнинг оёғига болта урган. У гарчи умуминсоний гоёлар қуршовида яшаса-да, турмушимиз учун хос бўлган тарафкашлик, маҳаллийчилик иллатларининг азобини бошдан ўтказди. Афсуски, бизда одамлар меҳнатига қараб эмас, кимлигига қараб қадрланади. Буни сезмаслик мумкин эмас. Машаққатлар чекиб, не бир умид билан асарни саҳнага олиб чиқдинг, агар четдан бўлсанг, премьерани кун талмовсираб туришади, хос одамлардан бўлсанг, казо-казоларнинг ҳаммаси ташриф буюради. Атайлаб назар-писанд қилишмаса, кишига алам қилади. Ким учун, нега жон куйдираяпсан! Наҳотки, катта бир халқ санъатининг тақдири бир тўда гуруҳбозларга, маҳаллийчиларга қолган? Қачон биз бир-биримизни ғажишдан тийиламиз? Бунақада жаҳон саҳнасига чиқиш насиб этармикан?!

У долғали кунларни бошдан кечирди, бутун эса эл қатори — мустақил. Қўрқув ёшидан ҳам ошди. Эртанги кун ҳурмати, жонажон Ўзбекистоннинг келажаги, ўзи саҳнада қилиб келган муқаддас, илоҳий санъат обрўси учун ҳаммасини дангал тўкиб солишга, баҳслашишга тайёр. У бу суҳбатига маслақдошларини, дўстларини, ҳамкасбларини — ҳаммани чорлайди. Ахир биз қачон одамдек яшаймиз?! Энди барча шармандаликлар қизил империя хароботлари остига қолиб кетсин, соф, тоза ҳаводан нафас олиб, юракларнинг ғуборини ёзайлик.

Санъат — мўъжиза, бир шоир айтганидек, «юрак ва миянинг шундай хилват жойлари борки, унга фақат санъат воситасидагина кириб бориш мумкин». Барча инсонпарвар жамиятда у улуғланган, шоҳ ҳам, гадо ҳам ундан баравар баҳраманд бўлган. Бироқ шўро замонида санъаткордан мардикорларча фойдаланиб келинди. Асл санъат қадрланмади, арзимаган маош ҳисо-

бига яшаб келинди. Кинода чет элик ҳамкасб билан рол ўйнасанг, у миллионер бўлиб кетади, сенга эса ҳемири ҳам йўқ. Раззоқ Ҳамроевдек одамнинг умри каталекдек уйда ўтди. Режиссёр Н. Тўлахўжаев хор бўлиб дунёдан кетди. Ахир ҳеч кимни, жумладан, артистни ҳам бойлаб қўйгани йўқ. У шод кунларига 40 ёшда эришмаса, 50 ёшда эришмаса, қачон эришади?!

Юракда алам билан шу воқеани бот-бот эслайди: «Бир оқшом Ҳусан (Шарипов) телефон қилиб қолди: «Ҳамза аканикига кел, бироз чақчақлашамиз». Бордим, одатдагидек самимий суҳбат бўлди. Бир кундан кейин яна Ҳусан телефон қилди: «Тез етиб кел, Ҳамза ака дунёдан ўтди». Ҳамза Умаровни ўз қўлимиз билан топшириб қўйдик. Энди у йўқ ва қайтиб келмайди. Инсон умри капалак ҳаётича эмас экан, қачон унинг қадрига етамиз?! Хом сут эмган бандаси хатоларини узлуксиз такрорлайверадими?»

Аслида, унинг ошкора мулоқот қилишининг боиси бор. Бир фуқароси сифатида совуғида қақшаб, иссиғида терлаб юрган юрти мустақил бўлди. Янги давлатнинг йўриғи ҳам янғича бўлсин, дейди. Кечаги хатолар такрорланмасин, бас, етар, деб ҳайқиргиси келади. Ишлар эса юришиб кетмаяпти. Шунда ўз ислоҳоти билан майдонга чиққиси келади: хазинадаги сўнги тийинларни сарфлаб бўлса-да, республикада ялпи кулги байрами уюштирарди. Одамлар юракларининг чехрини ёзиб, бир яйрасин ахир. Эҳтимол, бу тадбир баъзи иқтисодий ислоҳотлардан яхши натижа берармиди? Бозор деганлари ҳиқилдоққа келди-ку, ҳамма ёқ бозор бўлиб кетди-ку. Кичкина тадбирларда ҳам ўзгариш бўлмаяпти-да. Вокалчи сифатида нафақа тайинлашган, ойда бир марта берилади. Кассага борса, одам тирбанд, тўрт юзча киши навбатга турибди. Кассир эса соат 8 дан 10 гача ишлар экан. Бу нима, асаб ўйиними ёки атайлаб топилган қийноқ усулими? Атроф-теварак «сармоядор», «ишбилармон», «даллол» деган сўзга тўлиб кетди. Ҳамма тижорат ишларини билиши керак эмиш. Шунда бир латифа эса тушаверади: икки габроволик қўлбола винони аравага ортиб бозорга жўнабди. Бирига хотини «ишлатарсан» деб 1 сўм берибди. Йўлда кетавериб, пули борнинг томоғи қичибди. Ҳамроҳидан вино олиб ичибди. Пул буниси-

га ўтгач, унинг ҳам иштаҳаси қўзғабди-да, сотиб олиб ичибди... Шундай қилиб, пул бир неча марта қўлдан қўлга алмашибди, бозорга боргунча вино ҳам тугайди, бироқ орада ўша 1 сўм. Иккаласи ҳам ҳайрон эмиш: ахир ҳеч ким текинга ичгани йўқ, вино қани, пул нега кўпаймади?

Баъзи нотекисликлар сунъий равишда яратилаяпти. Олайлик, мактаб (энди — институт) ўқитувчиларига текин уй бериш нега керак бўлиб қолди. Жамиятга артист ёки журналист керак эмасми? У — халқ артисти, бироқ бирор имтиёздан фойдаланмайди. Аслида имтиёзларга бутунлай қарши. Одамнинг меҳнатига одилona ҳақ тўлансин, шунда ҳар қандай марҳаматта ҳожат қолмайди.

Жонажон театри саҳнасидан, унга мураббийликдан тўғри «Самарқандфильм»га келди. Янги ижодий ниятлар билан яшайпти. Яқинда мухлисларига ўзларининг дастлабки асарини тақдим этади. Орзулар эса бир жаҳон. Уларнинг энг каттаси — қадрдон Бухорога қайтиш, у ердаги машҳур Лабиҳовузда театр ташкил этиш. У «Театр Бахтиёр» ёки «Бахтеатиёр» деб аталади, миллий томошаларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз кўрсатилади. Ҳатто чет эллик меҳмонларга қўлда ош ейишгача ўргатилади. Насиб бўлса, марҳамат қиласиз!

Бу тўйхат эмас, бироқ уни сеvimли санъаткорга эзгу тилаклар йўллаб, ўсмирлигимизда кўп қўлланилган иборалар билан яқунламоқчиман: «Саодатли йўл»ни танлагансиз, «кулаверинг, кулдираверинг!».

1992 йил, март

ЯПОН ОЛИМИНИНГ ҲИММАТИ

Етмиш бешинчи баҳорини қаршилаётган Токиодаги Сока университетининг профессори Кюдзо Катонинг юртимизга ишқибозлигини шунчаки кўнгилхушлик ёки японларга хос қизиқувчанлик оқибати деб бўлмайди. Йирик олим ва фан ташкилотчиси ўз тақдирини Ўзбекистонга маҳкам боғлаган. У биринчи марта 1963 йилда сайёҳ сифатида муаззам Осиёнинг нақд қалбида жойлашган, шонли тарихга эга бўлган бу за-

минга қадам кўяр экан, илк дақиқадаёқ унинг қулоқларига тупроққа кўмилган мозийнинг ўктам ва айни пайтда нажотгалаб садолари чалинган, муаззам миноралар йиллар тўфони йиқита олмайдиган абадийлик тимсоли бўлиб туюлган бўлса, ажаб эмас. Катта ҳаётий тажриба ва теран илм соҳиби бўлган бу зот эҳтимол ўшанда азбаройи эътиқод туфайли бу юрт тупроқларини кўзига суртганми, йўқми — билмайман, бироқ илмий фаолиятини Ўзбекистон тарихи билан боғлаган кейинги беш йилда унинг ғардини дийдасига тўтиё қилганини ўзбек ҳамкасблари юраклари ҳапқириб гапириб беришди. Като жаноблари юртимиз жанубида, хусусан, Далварзинтепада олиб борилаётган археологик тадқиқот ишларида бор имкониятини ишга солиб катнашди.

Суҳбатдошим — республика Фанлар академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи, фан номзоди Баҳодир Турсунов бу фидойи одам ҳақида ҳикоя қилар экан, ўз ҳаяжонини яшира олмайди. Унинг ўтмишга чексиз ҳурмати, тиниб-тинчимаслиги ва, ниҳоят, саҳий феъли ҳақида сўзларкан, узун ҳикоясининг хулосаси сифатида:

— Бу одам бировга яхшилик қилиб яйрайди, — дейди шавқ билан охирги сўзга алоҳида урғу бериб.

Баҳодир аканинг бу эътирофи менга «бундай иш ҳамманинг қўлидан келавермайди», қабилдаги таънадек эшитилади ва унга жавобан «Бизлар ҳам бировнинг муваффақиятини кўриб, бировга яхшилик қилиб жу-да яйраймиз», дегим келади, лекин бу гапларим ташқарига йўл топа олмайди. Ўзимча хорижий олимнинг жўмардлигини тасаввур қиламан ва шунда ХХ асрни лол қолдирган «япон мўъжизаси» эмас, балки уни таъминлаган, юзага чиқарган «япон қалби»нинг гўзаллиги кўз олдимда намоён бўлади. Доктор Кюдзо Катонинг ҳаёт йўли нақадар жозибали.

У жиддий синовларни бошдан ўтказиб, илм оламига қадам кўйди. Иккинчи жаҳон урушида Квантун армияси сафида жанг қилди. Асир тушиб, беш йил Сибир ўрмонларида даҳшатли синовларга гирифтор бўлди. Рус тилида чала-чулпа гаплашишни ўрганиб олгани жонига аро кирди, бўлмаса, ношудгина бу ўспириннинг ўлиб кетиши ҳеч гап эмасди. Озод бўлгач,

қалбидаги ижодкорлик туйғулари алангаланди, газеталарда ишлади. Ҳозиржавоб репортажлар билан бирга асирликдаги йиллари ҳақида «Сибир японияликлар қалбида» деган китобини ёзиб, нашр эттирди. Ўтмишга мурожаат уни олис мозийга етаклади. Тарихни ўрганди, бу соҳа унинг севимли мавзуси бўлиб қолди. Осака шаҳридаги машҳур тарих музейи билан 14 йил давом этган илмий ҳамкорлик ва бевосита фаолият Катонинг кейинги фаолиятидаги бош йўналишини белгилаб берди.

— Осакадаги музейда, — дейди Баҳодир Турғунов хотираларини эслаб, — ер юзидаги жами мамлакатларнинг кичик нусхалари тўпланган, десам муболаға бўлмайди. Олайлик, Ўзбекистон ҳақидаги бўлимда росмана ҳовли, барча жиҳозлар — Қўқон аравадан тортиб, ток ишқомлари-ю, атлас кўрпачадан ёрғичоққача жиҳозланган уй-рўзғор тузилиши мужассам қилинган. Бунақаси дунёда бошқа топилмаса керак.

Като ана шу даргоҳда директор муовини бўлиб ишлади. Раҳбарлик ва илмий изланишлар унга тарих билан янада чуқурроқ танишиш имконини берди. Айниқса, ҳали инсоният тараққиёти такомиллашмаган бир даврда деярли Евроосиё қуруқлигини ягона ўз атрофида бирлаштирган Буюк Ипак йўли уни ўзига мафтун этди. Цивилизациянинг бу нодир кашфиётини тўлароқ ўрганишга киришди. 1988 йилда Токиога келиб Буюк Ипак йўлининг Ўрта Осиё ҳаётидаги ўрни мавзусига қизиқувчиларни тўплаб, махсус тўгарак ташкил этди. Албатта, бундан мақсад фақат илм билан шуғулланиш эмас эди, олим ўз юртининг ватарпарвари сифатида Ипак йўлидан қатновчи карвонлар, умуман, мазкур ҳодисанинг Японияга нечоғлиқ дахлдорлигини ўрганишни асосий мақсад қилиб қўйди. У оролар мамлақати деб аталувчи унча-бунча одамнинг қадами етиши қийин бўлган кунчиқар ўлканинг Буюк Ипак йўли билан узвий боғлиқлигини исботлашга урғу берди. Бу ҳол бугунги Япониянинг қадимда ҳам ривожланган мамлакатлар қаторида бўлганини тасдиқлар ва уни азалдан дунёнинг маданият ўчоқларидан бири сифатида мавқеини оширарди. Доктор Катонинг камтарона, айни пайтда улуғвор орзуси ана шундай эди. Фикрини тасдиқлаш учун турли манбаларни ўрганди,

замонавий турмуш тарзини синчковлик билан кузатди. Унга бошқа халқлар кийимлари ва япон либослари рангидаги ҳамоҳанглик, биздаги найга ўхшаш чолғу асбобининг мавжудлиги каби кичик унсурлар ҳам катта ҳақиқат — Япониянинг Буюк Ипак йўлидаги мамлакатлардан бири эканини тасдиқловчи далилдек туюларди. Қолаверса, мамлакат илмий жамоатчилиги ва бадавлат фирмаларнинг ҳамкорлигида «Ипак йўли Нара (Япониядаги шаҳарларнинг бири)га боради» деб номланган халқаро кўргазма ҳам ана шу фикрни тасдиқлашга қаратилганди.

— Японлар бир ишга киришдимиз, уни энг сўнгги ютуқлар даражасида эплашади, — деб эслайди Баҳодир Азизович, — Нара кўргазмаси мўъжизалар мамлакатада мўъжиза бўлганди. Япониянинг дунё тараққиёти билан азалдан ҳамқадам, ҳатто, йирик марказларидан бири бўлганини кўрсатишга йўналтирилган бу томошагоҳ 200 гектардан ҳам кўпроқ майдонни эгаллаган эди. Унда дунёнинг ривожланган 12 мамлакати қатнашган, ўзларидаги энг ноёб осори-атиқаларни намойиш этишганди. Мезбонлар иқтисодий алоқалар денгиз орқали бўлганини амалда исботлаш учун Ироқдан бутун бошли кемани ижарага олиб, сув йўли орқали юртларига олиб келишганди. Ўзиям бу кўргазма 6 ой давом этган, уни дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган миллионлаб одамлар кўрган эди.

Нара халқаро кўргазмаси яна бир воқеа туфайли бизнинг мамлакатимиз маданий ҳаётида эсда қоларли бўлди. Шу ерда Кюдзо Катонинг саъй-ҳаракати билан Ўзбекистондан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида икки томонлама шартнома имзоланди. 1988 йилда эришилган мазкур келишувга мувофиқ олти йил давомида томонларнинг мутахассислари галма-гал икки мамлакатда бўлишади ва тарихий-археологик ёдгорликларни ўрганишади. Шундай қилиб, 1989 йилда 8 кишидан иборат япон олимлари Ўзбекистонга ташриф буюришди. Улар, асосан, Сурхондарёдаги Далварзинтепада қазилма ишлари ва тадқиқот олиб боришди. Самарқанд, Панжакент, Термиз, Шаҳрисабзда бўлиб, тарихий ёдгорликларни ўрганишди. Кейинги йил эса ўзбекистонлик 8 нафар олим Японияга сафар қилди. Улар Нара, Киято, Осака каби қадимий шаҳарларда

бўлиб, ҳамкасблари билан илмий ҳамкорлик қилишди. Кейинги йилларда бундай борди-келди такрорланди, биргалиқда кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилди. Табиийки, бу изланишларни Япония томони моддий томондан таъминлаб турди. Ҳамкорликдаги тадқиқотлар икки илмий салоҳиятнинг биргалиқдаги саъй-ҳаракатлари натижасида қимматли маълумотлар қўлга киритилгани шубҳасиз. Ҳозирча улар ён дафтарларда, лаборатория таҳлиларида сақланмоқда. Эртаиндин уларнинг натижалари эълон қилинса, жаҳон афкор оммаси янги-янги маълумотларга эга бўлса, ажабмас.

Бу юртимиз ҳудудидаги археологик маконларни ўрганиш учун олимлар ҳамфикрлигини уюштириш ташаббускори бўлган профессор Кюдзо Катонинг Ўзбекистон-Япония дўстлигини қарор топтиришдаги хизматларининг бир қирраси бўлса, бу борада олим фаолиятининг яна иккинчи муҳим жиҳати ҳам мавжуд. Като журналист, олим, таржимон сифатида ҳам ўлкамиз тарихи, бугунги кунини тарғиб-ташвиқ қилишда самарали иштирок этаяпти. Мақола ва асарларни таржима қилгач, сафарлари ва илмий изланишлари таасуротлари асосида япон тилида китоблар ёзаяпти. 1991 йилда эса «Қадимий Ўзбекистон қадимияти» деган ном остида 40 босма тобоқдан иборат рангли суратлар билан безатилган альбом-қўлланмани инглиз, япон, рус тилларида нашр этилишида бош-қош бўлганди. Бу қимматли китобнинг 2 минг донаси республикамиз илмий жамоатчилигига совға қилинди.

1987 йилда нашр этилган Ўрта Осиё халқлари тарихи, бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи рангли китоб нодир суратлар билан безатилишидан ташқари ўз мундарижаси жиҳатидан ҳам қимматлидир. Айни кунларда Санъатшунослик илмий-текшириш институтида таҳсил олаётган Кенза Тавасакининг қисқа таржималаридан ҳам ундаги маълумотлар дунё олимлари учун топилма эканини билиб олса бўлади. Кенза доктор Катонинг қобилиятли шогирдларидан, у ўзбек тилини ўрганиш, қадимги маданиятимиз билан яқиндан танишиш мақсадида 2 йилдан буён аспирантура курсини ўтаяпти. Китоб муқовасида берилган чойхонада ҳордиқ чиқариб ўтирган мўйсафидлар қиёфасида, либос-

ларида, дастурхон неъматларида, узоқдан кўриниб турган қайноқ ҳаёт аломатларида Ўзбекистонимиз яхлит ҳолда акс этгандек. Унинг саҳифаларида берилган археологик қазилмаларда топилган ашёлар, ҳайкаллarning фотосуратлари, Ўрта асрлар миниатюрасидан нусхалар, табиат манзаралари тасвири дастлабки таассуротларни бойитади. Самарқанддаги Регистон майдонида намоз ўқиётган минглаб одамлар ёки толнинг қуюқ соясида сопол идишларини савдога қўйиб ўтирган кулол-ҳунарманднинг тасвири қайси мамлакат нодирхонасидан олинди, деб ўйлаб кетади киши. Афсуски, юқоридан пастга қараб ўқиладиган япон иероглифларига тиш ўтмайди, бўлмаса, бу китобдан яна кўплаб қимматли маълумотлар олиш мумкин эди.

Халқларимиз тарихи ва маданиятини астойдил тарғиб қилишга киришган Кюдзо Като яқинда «Ўрта Осиёнинг буюк сиймолари» деган оммабоп рисоласини кўп нусхада нашр этди. У ҳозирги ҳудудларда яшаган аجدодларимизнинг энг қадимги даврдан ҳозиргача бўлган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Китоб уч қисмдан иборат. Дастлаб Искандар Зулқарнайн истилоси, араб босқинчилиги ва мугуллар ҳужуми ҳамда шу даврда тарихда қолган буюк сиймолар — Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Жалолiddин Мангуберди ҳақида сўз юритилади. Тараққиётда алоҳида хусусиятга эга бўлган ўрта асрлар таърифи иккинчи қисмда ўз аксини топган. Унда Ибн Сино, Рўдакий, Амир Темур, Бобур, Алишер Навоий, Махтумқули сингари тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти қисқача акс этган. Мазкур бўлимда Соҳибқирон Амир Темур таърифига кенг ўрин берилган (китобнинг умумий ҳажмидан бешдан бир қисми миқёсида), ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган суратлар илова қилинган. Китобнинг учинчи қисмида Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олишидан ҳозирги кунларгача бўлган тарихи қаламга олинган. Рисола ҳажман катта бўлмаса-да, унинг анча сермазмун эканлиги кўриниб турибди.

«Япониянинг Марко Полоси» деб таърифланадиган, дунёнинг жуда кўп мамлакатларини кўрган доктор Кюдзо Като юртимизнинг чинакам муҳлиси. Албатта, дунё кўрган йирик олимнинг бу эътибори беҳуда эмас — жаҳон цивилизацияси ана шу заминдан

кучли қувват олганини у яхши тушунади. Като Япония учун Ўзбекистонни кашф қилмоқда, бу икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг ривожига катта ҳисса қўшаяпти. У яқинда ҳам юртимизда бўлди, Фарғона водийси бўйлаб бир ҳафта давом этган саёҳатидан янги таассуротлар олиб қайтди. Эндиликда у санъатшунослик институтининг фахрий доктори, маданиятимизнинг яқин дўсти. Икки томонлама ижодий ҳамкорлик эса тобора кенг қамров касб этмоқда. Бу ҳамкорлик яхши самаралар бериши кутилаяпти. Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида ўзбек ва япон тилларида рангли, суратли китоб босмадан чиқади. Яна кўплаб эзгу ишларга тамал тоши қўйилган.

Одатда, умуминсоний маданиятлар чегара билмайди, дейишади. Бу, эҳтимол, одам боласининг насл-насаби бирлигидан, яратувчисининг ягоналигидан бўлса керак. Худди шунингдек, олийжаноблик, фидойилик каби фазилатлар ҳам ана шу яхлитликни устивор қилишда, унутилган қадриятларни тиклаб, уни авлодларга қайтаришда кўприк вазифасини бажариб келаверади. Япониялик олим Кюдзо Като ҳам хайрли ишларнинг бошида турганида фақат эзгуликни орзу қилгани, шубҳасиз. Унинг одамларга яхшилик қилиб, ором оладиган қалби шуни амр этгандир. Эҳтимол, шундандир Далварзинтепа хилхоналари яқинида ўз маблағига қурилган икки қаватли ҳашаматли уйнинг калитини ҳамкасбларига топшираётганида сидқидилдан яйраб кетганди.

1996 йил, январь.

РУСТАМНИНГ ШАХМАТ ДОСТОНИ

2004 йил, 13 июль куни олис Африка қитъасининг Триполи шаҳридан тарқалган хабар бутун дунёни ҳаяжонга солган бўлса, мустақил юртимиз тарихида бу кун зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бўлди. Шубҳасиз, Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган сана мамлакатимиз солномасидаги мустақиллик мўъжизалари қаторида қайд этилади.

Ўшанда — 1997 йилда унинг номи тез-тез тилга олинадиган бўлди. Менда ҳам Рустамни кўриш, 17 ёши-

да халқаро гроссмейстер даражасига эришган ўзбек фарзанди ҳақида нимадир ёзиш истаги туғилди. Қизиқишимнинг яна бир боиси у катта ўғлим билан тенгдош эди ва бир олий ўқув юртида таҳсил олишарди.

Ўша йилнинг октябрь ойида пойтахтдаги Ўқчи кўчаси, 133-хонадонда бир неча марта бўлдим, таассуротларимни қоғозга туширдим. Ёзганларимда ўша кунларнинг руҳи жуда бўртиб турса-да, бугун ҳам уни мутолаа қилиш ортиқча эмас экан.

1

Эрта куз кунларининг бирида Шаржа-Тошкент рейси билан пойтахтимиз аэропортига қўнган самолёт йўловчиларини ҳеч қандай тантаналарсиз кутиб олишди. Ахир ҳар куни меҳмонларнинг ё тижорат, ё зиёрат мақсадида ташриф буюриши қулай жуғрофий ўринда жойлашган шаҳар ҳаётига сингиб кетганига кўп бўлди. Фақат кутиш залида баланд бўйли, озгин ўсмирни меҳр билан қучиб, уни дилдан алқаетган она ва уларнинг атрофидаги 4-5 кутиб олувчининг ҳаяжонли ҳолати умумий манзарани бузиб турарди. Яқинда Кишинёв шаҳрида ўтган шахмат федерацияси — ФИДЕнинг навбатдаги конгрессидан Тошкентга хушxabар келганди. Шахмат бўйича спорт устаси Рустам Қосимжоновга тахмин қилинган уч мусобақада эмас, икки мусобақадаги юксак натижаси учун муддатидан олдин халқаро гроссмейстер унвони берилган эди. Бу пайтда Рустам дунёнинг бошқа бир бурчагида уюштирилган турнирда қатнашаётган, уни она шаҳрида шодлик муждаси билан интизор бўлиб кутишаётганди.

2

Шахмат жиддий спорт тури сифатида маърифатли инсоният ҳаётига сингиб кетганига минг йиллар бўлган. Ватанимиз ҳудудидаги энг қадимги топилмалар ичида шахмат доналари бўлгани эса бу ўйин ижодкорларининг ворислари эканимизни тасдиқлаб турибди. Мавриди келганда буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳозиргидан-да мураккаб ва улкан шахматни доимий ҳамроҳ тутганлари кўнгилда шавқ

уйғотади. Ибн Арабшоҳнинг қайд этишича, бундай шахмат тахтасида ҳозирги доналардан ташқари айиқ (даббаба), жирафа, туя, илғор пиёда, вазир ҳаракат қилган. Шунингдек, тарихчи ўйинларда даврлик ва узунчоқ шахматларни кўрганини ҳам ёзади. Ҳазрат Соҳибқироннинг шахмат борасидаги фаолияти хусусида эса ўзига хос истеҳзо билан шундай дейди: «Темур Шарқу Фарб иқлимларини алғов-далғовга солди. Унинг жангу жадалидан ҳар бир султон ютқазиб, ҳар бир шоҳ жангда ҳам, шахмат ўйинида ҳам ундан енгилб мот бўлди». Соҳибқироннинг шахматда дон сурадиган рақиби Аловуддин Табризий бўлиб, уни Ибн Арабшоҳ «шатранжчиларнинг алломаси, фикрчи, ҳадисчи олим» деб таърифлайди. Аловуддин Табризийнинг истеъдоди ҳақида хабар бериб, муаррих унинг бошқа энг моҳир шахматчилар — Зайн Яздийга бир пиёда, Ибн Ақилга эса бир от ортиқча қўйиб (бериб) ўйнашини ва ютишини таъкидлайди. Демак, маҳоратда тенгсиз бўлган шахматчини Соҳибқирон ўзига муносиб рақиб сифатида танлаган. Бундан бобокалонимизнинг шахмат истеъдоди ҳам чакки бўлганини англаш мумкин. Қолаверса, ҳазрат ўз рақиби ҳақида «Гўё мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби сен ҳам шахмат оламида тенги йўқсан», деб мақтов гапларни айтарканлар.

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккир шоири Алишер Навоий шахмат тимсолларидан гўзал бадий образлар яратди, улардан ўз ижтимоий қарашларини ифодалашда фойдаланди. Ёки яна бир буюк аждодимиз Мирзо Бобурнинг ўз замонасидаги ашадий шахмат ишқибози Мир Муртоз ҳақида: «... бири билан ўйнард ва бошқасининг этагидан ушлаб турарди» қабилидаги лутфидан ёқимли кайфият ҳосил бўлади. Яна Султон Ҳусайннинг умароларидан Зуннун аргун ҳақида «Шатранжга кўп машғуф эди. Эл бир илик ила ўйнаса, ул икки илик била ўйнар эди», деб ёзади.

Йиллар ўтиб, шахмат халқлар ва ватанлар салоҳиятининг ўзига хос кўзгусига айланди. Расмий мусобақа ташкил қилиниб, дунёнинг энг кучли шахматчиси аниқланадиган бўлди. Бизнинг ўсмир тасаввурларимизда дастлабки расмий чемпион Вильгелм Стейницнинг серсоқол рухсори Лев Толстой билан ёнма-ён

муҳрланиб қолганди. Суратдаги бу икки қария фақат ташқи томондангина эмас, балки миллатининг нуфузини намойиш этишда ҳам гўё тенг мавқеда эдилар. Улар, умуман, инсониятнинг буюк фарзандлари бўлишган. Кейинроқ Лев Толстойнинг бир гапини тасодифан ўқиб қолдим. Улкан сўз санъаткори «бошқа соҳага аралашиб» шундай деган экан: «Мен ўзимдаги мислсиз шахмат ватанпарварлиги ҳиссини енга олмайман ва, албатта, шахмат бўйича жаҳон чемпиони рус кишиси бўлишини хоҳлайман». Бу кўнгил изҳоридан, аввало, буюкликнинг иддизлари умумий эканини яна бир марта тушунган бўлсам, сўнгра ўзида ҳам санъат, ҳам фан, ҳам спорт асотирларини мужассамлаштирган ўйиннинг юксак мартабасини ҳис қилганман. Хуллас, қўналганинг хилват бурчагида катта йўлга қадам қўйган ўғлининг эътироф этилганидан қалби қувончга тўлиб турган онанинг шодлигини тушуниш мумкин.

3

Аслида, гроссмейстерлик даражасига эришиш шахмат оламида ҳамма нарсани уддалади, дегани эмас. Лекин айнан бу воқеанинг, 17 ёшли ўсмир эришган муваффақиятнинг биз учун — мустақил ҳаётнинг илк босқичида турган халқ учун ўзгача қадрли томони бор. «Қатрада қуёш акс этади», дейдилар. Бу мўъжаз ҳаёт парчаси юртимизда давом этаётган янгилиниш ва тараққиётга томон алп одимлар билан олға бораётган ҳаракатнинг бир одми кўриниши. Айтиш мумкинки, барча жабҳада — ишлаб чиқаришда, фанда, санъатда ана шундай бардам кайфият ҳукм сурмоқда, бироқ уларни ҳис қилишда бизнинг лоқайд зеҳнимиз кўпда фаоллик кўрсата олмаяпти.

Гроссмейстернинг шаъни ҳақида бир чимдим мулоҳаза. Бир вақтлар муаззам Осиёда ягона гроссмейстер бор эди. Унинг номи — Торе эди ва у Багио (Филиппин) деган афсонавий (бизнинг тасаввуримизда) шаҳарда яшарди. Бу «ягона»лик, менимча, 70-йилларнинг охирларигача сақланиб турди. Марҳаматли дунё жаноб Торенинг шахматдаги ютуқларини эмас, уни «туққан» Осиёнинг оппоқ сочини ҳурмат қилди чоғи, ФИДЕнинг қарори билан тож даъвогарлари — Карпов

ва Корчной ўртасидаги беллашувни Багиода ўтказишни ихтиёр этди. Зеро, шахматдаги иккита шернинг жанглари ҳарорати қитъага илиқлик олиб кирса ва шундан кейин гроссмейстерлар рўйхати кенгайса. Шундай ҳам бўлди. Кучлилар сафидан кейинчалик бизнинг Григорий Аъзамов (раҳматлик), Владимирова, Ананд, Ткачёв, ... Сайдали Йўлдошевлар кетма-кет жой олишди.

Агар Багио ҳақидаги сўзимизни тугатиб қўйиш жоиз бўлса, айтамикки, ўшанда бир-бирига рўбарў келганлар икки дунё вакили эди (гўё бири — оқ, униси — қора). Виктор Корчной СССРдан этагини силтаб чиқиб кетган. Анатолий Карпов эса СССРнинг умидли юлдузи эди. Ҳаётнинг бешафқатлигини қарангки, «сотқин» ва «ватанпарвар» фақат спорт салоҳиятларининг устунлигини эмас, капитализм ёки социализмнинг афзаллигини намойиш этишлари керак эди. Ҳар ҳолда, мусобақада Карпов ғолиб чиққан, уни Генсек бағрига босиб табриклаган ва «Меҳнат Қизил Байроқ» нишони билан сийлаган эди.

Шахмат ана шундай ғурур, орият ва шон-шараф ўйини.

4

Сухбатта Рустам келиб қўшилади. Унга видеони кўп кўравермаслиги ҳақида танбеҳ беришади.

— Фақат комедияларни кўраман-ку, ойижон.

Ҳозирги гурунгимиз қаҳрамонининг маъсум овози бошқа эътирозга ўрин қолдирмайди. Мен бурчимни адо этадигандек таъкидлайман:

— Сен энди катта мусобақаларга тайёрланишинг керак. Қандай, куч (аслида «ирода» демоқчи эдим) етарлими?

— Э-э, куч-қувват тўлиб тошиб ётибди.

Жавоб қийин вазиятда энг яхши йўлни топгандек жойига тушади. Азбаройи ички ишончининг бардамлигидан жаранглаб эшитилган сўзлар бизга фахр улашади. Қаршимизда ёш ўспирин эмас, иссиқ-совуқни бошидан ўтказган баркамол йигит тургандек бўлади. Ростдан ҳам, кейинги мулоқот анча жиддий мавзуларда, бироқ болаликка ўхшаган беғубор бир самимийликда кечди.

Хўш, Рустам эришган муваффақиятларнинг ўзига хос қимматли томони нимада? Халқимизда «Баҳорнинг бир кунни кузнинг ўн кунига татийди» деган пурмаъно сўз бор. Рустам ката шахмат оламида жуда эрта эътироф этилди. Агар маълумотлар тили билан айтганда, шахматчиларнинг энг юқори натижаларга эришадиган пайти 30-40 ёш орасига тўғри келишини назарда тутсак, унинг қиёфасида жаҳон шахмат тожининг бўлажак даъвогарини кўриб турибмиз. Бу — аниқ гап, насияси эса шундаки, табиий равишда ҳаммамизда енгилмас шахмат ватанпарварлиги мавжуд ва шахмат бўйича жаҳон чемпиони ўзбек йигити бўлишини истаймиз. Мабодо, кўзланган мақсад йўлининг ўтмишига назар солсак, бу йўлнинг ҳар бир қаричи курашларга, синовларга бой эканини ва муваффақият (жаҳон чемпионлиги) катта жасорат эвазига (ҳатто унинг номини «қаҳрамонлик» ҳам деб аташ мумкин) қўлга киритилишини тушуниб етамиз.

Ҳозирча ҳар жиҳатдан қадимий тарихимизни эста туширувчи хонадонлардан бирида олижаноб Умид уйғоняпти. У ўз йўлини қатъий белгиланган, ёруғ манзилни аниқ кўриб турибди. Унинг ҳозирги қиёфаси, борлиги юксак имкониятларидан дарак бермоқда.

5

Одатда, қаҳрамонлар, буюк зотлар халқ тақдири-нинг бурилиш нуқталарида, юлдузли онларида туғилди, дейдилар. Назаримда, айти пайтда миллатимизнинг ана шундай фасли келгандек, у кўплаб асил фарзандларга доя бўладигандек туюлади. Зеро, бундай ҳолат бу замин учун бегона эмас. Бир вақтлар дунёни лол қолдирган улуғ инсонлар юртида истиқлол туфайли тоза руҳлар қайтса, ажабмас. Нима бўлганда ҳам, ҳаммаси — Яратгандан. Умидли дунёда илоҳий илтифотдан умид қилиб яшаётган ҳар бир зот умрининг сонияларида, серғалва кунларининг лаҳзаларида, сафарлар, учрашувларнинг серташвиш дақиқаларида ўша хушбахт қадамни кутади. Эҳтимол, гўдаклигидан инжиқроқ бўлиб ўсган, боғчага боришни хушламаган, бирданига математиканинг чағир тошли сўқмоқларида ўз фароғатини топган болакайнинг илк марта шахмат

доналарини кўргандаги пайти ўшандай кутилган ай-ёмдир.

— Негадир боламнинг шахмат ўйнашини ҳеч хоҳ-ламасдик, — дейди она — Меҳринисо опа, — бир кун тўшақда чойшаб билан бекиниб, дафтари варақларида шахмат масаласини ечаётганини кўриб, меҳрим ийиб кетди.

... Ўз даврида «шахмат машинаси» деб довруғ тартган Хосе Раул Капабланка ҳаётидан бир лавҳа. Икки сеньор шахмат вариантларининг ич-ичига шўнғиб, кетма-кет дона суришар, тўрт ёшли гўдак уларнинг диққатини ҳам тортмасди. Тахта устига ўйинни кузатиб турган болани эса доналарнинг силлиқлиги, ранги жуда қизиқтирар, нима рўй бераётганини тушунмасди ҳам. У зеҳн солиб, доналар ҳаракатини фарқлай бошлайди. Бирданига отаси оқдан қорага сакраб юриш қилаётгани оти билан рақибининг оқ катақдаги фарзинини уриб олади ва ютади. Бу фирромликни бола сезади, ўйин тутагач, айтиб беради.

Капабланка учун шахмат пешонасига ёзилган аъмол экани рост чиққан ва ўз ўйинлари билан кўп йиллар дунёни ҳайратга солган, шахмат тожини илк марта Америка қитъасига олиб кетган. «Пешонасига битгани» деб Рустамга ҳам шахмат ўйнашга рухсат беришди. Болаларнинг ҳаваскорлик тўғарагида икки йилга мўлжалланган дастурни бир ойда бажарди.

У қобилиятини камол топтириш учун бутун кучини сарфлади. Шундан кейин дастлабки ютуқлар ва биринчи жиддий ғалаба: 1994 йилда Рустам Қосимжонов 16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Осиё биринчилигини қўлга киритди. Ўшанда у спорт усталигига номзод эди.

6

Республика илмий-техника кутубхонасидаги учрашув Рустамнинг ҳаёт йўлида алоҳида нузли кун бўлиб қолиши шубҳасиз. Ҳозиргача шахматни шунчаки ўйин деб юрган бола илк марта унинг Ватан, миллат шарафи бўлиши мумкинлигини ҳис қилгандир. Унинг фақат яқинлари, оила аъзоларинигина танийдиган тасавури, ғурури ўшанда босган қадамини бутун халқ ку-

затиб турганини тушунишгача улғайган. Ўшанда илк бора уни ҳукумат аъзолари табриклашди, унинг ҳузурига жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди. У дақиқалар бахтли сониялар эди, эҳтимол, ўшандан Рустамнинг нурли келажаги бошлангандир. Зеро, улуғлар назари — хосиятли бўлади, дейишади. Бу соҳир назарлар кишини, албатта, мақсадга етказди.

Рустамнинг Қатардаги муваффақияти республика-миз Президентини бефарқ қолдирмади. Унга замонавий компьютер совға қилинди. Бундай эътиборни билад оҳангларда истаганча тавсифлаш мумкин. Энг яхшиси эса мўъжизаларга тўла дунё ишларидан бирини, худди шунга ўхшашини эслаш жоиз бўлса керак. Ана шундай муносабатларни таққослаб, инсонга, истеъдодга эътибор ҳамма жойда ҳам бир хил эмаслигини, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат моҳиятини тушуниб олиш осон кечади.

Мухлислар Гата Камский деган шахматчининг жуда тез тилга тушганидан, қизиқарли ўйинлари билан шов-шувларга сабаб бўлганидан хабарлари бор. Дон дарёси бўйидаги шаҳарлардан бирида туғилган Гатанинг қобилияти жуда эрта намоён бўлади. Отаси — татар миллатига мансуб Рустам Гарифулин (ёки Гатаулин) вилоят театрида актёр, табиатан чапани, бокс билан шуғулланувчи киши эди. У ўғлининг қобилиятини намойиш этиш учун турли мусобақалар уюштиради. Уларда болакай, албатта, ютиши керак эди, бўлмаса, отасидан таъзирини ерди. Қўрқув ёки туғма қобилият туфайлими, ростдан ҳам Гата кўпчилик эътиборини тортди. Уни авайлаб тарбиялаш ҳақида гап-сўзлар кучайди. Бола эса шахматдаги нодир партияларни таҳлил қилишда кўмаклашувчи компютери бўлишини орзу қиларди. Шу мақсадда вилоят раҳбарларига мурожаат қилинди. Ҳеч нарса ҳал бўлмади. Ҳатто республика ҳукумати ҳам кўмак бера олмаслигини билдирди. Шундан кейин «ноумид шайтон» деб машҳур шахматчи, жаҳон чемпиони Гарри Каспаровга хат ёзиб, ёш истеъдодга ёрдам беришини сўрашди. Ахир дунёнинг энг кучли шахматчиси, бунинг устига миллионер одам ўсиб келаётган ўз издошидан марҳаматини аямас. Газеталарнинг ёзишича, Каспаров бу хатни ўқиб, олдин жаҳли чиққан, кейин қулиб юборган. У ўзига но-

таниш бир болакайга қимматбаҳо буюм совға қилишни тентаклик деб тушунган. Шундан кейин ҳафсаласи бутунлай пир бўлган ота-бола Камскийлар СССРни ташлаб, АҚШга кетиб қолишди. У ерда қандайдир фирма гаров йўли билан Гатани қўллаб-қувватлаб турди. Жаҳон чемпионлиги саралаш босқичида ажойиб (айниқса, Ананд билан) ўйинлар намойиш этди. Унда мухлислар жаҳон шахматининг ёруғ юлдузларидан бирини кўришган эди. Барибир, доимий муҳтожлик ўз ишини қилди.

— Ҳозир Гата шахматдан кетган, — дейди Рустам, — у нейрохирург бўлмоқчи. Дунёдаги барча шахматчилар бир кун унга мурожаат қилишларини орзу қилиб, ўзига таскин берапти.

Биз яхшилиқни умуминсоний фазилат сифатида тушунамиз. Гўё имкони бор одам ўз марҳаматини ўзгалардан дариф тутмаслиги лозим. Бироқ Гарри Каспаровнинг ёш истеъдодга муносабатида яхшилиқ ҳам, саховат ҳам барчанинг қўлидан келавермаслигини кўрдик. Моддий томондан ҳеч кимга қарам бўлмаган зотнинг маънавий дунёси оддий компьютерни текин совға қилиш амалини сифдира олмайди ва умидли бир ёшнинг заволига ўз ҳиссасини қўшади. Рустам Қосимжонов эса ўзгача бир илтифотга рўбарў келди: унга унча-бунча одамнинг эмас, 25 миллион аҳолиси бор давлат раҳбарининг назари тушди, унинг порлоқ келажигига сидқидилдан ишонч билдирилди. Шундай қилиб, ёш истеъдоднинг камолига кафолат яратилди. «Одам ўзини чинакам бахтли ҳис қилиши учун унинг қудратли ватани бўлиши лозим», деган экан мутафаккирлардан бири. Не толеъки, Рустам ана шундай бахт эгаси эди.

«Гап совғада эмас, эътиборда», дейдилар. Катта бир мамлакат раҳбарининг тетапоя бўлиб келаётган истеъдодга ғамхўрлиги қанот бўлдимиз, Рустам ўша тантанада берган ваъдасини тез удалади — уч йилда халқаро гроссмейстер талабини бажарди.

Ўша кунги шукуҳ оилани ҳамон тарк этгани йўқ. Қандай тилаклар билдирилганди, ҳаммаси самимий, юракдан. Шубҳасиз, бундай пайтда ҳаяжонлар ҳам бўлади. Айтиқса, бундан кейин Рустамнинг ейдиган овқатигача эътиборда бўлади, қабилидаги гаплар қанот

бағишлаганди. Она-бола йўловчи машинада уйларига етиб олиш учун шошиб кетар эканлар, бошқа дунёга тушиб қолгандек сезишганди ўзларини.

7

Анча йиллар олдин шахматчилар ҳаётидан бир китоб ўқигандим. Лавҳалар ёрқин, қаҳрамонлар бир-бирига ўхшамайди, воқеалар шиддатли кечади. Шунданми, китоб жуда маъқул бўлганди.

... Тиззагача ёққан қорни кечиб, қария олға интилади. Параходдан кечикмаслик керак. У океан оша Америка сафарига отланган. Нью-Йоркда ўз даврининг уч буюк шахматчиси — Хосе Капаланка, Эммануил Ласкер, Александр Алёхин иштирокида халқаро турнир ташкил этилди. Йигирма етти йил давомида шахмат қироллигини қўлида ушлаб турган, фалсафа ва математика фанлари доктори, кўплаб драмалар ёзган, элик олти ёшни уриб қўйган профессор Ласкер учун бу учрашув рамзий маънога эга. У бир-биридан етук икки салафи таъқиб қилиб келаётганини билади. Уларнинг кучлилигига ишонади. Фақат бу қадимий жозибадор ўйин яна қандай маҳоратларни кашф этганини кўриш учун ҳар қачонгидан ҳам кўра юксак иштиёқ билан йўлга тушди. Иссиқ каютага ўрнашиб олгач, чамадончалардан бирини очди. Қаттиқ қоғоздан катак қилиниб, ҳар бирига тухум жойланган. Оқ-сарғиш сиртга турли ёзувлар битилган эди: 29 феврал (ейиладиган кун) ва «Марта (хотини)ни унутма», яна бирига «Кўп чекма», бошқасига «Иссиқ кийиниб юр» каби. Менга анча ёши ўтиб қолган одамга хотини томонидан кўрсатилган бу илтифот шахматчига, инсонга нисбатан энг олий ғамхўрлик бўлиб туюлган.

Кейинчалик худди шу Ласкернинг ўзи ёзган эди: «Шахмат таланти мўрт нарса. Уни эҳтиётлаш даркор».

Ғолиб бўлиш осон, уни сақлаб қолиш қийин, дейдилар. Истеъдодни ҳам Аллоҳ таоло кўплаб бандаларига раво кўргандир, бироқ ҳамма ҳам уни юзага чиқара олавермайди. Агар истеъдод борлигини намойиш этиш мақсади дилга тутиш бўлса, мақсадга эришиш эса бойликдан фойдалана олиш — ғолиб бўлиш-

дир. Демак, Рустам илк босқичдан ўтди, энди асосий юриш бошланади.

Жаҳонгашта бўлиб дунё кезиш, турнирларга тайёрланиш ва иштирок этиш, энг муҳими — муваффақият қозониш. Шахмат кишидан ҳар томонлама тайёргарлик талаб қиладиган ўйин. Эҳтимол, унда ақл кучи, руҳий бардамлик, жисмоний камолот баробар асқотар.

8

Хонада муқаддас зот — Она мадҳига тизилган шеъррий мисралар янграйди. Кўнгил ардоғини имкон қадар ўзида сингдирган сўзлар тингловчиларга етарлича таъсир этади. Ҳали болалик қилиқларидан халос бўлмаган, тинимсиз саволлари билан ҳаммани имтиҳон қилиб турган Рустам ҳам астойдил қулоқ тутган, ақлли кўзлари каттароқ очилган. Ҳа, она деганда ҳамма қалбнинг меҳр дарвозалари ланг очилади. Шеър тугайди. Бироз жимлик.

— Шоирмисиз? — қизиқиб сўз қотади Рустам.

— Шоирлигим ҳам шахматчилигим даражасида.

Бу тағдор гап замиридаги армон уни асло қизиқтирмайди. Ўз мулоҳазаларидан келиб чиқиб давом этади:

— Биринчи кимга тақлид қилиб шеър ёзгансиз? Ахир дастлаб бировга эргашадилар-ку... Масалан, Стейнбек биринчи романини Стивинсонга тақлид қилиб ёзган. Кейин ўзи буюк ижодкор бўлиб етишган. Ўзи, сизнингча энг улуғ шоир ким?

— Алишер Навоий.

Рустам жим қолади. Табиий, у «сўз мулкининг соҳибқирони», икки дарё орасини якқалам қилган даҳо санъаткорни мактаб дарслиги орқали билади. Ёшига хос ўжарлик билан бўй бермай давом этади:

— Менимча, энг зўр шоир Байрон. Мен унинг шеърларини инглизча ўқийман. Муסיқа. Ундан кейин Йейтсни биласизми? Китсни-чи? Танганинг юзидек мамлакатдан чиқишган. Нобель мукофотини олишган. Осиёдан Нобелни олган япон ёзувчиси Кавабатани биламан. Яна борми?

Осиёдан ҳали кўп машҳур одамлар чиқишга ул-

гурмади. Жумладан, ер юзи ҳудудининг энг катта қисмини ташкил этадиган, энг кўп аҳоли яшайдиган қитъада шахмат тожини кийишга ярайдиган қаҳрамон ҳам чиқмади. Осиёдан ҳали ҳеч ким шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлолмаган. Нобель мукофотини олганлар бор. Тагор, Далай Лама, Тереза она...

Шундай қилиб, адабиёт ҳақида қизиқарли суҳбат бошланади. Оиланинг севимли ёзувчиси Эрнест Хемингуэй, насрда мўъжизалар яратган Жеймс Жойс, янги замон классикларидан Габриэль Маркс, Чингиз Айтматов ҳақида қизгин баҳс бўлади. Мусоҳабанинг руҳи оила муҳитининг бир манзарасини англатиб турибди. Қаерда болаларга юксак мақсадлар, буюк инсоний ғоялар, дунёвий миқёслардаги ҳаёлот ҳақида кўпроқ гапирилса, улар гўдаклигиданоқ қанот чиқариб, парвозга шай бўлишини яна бир марта ҳис қиламиз. Ортиқча ҳашамлардан холи, бойлиги фақат китоблар бўлган оилада Хуршид ҳам, Рустам ҳам ана шундай сийрат кашф этдилар.

Даврадаги мовий бир равшанлик яна тиниқлашади. Адабий фуқаролар ҳаёти ёқимли хотираларни кўзгайди.

— Менинг яхши кўрган китобим...

— «Зима тревоги нашей» (Жон Стейнбек)

— Бешигинг устида ўқиганман. Қийин ҳолатларни бошидан кечирган қаҳрамон — Итон Ховле тақдири кишини чуқур ўйга толдиради.

— «Сўна»даги Жеммининг тақдирига ҳам роса йиғлагансиз.

Суҳбатдошлар — она ва ўғилни ҳозир чулғаб турган туйғулар занжирини тасаввур қиламан. Она — Меҳринисо Қосимжонова — химия фанлари номзоди, республика Фанлар академияси Биоорганик кимё институтида етакчи мутахассис — шу ҳолатда янада ўқтам ва шуқуҳди туюлади. Эҳтимол, бу фазилатлар тўлалигича ўғилга ўтгандир.

Гарчи гурунг ҳозирги «тарбияли» одамларга хос умумжаҳоний даражада давом этса-да, бу мени қизиқтирмайди. Назаримда, мулоҳазалар муаллақдек, уларнинг биз оёқ тираб турган заминда томири йўқдек туюлади.

— Сен бутун борлигинг билан ўзбек бўлишинг ке-

рак. Мана, шеърларни нглизча, прозани русча ўқишни ёқтираман, деяпсан. Ана шу икки тилнинг қудратини она тилингга таққослаб ҳис қилишинг, ўрганишининг керак. Шеърларни ёдлаб олишинг керак.

Бу «керак»ларни Рустам танбеҳ деб эмас, устозининг маслаҳатидек қабул қилади. Худди хато қилиб қўйгандек мулазам бўлади.

Шахматчининг маънавий таянчлари ҳақида гап кетганда, умрининг охиригача жаҳон чемпионлигини сақлаб қолган, лекин ҳаётини муҳожирликда ўтказган улур рус гроссмейстери Александр Алёхиннинг қиёфаси кўз олдимга келаверади. У шон-шухратга эришганда ҳам, фалабалардан боши айланиб, таназзулга юз тутганда ҳам оддийгина рус кишисини, унинг жайдари каломини ичикиб қўмсарди. Кейинчалик тушқунликдан чиқиб кетишида олис Россиянинг ғойибона меҳри кучқувват берганди. Ажнабийлар билан тўла, уларнинг эркатойи билан бўладиган мурасасиз кураш кетаётганда залдан эшитган бир оғир русча калом фикрини ёритиб юборган, қийин вазиятда энг яхши юришни топган эди.

Рустам эртанги кунимизнинг эгаси бўладиган, бугун камол топаётган ёшларнинг бир вакили. Ҳар қолда, уларнинг суянадиган маънавий устунлари бақувват, келажаги таъминланган. Энг катта бахтлари эса ўзларининг озод ва обод Ватанлари, эътиқод қиладиган миллий маслаклари бор.

9

Ҳа, янги авлод камол топаяпти. Бизнинг улардан умидимиз катта. Ана шу уйроқ, безовта туйғу тазйиқи остида ҳали кўпчилик танимайдиган ўсмир йигитча ҳақида баладпарвоз сўзлар айтилса ҳам маъзур тугилади. Зеро, халқимиз «Тоғдек тиласанг, тепадек беради», дейди.

... Дафъатан ўзимнинг фикримга асир бўлиб қоламман: ёшларимиз ҳақиқий ўзбек бўлиши шарт. Маънавияти, ҳаракати, жасорати билан. Биз уларга ҳада этмоқчи бўлган заминда қанчалаб асрий дарахтлар чуқур томир отган. Том устида очилган қизғалдоқнинг умри бир сония, бундан ортиқча ҳам бўла олмайди.

Мабодо, ота-боболарнинг оёқ излари қолган, уларнинг бўйини дунё қадар кўтаришга имкон етган тупроққа таянишса-чи?

Тўғри, Рустам эришган ютуқ жаҳоншумул даражада эмас (аслида, шундай дейиш ҳам мумкин — ҳозиргача шахмат тарихида 5 нафар спортчи 17 ёшгача гроссмейстерлик талабини бажарган). Бироқ даҳолар, қахрамонлар тайёр ҳолда осмондан тушмайди. Улар тарбияланади. Шунда халқнинг, миллатнинг нималарга қодирлиги аён бўлади.

— Ўзбекистонимизнинг қаерларида бўлгансан?

— Ҳамма вилоятларида. Фақат 2-3 кунга, мусобақага.

— Бизда шахмат энг оммабоп спорт турларидан. Чойхоналарда, мактабларда ўйналади. Улардаги маҳорат даражаси қандай?

— Францияда 300 дан ортиқ шахмат устаси бор, лекин Франция иккинчи даражали шахмат мамлакати ҳисобланади. Эронда эса биронта ҳам гроссмейстер йўқ, шахмат ҳақида махсус журнал нашр этилади.

— Қайси мамлакат биринчи?

— Россия, аниқроғи, СССР эди. Ҳозир Россияда ҳам 18-20 ёшли кучли шахматчилар йўқ ҳисоби. Венгрия яхши. Эҳтимол, келажақда Польша ёки Бразилия бўлар.

— Катта шахматчилар ўртасида бирданига бир нечта рақиб билан ўйнаш, мамлакатни кезиб, сеанслар бериш одати бор. Сен шунга тайёрмисан? Масалан, бирданига 20 киши билан ўйнашга.

— Айланиб чиқишга вақт етса, 50 киши билан ҳам ўйнашим мумкин. Гап сонда эмас, муносиб қаршилиқ кўрсата олишда.

Саволимизнинг бошқа қисми — юрт бўйлаб сафарларга чиқиш очик қолади. Бу ёғи, аслида, мутасаддиларга боғлиқ. Рустам мактабларда, бошқа ўқув юртларида бўлиб, шахмат сеҳрини намойиш этса, қанчалаб қалбларда бу қадимий ўйинга ҳавас уйғонади. Ахир «Спортда муваффақиятнинг сири — оммавийликда» дейишади-ку. Ундан ташқари умидли спортчимиз ҳақиқий ўзбекона ҳаётни ўз кўзи билан кўриши лозим. У қирларда қўй боқиб ёки сарпойчан дала кезиб юрган, шу Ватаннинг фарзанди ҳисобланмиш тенгдошлари ҳаёти-

нинг ичида яшаса, орзулари янада парвозланиб, ишончи мустаҳкамланармиди? Танти, бағри кенг, саховатли халқимизнинг меҳри фарзандлар учун туганмас куч, илҳом манбаи бўлиб келган. Қолаверса, ҳамма жойда мухлислар топилади, улар Ўзбекистон чемпиони билан «бир партия ташлашиш»ни жон-жондан исташади.

10

Ҳозирча оммавий учрашувларнинг бўлажак иштирокчиси истиқболидаги жозибали кунларга жиддий тайёрланыпти. Шубҳасиз, уни ҳам балоғат ёшининг қирмиз уфқлари мафтун этади, ўзини улфайтирган, камолига кўз тикиб турган Олижаноб Умид қанотида самоларда сайр этади. Қалбининг тўрида дунёдаги энг кучли шахматчи бўлиб егишиш, онажонига, Ватанига туганмас шон-шуҳратлар келтириш орзуси жўш уради. Бу олий мақсад йўлида жами имкониятини сарфлаб, ўша ёруғ кунни йил ўтиб, ҳафта ўтиб, йўқ, ҳозир қаршилашга интилади.

— Ойи, сиз биологсиз, айтинг-чи, нуклеин нейронларда ахборотларни қандай қонуниятлар асосида тўплайди? Балки шуни тушуниб етсам, фотографик хотирани юзага келтириш усулини билиб олардим. Нуклеин кислоталарининг қайси бири хотирага кўпроқ таъсир этади?

Навқирон қалб ҳаяжонларидан, учмоққа шай истакнинг безовталигидан холи бўлмаган бу мулоҳазалар шунчаки билимдонлик ёки қизиқувчанликдан эмас, уларда эртанги шахмат жангларининг тадориги, ўз истеъдодини мақсадга тўла йўналтириш ва голиб бўлиш хоҳиши яширинган. Албатта, бу жўн нарса эмас. Ахир бир халқ маданияти тараққиёти тарихида янги саҳифа очиш осонми? Ҳозирча, ана шундай орзунинг пайдо бўлганини, бу йўлда дадил қадам қўйилганини табриклайлик-да, улуғ мақсадларнинг ушалишига омад тилайлик.

11

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан яқинда Рустам Қосимжонов «Ўзбекистон бел-

гиси» фахрли нишони билан мукофотланди. Бу «Ёшлар учун ҳар қанча ғамхўрлик қилсак оз» (Ислом Каримов) деган эзгу ниятнинг учқуни. Албатта, дунёнинг турли бурчакларида ўтказиладиган мусобақаларда Рустам шу нишонни тақиб «жанг»га киради ва юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилади. Сафарлар... Эҳтимол, энди шахматчимиз ўз аъмолини шундан топар. У Альп тоғлари орасидаги Вальтаранс шахрида ўтказилган халқаро турнирни эса олди. Ўзиям, поездда, автобусда 24 соат йўл юриб боришди. Энг ёқимлиси — шу беллашувда илк марта биринчи ўринни забт этди. Натижа доим шундай бўлсин, Рустам.

12

... Одатдаги кунларнинг бирида Тошкент аэропортига навбатдаги самолёт оҳиста қўнади. Бугун ҳаммининг эътибори ундаги йўловчилардан бирига қаратилган. Майдонда одам тирбанд, карнай-сурнай, мусиқа садолари авжида. Радио, телевидениенинг барча дастурларидан тўғридан-тўғри хабарлар тарқалаёпти. Бунақа шодиёна ҳеч қачон Тошкентда, умуман, Осиёда бўлмаганди.

Тантана иштирокчилари шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ватандошларини кутишаётган эди.

Яхши ният — ярим давлат!

13

Етти йил олдинги бу битикларда катта йўл бошида турган йигитчанинг ҳаяжони, унинг келажагига умид билан боқаётган кишиларнинг ишончи сезилиб турибди. Ишончки, мен ҳам 13 октябрь кунги суҳбатдан сўнг ён дафтарчамга: «Рустамнинг ҳозирги эришган натижаси қобилияти ва имконияти олдида арзимаган ютуқ» деб қайд этиб қўйган эканман. Ва шу кайфият очеркни авж нуқтада яхши ният билан яқунлашга тўғри бўлгандир. Мулоқотимизнинг биринчи кунда эса мухбирнинг саволларига жавоб қайтарар экан, ойижонисига қараб: «Менинг фурсатим етишсин, чемпионликни, албатта, олиб келаман» деганида, бу гапни ўсмир-

нинг қизиққонлигига йўйиб, кўп-да эътибор бермаган эдим.

Не бахтки, ўшанда эртақ бўлиб туюлган гаплар ҳақиқатга айланди, Рустам жаҳон чемпиони бўлди, ростдан ҳам уни тайёрагоҳда тантана билан кутиб олишди.

Шубҳасиз, ўтган йиллар давомида Рустам янада улғайди. Шахмат бўйича ўз маҳоратини муттасил ошириб борди, кўплаб беллашувлар қаҳрамонига айланди. Ҳар йили дунё миқёсидаги 2-3 йирик мусобақада қатнашди. Жумладан, Голландиянинг Вейк-ан-зее (1998) ва Дортрехте (2003), Германиянинг Эссене (2001, 2003) шаҳарларида ва Люксембург (2004)да ўтказилган халқаро гроссмейстерлар турнирларида биринчи ўринни олди. 2000 йил Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтган Жаҳон шахмат олимпиадасида юртимиз спортчиларига етакчилик қилган Рустам Қосимжонов 1-тахтада учинчи ўринни эгаллади. 2002 йил Ҳиндистоннинг Ҳайдарабод шаҳрида ўтган Жаҳон кубогида 24 шахматчи орасидан финалга етиб келди ва ўша пайтда Осиёда тенги йўқ, деб таърифланган, ўзидан бир неча ёш катта Вишавананд Ананд билан тенгма-тенг кураш олиб борди. Агар булар қаторига ҳамюртимиз 2-ўринни эгаллаган Испаниянинг Линарес (1998) шаҳридаги турнир ва Сараевода бўлиб ўтган (2003) супертурнирларни қўшсак, ўтган йиллар унинг учун қизғин ва муросасиз мусобақаларга бой бўлганини билиб олиш мумкин.

— Бу беллашувларнинг биронтасини иккинчи даражали, деб бўлмайди, — дейди республика шахматшашка федерациясининг бош котиби Адҳам Юнусов, — уларда жаҳон шахмат рейтингида юқори ўринларни банд этиб турган машҳур гроссмейстерлар қатнашган. Рустамнинг уларга қарши чўчимай дона суриши ва муваффақият қозониши унинг ноёб истеъдодидан дарак беради.

Рустам Триполида ўтган 17-жаҳон чемпионатининг финалига 56 мамлакатдан келган 128 шахматчини ортда қолдириб етиб келди У бу муҳорибада Европа чемпиони В. Иванчук (Украина), В. Топалов (Болгария), А. Гришчук (Россия), Венгриянинг беш карра чемпиони З. Алмаши, Ч. Адамс (Англия) сингари дунё тан олган спортчиларни яккама-якка беллашувда курагини ерга

тегизди. Шубҳасиз, ҳали бу жанглр ҳақида кўп ёзилади. Биз ҳам шу ўринда мазкур зафарноманинг икки ёруғ нуқтасини қайд этиб ўтишни ўринли деб билдик. Аввало, Рустам финалда ўзидан 48 поғона юқори турган шахматчини енгди. Кейин эса ҳозирги замон шахмат гигантларидан бирининг очиқ тан олишича, ҳали жаҳон шахмат чемпионлиги учун курашлар тарихида ҳеч бир ғолиб бунчалар кўп кучли, машҳур шахматчиларни доғда қолдириб, шохсупага кўтарилмаган. Рустам Қосимжоновнинг шахмат оламини ҳайратга солган истеъдоди ҳали унга, демак, юртимиз шахмат ишқибозларига кўплаб ёрқин муваффақиятлар келтиришига шубҳа йўқ.

Шахсий ҳаётидаги энг катта ўзгариш эса у ўз умр йўлдошини топди, уйланди. Бахт унга самода кулиб боқди: бадий гимнастика бўйича халқаро спорт устаси Феруза Шокировани Тошкент-Франкфурт ҳаво рейсида учратиб қолди. 2001 йил июнда тўйлари бўлди, ҳозир оилада ёш ўғлон вояга етаяпти. Албатта, мўътабар она — Меҳринисо опани набира ва Рустамнинг оламшумул ютуғи билан муборақбод этамиз.

Ҳар йигит, ҳар инсон кўзлаган олий мақсадига эришсин. Тилагимиз — шу!

1997 йил, октябрь — 2004 йил, июль.

БУХОРОНИНГ ИККИ ГЎШАСИДА

Айни пайтда қадим Бухоронинг Сидикиён гузарида жойлашган Абдурауф домланинг ҳовлисини топиш қийин, кетма-кет бўлган ўзгаришлар туфайли бу жойларнинг ўша пайтдаги қиёфасини таниб бўлмайди, бироқ миннатдор макон ўз муносиб фарзанди — XX асрда илмда иқтидори жаҳон андозалари даражасида эътироф этилган олим, ўзбеклардан етишган биринчи профессор Абдурауф Фитрат хотирасини авайлаб сақлаб келмоқда. Бу зот ҳақида гувоҳлик берувчи далиллар домланинг турмушда унчалик омади юришмагани, яъни тақдир бир муносиб маҳбубани раво кўрмаганини, биль-акс янгича руҳдаги дунёқараши ва илмга бўлган ҳақиқий фидойилиги билан кўплаб қалблардан жой олганини таъкидлайди. Айниқса, Туркияда муфассал таҳсил олиб

келган Фитратнинг Европа маънавияти таъсирида камолга етган Файзулла Хўжаев билан танишуви ва бу икки зотнинг ҳамкорлиги миллий маданиятимиз равнақида ёрқин из қолдирди. Халқда «Икки дарё туташган жой» деган ибора бор, таъбир жоиз бўлса, аср бошидаги Бухоро ана шундай вазифани бажарди. Фитрат ва Файзулла Хўжаевнинг учрашуви билан шарқона тафаккур ва ислоний тарбия уруғлари дунё цивилизациясини ўзида жамлаган заминга экилди. Бу пайвасталик эса жаҳидчилик ҳаракатига янгича омил бағишлади, ғоянинг воқеликка айланишини таъминлади. Оқибатда, бу йўл Бухоро инқилобига олиб келди.

Тақдирнинг ажойиб инъомини қарангки, бутунги юбилей тайёргарликлари айёмида Файзулла Хўжаев тумани ҳудудида Фитрат боғига пойдевор қўйилди. Эски Дилкушо гузаридаги уч гектардан зиёд майдон текисланиб, баҳорда илк кўчатлар қадалди. Бу юмушни анча нуфузли меҳмонлар уддалашди. Ўша кунлар ўтган ЮНЕСКО/ ПРООН ҳомийлигида «Ипак йўлини тиклаш: Ўзбекистонда маърифий туризмни ривожлантириш ва маданий меросни эъзозлаш» халқаро анжумани қатнашчилари бўлган 50 мамлакат вакиллари Фитрат боғининг илк боғбонлари бўлишди. «Эзгуликнинг кечи йўқ» деганларидек, бу ҳам тирикликда ўз орзулари рўёбини кўра олмаган, қатағон қурбони бўлган таниқли юртдошимиз хотирасига ҳурмат ва эъзоз рамзи.

— Боғнинг асосий бойлиги гуллар бўлади, — дейди туман ҳокими, — чунки Фитрат домла гулларни жуда севар эканлар. Шунингдек, чиройли фаввораалар оромгоҳ ҳуснига ҳусн қўшиб туради. Боғнинг меҳмонлари, асосан, болажонлар бўлишади.

Ҳайтовур, эндиликда бой ўтмишимиз сабоқларини ёш авлод онгига сингдириш мустақиллик мафқурасини шакллантиришнинг устивор омилларидан бўлиб қолмоқда. Тўқимачилик туманидаги 34-ўрта мактаб вилоятдаги йирик ва намунали таълим масканларидан. Бу ерда 1600 нафар ўқувчи билим олади. Фитрат номи билан аталувчи ушбу билим масканида тарихда ёрқин из қолдирган сиймолар ҳаёти ва фаолиятини намуна сифатида тақдим этиш таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланилар экан. Айниқса, профессор Фитрат музейи ёшлар дунёқарашининг комил бўлишида алоҳида рол

ўйнайди. Унинг ашёлари бой маънавиятдан, ватанпарварлик ва фидойилиқдан ажойиб ҳикоя сўзлайди. Мактабга ташриф буюриб, яна бир нарсадан хурсанд бўлди: турли сабаблар билан ўқитувчиларнинг ўз касбидан «қўли совиб» юрган ҳозирги шароитда Фитрат номли мактабда ҳақиқий ижодкорлик муҳити намоён. Педагогларнинг кўпчилиги ҳар йили ўтказилаётган танловларда мунтазам ғолиб бўлиб келишаётган экан.

Албатта, юбилейлар янги-янги маълумотларнинг топилишига, ўз ўтмишимизни янада тўлиқроқ билишимизга хизмат қилмоқда. Бироқ ўтказилаётган тадбирларни баъзан бугунги маънавий эҳтиёжлар талабига жавоб бера олмаётганини мулоҳаза тариқасида қайд этмоқчимиз. Олайлик, Фитратнинг «Темур сағанасида» асари ҳақида нималарни биламиз? Тўғри, шўро адабиётида уни «мискин, тушкун руҳда, соцреализмга тўғри келмаслик»да қаттиқ қоралашганди. Ҳолбуки, аҳвол бугунлай ўзгарди, аммо тарихга чуқур ҳурмат ва юксак ватанпарварлик руҳидаги бу ва бошқа асарлар ҳақиқий талқинини топганича йўқ. Аждодларнинг бой мероси бугун жиддий эътибор ва катта кучайрат талаб этмоқда. Балки худди шу омил эртанги кунининг шакл-шамойилини белгилаб қўяди.

* * *

Бухорода тилсимотлар кўп. Девоглари сирпаниб келиб заминга мустаҳкам ботгандек туюлувчи қадимги Арк қаршисида маданият техникуми жойлашган. Талабалар ҳар куни бир пайтлар одамлар юрак ҳовучлаб қадам қўядиган майдондан бугун бепарво ўтиб таҳсилга келадилар, танаффусларда йиллар заҳмати-ни гувакларидида сингдирган чўнг деворларга тикилиб ўйга толадилар. Худди шу ҳолатлар, менинг назаримда, киройи омаддек туюлади: Ҳар доим замонлар салобатини ҳис этиб турсанг, бундан шу заминга, юртга муҳаббат ниҳоллари қалбингда чуқурроқ томир отмайди? Шунданми, билим масканида республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ва Файзулла Хўжаев тумани ҳокимлиги ҳамкорликда тайёрлаган илмий-тарихий, маърифий-бадий анжуман ўзгача кўтаринкиликда ўтди. Бухоронинг асл фарзанди Ф. Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бу

тадбирда ёзувчи ва олимлар иштирок қилиб, ҳукумат қарори асосида салмоқли ишлар қилинаётганлигини намоён этидилар.

— Файзулла Хўжаев ҳозиргача уч марта оқланди, — дейди иштирокчилардан бири.

Аслида, бор гап шу. Дастлаб, Сталин даҳшатларини фош этиш учун унинг номи шунчаки авф этилганлар рўхатига киритилди. Кейинчалик чекка ўлкалардаги ленинча миллий сиёсатининг маҳсуллари бўрттириб кўрсатиш учун Ф. Хўжаевдек иқтидорли шахс фаолиятига ўз либосларини кийдириб, йўлига тилга оладиган бўлишди. Ҳар икки сафар ҳам бу зот ҳақидаги ҳақиқат тўла айтилгани йўқ. Ҳатто у туғилиб-ўсган ҳовлини эътироф этиш имкони бўлмаган. Ўйлайманки, бу улуғ юртдошимизнинг муборак номи энди мустақил юртимизда ҳақиқий қадрини топади.

Бухоро — шариф шаҳар, буюк алломалар, жасур лашкарбошилар ва бошқа кўплаб машҳур шахслар ватани. Унинг фиштарини минг йиллар шамоли ялаган кўчаларида унча-бунча одамнинг оёқ излари қолавермайди. Бироқ аср бошида тонгда учган қадирғочдек эрк осмонига парвоз қилган Файзуллани юртдошлари ифтихор билан эслашади, уни тарих девонлари оша муносиб тарзда давом этиб келаётган олтин занжирнинг XX асрдаги халқаси деб баҳолайдилар. Файзулла Хўжаев хотирасини бугунги кунда ўзида сақлаб келаётган ҳар бир гўшада шу эътироф жаранглаётгандек бўлади.

Мана, унинг боши ерга теккан — киндик қони томган хонадон. Қанча талатўплардан омон қолиб, ҳозиргача қад ростлаб турган ҳовлининг қолдиқлари кўплаб саволларга жавоб бериши мумкин. Чунончи, XVI асргача гулаб турган Мовароуннаҳр маданиятини кейин ўз авжини йўқотди, ҳатто бутунлай таназзулга учради, дегувчилар бор. Қолбуки, XX аср бошларида умр гузаронлик қилган бир бухороликнинг тўрар жойи бу давронинг пучлигини кўрсатиб турибди. Буюк Темурдан бошланган анъаналар ватанимизда ҳеч нарсани писанд қилмай, ҳозиргача изчил давом этган!

Айни пайтда уй-музейга айлантириш мўлжалланган мазкур ҳовлида таъмирлаш ишлари давом этапти. Вилоят ўлкашунослик музейи ходимининг таъкид-

лашича, ҳозир тиклаш ишлари олиб борилаётган ҳудуд 1,8 гектарни ташкил этади. Убайдуллахўжа (Файзуланинг отаси)нинг ҳовлиси уч қисмдан иборат бўлган: карвонсарой, эркаклар ҳовлиси ва хотин-қизлар учун хос ҳовли. Унинг умумий майдони (фақат биноларнинг ўзи) 4 гектар бўлган, афсуски, ҳозир хос ҳовли сақланб қолган, холос.

Қаршимизда иқлим ва миллий анъаналар асосида тикланган муҳташам уй турибди. Унинг қанот тарафларида бир қаватли ва болаҳонали қилиб қурилган аёлларнинг хос хоналари. Уларни аслича сақлашга ҳаракат қилинган, ерда икки юз йил олдин тўқилган гилам, адрас кўрпачалар, сандал, муздон. Рафак ва тоқчаларда буюмлар, чиннivor идишлар терилган. Соат ўрнатилган мўъжаз кўзгуни Венециядан келтиришган дейишади. Бунақаси ўша пайтда амир саройида ҳам бўлмаган экан. Франциядан келтирилган граммофон, столлар ҳам мулозамат билан туришибди. Тўрда аёллар ёзги меҳмонхонаси, унинг олди айвонли, 9 метрлар чамасидаги 4 та устунда кўтарилган. Меҳмонхона 13 болорли бўлиб, баландлиги 8 метр — иссиқ иқлимга мослашган. Эшик яқинида 2,5 метрлар катталиқдаги улкан тош ойна. Бу ердаги буюмлар ҳар бир унсур хонадоннинг тўқ турмушидан, фаровон ва юқори маданиятли ҳаётдан дарак бериб турибди. Ана шу ҳовлида Файзулла Хўжаев таваллуд топган.

Ҳовлининг эркаклар ва меҳмонлар учун муўлжалланган учинчи қисми бутунлай бузилиб кетган. Ер одамларга томорқа қилиб берилган. Ҳозир ҳам бу уйлар турар-жойлар қуршовида. Хонадон соҳиби қатағон қилинган, бу жойга ҳеч ким қадам босмай, ташландиқ маконга айланиб қолган экан. Кейинчалик, мактаб, билим юрти, ўт ўчириш идораси учун фойдаланилиб, яқиндан бошлаб муҳофазага олинибди. Албатта, бу эътибор янада кучайтирилиши, шу ҳудудда музей-қўриқхона ташкил этилиши ва унда ўтган асрлардаги халқимиз турмуш тарзини акс эттириш Бухорога ташриф буюрувчи сайёҳлар учун яхши армуғон бўларди.

Хоналарни кўздан кечириб, ҳовлини айланиб, жуда кўп қўлланадиган халқ мақолларидан бири ёдимда турибди: «Қуш уясида кўрганини қилади». Кейинчалик ўз салоҳияти, истеъдоди билан атрофидагиларни лол

қолдирган, уларнинг таҳсинига, ўрни келганида рашкига сабаб бўлган Файзул а Хўжаев шахсининг камолга етишида у улғайган муҳит етакчи рол ўйнаган. Бу фақат муҳташам уй ёки катта бойлик эмас, балки таркиб топган халқ ҳаёти, теран маънавият ҳамдир. Зеро, бундан бир неча юз йиллар олдин ўтган боболаримиз қаторида бизнинг замонлар билан тутатиб кетган даврда яшаган шахс юбилейини нишонлаш учун махсус қарор қабул қилингани ҳам бежиз эмас. Аслида, бундай муносабат узоқ ўтмишда яратилган маънавий меросга издошликнинг ифодаси, «оққан дарёларнинг абадий оққанлиги» тасдиғи эмасми? Файзулла Хўжаев ушбу ҳақиқат инъикоси сифатида яшаб ўтди. Унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ана шу нуқтаи назардан давом этаверди.

БЕШИККА ОСИЛГАН ҚҲЎНФИРОҚ

Филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов бир асрнинг ярмини яшади. Одам ҳар куни ўз босиб ўтган умрига разм солиб туриши керак, бироқ қарор топган анъанага мувофиқ дастлабки довол бошида сарҳисоб қилиш эртанги улўф режаларга йўл очади, дейишади. Олим ҳам ўзига насиб этган толеъ учун киндик қони томган муқаддас тупроққа таъзим бажо қилиш мақсадида она юртига — Қашқадарёга жўнади.

Бегали Қосимовнинг адабиёт илмига кириб келиш йўли бошқаларникидан фарқ қилмайди. Дорилфунундаги таҳсил бўлажак олим қалбида машаққатли изланишлар ишқини солди ва унинг тугёни билан ХХ аср 20-йиллари ўзбек адабий жараёнини маҳорат билан таҳлил қилиб берди. Унинг илмий ишларида ҳозиргача ғубор ичида қолиб келаётган юзга яқин маданият ва маърифат арбобларининг номи жамоатчиликка маълум қилинди, баъзиларининг фаолиятини чуқур ўрганиб, китоблар яратди.

Дийдорлашув Қарши шаҳридан бошланди. Сўнгра тадбирлар олим таваллуд топган ва улғайган Касби туманида давом этди. Айни кунларда байрамона руҳга арзирли кайфият ҳукмрон эди: меҳнаткашлар барча

соҳалардаги йиллик режаларини уддаладилар. Алишер Навоий номли хўжалик маданият саройидаги учрашувда самимий тилаклар изҳор қилинди, табриклар янгради. Айниқса, юқори синфлар адабиёт дарсларига киритилган махсус дастур ҳаммуаллифлардан бири — юртдошлари экани эълон қилинганда залда ҳаяжонланиш пайдо бўлди. Негаки, мавҳум тушунчаларга ўрганган одамлар «жонли» олимни кўриб турардилар, таржимаи ҳолда тилга олинган баъзи қишлоқлар эса қўл етгудек жойда.

«Қашқадарё» хўжалиги маркази Денов қишлоғи кўчаларида, мактаб синфхоналарида болалик ва ўқувчилик излари қолган.

Талабалар, устозлар, қишлоқ аҳли иштирокида ўтган мулоқотда меҳмонлар — адабиётшунос олим, профессор Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Жуманиёз Жабборов, шоир Икром Отамурод, филология фанлари номзоди Фулом Фафуров, ёзувчи Муҳаммад Очил, тадқиқотчи Шухрат Ризаев ва бошқалар тўй баҳонасида ўз дил истаklarини билдирдилар. Мезбонлар самимий тилаклар учун мамнуният изҳор қилиб, бир камтар, бироқ қалби эзгу умидларга тўла фарзандлари туфайли қозонган эътиборларидан бошлари осмонга етганини, бундай муносабат кўплаб темирқанот истеъдодларни парвозга илҳомлантиришини таъкидладилар.

Сафар давомидаги мулоқотлар ўзгача самимият билан ўтди. Буларнинг ҳаммаси халқимиз адабиёт, санъат арбобларининг ташрифини интизорлик билан кутишини кўрсатди. Қолаверса, ҳозирги шароитда барчанинг фикри-зикри тирикчилик ташвиши билан банд, адабиёт дўкони ҳувиллаб қолган, деган тасаввурлар асоссиз экани маълум бўлиб қолди. Тўй тантаналари Қарши давлат дорулфунинида ўтказилган илмий анжуман билан ниҳоясига етди.

... Олимга кўрсатилган эътибор халқимизнинг илмига, маърифатга ҳурмати ифодасидир. Унда дилларни бир-бирига боғлаган қудрат — Меҳр алоҳида бўртиб турди. Қадрдон юрт қучоғига чорлаган даъват ҳам шу — Меҳр бўлса, ажаб эмас. Зеро, вужудга йўғрилган она алласи билан ҳамоҳанг янграган бешикка осилган

қўнғироқ саси узоқ-узоқлардан қулоққа чалиниб, фар-
зандларни учирма бўлган ошиёнига мангу чорлаб ту-
раверсин.

1992 йил, декабрь

КЎЗИМИЗ ҚУВОНСИН

Инсон табиати қизиқ. Баъзан чўкиб қотган соғинч-
ларингни шамол келтирган бир қатим наво ҳам қон-
диради. Бутун борлигингни қийноқлар эзганда ҳам кип-
ригинг намланмайди-ю, азиз хотираларни ўзида лим-
мо-лим сақлаган жонон пиёла ерга тушиб синса, ўкраб
йиғлайсан. Шундай ҳам бўладики, падари бузрукво-
рингнинг этакларини кўзингга суртсанг, неки чашми
қарофингга, балки бутун жисмингга нур югургандек
бўлади... Бундай ҳисни, билмадим, ошуфталик дейди-
ларми ёки кўнғил ўз кулбасини нимадандир мунаввар
қилиш истагида шунга талпинадими, нима бўлганда
ҳам ҳар дилнинг ўз «бош қўйувчи меҳробини» бўлгани
яхши экан.

Ҳаммамизнинг пири комилимиз, маънавий отамиз
ҳазрат Алишер Навоий ана шундай мислсиз ардоққа
арзирли зот. Ул кишини бошимизга тож қилсак, сий-
моларини кўксимизга тумор қилиб тақиб юрсак, умр-
ларининг ҳар бир сониясига ҳайкал қўйсак — кам.
Алишер Навоий — бизнинг миллий фахримиз, ифти-
хоримиз, жаҳон маданияти олдидаги юзимиздир.
Ҳозирча кўп нарсага имконимиз йўқ экан, лекин бир
орзуга ета оламизми? Ул шуки, иш столларимизда,
шундоқ нигоҳимизнинг ўнгида, пешонамизнинг тўғри-
сида ҳазратнинг мўъжаз бюстлари турса, кўзларимиз
қувонарди.

Баъзан ёлғизлик истаб, қоронғу бурчакка ўзингни
урасан. Нигоҳларинг кезинади, бир теран нуқтада
тўхталигинг келади, юрагингни кўз қарашларинг билан
тўкиб солишни истайсан. Бироқ силлиқ деворларда,
тумшайиб олган телефон қутисида қўним йўқ — улар
ҳиссиз ва совуқ туюлади. Шунда яна жаҳоншумул
истакларинг жўш уради, энг баланд чўққига, энг те-
ран баҳри уммонга интиласан...

Бу ҳикматларнинг бари эса «туркий мамлакатни
яққалам» қилган, «қўшин тортмай Хитойдан то Хуро-

сонгача» забт этган улуғ Алишер Навоийда жамул жам. Ҳар сафар бежирим салла ўраган, қисик кўз, нузли юз, чиройли соқол рухсорига ярашган сиймога кўзим тушса, бағрим бир орзиқади, ўз отамни, минг йиллар силсиласида умр гузаронлик қилиб ўтган аж-додларимни кўргандек бўламан.

Улуғ ҳазратимизга атаб Тошкент бадий буюмлар фабрикаси ёки бошқа корхона Алишер Навоийнинг турли катталиқдаги бюстини чиқарса, айти муддао бўларди. Ёки жумҳурият Маданият вазирлиги бу юмушни ўз зиммасига олиб, бошқа бирор турдош корхона кўмагида масалани ҳал қилишга киришилса, мухлис-ларнинг савобини оларди. Ахир магазинларимизда кўплаб хорижий арбобларнинг бюслари қалашиб ётибди-ку!

1990 йил, декабр

СЎЗЛАРДА НЕ ГУНОҲ?

Бир кун ҳамфикр ўртоғимга «Босмачи» сўзини ўзимга тахаллус қилиб олмоқчиман, дедим. Негаки, бизнинг касбимиз — журналистлик бир чети босма-хона ишлари билан боғлиқ-ку! Файритабий нарса-ларга тобора кўникаётган суҳбатдошим барибир га-пимга бепарво қолмади. Мийиғида кулди-да, «Икки марта кўмилган Сталин иккинчи марта туғилмаслигига ишончинг комилми?» деб қўйди ўйчан.

Бошқа бир сабаб билан ҳамиятим яна уйфонди. Касбдошимнинг қўлёмасини ўқиб ўтириб «гуруҳбо-ши» деган янги сўзга кўзим тушди — у «бригадир»-нинг ўрнида қўлланилган эди. Мулоҳаза қилдим. Нега «гуруҳбоши». Аввало сўзда бир оз салбий бўёқ бор («гуруҳбозлик»ка муқояса қилинса). Кейин эса ўзак барибир туркий эмас — «гуруҳ» — арабча сўз. Сино-нимларини ўйлаб, хаёлимда сўзлар ясаб кўрдим — «тўдабоши», эшитилиши яхши эмас. Яна-чи? Шунда хўрланган, айти гўзал тилимизга хос бир сўз муз парчасини ёриб нигоҳ қилди: «қўрбоши»! Бригадирни нега қўрбоши дейиш мумкин эмас? Сабаби — аниқ.

Янгича тафаккур тарзи билан баҳоланса, ҳали анча нарсанинг ўрни қайтадан тайинланиши керак. Тари-

химиз (айниқса, 20-30-йиллар) қайта ёзилмоғи, ҳақиқат бор бўйи билан юз кўрсатмоғи — ноҳақ жабрланганлардан жамият узр сўрамоғи шарт. Бу-ку тайин гап, бироқ тилимиздаги баъзи сўзларда нима гуноҳ? Олайлик, ношир, печатник сўзларини айнан босмачи деб, бригадирни кўрбоши тарзида ўтиришимизга нима монельлик қилади? Албатта, ҳали ҳам бизни тарк этмаган кўрқув шарпаси кезиб юрибди.

Агар гап умуман, «босмачилик» (тарихдаги шартли атама, аниқроғи—«басмачство») ҳақида кетаётган бўлса, бу халқимиз ўтмишига зугум ўтказишдан бошқа нарса эмас. Аввало, ҳозиргача ваҳший, қонхўр, ёвуз каби қора бўёқлар чаплаб келинаётган бу ҳаракат қатнашчилари босмачи бўлиб бошқа бировнинг юртига бостириб бормагани ҳар қандай эсли, ҳушли одамга аён. Уларнинг энг катта «гуноҳи» эса исломни, мусулмончилиқни ҳимоя қилганидир. Қолаверса, ҳозиргача тавқи лаънатдан қутула олмаётган бечоралар алданган авлод назарида миллий қаҳрамон даражасига кўтарилган, номларига шаҳарлар қўйилган, ҳайкаллар тикланган, романлар, кинофилмлар бағишланган Фрунзе, Куйбешев, Чапаев бошлиқ тўдалардан раҳмироқ, инсофлироқ, инсонийроқ бўлганлар (бу ҳақдаги гап бир эмас, минглаб мақолага ҳам сиғмайди).

«Босмачи», «кўрбоши» каби сўзларнинг фарёдини эшитдим, улар мени безовта қилмоқда.

1991 йил, март

ШУ ТУПРОҚНИ МЕҲРОБ ДЕГАНЛАР

Ҳали поезд шоҳбекатга таңда қўймади. Ўн-ўн беш йиллик умргузаронлигимнинг содиқ гувоҳи — «Китоб — Тошкент» орасида қатновчи қатораларни кутиб, дилгир кезинаман. Одатда, шоҳбекат (вокзал) ва қўналға (аэропорт)ларни шаҳар дарвозалари дейишадди, улар кутиб олади, кузатиб қолади.

Қарши дарвозаси гўзал ва нафис масканга айланибди — таъмир қилинган вокзал биносини ҳеч иккиланмай энг замонавий меъморчилик асарларидан бири дейиш мумкин. Агар уни эскиси билан қиёсла-

сак, тўкилиб қолган қўқон арава ўрнида яп-янги «Мерседес» пайдо бўлгандек — сирти қизил фиштар билан безанган иморат мағрурлик туғини самога ўқталиб турганга ўхшайди. Заллар энг замонавий қурилиш ашёлари билан музайян қилинган, оппоқ мрамр ётқизилиб, ороланган. Шу хилдаги нафосат тажассумиданми, одамлар ҳам сипороқ, хушмуомалалироқ туюладилар. Баҳорнинг ҳарир еллари кошнлар узра сирпаланади, жўнаб кетувчиларнинг бошларини силайди. Қарши чарос кўзлари билан меҳмонларни кузатиб қўймоқда.

Икки қаватдаги барча хоналарни иштиёқ билан айланиб чиқдим, зина тутқичларини қўлим билан қайта-қайта ушлаб кўрдим, ички бир шодумонлик билан баланд темирйўл кўпригига чиқиб, тун қўйнига сингиб бораётган шаҳарни кузатдим. Қайтиб, хилват йўлакчадан ўтар эканман, бетимсол мўъжизага қайта дуч келгандек беихтиёр тўхтаб қолдим. Қаршимда болаликдан таниш, мурғак зеҳнимга илоҳий бир тарзда муҳрланиб қолган манзара намоён бўлди. Оппоқ саллали серсоқол отахон жойнамозга мук тушганча ибодат қиларди...

Зинапоялар орқали юқорига кўтарилаётиб, холи жойда бир онахоннинг ҳам намоз ўқиб турганига кўзим тушди. Кенг залнинг бурчагида яна... Ибодат қилаётганлар ҳеч кимга халақит беришмаётган, аксинча, уларга назар солган ҳар бир муслим қалбида ёруғлик пайдо бўлаётган, ҳамият уйғонаётган эди. Оппоқ чойшаб устида тиз чўкиб, Яратган билан тиллашаётган хокисор одамларни кўриб дилим равшанлашди, кўнглим ўсди. Уларнинг ҳаммамиз учун адо этаётган холис хизматларига ичдан тасаннолар айтдим. Пичирлаб ўқилаётган дуоларда, аввало, Аллоҳнинг яғоналигига тасдиқ, унинг барча ишга қодир эканлигига ишонч, сўнгра эса одамларга инсоф, диёнат, имон истаги ва барча хайрли ишларда Эгамнинг кўмагига умид ифодаланган. Саждага бош қўйилиб, манглай жойнамозга теккизилар экан, бу ҳол яна муқаддас тупроқни ўпиш, унинг гардини кўзга тўтиё қилишга ҳам ўхшаб кетади. Одатда, оналар гўдақларини чўмилтириб бўлишгач, покланган вужудга тоза чойшаб ёпиб, эзгу тилаклар ила бошидан ўпадилар. Намозга турган зоти олий ҳам она заминни пок сақлаётганига Аллоҳ олдида имон келти-

риб, унга чойшаб ташлаб ўпади гўё. Бу илоҳий удумни ўзимча шундай талқин қилдим.

Биз, ботқоқдан чиқаётганлар, тунов кунги издиҳомларни унута олмаймиз. Жойнамозлар қатарон қилинганидан ташқари, муқаддас заминимиз топталди, наҳалли пошналар остида эзилди. Ўз ва ўзга нобакорлар ўшқириб ерни тепдилар. Ҳатто қусуқлари билан зилолий покликка наҳс юқтирдилар. Булар ҳам етмагандек, тонналаб заҳар-заққум аралаштириб, тупроғимизни гиёванд этдилар.

Заминни ўпиб, ибодат қилувчи ва имон келтирувчи аждодларимиз руҳи (тариқати) қайтгани рост бўлсин!

... Мутаассир бўлиб, узоқ ўтириб қолдим ва ўзимга келгач, шоҳбекат маъмуриятини қидирдим. Дам олиш кунини бўлгани учун йўқ эканлар. Топсам, улардан ана шу муҳташам иморатнинг бир чеккасида Аллоҳни таниган ҳоқисор одамларга бир хона ажратиб беришларини илтимос қилмоқчи эдим. Балки «депутатлар зали»нинг ихтиёрини уларга топшириш керақдир.

Гапнинг индаллоси эса шоҳбекату қўналғаларда, бозорларда ва бошқа жамоа жойларида таҳоратхоналар, намозгоҳлар бўлиши лозим. Буни неча ўн йиллардан бери инграб ётган, энди уйғонган идрокимиз тавсия қилмоқда, художўй одамларнинг тобора ошиб бораётган нуфузи талаб этмоқда. Зора, шунда аҳвол ўнганса, бадбинлик ўрнини эзгулик, ёмонлик ўрнини яхшилик, ўғрилик ўрнини тўғрилик эгалласа.

Она ерни меҳроб билиб, унга бош қўйганлар, Аллоҳ билан мулоқотда бўлаётганлар ҳар қанча эъзозга арзийдилар.

1991 йил, май

ИСТИҒФОР

Уйғониш тонги

(Муқаддима ўрнида)

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ишлаб ўтирган эдим. Бир киши сим қоқиб сўраётганини айтишди. Улаб қўйишларини илтимос қилдим. Янги таниш рўза тўғрисида бир нарса ёзганини, у

матбуотда қисман нашр қилинганини, ўқувчилар турли фикрлар айтганларини ва менинг ҳам фикримни билмоқчи эканини айтди. Бир неча бор сим орқали мулоқотдан кейин юзма-юз учрашдик.

Муҳтарам Ҳаким Сатторий бизда кўпчилик эски мафкурага ўрганиб қолганидан ибодатга бемалол киришиб кета олмаётган шахслар ҳам борлигини, рўза ҳақида ўзи ёзган асар ўша тўсиқни йўқ қилишга хизмат қилармикан, деган умидда эканлигини айтди. Бу гап эътиборимни тортди. Бировнинг ёзганини кўриб беришга рабатим ва имконим йўқлигига ҳам, чет эл сафарига шайланиб тургаримга ҳам қарамасдан қоғозларни олиб қолдим.

Дастлабки саҳифани ўқиш билан қизиқиш ортиб, борини ўқиб чиқдим ва сафар давомида ҳам «Истиффор» ҳақида гапириб юрдим. Бу асардаги гаплар мулланинг одатдаги ваъзи ҳам, илмий битиги ҳам эмас, балки рўза ибодатини ўз бошида яшаган кишининг дил сўзлари эди. Рўза тутган кишининг, бу ажойиб ибодатни яшаб, атрофлича ҳузур қилган шахснинг ўз ўқувчилари билан ибодат ҳузурини баҳам кўриши эди.

Имон ҳаловати ва ибодат ҳузурининг ўзига хос, мисли йўқ нашъаси бор. Худди ўша ҳолат муҳтарам Ҳаким Сатторийнинг кўзига рўза тутганларни малак каби, тутмаганларни бошқача қилиб кўрсатган. У кечагина бепарволик билан назар солган нарсаларга бугун бошқача кўз билан қарайди. Қариб қуйилмаган касбдошининг беодоблигини кўрганда ғаши келади. Ўғли билан уйига келган йигитнинг бир неча йилдан буён рўза тутаётгани унга ҳурмат билан қарашига сабаб бўлади.

Ёзувчи ўзи ўқиб юрган исломий китоблардаги тегран маъноларни ҳам рўза туфайли янада чуқур англаб етади ва ўзидан ҳам ажойиб фикрларни қўшади. Асар ўқувчини рўза ибодатининг аввалги кунидан ром қилиб, рамазон ҳайитини байрам қилиш билан ниҳоясига етади.

«Истиффор» ўзига хос янги тажриба бўлганида шубҳа йўқ. У ҳақида баъзи фикрларимизни эшитган кишилар ўқишга иштиёқ билдирганлари ҳам шунга далолат. Муҳтарам Ҳаким Сатторий жанобларини бу асар

билан қутлаш баробарида, тажрибани давом эттириб, намоз ҳақида шунга ўхшаш асар битишларидан умидвор бўлиб, дуолар қилиб қоламиз.

Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ
2003 йил, ноябр.

* * *

Мустақиллик туфайли чинакам инсоний қадриятларга қайтишимиз ҳар биримиздан дунёни янгича идрок этишни талаб қилмоқда. Айниқса, руҳонийликни рад этиб, дунёни моддийлик асосида тушунтириб келган таълимот йўлида дунёқараши шаклланган, даҳрийлик руҳида тарбияланган авлод учун бу ҳол табиий зарурат бўлиб қолаётир. Зеро, биз ҳаммамиз умумий илдишларимизни тўғри англаб етмас, минг йиллар синовидан ўтган қадриятларимизга амал қилмас эканмиз, нафақат мафкуравий, балки миллий яхлитлигимиз ҳам таъминланмайди. Инчунин, муқаддас эътиқодимиз ҳисобланмиш ислом дини, унинг рукнларига муносабатда ҳам ягона мезон қарор топмоғи лозим.

Ўтган ўн икки йил давомида бу борада кўп ишлар қилинди. Қатъий саъй-ҳаракатлар туфайли тўла эркинлик таъминланди. Ватандошларимиз динимиз талабларини хотиржам адо этаяптилар. Бироқ шаклланган, кўникамага айланган одатдан воз кечиб, мазмунан янги ақидага бўйин эгиш осон эмас экан. Яратилган эркинлик муҳитини суиистеъмол қилиб, турли оғишишларга йўл қўйган юртдошларимиз фожиасига ҳаммамиз гувоҳмиз. Демак, мақсад фақат эски коммунистик мафкурадан қутулишгина эмас, балки унинг ўрнига янги, шу билан бирга тўғри, мўътадил йўлни топишдир. Бу эса қийин эмас — ота-боболаримиз амал қилган тартиб ва қонунларга бўйсуниб, қолаверса, исломий одобни қалбан, адашмай қабул қилиш ана шу йўлни кўрсатиб беради.

Қуйида эълон қилинаётган битикларни жамоатчиликка ҳаётиятдан олдин анча мулоҳаза қилдик: шахсий кечинмаларни ҳамма билан баҳам кўриш шартми, деган андишамиз бор эди.

Ёзувлар билан танишиб чиққан диний-дунёвий саводи бисёр ҳамкасблар бизни шу ишга рағбатланти-

ришди. Негаки, муаллиф кечирган ҳолат кўпчиликка хос бўлиши, бу ёзувлар аросатда турган баъзи кишиларга қўл келиши мумкин. Боз устига мўъжизалардан четда турган бир инсон қалбига исломий ҳароратнинг кириб бориши жараёнини кузатиш ҳам кўнгилда чўкиб ётган маънавият гавҳарларининг юзага чиқишида туртки бўлғусидир.

Андиша ва тавозеъларимизни самимият билан қабул қилгайсиз.

«Хуррият» газетаси, 2003 йил, 13 август.

* * *

Мусулмон олами яна муборак Рамазон ойи шарофатидан музайян бўлди. Миллионлаб хонадонлар эрта тонгда уйғониб, рўза амалларига киришмоқдалар, шомда эса ифторлик қилиб, афв қилувчи Зотдан аввалги ва кейинги гуноҳларини мағфират қилишини сўрамоқдалар. Миллиардлаб аҳли мусулмон эса мачитларда тарових намозини адо этиш билан бирга хатми Қуръон билан машғул бўлмоқдалар. Қуръони карим нозил бўлган ой ана шундай маърифат зиёсидан нурафшон ҳолда кечмоқда ер юзида.

Тарихида, табиатида, руҳиятида исломий маданият ажралмас бўлиб қойим топган юртдошларимиз ҳам ибодат қилувчилар сафидадир. Ўлкамизда айни дамлардаги манзаралар дилларни қувонтиради, бундай рўшнолик эса мустақиллигимиз мевасидир.

Табиийки, диний амалларни бажариш ҳаётнинг бутун борлиғи эмас, тирикчилик, яшаш тушунчалари анча кенг бўлиб, диндорлик унинг муҳим, лекини гўзал ва маърифатли бир қисмидир, холос. Зеро, Аллоҳ томонидан Одам Атонинг яратилишидан мурод — дунёни борлигича асраб қолиш, унга зеб бериш олий мақсад экан, дин шу йўлда бир воситадир. Инсон ҳамма фаолиятдан воз кечиш, фақат тоат-ибодат қилиш учун яралмаган, балки ўз имкониятларини тўлароқ намоён қилиш учун, Аллоҳни таниш, Унга суяниш учун динга киришга амр қилинган. Шунинг учун бу йўлдаги зўрма-зўраки тарғиботлар, ўз орифлигини писанда қилиб, бошқаларга тазйиқ ўтказишлар фойда эмас, зарар келтиради. Бинобарин, Қуръони каримда қайта-қайта так-

рорланганидек, Аллох Ўзи истаган бандаларинигина ҳидоят йўлига бошлайди. Шунингдек, тоат-ибодатда меъёрни сақлаш ҳақида кўп эслатилган, энг яхши-си — ўртача йўл тутиш эканлиги қайта-қайта таъкидланган. Муқаддас китобимизда ҳам ғулув қилганлар — чуқур кетиб, чалкашганлар қаттиқ танқид қилинганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳам ҳадисларида бундай ҳолатларга аниқ баҳо берганлар. Жумладан, ул зоти шариф муборак каломларида таъкидлаб шундай дейдилар: «564. Динда ўртача йўл тутинглар, ўртача йўл тутинглар, ўртача йўл тутинглар, чунки дин амалларида ким оғирлаштириб юборса, уни амал енгиб қўяди» («Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар». «Камалак», 1991 й.) Яна бир ҳадисларида бу ҳолнинг оқибатини аниқ эслатиб қўйганлар: «307. Динга чуқур кетманглар, чунки сиздан олдинги қавмлар динга чуқур кетганлари туфайли ҳалокатга учради» (Юқоридаги китоб).

Хуллас, энг сўнгги улуғ диннинг жозибаси сеҳрли ва сирли. Уни ҳар бир қалб ўзича инкишоф этади. Қуръони карим ва Ҳадиси шариф талаблари эса сақловчи даъватлардир.

Муборак Рамазон ойида қадрдон газетамиз саҳифаларида яна бир нарсага жазм этдик. «Hurriyat»нинг шу йил 13 август сониде муаллифнинг қайдлари қисқартирилган ва ихчамлаштирилган ҳолда эълон қилинган эди. (Бадеъа «Ҳидоят» журналида давомли эълон қилинмоқда). Шу тахлит ундан яна парчалар чоп этмоқдамиз. Албатта, бу битиклар публицистиканинг диний мавзудаги бир маҳсулоти (бундан бошқа нарса эмас)

«Хуррият» газетаси, 2003 йил, 12 ноябр.

* * *

Бир куни журналист Ҳаким Сатторий шундай деб қолди: «Ўтган йили илк дафъа рўза тутдим. Кечинмаларимни кунма-кун, борича қоғозга туширдим. Шуни бир ўқиб кўрсангиз». Рози бўлдим. Ўқий бошладим. Бошида сал зерикдим. Тушунмадим. Рамазон — муборак ой, рўза — улуғ ибодат, кечинмалар эса унга номуносибдек туюлди. Ҳатто бир жойида: «Уйга кир-

сам, ароқ ичгим келаверади» дебди! Бу нима майна-возчилик?!

Сўнгра аста-секин бу кечинмалардаги самимиятни сезиб қолдим. Энди бошқача кўз билан ўқишда давом этдим ва муаллифнинг «Истиффор»и менга ёқиб қолди.

Тасаввур қилинг: кечаги бутунлай бошқача одам дўстининг бир оғиз гапи туфайли (аслида, Аллоҳнинг инояти ила) фитратининг тақозоси бўлмиш ибодатга киришди. Эндигина ибодатга киришди ва ўзини тафтиш қила бошлади. Мана шу ҳолат муҳим, мана шу жараён ибратлидир. У ёқдан бу ёққа ўтиш, унинг устига кескин сакраб ўтиш ҳазилакам иш эмас. Ҳали қанчадан-қанча одам у ёқда юрибди, бу ёққа ўтишга журъати етмаяпти. Бўлар экан-ку, деган биргина далдага муҳтож. «Истиффор» шу жиҳатдан фойдали кўринди.

Кейинги суҳбатларимиздан бирида муаллиф ҳам: «Аслида кундалик дафтар — маҳрам, кечинмаларни кўз-кўзлаш ҳам шарт эмас, аммо ҳали менга ўхшаб аросатда юрганлар ёки иккиланаётганлар қанча, ўшаларга нафи тегармикан деб ўйладим», деди. Хуллас, муаллифнинг нияти билан фикримиз бир ердан чиқиб, шафқатсизларча самимий ёзилган ушбу кундаликни сиз азиз ўқувчиларимизга ҳам илиндик.

Албатта, муаллифнинг ҳамма мулоҳазалари ҳам ўринли эмас, тўғри эмас. Бироқ ўзгараётган одамнинг ўзгараётган дунёқарашларини, ана шу ўзгариш жараёнининг ўзини кузатиш, илғаш кўпларга фойдали бўлар, деб ўйладик. Сиз, азиз ўқувчиларнинг ҳам мулоҳазаларингизни мамнуният билан қабул қиламиз. Аллоҳ ҳаммамизни ҳидоятга бошласин.

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН
«Ҳидоят» журнали, 2003 йил, №-8

(Р ў з а д а ф т а р и)

Изоҳ

Дўстимнинг бу сафарги ташрифи оғатдагидан бошқачароқ кечди, ҳатто уни бир умр энг яхши хотираларим қаторида эслайдиган бўлдим. Рамазон ойи бошланишидан бир кун олдин кечга яқин кириб келар экан,

«Мен бир ой хилватга бўламан — рўза тутаман. Шундан олдин сизни кўриб кетай деб бирров кирдим», — деди. Унинг бу ташрифидан заррача ғайритабиийлик сезмадим, чунки ҳозир кўпчилик рўза тутади ва кутлуғ кун арафасида танишлар бир-бирларини йўқлайдилар. Назаримда, рўза тутадиганлар мендан пешқадамроқ туюлар, ўзимда бу амални бажара олишимга ишонч йўқ эди. Суҳбатимиз асосида дўстим уч йилдан буён рўза тутаётганини, бундан руҳи ва жисми ажиб фароғат олаётганини қайта-қайта такрорлади. Унинг ҳикоялари қизиқ эди ва мендаги қизиқишни сезиб, «Сиз ҳам лоақал бир кун рўза тутиб кўринг, бошқача бўлади», — деди. Азбаройи унга садоқатим кучлилигини исботлаш учун бу таклифга рози бўлдим. Оқшом, ётишдан олдин саҳарликка туришни ният қилиб қўйдим. Бу ёғи бир гап бўлар — эзгуликнинг кечи йўқ-ку!

1-кун

Негадир ёзиш иштиёқи пайдо бўлди ва ифторликдан сўнг қуйидагиларни шунчаки қайд этиб қўйдим:

«Бошим қизиган эди.

Уйқум ўчиб кетди, тўлғониб кўп ётдим, уйқум келмади.

Туришим керак-ку!

Соат 3-15.

Ювиндим, чой қўйдим. Дўстим билан тановул қилган қозон кабобнинг қолгани — саҳарлик. Шакарли чой. Мутолаа.

Яхши-ю, умуман, ухломмадим.

Мўъжиза аломати. Руҳиятимда уйғоқлик бошланди, ҳаракатимда тартиб, чегара...»

Эрталаб дўстимга телефон, гудок кетмайди. Мен хавотирда эдим, энди узаман десам, ишлаб, чақириб қолди.

Оқшом — 6 дан сўнг телефон қилдилар.

Энг гўзал, латиф сўзлар. Мен биринчи кун яхши ўтганини, уч кун ўзимни синаб кўрмоқчи бўлганимни айтдим.

2-кун

Соатни 4 га тўғрилаб қўйдим.

Уйғониб кетдим, анча ётдим, соат жиринглашини кутдим, жирингламади. Турдим. Соат 3-45 экан.

Ювиниб чой қўйдим. Жуда енгилман. Овқат жуда ширин туюлди, кўпдан бери бундай мазани туймаган эдим.

Борлиқ сукунатда, салобатли. Фикр чақмоқдек ишлар экан.

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Имон» китобини ўқидим. Ёзишга иштиёқ кучли. (4-30).

Овқатдан сўнг оғзимни тиш элексири билан чайдим. У арокдан бўшаган ясси идишда эди. Кўнглимдан кечди — «нопок идишдан ичдим». Китобда ҳарфлар чалкашиб, хато ўқий бошладим. Оғзимдан хушбўй суюқликни ташладим, хато ўқиш йўқолди.

10-00 — Тунги мутолаада бир жумла ўқигандим, унинг охири (тахминан)... «ҳамжихатлик (?) ва ватанпарварликка даъватдир» тарзида эди ва бу вазифа тўртта кўрсатилган эди. Такрор ўқиб чиқиб, бу жумлани тополмадим. Тушда кўрдимми?

Топдим. Аср (103) сураси, 3 оятдан иборат, унга берилган шарҳда шундай дейилган:

«4 хислатдан маҳрумлик — имон, солиҳ амал, ҳақиқатпарвар ва сабрли бўлиш — инсон умрини зинкорлик ва бахтсизликда ўтганидир».

Самарали вақт ҳисоби кўпаяр экан.

Сутка иккига бўлинган эди — кеча ва кундуз, энди учга бўлинди. Худди атом дастлаб электронга, электрон нейтрон ва протонга бўлингани каби.

16-00. Саша овқатланишга кетаётганини айтиб, шаъма қилади.

Метрода тартибсиз болаларни беихтиёр сўкиб юбораман.

Демак, баъзилар менинг ибодатимга халақит берар экан.

Рўза — юган, жилов.

Ишхонада нималар бўлаяпти? Сентябрь ойи учун қалам ҳақини бу маошдан қайтариб қолишибди, бу ойлик қалам ҳақини ёзишмабди.

Зап жойга тушган эканманми?

Ҳамроҳим — телевизор. Кимдир телефон қилиб Нодирани сўрайди, дугонаси эмиш.

22-00 да уйқуга ётдим.

Уйқу олдиған қайғлар:

Ибодатнинг муҳити керак экан.

Эрталаб олий бир кайфиятда кўчага чиққан эдим, одамлар дунёсига қўшилиб борган сари кайфиятимнинг оҳори тўкила бошлади, охирида дарвазаб бўлиб қолдим.

Одамлар юзимга тикилади, рангим оқариб кетганмикан?

Овқат тайёрлашда томатни ялаб олибман, Яна тузини кўраман деб макаронни еб қўйибман.

Яхши рўза — яхши оила!

Менга рўзадорлик ҳады этган инсоф фаришгасининг турмуш ўртоғим Робияхон оилавий ташвишлар билан Қашқадарёда, фарзандлар хизматда ва отамаконда бўлишганида ташриф буюрганини қаранг.

3-кун

Уйқум ўчиб турганимда 3-15 экан. Қайтиб ётдим.

4-да соат жиринглади. Ҳафсала билан турдим. Ювиндим. Чой қўйдим, овқатни иситдим. «Имон» китобини мутолаа қилдим.

Худди шу дамлар сутканинг энг сулув пайти бўлса керак.

Одамда ажиб ҳолатлар воқе бўлар экан.

Кўпинча худди шу пайтда касалларнинг жони узилади, чақалоқлар туғилади, дейишади.

Деразаларни очиб юбордим.

Бу гал тановулимда ортиқ мўъжиза сезмадим, балки қозоннинг тагини ялаганим учунми?

Вужудим, руҳиятим шундай режимга мослашиб олди.

9-35. Саҳарликдан кейин ухладим. Туш — тиниқ сув босган ҳамма ерни, тошлар кўриниб турибди. Ўтиш қийин, пойабзалимнинг қўнжидан сув кирмасин, деб авайлайман: «Бунча сувни ким қуйган, ахир ҳамма жойни ювиб кетади-ку?».

Соқол тарашлаётганимда қўнғироқ, жилдираган таниш овоз, ҳеч ким гапирмайди. Кеча 2 марта тасодифий қўнғироқ. Кимдир...

14-30. Автобус тирбанд. Сўкинмасликнинг иложи йўқ. Бекатда 2 қошиқ нишолдани 200 сўм, деб ўтирибди, бу туришда ҳали-вери арзончилик бўлмайди.

Кун телефонда дўстим билан самимий суҳбатдан бошланган эди, ранг-баранг, мазмунли ўтди.

Шаҳар айландим, қадрдон жойлардан ўтдим.

Йўлда: — Қуёшим асло ботмасин...

(овоз) — Ўзбекистоннинг қуёши ҳам.

Шеър:

Бағишлов — *(Сарлавҳа)*

Жоним, ... *(Қофия, рағиф)*

4-кун

4-00. Чой қайнаяпти, овқат исияпти.

Тондаги саҳарликлар эсимга тушди.

Онам эртароқ туриб, ўчоқ кавлаб овқат тайёрлардилар, кейин — отам...

Фитратимда пайдо бўлган уйғониш кайфияти билан кечинмаларни тавсифлашга уринаман:

1) Ислом маънавияти шунчалик гўзал, оҳанраболи эканки, агар фақат у билан машғул бўлинса, (фанат) жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас экан. Фақат кенг масштабда, долғали ижтимоий фикрлар тўхтамида, силсиласида қаралса, ... у теран кўлам касб этиб, яратувчи кучга айланар экан.

2) Ибодатга, исломга муҳаббатга шахсий манфаат нуқтаи назаридан таъма билан қарамаслик керак экан: бутун ибодатни бошладим — эртага омадим юришиб кетади, қабилида. Бундай одамлар тажанг, бадбин, худпараст, ҳатто зolim бўлиб қолиши мумкин. Ислом — қалб эҳтиёжи.

Инсон нақадар нодон муҳитда кун кечиршини тушуниб бораяпман.

Дўстим билан кеча эрталабки суҳбатда Рамазон ойини алоҳида тайёргарлик билан, қўйларни сўйиб, мевачеваларни ғамлаб, байрамдек кутиб олиш керак экан, дегандим. Каминани бу амал фақат маиший томондан чарчатиб, тўхташга мажбур қилиши мумкин.

(Айтмоқчи бўлган фикрларим доимо қалам тутгач, моҳиятдан йироқлашиб, баландпарвоз услубда қоғозга тушади. Ерга тушиб олмоқ!).

Чой қайнади, соат 4-15.

5-30. «Қуръон»да ҳамма саволларга жавоб бор. «Ҳаж» сурасининг 15-20 оятлари худди мен юқорида қайд этган биринчи, иккинчи фикрлар исботига ўхшайди.

Бундай мутаносибликдан, фикримнинг давомини «Қуръон»дан топганимдан хурсанд бўлиб кетдим.

Томоғим очилсин деб, «Қуръон» мазмунини овоз чиқариб ўқидим, талаффузим бурролашиб, овозим ти-ниқлашди.

10-15. Шайтон қутқуси — ошхонага кирсам, чой ичгим, ётоққа кирсам қурт егим, уйга кирсам, ароқ ичгим келаверади. Олдин бундай бўлмасди.

Инсон кечираётган туйғунинг ҳеч қайсиси беқадр, ўткинчи бўлмас экан. Яхшиниям, ёмонниям, аччиқни-ям, ширинниям ўз ўрнида қабул қилиш, эъозлаш, ҳурматлаш керак экан. («Бу — менинг ҳаётим» (*Мавлуда Насриддинова*) деган эътирофнинг мазмунини англаётгандек бўлаяпман).

Ҳозиргина яшил муқовали дафтардаги йўл-йўла-кай қайдларни ўқиб чиқдим.

Улар талабалиқда, сўнгра Қаршида қайд этилган. Ҳаммасида қалб ҳарорати бор: бири тугалланмаган шеър, бири аччиқ эътироф, бири — изтироб.

Улар, дейман, газеталарда берилётган (баъзан са-ҳифалаб) сўник, чўғсиз ҳиссиётлардан, шарҳлардан қимматли-да! Уларни ҳам жамлаб, тўплам қилса бўлар экан.

Хира таъсиротларнинг ойдинлашуви зеҳнимнинг очилаётгани аломати.

10-55. Одамлар, аксарият, овқат ейиш учун бир-бирлари билан учрашар эканлар. Шу учрашувларда, албатта, зерикмаслик учун ичимлик таклиф қилинади ва турли номаъқулчиликлар бошланади. Эҳтимол, Одам Ато ва Момо Ҳаво шунинг учун (яъни тақиқланган нарсани тановул қилишгани ва нафсга берилгани учун) жаннатдан қувилганлар. Қуръонда одам тўғрисида но-шукр, бесабр, шаккок сингари таърифлар кўп. Демак, нафс туфайли одам бадном бўлди.

Бугун дам олиш куни. Эрмак кам, телевизор кўра-япман. Беихтиёр нимадир ейишга, овқат тановул қилишга хоҳиш кучайиб бораяпти. Демак, лаънатлаш-га лойиқ иккинчи ҳолат — бекорчилик.

13-05. Ҳар сафар бозорга чиққанимда нимадир фаромуш бўларди. Бу сафар ҳеч нарса, ҳатто эртан-ги (ё насиб) саҳарлик учун ҳолва олиш ҳам эсимдан чиқмади. Очлик одамнинг зеҳнини ўткир қилиб кўяр экан.

(Очлик — азоб — қийноқ сифатида қайсидир да-

ражада ўлимнинг ўхшашига тўғри келади. Яшашга интилиш, ўлимга қарши курашиш — уни ортга суриш, енгилга интилиш одамзот табиатида бор. Очлик, унинг ҳомийси — Рўза инсонга тирикликни қадрлаш, унинг бардавомлигини таъминлаш учун курашиш фазилати — сифатини ҳам кўзғотар экан).

Кунлар бўйига узайди — чўзилди, ҳар бир сониянинг ўтиши салмоқли кечаяпти.

Кунлар энига узайди — мазмуни чуқурлашди. Нимадир ўқиш, нимадир ёзиш, ўйлаш, кўриш мумкин ва булар вақт мазмунини теранлаштирди.

16-00. Лев Толстойнинг «Сергей ота» деган қиссаси бор. Энг яхши курсант Степан Касацкий тақдир зарбасига учраб, зоҳидликни танлайди, бироқ 54 ёшида барибир шахвоний ҳирсининг қурбони бўлади.

Бу кўринмас кучни (у, ҳақиқатан, тирик жонга куч бағишлайди) жиловлайдиган восита борми?

Менимча, одам ўз эътиқодидан ҳимоя сифатида фойдаланмаслиги керак. У — қалб гавҳари. Эътиқод ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам баравар керак бўлади, ас-котади.

5-кун

5-00. Жами эзгу амаллар бир нарсага — Аллоҳнинг борлиги, ягоналиги ва қиёмат кунда қайта тирилишга суянади. Ташқи томондан қараганда бирданига имон келтириш мумкин бўлган бу тушунчаларни кўплар қабул қила олмас экан. Хусусан, (охиридан бошласак) қиёмат кун бўлишига кўплар ишонмайди. Бу — дунё азалийдир ва шундай тураверади, дейиш — материалистларнинг фикри. Бироқ ҳамма нарса жуфт яратилганидек, ибтидонинг интиҳоси бор — дунё яратилибдими, бир кун вайрон бўлади.

Дастлаб модда эмас, фикр (руҳ) пайдо бўлгани рост. Дейлик, уста олдин кетмонни ясаб, сўнгра у ҳақда ўйламайди-ку? Кетмон ерга ишлов бериш жараёнида шундай шаклдаги асбоб кераклиги заруратидан пайдо бўлган — уста уни дастлаб тасаввур қилган, кейин ясаган.

Ўқувчилигимда, «материя — бирламчи, онг — иккиламчи» деган сафсатани қабул қила олмасдим,

кўпинча уни материя биринчи синфда, онг иккинчи синфда ўқийди, тарзидаги таққос билан тушунар-дим.

Дунё ҳақида қанча тасаввурларимиз кенгайиб, билимларимиз чуқурлашиб кетаверса, Аллоҳга шунча яқинлашиб бораверар эканмиз. Чунки билимларнинг хулосаси дунёни — жами мўъжизалар манбаини яратган қандайдир илоҳий куч борлигини тасдиқлайверади.

Эътиқодни Аллоҳга қаратиш — одамни кучли қилади, чалғитмайди, жасорат бағишлайди, дунёни яна бир бунёдкор куч билан бойитади.

(«Имон» китоби мутолаасидан сўнг)

Хуллас, инсон материя сифатида «Бир қоп тўшт» (бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ибораси), фақат у руҳ билан тирикдир... . Демак, тириклик оламида руҳий бойликларгина абадийдир, қимматлидир, етакчидир. Демак, руҳониятга эътибор берган жамиятгина абадий яшашга қодирдир.

Моддий бойликларнинг изидан қувган мамлакатлар қаерга боради?

... Уйқуга борайлик.

11-40. Ибодат шарти, ибодат шароити — бу икки омилнинг бирини ўзим таъминласам, иккинчиси мен ва атрофимдагиларнинг саъй-ҳаракати билан юзага келади. Шу маънода ибодат ҳам хусусий, ҳам ижтимоий ҳодиса экан.

Унинг хусусий (шахсий)лиги ҳақида анча-мунча адабиётлар битилган, бизда ижтимоий моҳияти кам ўрғанилган (сабаблари — аксарият маълум).

Менинг ўз кузатувим, ички кечинмаларим шундайки, гарчи ибодат беозор машғулот бўлса-да, у атрофдагиларга ёқмаслиги, ҳатто уларда норозилик пайдо қилиши мумкин экан. (Бу ҳолни инсоннинг яхлит табиатидан келиб чиқиб изоҳлаш мумкин — яхши бўлсам ҳам гапиришади, гийбат қилишади (ёқмайди), ёмон бўлсам ҳам). Шу маънода ибодат — шахсий ташаббус экан. Унинг ранж-аламларига чидаб, ўзини инсоният оламига покиза кўрсатаман, деган кишигина бу йўлга кирар экан.

Рўза ҳадеб қўлни оғизга тиқишдан тияр экан.

Яхшиям Рамазон ойи келди.

Яхшиям дўстим ташриф буюрди. Дилим, руҳим ажойиб бир муолажага мушарраф бўлди.

14-20. «Катта балиқ ови» (Польша) фильми финалида овланган катта балиқ йўқолиб қолади. Қиз қоқигулни пуфлаб юбориб, «Бор эди — йўқ бўлди» (фильм балиқчининг севгиси ҳақида) дейди. Бу — анъанавий талқин. Асл мантиқ эса «Бор эди — яшайди» қабилида бўлади. Бу хулоса — мен учун янги билим!

18-00. Кимнидир, ниманидир кутиш, ўз фаолиятдан қониқмаслик, дилгирлик, хафақонлик, норозилик Деярли ҳар куни шунақа аралаш кайфиятда юрар эдим. Қарама-қарши кучлар қуршовида муаллақдексан, йўқдексан. Зеҳнда ёруғ бир нур милтиламайди. Хуллас, мавҳумлик, тубсизлик. Бундай кайфиятдан чиқиш учун аксар ҳолда ичилар, ичимлик нишонга тегмай ёнлаб ўтиб кетар, эртаси маза қочиб юриларди. Кейинги пайтда у ҳам ёқмай, таъсир қилмай қолган эди... Энди эса ҳаммасини бир сезги бирлаштирди — очлик, қорин очлиги. «Одам қўшиқни ҳам қорни билан тинглайди», деганлари рост экан. Барибир, танининг моддий эҳтиёжидан қочиб қутула олмас экансан. Ахир қорин ташвиши жами жонзотлар учун умумий-ку, биринчи талаб-ку. Шундай қилиб, кунларимнинг ягона қиёфаси пайдо бўлди. Очлик барча сезгиларимни бир нуқтага бирлаштирди. Шу туфайли ҳар хил туманли хаёллар ҳар тарқаб кетди.

Содир бўлаётган ўзгаришларни сезаялман. Фикр тиниқ.

6-кун

4-55. Саҳарликда истеъмол қилганим — палов охиригача кетди. Ўзиям ширин бўлган экан. Паловни тунув куни ифторликка тайёрлаган эдим.

Руҳ ва тана бир тизимга, изга туша бошлади. Худди тарқалиб кетган қўй подасини чўпон таёғи билан сурувга бирлаштирганидек, паришон хаёлларда тизгин, тариқат пайдо бўлди. Тарвақайлаб кетган ёввойи васвасалар, қутқулар тарк эта бошлади. Инсоннинг ўз вақтида ожизлигини ва ўз вақтида буюклигини, бу қарама-қарши қутбларнинг моҳиятини англашга киришдим. Тафаккурдаги юк — муҳокама предмети аниқлаша бошлади. Янги-янги эзгу ишларга рағбат уйғонмоқда. Ўзим-

даги энг кичкина фазилатга ҳам, тирноқча ютуққа ҳам ҳурмат билан қарай бошладим, уларга эришишдаги заҳматларим кўз олдимга келаётир. Ўтган кунларни теран англаб, келажакка тиниқ назар ташлаяпман.

10-45. Агар дераза ойнасини муттасил артиб турмаса, хиралашиб қолади. Кўзгуни ҳам, идишларни, асбобларни... Ҳатто стол устлари, телевизорга чанг қўниб, тароватини йўқотади. Кўнги́л кўзгуси ҳам шундай экан — бу маълум ҳақиқатни энди ўзим кашф этдим. Кўнги́л кўзгусининг хиралиги («кўнги́л хиралиги» эмас) шунда билинар эканки, атрофингда кечаётган воқеаларни, гарчи унинг ичида яшасанг-да, аниқ ҳис этмайсан, гўё иссиқни-иссиқдек, ёруғни-ёруғдек, аччиқни-аччиқдек қабул қила олмаганинг каби, ҳатто буюмларни, ашёларни кўриб турсанг-да, моҳиятини чуқур англамайсан. Мисоллар:

1. Тунов гўзапоя кулининг сувини солиб қўйишга (аниқроғи, кул ва кўмир сувини челақдан сиздириб солиб қўйишга) оғзи каттароқ идиш изладим. Назаримга ҳеч нарса илинмади. Кичик қозончадан фойдаланишга тўғри келди. Ётиб ўйлаб кўрсам, уйда истаганча шиша банкалар бор, кўпи бўш турибди...

2. ...

7-кун

5-00. Аллоҳ таоло олти кунда оламни яратди. Фалакни етти фаришта йўли — етти қават қилиб қўйди. Ана шундай мўътабар рақамларга етишдик.

Тунов рўзани ишхонада очиб, ифтор қилишга ошхонага тушдим. Дилимга ҳамроҳ бўлган ёруғ туйғулар билан одамлар оқимига қўшилдим. Мен уларни шу кунларда ҳалимдек, одобли, тартибли бўлиб қолганликларини кўришни истардим. Ошхонада ўзимдек ифторликка кирган кўплаб одамларни учратаман, улар овқат олишга навбатга тургандир, деб ўйлаган эдим. Бироқ бундайлар кам экан, сезишимча, дўппи кийган икки оқсоч одам рўзадан сўнг тановул қилишяпти (улар энг пойгақда, эшикнинг олдига ўтириб қолган, аланг-жалаң қилиб овқатланишмоқда). Қолганлар эса бепарво, одатдаги турмуш тарзи давом этарди.

Менинг ҳолатим ҳеч кимга таъсир қилмади, аксинча, кассир хотин, «Мен сизни бекатда кўрдим»

деганим учун ачитиб олди: «Одамларни кузатиб юрар экансиз-да» (бу гапимнинг нимаси ёмон экан?).

Иштаҳа билан овқатландим, менинг ҳолатим шуни тақозо қиларди. Фикрим ишлаб турди. Демак, ҳаёт тарзи — темир оқим. Уни ўзгартириш осон эмас. Мана, Қуръон нозил бўлганига, бу бебаҳо бойликнинг одам зотига туҳфа қилинганига 1400 йилдан ошяпти. Шунча узоқ муддатда унинг арконлари Аллоҳнинг бандаларига қай даражада муяссар бўлди? Одамларнинг неча қисми ундан баҳраманд? Ўн беш асрдан буён дини ислом билан яшаб келганлар авлодларга уни мерос қилиб қолдира олдиларми, яъни фарзандларига тушунтириб бера олдиларми?

Албатта, барча саволларга мусбат жавоб бериш қийин. Мана, ошхонада ичиб, чекиб ўтиришибди, шовқинли мусиқа янграяпти. Бу ердагиларни шаккоқлар деб бўлмайди, бироқ улар имони бутун одамлар эмас — ислом дини амалларини амалда тасдиқлашмаяпти. Табиий, бунга зўравонлик, турли фармонлар, қонунлар билан эришиб бўлмайди. Солиҳ амалларни ҳар кимнинг дил эҳтиёжига ихтиёрий эриштириш осон эмас.

Ана шу ўринда жамиятнинг қиёфаси намоён бўлади. Узоқ, соғлом ва бардам яшамоқчи бўлган жамият инсоният яратган, қолаверса, Аллоҳ томонидан инъом этилган энг юксак маънавий кадриятлардан, бебаҳо бойликлардан фойдаланиши лозим. Бунинг учун эса узоққа бориб юриш шарт эмас. Муҳаммад Содиқ, Муҳаммад Юсуф жанобларининг бадиҳа тарзида дунёга келган «Имон» рисоласида баён қилинган фикрларни жами мўминларга етиб боришини таъминлаган жамият ҳам анча олдин кетган бўларди.

Ўзбек халқи илмий, бадий меросида эса бундай манбалар минглаб топилади. Қани улар, уларни ким билади?

Ҳа, жамиятда қўй билан бўри бир оғилда яшамаслиги лозим. Заҳмат чекиб илм излаган, ҳеч қуриса битта китоб кўп ўқиган етук кишилар муносиб эъзозланмоғи керак. Шундай одамлар бўладики, улар жамиятни жила бўлса бир қарич олдинга силжитиш учун яратилган бўладилар. Улар хор бўлмаслиги лозим, билъакс, бундай жамият паторот топади.

Дин Конституция ўрнини боса олмайди (аслида жа-

миятта бир сунъий расмий китоб — йўриқнома керак), аммо маънавият байроғи бўла олади.

Ишдан Идрок акага телефон қилдим. Ака анча етилиб қолган, аниқ гапиролмайди, аранг таниди. «Бизда ҳар куни шу» дейди. «Рўза тутаяпман», десам, «Шу кунга қолдингизми, айнибсиз», дейди. Идрок акалар миллионлаб, улар ҳам яшаяпти, балки яхши яшаяпти. Мантиқ — кимларгадир яшаш лаззатини инъом этиб, кимгадир заҳматни раво кўриш эмас, барчанинг аравани тенг тортишини таъминлашда.

Саҳар туриб овқатланишга, ёзишга, мутолаа қилишга кўникиб қолдим. Ҳақиқатан, бу пайт — саҳар илоҳий дамлар бўларкан. Барча амалларни оғринмай, ҳафсала билан адо этаяпман. Малол келган жойида тўхтамоқчиман, чунки ёлғиз одамга барибир оғирлик қилади, кейин эса рўзанинг барча шартларини билиб адо этаётганим йўқ (ҳатто дуоларини билмайман). Шунинг учун бу йилгиси — машқ, Худо хоҳласа, асосий ибодатлар олдинда.

(Шу кеча туш кўрдим: Бир қишлоқда меҳмондаман, яхши кутиб олишган. Қийшайиб қолган ҳожатхонани таъмирлаяпман. Икки хотин жанжаллашиб қолади. Тоғ тарафга зиёратга тайёргарлик. У ёқда доим тўй бўлармиш. Йўл азобларини айтишди. «Милтиқ борми?» — дейман Эшонқул акамга. «Бор». Уни олволмоқчиман. «Салом, филлар макони» деб бораверасиз, дейишади...).

Туш жуда аниқ ва таъсирли эди.

20.30. Бугун айёмнинг гўзал тухфаси бўлди. Кунни телефон қилишдан бошладим, бироқ пул тўланмаган, деб узиб қўйилган. Матбуот агентлигига бордим, Бобоқул биографик маълумотларни олиб қолди. «Хуррият»га ўтдим, Амирқул Бойбўта Дўстқораевнинг юбилейи бўлаётганини айтди. Бордим. Махсус таклиф қилинмаганим учун сўзламадим. Ифторга таклиф қилишди. Магазинларни айландим, иссиқ пайпоқ сотиб олдим ва ифторликка қайтиб бордим. Яхши суҳбат, самимий дийдорлашув бўлди.

8-кун

4-55. Ҳаммаси кўнгилдагидек.

Ҳосиятли кунлар янги-янги синоатларни ҳаёда этяп-

ти. Дарё мисол бу дунёда оқ билан қора, яхши билан ёмон, тоза билан ифлос қўшилиб, бир ўзан бўлиб оқар экан-да.

Кеча бир саодатли кун бўлди. Қанча вақтдан кейин устозларни, курсдошларни, журналистика факультети талабаларини кўриш насиб этди. Бойбўта Дўстқораев менга йўлчилик қилган зотлардан. Чекка қишлоқ ўқитувчиси, бригадиру табелчининг даккисидан эзилиб нима қилиш лозимлигини — ё шароитга қул бўлиш, ё янги ҳаётни бошлашда таваккал қилишни билмай турганда тўғри маслаҳат берган, янги ҳаётга ундаган одам. Устознинг тўйи муносабати билан кўплаб танишларни кўриш, ифторликда ёнма-ён ўтириш насиб этди. Ўтган йиллар турлича из қолдирган. Албатта, ҳамма вазминлашган, улғайган. Профессор Ф. Мўминов ишлари тескари кетганидан нолиди, «Очил Тоғаевнинг руҳидан узр сўрайман», дегандек қилди. Юсуф Ҳамдамов «ака» деб мурожаат этди. Боришимдан юбиляр ҳам, Сайди Умиров ва бошқалар ҳам хурсанд бўлишди. Бойбўта ака тоза одам, тадбир ҳам шунга муносиб бўлди.

2-3 кундан бери эркак-аёл муносабатлари, хусусан, никоҳдан ташқари алоқалари хусусида янги тўхтамларни излаб юрган эдим. Ҳаёт бошқа бир синопат билан юзма-юз қилди. Нариги хонада Ёлқин ухлаб ётибди. Бир ўзи эмас...

Оқшом у бир ҳамроҳи билан кириб келди. Меҳмонларни илиқ кутиб олдим, Ош, чой-пой билан сийладим. Бу далил кўп нарса ҳақида жиддий ўйлаб кўришга даъват этади.

Яхшиси, бу мулоҳазаларни бафуржа давом эттирай. Ҳозирча ҳафсалам пир бўлди.

Тонггача!!

19-00. Бугун қўлни ёғлайдиган кун бўлди. Эрталаб Ёлқин қарзнинг ярмини берди. Ҳозир Расул ака ҳаяжонланиб телефон қиляпти — «Алишер Навоийдан салом» деб. Демак, Навоий вилоятидан пул келган. Барибир, оқшом уйдан чиқиб пулни олишга бормадим. Эртага ҳам кун бор-ку!

Муҳокама учун мавзулар:

1) Эркак-аёл муносабати: ўйиндан ташқари ҳолат. Керакми?

2) Инсон овқатланиш учун кўп вақт сарфлар экан. Овқатланиш билан кўп гап боғлиқ бўларкан.

9-кун

4-50. Яхшигина ёмғир ёғди. Бу ўтган баҳордан кейинги биринчи жиддий намгарчилик.

Чақирилмаган меҳмонлар жорий этган тартибларимни бузиб юборишди. Ўзимда толиқиш ҳам сезаяпман.

— Буни(нг) яхши кўргани олма, — дейди Ё. сағриси ни силаган чавандоздек (албатта, отининг) эркалатувчи оҳангда. Тунов эрталаб уни тоғадек койидим. «Энди бола-чақани ўйлайдиган пайт (нақадар ақлли гап, ўзимга ҳам тааллуқли), бунақа юришлардан фойда йўқ...»

— Бу билан бизнес қилмоқчиман, — деди. Ё. ўзини оқловчи узоқ мулоҳазалардан сўнг қиморбозларга ўхшаб. Кечқурун қўшиғини кассетадан эшитиб, фикрим ўзгарди, ўзига хос шаддот овоз бор экан. Унинг бу юришлари, балки санъат йўлидаги фидойилиқдир.

— Жуда кўп пулдорлар бор, — дейди Ё. шогирдини оқлаб, — қарамайди. Мени ушлаб олган.

Эҳтимол, бу гапларни ҳеч жойда қайд этмас эдим, фақат дунёга нуқтани назаримни ўзгартиришга киришган кунларда дуч келгани учун ёзиб қўйдим. Қайсидир қирраси билан мен нимадан қочаётганимни эслатгандек бўлди.

Барибир, тонг гўзал бўлар экан. Саҳарда, менимча, вужуддаги қон ҳам тиниқлашиб, жами узвлар бехато ишлайди. Шу туфайли иштаҳа ҳам яхши, фикр тиниқ, кайфият бардам. Эҳтимол, рўзани айнан шу фурсатдан бошлаш билан ана шундай мўъжизага гувоҳ бўлиш назарда тутилгандир.

18-30. Оч қолиш аломат берди. Бу деярли уч кундан бери саҳарлик ҳам, ифторлик ҳам нуқул паловдан иборат бўлганидандир чоғи. Эслатганимдек, бу ойни байрам сифатида кутиб олиш керак экан. Озуқа бой бўлмаса, тана чарчаши табиий.

Оч одам лоқайд бўлиб қолар экан. Тарихда халқларни ночорликка дучор этганлар шуни билганлар.

10-кун

5-00. Саҳарликка туриш, ифторлик қилиш турмуш тарзимга айланиб улгурди.

Ҳаво совиди, яна ёмғир ёғди.

Эшитган эдимки, рўзанинг дастлабки 10 кунни сабрбардошни синаш учун, иккинчи 10 кунни — истиффор ва тавба учун, охирги 10 кунни — савоб учун. Шундай қилиб, биринчи синов тугаяпти. Ҳаммаси энгил ўтди.

Дастлабки сабоқ шундай бўлаяптики, ташқи таъсирларга совуққон муносабатда бўлиш лозим экан. Кечирганларни мушоҳада қилганда эса ҳаяжонларга, эҳтиросларга бўйсунмай, ақл билан иш тутилса, кўпроқ фойдали хулосаларга олиб келар экан. Менда ҳам вужуд — отни чавандоз — ақл жиловлай олмай қолган пайтлар кўп бўлган. Ўшанда ҳақиқатан ўзимни жиловлай, бошқара олмай қолардим. Хусусан, бугун масъул идораларда ишлаган йилларим бир рўза тутиб кўрмаганимга афсусланияпман. Шундай қилган болалар ҳам бор эди, ўйлаб қарасам, ҳаммасининг иши кўнгилдагидек. Бу — четдан инъом этилган омад эмас, ўзлари ишлаб топган натижа экан. Балки уларга кимдир маслаҳат бергандир — менга ҳеч ким айтмаганда! Ақлли маслаҳат — олтидан қиммат. Бу ҳикматнинг танбеҳига ҳар қадамда дуч келаяпман. Бирор маслаҳатчимиз ҳам йўқ-а?

Шукр қилишим керак, ижобий ҳоллар юз бераяпти. Факултетда бўлишим, у ердаги биринчи ифторлик, қарзларнинг унаётгани — булар моддий ижобиётлар. Рухиятдаги янгиланиш-чи?! Кеча Абдусамат дўхтир телефон қилиб, эртага ифторликка таклиф қилди. Балки юртдошлардан бирор янгилик чиқиб қолар. Дунё мўъжизаларга бой экан.

6-00. Телевидение кўрсатувида И. Кусто ҳақида савол бўлди. Шунда у тан берган оят Куръонда қайси сурада экан, деб ўйловдим. Ҳозирги мутолаам айнан шу жойга тўғри келибди, ўқидим. «Фурқон» сураси, 53-оят:

— Аллоҳ икки денгизни буниси чучук, униси жуда шўр қилиб оқизиб қўйган ва улар ўртасида тўсиқ ва пухта парда қилиб қўйган Зотдир.

(«Намл» сурасининг 62-оятда ҳам такрорланган).
9-50. — Неча марта рўзани буздингиз?

— (қатъий) Бир марта ҳам!

(Дўстим билан телефондаги суҳбатдан).

16-30. Ишдан (кўчадан) ҳозир келдим. Ифторлик ва саҳарлик учун овқат тайёрлаш керак. Очлик кучлироқ зоҳир бўлаяпти. Яна бунинг устига рўзгор ташвиши.

Ибодат шундай бўлса керак.

Заррача нолиш, шикоят йўқ.

11-кун

5-15. Соат қўнғироғи янграгунча тиниқиб ухладим. Вужудда чарчоқлик, оромли — тинчлантирувчи бир ҳолат кечмоқда. Фақат вужудда эмас, балки руҳиятда, кайфиятдаям — шундай мувозанатни унинг талабига кўра турмушдаги қашшоқликни ҳам, оби ҳаводаги ҳарорат пастлигини ҳам бир хил баҳолаш мумкин — шундай бўлиши керак эди — шундай бўлаяпти. (Лекин, ҳақиқатан, ҳаво анча совиди, балки ер музлагандир ҳам).

Динимизнинг моҳияти ҳам шунда эмасмикан — ҳаммасига кўникиш ва ҳаммасини борича, муҳокама этмай, мунозара қилмай қабул қилиш!

Шахсий мулоҳазам шуки, ислом инсонни тарбиялаб, уни мукаммаллаштириб, шу орқали дунё гўзаллигига эришишни мақсад қилиб қўйган, бироқ бошқа динлар билан бақамти яшалганда, қўшниларда дунёни эгаллаб олиш васвасаси хуруж қилиб турганда, муслимларни ким муҳофаза қилади?

Бошқа динлар, конфессиялар, қарашлар билан мунозарада, курашда исломга сўнгги дин сифатида ғолиблик кафолати берилганми?

Техникавий илмий тараққиётда Фарбнинг илгарилаб кетиши чинакам тараққиётми ёки ҳалокатни тезлаштириши?

Аниқки, бундай саволлар вазиятнинг ичидан, ҳароратни баданда сезгандан сўнг пайдо бўлаяпти. Шубҳасиз, динимизда буларга жўяли жавоблар мавжуд, бироқ тан олиш лозимки, таълимотнинг ҳаётпарварлиги, фикрга ривож бериши менинг шу даражада муҳокама юрита олиш имкониятига эга бўлганимда ҳам кўрина-

япти. Мускулларни эмас, руҳни кучайтирган воя улф-дир, енгилмасдир.

21-00. Абдусамаднинг таклифи билан Жасурникида ифторликда бўлдим. Ифторлик — мусулмонларнинг тўйи, дастурхон — баҳас, меҳмонлар — жиддий, лекин самимий. Маърифатли суҳбат, бир зумлик бўлса-да, меҳр-оқибат. Одамлар шу бир ойда кўп фазилатларга дучор бўладилар ва 11 ой шу кайфият билан яшайдилар, деганлари рост. Ҳатто, кўпчиликда ижобий хислатлар одат бўлиб қолар экан. Ифторликдан сўнг йигитлар пулга қарта ўйнашдан тийилдилар. Барибир, ҳаёт азалий оқимида давом этаверади. Ҳовлида Фарҳод, полковник Нуруллани учратдим, улар кайфи ошиб қолган Қурбонни уйига кузатиб келишибди.

Одамлар қандай ҳиснинг тазйиқида ибодатга ўзларини урадилар: қўрқибми, таъмаданми, бошқаларга эргашибми, обрў учунми? Инсонлар кўнгил амри билан, қалб эҳтиёжи учун тоат-ибодатга келсалар, жуда гўзал амал ҳисобланади.

12-кун

5-15. Уйқум ўчиб, кўзим очилиб кетади, машғулотим — саҳарлик қилиш лозимлиги эсимга тушади. Ҳаял ўтмай соат жиринглайди. Рўзадорлик амаллари яшаш тарзимга сингиб, кун тартибимни ўзига бўйсундириб олди чамамда.

Руҳий, моддий ўзгаришларни аниқ сеза бошладим. Жумладан, бармоқларим, қўлларим тиниқлашиб, терисининг ранги очилиб кетибди. (Олдин қорайиб қолганини кўриб, қуёш таъсиридан, деб ўйлаган эдим). Нигоҳлар беқарор эмас, унча-бунча жозибалар ўзига тортиб кетмайди. Кеча хонадонни саришталаб бериш ҳақидаги таклифни рад этдим.

Одамни оч қўйиб синаш, иродасини тоблаш усулини руҳий муолажа (психическая профилактика) тарзида ичувчилар, кашандалар, жанжалкашлар ва бошқа салбий қилиқларга одатланиб қолгани учун бирор иш-кал чиқарувчиларга қўлласа бўларкан. Уларга бир ой рўза тутиш шарт қилиб қўйилади, ижроси кутилади. Шубҳасиз, унинг ижобий таъсири бўларди, аниқ кузатиларди.

Арзимаган одамлар, баъзи касалманд аёллар рўза тутиб юришарди. Таажжубки, улар бу машғулотнинг ҳузурини (ёқимлилигини) олдинроқ билган эканлар.

Ичимда бир ҳис курашаяпти: рўзани эрта-индин тўхтатсамми, охирига олиб борсамми? Албатта, тўхта-тишга зарурат йўқ, фақат чарчаб қолмасмиканман ва бу машғулот феъл-атворимга кескин (салбий) таъсир этмасмикан, деган андиша бор (хоҳлайсизми, йўқми, рўза тутиб, ул-булдан чекланишда зоҳидлик, таркиду-нечилик аломатлари бор-да). Бирданига болдан кўпроқ истеъмол қилиб, ҳасанлаб қолган одамнинг куйига туш-масмиканмиз? Хўп, бирор киши билан маслаҳатлаши-лар.

6-07. «Қўлингни қўйнингга тик, у ҳеч қандай ёмон-ликсиз оппоқ бўлиб чиқур. (Бу мўъжизалар) сен (Фиръавн ва унинг қавмига) олиб борадиган тўққиз мўъжи-за ичидадир. Дарҳақиқат, улар итоатсиз қавм бўлди-лар. (Мусога хитоб). «Намл» сураси, 12-оят.

P.S. Оятнинг рақами (12)га ва менга 12-кунда би-линг мўъжизага — менинг ҳам қўлларимнинг ранги тиниқлашиб қолганига диққат қилинг. Бу сурани худ-ди шу куни ўқидим.

12-30. Фикрнинг равшанлашгани ўзимга четдан қараш имконини бераяпти.

Тажанглиқданми ёки ички бир ғазаб борми, тил сўқинишга айланиб кетади. Менинг назаримда, бад-бахт одамлар — бахтли бўлишдан маҳрум қилинган-лар шундай ғазаб биланг сўқинадилар. Энди бу тутун-ни беозоргина ечиб юборишим керак. Масалан, «онанг-ни...» деб келганда тилни туртиб юбориш — «эмгур» ёки «онанг ўлгур» каби.

Иккинчидан, бирдан портлаб кетиш, тутақиб ке-тиш одати пайдо бўлган. Бу ҳолат жуда тез реакция билан кечади. Таъсир ҳам тез бўлади. Масалан, ух-лаб ётган пайтда телефон жиринглайди ва яхши та-нишлардан бири арзимаган хабарни айтади. Шунин кейинроқ айтса ҳам (ўйланиб юрмай) ёки бутунлай айтмаса ҳам бўларди. Шундай пайтда ўқдек бир сўз келади ва чиқиб кетади. Шубҳасиз, у томон хафа бўлади. Кейин ўзим ҳам пушаймон қиламан. Шундай пайтда тилни тишлаб қолишни қандай эплаш мум-кин? Бирор ибора топиш (...) ёки ўнгача санаш ёхуд

«Астағфируллоҳ» деб гап бошлаш. Баъзилар «устоз», «отахон», «отагинам», «жигар», «домла», «хўжайин» сингари сўзларни доим такрорлаб, сийқасини чиқариб юришади. Балки шундай сўзлар биринчи зарбани қайтариб, кейинги сўзларни юмшатар. Қизиққонликни жиловлаш лозим!

14-15. Одамлар моддий эҳтиёжлари, жумладан, ошқозон хуружини қондириш — овқатланиш учун жуда кўп вақтларини ва кучларини сарфлайдилар.

Худди шу мақсад учун куннинг энг сермахсул, юқори даражада иш кўрсатишга эга бўлган пайтлари (масалан, тушлик); умрнинг энг кучга тўлган, ишлаб чарчамайдиган фасли (тишлар бутун, иштаҳа карнай бўладиган ёшлик, йигитлик)нинг босим, асосий машғулоти ҳам овқатланишга тайёрланиш, овқатланиш, уни ҳазм қилиш билан ўтади.

Энди мен 10 кун рўза тутиб, одамзотнинг бу азалий одатини ўзгартириш, одамларга батарея ёки аккумулятор ўрнатиш таклифи билан чиқмоқчи эмасман, балки шу ҳолатимда дилимдан кечган мулоҳаза шуки, инсон умрининг ана шундай қуюқ, тўқ лаҳзалари фақат эзгуликка хизмат қилса, яъни одам фақат ейиш учун яшамаса, балки яшаш учун тановул қилса-ю, яшаса, нур устига нур бўларди.

Агар овқатланиш жараёнининг ҳашамлари-ю асоратларини кўшиб ҳисобласак, кўплаб одамларнинг умри фақат шу машғулот билан ўтиб кетади. Чамалаб қарайлик — дастурхон тузаш ташвишлари қанча? Тўкин-сочин, «сен же — мен же» зиёфатдан кейинги хунарлар — «отиб» олинган бўлса, турли фикр-ғижалар, даҳмазалар. Кейин уларнинг изидан келадиган бошогриклар. Ана шундай «мукофот» ягона овқатланишдан келадиган бўлса, уни жиловлаш, рамкага солиш, маърифатлантириш мумкин экан-ку! Рўзанинг моҳияти одам ҳатто оч ҳолида яшаши мумкинлигини, боз устига тафаккур чақиндек ишлаб, ҳаёт кўзига янада гўзал, мазмунли кўринишини тасдиқламаяптими?

Томчида қуёшни кўра олганларга тасанно!

13-кун

5-15. Оқшом эртароқ (соат 9-30) уйқуга ётганим учун мўлжалдан чалкашдим, 2-3 бора туриб ташқари-

га қарадим, барибир соатнинг жиринглашини кутмай, 4 да ўрнимдан турдим.

Имом Бухорий ҳазратлари «Ҳадис»ларида гувоҳлик беришларича, рўза одамзотга фарз қилинган, унинг талабларига қаттиқ амал қилишган. Рамазон ойи уфқда кўринмай 2-3 кун олдин тутилган рўза ҳам қабул қилинмаган. Жума кунларигина тутилган рўза, агар пайшанба ва шанбани қўшиб тутмаса, ҳақиқий ҳисобланмаган. Еб-ичиш оқ ипни қора ипдан ажратадиган пайтгача рухсат этилган, одамлар бундай ипларни оёқларига боғлаб юрганлар. Яна бошқа кўплаб қатъий тартиблар бўлган. Ислом даврида рўза янада мукамаллашган, барқарор шаклга келган. Зеро, бандалар рўзани Яратганга армуғон сифатида тутганлар. «Аллоҳ таоло: «Рўзадор мени деб еб-ичмас ва мени деб рўза тутар», дейдилар», тарзида ривоят қилади Имом Бухорий.

Албатта, тараққиёт унчалик юксак бўлмаган, ойни, кун ва соатни табиат аломатларига қараб белгилашган, одамлар ҳам онгли, маданий жамиятга тўла бирлашмаган пайтда кўпчилик учун бундай амалларнинг мажбурий қилиб қўйилиши руҳни синдириш, инсонни маърифатли қилишда қўл келган.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳам бу нарсага эҳтиёж бор!

14-кун

9-15. Оқшом ишдан кеч (00-30да) келдим, соатни бураб ухладим. Бир оздан кейин уйқум қочиб кетди. Кўп нарсалар фикримдан ўтди. Ҳаммасини рад этиб, инкор қилиб баҳоладим. Мужмал хаёллар билан ухлаб қолибман. Уйқум лифтнинг ишлашидан ўчиб кетди. Соат жиринглашини кутдим, бир оздан кейин эртароқ тура қолай, деб қарасам, 6-15. Ухлаб, саҳарликдан қолиб кетибман. Ҳозир танишимга телефон қилиб шуларни айтдим. Овозидан руҳияти анча очилгани биллиниб турарди. Саҳарликсиз ҳам рўза қабул бўлишини, ҳаммасини ўзим ҳал қилишим, ният қилган бўлсам, амал қилаверишини айтди. Рўзани тўлиқ тутишимни истаётгандек бўлдилар.

Ҳамма нарсани инкор этиш позициясида баҳолаганим ҳолда ибодатнинг, умуман, диндорнинг (дин-

нинг эмас) ижтимоий муҳитдаги ўрни, мавқеини кўп ўйлаяпман. Дин олдин туриши керакми, инсон; ибодат мақсадми, восита — сингари масалалар устида жиддий бош қотираяпман. Бу мавзуда анча мулоҳазам бор экан. Шунингдек, тақводорликнинг мавқеини сақлаш, уни бозорга солавермаслик, дин дарахт бўлса, уни қаерга ўтказиш лозимлиги ҳақида ҳам жиддий фикрларим бор экан...

18-05. Гарчи саҳарлик қилмаган бўлсам ҳам кун одатдагидек тез, енгил ўтди. Мана шу кичкина далилнинг ўзиёқ биз нима бўлишини, келадиган куннинг қандай кечишини на математик ҳисоб-китоблар, на биологик қонуниятлар — умуман, моддий факторлар орқали билишимиз мумкин эмаслигини кўрсатиб, тасдиқлаб турмаяптими? Ҳали келажакни башорат қилиш имкони ҳеч кимга ато этилмаган, дунё асрорининг тагига етишга дунё ҳосилаларидан бири — жами дунёлар ҳаракат қилаётган маконда бир унсур (зарра) сифатида мавжуд бўлган одам зоти ҳали қодир эмас. Бу буюк сир жами оламлар ижодкори — Холиқу ҳулоқ — Аллоҳ таолога мансубдир, аёндир.

Эрталаб ишхонага, сўнгра Чорсуга бордим. Эски шаҳар барибир бой, тўкин, арзон. Айланиб уйга келгунимча, шом бўлиб қолибди.

Рўзадорлик туфайли пайдо бўлган босиқлик, совуққонлик билан атрофда кечаётган жараёнларни мушоҳада қиламан. Дунё ташвишларидан узоқлашиш (нисбатан) одамлар сени эмас, сен одамларни кузатишинг имконини берар экан. Шунда қандай манзаралар кўз олдиндан кечмайди? Одам ташвишларга қанча ўралашган сари шунча кичрайиб, йўқ бўлиб бораверар экан. Демак, мантиқ турмушни (ҳаётни) ташвишлар бошқарадиган қилиб эмас, сенинг яшаш тарзинг ташвишларни бошқарадиган қилиб ташкил этишда экан. Шунда сен дунёнинг эмас, дунё сенинг ортингдан эргашади. Яъни, ҳеч вақт асосий урғуни моддий бойишга қаратмаслик керак, балки яшаш тарзини шундай ташкил этиш керакки, ҳаракатларинг самарали, унумли бўлиб, унинг ҳосили эҳтиёжларингни тўла қопласин ва ундан ошиб қолсин. Ўша ортиб қолган қисми бойлик ҳисобланади. Бойликка ингилиб яшаш билан бойликни ҳосил қилиш бошқа-бошқа тушунча.

Оч қолиш бир оз ҳолсизланишга, демак, ожизлик-ка олиб келади. Бу ожизлик руҳиятта ҳам кўчади. Одам ҳалим, кечирувчи ва бир қадар заиф бўлиб қолади. Бу заифлик шу даражадаки, ёввойилаб кетган эҳтиросларингни осонгина жиловлай биласан. Ҳеч кимга, ҳатто қонунларга, жамият тартибларига бўйсунмаган ўзбошимча ўзликни бир ишора билан қайириб оласан. Ўшандай қудратли заифлик билан бир нарсани идрок этасан: одам бу талатўп дунёда бир оз чўчиб, кўрқиб яшаши керак экан. Ҳа, Худодан кўрқиб яшаш керак. Гарчи жуда мавҳум, исботлаб бўлмайдиган даражада гиперболаик бўлса-да, «ҳамма нарсани Худо кўриб турибди» деган ақидага ишониш керак. Ана шундай ақида пайдо бўлса, «Бир кун унинг олдида ҳисоб беришга тўғри келади», деб ўзини ишонтириш қийин бўлмайди.

Сизга раҳмат, узоқдаги дўст!

15-кун

5-15. Одамнинг табиати қизиқ-да. Бир машғулотга тез кўникади ва тезгина унутади ҳам. Кеча саҳарлик қилмаганим учун баъзи амалларни бажариш — ювиниш, чой қайнатиш кабилар бутун эришроқ, эсимдан чиққанроқ туюлди. Бир кунда-я! Аммо мен Рамазон ойи шарофати билан ўзимга гўзал бир анжуман тузиб олдим. Саҳарлик ва ифторликнинг мазмунини завқли ўтказиш учун баъзи машғулотларни таомилимга киритдим. Аввало, бу чоқларнинг ўзини нақадар файзли эканини эътироф қилмоқ шарт. Иштаҳа ҳеч вақт шу пайтдагидек карнай, овқат бунчалик ширин бўлмаса керак.

Саҳарликда овқат исигунча «Имон» китобини мутолаа қиламан. Рисолада ислом динининг мўъжизалари салмоқли ҳаётий далиллар, Қуръон сураларидан оятлар исбот сифатида келтирилиб, жуда мантиқли очиб берилган. Муаллиф бу мураккаб илми юксак даражада эгаллаган. Масалан, бир бобда исломнинг аниқлик, далил ва ҳужжат дини, тақлид душмани эканлиги шунчалик ёрқин исботлаб берилганки, ишонмаслик мумкин эмас.

Тановуддан сўнг кечинмаларимни қоғозга тушираман ва Қуръони карим мазмуни қироатига ўтаман.

Камида битта сурани ўқиб, дафтарчага қайд этиб қўяман.

Иншооллоҳ, шу тақлид ойнинг ярмига етиб келдик. Ой тўлишибди. Ажойиб, фусункор кеча, умидбахш тонг!

21-00. Иш билан Амирқулнинг идорасига борган эдим, «Бирга ифторлик қилсак, рўзадамисиз» деб қолди. Бир ярим соатлар кутиб ўтириб, «Бухоро» кафе-сига бордик. Амирқул бир неча йиллардан бери рўза тутади, бу амалларнинг нафу фойдасини ўзида синаб кўрган. Шунинг учунгина эмас, маълумоти, маданияти билан ҳозирги замонавий зиёли намунаси. У ҳам Қуръон таржимасини басма-бас ўқиётган экан. Муқаддас ислом дини зийнатлари юзасидан кўзларимиз чақнаб, эҳтирос билан суҳбатлар қилдик.

Бу таълимот шунчалар инжа, нафис, мусаффоки, ҳатто одам уни қабул қилганини овоза қилишдан уялиши керак. Илоҳий илҳом соҳиби, буюк шоир Алишер Навоий кийимига илашиб келган чумолини ўз маконига элтиб қўйганда исломий одобни жойига қўйган. Бу муқаддас таълимот номи билан ҳатто энг яхши маънода ҳам жиндек инсониятга таҳдид солувчилар бир диндан эмас... Ўйлаб қоласан: бегуноҳ боладек мусаффо бу таълимот ҳозирги замонда нега бунчалар таънага, эътирозга, шунинг орқасидан — таъқибга учраяпти? Бу диннинг бошида турганлар уни тоза ҳолда сақлашни қаттиқ тайинлашган эди. Эҳтимол, ворислар уни ёмон кўзлардан асрай олмаётгандир.

Тақводорлик — шахсий ички зийнат, унинг билан чайқовчилик қилмаслик керак. Дин эса, менинг назаримда, энг буюк бадий адабиётга ўхшайди.

16-кун

4-35. Ифторликда тановул қилинган балиқ кучликмикан ёки эҳтирослар тугёни жунбушга келиб тинчлик бермаяптими, соат 1-30 да ташқарига чиқдим-у, шундан кейин уйқум келмади. Ўн беш минут кам тўртда туриб олдим. Ҳозиргача кеча ва кундузнинг қатъий чегараси бор эди. Эрталаб уйқум ўчиб кетса ҳам соатга қарардим-да, вақти етишмаган бўлса ётаверардим ёки соат шунда тўшакка кириб, нақд сак-

киз соат ухлаш керак, деган тартиб ҳам бор эди. Энди бу қотиб қолган меъёрларни бузиш ҳам мумкин экан. Кеча ва кундуз қўшилиб, яхлит бир замонни ташкил этиб қолди. Ишқилиб, лунатик бўлиб қолмасам майли эди.

Шундай қилиб, беҳудуд бир теранлик қаршисидан чиқиб қолдим. Бу шундай теранликки, у одамнинг пайдо бўлишидан 110 қаватли иморатга ўзини уриб, жонини қурбон қилишгача бўлган сир-синаотни қамраб олади. Зеро, ислом дини ҳамма нарса ҳақида баҳс юритади, унда ҳамма саволларга жавоб топилади. Шууримга улғувор бир салобат билан маънилар уммони бостириб кирмоқда. Ундан пайдо бўлган таассуротларни ифодалаш учун вужудимнинг барча унсурлари билан арзи ҳол қилмоғим лозим. Бунинг учун супрадек, ундан ҳам катта оқ қоғоз бўлиши керак-да, мен унда тинимсиз ағанашим лозим. Шунда ҳар битта туким ўз сўзини ёзиб қолдиради ва таассуротларнинг тўлиқ манзараси ҳосил бўлади. Афсуски, бунинг иложи йўқ, фақат бармоқларгина қалам тута оладилар. Унинг эса имконияти чекланган. Қайнаб-тошиб келган эҳтиросларнинг улгурганларигина қоғозга тушади.

Бутун бошли бир таълимот — дунёни материалистик тушуниш назариясини асослаган Карл Маркс унча меров бўлмаган. Унинг ғояси қайси бир нуқтаи-назардан бутунлай нотўғри, ҳатто абсурд бўлиши мумкин, бироқ бутун бир оқимни изидан эргаштира олган одам «Дин афюндир» деганда қайсидир даражада ҳақ бўлган. Аслида, бу эътироф моҳиятни ифодалай олмайди, у ташқи бўёқ, холос. Яҳудий миллатига мансуб Ғарб одамининг бундай хулосага келиши эса диний таълимотнинг, жумладан, ислом дини арконларининг ўз вужудида синаб кўрмаганлиги, уни хоҳлаганлиги ёки калтафаҳмлиқ билан бу мўъжизани ҳис этмаганидандир. Аслида, дин онг кўринишларининг олий шакли бўлиб, одамни ҳайвондан ва одамни одамдан фарқлайдиган мезонлар йиғиндиси, тўғрироғи, ўлчовидир.

Масаланинг битта нозик томони бор. Ўзбеклар «Гапни гапир уққанга» дейди. Жуда тағдор ҳикмат. «Дарвозани очайлик» деган оддий маслаҳатни кимдир дарвозани калит билан очиш деб, кимдир уни бузиб

вайрон қилиш деб тушуниши мумкин. Диний таълимот шунчалар салмоқли, юки оғир «гап» эканки, уни ҳар қандай одамга «гапириб» бўлмас экан. (Мендек иссиқ-совуқни кечирган одамнинг рўза мавсуми муносабати билан энтиқишлари бунга гувоҳ). Ислом ақидаларида ҳам кўп амаллар қаторида янги ишга киришишдан олдин таҳорат олиш таъкидланади. Яъники, ислом динимиз қалбга қадаладиган кўчат бўлса, уни ҳар қандай жойга ўтқазавериш бўлмас экан. Диний мантиқ, унинг афсунлари одамнинг кимлигига қараб турлича таъсир этар экан. Тушунчаси паст одамлар бор, ўртача одамлар бор, юқори одамлар бор, уларга битта диний хулосани баён этсангиз, уч тоифа уч даражада тушунади ва қабул қилади. Уни ижро этиш, қабул қилиш керак бўлса ҳам, уч хиллик юзага келади. Ёки одамлар минг турли хулққа эга. Кимдир ростгўй, кимдир ёлғончи, кимдир риёкор, кимдир мард... Уларга бирор диний сабоқ етказиладиган бўлса, ҳаммаси ҳеч вақт бир хил бўлиб қолмайди. Ҳатто ҳар бир хулқ эгаси ўша диний рукнларни ўз феълига мослаб қабул қилади. Демак, бирлик, тенгликни таъминлаш қийин (оддий мисол: ҳамма мусулмонлар — бошқа диндагиларни қўйлик — битта оддий талаб — «Лафзингизда тулинг» деган сабоқни адо этса эди, дунё қанчалар ўзгариб кетар эди). Демак, дин йўлига киришдан олдин, диний ақоидлар билан таниш бўлишни бошлашдан олдин ҳар бир одам алоҳида тайёргарлик босқичидан ўтиши лозим экан. Динлар, айниқса, ислом дини мустақилликни ёқлайди. Диний мустақиллик эса шахсий ягоналик — ҳар бир банданинг ўз ёруғ қиёфаси билан бу жамолга пешвоз чиқиши орқали таъминланади. Агар бу тайёргарлик босқичи ўтилмаган бўлса, кўчатнинг амал олиши қийин, ҳатто бу мафкура афюндек таъсир этиши мумкин. Ягона дин ичидаги тафриқаларни, дин номидан чайқовчилик қилишларни, дунё васвасалари йўлида диндан фойдаланишларни, дин байроғи остида зулм қилиш, қон тўқишларни ана шундан деб биламан. Албатта, вазиятни шу даражага олиб бориш учун олғирлар фронт тузиб олади: дин йўлига кириб қолган онгсиз подалар лашкари ва улардан бироз устунроқ ва золимроқ лашкарбошиларни ясашади. Ур-йиқит бошланади, ижро-

чилар — нодон, буюртмачилар эса кўзга кўринмайди. Ўртада муборак диний ақидалар ёмон отлиқ бўлиб қолаверади.

Дин тўйларда кийиладиган ҳарир либосга ўхшайди. Мабодо, уни кийиб, молхонага кирсангиз, албатта, этагига хас илашади. Ёки янги соғилган сутни тоза қозонда қайнатса пишади, ювиқсиз қозонда эса ириб қолади. Оддий ва содда мантиқ мана шу.

16-00. Бир шеъримда «*Йўларга тўкилиб қолган изларим...*» деган сатр бор. Бу излар турли ранг ва мазадаги хотиралардан сўзлайди. Айниқса, уйдан иш жойигача чўзилган йўлда кўп излар тўкилиб қолган. Улар гоҳ ёруғ, гоҳ хира..., лекин қадрдон — бири иккинчисининг тўкилиб қолишига поёндоз бўлган. Сувда турган одам намликни сезмаганидек, ўша пайтларда нима кечаётганини тушуниб етмайсан ва туфлингга эргашиб кетаверасан...

17-кун

5-30. Одатда, бирор ишга жаҳд қилинса, унга бўлган қизиқиш, иштиёқдан пайдо бўлган ҳаяжон анча ичкарига олиб кириб қўяди. Шу инерция кучи билан анчагина вақт ўтади, сезгилар ҳам фаол бўлмайди, иштиёқ қизиб келаверади. Ниҳоят, бир босқичга бориб ҳаяжонлар босилади, ўша ишнинг кўлами сизни тўла қамраб олади. Соф амалий фикр юритилади, ақл ҳаммасини тарозига қўяди. Шубҳасиз, толиқиш, ҳафсаланинг тихирлиги кўзга ташланади.

Дўстим бир кун рўза тутиб кўришни тавсия этганда, ҳеч нарсани ўйламай қабул қилдим. Ҳолбуки, икки кунлар олдин «Озодлик»нинг муҳбири Абдувоҳид рўзанинг фойдаси ҳақида жонли овоз керак, деганда, мен ундан йироқман, деб жавоб берган эдим. Биринчи марта саҳарликка туриш қийин бўлган. Ва ўша кун давомида бир виқорни — руҳий ва моддий лаззатни ҳис этганман. Кейин бу ёқимли ҳолатни уч кунга чўзишга аҳд қилдим. Ўша мўъжиза эса кучайиб бораверди, мен муддатни етти кунга, ўн кунга узайтиравердим. Бутун эса мана шундай гўзал, сеҳрли амални яхшиям тўхтатиб қўймаганим учун шукроналар қилаяман.

Бир уйғонсам, соат уч экан. Яна ётдим. Барибир

уйқум келмади. Хаёлдан кўп нарсалар ўтди, лекин улар ҳозирги ҳолатимнинг ҳосиласи сифатида ёрқин, ёқимли. Фикрлар, ўйлар, мулоҳазалар тўфондек бостириб келаверади, уларнинг ҳаммасини ушлаб қолиш, тафаккур элагидан ўтказиш дубдурустдан қийин. Бироқ фикр дунёсининг, ақлнинг ишлаб тургани яхши-да.

Бошида таъкидлаганимдек, эҳтирослар босилгач, ҳаммасини тартибга солиш, саралаш имкони пайдо бўлади. Худо хоҳласа, шундай босқичга қадам қўяяпмиз. Ахир одам умид билан дарё қирғоғига борса, чанқоғини қондиришни ният қилади-да. (Ҳолбуки, баъзилар шунчаки қўлини ювиб, ҳатто сувга туфлаб ҳам орқага қайтиши мумкин). Ниятига етган одамнинг эса ўз кечинмаларини ифодалаб, рафлатда ётганларни гумроҳликдан огоҳ қилиши мусулмонлик бурчи ҳисобланса керак. Мен ҳам ёнимдаги шу мўъжизага дуч келиб, ажиб туйғуларни кечирмоқдаман. Уларни қоғозга тушириб, сайқаллаб, тўлдириб, жамоатчиликка тақдим этсам, дейман. Зора мусаффо динимизнинг моҳиятини тушунишда, уни туҳматлардан ҳимоя қилишда, қолаверса, қалбларга унинг ҳаётбахш нури кириб боришида менинг иштироким ҳам камтарона вазифани бажарса, ўзимга насиб этган яхшиликка амалий жавобим бўларди. Зеро, ислом динининг пурмаъно таълимотини тушуниб етгунча одамзот ҳали кўп тараққиётни бошидан кечириши лозим. Ҳолбуки, юраги жароҳатланган дунёга ана шундай малҳам керак, жуда керак...

18-кун

5-15. Етти ойдан буён осилиб ётган иш — сотувдаги китоб масаласи кеча узил-кесил ҳал бўлди: хазинамда жами 400 минг сўм нақд пул бор. Расулжон ака эрталаб «Ўртадан сал баландроқ» деб телефон қилди ва мамнуниятини билдириб қўйди. Оғиз очишда Ғиждувон балиғидан олиб, бордим. Ака ичишни (!) таклиф қилди, мен қатъий рад этдим. Ўзи бекитиб ичди.

Ҳа, одамлар ўз йўриғида яшайверади. Соқоллари чала қирилган ҳамкасб мумтоз рус шоирининг китобини қўлтиғига қисиб олган. «Бу — Пушкиннинг ҳам устози, биз шуларни ўқиймиз» дейди. Равон гапира олмайди, ичган. Ҳаво совуқ. Енгил кийиниб олган ёш-

лар бир-бирининг пинжига қаттиқроқ қапишишади, яланишади. Миршаблар бадар юрган қизчаларнинг ҳужжатини текширишади... 60 дан ошган мусахҳиҳ чол инфаркт ўтказган, аранг юради, пайт топди дегунча қизчаларнинг сочини силаб, «катта акангман» дейди. Ҳаммаси қачондир бир лаҳзада «Худо» деб илтижо қилишлари тайин. Албатта, уларнинг барисининг дилида Аллоҳ бор. Бу мўъжизавий куч ҳамма жойда, ҳамма замонда мавжуд экан, нега уни тоза имон, покиза виждон билан танимаслик керак? Кимнинг дилида шундай интилиш бўлса, у бошқа бир мўмин томонидан қўллаб қувватланиши лозим. Бундан хабар топдим, у билан фикрдош бўлсин, ўзида бундай ният уйғонмаган бўлса, ҳамроҳидан юқтирсин... Одам зоти кескин вазиятларда Аллоҳни ёдга олади, бу пайтда ҳеч нарса — на ота-она ҳурмати, на фарзанд меҳри, на дунё ташвишлари ёдига келмайди. Одам сидқидилдан эзилиб, қалбининг барча эшиклари очилиб, Аллоҳга илтижо қилади. Шундай экан, бу эътиқодда риекорлик бўлмаслиги лозим. Бировлар кўзида тақводор, художўй кўриниб, найрангбозлик қилиб юргандан кўра «Мен — муттаҳамман» деб очиқ эътироф этиши ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали. Қани эди, мана шу кичкина талаб амалга ошса эди, олам неча чандон гўзаллашган бўларди.

Бундай солиҳ амалларга даъват ҳар доим бўлиб туради. Ҳатто ҳамманинг тор шахсий оламида ҳам. Фақат уни сезиш, тан ола билиш лозим.

Туш кўрдим. Онам пичан ортилган машина (арава) кузовидан 12 боғ беда берди. Яна бир уловда қоя бўлиб, пичан келди. Узоқ ўйладим, китоб титдим — беда нима, нега 12 боғ? Кеча бирдан зеҳнимга келди: ўша кун рўза тугашига 12 кун қолган эди. Бу — 12 кунга сабр эмасмикан?! Шу фикр ҳийла мантиқли туюлди ва рўзани тутайми, тўхтатайми, деган саволга чек қўйилди.

Тонг ажойиб туйғулар ҳадея этаяпти. Бу пайтдаги ҳолатимни на билим юртларига имтиҳон топшириш арафасидаги ҳаяжонларга, на ота-онадан ажралгандаги изтиробларга, на маҳкамаларга қатнашишдаги тажангликларга менгзаб бўлмайди. Ҳаммасидан улуғ, бошқача.

19-кун

5-07. Тунов шанба бўлганлигидан эртадан кечгача шаҳар кездим. Ҳамроҳим — Расул ака. Янгиобод бозорида, Навоий кўчасидаги ярмаркаларда роса тентирадик. Бирор арзирли нарса — телевизорми, тикиш машинасимми харид қилиш ниятида эдим. Янгиободдаги бозор ниҳоятда катта, буюмлар эски ашқал-дашқаллар экан. Ярмарканинг эса нархи қаноатлантирмади. Расул ака яйрашни хоҳлайди, бозорда «Енгил тушлик қилиб олсамми?» деб иккита стаканчани ҳам «ютиб» юборибди. Бирдан ўзгариб қолди. Телпак рас-тасидан ажралмай, эзмаланди. Охири, умуман фикрида бўлмаган ишни қилди — шапка сотиб олди. Ароқ мияга кутилмаган командалар берар экан-да. Бу ишидан ё пушаймон қилади, ё рози бўлади. Барибир, ўзини алдаб бўлса ҳам рози бўлишга мажбур. Ана шундай, ўйламасдан бир иш қилиб қўйилади, кейин ўзини овутиш учун ўзини алдайди («телпакни олиб яхши иш қилдим, ахир...»), шундай қилиб ўзи хоҳламаган ҳолда пастлаб бораверади. Мени лол қолдирган бошқа бир ҳолат: гарчи шунча пиёда юрсам, оч бўлсам ҳам толиқиш сезмадим, заррача. Қаранг, инсон вужудининг шундай сирли жиҳатлари бор экан. Менимча, овқатланиш мураккаб санъат экан. Организмнинг энг зарур, сара энергияси (масалан, мия фаолиятини кучайтириши керак бўлган қувват; мияни эса таассуротлар, билимларни синтезлаб онгга айлантирадиган олий марказ дейишади) ошқозонда овқатни ҳазм қилишга керак бўлар экан. Айниқса, туш пайти одам толиқади, аксига олиб, кучли овқат истеъмол қилади... Жиддий ўйлаб кўриладиган кўринмас мўъжизалардан бири шу!

20-кун

5-13. Такводорлик, ибодат — ҳаёт тарзи, бу амаллар уларни касб этганларга на мол, на давлат бермайди, бироқ мўл-кўл молу давлат тўплашга йўл очади. Одамни маънавий жиҳатдан шундай юксалтирадики, у ўзининг моддий имкониятларидан юқори кўтарилади, негаки, унда кўзга кўринмас маънавий бойлик — илм бўлади.

Ўғлим Тошкентбой синфдошлари — Ақтам, Баҳодир билан ташриф буюрди. Учаласи ҳам 20 га энди

тўлган ўсмирлар. Учаласи уч хил олам. Ақтам — дорилфунун талабаси. Баҳодир қандайдир тижорат коллежида ўқийди, бўлажак мол дўхтири. Ақтам ижарада қийналиб яшаса-да, яна — талабалик, шундай шароитда рўза тутар экан. У 10-синфдан бери рўза тутаман, дейди. Ақтам ҳар жиҳатдан тенгдошларидан устун, билими, дунёқараши, ҳатто соғлиғи ҳам баркамол. Баҳодир фақат бозордан, пулдан гапиради, қайси магазин қачон очилади, қаерда нима сотилади — шундан бошқа нарсани билмайди. 60 минг сўмга курткаи олиб, шуни кўрсатгани келибди. Буни кўриб, Тошкент куртунглайди, менга ҳиккаи қилади. Бу иккаласининг фикрида бошқа ўй йўқ, шу кайфият билан улғаяди-да булар. (Яратган улардан ҳам марҳаматини дариф тутмасин).

21-кун

5-15. Туш ҳам ажойиб мўъжиза-да. Каттакон майдонда томоша, хўрозлар авж нуқтада уришишяпти, байроқлар ҳилпираган. Ёпиқ бинода — спектакль. Хона деворларига оёқ кийимлар, бошқа сотиладиган ашёлар териб қўйилган. Томошабин кам. Актёр — подшо монологини тугатиб, энг асосий гапни айтмоқчи бўлиб саҳнага қарайди, керакли одамлар йўқ, кутиб қолади. Кўп кутади ва ... ичишни бошлашади. Хизматкор артист подшо артистга «қуй» деб тўнғилайди. Мен кулиб юбораман... Ҳар ҳолда бир мулоҳаза — одамлар нега ичади? Ичувчилик ижтимоий иллат даражасига кўтарилган. Ичувчи ҳам биздек, сиздек одам — у дўстимиз, қариндошимиз, боринги, ўзимиз эканини инобатта олиб, бу ҳақда ҳушёр ва сергак фикр юритмоқ лозим.

Ҳайтовур, одамлар ҳаёт завқини туйиш учун ичади. «... арзир икки жаҳонга ширакайф бўлган бир онинг» деган хайёмона сатрда ҳақиқат бор. Фожиа шундаки, одамлар «ҳаёт завқи»ни бошқа жойдан топа олишавермайди, ҳатто кўп ҳам излайверишмайди. Алькоголнинг танага берадиган бир зумлик лаззати, ороми ана шу завқ бўлиб туюлади. Яна одамлар тақлид қилиб, асабийлашганда, чарчаганда, кейинчалик эса сабабсиз ичаверади. Мабодо, уларга ўша завқни берадиган, уйғотадиган бошқа машғулот тавсия қилин-

са. ичкиликка унчалик эҳтиёж сезмасликлари мумкин.

Тасаввуримча, турмуш тарзида бундай сунъий завқланишга эҳтиёж бўлган. Аввало, улфатлар даврасида уни истеъмол қилиш урфга айланган. Шу воситада суҳбат кўр олади, одам қулфи-дили очилиб, бир-бири билан гаплашади. Кейин алкоголь тажанглик (стресс)-ни ёзишга ёрдам беради. У ичган кишига фавқулодда завқ-илҳом, куч, ирода (ўткинчи бир зумлик бўлсада) бериш қувватига эга (афсуски, бу ҳолатлар табиий кўзғалишларнинг сусайиб бориши эвазига рўй беради ва ичмаса ўша даражага етиша олмай қолади). Ичишни бошлаб, уни турмуш тарзига айлантирган одамнинг фожиаси эса алкогольга тобе бўлиб қолиш (ундан паст тушиш)дир.

Айни пайтда ичувчилар оламига юқоридан назар солиш имконига эга бўлдим. Аввало, ўзимда унга бир мисқол даражада ҳам боғланиш (ружу қўйиш, тобелик) йўқлигига қатъий ишондим. Ҳатто, тунгги навбатчиликдан сўнгги чарчоқни ароқ енгиллаштиради, ичмаса уйқу келмайди, деган гаплар ҳам ёлғон экан. Ичувчилар дунёси эса кўзимга ихтиёрий жиннилар олами бўлиб кўринмоқда. Буни меъёрида, жойида, мавриди билан ўрнига қўймаса, бошқаларга жуда эриш, ноқулай туюлар экан. Ичиш ҳам маданияти билан ёқимли экан, худди пичоқ қинда қойим тургандек.

Бу ҳақдаги мулоҳазаларни давом эттириш мумкин.

22-кун

5-00. Соат қўнғироғи билан уйғонаяпаман. Унгача осойишта ва мароқли уйқу, ажойиб пурмаъно тушлар. Бугун қорақалпоқларнинг санъат декадаси.

Мусаффо тонг фикрга ундайди.

Болалик — беғубор фасл. Бола қалби нақадар соф, тоза, дунё ҳақидаги тасаввурлари сип-силлиқ. Афсуски, қалбнинг ана шу бокиралиги вақтнинг шафқатсиз зарбалари остида дарз кетиб, заҳа еб бораверади. Оқибатда, ўша беғубор, беозор мавжудот мислсиз шафқатсизликларгача боради. Кузатиб турганларнинг мангу ҳайрати эса қуйидагича: «Барча болалар яхши, ёмон одам қаердан пайдо бўлади?!» Ҳа, одам ўзгариб бораверади.

Бу ўзгаришлар ҳам моддий, ҳам руҳий кечади. Моддий кечиши — бўйнинг ўсиши, соқол, мўйлов чиқиши, оқариши, тўкилиши каби белгилар зоҳирда намоён бўлса, руҳий ўзгаришлар пинҳон кечади. Бундай ўзгаришларга ташқи таъсирлар туртки бўлади. Менимча, ҳеч бир гап-сўз беиз кетмайди, ичкаридаги оцилограф ёки елкадаги фаришталар ҳаммасини қайд этишдан ташқари бундай ўзгаришлар феъл-атворда, юриштуришда, ҳатто қадам олиш-у, юз-кўз ифодасида акс этади.

Бу йилги муборак Рамазон ойининг туҳфаси сифатида рўза амалини кечирим менинг ҳам феълимда ўзгаришлар ҳосил қилгани шубҳасиз. Кеча бир танишимга телефон қилсам, «Ҳали қуюлиб қолсангиз-а» деб шаъма қилди. Ахир одам бир кечада муттаҳамга айланиб қолиши мумкин. Ўзимнинг бир хулосам бор: аёлнинг бузилиши учун бир оқшом кифоя.

Лекин ўтаётган дамлар менга кўплаб ижобий фазилатларни намоён этди. Ҳа, «намоён этди»: мен анвиндай яшаш мумкинлигини ҳис этдим. Билмадим, улардан қанчаси юқиб қолди.

Вазминлик, совуққонлик, чуқур мулоҳазакорлик кўп такрорланадиган насиҳатлар, бироқ уларнинг нималигини ва қачон асқотишини ҳар доим билавермаймиз. Рўза давомида шу туйғуларни кечирдим ва улардан фойдаландим, хулосам эса ягона — шундай қилинганда кўп нарсадан ютиш мумкин экан. Булар — инсон ўзини жиловлаши борасидаги қадамлар.

Бироқ тақво, ибодатнинг ўзи билангина яшаб бўлмайди. Бу ҳарир либосларнинг устидан қалинроқ кийим, ҳатто совут кийиш керак. Негаки, биз яшаётган борлиқ залолат, нопоклик билан муросасиз курашга ўхшайди. Бу курашда душманнинг жами усулларини ўзлаштириб, яна ўзингиздаги руҳий салоҳиятингизни кўшиб, жангга кирмасангиз, ютқазиб қўясиз. Диндорлик — охирги мақсад эмас, у — восита! Янги ғалабалар, янги парвозлар йўлида восита! Атрофимиздаги ҳар бир одамни дўст деб эмас, душман деб қабул қилсак, кўпроқ нарса ютамиз. Ота-боболаримиз биринчисида чегараланиб қолиб, иккинчисида хато қилиб, кўп марта бой берганлар.

5-12. Оқшом вазирликдаги акахон, ҳамкасб муҳаррир билан ифторлик қилдик. Акахон менга «Рўза сизни енгибди, — деди қашқадарёликларга хос дангаллик билан, — мана, менга ҳеч бало ургани йўқ. Фақат қорин тортилиб кетди», — деди-да, кўйлагининг тагини силаб кўйди. Оғиз очиш пайтида кўлини кўтардию, юзига шартта фотиҳа тортишга шошилди, муҳаррир эса оғиз очиш дуосини ярим овозда ихлос билан ўқирди, мен билганимча такрорлардим, сув оғизга етгач, ака изоҳ бердилар: «Мен ўқиб ётмайман, мазмунини айтаман-да, очиб қўявераман».

Тақводорлик, ибодат амалларини ҳар ким ўз имкони даражасида адо этади. Албатта, уларни маромига етказиб адо этишга нима етсин (бу ҳолнинг савоби баландроқдир), бироқ асосийси — кишининг шу йўлга кириши бўлса керак. Мактабга қатнаган ҳамма бола ўқувчи ҳисобланади, бироқ кимнинг қандай баҳо олиши — иккинчи масала. Қуръони каримда қайта-қайта таъкидланганидек, Аллоҳ хоҳлаган кишиларнигина ҳидоят йўлига бошлайди. Елкасидан шайтон тушиб (халқ ибораси), дилига Аллоҳ назари тушган зот қайсидир даражада илоҳий марҳаматга лойиқ топилган ҳисобланади, шубҳасиз.

Умуман, тақво, ибодатнинг даражасини белгилайдиган, бундай кишиларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини тайин этадиган жиддий бир омил бор: бу — жамиятнинг қиёфаси, маънавий даражаси. Агар жамиятнинг бош широгига муттаҳамлик, алдамчилик ёзиб қўйилган бўлса, у жойда тўғрилиқка, ҳалолликка ўрин йўқ. Демак, исломий маданият ҳам у жойда жиловланади, тақво йўлидаги одамлар хорланиб, ҳеч ким ҳисоблашмайдиган қуйи табақага айланиб қолаверадилар.

Хуллас, беозор исломий панд-насиҳатлар билан жамиятни ўзгартириб бўладими, деган табиий савол туғилади. Жавоби қатъий — йўқ! Сиз тасаввур қилинг, жавонда китоб турибди. Уни биров ўқимаса, у нимага арзийди? Ўқиса ҳам, унда ёзилганларни қўлламасачи? Исломий одоб ҳам худди шунақа — гўзал садаф қутичага жамланган нодир жавоҳирлар. Улардан фойдаланилсагина жавоҳирларнинг мўъжизалари намоён

бўлади. Жамият тартибларида ана шундай солиҳ амалларга ўрин берилмоғи лозим.

... Туғилган қишлоғим — Тошқўрғон. Бу жойга мухбир сифатида борибман, ҳарбий бўлинманинг фаолияти билан танишиб юрибман. Аскарлар сафида қишлоқдаги болалар жуда кўп эмиш. Мен ташриф буюрган биринчи журналист эканман, саломларини, ташвишларини менга баён этаяптилар.

Баъзан тушлар ҳам чуқур мазмунли бўлади. Бугун шу туш қанотида уйғондим. Соат кўнғироғини интиқ бўлиб кутаётган эдим, узоқ тўриб қолишга тўғри келмади. Анча тартибга тушиб қолдим.

24-кун

5-25. Куз ниҳоятда қуруқ келди. Деярли бир томчи ҳам ёмғир ерни тўйдириб ёққани йўқ. Ўтган йил ғалла, шоли мўл бўлди, тирамода деҳқонлар барча қиштакорларини меъёрида пишириб, вақтида йиғиштириб олишди. Буни ҳам баъзи ўпкаси йўқ қаламкашлар «деҳқоннинг пешона тери»га йўйишди. (Яратган бермаса, олиб бўлсан!) Қуръонда эса бундай синоатлар, мўъжизалар Аллоҳнинг иродаси сифатида талқин этилади. Албатта, бу хулосани бутун борлиғимиз билан қувватлаймиз ва хом сут эмган бандаси шайтон васвасасига ниҳоятда мўртлигига таассуф билдирамиз. Улуғ китобда фаришта Иблиснинг саркашликлари кўп бора баён этилган. Хусусан, «Сод» сурасининг 73-85-оятларида у билан мунозара келтирилган. Энг оддий мулоҳаза билан фикр қилинса ҳам одамнинг ичида бир бузғунчи куч борлигини ҳис этиш қийин эмас. Муборак рўза кунлари хонада айланиб юрганимда ички бир куч сув ичишга, мева-чевалардан татиб кўришга ундайверади. Мен-да, шунда иблиснинг қўлтиғимга жойлашиб олиб, қутқу солаётганини сезаман. «Пири йўқ одамнинг пири — шайтон» деган гап бор. Бир ёруғ аъмолга эътиқоди бўлмаган, кўнгиш кулбасининг шаъми ўчган ёки бир умр ёруғлик кўрмаган одамлар-ку бутунлай шайтон измида бўладилар, шунингдек, нопок юрадиган, ҳалол-ҳаромни фарқламайдиган, ота-онаси бетайин кимсалар бутунлай шайтоннинг фуқароларидир. Бундайларнинг ҳатто сувни оқ деганида ҳам шубҳа билан қараш лозим.

Ҳар қандай ақлли одамни ҳам шайтон йўлдан оздириши мумкин. Бунга минглаб мисоллар бор. Бинобарин, шайтонга ёқадиган амалларга мубтало бўлган одам унинг мусиқасига ўйин тушадиган раққосага ўхшайди. Мана, ичимлик истеъмол қилгандаги ҳолатни эслаб кўрайлик. Каллага шунақа хаёллар келади, тил шунақа сўзлар ишлатади, оёқ шунақа йўлларга бошлайдики, хушёр бўлгач, ўзимизни танимай қоламиз. Фикр тиниқлашган бугунги кунда ана шундай баъзи қилиқларим учун ўзим ҳам пушаймонман.

Ҳа, дунё, айниқса, Фарб олимлари рўзанинг инсон вужуддаги ижобий таъсирини ўз тажрибалари орқали тасдиқлаб, унинг фойдасини тан олганлар, муолажа тури сифатида тавсия этганлар. Бу муборак амалнинг руҳият иқлимларини мусаффолаштиришдаги мўъжизалари ҳам бисёрдир. Қаранг, Аллоҳ бандаларига рўза тутишни ўзи учун фарз деб буюрган экан, яъни закот беришни, намоз, ҳаж — ўзингиз учун, рўзани эса Менинг учун адо этинг, деб амр қилган экан. Демак, Яратган мусулмонларга Ўзига аталган энг буюк неъматни раво кўрган экан. Динимизнинг устунлиги, афзаллиги ҳам шу қадарлидир.

17-35. Кўп нарсаларни башорат қилиш мумкин ва шундай қобилиятга эга кишиларнинг мўъжизаларига ишонмоқ керак. Зотан, жуда мукамал хилқат сифатида инсонга анна шундай имконият ато этилган. Қуръони карим оятларида «Биз сизга хабар бердик», «Биз сизни огоҳлантирдик» қабилдаги эслатишлар бот-бот такрорланиб турадики, бу орқали Аллоҳ одамда олдиндан сезиш, ҳис қилиш, башорат қилиш қобилияти мавжудлигига ишора қилади.

Қадимги китобларда авлиёларнинг фазилати роса баён қилинган. Жумладан, бундай улуғ зотлар тоза насслардан туғилиши, алоҳида хос тарбия кўриши, энг асосийси, ҳаром луқма истеъмол қилмасликлари алоҳида қайд қилинган. Бир мисқол ҳаром луқма ҳам томоққа тушса, нафас (ички кечинманинг овозда акс этиши) бузилар экан. Соф, ҳалол нарса истеъмол қилиш мумкин бўлмаган шароитда, мабодо, ўша нодир қобилият мавжуд бўлса ҳам, киши унинг ишораларини сезмаслиги мумкин. Кирланган кўзгуда эса борлиқ ола-чалпоқ акс этади: баъзан бўладиган воқеалар-

нинг хабари мавҳум, тушунарсиз, ҳатто тескари тарзда намоён бўлади. Ўзим баъзи кунларнинг буткул яхши бўлишини билганман, ишонганман. Шу куни яхши хабар эшитасиз, яхши одамларни кўрасиз, ишингиз ўнгидан келади. Худди шундай — баъзи кунлар буткул ёмон бўлади. Кайфият чатоқ, йўқ жойдан муаммо чиқиб келаверади, ишингиз юришмайди. Шунингдек, баъзи нарсаларнинг хабари олдиндан маълум бўлади. Фақат, кўпинча, уларни илғаш, тушуниш қийин кечади. Бу ҳолни, ўзимча, шайтонга эрк берганимдан, деб биламан. Юриш-туриш, турмуш тарзини ҳам ғуборлардан холи деб бўлмайди. Рамазон ойини қойим ўтказиб, шунга қаттиқ ишондимки, одам ўзини қўлга олиб тарбияласа, дунё асрорини тўла англайдиган даражадаги комилликка эришар экан.

Муҳим хулосаларимдан бири ана шундай!

25-кун

5-25. Шу кунгача бир маромда етганим учун Аллоҳга шукр. Ҳақиқатан, ҳаётимда янги кунлар бу кунлар. Бу дамларни заррача азият чекмай, ранж-алам сезмай ўтказдим — бу гапларимнинг асло ёлғони йўқ. Тўғри, тажанг бўлмаслик, ишда ким биландир адибадига бориб қолмаслик мумкин эмас, бироқ мен шундай ҳоллардан ҳам қочдим. Маошимни ноҳақ чегириб қолган «руководство»га ҳам заррача эътироз билдирмадим, ҳатто ранжиганимни сездирмадим. Ҳар қандай юлқинишга тайёр, олишиб чарчамайдиган оғалар эса ҳайрон: «Нега биз билан муҳорабага чиқмаяпти?» . Биламан, улар кўплаб ярамас далиллар тўплаб қўйган, шунчалик пасткашлик (қалам ҳақини ўчириб ташлаш)-ка бордими, шунга яраша бошқа пасткашликларни мўлжаллаб қўйган. Билъакс, ютқазмадим, барибир, виждон чалажон бўлса ҳам, булғаниб кетган бўлса ҳам ичда яшайди-ку: хижолат бўлишди, агар жиддий ён берсам, кечирим сўрашга, маошни қайтаришга ҳам рози эдилар, шунга ҳам йўл бермадим. Чўнтагим ҳам қуриб қолмади. Наманган ва Фарғонадан китобларимнинг пули келиб қолди.

Кайфиятни тарақ қилишга олиб борадиган бошқа турткилар бўлганда ҳам уларни четлаб ўтдим. Шуниси аниқки, ҳозир кўп одам бекорчи, ҳатто бедана уриш-

тириш, ошиқ ўйнашга ўхшаш эрмаги ҳам йўқ. Мабо-до, имкон берсанг, сен билан фронт очиб олади-да, ойлаб, йиллаб маҳкамлашиб юраверади. У вақтини мазмунли ўтказаетганидан хурсанд, сен эса бу «хурсандчилик»ка умринг, ҳаётинг билан товон тўлайсан.

Рўзанинг ана шундай бир фазилати — одамнинг ўзини ўзи авайлашига ундаши ҳам бир мўъжизадир. Шу билан ҳам саломатлигингни сақлайсан, ҳам ҳар қандай пасткашлар билан тенг бўлмай, обрўйингни юқори тутасан (чунки мени «рўза ойида шу тубанлар билан пачакилашаманми?» деган андиша тўсиб қолди), ҳам ўз виқорингни ушлаб, ғурурингни баланд тутишга одатланасан.

Рўза ойидаги жами мўъжизаларнинг бошини бу ойдаги ҳар бир куннинг — умрнинг беғубор тонгдан бошланишида, деб биламан. Ҳақиқатан, муболағасиз тонгда мислсиз сеҳр, айна мўъжиза бор экан. Бу пайтда айнан янги одамнинг туғилаётганидаги шовурни («шовур» деб бўлмайди, ундан майин, ундан ҳарир ҳолат) ҳис қиласиз: борлиқ пирпираб, жимирлаб туради, қандайдир мужда келаётгани дарахт шохларининг пичирлаб шитирлашида, юлдузлар титровида сезилади. Нафас чиқараётгандек туюлади замин ва ёруғликни қабул қилиб ола бошлайди. Ана шу жараёнда янги кун туғилади.

Бу кунларда жисмда — вужудда ҳам жиддий ислоҳот рўй бераркан.

6-10. Қуръони каримнинг буюклигига, унда барча саволларга жавоб ва жами сир-асрорларга ечим борлигига аниқ шаҳодат.

Юқорида ишхонадаги аҳвол ва унга ўз муносабатимни баён этган эдим. Ёзишни тугатиб, Қуръон қироятига ўтирдим, китоб ёнимда эди. Келиб қолган жойим — «Фуссилат» сурасини ўқий бошладим. У Маккада нозил бўлган, 54 оятдан иборат, муфассал баён қилинган, деган маънони билдиради. Дунёнинг фонийлиги, охирадаги абадий ҳаёт, бу дунёдаги ҳаётнинг бир сонияси ҳам изсиз кетмаслиги, инсон танасининг узлари гувоҳга ўтиши ҳақидаги эслатма, панднасихатлардан иборат. Унинг 34-оятда шундай дейилади (мазмуни):

— Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас, сиз

(ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф қилинг! (Шунда) бирдан, сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ дўстдек бўлиб қолур.

35-оятда фикр давом эттирилади:

— Унга фақат сабрли зотларгина эришурлар, унга фақат улуғ насиба эгасигина эришур.

Бу оятларни ўқиб, ҳайратим бошимдан ошди. Шунчалик ҳозиржавоб, кенг қамровли китоб бўлиши мумкинми? Мумкин экан, бу — Аллоҳнинг каломи экан. Ахир 45 минут олдин бошимдан ўтган худди шундай воқеани дарж этган эдим-ку. Унинг ажрини эса ҳозир ўқиб турибман. Ёзган-ўқиганларимни соати билан изчил қайд этганман (бунга Қуръони карим гувоҳ). Бундай мутаносиблик менга саҳрода сув сўраб турганда оёғинг остидан булоқ чиққан мўъжиза янглиф қаттиқ таъсир этди.

26-кун

5-25. Рамазон ойининг фарахбахш дамлари етиб келди, менимча. Бир томондан муборак ҳайит кунининг яқинлашаётганидан хурсандчилик, иккинчи томондан, шундай ҳосиятли, файзли айёмнинг тугаб бораётганидан маълумлик билан мусулмонлар ҳар бир дақиқани қаршилашмоқда. Воқеан, бугундан бошлаб «Лайлат-ул қадр» — «Қадр туни» юз оча бошлайди: худди шу фурсатларда милодий 609-10 йилларда Макка атрофидаги Хиро тоғидаги ғорда Рамазон ойини ўтказаётган, «таханнус» ибодати билан машғул бўлган Муҳаммад (а.с.)га «Ўқи» деган нидо келади ва фаришта Жаброил орқали «Алақ» сурасининг биринчи 5 ояти етказилади. Бу оннинг (кечанинг) фазилати ҳақида 97-«Қадр» сурасида шундай дейилади: «3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир»...

Рўздорлик асносида ислом тарихига доир бир неча китобларни мутолаа қилиш имкони туғилди. Булар, аввало, Қуръони карим мазмунининг ўзбекча таржимаси, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қатор китоблари, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам тўғрисидаги асарлар эди. Уларда жамланган мазмунлар кишини маънан ва руҳан жуда улғайтиради. Кимки улардан баҳраманд бўлмас экан, қадини кўтара олмай, кўкраги билан

ерга қапишиб юраверади. Балки кўп масалалардаги ожизлигимиз шу — ўқимаслик туфайлидир.

Қадр туни олдидан барча яхшиликлар учун шукрона айтиб, яна келгуси йилларда шу муборак айёмларни тўрт кўз тугал, шод-хуррамликда кутиб олиш насиб этишини Яратгандан сўраб қоламан.

27-кун

3-45. Мўъжиза кутилган кун — чиндан мўъжиза рўй берибди — қор ёғибди!

Лайлатул қадр ҳақида болаликдан биламиз. Ўша таъқиқ замонларида ҳам ота-оналаримиз Рамазон ойида бир кунни алоҳида ҳаяжон билан кутар эдилар. Дастлаб гўдакларча тасаввурда бу дамлар «Лайлак келадиган пайт» тариқасида муҳрланган. Кейинчалик мазмун теранроқ тушунтирилган: шу кечаси осмондан ерга шуъла тушади. Ким ўша шуълани кўрса, ўша пайтдаги ҳар қандай тилаги ижобат бўлади. Ҳатто ўтирган ёғоч курсисини ушлаб, тиллага айланиб қолишини сўраса ҳам истак амалга ошади. Табиий, сўнгра ҳар кимнинг аталган орзуси шакланган. Исломиий маданият руҳида тарбияланган оилаларда бундай нурафшон одатлар минг йиллар силсиласига уланиб кетган бўлган.

Бу муборак кунга эрталабдан ўзимни тайёрладим. Асосан, мутолаа, хусусан, Қуръони карим маъноларининг таржимасини ўқидим. Шу куни «Шўро», «Зухруф», «Духон», «Жосия», «Аҳқоф», «Муҳаммад», «Фатҳ», «Қоф» сураларида Аллоҳ каломи билан учрашув насиб этди. Жумладан, «Духон» сураси шундай бошланади: «1. Ҳо. Мим. 2. Аниқ Китоб (Қуръон)га қасамки, 3. Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик. Дарҳақиқат, Биз огоҳлантирувчидирмиз...»

Агар хотирам панд бермаса, бутун китоб давомида бундай қайд учрамаган эди, уни 44-сурада, айнан «Лайлатул қадр» бошланадиган кунда ўқишим ҳам менга бир илтифот — Қуръоннинг буюклигига яна бир далил бўлиб туюлди.

Албатта, ҳар бир инсон улуғ ниятлар билан яшайди, балки бу ниятлар ҳамманинг ўзига мос бўлур. («Туя ҳаммомни орзу қилибди» деган гап ҳам бор). Пок ниятли одамларнинг истаги тинчлик, фаровонлик, соғсаломатликдан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?! Ни-

ятлар эса доим ижобат бўлавермайди. Ҳа, инсонга чексиз ҳаёл ато этилган ва чекланган имконият берилган. «Имконият эса, — менинг шахсий хулосам шундай, — ҳар кимнинг ҳаракатидан зиёд бўлмайди». «Бўйингдан баланд сакрай олмайсан», деган гап рост. Қадр тунида ҳам инъомлар, мўъжизалар ҳаммага кўри-навермас экан. Хусусан, кутган одамга эмас, ғофил бир бандага нимадир воқеъ бўлиши мумкин экан. Яна муфассирлар тасодифий инъомнинг хосиятига икки-ланиб қараганлар, негаки, у бехос фитналарга сабаб бўлиши мумкин экан. (Ёдимга Қаршида ишлаганимда сотиб олган машинам, уни ушлаб қололмаганим тушиб кетди). Бироқ мўъжизаларга, илтифотларга кўз тутиб яшаш керак. Дунёнинг сирлилиги, яшашнинг қизиқ-лиги ҳам шундай нуқталарда билинади-да. Ҳатто инсон моҳиятининг бир қирраси — у ўзига қанчалик бино қўймасин, Аллоҳ, унинг бир инояти олдида заиф, ожиз экани, кўринмас бир лутфни кутиб, унга сифиниб яшаши ҳам шу ўринда намоён бўлади.

«Пайғамбарларнинг ҳар бирига бир мўъжиза ато этдик ва бу мўъжизаларнинг даражасини ошириб бордик» мазмунидаги оятлар бор Қуръонда. Демак, Муҳаммад алайҳиссалом сўнгги пайғамбар саналсалар, Қуръони карим ҳам сўнгги мўъжиза ҳисобланади. Агар мўъжизалар (масалан, Мусога — сеҳргарлик, Сулаймонга — қушлар, ҳайвонлар билан гаплашиш, жинларга ҳукмдорлик, Исога — ўликларни тирилтириш каби) ошириб берилган бўлса, Қуръон (китоб) энг сўнгги, буюк мўъжизадир. Одамзотга ато этилган буюк мўъжиза — Аллоҳнинг бандаларига инъом этган энг буюк тухфаси — Қуръони карим (китоб)нинг биринчи жумласи ерга етиб келган айёмда энг юксак орзуларни дилга жойлайлик: «Эй, Аллоҳим! Сен Ўзинг марҳаматлисан. Авф сўрашни ёқтирасан. Авфларимизни, тавбаларимизни қабул қилгин. Амалга ошмаган эзгу ниятларимизга Ўзинг етказгин!».

Агар ниятлар, орзулар ҳақида гап кетса, улар худди том бошига қўниб олган кабутарлардек кўп, бироқ бирини тилга олсанг, қолганлари қанот қоқиб учиб кетади. Қайси бирини тутиб қола оласан — тилга чиқарасан?! Булар — шахсий ҳаётда навбатини кутиб ётган режалар — китоблар чиқариш, янги гўзал нар-

салар ёзиш, Ҳаж сафари, машина сотиб олиш, дунё бўйлаб саёҳатга чиқиш, тил ўрганиш... Хуллас, юрагимда минглаб орзуларим бор. Уларнинг навбати билан амалга ошишида Ўзинг куч-қувват ва умр бер, Аллоҳим!

Бугун улуғвор бир кун. Бугун инсониятнинг эзгу бир тилаги ушалган кун. Зеро, ўша дамлар шукуҳига ишониб, суяниб, сифиниб сўралган эзгу тилаклар ҳам ижобат бўлғусидир.

28-кун

10-55. Кеча туни билан ва тушдан кейин ёққан қор ерни қалин қоплаб олган. Йўллар сирпанчиқ, ҳаво совуқ.

Газетани тайёрлаб, соат 24 га яқин уйга келдим. Қулоқларим совуқдан қизариб кетган, бош ҳам қизийди. Узоқ вақт ухлолмадим, туриб сигарет чекдим. Эрталаб 10 да замонавий (бу сўзни замондан омади келган, замон йўриқларидан самарали фойдаланиб, яйраб яшаётган одам маъносида ишлатаяпман) жаноблардан бири телефон қилиб, уйғотиб юборди. Бирданига, тушдан сўнг Москвага учайлик, 3 кун яйраб келамиз, улбул олиб келиб сотамиз, дейди. Албатта, менинг бирдан жўнаб кетишим эҳтимолдан узоқ, у бу маълумотни ўзининг салб юришлари (дадил, фойдали, пултопар ҳаракатлари)дан мени бохабар қилиб қўйиш учун айтгандир. «Кичкина келин қандай? Фарзанд кўрдими?» деган сўроқларимга ҳам қайта-қайта «Ҳаммаси яхши» деб жавоб берди. Ростининг шодонлиги, хурсандлиги, кўнглининг тўқлиги, ўқтамлигига ҳавасим келди.

Қадр тунининг шавқи билан тунов куни ишхонага бордим, оёғим остидаги оппоқ қорни бу айёмнинг умидвор бадаларига Яратганнинг инояти, туҳфаси деб билиб, яна ҳайратландим. Бироқ менинг мутаассир ҳолатимга зид равишда бошқалар бепарво эди. 60 дан ошган мусахҳиҳ ғулдираб нималардир дейди, имкон топди дегунча қизчаларнинг сочини силайди. «Бобо» деса жаҳли чиқади. Бошқа аҳли мардум ҳам ташвишлар билан овора. Оқшом ифторлик қилишга тушсам, мусахҳиҳ улфати билан майхона тубига макон айлаб, яримгани майдалаб ўтиришибди... .

Аввало, соғ-омон шу кунларга етдим, Худога шукр. Албатта, ҳеч ким дунёда биров учун яшамайди ва охи-ратда биров учун жавоб бермайди — шу ҳолат Куръо-ни қаримда жуда кўп тақрорланган экан. Аммо қал-бингиз эзгуликка ошно бўлгач, ҳаммининг, бутун дунёнинг тоза, мусаффо бўлишини дилдан истаб қолар экансиз. Эътибор берсангиз, бир тоифа нуқул ҳаёт-даги нуқсонлардан нолийверади (бошқа тоифа эса бу ҳақда миқ этмайди). Ўша изтиробда яшаётган одам-ларнинг гапига қулоқ тутиш керак. Улар дил кўзгуси ойдин, эзгуликка ошно одамлар бўларкан. Дунёнинг тиниқ ёки лойқалиги ҳар бир томчининг тиниқ ёки лойқалигига боғлиқ эмасми? Аниқки, тиниқ томчилар босим бўлса, ўзанда тиниқ дарё оқади. Ва, аксинча. Ўзи тиниқ бўлиб, лойқа оқимга қўшила олмай турган-лар, қўшилишдан ор қилаётганлар нидо берар экан-лар... .

Ҳаёт эса жуда чалкаш ва мураккаб тузилган. Бу менинг эмас, икки олам асрорини эгаллаб, тафаккур кучи билан дунёни кашф этишга жаҳд қилган ва охи-рида кутилмаган натижаларга дуч бўлган авлиёлар-нинг хулосаси. Бутун умр сажда қилиб дўзахга, ибодатнинг кўчасидан ҳам ўтмай жаннатга ноил бўлиш мумкинлигидан ривоятлару ҳикоятлар хабар беради.

Бир куннинг мантиғини баҳолаб кўрайлик. Соғлиқ учун зарар деб талқин қилинган сигарет асабларга хордиқ беради ва уйқу келади. Жудаям фаришта бўлмаган, рўзани-ю намозни билмайдиган, шунинг-дек, ёлғондан, бировнинг ҳақидан парҳез қилмайдиган одам дунёда барча орзулари амалга ошиб яшайди. Охи-рати яқин қолган чол тийилмайди ва шу эркинлиги-дан завқ олиб, яна ҳам узоқ кун кўради. Мана, ҳаёт манзаралари. Балки ҳаётнинг ҳаётлиги мана шу зид-диятларда, мана шу аниқланмаган сирдадир.

Лекин, нима бўлганда ҳам, ҳаётда яшаш омили си-фатида битта қуролнинг, битта имкониятнинг кўпли-гига нима етсин! Тоат-ибодат орқали орттирилган ру-ҳий, маънавий куч шундай имконга эга бўлмаганларга нисбатан сизни юксакроққа кўтариб қўймайдими, сизга кўпроқ қудрат ато этмайдими? Одамларнинг бир-би-ридан фарқи, баланд, пастлиги ана шунда бўлса ке-рак! Валлоҳу аълам биссаваб!

29-кун

5-40. Дилда ва тилда шу кунларга етиб келганимизнинг шукронаси. Зеро, бир бахтли тасодиф — бир олижаноб қалб эгасининг даъвати билан ҳазилчаки бошланган амалнинг бутун вужуд — 360 суяқдан, 960 томирдан (қайсидир шеърнинг муболағасида айтилганидек) тузилган ва шунча ранг-баранг лашкарларни бирлаштирган қўшин — танада эътироф этиб, тан олдириб, бўйсундириб, унинг амрини ижро этишга бошида унча ишонмаган эдим. Йўқ, Худо сабр берса, куч-қудрат ато этса, ҳаммаси бўлар экан.

Бу сафарги саҳарлик ҳам жуда лаззатли бўлди. Оппоқ макаронларни ёғда қовурдим-да, зира, туз, тоmat, қайнатма шўрвадан қолган гўшт, шолғом, сабзиларни қўшиб, қайнатиб димладим. Това тўлиб пишди, кўплигини кўриб еёлмасам керак, деб ўйлаган эдим, бироқ шунчалик тотли чиқибдики, хаш-паш дегунча, совушига ҳам улгурмай паққос туширдим.

Бир нашрда очлик билан даволанишни йўлга қўйган Фарб олимларининг тажрибаси ҳақида ўқиган эдим. Улар 28 кун ёки 38 кунгача рўза буюрар экан. 28 кунни ўзимча 7 кундан иборат 4 ҳафта деб тушундим (7 рақами ҳам, 4 рақами ҳам сирли). Бу муддат бежиз бўлмаса керак. Ўзимда шу давр ўтгач, кузатилган ўзгариш шу бўлдики, назаримда, ошқозон тўла тозариб, янги цикл билан ишлай бошлади. Тиниқиш, бадандаги тозаринишлар поёнига етди. Уйқу, уйғониш муддатлари барқарорлашди. Вужуднинг янги озуқа билан ишлаётганиданми, чарчоқ аломатлари сезила бошлади: кеча ва бугун саҳарликка туришда бир оз тайсалаш билинди. Тўғриси айтганда эса рўза тутиш кўпам байрамона машғулот эмас (шунданми, атрофимизда тақвадорлар унчалик кўп эмас, саҳарликка туриб қарасам, баланд уйларнинг чироғи кам ёнади — саҳарлик қилувчилар оз, айти ифторлик фурсатларида кўчада болалар пақиллатишни авж олдиришади. Жума куни эрталаб метродан чиқсам, 60 ёшларга бориб қолган ўзбек мардум маст бўлиб, кўчанинг юзида юрибди. У (рўза) кишидан анчагина ирода талаб қилади. Унинг қийноқлари ҳам етарли (қадимги Арабистонда ёз кунлари одамлар рўза тутиб, ҳам ишлаб, хушдан кетиб қолишларини ўқиган

эдим). Фақат ихлос қилган одамгина бу синовларни энгиб ўта оларкан.

Шунингдек, рўза тутиш, бу — мажбурий очлик қийноғига солиш эмас, рўзанинг одобида оғиз ёпишдан очишгача дуолар ўқиб, ўзини тутиб юриш тайинланган. Ана шундай латифлик, ҳалимлик кун давомида кишига сингиб, ажиб бир латофат, фасоҳат пайдо қилади. Бир ой давомида кўплаб яхши қилиқлар одатта айланиб улгуради. Қийнаб, мажбурий очликка гирифтор қилинганда эса дарғазаблиқдан баданда ёқимсиз чирклар пайдо бўлиб, феъл-атворга ҳам, соғлиққа ҳам тескари таъсир кўрсатади. Рўзада ошқозон, меъда заифликлари ўзини тиклаб олса, мажбурий очликда бундай яралар очилиб кетади... Гўёки бири — асал, бири — заҳар, лекин иккаласи ҳам бир хил кўринишда.

Ҳа, ниятнинг эзгулиги, холислиги, эътиқоднинг Аллоҳга қаратилгани заҳарни асалга айлантиради.

Маълум бўладики, очликнинг ҳам ўз жиддий фалсафаси бор. Ташқи аломат шуки, кишининг ҳолсизланиши унинг моддий имкониятларини чеклаб бораверади. Бу жараён изчил давом этаверса, ботиний — руҳий ҳолсизланишга ҳам олиб келиши мумкин. Борлиқдаги баъзи ижтимоий ҳолатлар муттасил очликка гирифтор қилиш одамни синдириш, қайириб олишнинг синалган усули эканини тасдиқлайди.

Шу кунларда олам оппоқ либос кўйнида. Уни иссиқ хонадан туриб кузатсангиз, у анчайин ҳарир, беғубор кўринади. Деразани очишингиз билан эса кўринмас ниналар ёпирилиб келиб, чимчилай бошлайди.

Ҳаёт мана шундай қарама-қарши қутблар орасидан ўтган ўзанда давом этаверар экан!

30-кун

5-00. Ҳаво совуқ, уч кундирки, асфальт йўлдаги қор тешилгани йўқ. Эрталаб телпаксиз чиққан эканман, роса таъзирымни едим. Тошкентда қишнинг бунчалик қаҳрига олиши кам кузатилади. Билмадим, ёзда қиш забтини бутунлай унутиб юборамизми (ювиб юборамизми), ўзим ҳам бунчалик совуқни эслай олмайман. Ана шундай кунга гувоҳ бўлган қуёш ботиш олдидан чарақлаб кетди — уфқда заррача ҳам гард — ғубор йўқ эди. Офтоб оташбони ерга ҳароратни кўпроқ

етказиб берай, деб роса тер тўкканми, қип-қизариб кетган эди. Кун ботиш манзараси нақадар сирли, ўйчан. Ёнламасига ёйилиб кетган қирмиз майсазорда олтин тўп аста пилдираб борди-да, майдон четига чиқиб кетди. Куёш дунёни одамларга топшириб, ётовига беркинди. Бу манзарани балконда дераза орқали кузатиб турар эканман, ботиндан бир хўрсиниш келди. Лаблар беихтиёр пичирлади: «Бу кун ҳам ўтди».

Бу кун Рамазон ҳайити арафасидаги кичик арафа эди. Бугун эса арафа, эртага — ҳайит! Бир ой давом этган кўнгул байрами шу тахлит поёнига етиб бормоқда. Назаримда, бу бир ой анча муфассал ва узоқ давом этди. Бу кунларни ҳаётимда биринчи марта ўзгача масъулият, ҳаяжон, интиқлик билан ўтказдим. Бу кунларнинг ҳар бири такрорланмас, шукуҳли эди ва ҳар бир кун қандайдир ёқимли хабар олиб келди. Шунинг учун ҳам бу давр хушёқар бир кайфият сифатида зехнимда яхлит ўрнашиб қолди. Албатта, бундай гўзал фасл билан хайрлашиш қийин эди, уни кузатар эканман, тез ўтиб кетганидан афсусланиб, дилимда бир соғинч билан қолдим.

Қуръони каримда Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандаларинигина ҳидоят йўлига бошлаши кўп марта такрорланган. Мени ҳам тақдир шундай тухфа билан ёрлақанидан бахтиёрман. Бир ойни асло қийналмай, азият чекмай, шодлик ва чуқур ихлос билан ўтказдим. Ва сездимки, (қайта такрорлайман) «икки кўзли бир қоп гўшт» (Соҳибқирон бобомиз ҳазрат Амир Темур ибораси) ҳисобланмиш инсон зурриёди учун бундай амаллар ҳаво билан сувдек зарур экан. Билъакс, унинг тўрт оёқли махлуқдан нима фарқи бор? Боз устига у икки оёғини (яъни — қўлини) ердан узиб олган ва кўпроқ хавфли бўлиб қолган. Ана шу пўртанани, вайрон этувчи кучни жиловлаб туриш учун чайир ип — тоат-ибодат керак экан. Бу ип — чеклаш асло инсонни имкониятлардан маҳрум этмайди, балки ўша бузувчи, вайрон этувчи характер касб этиши мумкин бўлган кучни тузишга, бунёд этишга йўналтиради. Дунё эса тузиш, қуриш билан собитдир.

Яна мўъжиза шундаки, рўзадорлик билан одамда бирор моддий ўзгариш содир бўлмайди: унинг бармоқлари кўпайиб, бўйи ўсиб ёки тиши янгидан чиқиб

қолмайди, аммо шу ўзгармаган вужуд билан одам янги бир одам сифатида ўзини кашф этади. Ҳеч муболағасиз, бир ой Рамазондан кейин одам ўзгаради, албатта, яхши томонга ўзгаради...

Мен, ҳар ҳолда, ақлим тўлишган бир фаслда шу амални адо этдим. Ўзимдаги ўзгаришларни, янгиликларни сонияма-сония кўриб, ҳис этиб турдим. Қоғозга туширганларим эса тошқин бир дарёдан кафтимида олиб қололганим, холос. Умид қиламанки, бу дарёнинг мавжи узоқ йиллар ҳаёт чаманининг майсаларига жон бағишлаб туради.

Эртага ер шаридаги бир ярим миллиард мусулмонлар байрам қилади. Уларнинг сафида борлигимдан бағоят мамнунман.

* * *

18-25. Шундай қилиб, Рамазон ойи ҳам тугади. Ҳозиргина охири ифторлик дастурхонидан турдим. Одатда, бирор маърака тугаса, энди нима қиламиз, деганга ўхшаш сўроқ пайдо бўлади. Хўш, энди нима қиламиз? Энди ... кутамиз. Албатта, ҳаёт тўхтаб қолмайди, у азалий оқимида давом этаверади. Демак, бизнинг кичкина қайғимиз ҳам шу оқимда сузиб кетаяверади. Шундай экан, гап бу ўринда ҳозиргача, ҳозир ва бундан кейин — уч мезон билан баҳоланадиган шахсий ўзлик ҳақида кетаяпти. Негаки, қўлга зирапча ҳам бесабаб кирмайди, деганларидек, таржимаи ҳолда ҳам ҳеч нарса беиз кетмайди.

Бу йилги Рамазон ойи мен учун ажойиб тўхфа бўлди. Ҳатто, махсус тайёрланиб ҳам бир ойлик умрни бунчалик мазмунли, сермаҳсул ўтказиш мумкин бўлмаса керак. Моҳир уста оддий теша билан мўъжизалар яратиши мумкин бўлганидек, имкониятимизда, ҳисобимизда мўъжиза яратишга арзийдиган қудратлар, салоҳиятлар кўплигига яна бир бор ишондим. Дунё сирларини билишга киришиб кетган инсон, ҳолбуки, ўзини ҳам яхши билмас экан, ҳатто, яхши билмай ўтиб кетиши мумкин экан. Балки ўзни билишга тўла эришиб бўлмас, ҳеч қуриса шу йўлда саъй-ҳаракат қилиб, тайёр йўл-йўриқлардан фойдаланса, уларга мурожаат этса ҳам кўп нарса ютиши мумкин экан. Зеро, рўза тутиш ҳам кеча фарз бўлган эмас, рўза

тутувчилар ҳам космонавтлар сингари камёб эмас. Неча юз йиллардан буён давом этиб келаётган бу амалда ҳар ким бир ҳикмат туйган, балки ўзини топган, кашф этган. Ана шу маънавий неъматдан баҳрамандалик дилда қониқиш уйғотади. Табиат, ҳали яшаб турган мўъжаз дунёмизда дохил бўлмаган, ўйлаб ҳам кўрмаган мўъжизалар, армуғонлар кўп. Уларга муяссар бўлишни ҳам Аллоҳ таоло амр этган бўлсин.

Остонада одатдаги ҳаёт тарзи пойлаб турибди. Уни баъзан эски тегирмонга, балки сершовқин дарёга қиёслаганлар. Ҳаммо қатори биз ҳам унинг ройишларига тушиб, умргузаронлик қилишда давом этамиз. Фақат яхши кунларнинг соғинчи кўнгилда бедор кезади.

Яна муборак айёмларда қайта-қайта кўришгунча!

2002 йил, 6 ноябр — 5 декабр

АЛВОН ШАФАҚ СОЯСИ

ПАРДА ОРТИДАГИ ҲАЁТ

1. Унвонсиз одам

Шўро тузуми даврида Чори Вайисов тракторчи бўлиб 38 йил ишлагани. Лекин у ҳатто «Фахрий ёрлик» билан ҳам мукофотланмаган.

* * *

«Оқ буғдойнинг онаси — қора тупроқ», дейдилар. Дастурхонга тортилган бўрсилдоқ нон илинжида иштаҳа ҳакалак отиб турса, олисдаги буғдойзорни ким эслайди? Хамир зуваласига қоришиб кетган қадоқ қўллар заҳмати-чи? Қиш чилласида музлаган темирга қалб ҳароратини бағишлаб, тракторни ҳаракатга келтирган — ўша, саратон жазирамасида ҳатто металлнинг иссиқликдан кенгайиш коэффициентини ҳам торлик қилиб, двигатель оёқ тираганда чўнг елкасини ташвишларга тутиб берган — ўша, тер тўкиб, ернинг шўрини ювган, хуллас, тош устида гул ундирган — ўша! Ҳазор бор офаринлар бўлсин, ўшанга — бобо деҳқонга! Бироқ эҳтирослар таъсирида жунбушга келиб, «Балли!!!» дея ҳайқириш бошқа экан, ўша камтар, камсуқум зотни тавоб қилиб, қалбига яқин самимий сўзни ўрнида топиб айтиш бошқа экан. Яна «Игна билан битадиган ишга белкурак олиб чопма» деб эслатадилар. Кимнингдир «Кўнгил дафтари»да «Инсон кўнгли гулдан нозик. Кеча менга бир қатим ип керак эди, бермадинг — кўнглимни қолдирдинг. Энди бу кўнглини олтин тоғ ҳада қилиб ҳам овлай олмайсан», деб ёзилганини ўқиган эдим.

Ишлаган одам меҳнатини ҳам кўрсата олсин экан. Ахир бизда кўкракка уриб мақтанса бўладиган мажлислар камми? Кўплаб йиғилишларда муҳокама қилинадиган масаланинг ўзи йўқлигидан даҳанаки жанг авж олади. Шунда залнинг салобатидан чўчимай минбарга чиқсанг-да, ёз бўйи қилган меҳнатингдан, қиш-

да тортган захматингдан тўлиб-тошиб гапирсанг. Гапирсанг, деҳқонча дўворлик ва соддалик билан дангалига, сомеъ халқ нима дер экан? Йўқ, азалдан ишга уста бўлган одам гапга уста бўлмаган. Иш билан сўз — икки олам, кўпинча булар бир-бирини рад этади. Қарда гап кўпайса, ўша ерда ишга путур этади. Баъзан бажарилмаган юмушларни хаспўлаш учун чиройли гаплар ўйлаб топадилар. Қилинмаган ишларнинг манфур қиёфасини шиорларнинг қизил алвони ортига яширадилар. Меҳнаткаш халқ номидан минбарларга чиқиб жарангдор нутқлар ирод этадиганлар баъзан халққа хос бир фазилатни — рост сўзлашни унутадилар. «Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин, сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун?» деган шоирни ростгўйлиги учун халқи севади.

Чори бобога бирон марта мажлисларда чиқиб сўзлаш тўғри келмаган. Ҳеч ким таклиф ҳам қилмаган, ўзи ҳам хоҳламаган. Рост, унинг мажлисларга қатнашиш учун вақти бўлган эмас. Иш деди, меҳнатнинг баридан маҳкам тутди. Унинг содда, деҳқоний тарбияси барча саодатларнинг калити — меҳнатда, деган азалий ақида руҳида камол топган эди. Ота-онадан, атрофдаги ҳамма одамдан меҳнат бўйи анқирди, мана шу бўй уни улғайтирди. Хўжарайҳон йигитларининг қаторига қўшди. У ўн панжасини ерга ботириб, тиришиб-тирмашиб меҳнат қилди. У меҳнат орқасидаги ҳузур-ҳаловатни, маишатни билмас эди, чунки унинг йўли бирон марта ҳам бу салқин, хушҳаво гулшанга тушмади. Лекин дунёнинг ишлари зиддиятли. Одамлар «Меҳнат қилиб бой бўлса, хўкиз бой бўларди. Хўкиз бўлма — жонингнинг ҳам қадрига ет» деган мақолни ижод қилишди. Бу мақол яқинда таомилга кирган бўлса керак, чунки унда бизга яқин замондош бўлган кишиларнинг пухталиги, воқеликни «танқидий баҳолай олиш» қобилиятлари бўртиб турибди. Чори бобо эса бундай мушоҳададан йироқ, ташвишларга заранг елкасини тираган одам сўнгги усулдаги бундай мулоҳазакорликни сиғдира олмайди.

— Кучим бор, ишлагим келади. Кўнгил қаримайди, жоним бачам.

Бу жиҳатдан уни 80-йилларнинг ёшларига қиёслаб бўлмайди. Бўлим бошқарувчиси трактор паркига ишга

келган ёшлар нукул енгил транспорт тракторларига ўчлигини, занжирли тракторларга яқин йўламаслигини таассуф билан билдирди. Чори бобо эса ерларни гумбурлатиб ларзага солиб юрувчи ҳайдов тракторларидан ажрала олмайди. Шундай трактор кабинасида «Ялама ёрим»ни бақириб айтган, шундай тракторда ёш қаллиғини сайрга олиб чиққан. Унинг ўриндиқларида ёшлиги, йигитлиги қолди чолнинг.

Бу одамнинг дарагини менга қўлигул уста йигитлардан бири айтди. Аслида унинг металлга ишлов беришдаги нафис ҳаракатларини кузатиб, бу ҳунар поэтикасини кашф қилиш, оҳангарнинг сеҳрли бармоқлари сирини билиб олишга рағбатим бор эди. У эса мана шу ерда бирга ишлаётган, бутун бўйи билан меҳнатга кўмилиб қолган, бир ҳокисор одам бор, деб Чори бобонинг номини тилга олди, уни «менинг ҳам устозим», деб атади.

Бу мавзу қалбимга яқин эди. Ўзим ҳам умр бўйи тинимсиз меҳнат қилган, бироқ кучдан қолиб, сафдан чиққач, бутунлай унутилган кўп одамларни биламан. Уларнинг бири белининг пастидан жонсиз бўлиб, тўшакка абадий миҳланиб қолган бўлса, бири кўзидан ажралиб, тирик товон бўлиб ўтирибди. Дунёда кулфатнинг тури кўп, уни бир рўйхатга сиғдириш қийин, бироқ ёрдамга муҳтож бўлиб қолган бундай кишилар унчалик кўп эмас. Таассуфки, ана шундай бармоқ билан санарли одамлар ҳам баъзан назардан четда қолади. Уларни байрамларда, тўйларда йўқлаш, ўчган дил чироғини ёқиш ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмайди. Бу ҳолни баъзи мутасаддиларга айтсанг, «Ишлаган бўлса — ойлигини олган, энди нафақасини олиб турибди» деб тошбағирлик билан жавоб беришади. Агар ҳамма гап фақат ойлик, нафақа билан битганда эди, одам фақат ошқозон билан туғилиши керак эди. Ахир инсоннинг қалби, туйғулари, хотиралари-чи? Қўмсаб турган одамнингнинг бир оғиз сўзи, дийдори қайси пул билан ўлчанади?

Бу масаланинг одамгарчилик томонлари эди. Иккинчидан эса Чори бобонинг механизатор эканлиги диққатимни тортди. Келажак техника асри бўлади, деб башорат қилинмоқда. Барча соҳада юмушларни кўпроқ механизация гарданига юклагандагина юқори унум-

дорликни таъминлаш мумкин эканлигини ҳаёт кўрса-тиб турибди. Ҳали бизда техникани бошқарадиган роботлар тизими тўла жорий этилмаган экан, ҳамма нарсани механизаторлар ҳал қилади. Хўш, уларнинг иш шароитлари қандай, меҳнати тўла қадрланаяптими? Шунда кўз олдимга турли техника воситалари уюми ичида куймаланиб юрган одамлар келди. Улар анча афтодаҳол туюлди. «Гараж» ёки «машина-трактор парки» деб аталадиган жойда гарчи йил бўйи иш тинмас-да, ҳар доим қозон қайнавермайди. Дам олиш хоналари, иссиқ сув, ҳаммом ҳақида фақат орзу қилиш мумкин. Қиш кунлари синиқ деразалардан совуқ шамол увиллайди, ҳовли — лой, машиналар қор уюмлари остига кўмилган. Дала ишларини механизациялаштириш механизаторнинг масъулиятини янада ошириш демақдир. Ўз-ўзидан кўриниб турибди, техника жилворкорининг юмушлари бир неча чандон ортади, у гарданидаги топшириқлари яна ҳам сидқидилдан, яна ҳам ҳафсала билан бажариши керак. Хўш, ҳозирги манзарада, ярим юпун аҳволда қайта қуриш талабларига жавоб бериб бўладими? Бунинг устига Чори Вайисов каби бу соҳа «пир»ларининг аҳволи шунчалик ночор бўлса?!

Чори бобо ўз аҳволдан асло нолимас эди. У бепоян кенгликлар бағрида вояга етган одамларнинг вакили, шикоят қилишни, озгина қабартириб айтсак, кўз ёш тўкишни ор биларди Бобо ўз шевасида суҳбатдошига «бачам» деб мурожаат қилар, бу сўз ёқмаганини сезса, «жоним» деб юмшатар эди. «Кўнгли ёшлиги»нинг рамзи сифатида бўлса керак, соқол қўймаган, шунингдек, оппоқ кумуш ияклари тарашланмаган ҳам эди. Агар янглишмасам, менинг билишимча, жуда кўплаб ялангдаврон қишлоқ одамлари биров қисталанг қилмаса, соқол олдириш учун махсус сартарошхонага боришмайди. Соқол соч билан бирга жуда тез деганда бир ойда бир марта арчилган тухумдек қилиб тарашланади. Энди бу ерда ишдан ортмаслик эмас, ҳафсаласизлик панд беради. Режимсиз, меъёрсиз меҳнат тарзи одамлардаги ҳар қандай завқни, ҳафсалани ҳам тизгинлаб қўяр экан. Ёки кўпинча лугатимизда «ҳаммом» деган сўз учрайвермайди. Ювиниш, ҳаммомга тушиш анчайин ортиқча даҳмаза, зерикарли машғу-

лотдек туюлади. Ахир қишлоғингда чиннидек тоза, буғи қайноқ, киройи ҳаммом бўлмагач, уни орзу қилмасанг ҳам бўлади-да. Мабодо, Чори бободан ана шундай «маданий қилиқларингиз борми?» деб сўрасангиз сиздан астойдил хафа бўлади, чунки бундай кишилар ўз қадрини билади, ўз шаънини жуда баланд тутати. Ахир улар эл ташвиши, юрт вами деб гўзал оромгоҳлардан узоқлашиб кетмадиларми? Чори бобонинг бошидаги қишда ҳам ёзда, кеча-ю кундуз қадрдони бўлиб қолган уринганроқ телпаги, ёққа ботган пинжаги-ю рангини йўқотган чалвори ҳар қандай фароғатдан афзал. Биров шуларни ҳам унга кўп кўрмаса бўлгани.

Бобо — болажон одам. Тўққиз фарзанди бор, шуларнинг олти нафари ўғил. Ўғилларнинг бешовлари ота изидан кетди.

— Уларга ўзим қўманда, — дейди бобо қувлик билан, — ҳаммасини қиличдек қарсиллатиб олдимга соламан-да, энг охирида ўзим далага йўл оламан.

Бобо йигитликнинг тизгинсиз қувватига тўлган пайтларини, ишлаб дам олиб, ишлаганларини қувониб эслайди, шу чоқ унинг кўзларида шуъла порлайди, қалбида ҳали ўчмаган йигитлик чўғи ёлқинланади. «Ёш кетган бўлса ҳам кўнгил навқирон, кучим бор, ишлагим келади», дейди юракдан чиқариб.

— Болта бригадир 7 бўз йигитни ҳашарга айтди, — эслаб қолди чол, — 70 гектар ери бор экан, кечқурун дизелни қўшдик. Шу кеча ерни ҳайдаб бердик, бир қўйини сўйиб ҳам едик.

Бободан ўсмоқчилаб сўрадим:

— Енгил машина борми?

Унинг ҳайратдан оғзи катта очилди, тишсиз милкларни орасидан «А-а» деган товуш сирғалиб чиқди.

— Болалар еярман-ичарман...

— Уйингиз шиферланганми?

— Бир чети ёпилган, қолгани очиқ ётибди. Даладан ортмасак...

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида илғор маданият тушунчаси билан қишлоқлардаги аҳвол таққосланса, бу жабҳа жиддий ўзгаришларни кутаётганиги сезилиб қолади. Аҳвол чидаб бўлмас даражага келиб қолгани рост. Лекин бундай вазият учун одамларни қандайдир ҳафсаласизлик, танбалликда айбла-

надиган бўлса, бу билан халқимизнинг зукко табиати-га, юксак дидига тухмат қилинган бўлади. Одамларда биз орзу қилаётган юксак савияли турмуш кечириш учун майл ва рағбат уйғотадиган шароит яратиб берилиши керак. Боқий анъаналарга, мустаҳкам заминга эга бўлган қишлоқларда қойилмақом турмуш тарзи қарор топишига шак-шубҳа йўқ. Ахир «даладан ортмайдиган» одамнинг ҳаёт лаззатлари ҳақида бош қотиришга вақти бўладими? Сўлғин руҳ ва чарчоқ кайфият билан эзилиб юрган одам нурли келажак ташвишларига ўзини сафарбар ҳис этолмайди.

Чори бобо билан бўлган қисқа суҳбат оғир хаёлларга толдирди. Эндиликда турғунлик даври деб атаётган кечаги куннинг ҳавойи шуҳратпарастлиги нималарга олиб борди? Кимгадир унвон, сохта обрў керак эди. Заминни гуллайтиб юрган дехқоннинг, чорвадорнинг ҳалол меҳнати ҳаром истаклар йўлида қурбон қилинди. Амада мамлакатнинг хўжайини, барча ноз-неъматларнинг яратувчиси — оддий инсон унутилди. Унинг орзу-истаги, қувонч-ташвиши билан ҳисоблашилмади. Яратувчи меҳнат романтикаси — димоқни тешгудек ачқимтил тер ҳиди ва чанг тупроқ шоҳона давраларга ярашмай қолди. Оқибатда, ўзида буюк ижодкорлик кучини жамлаган ҳазрати инсон бегона кимсага айланди. Турғунлик даврининг фоизларда ифодаланмаган оғир асоратлари ўз касрини қолдирди.

— Самарқандни кўрганмисиз? — деб сўрайман суҳбатдошимдан қизиқиш билан.

— Самарқандни кўрмаганман, — дейди бобо бардам овозда, — фақат 54-йилда армияга кетаётганимда бир тушиб ўтганман.

— Хўжалик йўлланма билан томошаларга юбормаганми?

— Ҳеч бормаганман. Уч йил олдин, — ҳикоясини давом эттиради Чори бобо, — универсал билан жарга қулаб кетдим. Оёғим қаттиқ лат еди, майиб бўлиб қолдим.

— Нафақа тайинлашдимми?

— Даволанишга дўхтирга ҳам бормадим, нафақа бер, деб ҳам бормадим. Иш чиқара олмаслигимни билман. Бизларга нафақани ким беради?

Ўша кунлар хўжалик йиллик режани бажаргани шарафига катта тўй ўткази эн эди. Чори бободан балки тўйда йўқлашгандир, деб сўрадим.

— Олганлар олди, — деди у заррача ҳам хафа бўлмай, — бизга нима тегар эди?

Шунда 38 йил техника рулини бошқариб, бирон йил ҳам меҳнат отпусчасига чиқмаган, ҳаётда кўплаб яхши-ёмонни кўрган Чори Вайисов ўзига таскин бўлиб юрган бир гапини «лоп» этиб айтиб юбормоқчи бўлди. Бироқ мени ўзига азбаройи яқин олмаганидан тийилди. Унинг нима демоқчи бўлганини сездим: «Дунёда ҳақиқат йўқ!»

Кечирасиз, ҳурматли Чори бобо! Дунёда ҳақиқат бор. Мабодо, у бўлмаганда одамлар уни изламасдилар.

Сухбатимиз поёнига етиб қолган эди. Шунда бобо қиёфасини заррача ҳам ўзгартирмай, шахдам овоз билан бўлим бошқарувчисига юзланди:

— Раис бова, шу йил келадиган янги дизеллардан биттасини бегона қилманг.

Жаноб раис, шу қари чолнинг раъйини қайтарманг. Бўёғининг ҳиди анқиб турган янги тракторлардан бирини Чори бобога беринг. Шунда сиз меҳнаткаш қўлнинг нималарга қодир эканлигини яна бир бор кўрасиз.

1988 йил, Қарши.

2. Мутеълик алифбоси. Биринчи ҳарф.

— Вўй, ану Раҳмонов орангутанга ўхшаб қолибди-я.

— Сен билан мени боқаман деб шу куйга тушган-да.

— Ҳолбуки, ўзининг ҳам қорни тўймаганга ўхшайди-ку.

(Поезддаги суҳбатдан)

Ўзимдан чиқмаса даста,
Мени кесармиди болта?!

(Дарахтнинг ҳасрати)

* * *

Қишлоқ манзаралари ниҳоятда ҳазин ва рангсиз. Ўйлаб қарасанг — ўн, юз йиллардан бери ҳеч нарса

ўзгармаётгандек, авлодлар бир хилда келиб, бир хилда кетаётгандек туюлади. Ҳар хил шов-шувлар эса шаҳарда бекорчиликдан ўйлаб чиқарилаётган-у, юмушлар остига кўмилган қишлоқилар учун уларнинг даҳли йўқдек. Отабозори қасабасида ҳам бирор ўзгариш сезмайсиз. Ўша саф қилиб қурилган бетон уйлар яланғочлигича турибди. Дарахтлар ҳам кўзга ташланмайди. Ҳаёт худди омонатдек. Гараж ҳовлисининг кўча тарафида лойдан тикланган кулба — «барча шароитлар муҳайё қилинган», техника жиловкорларининг дам олиш ва овқатланиш хонаси ҳам чўкиб, баттар таъмир талаб бўлиб қолгандек.

Ана шу жойда эски танишларимдан бири — Чори Вайисов билан қайта учрашишга тўғри келди. Тасодифан эмас, балки атайин, олдиндан айттириб қўйиб бобо билан юзма-юз бўлдим. Бунга ундаган ҳислар турли-туман, энг асосийси эса ўтган йиллар Чори бобога ҳам рўшнолик ато этиб, умри заҳматда ўтган отахонни бир оз фаровонликда кўраман деган эдим. Лекин уйдаги гап кўчага тўғри келавермайди, дейдилар.

Шу кун кузда илк марта ёмғир ёғди. Упадек эшилиб ётган тупроқ чунонам лой бўлибдики, тиззага чиқади. Бизга қаровул чол пешвоз чиқди, Чори бобо ҳам шу ерда экан. Кўзим унга тушди, бир зум анграйиб беҳол турди-да, офир кўзғалиб ташқарига йўналди. Остонада саломлашдик, бобо узоқ дуо қилди, миннатдорчилик билдирди. Ишларини, соғлиғини сўрадим. Энг катта «янгилик» шу бўлибдики, чап қўлининг ўрта бармоғини темир кесиб кетибди. Касалхонага ётмабди, қўлини бойлаб ишлаб юраверибди. Бармоқ бир бўғин юқоридан йўқ, қирқилган жойи қорайиб турарди. Бобо олдингидан ҳам тўлишган ва бақувватдек кўринди.

Бир йилдан кейин нафақага чиқишга тайёргарлик кўраётган бу одам шўро тузуми ижод этган миллионлаб меҳнаткашларнинг бири, уларнинг типик вакили. Чолда ишлаб-тишлаш фазилати, интизом, фидойилик, ўз манфаатини кўпчилик манфаати учун қурбон қила олиш жасорати, давлат мулкани кўз қорачиғидек сақлаш, «нон ўзингдан, сув ўзингдан, ишла, кўзингдан» сингари жўмардлик — хуллас, 70 йил кишиларда қандай сифатларни тарбиялашга ҳаракат қилинган бўлса,

буларнинг барчаси Чори Вайисовда хазинадек жамул жам эди. Энг муҳими — чол жуда қобил ижрочи бўлиб, буйруқни сўзсиз бажарар, бошлиққа тик қарамасди. Хўш, ана шундай кишига тақдир нималарни армуғон этди?

«Назария қуруқдир дўстим, лекин яшнара ҳаёт дарахти» деб ёзган эди Гёте. Рисоладагидек одам — Чори бобонинг меҳнати ва турмушини тарозининг икки палласига қўйиб кўрсак, назария билан ҳаёт бошқа-бошқа нарсалар эканига биз ҳам ишониб қоламиз. Бу одамнинг меҳнаткашлигига, меҳнатда фидойилигига шак-шубҳа йўқ. Қирқ бир йил узлуксиз ҳайдов тракторлари — оғир занжирли машиналарни бошқарди. Лекин бирон марта заводдан энди келтирилган янги трактор рулига ўтирганини эслай олмайди. Ҳатто «Ун-вонсиз одам»да бошлиқни инсофга чақирган эдик. Барибир, ўша йил ҳам янги трактор беришмабди. Бу йил эса «бешта техника менинг ҳисобимда» дейди бобо кинояомуз. Бу дегани қарийб металллом ҳолига келиб қолган бешта тракторни Чори бобога кўрсатишган, «шулардан ямаб-ясқаб биттасини эпақага келтириб, қимирлатиб туриш» дейишган. Энди бу ўринда соч-соқолдаги қировларни-ю, қарийб 60 ёшни ёки 41 йиллик даҳшатли меҳнатни пеша қилиб ётиш шарт эмас.

Баъзан бундай одамларни уқувсизликда айблашди. Бу гапда бир оз жон борга ўхшайди. Ростдан, у ҳақини талаб қилиши, юқори идораларга шикоят билан бориши мумкин эди-ку. Бироқ Чори бобо (лар) бундай қилмайди. Уларнинг маънавияти бутунлай бошқа нарса — барчасига қаноат қилиш, кўникишни тақоза этади. «Беш кунлик ёлғончи дунёда бировнинг кўнглини қолдириб ётаманми?» — дейди бобо. У бирон марта маошининг камлигидан шикоят қилмаган экан. Аксинча, «қўлим пул кўргандек бўлсин деб, 3-4 ойлигини қўшиб оламан» дейди. «Пул қўлнинг кири, — яна дейди бобо, — асосий бойлигинг — соғлигинг».

Бундай мулоҳазалар кимларнингдир назарида эскирган, қоқок туюлиши мумкин. Ахир замондошларимизнинг аксарияти «Пул — Худо» деган эътиқод билан яшаб келаяпти-ку, ҳамма нарчасини — умрини, гурурини, борлигини пулга тикаётганлар озми? Аф-

суски, дунё ҳам шу йўриққа бўйсунди. Балки Чори боболарнинг — коммунизм қуришга бел боғлаган авлоднинг фожиаси шундадир. Яна фожа шундаки, инсонийликни ҳамма нарсадан устун қўйган, ортиқча бойликдан жирканадиган «ҳавойи» одамлар билан ёнма-ён тайёрга баковул, бойликни сувдек симирадиган қатлам юзага келди. Фожианинг беқиёс кўлами шундаки, ана шу «қатлам» жамиятни бошқарди. Ҳамма нарсани ўз дидига мослаб қайта қурди. Улар «котиб», «раис», «бошқарувчи» қиёфасида фаолият кўрсатди. Гарчи ташқаридан қараганда икки томон бир қозондан овқат еб, бир уйда яшаётгандек туюлса-да, ўртада ўтиб бўлмас жарлик пайдо бўлганди. Бир томон фақат эзилиб меҳнат қилишга, иккинчи томон яратилаётган моддий неъматларни тақсимлашга «ихтисослашган» эди. Олайлик, бир йиллик меҳнатнинг якуни деҳқондан олдин раҳбарларга маълум бўлади, шунингдек, чўмич ҳам уларнинг қўлида бўлиб, кимга қанча улашишни шахсий майлларнинг аралашувисиз ҳал қилиш қийин кечарди. Ёки ўнта тракторчидан кимни рағбатлантиришни тракторчилар жамоаси эмас, бошлиқлар ҳал қиларди. Уларнинг фикри эса доим ҳалол ва холис бўлавермасди. Ана шу йўсинда тенгсизлик юзага келди, ишлаб чиқариш билан ўзлаштириш ўртасида зиддият келиб чиқди, «ҳар кимнинг меҳнатига яраша» талабининг миси чиқди. Бундай «диалектика» меҳнат кишисига маълум бўлмай қолмасди, ҳамма соҳада адолатсизликлар идиз отиб кетганини билиб турарди. Бундай ҳол кишиларнинг кайфиятига таъсир этмаслиги ҳам мумкин эмасди. Оқибатда, одамларнинг меҳнатдан қўли совиб, ялқовлаша бошлади. Бироқ «юксак мажбуриятлар» қаттиқ меҳнат қилишни, жонини жабборга бериб ишлашни тақозо қиларди. «Бутун куч ва имкониятларни сифарбар қилиш» талаб қилинарди. Бу вазифалар эса «омманинг авангарди ва етакчи кучи» — раҳбарлар зиммасида эди. Улар мақсадга эришиш учун зўравонликнинг ҳамма усуларини қўллар, ҳатто қамаш, куч ишлатишгача боришарди. Олайлик, биринчи котиб ҳузурда ғўза парваришига бағишланган йиғилишларда қолоқ бригадирнинг онаси, келини, қизини минбардан сўкиш, кўпчиликнинг олдида шаънини ҳақорат қилиш одатдаги ҳол эди ва бу ҳеч кимни ажаблантирмасди.

Бир мисол. Бу воқеа 5-6 йил олдин чўл туманларидан бирида бўлганди. Саркотиб бригада бошлиқларининг бирига қаттиқ танбех беради. Танбех асосли эди — бригадир шу йил сариққа чалинган, касаллик билан бўлиб, пахтага қарай олмаганди. Ғўза бўйига тортиб, ҳосили кам эди. Котиб жиғибийрони чиқиб, бўғилганча бир гапни такрорлади: «Сен ғўзага қарамадингми, сен ўласан. Болаларинг чирқиллаб қолади. Сенинг кунинг битган». Бригадир ҳамиятли одам эди, бир неча орденлари бор, доим илғорлар сафида эди, бу йил омади юришмади. Котиб ҳам андиша қилмади... Пахта теримига етмай, шу одам ўлди. Аламидан ароққа ружу қўйибди, касал жигар кўтара олмабди. Котиб, албатта, таъзияга келмади, кейинги тақдири билан қизиқмади ҳам. Мабодо, эшитган бўлса, керилиб қўйгандир, ахир унинг айтгани ижобат бўлди-ку. Одамлар нафратланиб юрди: «Тилида холи бор экан». «Кўзига тик қараб бўлмайди» дегувчилар ҳам кўп топилди. Шу котиб ҳозир ҳам бошқа бир туманда ҳамон одамларга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бу хилдаги таққирларни ҳар қадамда, бир имзо учун кун бўйи навбатда туришларда, бошлиқни кўриш учун ҳафталаб қатнашларда, транспорт кассаларидаги хизматдан вазир кабинетидаги гап-сўзларда учратиш мумкин эди. Шуниси борки, биз бундай ҳолларга бутунлай кўника, гўё ота фарзандини тергаб туришидек табиий ҳол тарзида қабул қила бошладик. Аслида, ҳуди шундай жойларда инсон ғурури топталади, унинг шаъни поймол қилинади. Кетма-кет қатнайвергач, иш битириш учун бошлиқнинг оёғини ўпишга ҳам рози бўласиз. Мутеъликнинг бошланиши шудир. Шоир Е. Евтушенко шўро аэропортидаги чорак соатлик «суҳбат»дан кейин мағрур чет элик рижимланган қоғоздек синиқ бўлиб қолганини кузатганлиги ҳақида ёзган эди. («Тарбиясиз тарбия» мақоласи).

Мана бу гап-сўзлар эса яқинда қулоғимга чалинди. Туманнинг ёш, истиқболли саркотиб бири хўжалик бошланғич ташкилотининг котиби билан ўчакишиб қолиб, йиғилишларда эзаверибди. Жумладан, унинг касаллигини юзига солиб: «Сен сахар (қандли диабеда)дан ўлиб, алақачон суякларинг кул бўлиб кетиши керак эди. Нега ҳамон юрибсан?» дер экан. Бир куни

хўжаликнинг бошқа вакиллари танбеҳ бериб: «Бош кўтариб бирор нарса десангиз бўлмайдими?» дейишибди. Шунда котиб бамайлихотир: «Бошлиқ-да, гапиради» дер эмиш.

Бу ўринда ҳар икки томонни, хусусан, саркотибни бутунлай айблаш ўринли бўлмасди. Эҳтимол, шундай йўл тугилмаса, иш кетмас. Балки туман котибини вилоят, уни жумҳурият котиби шундай исканжага олар. Айб шунақа муомалага кўника қолган одамларнинг ўзида. Ёки шу хилдаги ҳақоратомуз усулларни жорий қилган тартиблар эскиргандир. Нима бўлганда ҳам руҳан толиққан одам бундай тигга қарши бора олмайди. Чори бобо каби муроса йўлини тутади.

Шунда ўйлаб қоласан: ҳокимиятни алоҳида кишилар қўлига топшириш, бир одамни бошқа бир одам устидан раҳбар қилиб қўйиш нимага керак? Бундай мулоҳаза эриш туюлиши мумкин: раҳбарлик бўлмаган жойда қандай иш кетади? Қолаверса, бу усул одамзот такомилида қўл келган. Тўғри, лекин шуниси борки, юқоридан бошланган кўплаб тадбирларни халқ маъқулламаган. Олайки, тарихдан коллективлаштириш қанчалар қийинчилик ва қурбонлар эвазига бўлганини биламиз. Эндиликда назариётчилар буларнинг барчасини хато дейишмоқда. Демак, халқ қабул қилмаган, тор доираларда ишлаб чиқилган, ҳаётдан йироқ режаларнинг амалга оширишда куч ишлатишдан, зўравонлик қилишдан бошқа йўл йўқ эди. Рапортларда қайд этилган «юксак вазифалар»га доя бўлган зўравонлик бориб-бориб иш усули (аниқроғи — раҳбарлик усули) сифатида таомилга кирди, ҳеч кимни таажжублантирмай қўйди. Оқибатда, котиб исталган пайтда баҳона қилиб, қўл остидаги кишиларни хўрлаш, ҳақоратлашни ўз бурчи деб билди. Менинг назаримда — таҳқирланган, камситилган бечора одам (халқ уммонининг бир томчиси) ўзини биологик турдоши — бошқа бир одам оёқ ости қилаётганини ўйлаб ҳам ўтирмасди. Шу хилда Ҳазрати инсонни улуғлаб келган мардлик, баҳодирлик каби фазилатлар йўқолиб кетди. Ҳолбуки, эзгуликдан маҳрум бўлган одам ҳар қандай тубанликка қўл ура олади. Жуда паст ривожланган ишлаб чиқариш шароитида маънавий таназзулга юз тубан кетиш — ғайри инсоний раҳбарлик усулининг

иккинчи ҳосиласи шундан иборат. Пахта деб жиғибийрон бўлаётган, ҳатто ўз саломатлиги эвазига ўз улусини пайҳон қилаётган, танасига болта ураётган муҳтарам зот бу ҳақда ўйлаб ўтирмайди, «ўз бурчимни бажаряпман» деб таскин олади. Ҳолбуки, халқ шаъни ҳар қандай бойликдан қиммат, қадимий ақидаларимизда дилозорлик оғир гуноҳлардан ҳисобланган.

Бироқ олтин ботқоқда ҳам олтинлигини йўқотмаганидек, энг яхши фазилатлар халқ қалбида заҳа тортмай сақланиб турибди. Чори бобо болаларча соддалик билан миллионерларни энг ҳалол ва меҳнаткаш одамлар, деб билади, «улар кеча-ю, кундуз тинмаса керак, мен чополмасам», дейди майиб оёғини сийпалаб ва бир оз қашшоқлигига янада ашаддий тер тўка олмаганини важ қилади. Чол бағрининг кенглиги шунчаки, уйининг ярми шиферланмаганини газетада «танқид» қилганимдан кейин ҳам қишлоқ шўросига бориб, ҳақини сўрамабди. «Бошимдан ҳар кун ёмғир қуйиб ётгани йўқ, — дейди бобо — ундан олдин вазифамни бажараман». Вазифаси эса ўғилларини уйлантириши, қизларини узатиш экан. Чол фирромлик нима эканлигини билмайди, бировни ҳаққига кўз олайтирганларни ҳам манзур тутади. «Йиғса ҳам шу қишлоқдан чиқариб кетмайди. Ҳеч бўлмаса элга тўй қилиб беради», дейди бобо шериклик кайфияти билан. Булар балки ҳаёт ёрғучоғида роса ийланган кишининг мулоҳазаларидир. Бир пайтлар ўлмаслик учун кунжара истеъмол қилган, очарчилик, уруш азоблари ичида болалиги, ўсмирлиги барбод бўлган авлод ростдан ҳам борига шукр қилиши табиийдир. Бироқ улар камситилса, ардоқ-у, ҳаловатларга раво кўрилмаса, нон ушоридек хокисор одамлар увол эмасми? Қолаверса, бошқалар ҳисобидан бойишга, бошқаларга ҳукмронлик қилишга энди қандай кафолат бор? Маъмурий буйруқбозлик усули зўравонликка йўл очган экан, ҳаёт уни тўла рад этяпти.

Айрим кишиларга берилган имтиёзлар текинхўрликни юзага келтиргани, истеъмолчиликка олиб боргани сир эмас. Аслида ҳар ким экканини ўриши керак. Суқатойлик қилмайман, деган кишида ҳар жойда имконият бўлади. Гараж ҳовлисида анча жой бўш ётади, белида кучи бор йигитлар кетмон чопиб бирор

нарса экай, демайди. Бобо оёғини аранг судраб ер ағдаради, ёшларни гайратлантиради. Палак ҳосилга киргач, дастурхонга ҳам файз энади. «Катталар»нинг бергани фақат макарон бўлгач, қовун-тарвуз шу ердан чиқса, нимаси ёмон?! Ёшлар бир оз ҳимматсиз бўлиб ўсяпти-ёв.

Ана шунақа. Боши мудом эгик, бўйнининг муҳраси (муҳра — тешанинг сопи) эзилган замондошлар ғамидан зўриқиб юрганингда боболар юрагининг тубида чўкиб ётган эзгуликлар бачкана, чучмал туйғулар устидан ўқилган ҳукмдек, тириклик қўшиғидек эшитилади. Элнинг нонини туя қилаётганларга, пиёдалар устига от ҳайдаётганларга, мансаб столларининг орқасида бекиниб олиб, келажакка гўрковлик қилаётган бюрократларга «Ҳаддингдан ошма!» деб ҳайқиргинг келади. Ёдга Лев Толстой қаҳрамони Каратаев тушади. Унинг беозор нигоҳи билан дунёга боққинг, ёмғирга тўйинган борлиқни ҳидлаб, «Бунча бедодлик кимга керак?» деб пичирлагинг келади. Афсус, ҳавода ёвузлик камонининг ўқлари учиб юрибди. Абадий яшовчи халқ руҳи барибир барча яхшилик ва ёмонликлар устидан ўз ҳукмини эълон қилади.

Биз бўлган хўжаликнинг марказий кўрғонига «Юксалиш» деб ном беришган экан. Баландпарвоз ва дабдабадан холи бўлмаган бу сўз халқ қалбига ўтирмабди. Кўрғонни одамлар «Отабезори» деб аташаркан, чунки бу ерга дастлаб ота-онаси билан келиша олмаган ўжар ёшлар кўчиб чиқишган. Бу атама қанчалик дағал бўлмасин, бор гапни бошқача ифодалаб бўлмайди. Шу ерлик бир киши эса менга (балки ўзининг бадихасидир) бир ривоят айтиб берди. Унда нақл қилинишича, қўй сурувининг бошида бир чўпон бўларкан. Қўлидаги узун гаврони билан қўйларни исталган томонга ҳайдар, қирда, баъзан тоғда боқар экан. Хоҳлаганини сўяр, хоҳлаганини алмаштириб юборар, совға қиларкан. Баъзиларини боқиб уриштирар, ҳатто пойга ҳам қилдирар экан. Қўйлар яхши парваришланиши туфайли семиз экану, бироқ чўпон уларнинг жиловни ўз қўлидалигидан керилиб юрса-да, кўнгли хижил бўлар экан. Негаки, қўйларнинг ўта ювошликлари жиғига тегаркан. «Бўғзига пичоқ тортаётганингда маърамайдиам, гўрсўхта». Ўзининг кучига қойил бўлмас экан, негаки,

қўл остидагилари ҳатто жангари тўнғиз ҳам эмас-да (ривоят бу ҳақда эмас). Бир кун тонгда ногаҳон... қўтон бўшаб қолибди (ривоят қўйларнинг қандай йўқолгани ҳақида ҳам эмас). Ровий айтадики, маърашни ҳам эплай олмайдиган сурув қай йўсин қочиб қолди? Бунга ақли етмайдиган чўпон нуқул чор атрофга югуриб, «қўйларим қочди» деб шовқин солармиш. Шу билан чўпоннинг салтанати фатарат топибди, ҳеч ким уни йўқламай қолибди. Сўзловчи булутлар устида сузаётгандек бир қўлини ёйиб, узоқларни кўрсатди-да, «Қўйқочган яйлов» ўша ёқда», деди.

Чори бобода ўша чўпончалик ҳокимият ҳам йўқ; бузуқ таркторлар билан мақтаниб бўлмайди. Ёки мен мажоз қилиб хокисор одамларни қўйларга, фармондорларни чўпонга менгзамоқчи эмасман. Эртақлар тил учидаги ҳақиқатлардир. Бор гап эса эндиликда «ҳамма бир киши учун» меҳнат қилиб, «бир киши ҳамма учун» яшаши каби ноҳалолликка чидаб бўлмайди. Эртанги куннинг улуғвор режалари ҳаммадан баравар масъулият талаб қилади. Халқнинг асосий қисми фақат етовда юрган жумҳуриятда эса мустақилликни таъминлаш қийин.

Ўзгаришлар шамоли фақат юзларни силаб қолмасин, балки чанг-ғуборларни тозаловчи ёмғирнинг момақалди роғи мудроқ зеҳнларни уйғотсин. Эртанинг даъвати шундай.

1990 йил

3. Айрилиқ

Кейинги пайтларда одамлар ҳар хил ўткир воқеалар бўрони остида яшадилар: перестройка, Чернобиль, Орол, Спитак, Шарора, партия конференцияси, жадаллаштириш, сайловлар, съездлар, энди эса... референдум. Ҳавойи бир кайфият кезиб юрди. Жамиятни чайқалтириб ўтган қарорлар-чи, ичкиликбозликка, текин даромадга қарши кураш, давлат қабули, хўжалик ҳисоби, пудрат ва ҳоказо. Шу оддий мундарижанинг ўзиёқ мамлакат 5-6 йилдан буён қайноқ ҳаёт ичида яшаётганини кўрсатади. Бундай жўшқинликнинг тараққиёт учун у ёки бу даражада таъсири бор, шубҳа-

сиз. Аммо ҳали муз кўчмаган, янгиланиш шабадаси етиб бормаган тартиблар, иш усуллари, бошқарув шакллари борки, улар қаноти озод бўлган лочиннинг оёғидаги кишандек бўлиб турибди. Биз оёқларимиз билан ерга михланганмиз, дарахтнинг шохларига чиройли шакллар бериш уни томир чириш касалидан нобуд бўлишини тўхтата олмайди. Заминда, жамият қад ростлаб турган асосда — «қуйи»да кескин ўзгаришлар бўлмас экан, тузоқдаги лочин парвоз қилмай қолаверади.

Туман марказида узоқ қишлоқлардан бирида куй-маланиб юрган чолни кўрмоқчи эканимни эшитиб, гапимга унча тушунишмади. Янги кун ташвишларига шахдам отланаётган раис ходимлардан бирини чақирди-да, мени «топширди». Шундоқ идоранинг бориға шуқр, бўлмаса, кўчада қолиб кетиш, қисқа сафарни йўл пойлаб ўтказиб юбориш ҳеч гап эмас. Ҳамроҳимни ҳам мақсадим ажаблантирди, шофёрнинг синовчан тикилишига эса «Анови Иоган Вайсни...» деб жавоб берди бутунлай хушламай. Кейинги гап-сўзлар ҳам иситилган овқатдек кўнгилга ботмади. Уларни кўчада қўйиб Чори бобо Вайисов билан икки соатлар «ҳангома»лашишим эса ҳафсалаларини тамоман пир қилди. Охирида ифунчаки оддийгина хайрлашдик.

Бу нарсаларга парво қилмаса ҳам бўларди. Бироқ бир ички ишончим бор эди: меҳнатчи одамлар катталарни ёмон кўради, фақат кўрққанидан уларга тавозе қилади. Далил — бўялмаган ҳаётнинг ўзи, камбағал дастурхон атрофидаги гап-сўзлар. Шундай ҳолат эсимда қолган... Вагондаги йўловчилар суҳбатлашиб кетмоқда. Фақат мўйловлари шопдек, бурундор, кўзлари чақчайганроқ, хумкалла ўрта ёшли одам деразадан атрофга термулганча ҳеч кимга қўшилмай бораяпти. Кўзларида чуқур ғам чўккан, ўлганининг кунидан поездга чиққанини сезиб олиш қийин эмас, у ҳайтовур ё касал кўргани, ё қамоқдаги алакимдан хабар олгани жўнаган. Поезд бир бекатда тўхтади. Зум ўтмай тахта ва ёғоч ортилган состав елиб ўтди. Шунда нималарнидир ўзича гуддираб бораётган одамнинг гаплари қулоққа чалинди. У буралиб «катта»ни сўкиб олгач, «ҳеч каминг тўлмас экан-да, бунча ёғоч-тахтани нима қиласан»... қабилида гап қиларди. Касби ё чўпон, ё

сувчи бўлган бу одам «Ҳамма яхши нарсалар «катта»-ларга» деган тушунчада эканлиги, вагон-вагон тахталар яна уларнинг ҳожатини битказиш учун бораётганини ўзича «кашф қилгани» кўриниб турарди. Ўшанда маъмурий-буйруқбозлик усули, унинг энг оддий моҳияти — дилозорлик кишиларда раҳбарларга нисбатан қанчалик нафрат пайдо қилганини иллаган эдим.

Ўзимча бир меҳнат кишисига ҳурмат кўрсатиб, уни излаб борганим ва шу муносабат билан бўлган гап-сўзлардан эса «катта»лар ҳам оддий одамларни ёмон кўришаркан», деган хулосанинг туғилиши табиий эди. Ростдан ҳам «димоқни ёргудек ачқимтил тер ҳиди шоҳона давраларга ярашмай қолган», ўртада кўзга кўринмас фронт чизиги бўлиб, икки томон бир-бирига қарши курашаётган экан. Шўро тузуми шароитида хуфёна таркиб топган бундай ИЧДАН ЕМИРИЛИШ — бир-бирини маҳв этиш туфайли жамият бир жойда депсиниб қолмадимикан? Мўътабар ҳужжатларда «бизда ҳамма тенг, ўртоқ ва биродар» дея қайд этилгани ҳолда бугун тобора яққолроқ сезилаётган табақаланишни қандай тушуниш мумкин? Шундай саволлар тинчлик бермади ва ҳеч иккиланмай Чори бобо ишлаб турган давлат хўжалиги раҳбарининг ҳузурига йўл олдим.

Ишлаб чиқариш ва инсоний муносабатлар ўз тақомили даврида раҳбарлик ва тобеълик (мутеълик эмас) тушунчаларини яратган экан, бу икки томон асло бир-бирига зид эмас. Мазкур ҳолатни тахминан арава-нинг олдинги ва орқа гилдиракларига менгзаш мумкин. Одатда, раҳбарлик хирқасига лойиқ топилганлар тобеълар тарафидан тўла эътироф этилган, ҳар жиҳатдан улардан устун ва етук кишилар бўлган — бунга тарих гувоҳ. Шунингдек, ҳатто бир кишига раҳбарлик қилишнинг ҳам ўзига хос оғир масъулияти бор. Бу жиҳатдан эр-хотинлик муносабатларини олиб кўрайлик. Оиланинг келажаги ҳар жиҳатдан эрнинг иқтидорига боғлиқ. Агар у вазифасини тўла бажарса, жамиятнинг бу энг кичик ячейкаси гуллаб-яшнаган, мабодо, аксинча бўлса, ё тарқаб кетган, ё оила ўз фойз-барақасидан ажралган. Энди биз ўн, юз, минг... кишига раҳбарлик қилиш масъулиятини тасаввур қилиб кўрайлик. Кимгаки бу юмуш насиб этса, авва-

ло, у ката шараф. Кейин эса, улкан жавобгарлик... Бироқ офиздан олов сачраган, даладан рухсатсиз сомон олиб келаётгани учун емиш ортилган эшакка ўт қўйиб юборган директорлар, идорадан чиқмай, фақат фармонбардорлик қилувчи ёки нафсига эрк бериб, хўжалик хазинасини ярим қилган раислар, бошқа раҳбарлар бўлган. Баъзан адолат ҳар доим ҳам устивор бўлавермайди: вақт билан ҳисоблашмай, кеча-ю кундуз тиним билмайдиган, ўз ишига «тентакларча» берилган фидойи бошлиқлар бир ишора билан учиб кетган ҳоллар ҳам бўлган.

Директорнинг гаплари кўп. Албатта, ширин хотираларни эслаш яхши. Бироқ долғали ҳар бир кунимиз жиддий масалаларни кўндаланг қўймоқда. Мамлакат миқёсида изланишлар бўлаяпти. Бугун биз бутун фаолиятимизни икки ўқ атрофида айлантиришимиз керак: республиканинг тўла мустақиллиги ва бозор иқтисодиёти.

Аввало, масалаларга янгича ёндашув бошланган 5-6 йилдан буён ишдан кўра гап кўпайди. Ҳолбуки, жумбоқларнинг ечимини қуйидан излаш ва ислоҳни ҳам ўша бўғиндан бошлаш лозим эди. Агар ҳушёр зеҳн билан қарайдиган, инсоф билан баҳолайдиган бўлсак, тўкилиб кетай деб қолган хўжалик тутумини такомиллаштириш, унинг «болтларини тортиш» юзасидан сезиларли бирор тадбир кўрилмади. Олайлик, Орёл вилояти тажрибасини бизда қўллашга ҳаракат ўзини тўла оқламади, ортиқча ишчи кучларини юзага келтирди. Ундан қутилиш учун кўрилган тадбир — шахсий хўжаликларга томорқа бўлиб бериш янги муаммони юзага келтирди. Биринчи навбатда кўплаб унумдор ерлар ўтган йилги оборотга кирмай қолди, ҳосил олинмади. Хўш, буларни қўйиб турайлик, энг оддий хўжалик ташвишларини олиб кўрайлик. Оддий ҳақиқат — минг метр пленкани 2-3 соатда магазиндан сотиб олиб, ўз корига ишлатолмаган хўжалиқда қандай мустақиллик бўлиши мумкин? Республиканинг умумий мустақиллиги таъминланмайдими?

Агар агросаноат комплексининг жадал ривожланиши исталса, хўжаликларнинг мустақиллик доираси кенгайтирилиши лозим. Баъзан чўнтакдаги пулига хўжайинлик қилиш қийин. Негаки, хўжаликнинг тақ-

дири банкларга ҳаддан ташқари боғлаб ташланган. «Сельхозтезника»ларни аллақачон тугатиб, уларнинг негизда магазинлар ташкил этиш керак эди. Чет элдаги каби — турсин пештахтада пленками, машинами... шунда қанчалаб даҳмазага чек қўйиларди, енг ичида савдо бўлмасди.

Чори бобо 40 йиллик тракторчилиги давомида бирон марта ҳам янги техника бошқармаган, у тотинибгина «янгиларни пул берганларга беришади, менинг эса ортиқча пулим йўқ» деган эди. Маълум бўлишича, бу бор гап экан. Дейлик, ўрим-йиғим мавсуми кечикаяпти, комбайнларга аккумулятор йўқ. Бу матоҳ аслида қуриб кетмаган, омборхонада турибди — пул бермасанг чиқармайди. Майли, буғдой-арпа қовжираб тўкилиб кетсин, ёмғир-қорнинг тагида қолсин, халқнинг ризқ-рўзи нобуд бўлсин. Бироқ шундай қўпурвчиликка тенг иши учун биров жазоланганини эслай оласизми? Аксинча, бундай одамларни кимлардир қаноти остига олиб келишди, у билан фойдани баҳам кўришди. Албатта, бундай валломат оддий одам эмаслиги, камида вилоят, республика миқёсидаги зот экани, сир эмас. Нафс балосига даво йўқ, дейдилар. Ҳозир ҳам шундай. Яқинда бир «КаМАЗ» машинасини заводдан 7 минг сўм бериб олиб келишибди. Демак, балиқ бошидан сасигани рост экан-да. Порахўрликнинг боши, янчилмаса, думини қирққан билан у яшайверади.

Директорнинг қалбида «жўш урган» гаплар ростдан кўп эди. У куйинчаклик билан янги ислохотлар, қишлоқлар фаровонлигини юксалтириш, эскирган бошқарув усуллари, чет эллардаги илғор тажрибалар, азалий кадриятларнинг қайтаётганлиги ҳақида ватанпарварларча сўзларди. Хаёлимдаги ёвқурлик — заминни гуллатиб юрган меҳнаткашни ёқтирмайдиган раҳбар ва оддий одамнинг қазабига учраган «катта» тимсоли чапланиб кетди. Гап бошқа ёқда эканлиги, бу зиддият икки боланинг кўча таллашиб ёқаллашиши сингари жўн нарса эмаслигини, унинг илдиэлари теран, жуда теран эканлигини англадим.

Ҳайтовур, зиддиятлар ҳақида. Социализм меъморлари баралла «бу жамиятда зиддиятлар бўлмайди» деб эълон қилишди дастлаб. Кейин эса ўзлари сифинувчи марксистик диалектиканинг қонунларидан бири «қара-

ма-қаршиликлар кураши ва бирлиги» хурмати социализмда ҳам зиддиятлар бўлади, лекин улар жиддий эмас, уларни танқид ва ўз-ўзини танқид йўли билан осонгина бартараф этиш мумкин, дея муроса билдирилди. Аслида жамиятнинг ботиний табиатида оғизда инкор этилган барча категориялар — имтиёзлар, тенгсизлик, эксплуатация каби зиддиятлар амалда кучайиб бораверди. Охир-оқибатда социалистик корхона раҳбари билан унинг қўл остидаги ишчи (хизматчи, деҳқон) орасидаги зиддият буржуа билан йўқсил орасидаги муносабатлардан кам фарқ қиладиган даражага етиб қолди. Бироқ бу ҳол номардларча тан олинмади, «социалистик тенглик» ўрнатиш учун тадбирлар кўрилмади. Аксинча, аҳвол яшириб келинди, норасмий тарзда қонунлаштирилди. Чори Вайисов ва Шомурод Ҳақназаров (директор) ўзлари сезмаган ҳамда истамаган ҳолда фронтнинг икки томонига тушиб қолдилар.

Етук кадрлар — халқнинг бойлиги. Жумҳуриятимизни кезсангиз, кўз илғамас пучмоқларда дунё дарди билан яшаётган, бообрў, ҳар жиҳатдан мукамал кишиларга ҳар қадамда дуч келасиз. Уларсиз ўша қишлоқ, шаҳар, туман, ҳатто вилоятнинг бир кунлик ҳаётини тасаввур қила олмайсиз. Беихтиёр қалбингиз фаҳрга тўлади, ичдан унсиз нидо қиласиз: «Бошингиз омон бўлсин, халқимизнинг шавкатли фарзандлари». Лекин уларнинг шахсий маданиятидан тортиб дунёқарашини, фикр доирасини, турмушини билан оддий одамлар орасида сезиларли фарқ борлигини илғаш қийин эмас. (Аслида «беш қўл баробар эмас», юксаклик — уларнинг шахсий ютуғи, муборак бўлсин, деймиз). Гапнинг индаллоси эса умуммиллат, умумхалқ манфаатлари йўлидаги курашда икки томоннинг бўлиниб қолгани кучларни заифлаштираяпти. Оқибатда, «меҳмондўст, меҳнаткаш халқ»нинг асосий қисми жаҳон тараққиётидан ўта даражада орқада қолиб кетди. Бугунги ўзбек деҳқонини лоақал ҳинд рожаси ёки араб фаллоҳига таққослаб кўрайлик. Савия, маданият, ҳатто одамгарчиликдаги фарқдан қалб оғрийди. Энди мақтовларнинг ҳавойи булутларидан пастга тушиб, ҳақиқий аҳвол билан ҳисоблашмаса бўлмас.

Ўзбекистонда ҳамма нарса етарли, дейишади ва ҳайрат билан ҳозирги юпун ҳаётимизга таъбир излашади.

Эҳтимол, бу ўз-ўзимизни англамаётганимиздандир, турли ўзанларда бўлиниб оқаётганимиздандир. Ахир да-рени бўлиб-бўлиб банд қилиш, ҳатто қуритиб қўйиш осон-ку...

1991 йил, март.

ДОВДИРНИНГ ФАЛСАФАСИ

У — қайта қуриш одами — кулбасига кета туриб, меҳмонхона буфетига бурилди. Атрофга шом қоронғуси чўккан, катта йўлдан физ-физ ўтиб турган машиналарнинг чироқлари ялтилайди. Тамадди қилиб олиш керак, муздек тўшакка киришдан олдин қоринни алдаб олмасанг, эрталабгача ари чакқандек тўлганиб чиқасан. Лаънати ошқозоннинг сарқашлигини енгиш ҳам қийин... У кўпдан бери ўзини ўлмаслик учун овқатланаман, деб ишонтириб келар эди. Мабодо, бошқачароқ бўлганда умуман емакхоналарнинг эшигидан бўйламас, дастурхон атрофида ўтирмасди. Аксинча, ўша дақиқаси олтинга тенг фурсатларда ҳам китоб титган, газета варақлаган, теша тегмаган, ҳеч кимнинг кўзи тушмаган фактлар билан маърузаларини бойитиб, тингловчиларини маънан тўйимлироқ озиқлантирган бўларди. Ҳозирча эса димиққан хонага киришга, сап-сарик бақалоқ сотувчига рўпара бўлишга ва, албатта, суви қочган бир бурда нон, ярим стакан қаймоқ ёки бир бўлак балиқ тановул қилишга, буфетчига 5-10 тийин ортиқча тўлашга (аниқроғи, «уриб қолиши»га чидашга) ҳамда ўзини «5—10 тийин кайфиятни бузишга арзимайди» деб овунтиришга мажбур эди.

Ташқарида ҳаёт гувлар, гўё улкан ранда тинимсиз бориб-келар, уюм-уюм пайраҳалар эвазига тириклик иморатига силлиқланган ёғочлар етказиб берар эди. Тун чўка бошлади. Елиб ўтаётган машиналарнинг чироқлари яна рандани эслатди.

Қорин ташвишидан тезда қутилди. Ичкарида одам сийрак, бу ерга деярли ҳеч ким овқатланишга атайлаб келмайди. Фақат ночор ҳолда қолганларгина ташриф буюради. Гарчи анча ҳорғин ва асабий бўлса ҳам буфетдан кўнгли очилиб чиқди. Ўтган кун даҳмазалари-

ни унутгандек бўлди. Атрофдаги одамларга, эшик олда тирбанд бўлиб хиралик қилаётган чақирилмаган меҳмонларга шодон қараб қўйди. Булар ҳам уйдан тополмаганини кўчадан қидириб юрибди, деб мулоҳаза қилди. Меҳмонхона қоровули ҳам қизиқ, ёлғиз эркакларни ичкарига киргани қўймайди. Мабодо, аёл билан келса, қўшқўлаб кутиб олади. Унинг чарчоқдан лоқайдлашган зеҳни уйғонган, теварақдаги воқеаларни баҳолай оладиган бўлган эди. У тўқ эди. Қаранг, одамнинг хурсанд бўлиши учун андак нарса ҳам кифоя.

«Билим» жамиятининг маърузачиси дарахтлар орасидан ўтган тор йўлақдан бекат сари кетди. У ўзи таърифлагандек, умр гулзоридан яна бир чечакни сўлдириб, навбатдаги кун билан видолашаётган эди. Кунлар... «Муҳташам бинога фишт қўя олсак бас», деган эди қайси бир шоир. Ҳар бир фишт бир кун бўлса (у шундай бўлишига ишонарди) ўзи тиклаётган бино анча кўзга кўриниб қолганини тасаввур қилади. Қалби эзгуликка тўлиб-тошган, шу долғали кунларнинг фаол иштирокчиси эканидан мамнун эди. Келажакка бардам назар билан боқарди ва эрта бугундан гўзал бўлади, деб ишонарди.

У маърузаларга обдон тайёрланарди. Ёлғиз яшар, турмуш ташвишларидан йироқ, демак, вақти етарли. Баъзан эҳтиросга берилган вақтлари «Ҳамма нарсани биз ҳал қиламиз, бизнинг гапимиз — гап. Оқни қора, қорани оқ қилиб юборишимиз мумкин», деган ҳаёлларга борарди. Яна ўзининг бу ваҳимасидан саросимага тушар, «унчалик эмасдир, биз маъруза қилмасак ҳам одамлар ишлайверади, ҳаёт давом этаверади» деб ўзини «босиб» қўярди. Шуниси борки, унинг таржимаи ҳоли тоза эди. Кеча, турғунлик даврида, ҳамду сано ўқиб, бугун уни лаънатлаб юрганлардан эмасди. Шу туфайли ҳам эътиқодлиман ва борар манзилимни кўриб тураман, деб ўйларди.

Маърузаларини содда, халқ қалбига тегадиган қилиб тайёрлар, ҳамма нарсани ҳаётий мисоллар билан тунштиришга уринарди. Мураккаб таҳлиллардан қочарди (аслида, салоҳияти ҳам бунга монелик қиларди), кулоққа ўрнашмайдиган терминларни ишлатмасди. Бир сафар тингловчилардан бири «автаркия» сўзининг маъ-

носини сўраб қолди. Бунақа бемаза саволни кутмаганидан бир оз каловланди, бироқ ижтимоиётдан нима билса, шунини — ишлаб чиқариш кучлари, воситалари, муносабатларидан тортиб ўзлаштиришнинг хусусийлиги-ю умумийлиги, давлат тузилишидаги биқиклик ва фалсафадаги манманликни аралаштириб, чунонам маъруза қилдики, охирида гапни нимадан бошлаганини ҳам унутиб юбораёзди. Бир чираниб ўша сўзни эслади-да, «тартаркия мана шу, ўртоқлар» деганида ҳамма кулиб юборди.

Борлиқ унинг мушоҳадаларида қайроқдек ишқаланиб тафаккурида жуда содда, ҳатто жўн акс эта бошлади. (Бу ҳолатни машойихлар донишмандликнинг бошланиши, деб ҳам атайдилар). Қадим тарихни, халқ кўзғолонлари-ю, қирғинбарот жанглари, революцияларни бугунги «қайта қуриш» занжирига боғлар, шу кунги мантиқ билан баҳолар экан, «Ҳозирги инқилобий кўтарилиш заруратми?» деган саволни кўндаланг қўяр ва тўхталмасдан «Ҳа!» деб жавоб берар эди. Кейин эса ўз жавобини шарҳлаш учун важлар, сабаблар ахтара бошларди. Уларнинг энг биринчиси «Халқ оч эди» деган далил эди. Ҳайқириқдек қисқа бу гаплар олдинроқ унинг эсига келгани йўқ, яқинда у қум ичига кўмилган тухумдек олдидан чиқиб қолди ва энди ҳамма нарсани шу мезон билан ўлчайдиган, одамларга очлар ва тўқлар, деб қарайдиган бўлиб қолди. Унинг фикрича, мабодо одамларнинг ҳаммаси тўқ бўлса, бири-бири билан ёқалашмайди — бир, мансаб, обрў, жой талашмайди — икки ва ҳоказо. Кейин эса яна унинг шундай далиллари бор: хасислик йўқолади, касаллик бўлмайди, туғилишни планлаштиришга ҳожат қолмайди... Ҳатто дабдабали тўйларга ҳам чек қўйилар эмиш, чунки бу шаъшаъа-ю, асъасалар тўқларнинг очлар устидан кулиши эди. Фоянинг замонавийлигини қарангки, экология ҳам соғломлашиб кетар экан. Негаки, самарани кўпайтираман, деб ҳар хил ўғитлар ишлаб чиқариш, ҳавога тонналаб қурум бурқситадиган заводлар қуриш шарт эмас экан. Маърузачи ҳар бир натижанинг социал ва маънавий нафани ҳам асослаб кўрсатарди. Олайлик, касал болалар ва кам қонли оналар бўлмаса, қанчалаб шифохона қуришга ҳожат қолмайди, дори-дармонларни чет элдан валютага олиш

шарт эмас. Касалларга қарайвериb ўзи ҳам касал бўлиb кетаётган қанчалаб гўзал қизлар ҳамшираликдан бошқа ишга ўтказилди. Шу ҳисобдан тежалган пуллар эса бошқа хайлироқ эҳтиёжларга, масалан, ҳаммом қуришга ишлатилади ва ҳоказо.

Баъзи тингловчилар қувлик билан савол беришадди: «Унақада ҳамманинг қўли бўшаб, нима қиларини билмай қолади-ку. Халқимизнинг бир одати бор: бекор бўлса, бир-биринг тагига сув қуяди». Бундай саволни кутган бўлади ва олдиндан тайёрлаб қўйган жавобини чиройли сўзларга ўраб, эҳтирос билан баён этади. «Эҳ, менинг назари қисқа замондошим! Сизга қаттиқ ботса, узр. Лекин ҳозирги яшаш — яшашми? Агар унинг мазмунини бир сўз билан ифодалаш мумкин бўлса, тириклик фақат қорин ташвиши бўлиб қолаяпти-ку. Айтинг-чи, сиз шу кун турмуш икирчикирларидан бир зум ҳоли бўлдингизми? Кеча-чи? Эртага-чи? Битта писка деб бир ҳафта асабингиз бузилади. Айтишим мумкинки, бу ташвишлар ҳаммамизни ютиб юборган. Энди ўйланг, қорин тўқ бўлса, бу ташвишлар беш ҳисса, ўн ҳисса қисқаради. Бўш вақтингизда эса энг камида маънавият билан шуғулланасиз — китоб ўқийсиз. Ҳеч бўлмаса, яқин кишингизни кўргани борасиз? Менимча, туғишган синглингизни олти ойдан буён кўрмагандирсиз. Ёки табиатга юз бурасиз. Бир квадрат метр жойда ер юзидаги аҳолидан кўп ўсимлик бўлар экан. Сиз улардан нечтасининг отини биласиз ёки танийсиз? Менга Альп гунафшасини топиб беринг, фарзанд доғида юрган қанчалаб оилага бахт ато этаман. Сиз ҳам билмайсиз, мен ҳам билмайман. Ҳолбуки, бу ўсимлик табиатда бор. Тарихимизни биласизми? Шоир Лобидни эшитганмисиз...»

Залда мазлум сукунат чўкади. Ҳамма жим. Маърузачи қойил қилдимми, деб ғурурланади-ю, бирдан қалбида оғриқ сезади. Унинг авлоди энг жўн саволлар қаршисида ҳам гуногун лол эди.

Ана шундай, у ўз дунёсини кашф қилгандек бўлди ва тирикчиликнинг шу икки қутбига боғлаб дунёни жуда содда тушунтира бошлади. Кейинчалик у бу тушунчаларнинг янги-янги қирраларини кашф қилди. Масалан, «очлик — кўзи очлик, маънавий очлик, ало-

ҳида шахс очлигидан ўсиб чиқувчи умумхалқ очлиги, яъни ижтимоий очлик... Ҳодисанинг салбий моҳияти ва унинг асоратлари. Олайлик, тўқлик (тақсимотдаги ноҳолислик туфайли бир томоннинг қашшоқлашувидан бошқаларнинг бойиб кетиши маъносида) келтириб чиқараётган фожиалар (умумий рўйхат): ҳаромхариш, текинхўрлик, мечкайлик, тенгсизлик ва охирида — адолатсизлик. Адолатсизлик бор жойда киши шахс сифатида ўлади, қизиқишлари, эътиқодидан мосуво бўлади, одамлар пода шаклига кириб қолади. Ўзлиги бўлмаган одамнинг ўз нуқтаи-назари бўлмайди, ғоялар кураши урфдан чиқади, демак, тараққиёт тўхтайдди, жамият таназзулга учрайди.»

Рости, унинг бу хулосаси анча хусусий, бир оз хуфёна эди. Мабодо, қисматига тўйиб овқат емаслик ёзилмаганда, бундай «ёрқин» ғояга дуч бўлмасмиди? Лекин ҳар оқшом меҳмонхона буфетидан тишини кавлаб чиқиб, наслининг ўзи учун қурбон бўлишига рози бўлган Она Балиқ ёки Момо Товуқнинг руҳига шукроналар айтиб, уйига равона бўлар, эрталабгача меъдасини эскирган балиқнинг кўланса ҳиди безовта қилиб чиқар экан, баъзан кўкракдаги арслони ғимирлаб қоларди. «Нечун мен, шу кунларнинг фидойи фуқароси, тўйиб овқат ея олмайман?», деб нидо қилгудек бўлар эди. Лекин юксак анжуманлар руҳидан таскин олар, эртанинг бугундан афзал бўлишига астойдил ишонарди.

Нима бўлганда ҳам кулфнинг калитини топган алфозда эди. Энди ҳаммага шу мезон билан ёндашадиган бўлди ҳамда барча яхшилик ва ёмонликларни, касбкор эгалари ва социал қатламларни очлик ва тўқлик кўзгусида кўра бошлади. Унинг иш дафтарида, маърузасида ёзилган қоғознинг четларида шундай қайдлар бор эди:

«Касби — магазинчи. Вазифаси — одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиш. Ишга муносабати — ноҳалол. Харидорлар ҳақидан уриб қолади, алдайди, ёлғон гапирари. Ижтимоий ҳолати — оч, амалда маоши тирикчилигига етмайди, ўғирлик қилишга мажбур.

Автобус ҳайдовчиси — энг хайрли касб эгаси, узоқни яқин қилади, одамларнинг ҳожатини чиқаради.

Пассажирлар ҳақидан уриб қолади, чипта бермайди, оч, маоши етмайди.

Шифокор — офир виждон азобида яшайди ва пора олади. Чунки — оч.

Журналист — имконияти даражасида ишлай олмайди, негаки — оч!

Партия ходими ... Прокурор... Милиционер... Фан номзоди... Қоровул...

Умуман — мамлакат...»

Бундай қайдлар кўп, ҳаммасининг сўнггида ўша бир сўз. Баъзан ўқувсизлик билан юрак дардини ҳам ифода этган: «Айиқдек одамга рўпара бўлаётган аёл. Унинг қалбида чексиз изтироби бор. Лекин бўйсуннишга мажбур. Яшаш, яхши яшаш керак. Эсиз, гул кесакнинг тагида қолади».

У нотикликнинг кўпроқ ҳавосини олаётгандек, сомеъ халқ назарида обрўси юксалиб бораётгандек эди.

Аслида унинг бундай хулосага келишига тасодифий бир воқеа сабаб бўлди. Дорилфунунда бир пайтда ўқиган ҳуқуқшунос таниши тушликка таклиф қилди. Шаҳардаги энг яхши кооператив ошхоналардан бирига боришди. Ҳуқуқшунос қадрдон мижоз экан, хўжайин ичкарига — «хос хона»лардан бирига таклиф қилди. У ростки, теварагида кабоб тутуни бурқсиб ётган, одамлар шовқинига гарқ емакхонада шундай дилкушо жой бўлишига ишонмасди. Хона чиройли безатилган. Юмшоқ стол-стулар. Одам кам кирса керак, жиҳозларининг оҳори тўкилмаган. Тандирдан янги узилган нонлар келди, ажабо, офизда эриб кетади, бунча хушхўр бўлмаса. Кейин қийма шўрва, изидан кабоб. Ичишмади, чунки кундуз кунки, ҳар хил одам бор. Чой устида ширин суҳбат бўлди. Унинг назарида хўжайин бутунлай бошқача одам чиқиб қолди. Фикр — мулоҳазалари, хулосалари билан у кўрган одамларга ўхшамасди. Бир оз нолиб гапирди, саёқ текширувчилар кўпайиб кетибди. «Меҳмон» кузатишдан боши чиқмас экан. Яна уларнинг хиралигини айтмайсизми? Тийинтийин ҳисоблашади. «Овқатни пули бор одам есин, — деди хўжайин. — 5 сўм ташлаб кетаверади. Билмадим, қачон бу одамлар тўяди?». «Кооперативчиларни қоралашади, — давом этди у, — ёқмаса кирма. Фақат тинч кўй». Жуда тўғри гап. Икки ойда 120 минг сўмлик

қурилиш қилдирибди. Нақд чўнтагидан янги КамАЗ машинаси сотиб олишибди. Бир ойда 30 минг сўм ишлаш мумкин экан. Кейин рекетчилар, қуролли босқинчилар, кабинасида кесма милтиқ олиб юрувчи ҳайдовчилар билан боғлиқ ваҳимали гапларни айтиб қолди. Дунё кўрган одам экан, тартибларимизни миридан сиригача таҳлил қилиб, эга йўқлигини тушунтириб берди. Маърузачи олдинга беписанд ўтирди, кейин эса хўжайинни ёқтира бошлади. Охирида очикчасига тан берди. Хайрлашаётганда ихлос билан кўлини қисиб, елкасини силаб кўйди. Шундан кейин бот-бот ўйлайдиган бўлди: «булар билан қачон ҳисоблашамиз? Наҳотки, шуларнинг тажрибасидан фойдаланиб бўлмайди? Ҳар қолда улар синфий душман эмас-ку?» Тингловчиларини, унга савол билан мурожаат этганларни эслади. Улар орасида хўжайиндек тетик одамни кўрмаган экан. Ҳа, коопертивчи ўзича тўқ эди, шу туфайли кўп чалкашликларни еча оладиган мағзи тўқ мулоҳазалар билдирганди. Ҳолбуки, кўпинча бу ҳоллардан қочилади ва писанд қилишмайди...

Бу тушликни ҳамон унутгани йўқ. Энди воқелик билан юзма-юз келганда ўша суҳбатларни эслайди. Кўп нарсага янгича баҳо беради. Шундай қилиб, излаб юрган теран ҳикматни топгандай бўлди.

Одамлар олдида жўшиб маъруза қилар, ҳар бир жумбоқни ўз калити билан осонгина ечарди. Тарихдаги зиддиятларни, ҳокимият учун бўлган курашларни, жумладан, декабристлар қўзғолони каби «тўқликдан ўйлаб чиқилган» ҳаракатларни ҳам истисно этарди. Бундай ҳолларни тушунарди, бироқ ўз-ўзига қарши боролмасди. 5 йил умид билан яшади, бир нарсага — мўъжизага кўз тутди... Энди эса хаёлида оддий одамдек тўқис яшашдан бўлак ўй йўқ эди.

Қув тингловчилардан бири (бундайлар доим унинг изидан юришади ва ҳамма жойда етиб боришади) яқинда яна ноқулай савол берди. Дедики, халқ Олмониясида турмуш тарзи дунёнинг илғор мамлакатларидан қолишмас, таъминотла фаравонлик экан. Одам бошига бир йилда 99 килограмдан кўпроқ гўшт истеъмол қилишаркан. Бу биздан 3,5 баробар кўп. Нега улар ҳам тинч эмас?» Турқини ўзгартирмай совуққонлик билан шундай деди: «Сабаби — тақчиллик. Йўқ, кол-

баса ёки совун тақчиллиги эмас. Эркинлик ва ҳақиқат тақчиллиги... Биз бу босқичга етганимиз йўқ, бу босқич ҳали олдинди. Ҳозирча чўмичимиз мойга ботсинчи!»

Маърузачини яқиндан танийман. Ўзаро борди-келдимиз бор. Баъзан ҳасратлардан зада бўлиб тўйиб кетганимда ёки одамларнинг бетайинлиги бездириб юборганда бир хонали квартирасининг эшигини қоқиб бораман. Доим «Аргументи и факти», «Неделя», «Собеседник», «Ветеран» каби ҳафталиклар таҳамлари ичида кўмилиб ўтирган бўлади. Юзлари синиққан, мени кўриб чети учган лагандек филжайиб кулади. Шундай ерда чордона қуриб ўтирганча секин сўзлашамиз. У чекмайди, оз-оз ичади холос. Кеча менга ҳам уй текканини айтдим. «Айтмовдимми?», деди сачраб, гўё унинг башоратлари амалга ошаётган, ўзига тўқлар кўпаяётган эди.

Унинг ўзига ўхшаган довдир мулоҳазалари баъзан кулгимни қистатса ҳам ичдан маъқуллагандек, ҳатто унинг тарафида туриб фикр юритаётгандек бўламан. Ярим ёввойи одамларнинг ваҳший қўтосга ҳужум қилишга ундаган ҳис очлик эмасми? Бир ўқитувчи мактаб директорлигини олиш учун район раҳбарига ўз қизини тортиқ қилган экан. Бу ҳам очлик, аниқроғи, маънавий очлик касри эмасми?

Бугуннинг беқиёс режалари қаторида маърузачининг топилмалари анча юпун ва ибтидоий кўринади. Биз ошкоралик ва демократияни юзага чиқармоқчимиз, ҳуқуқий давлат тузмоқчимиз. Ҳали юзлаб қонунлар, минглаб қарорлар қабул қилишимиз керак. Йиғилишлар бўлаяпти, янгиларининг муддати ва рўзномаси белгилаб олинапти. Уларнинг бирортасида масала очлик ва тўқлик деб кўндаланг қўйилгани йўқ. Бизни бугуннинг таълимоти мабодо мўлжалланган тadbирларни бекаму-кўст ўтказиб олсак, масала ўз-ўзидан ҳал бўлади, деб ишонтирмоқда.

Унинг маърузаларига баъзан қатнашиб қоламан. Юракдан чиқариб, беғубор тарзда нутқ ирод этади. Гўё менга ишонаверинглар, мен сизларни алдамайман, деяётгандек бўлади. Ҳамон ўз эътиқодида собит, эртанги кунга ишонади. Фикрларининг тамал тошини ҳам ўзгартиргани йўқ — тарихнинг бош кўчасидан

қорни тўймаганлар исён билан ўтган. Унинг талқини-ча, халқ ҳаракатлари, инқилобий кўтарилишлар жамият аравасини силжитувчи туртки. Турткига сабаб бўладиган нотинчлик эса — очлик. У шу жиҳатдан очликни тарихий зарурат қилиб қўяди. Гўё тараққиёт бўлиши учун тақчиллик бўлиши керак. Буни рад этмоқчи бўлман, бироқ у ҳодисанинг моҳиятини анча чуқур ва атрофлича изоҳлайди: очлик — фақат қорин очлиги эмас, маънавий очлик, мулк очлиги... Шундан кейин унга қисман қўшилгандек бўлман.

Ҳар нечук оғайнимга ўзига хос мустақил шахс сифатида қарайман ва унинг «ғоя»ларини қадрлайман.

... У бошини эгганича бекат томон кетарди. Қорни оҳиста силар экан, «жуда тўйиб кетдим-да», деб қўйди. Кечкилик ёмон бўлмади. Димланган гўштнинг ҳиди димоғига теккач, иштаҳаси ҳакалак отиб қолди. 50 грамм сўради, бақалоқ кампир кулиб юборишидан ўзини аранг тийиб, «ҳеч бўлмаганда 100» деди. Ҳеч вақо бўлмас экан, косанинг таги ҳам қораймади, 200 олишга мажбур бўлди. Ўзиям қарийб бир маърузанинг ҳақини олиб қолди. Қизиқувди, буфет ҳам кооперативга ўтганини, энди фақат тоза овқатлар бўлишини айтишди. Тарелкани олиб, орқага қайрилар экан, бўш столи эмас, хаёлида эрта оқшом борадиган жойини изларди.

«Тўқлик яхши-да, манзил аниқ бўлмаса ҳам йўлга тўйиб чиққанинг маъқул». Унинг кўнглидан кўп гаплар ўтар, баъзиларини овоз чиқариб, ҳайқариб айтгиси келарди. Бироқ нар арслондек баралла наъра торта олмас эди, чунки...

Ҳадемай автобус ҳам келиб қолди. У салонга чиқди, гўё отининг бошини бўш қўйиб юборди...

1990 йил, май, Қарши

УЧИБ КЕТДИ УЧ ҚУШЧА

Ўрим мавсуми... Республика ўзининг навбатдаги меҳнат байрамига қадам қўймоқда. Бепоен ғаллазорларда етишган ризқ-рўз олгиндек товланиб турган буғдой ва арпалар ўроққа келиб қолди... Қудратли ҳаво кемаси — темирқанот турфа манзаралар узра парвоз

қилиб, Бухоро қўналғасига интилар экан, хаёлимдан шундай ўй кечди. Ҳосил йиғиштириб олиш онлари — тинчлик рамзи, фаровонлик кафолати. Жангу жадал пайтида ҳеч ким далага чиқмайди, омборлар тўлиб турмаса, дилинг ҳам ёришмайди. Ноннинг қадрдон иси анқиб тургувчи чексиз ангорларни қумсашим — руҳий безовталиқдан қочиб, бир мунис ором оғушини соғинишим эди. Мен қадимий шаҳарга худди қўйнида илон олиб кетаётгандек аламли, ўтли мактуб билан бораётгандим. Шунчалар бўлишини тасаввур қила олмасдим, худди гўдақдек ўзимни алдаб овутардим: «Ҳаммаси ёлғон чиқса-я». Кўз ёшларини кўрмасам, ҳеч кимни тергов қилмасам. Самолёт пастлай бошлади. Нима бўлса ҳам у Бухоронинг мангу миноралари — тўнтарилган муаззам қудуқларга тегиб кетмаса бўлгани.

Жамиятда ҳам ўзига хос ижтимоий «ўрим мавсуми» бошланиб кетганга ўхшайди. Гарчи улуғ «деҳқон»лар — ерга уруғ қадаганларнинг аксарияти фано бўлган эрсалар-да, бутунги авлод чекига ҳосилни йиғиштириб олиш тушди. Бировнинг гуноҳи учун жавоб бериш, қийналиш оғир кечаркан. Шу кунларнинг ўроқчиси эмас, шунчаки шоҳиди бўлганинг учун надомат чекасан киши. Яна бу исёнингдан хижолат тортасан, аслида бу талотўп замонда баҳоли қудрат кун кўриб юрсанг (топганингча еб-ичиб, ҳушинг келганда маҳалла-кўйга аралашиб дегандек), шунинг ўзи катта давлат, ширин бахт бўлиб қолди. Мана бунақаларидан Худо (чинакамига) асрасин. Такдирнинг тап-тақир сайхонлигида яшин тилкалаб ташлаган дарахтнинг гуноҳи нима эди? Яна само замбарагининг ўқи қаторлар сафидаги оддий мардумлардан бирига теккан бўлса-чи?

... Таҳририятга келган мазкур хат кимнинг қўлига тушса, бепарво қолдирмади. Йўқ, кучли публицистик оҳанрабои билан эмас, қаламга олинган фожианинг кўлами билан барчани миҳлаб қўйди. Инсон ўз бошидан қандай кунларни ўтказмайди, бу чархи кажрафторнинг ўйинлари бунчалар қалтис! Келинг, бўзлаб қолган бир онанинг нидосига қулоқ тутайлик.

«Турмуш ўртоғим Мусо билан тинч-тотув ҳаёт кечириб, бахтли яшаб келаётгандик, — деб бошлайди дардли мактубини Бухоро вилояти, Когон шаҳридан

Санамхон исмли аёл, — 17 феврал, якшанба куни одатдагидек ишдан келиб (у савдода ишлар экан) болалар билан овқатландик ва ухлашга ётдик».

Шу оқшом дастурхон устида қандай гап-сўзлар бўлганини эслаш қийиндир, бироқ гурунг ҳар бир болажон оиладаги каби дилкаш ўтгани, 1-синфда ўқиётган Дилшод, боғчага қатновчи, бугун ҳовлида қолган 5 яшар Миршод ва 3 яшар Алижон беғубор болалик оламининг навбатдаги эртакларидан ота-онасига, бибисига сўзлаб бергани, адоқсиз эркалашлар, завқ-шавқ бўлгани ва бошқа жами эзгуликлар манзират қилингани шубҳасиз. Бу оқшом фараҳли, нурли эди, энди эса туганмас армон, қўл узатса етмайдиган, чақирса қайтмайдиган шуъла у чоқлар. Аслида, ўтаётган ҳар дақиқа бизни янги бир олам билан юзлаштиради... Онанинг хатида ёзилишича, 18 феврал саҳарда кичкинтой Алижоннинг кўнгли беҳузур бўлиб қуса бошлайди. Орадан икки-уч соат ўтгач, катта ўғил Дилшод ҳам, эрталаб соат 8 ларда Миршод ҳам қайт қилади. Ота-она болалардан тунов кун нима истеъмол қилишганини суриштиришади, эси кириб қолган Дилшод кўчадан сақичга ўхшаган дори топиб олишганини ва ўшандан ейишганини айтиб беради. Дарҳол «тез ёрдам»га қўнғироқ қилишиб, шаҳар шифохонасига олиб келишади (касаллик варақасида келган вақти «12-15» кўрсатилган). Болаларни бўлим мудирини Қўзиев қабул қилади, «доридан заҳарланиш» деб ташхис қўяди, даво чораси сифатида ошқозонни ювиш билан кифояланади. Унга навбатчи шифокор Ғойибова, тиббиёт ҳамширалари қарашадилар. Шундан кейин одатдаги «касалхона даври» бошланади, яъни гўёки барча чоралар кўрилди, ҳаммаси тинчгина ўтиб кетади, деган таскин берувчи кайфият юзага келади.

Доридан заҳарланиш ва у туфайли вафот этиш ҳодисаси мазкур шифохонада яқинда рўй берганди. Уксусдан заҳарланган Л. деган бемор 18 кун ётиб, 5 январда вафот этганди. Шу муносабат билан шифохона бош врачини Содиқова 23 январда 7-буйруққа имзо чеккан, унда юқоридагидек ҳолатларга дуч келинганда бош врачини, албатта, хабардор қилиш, реанимация (тирилтириш) бўлими барча интенсив чораларни кўриши мажбурлиги уқтирилган. Шунга кўра, врач Қўзиев бош

шифокорни хабардор этиши керак эди, бу талабни бажармаган. Реанимация бўлими мудирини Ҳамидовга телефон орқали аҳволни маълум қилганда у ёқдан «бизда оғир бола бор, ўзларингиз ёрдам бераверинглар», деган жавоб келган. Болалар заҳарланган дорини Қўзиёв ҳам, Ғойибова ҳам танимаганлар, «дорихонага элиб, унинг раққа қарши ишлатилишини аниқлаб келганлар» (онанинг хатидан). Беморлардан умумий анализ олинган, бироқ қондан биохимиявий текширув учун намуна олинмаган, аслида заҳарлаган дори бевосита қонга таъсир қилувчи ўткир препарат бўлган. Шу йўсинда шифокорлар кетма-кет бир қанча хатога йўл қўйишган.

«Бўлимда касаллар меъеридан ортиқ бўлиб, жой этишмасди, — деб тушунтириш беради Қўзиёв. — Уч болани «тез ёрдам» хонасида қолдирдим. Муолажадан кейин кўнгил айланиш кузатилмади. Уч соатга яқин ухлаб олишди. Кечқурун врач-реаниматолог Ҳамидовни чақирдим, у болаларнинг энг каттасига укол ёзди, бибиси рози бўлмади. Эртасига аҳволлари яхши бўлгани, зеркиб хархаша қилаверишгани туфайли уйга жавоб бериб юбордим».

Болалар еган дори — миелосан «А» рўйхатда туради, «диметансульфанил кислота эфири. Миеолид тўқима функциясини сусайтиради. Миеолид лейкоцид касаллигини даволашда тавсия этилади» (ЎЗСЭ, 7-жилд, 208-бет). Қўлланмасида у тавсия қилинган беморларнинг қон таркиби мудом текширилиб турилиши, аксинча, ҳатто врач назоратида ҳам одамни ўлдириши ёзиб қўйилган. Афсуски, ана шундай тажовузкор дорини истемол қилган болалар — ёш, мўрт организмлар тақдири ҳурматли шифокорларни безовта қилмаган. Улар бу фалокатни деярли унутганлар, орадан 3-4 кун ўтгач, онанинг фарзандлари оғирлашиб бораётгани ҳақидаги арзига «у дорининг таъсири 6-7 ой давом этади, ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади» деб жавоб беришган.

Рамазоновларнинг қўшнисини М. сурункали лимфоликос касаллиги билан оғриган ва 11 февралда вафот этган. Марҳумнинг хотини эрига берилган кўплаб миелосан таблеткаларини (250 дона дейишди) қўшнига яқин жойга очик ҳолда ташлаган. Ана шу ҳол фожиага сабаб бўлган.

Орадан ғанимат кунлар ўта бошлайди. Ҳамма — гафлатда. Гарчи ота-онанинг қалби безовта бўлса-да, замонамизнинг Луқмони Ҳакимлари юз фоиз кафолат бериб айтган гапларга ишонишади: ҳаммаси ўтиб кетади. Қолбуки, ёш вужудларда ўнгарилмас мамот жараёни давом этарди, қондаги қизил тангачалар аёвсиз емирилаётган, организм ҳимояланиш қувватини бутунлай йўқотаётган эди.

Хаёлга чучмал бир орзу келади: қани шу пайт ўткир кўзли бир одам бўлса-да, хавфдан огоҳ қилиб, гурзисини мудроқ бошлар узра ўйнатса, ҳушёрликка чакирса!

«Шикоят-ариза»дан: 5 март куни Алижоннинг иссиғи кўтарила бошлади. Кечга яқин шаҳар шифохонасига «Тез ёрдам»да олиб келдик. Врач Қўзиёев бизни олиб келган аёлга «Нега доридан, деб ёздингиз?» деди. «Доридан шундай бўлган, яхшилаб даволаш керак эди», деди аёл врач. Кўп врачлар келиб кўришди, боламнинг томоқ йўли яраланиб кетган эди. Реанимация бўлимига ётқиздилар. Дилшод билан Миршод ҳам иситма қилган, уларни юқумли касалликлар бўлимига жойлаштиришди. Кейин реанимацияга ўтқазиб, анализ қилишди-да, болаларимнинг қони заҳарланганини айтишди. Бухородан врачлар чақирдилар, қонини ювдилар, лекин кеч бўлган экан. Аҳволлари кундан-кун оғирлашиб борарди. Учаласининг ҳам сочлари тўкилиб кета бошлади, тишлари қимирлаб қолди, томоқлари йиринглаб, ҳеч нарса ўтмай қолди. Сийдик ўрнида қон келар ... Болаларим жуда қийналиб кетган, оғриққа чидаёлмай жовдирар эдилар. Менинг ўрнимга ўзингизни бир қўйиб кўринг. Дунёдан умидим фақат шу болалардан эди-ку.

9 март куни кичкина ўғлим Алижон оғирлашиб, қўлимда жон берди. Энди менинг умидим қолган икки боламда эди. 14 март куни эса катта ўғлим Дилшод-жон ҳам оламдан кўз юмди. 15 март куни 5 яшар ўғлим Миршоджонни Тошкентга олиб кетдим. Ягона умидим шу боламда эди, ҳеч бўлмаса шу биттагинаси тирик қолсин, деган эдим. Йўқ, бўлмади. 20 март куни Миршоджон ҳам бу дунёни тирк этди».

Эй, қодир Худо! Бандаларингдан шафқатингни дариф тутма! Кўнглим, сен эса дунё меҳробида айланиб-

айланиб, ёруғ оламда воқеъ бўлиш навбатинг шундоқ кунларга тўғри келгани учун йиғла! (Астаффируллоҳ!)

«Боламни сақлаб қолсангиз, кўзимни ҳам ўйиб берман», дея илтижо қилган муштипар онанинг фарёди увол кетганига йиғла!

Ҳеч зехни уйғонмаётган, билъакс, турфа нағмалар чиқариб, бир-бирига маташганча тобора чўкиб бораётган улус учун — йиғла!

... Ўша хувиллаб қолган ҳовли ўртасида қўлини телбаларча ёзиб «Энди нима қолди? дея йиғлаётган Мусонинг — соқоларини ўстириб юборган отанинг синиқ ҳолати, она (бардошинг метин бўлсин)нинг энтикиб-энтикиб фарёд чекишлари, ўртанишлари ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Қанчалар оғир бўлмасин, хайрлашиш олдидан истиҳоламни айтдим: «Ёзсам, дардингизни янгилаган бўлмайманми?», «Ёзинг», — деди Санам ёшўли кўзлари билан дадил боқиб, — токи бошқа оналар менинг қунимга тушмасинлар». Онажонлар! Гап уқмасаларингиз узоқларга кетиб қолмадими? Уларни бағрингизга қаттиқроқ босинг!

Бир бандани ожизнинг ибодати-ю инояти шу-да! Ҳаёт эса ўз йўлида давом этаверади. Каллақланган дарахт ҳам янги новдалар пайдо қилади. Фақат ўтган кунлар ёди... Санам ўзининг дардли мактубида «умид» сўзини тез-тез қўллаган. Зотан, теран ҳикмат — тирклик бу оила қалбига ҳам янги умидлар уруғини қадаса, мустаҳкам ирода бағишласа ва асраб қўйган хуш кунларидан ато этса. Аслида, ҳаммамиз эзгуликнинг гадоларимиз, бировга таскин берар экансан, ўзингнинг шафқат талаб қалбинг баттар оғрийди, сен ҳам бошқа бир кишининг ширин сўзига зор эканингни ҳис этасан. Дунёда меҳр бунчалар камёб бўлмасайди.

Гарчи Когонда рўй берган воқеада «марказнинг сиқуви», «миллий можаролар акс-садоси», қандайдир «монокультура»нинг таъсири бўлмаса-да, қарор топган халқ турмушининг оддий кўриниши экани рост. Биз барча жабҳада маданият бадарға қилинган шароитда, ҳатто ярим ёввойи тарзда яшаяпмиз. Касб масъулиятини унутиш (айниқса, шифокор учун) жиноят эканини ҳозирги лоқайд зехн билан идрок этиб бўлмайди. Айтинг-чи, биз қайси соҳадан шикоят қил-

маяпмиз? Қайси касб кишиси ўз малакасини мукам- мал дея олади? Бир сўз билан айтганда, ҳаёт кутби- нинг шайини ёруғлиқдан зулматга қараб оғса, фожиа- лар рўй бериши заруриятдек бўлиб қолади. Бироқ унинг объекти — рўй берган жойи ва иштирокчилари тасодифдир. Худди шундай даҳшат Когонда эмас, бо- шқа жойда ҳам рўйи бериши мумкин эди (балки рўй бераётгандир). Қўзиёв, Гойиёва, Ҳасанов деган врач- лар ҳам фалокатнинг тасодифий ўлжалари, холос. Ас- лида совет медицинасининг тўкилиб, тўзиб кетиши ара- фасида тургани ҳақиқат. Бу фалокат фақат дори-дар- монларнинг камёблигидан эмас, балки ноқобил кадр- ларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганидан. Вақти келиб XX аср даҳшатлари ҳақида рекордлар китоби ёзилар, шунда унинг асосий қисми бизнинг тиббиёти- мизда рўй берган фожиалар бўлиши шубҳасиз... Ат- рофимизда нималар бўлаяпти? Табобат ходимлари хиз- матларининг жами тирик жон учун қанчалик зарур эканидан фахрланганлари ҳолда замондошларининг мислсиз таъна ва нафратига дучор бўлаётганликлари- ни унутмасликлари керак. Шу ўринда ўзим эшитган ёки кўрган бир-биридан кўрқинчли воқеалар тафси- лотини келтириб ўтирмайман, фақат бир жарроҳнинг оддий инсон қалб эътирофини дарж этмоқчиман. У хижолат чекиб, ҳазилдан ташқари шундай деди: «Пора олмасам, операцияга қўлим қалтирайдиган бўлиб қолиб- ди». Руҳий хасталикларнинг турларини сизлар кўпроқ биласизлар, бироқ одамларнинг оқ халатли халоскор- ларига ҳурматлари баланд (билмадим, бу ҳурмат оқ либосгами ёки унинг эгасигами), ҳамманинг ҳам яша- гиси келади. Аммо ҳақиқатдан қочиб, қорани оқ деб бўлмайди-ку.

Одатда медицина — мадати Сино — табобат ҳаёт ва ўлим чегарасидаги соқчига ўхшайди. У ўз ўрнида хушёру-собит ҳолда ўлим лашкарларини қайтариб ту- ришга сафарбар этилган. Мабодо, соқчи бўлиб, атай- лаб хиёнат қилса-чи? Баъзан шундай тасаввурга ҳам борасан киши. Когондаги воқеада аввало касб маҳора- ти (аниқроғи — саводи)нинг етишмаслиги панд бер- ган. Кейин эса шифохоналарда ҳукм суриб келаётган тўрачилик, сансоларлик, тошбағирлик вазиятни тўла баҳолашга, керакли доираларни хабардор этишга мо-

неълик кўрсатган. Эҳтимол, болаларни қабул қилиб олган врачлар кучли чарчоқ ҳолатида бўлганлар. Шу тафайли оддий луғатни кўриб, миелосан нималарга қодир эканига қизиқмагандир. Жонлантириш бўлимининг мудури келишдан бош тортганда бош врачнинг тегишли буйруғини бажармаётганидан ташқари бир оиладан уч кишининг заҳарланиши оғир фожиага олиб келиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмагандир. Айниқса, доридан заҳарланган болаларни уйига жавоб беришгач, ҳеч ким қизиқмагани, ҳатто бу воқеани бутунлай унутиб, 15 кундан кейин қайта тушганда «Фоликулярная ангина» (йирингланган томоқ шиши) деб ташхис қўйилиши лоқайдлик ва масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас. Бу ҳолатлар табобатда таркиб топган иш усуллари бўлиб қолмоқдаки, шу туфайли соҳанинг обрўси тушиб, ишонч йўқолмоқда.

Аҳволни бўрттириб кўрсатиш учун ҳужжатларда йўл қўйилган чалкашликлар-у далилларнинг бузиб талқин этилишларини келтириб ўтирмайман, шусиз ҳам натижа аниқ. Хулоса шуки, вазиятни ўнглаш учун табобатни инсонийлаштириш, врачни қоғозга эмас, беморга яқинлаштириш йўллари топиш, медицина илмини сўнгги ҳукми — ўлимга эмас, ҳаётга, тирикликка хизмат этишга сафарбар қилиш лозим. Бунинг учун балки бутун тизимни ўзгартириш керак бўлар. Лекин шундай йўл тутиш шарт. Зеро, оқ халатдаги қонли доғларни энди ҳеч ким кечира олмайди.

Мазкур воқеага жамоатчиликнинг муносабати билан қизиқдим. Аввало, марказдан келган «комиссия» (балки «танобчи») сифатида мени бундай заҳарланиш барибир ўлим билан туташига ишонтирмоқчи бўлишди, гўё врачлар бепарволик қилиб, тўғри йўл тутишган (мантиқни қаранг). Бироқ энг оддий, ўжар ҳақиқат мавжуд-ку. Дастлабки қурбон — Алижон (у ўз эйтирофларича 3 дона дори еган) нақд 20 кун яшаган, иккинчи фалокат 25 кундан кейин (2 та дори еган) рўй берган, ниҳоят, болаларнинг учинчиси (у битта дори еган) 31 кун ҳаёт ва мамот ўртасида курашган. Наҳотки, шунча муддат (ўткир ҳолат 15 кундан сўнг бошланган) норасидалар ҳаётини сақлаб қолишга ет-маса? Заҳарланган заҳардан, касал касалликдан ўлиб кетаверса, медицинанинг нима кераги бор? Бу бой-

ликни (табобатни) ҳеч ким иккиланмай инсоният да-ҳосининг энг олий кашфиётларидан, деб эътироф этиш-ганда, шубҳа йўқ.

Тошкентга келгач, хатога илмий шарҳ топиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа даволаш муас-сасаларидан 13 та телефон номерига қўнғироқ қил-дим. Гап нимада эканлигини билишгач, албатта, бошқа кишига ҳавола қилишади (фақат токсиколог профес-сор Зарзар билан гаплаша олмадим, у Грецияда экан). Бундай эстафетани кўриб, яна бир марта бизнинг ши-фокорларимиз ҳалол хизмат қилишга эмас, бир-би-рининг (демак, медицинанинг) сирини очмасликка қасам ичишганига амин бўлдим.

«Қайси дарахтга ўт тушса, ўзи ёнади, ўзи ўчади», дейишади. Рамазоновлар учун ҳам шундай: ҳол сўраб келувчилар кам бўлди. (Маҳаллий шароитни яхши бил-маганим учун қўни-қўшниларни айблашдан йироқман). Куйган юракка таскин керак эди, лекин бунга арзий-диган инсоний меҳр деярли топилмади. Дарё бўлган кўз ёшлар тош бағирларни юмшатмади. Ҳамдардлик-ка арзийдиган валломат топилмади. Аксинча, мотам либосидаги аёлнинг идорама-идора юриши «нозик одамлар»ни фижинтирди, ҳатто, хатда ёзилишича, «қаерга борсанг бор, қўлингдан ҳеч иш келмайди» деб дўқ қилишади. Одамгарчилик шу экан-да! Ҳуқуқ ҳи-мояси маҳкамалари (хусусан, шаҳар прокуратураси) текширувни пайсалга сола бошлади. Фарзанд доғи-дан ҳам боқибеғам тўраларнинг муздек муомаласи ошиб тушди. Охири прокуратурадагилар жиноий иш қўзғаш учун қабрларни очиб, қайта текшириш (эксгумация) лозимлигини айтишди. Бу эса миллий анъаналарга кўра оғир кўргилик. «Болаларимнинг руҳини безовта қил-гунча...» — дейди ота ерга сажда этиб. Инсонга шунча азоб бериш шартми! Прокурор жўралар, бироз одам-шаванда бўлинглар, фожиа тафсилоти бирқанча хуж-жатларда аниқ қайд қилинган-ку! Сизларнинг даъ-воингиз совет медицинасига ишончсизликданми, со-вет кишисига ишончсизликданми? Маҳалла комитети, шаҳар, район раҳбарияти ҳам бепарво бўлди, аксинча «иси»ни чиқармаслик йўлларини излашди. Менга очик-ча норози бўлиб «Эрининг иши йўқ, шу хотин қилиб юрибди қилғиликни», деди шулардан бири овора бўлга-

нимга раҳми келгандек. Мана бизнинг ахлоқимиз, тушунчамиз! Ҳатто дардингни ҳам овоз чиқариб айтишга қўйишмайди. Бундай шароитда қийналиб кетган Санам уруш қатнашчиси, ветеран отаси билан Тошкентга йўл олади, ҳақиқат излайди.

Бироқ одамлар қалбида инсонийлик тамоман йўқ бўлиб кетмаган экан. Онанинг ҳикояларини тинглаб, ҳамма юм-юм йиғлади, райкомнинг, шаҳар советининг сокин биноларини бир қалб фарёди титратиб ўтди. Андак бепарволик қилинганини, юмушлар ошиб-тошиб ётганини айтиб узр сўрадилар, шикаста, озурда оила эътиборида бўлишини эътироф этдилар. Мулзам кишилар қиёфасига қараб ўйлаб қоласан: етарлича ҳиммат бор, ҳамият ўлмаган, нега шу эзгуликларни тинбеҳларсиз, юқорининг кўрсатмасисиз қилиб бўлмайди? Ахир ёнғиндан кейин сув олиб чопганнинг нафи кам-ку!

Ҳар қадамда савол, ҳар қадамда жумбоқ. Вақт эса бизни олий ҳақиқат сари элтмоқда. Ҳар ҳолда яхши кунлар умиди билан шифокорлар шаънига айтилаётган кескин гаплардан тийиламиз, негаки, издан чиққан силсилани ўзга сайёрадан келиб тўғрилаб беришмайди. Яна масъулият юмушга чорлайди, энди бу сафар юракни губорлардан тозалаб, қўлни яхшилаб ювиб олгач, улуғ Абу Али ибн Сино номига чинакам қасам билан ишга киришилар. Зеро, ҳар бир шахс ўзини покламаса, жамият покланмас экан. Олий ҳақиқат йўлидаги илк сабоқлардан бири шундай бўлса ажаб эмас. Ахир ғафлат диёрига таъналар айтиб, уч беғубор қушча учиб кетди-ку!

...Ўрим мавсуми авжига чиқмоқда. Ҳосилдан бўшаган ерларга зудлик билан Эзгулик уруғлари экишга киришилди.

1991 йил, май.

ЎЗ УЙИДА МЕҲМОН

Чоштепа қишлоғидаги юзлаб ҳовлилардан фарқ қилмайдиган бу гўша қарийб бир ой давомида элнинг назарида турди, кўплар бу ерга келиб кетишди ҳам.

Одамлар ўз гурунглирида тез-тез «америкаликни» тилга оладиган бўлишди: «америкалик кеча тўйга борибди», «америкалик синфдошини танимабди», «америкалик холодильник сотиб олибди» ва ҳоказо. Қишлоқда август ойларининг бошида океан ортидан собиқ чоштепалик фуқаро Жалол меҳмон бўлиб келган эди. Унга қишлоқдошлари худи нариги дунёдан қайтиб келган одамдек қизиқиш билан қарашарди. Ахир ўтган 48 йил одамзод умри учун қисқа давр эмас. Бу орада қанча сувлар оқиб ўтди, фасллар неча бор алмашди. Жалолнинг сарпойчан бўлиб юрганида унга йўл-йўриқ кўрсатган одамларни биладиганлар ҳам камайиб қолди. 46 ёшли жияни Файрат акани аэропортда илк бор кўргач, «бу чол ким бўлди, экан?» деган андиша унинг хаёлидан ўтибди. Бу ҳақида Жалолнинг ўзи кулиб ҳикоя қилади. Умуман, америкалик меҳмон ўзини хушчақчақ тутар, бу хушчақчақлик эса шахсий ҳаётида баъзан ғамгин лаҳзаларни эслашга, ватан соғинчи, туғишганлар дийдорининг ҳасратини суҳбатдоши билан баҳам кўришга монелик қиларди. Жалол ҳамма билан шу алфозда кўришар ва шундай хайрлашарди. Бизнинг юзма-юз келишимиз ҳам ана шундай хушчақчақликка сабаб бўлди.

— О, гўзал, — деди у ёш йигитлардай қўлларини хавода ўйнатиб, — хуш келгансиз!

Ўзбекча сўзлар унинг италянча, инглизча қийин сўзларни буралаб талаффуз қилган тилида бошқачароқ янграр, у баъзи морфологик хатоларга ҳам йўл кўяр эди.

Қишлоқнинг тош тўкилган жин кўчасидан секин одимлаймиз. Мен ўзимни таништираман ва муддаомни изҳор қиламан:

— Юртдошларингизга сизнинг қалб сўзларингизни етказиш, сизни таништириш учун...

Нутқим бироз қуруқроқ чиқади. Жалол бир қур разм солиб, шарақлаб гапни олиб кетади:

— Сиз яхши одамсиз, икки кундан кейин келсангиз, яна ҳам яхши одам бўлардингиз.

Гап нимадалиги аниқ, меҳмон жўнашга шайланаётгани, икки кундан кейин Америкада бўлишини билади ва қувлик билан қочириқ қилади. Ҳаммамиз куламиз.

Шахрисабз тумани Чоштепа қишлоғида туғилган ва ҳозирга қадар тақдир тақозоси билан Америка

Қўшма Штатларининг Нью-Жерси штати Эндлевод шаҳарчасида яшовчи Жалол ҳақида одамлардан узун-юлуқ гапларни эшитган эдим, хизмат юзаси билан учрашишга тўғри келди. Албатта, бунини америкаликларда бўлганидек, халқимизда ҳам мавжуд бўлган бир-бирини билишга нисбатан ўсиб бораётган табиий қизиқиш тақозо этарди.

Меҳмонни 60-70 ёшлар орасида, деб айтишди. Мен эса бўлажак суҳбатдошимни типик ўзбек чоллари, ўшанда ҳам энг зиёли отахонлар қиёфасида тасаввур этардим: оқиш рангли кител-шим, учи энлик поайбзал кийган, оқ оралаган сочлари тагидан қиртишланган, соқолини роса қирдириб, сидирга пардоз қилинган, тўр шляпа кийган, тишининг олд қисмида тилла қоплама қўйилган ва, албатта, тилла гардишли кўзойнак таққан. Америкаликларни ичкуйди ва тинчимас халқ дейишади. Жалол ҳам тик қоматли ва қотма бўлса керак. Унинг камсуқумлиги ҳақида гапиришади. Мана, у қишлоқ магазинига секин юриб, қўлини орқада тутган ҳолда кириб келади ва пештахталарни ҳиссис кузатади, ҳеч сўз гапирмайди ва чиқа туриб «О-кей» деб қўяди. Менинг америкалик ҳақида унча тўла бўлмаган тасаввурларим шундай эди.

Ҳамроҳим Жўра ака билан иссиқда ҳарсиллаб қишлоқдаги кўплаб хонадонларга кириб чиқдик, бироқ ҳеч ким меҳмоннинг қаердалигини аниқ билмас эди. «Мен кашф қиладиган Америка» негадир тутқич бермас, бундан бироз ташвишланардик. Охири шундай кўчанинг юзида кундалик эҳтиёж моллари магазини айвони олдидан туриб, меҳмонни кутиб олмоқчи бўлдик. Вақт ўтказиш учун одамлар билан ҳар тўғрида суҳбатлашиб турилди. Ҳамма «мистер Жалол»ни билар экан. Саъдулло бобо эса у билан болаликда бирга ўсган. 7-синфгача бирга ўқиган. Бобо Жалолни болаликда ҳам удабурон эди, одамларни ўқитарди, деб таърифлади. Уларнинг синфида 16 бола бўлган, ярми ўғил болалар. Шундан 7 нафари урушга кетган. Саъдуллони чўпон бўлгани учун брон билан қолдиришган. Йигитларнинг кўпи қайтмаган, ногирон бўлиб қайтган иккитаси ҳам вафот этган. Саъдулло бобо ҳозир нафақада.

Шу пайт Жўра ака «келишди» деб қолди. Кўчанинг нариги бетида дўппи кийган, оқ соч киши синиқ гавдали бир одамни бошлаб келарди. У қора рангдаги

гулдор енгсиз куйлак, йўл-йўл оқ шим кийган, ўсиқ сочлари қулоғини беркитиб турарди. Бегона ўтлар орасидан ўтган тор сўқмоқдан эҳтиёт бўлиб қадам ташларди. Бу одам бизга чойхоналарда гашт қилиб юрадиган чапани йигитларни эслатарди. Жўра ака икковининг йўлини шаҳдам кесиб чиқди-да, гап қотди:

— Файрат, тоғангни кўргани келишган экан.

Тўхташди, қўл олиб саломлашдик. Бош яланг одам хушёр тортиб:

— О, мени кўргани узоқдан ҳам кела бошлашди, — деди-да, йўл бошлади. Самимий ҳангомалашиб, ҳовли томонга равона бўлди. Боши берк кўчанинг охиридаги дарчага яқинлашдик. Жалол чўнтагидан калит чиқариб, катта қулфга солди. Ичкарига киришдан олдин ерни тап-тап тепиб, туфлисининг чангини қоққан бўлди. Остонадан қуюқ чанг кўтарилди.

— Бу — онамининг уйи. Мен ўзим хўжайин, — Жалол мезбон сифатида илтифот билан бизни таклиф қилди.

Кун пешиндан оққан, ҳовлида қуюқ соя туша бошлаган эди. Чоғроқ темир каравотда жой қилинди, дастурхон тортилди.

— Меҳмонларга чой қуйиш керак, — деди Жалол жиянига.

— Сиз қуйинг, биласиз, — маслаҳат берди Файрат ака тоғасига ва кўрпачага яхшироқ ўрнашиб олди.

66 ёшли Жалол газдами, электрдами чой қайнатиш учун уйга кириб кетди. Қайтиб чиқиб омонатгина қўйилган эски стулдан жой олди. У оёғини буклаб ўтира олмас (бизларга хос кўрпачада ўтириш одатини алақачон унутиб юборган) эди. Меҳмонларга илтифот билан боқиб, жилмаяр, унинг табассумида самимият балқиб турар эди. Кўкиш қўй кўзлари тийрак порлар эди, унга жиддий разм солиб тикилганда ҳам на шодлик, на ғамни илғаб бўларди. Фақат унинг кўзлари жуда хушёр эди ва ҳеч нарса фаромуш қилмасди. Қарилик фаслининг ўрталарида гашт қилаётган бу одам ўтмиш кунларида анча серғайрат, серҳаракат, ҳатто олғир бўлгани шундай билиниб турар, ёшлик оловлигининг ўчмаган чўғлари ҳамон жисмида милтиларди. У чуқур андиша ичида эди ва истиҳола қиларди. Қолаверса, унинг юзлаб суҳбатдошлари орасидан фақат мен у билан «хизмат юзасидан» гаплаша-

ётганим учун ҳам ўртада қандайдир кўринмас парда бор эди ва уни илтифотлар ҳам, зўрма-зўраки жилмайишлар ҳам йиғиштириб ололмас эди. У менга қайсидир миқдорда, балки тирноқча бўлсин, ҳаяжонланаётгандек, қандайдир маломатлар олдида хижолат чекаётгандек ва кимдандир таъна-дашномлар кутаётгандек туюлди. Балки ҳиссиётим мени алдар, балки Жалол Шахрисабзга жўнаш олдидан ростдан ҳам узоқ айрилиқдан кейин тошга ўйилгандек ўчмас болалик хотиралари тазйиқи остида, киндик қони томган муқаддас тупроқни кўриш иштиёқида ҳаяжонланган, балки кўзига ёш олган, шунингдек, олда турган номаълум учрашувларни ўйлаб, юраги орзиққан, эҳтимол, қишлоқдошларининг аёвсиз таъналарига қолишини кутган бўлиши мумкин, лекин нима бўлганда ҳам у кучли ички руҳий матонат билан тўқис, будди-шудди одамдек кўринишни хоҳлар эди. Хуллас, бу ҳолат Жалолнинг ички дунёсидек, унинг ҳаётидек мураккаб эди. Унинг ҳаёти кемтик, у кам ва бу камликни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмасди.

Расмий идора хизматчиси сифатида касб одобига кўра гувоҳномамни кўрсатдим, у бунга жавобан қўл силтаб қўйди ва бунинг аҳамиятсиз эканини таъкидлади. У бепарво эди ва бу бепарволик қийинчиликлар билан чийралган одамнинг «жодига солиб қиймалайсанми, бунинг менга фарқи йўқ» қабилидаги ҳукмига ўхшарди. Шунда бу қилиғимнинг хатолигини тезда тундундим ва мистер Жалолга мухбир билан суҳбатлашиш, унга ватанпарварликка ундовчи, ўз қилмишидан пушаймонлар билан тўлиб-тошган нордон интервью беришининг хуфёна обрўсидан кўра оддий инсоний калом, қўлини елкасига қўйиб гаплашаётган биродарнинг меҳри кераклигини ҳис қилдим. Уни ҳа, деб тергайвериш, майда саволлар билан мурожаат қилавериш ҳамиятига тегади, қисқа сафари давомида ватан меҳрига қонган ташналигини, ризолигини заққумга айлантиради. У яна ўз Америкасига мусофирлигини кўнглига тутиб, бу дард исканжасида эзилиб кетади. Шулар хаёлимдан ўтди ва бундай бўлишидан қочдим. Суҳбатимизда кўпроқ кўнгилочар гапларни мавзу қилиб олишга интилдик, болалик ва ўсмирлик йилларининг тотли хотираларини эсладик. Жалол урушдан олдинги ҳовлилари қаерда, йўл қандай тушган —

ҳаммасини аниқ эсларди. Ахир унинг миясидаги бу фотосуратни йўқотиб бўладими, кўз очган тупроқ меҳрини унутиб бўладими? Одамнинг тушида болалиги ўтган уй энг кўп безовта қилади-ку!

Биз ёнма-ён ўтирар эдик, лекин ўртадаги масофа жуда узоқдек туюлди. Жалол кам гапирар, хусусан, таржимаи ҳолига оид маълумотларни эшлашни хоҳламасди. Бироқ кўп нарсани сўзсиз ҳам тушуниб олиш мумкин. Бу ерда ҳислар, туйғулар жунбушга келадиган, одам ҳар доим ҳам кўравермайдиган манзараларни кашф этадиган вазият ҳукмрон эди. Мана, дарича ёнидаги лой-сувоқ ўчоқ. Дуд деворга урган ва ундан шифтга ўтган. Мен учун бу манзара жуда қадрдон, ҳатто муқаддас. Ҳар оқшом нон-насиба қайнайдиган, ризқ улашадиган бу барақхонадан бирданига айрилиб қолиш мумкинми? Умуман, ҳовлидан, боғдан, дўстлар дийдоридан узоқда яшаш осонми? Ҳаммасини унутиш, ҳаммасидан воз кечиш... Агар бу кўргулик тақдирнинг аччиқ инъоми бўлса, нариги дунё азмини қилмоқ жоиздир. Мабодо, бунинг иложи бўлмаса-чи? Ўлиб ўла олмагач, бир нави кун кўрилар экан-да. Фақат «фарзанд» бўлиб эмас, «хўжайин», «эга» бўлиб эмас, «мусофир», «сиғинди» бўлиб.

Бечора муҳожирлар. Ватанга қайтолмайсиз, баъзан ўзингизни бу фожиангизга ўзингиз масҳарабозлик қилгандек, Ватанни ўзингизга чорлайсиз. Ватан эса ўз жойида муқимдир, барқарордир. Бироқ она каби Ватаннинг шафқати ҳам чексиз. Бош эгиб фарзандлик расми билан келсангиз, бағрини очади. Унинг бағри кенг, карами беқиёс, марҳамати — улуғ. Тўғри, кўпларингизга қийин. Чунки юзингиз шувут, гуноҳи азимга йўл қўйгансиз. Бироқ қонни қон билан ювмайдилар. Ватаннинг мусаффо чашмасида қўлингизни ювинг!

Жалолга ҳам аччиқ қисмат ўз ҳукмини ўтказди. («Аччиқ қисмат» — бу менинг чексиз орзулар берган, курашга илҳомлантирган, бошимни силаб сарафроз қилган Ватан билан фахрланувчи, барча ташвишлари, оғриқлари, зафарларини ўзиники деб билган фуқаронинг мезони, балки менинг назаримда «аччиқ қисмат» бировлар учун тотли неъмат бўлиши мумкин, шундай бўлса, узр). Бунинг учун кўпда унинг ўзини ҳам айб-лаш инсофдан эмас. Давр зиддиятлари ҳар бир инсон ҳаётида ўз аксини топади, одамлар жамият дараҳти-

нинг меваларидирки, дарахтнинг нуқси меваларига ҳам уради. Урушдан кейинги қатагон йилларда сиёсий иқлим мўътадил бўлиб, одамларнинг авфи қабул қилинганда Жалол ҳам 48 йил ғарибликда кун кўрмас, элига қайтган, ўша яхши кўрган қизига уйланиб («у уч марта кўргани келди, энди у — кампир, мен — чол, бари — бефойда» дейди Жалол илк севгилиси ҳақида) ували-жували бўлиб кетарди.

Узун-юлуқ хотираларда зикр этилишича, у Харьков фронтида жанг қилган. Муҳорибаларнинг бирида «эсидан кетади» ва душманга асир тушади. Дастлаб Югославияда, кейин Италияда асирликда бўлади. «Қор ёққан кунларнинг бирида етти киши лагердан қочадилар». Тақдирнинг турли эгри-бугри йўллари олдинга бошлайди, шу орада Мария деган итальян аёлига уйланади, уч фарзанд кўрадилар. АҚШга жўнайдилар. Йўлда 6 ёшли кенжа ўғли Ёқуб денгиз касалига чалиниб вафот этади. Уни Нью-Йоркда дафн этадилар. Мана, 22 йилдирки, ҳозирги адресда муқим яшаяптилар.

Америкага кўчиб келгач, кўп нарсани қайтадан бошлашга тўғри келади. Жумладан, ишлашни хоҳлаган ҳар бир киши 12 йиллик мажбурий таълим мактабини ўташи шарт эди. Жалол гарчи қийин бўлса ҳам шунга жазм қилди. Унинг табиатидаги тиришқоқлик, омилкорлик суқатой бўлиб яшашни рад этарди.

— Мен бу дастурни кечаси, ишдан кейин ўқиб-ўргандим ва компьютерга имтиҳон топширдим, — дейди у.

Жорий қилинган тадбирга қаранг — мажбурий ўрта ўқув юрти (биздаги ўн йиллик ўрта мактабга ўхшаш)ни тугатмаса, ишга қабул қилишмас экан. Шунда мактаб директори бўлиб ишлаётган дўстимнинг «кечкини тугатган ёшлар келиб аттестатини ҳам олиб кетмайди» деган гапини эсладим. Ахир қўл учига асосланган меҳнатга аттестатнинг нима кераги бор? Кетмон чопишми, шундай ҳам ишни қилаверади.

Жалол ошпазлик қилди. Хотини шу ошхонада официантка бўлди. Ҳовли, машина сотиб олишди. Уй олдида кичкина участкада олма, ўрик, шафтоли, анжир дарахтлари ўстиришди («фақат анор йўқ», дейди у). Қизи Алма, ўғли Марко ҳам 12 йиллик ўқишни тугатишди. Алма фармацевт, Марко эса автозаправкachi

бўлиб ишлайди. Ота ҳар ҳафтада 400 доллар маош олади. «Шунча пулга нечта костюм олиш мумкин?» деб сўрадим.

— Костюм-шим ҳар хил. 50 долларликлари ҳам бор, 2 минг долларликлари ҳам бор.

— Хўш, қанча гўшт олса бўлади?

— Гўштнинг нархи ҳам ҳар хил. Молнинг ускуна-сига қарайди. Қовурғага бир хил нарх, сонга бир хил ёки бўйинга бошқа нарх.

Жавоблар шу хилда мужмал бўлди.

«Пулинг бўлса яшайсан». Жалолнинг фалсафаси шундай. Яна қўшимча қилиб, ўз нуқтаи назарини ойдинлаштирди. «Пул топиб, харажат қилишни билмасанг, ҳеч нарса бўлмайди». Демокчики, пулни нимага харажат қилишни билиш керак. Буни фақат америкаликлар эмас, бизнинг юртдошларимиз ҳам билиб қўйишса ёмон бўлмасди. Ахир турмушимизда кўпдан бери «Бир умр тоганини бир кунда сарфлаш» деган номақбул ақида анчагина сингиб кетган-ку. Масалан, тўйлар шунинг исботи эмасми? Таътилсиз, курорт-санаторияни билмай ишланади-да, бир кунда созурилади, яна қарзга ботилади. Бу қарзларни узгунча яна янги тўй навбати...

Жалол шундай тўйларда қатнашибди, унга тўрдан жой ажратишибди, сўз беришибди. Ўзини жуда сипо тутди, сўз берилганда ўрнидан турмай, микрофонсиз қисқа гапирди, дейишди кўрганлар. У эса тўйларда бўлиб бошқа нарсани кашф қилди. Аввало, уни дастурхондаги ноз-неъматларнинг турфа хиллиги эмас, кўплиги ажаблантирди. Охирида эса дастурхонни шипшийдан кўриб яна ажабланди. Азаматлар паққос тушириб кетишибди. Жалолнинг хулосаси эса мана бундай: «Жуда кўп ва тартибсиз овқатланишар экан».

— Кўп овқатланиш одамни тез қаритади, — дейди у, — ортиқча овқат ортиқча юкдек танага зарар. Юздаги қаримсиқлик, танадаги номутаносиблик шундан. Мен чой эмас, кофе ичаман, тушда бир жуфт қовурғани газда тоблаб, салат ва вино билан ейишни ёқтираман.

Унинг гапи нечоғлик тўғри, билмадим-у, лекин муғулбашара юзида бирорта ҳам ажин йўқ, сочлари қопқора (бўялган), майда тишлари кемтиксиз. Завқди ҳаётга ўчлиги кўриниб турибди.

— Тандир нон борми?

Бу саволни, очиги, унинг соғинч ҳисларини қўзғаш учун айтдим. Жалол эса бепарво, умуман, у ҳасрат қилишни, шикоятни ёқтирмас экан. Унда у томонни улуғлаш ёки қоралаш ва аксинча хатти-ҳаракат умуман сезилмайди.

— Турк болалар олиб келади, — деди тандир нон ҳақидаги суҳбатимизга жавобан. Ниҳоят, у ўз атрофидагилар ҳақида оғиз очди. Шу пайтгача ҳеч кимни танимайман, сиёсатга аралашмайман, деб ўтирган эди. Америкалик ўзбеклар ҳақида ҳеч нарса билмас, ватанга келаётганини ҳеч кимга айтган эмас эмиш. У ердаги турмуш тарзи шуни тақозо этиши ҳам мумкин, балки булар унинг шахсий сиридир, балки очилиб гаплашмаслик ҳақида кимгадир сўз бергандир, нима бўлганда ҳам одамнинг бир-бирига ишонмагани ёмон. Қачон тор манфаатлар қўргони вайрон бўлади-ю, умуминсоний ғоялар — дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик ер шарида ёппасига тантана қилади. Бу музаффарият биз Ерликларнинг ҳаммасига боғлиқ. Ҳозирча меҳмон она юрtdаги фаровонликдан хурсанд бўлар, бозорда мева-чевалар жуда арзон, таъми ширин деб қувонарди.

Америкада ҳаёт даҳшатлари ҳақида ўқиганмиз, томоша қилганмиз. Жалол ҳам уларни тасдиқлади. Гиёҳвандлик кенг тарқалган, ўғрилик, зўравонлик, талончилик, жанжал ва бошқа тартибсизликлар одатдаги воқеалар сифатида қаралади. Турмуш тарзи шунга мувофиқ шаклланган. Ҳар ким ўзини уйдлаши, муҳофаза қилиши керак. Арз ва шикоятларни давлат йўли билан ўринлатиш анча қийин. «Ўн миллион аҳолига (у бир штатни кўзда тутган бўлса керак) 30 минг полиция нима қилиши мумкин?» — дейди у таажжуб билан. Шунинг учун ўз кунингни кўришни ўйла. Бу океан ортида қарор топган норасмий қоида. Тўловлар анча кўп. Баъзи йўллар, кўприклардан ўтганда пул тўланади. Жалол ҳовли-жойи учун ҳар йили 6 минг, машинаси учун 1300 доллар давлатга тўлар экан. Шифоналарда даволаниш жуда қиммат — бир суткага 200-250 доллар. «Касал бўлгандан кўра ўлиб қўяверган афзал», дейди у.

Мулоқот асносида бир зум ҳам мана шу салқин боғларнинг, саховатли заминнинг эгаси — ернинг ми-

ясини ўйнатиб юборадиган паҳлавон ўзбек деҳқони тимсоли кўз олдидан кетмади. Унинг бахти нимада, бахтсизлиги-чи? Ипак арқондек чийралган Жалолнинг муҳожирликда ўтказган кунларини ўйлайман. Унга осон бўлмаган. Чақирилмаган меҳмоннинг иззати бўладими? Таъна билан ичган бир қултум сув ҳам заҳар-ку. Тинимсиз тентираш, океан ортига кўчиш, аёвсиз турмуш тазйиқлари унча-бунча одамнинг силласини қури-тиб юборади. Лекин Жалолдаги руҳан бардамлик қаердан? Шунда ҳар қандай таъна ва маломатларга чидаб, индамай бош эгиб турувчи баъзи юртдошларимиз кўз олдидан гавдаланади ва беихтиёр «Нега бунчалик синиқлик?!» деб сўроқ қилгим келади. Яна завқнинг ўта пастлиги, ўзига ва ўзгаларга бепарволик, лоқайдлик-чи? Ёки буларнинг ҳаммаси кечаги куннинг — шахс эркинлиги ва имкониятлари занжирбанд қилинган йилларнинг қасримикан? Ахир бизнинг оталаримиз, боболаримиз эркинроқ фикр қилишдан, ўйлашдан ҳам маҳрум қилинган эдилар-ку! «Биз ҳеч нарсани ўйламаймиз, биз учун отамиз Сталин ўйлайди» қабилидаги фаталистик шиорлар руҳида тарбияланган одамлар авлоди манқуртга яқинлашиб қолганди.

Шунда беихтиёр италиялик ёзувчи Танино Гозрронинг Чингиз Айтматов билан қилган сўхбатидаги қуйидаги гаплари эсимга тушиб кетади: «Шўро кишилари умуман олганда болани эслатади. Ҳар бири ишонадики, агар касал бўлса, уни давлат даволайди, агар оч қолса уни давлат овқатлантиради». Жуда топиб айтилганга ўхшайди.

Мана, типик мисол. Одатда редакцияга шундай мазмундаги хатлар кўплаб келади. «Қишлоғимизда сартарошхона йўқ. Ижроқўмга уч марта бордик ҳам қиё боқишмади. Хўжалик раҳбари ўз маишати билан овора. Ёрдам беринглар. Бир ярим мингли қишлоқ аҳли номидан, жами йигирмата имзо». Энди бу ўринда ўша йигирмата одамга сартарошхона қуришга унчалик кўп куч керак эмаслигини ўқтириш ўринлими ёки камчилиқни тўғрилаш учун қандай тадбир кўриш кераклигини ўйлаб кўрмоқ лозимми? Ёки бир киши (яна «давлат одами») бош бўлиб имзо чекканларга лой қоритса, девор урдирса ва иморатни битириб берсами? Гапнинг индаллоси эса юқорига хат ёзиб, унга имзо тўплаш учун кетган вақтга ўша 20 киши киришса, сартарош-

хонани битказиб, мижозларга эшигини очиб қўйса бўларди. Йўқ, бу йўлдан борилмайди («Виждон йўл қўймайди», «камчиликларни кўриб тинч тураолмайман»), яна ўшанга, ўша қудратли куч («давлат»)га мушожаат қилинади.

Кейинги пайтларда суд ҳукмларидан норозилик кучайиб кетаяпти. Бунинг сабаблари нечта — аниқ эмасу, бироқ ўша судланувчининг ўз тақдирига лоқайдлиги бош сабаблиги аниқ. Уни нотўғри айблар билан турманнинг эшигига рўпара қилишаётган экан, нега у ўз ишига тааллуқли қонун актларини, юридик қўлланмаларни сув қилиб ичиб юбормайди ва қаллоблик қилмоқчи бўлган судьяни фош қилиб ташламайди? Ахир унинг эрки биринчи навбатда ўзига керак ва тақдирига биринчи навбатда ўзи масъул-ку.

Ёки баъзан қишлоқларда шарқираб оқиб турган ариқ бўйида қурилган ҳовлининг томорқалари тап-тақир ётади. Ҳолбуки, тупроғи зар юртимизнинг ҳар бир қаричи қут-барака манбаи. Гиламнинг ўрнидек жойдан катта даромад олиш мумкин. Бироқ ҳар доим ҳам шундай қилинавермайди. Чунки оч қолсақ давлат бор. Суҳбатга келганлар келтирган узала қовунга тикилиб турган Жалолда бундай имконият йўқ, бўлса у, албатта омилкорлик билан моҳирона фойдаланарди.

Бизда шикоятлар ва шикоятчилар кўпайиб кетган. Олайлик, врачларнинг порахўрлиги ҳақида жуда етарли гапирилади. Бироқ ҳеч ким бирорта муттаҳам врачни қўлга тушириб, ишни охирига етказгани йўқ. Ҳамма йўлида ҳожатини битириб кетаверади, кейин нима бўлиши ҳақида ўйламайди.

Бу гаплардан мақсад америкача ҳаёт тарзини маъқуллаш эмас. Асло! Америка — америкаликларга. Фақат имкониятларни яна бир бор таъкидлаш барабаридан ундан самарали фойдаланилмаётганлигини афсус билан эслашдир. Турғунлик йилларидаги расмиятчилик, идоровий тўсиқларнинг кўпайиб кетгани одамларнинг ўз қобилият ва имкониятларини тўла ишга солишига монеълик қиларди. Сунъий худочаларга сохта эътиқод эса яратувчилик ва ижодкорликни занжирлаб ташлаганди. Оқибатда лоқайдлик кишиларнинг феълидан мустаҳкам ўрин олди, ҳатто одатга айланди. Бундан эса ҳамма, ҳатто жамият ҳам ката зарар кўрди.

Самимий хайрлашдик. Жалол ҳеч турқини ўзгар-

тирмай, «вақт жуда тез ўтди» деб таъкидлади. Биз яна кўришишга умид боғладик. У эртадан кейин учиб кетади. Юрт — ўз эгалариники. Жалол яна қайтиб келишга улгурадими, йўқми, ўзи ҳам билмайди. Ундан бу сўзни эшитиб, кўнглим бузилиб, томоғимга нимадир тикилди. Жалол жияни билан етаклашиб, асфальт йўлни кесиб ўтишарди. У бизга қайтиб қарай олмади. Йўл айрилишининг бошида эса қалбимдан бир нидо унсиз тараларди: «Бор бўл, бошдаги дўппим — соябоним Ўзбекистоним».

1987 йил, Қарши

КЎПЛАРГА ЁҚМАГАН ҲАҚИҚАТГҲЙ

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари... Улар, афсуски, бугун кечаги разолат ва ноҳақликлардан хабар бермоқда. Баъзан ўйлаб қоласан: қайта қуришнинг моҳияти ўтмишни инкор этишдами? Инқилобий кўчки наҳот ҳамма нарсани суриб ташлаб, ўзига йўл очади?

Бой беришлар, муваффақиятсизликлар ҳақида гапирганда, менимча, битта ҳақиқатни унутмаслик керак. Жанг қурбонсиз бўлмайди, деганларидек, ютуқлар ҳам йўқотишларсиз қўлга киритилмайди. Эътироф этиладиган томони шундаки, нима бўлганда ҳам халқ нуқсонларни тўғрилаш учун ўзида куч топа олди. Демак, бизга баъзан қора рангларни бўрттириб кўрсатганларидек, ҳамма ёппасига айниб кетмаган экан. Чекка-чеккаларда, ҳатто ўтли нуқталарда ҳам ҳақиқат жарчилари яшаган, улар виждонига заррача ғубор қўндирмаган, курашган, ҳеч бўлмаса, оммавий бузилишлардан ўзини тийган. Улар халқимиз эришган ғалабаларга, бизнинг қадриятларимизга чўнг елкасини тутиб, уни қўшиб ёзиш, шуҳратпарастлик, талончилик, порахўрлик каби балолардан ҳимоя қилган, жамият биносини йиқилишдан асраб қолган. Бугунги катта ишлар ўша кўринмас тиргакларнинг фидойиликлари эвазига қурилган таянч нуқталарига суяниб, суръат олаяпти. Уларнинг кўплари юрак хуружларига бардош беролмай бевақт оламдан кетди. Ахир ғалаба маршлари қурбонларнинг жасаdlари устидан ўтади, дейдилар. Биз, эрта баҳорда гуллаган дарахт шохларида шиғил мевани тасаввур қилиб турганлар, пишиқчилик кун-

ларига етолмаган, изғиринлар, довуллар қулатган да-
рахтларни бир қур эсга олайлик. Бугуннинг эртага
ёзиладиган қахрамонномасида уларнинг муборак номи
фахр билан дарж қилинса арзийди.

* * *

Менга унинг катта қилиб ишлатилган суратини
кўрсатиша олмади. Аслида бундай суратлари кўп, улар-
нинг ҳаммаси худди «оинаи Искандар» каби катта сан-
дикда, унга тегишли буюмлар ичида сақланаркан. Ўша
совуқ ва даҳшатли киш кунидан буён уч йилга яқин
вақт ўтди. Ўлим заҳри кўтарилди, туйғуларни музла-
тиб ўтган декабрнинг заҳри ҳам унутилди, фарёд ичида
ёқа чок этиб, соч ёйиб қўлдан-қўлга ўтган тобутни
кузатишлари, одамларнинг ҳиссиз башараларида қол-
ган надомат ифодаси, ғам-ҳасрат билан ўтган ғуссали
кунлар ва бир кун оталари, ўша яланғочланган қилич-
дек шиддатли Жаббор Раҳимовнинг энди қайтиб ду-
нёга келмаслигини билиб қолганларига ҳам анча бўлди.
Дил яраси битди, хонадоннинг бағри тўлди. Лекин
барибир катта қилиб ишлатилган суратларга юзма-юз
келиб бўлмайди. Улар сўроқ қилади: «Мен юрган за-
мин гуллаяптими? Ҳақиқатнинг ҳамон қадди тикми?
Мени(нг кимлигимни) унутмадингларми?»

Ҳужжатга тиркалган тугмадеккина тасвирдан эса
худди Рембранд қуюқ буёқларда акс эттирган гол-
ландлардек чайир, қуйма одам тешиб юборгудек —
йўқ, дарғазаб — йўқ ... мулойим, бироқ ўткир нигоҳ
билан боқиб турарди. Унинг юз мушаклари таранг тор-
тилган, олдинга бир оз чўзилган ияги, чимирилган қош-
лари нимагадир жазм қилганлигини англашиб турар,
шамойили акс этган қоғоздан чиқиб кетгудек алфозда
эди. У жиловланган ғайратга, тугилган муштга ўхшар-
ди.

* * *

Ижодий сафарларимдан бирида Китобдаги «Вар-
ганза» хўжалиги раҳбари Очил Рўзиев билан узоқ суҳ-
батлашиб қолдик. Қандайдир, шунақа суҳбатнинг мав-
риди эди. Ўшанда қирлар қор кўйнидан энди сирға-
либ чиққан, қуёшга терскай ўнгирлар ҳамон роз тўши-
дай оппоқ эди. Манзаралар дилга яқин, табиатнинг
очилаётган жамоли иштиёқда тотли хотиралар уйғо-

нади. Аввало, нурафшонликдан, иннайкейин, изғиринга алмашаётган илиқ ҳаво тафтидан одамнинг қулфи дили очилгандек бўлади. Сезимлардан ҳушёрланаётган туйғуларда шу латофат хазинасига — гўзал табиатга дахлдорлик ҳисси уйғонади.

— Мен ҳам шундай жойларда улғайганман, — дейман бу ахборотим Рўзиевга жуда асқотадигандек. — Тошқўрғон ҳам сўлим қишлоқ эди.

Ҳозир номи бору, ўзи йўқ гўшани ички фахр ва бироз ҳасрат билан тилга оларканман, суҳбатдошимга бу қишлоқнинг ҳеч бўлмаганда исми маъқул тутишини хоҳлагандек бўлдим. Варганза ҳам баланд қирлар билан ўралган, лекин у тубканинг туби эмас: ҳали юқорида Башир бор.

— Тошқўрғонданмисиз?

Хотиралар тилга киради. Катта шов-шув бўлган вертолёт ҳалокати. Ўшанда хўжалиқда раис бўлиб ишлаётган Очил Рўзиев ҳам бор экан. У ҳамма тафсилотни аниқ эслайди, нутқида Намозгоҳ, Шоголоғзи, Чақил, Қўрғон деган мазгил номларини қадрдонларча самимият билан қўлагани яқинликка йўл очади. Тасодифан учрашиб қолган эски танишлардек берилиб суҳбатлашамиз. Ишлаб чиқариш ҳақида, табиат ва экология хусусида ва, албатта, сиёсат, ҳозирги ўзгаришлар тўғрисида.

Суҳбатдошим — О. Рўзиев катта ҳаёт тажрибасини ўтаган одам, уруш оловларини, сталинизм, турғунлик даврларини кўрган, масъул вазифаларда ишлаган. Ёш авлод бу табаррук кексалар бошдан ўтказганларини китоблардан, ҳужжатлардан ўрганади. Бироқ ровийлар ҳар доим ҳам тўлиқ ва тўғри ҳикоя қилавермайди. Нафсиламрини айтганда, гувоҳларнинг жонли суҳбатига нима етсин.

Очил аканинг мулоҳазалари таъсирчан эди. Унинг доим олдинги жабҳада бўлганини, шароитга мослашмаганини, имон, эътиқодини пок сақлаганини фараз қиламан ва ўз хулосамга ишонгандек бўламан. Гап асосида «Ошкоралик ҳозиргидек юзага чиққан пайтни эслай оласизми?» — деб сўрадим ва эътиборини ҳозирги шароитда кўзга ташланиб қолган бир манзарага — ўтмишга нисбатан гапирганда қора доғларга кўп ургу берилаётгани, тузумни соғлом ҳолда сақлаб қолган фидойилар кам эсланаётганига қаратдим. Ҳеч вақтда та-

факкур бир жойда тўхтаб қолмайди, фикрлар қарама-қаршилиги шоҳ саройида ҳам ҳукм суради. Ҳамма қуён юрак эмас, халқ баҳодирларни ҳам доим яратади. Кечаги кунларда ҳам улар бўлган-ку, ҳаёт тўхтамаганидек, кураш ҳам тўхтамаган-ку! «Биз кечаги кунни таҳдил қилганда юзачиликка йўл қўймаймизми? Ўтмишда бўлганидек, нуқул туянинг каттаси кўприкнинг бошида калтак емаяптими?» сингари саволлар Очил акани ҳам безовта қилиб келар экан. Фикрларимиз бир жойдан чиқди.

— Ҳақиқат олдида ҳеч нарсадан қайтмайдиган дўстим бор эди, исми — Жабборқул, — деди Очил ака бир оз энгашиб менга синовчан тикилар экан, — афсус, остонада жони узилди.

Кейин эса қайсар Жабборнинг қилиқларини тўлиб-тошиб, йўқ, эҳтирос билан эмас, дард ва фахр билан гапириб кетди. Бу ҳикоянинг ҳар бир сўзидан учқун чақнар, лекин ёнғинга айланмасди. Бу ҳикоя ўтли эди, у эшитгани бепарво қолдирмас, шуурини уйғотар, одамни ёниб яшашга рағбатлантирарди. У ер босиб юрган оддий бир одамнинг оддий ҳаёт тарзи эди. У одамзодга олов ҳада этишни ваъда бермаган, кийимлари анчайин юпун ва одми, сеҳрдан, алоҳида куч-қудратдан ҳоли, фақат виждон ҳайқириғига ҳушёр бир деҳқоннинг кундалик ҳаёти эди. Унинг қахрамони ноҳақликка қарши золим, лекин меҳр-оқибатли, халқ нонини туя қилувчиларни олдига солиб қувадиган, бироқ ўта меҳмондўст зот эди. Унинг ҳақиқат излаган бармоқлари тўраларнинг гирибонидан бери келмас, унга даладами, кўчадами, тўй-азадами чанг солгани солган эди. Бироқ у сафарда йўлдоши — садоқатли тулпорининг ёларини эркалатиб тарар, пешонасига меҳрибонлик билан енгил шапатилаб қўйишни ҳам қанда қилмасди. Унинг каъбаси — Ҳақиқат, йўли — Адолат, имон-эътиқоди — Поқлик бўлган, дунёни тутиб турган мингларнинг бири эди. Сухбатдан шундай таъсир олдим.

Ажиб ғалаён ичида қолдим, Тошқўрғон — ёппасига чўлга кўчган «азми буюк» чўлқуварлар юрти — хари-тадан номи ўчган қишлоқ... Номурод бўлган одам... Мангуликка кетган муваққатлик. Абадийлик кашф этган йўқлик. Биз тирикларнинг ва яна фарзандларнинг гарданида қанчалар оғир юк бор?! Бу юк хазиналар сандиғи эмас, у — қарз!

... Бу сафарги партия йиғилиши кутилмаганда шиддатли тус олди. Тўғри, унниг рўзномасига долзарб масалалар қатори коммунист Жаббор Раҳимовнинг партиявий ахлоқ меъёрларига қанчалик амал қилаётгани, аниқроғи, юқорига ёзган аризасининг тақдирига баҳо бериш киритилган эди. Ўшанда, 1968 йил, мамлакат меҳнаткашлари саккизинчи беш йилликнинг улғувор режаларини амалга оширишга жадал киришган, янги раҳбарликда иш бошлаган марказнинг йўли қатъият билан амалга оширилаётган пайт эди. Қадамлар анча салмоқли, ютуқлар сезиларли эди. Ўтган 3-4 йилнинг натижалари иккиланмасликка ва баъзи ифвогарона тафтишларга берилиб кетмасликка даъват этарди. Ана шундай фаровонлик сеп ёзаётган дориломон шароитда «ношукр» Ж. Раҳимовнинг «Шарқ юлдузи» хўжалиги қўлга киритган зафарлардан шубҳаланиб, юқорига хат ёзгани кўпларни ҳайрон қолдирди, тўғриси, газаблантирди. Фақат олға интилаётган, рақамларга маҳлиё бўлган одамларга бундай ғайри ватанпарварлик эриш туюлди.

Ранги ўчган қоғозлар орасида партиянинг олий даражали раҳбари номига ёзилган хат бор. У ўша йиғилишда кўтарилган масалага изоҳ бергандек бўлади, балки «ашёвий далил» ҳам шудир. Учқундан олов чиқиб кетган райком бюроси ҳақида ҳозирча сукут сақлаб, кечмишга назар ташлайлик, бу эса воқеалар кейинги ривожини ҳис этишга кўмаклашади. Мазкур хат аслида ҳаммаси тугаб, коммунист ўз маънани топширигандан кейин норозилик сифатида ёзилган. Унда шундай сатрлар бор:

«... Мана, мен нима ҳақда ёзган эдим: хўжалик фермасида 625 бош шахсий қўй, 5 бош қорамол яширинча боқилаяпти. Аслида, тафтиш ўтказилса, ҳисоботдаги 2 от, 3 қорамол ўрнида йўқ. Сут топшириш режаси қалбаки йўллар билан бажарилаяпти. 92 бош соғим сигир ҳисобга қўшилмаган. Режадан ташқари 15 гектар ортиқча майдонга пахта экилган. Йиғим-терим мавсумида бир кун олдин пунктдаги қабул қилувчига пора бериб, топширилмаган ва терилмаган пахталар учун ҳужжатлар келтирилди. 19 гектар боғ, 15 гектар узумзор, 5 гектар тут плантацияси бузиб ташланди. Дарахтзорларни пайҳон қилишга кимнинг ҳаққи бор?...»

Шу ўринда яна бир марта бу ҳақли эътироз, ҳақиқат талаб қилган бу овоз анча олдин — 1968 йилда янграганини эслатиб қўйиш ўринли бўлса керак. Қалб безовталигига сабаб бўлган сохталик жамият танасида урчиб, дардга айлангунча, иситмаси ошкор бўлгунча, ниҳоят, тузумнинг оёғини осмондан келтираётган «қўшиб ёзиш» деган диагноз қўйилгунча икки ўн йилликлар ўтганини ҳам эътироф этайлик. Шунда оддий одамнинг даҳолиги, қанчалик узоқни кўра олгани ва хатарни нечоғлик сезгани маълум бўлади, уни яқинроқдан таниймиз. Қўшиб ёзиш фожиасининг жонли гувоҳлари сифатида унинг иқтисодий, маънавий зарарини чама-лаб, писанд қилинмаган росттўйлик, узоқни кўра олган шуур олдида фақат мулзам бўлиш етарлими?

Ана шундай мазмундаги хатни Ж. Раҳимов юқорига юборган эди. Бундан унинг бирор ғаразли мақсади бўлмагандир, уни шунга ундаган туйғу — халқ манфаати, мамлакат ривожига бўлган бўлса, ажаб эмас. Бу, асло, тирноқ орасидан кир қидиришга ўхшаган ҳаракат эмас. У бировни қаматиб, бошига қора кун солишни ният қилмагани ҳам рост. Фақат безовта виждони тинчлик бермас, бўлаётган қинғирликларни воқелик кўзгусида адолат нуқтаи назаридан кўришни истарди. Хат ўша пайтдаги тартибга мувофиқ жойида текшириб ҳал қилиш учун қайтариб юборилади. Танқид қилинган одамларнинг ўзлари ўзларини текширадилар ва, албатта, даъволар тасдиқланмайди. Шунингдек, Ж. Раҳимовнинг туҳматчиликдан иборат хатти-ҳаракати ўз баҳосини олиши шарт эди.

Комфирқа «йиғилишлар санъати»дан шу нарса маълумки, у — спектакль эмас. Унда ҳар хил тасодифлар рўй беради, баъзан кутилмаганда юмшоқ ва, аксинча, кескин ўтади. Шунинг учун йиғилишлар олдидан ҳаяжонланадилар, қора тер босади, юрак ўйнайди. Ўша сафарги бюро йиғилиши бошланиш олдидан унинг шунчалар кескин ва муросасиз ўтиши сезилган эдими, йўқми — билмадим, бироқ у кутилганидан ҳам шиддатли тус олди ва масалани узил-кесил бир ёқли қилиб ташлади. Фирқа ишига ёрдам бераман, деб оққўнгилик билан қўлига қалам олган зот сафдан чиқарилди. Азбаройи садоқати туфайли муқаддас даргоҳга оёғи билан эмас, боши билан юриб борган одамнинг бурни қонади. Балки ҳаммаси осонгина кўчиши мумкин эди.

Хулқи муҳокама қилинаётган одам сифатида бош эгиб турса, «сочга оқ тушса ҳам бу курғур хом калла пишмади, хато қилдим, акалар» қс билида пушаймонлик билдирса, шафқат қилишармиди? Йўқ, ҳақиқат учун Худонинг кўзига ҳам тик қараб ўрганган одам бундай қилолмасди. Қолаверса, унинг талаблари ҳаммаси тўғри эди. Ростни ёлғон, деб ўтирганларнинг олчоқдигидан бўғилар, ёқлаш ўрнига таънали боқувчи нигоҳлардан ёнар эди. «Наҳот қуёшнинг қуёшлиги ёлғон!»

... Котиб тамизли раҳбарларга хос вазминлик билан гап бошлади. У имкони етганча совуққон бўлишга интилар эди:

— Ўртоқ Раҳимов, ёзганларингиз тасдиқланмади. Тухматни йиғиштириб, бирор фойдали иш билан шуғуллансангиз бўлмайдими?

— Ҳалолликдан фойдали иш борми? Мен туҳматчи эмасман, Комиссия хулосасидан норозиман. Текшириш қалбаки, саёз бўлди. Ахир қарға қарғанинг кўзини чўқийдими?

Залдан овоз:

— Ким экан ўша қарға?

— Ҳамтовоқ одамларнинг ҳаммаси қарға. Ахир мен осмондан тушган эмасман. Шу жойда туғилиб ўсганман, иссиқ-совуққа шерикман. Виждоним ҳаққи, алдамчилик бўлаяпти-ку! Наҳот биз ўз дастурхонимизга туфлаймиз, хонаи рўзгоримизда ёлғон гапирамиз. Халқнинг елкасига олов қўйманглар. Режани бажармаслик жинойт эмас, алдамчилик — жинойт!

— Ҳеч кимнинг халқ манфаатидан бошқа дарди йўқ, — кутилмаган ўжарликдан котиб бўғила бошлаган эди, — нега тилингизга эрк берасиз? Ким халқнинг елкасига олов қўйибди? Халқ биз билан, сен... ўзингни халққа мансуб деб биласанми? Одамларнинг тинчлигини бузиб, ёзганинг — ёзган. Ким сени ёқлаяпти? Ҳали халқнинг раҳнамоси сен бўлдингми? Сен — ниҳоят тухматчисан, халқнинг отаси эмассан.

Энди фишт қолипдан кўчган, қилич қиндан чиққан эди.

— Мен ҳали сендан нажот кутиб ўтирибманми? Нега латталиқ қиласан, узиб гапирмайсан? Ахир хўжаликка бир тўда харомхўр ин қуриб олганини биласан-ку! Ёки ўзинг ҳам шерикмисан...

Бундай пайтда жамоанинг бошида турган биринчи

шахс ўзини босиб туролмайди. Столга мушт уради ва ирғиб ўрнидан туради.

— Дамингни ўчир. Бу ерда менинг сендан бошқа ташвишим борми-йўқми? Нега тинч қўймайсан, склочник!

— Ким склочник (бузғунчи)? Агар рост сўзламас экансан, ҳақиқатнинг юзига тупурар экансан, сени гўрингда ҳам тинч қўймайман...

Йиғилиш аҳли қимирлаб қолди. Оддий бир аъзоннинг котиб билан тортишуви ҳаммани безовта қилди. Олишув қандай тугашини қизиқиш билан кузата бошладилар. Ўзини йўқотиш даражасига тушиб қолган котиб ҳокимиятини ишга солишга киришди. Прокурорга буйруқ берди. «Прокурор тинтув қила бошлади, паспорт ва ҳарбий билетимни олиб қўйди», дейилган Ж. Раҳимов ўз қўли билан ёзган хатда. Партия билетини тортиб олмоқчи бўлишди. Прокурорни силтаб ташлади-да, окопдан ҳайқириб чиққан каби ун солди:

— Буни сенга бермайман, бу — менинг юрагим!

Котиб «Топшир!» деб амр қилди. «Ҳаққинг йўқ, ололмайсан» деди баралла. «Наҳотки...» деди котиб ва атрофдагиларга ўтирилиб: «Экстрен тарзда Жаббор Раҳимовни партия сафидан чиқариш ҳақида масала тайёрланг» деб таклиф киритди. Танаффус эълон қилинди.

Зудлик билан тайёрланган масалада зудлик билан қарор қабул қилинди. Деярли ҳамма Раҳимовнинг феъл-атворини қоралади. Уни ўжарликда, раҳбарга нисбатан ҳурматсизликда ва туҳматчиликда айблади. «Бундай одамдан партия қанча тез халос бўлса, шунча яхши» дейишди. Кўпчилик овоз билан Ж. Раҳимов партияга нолойиқ деб топилди ва унинг сафидан чиқарилди.

* * *

Лекин бу «ўчиш» ҳаётидаги сўнги ҳодиса эмас...

Очил Рўзиев шундай эслайди:

— Бир куни Китобда тасодифан уни кўриб қолдим. Авжи паст, елкаси тушган. Сўрашсам, «партиядан ўчиришди» деди. Тафсилотини айтиб берди, жуда афсусландик. Уни анчадан бери билардим, ишонардим. Ноҳақлик бўлганини кўнглим сезди. Далда бердим. Ишга таклиф қилдим.

Бу пайтда О. Рўзиев раис бўлиб ишларди. Эски кадрдонини маломатлардан кўрқмай бош агроном ва-зифасига олиб келди.

Ҳаёт уларни Самарқандда очилган колхоз раисла-ри тайёрлаш мактабида 1949-1952 йилларда дуч қил-ган эди. Уруш кўрган одамлар тезда эллашиб кетди, айниқса, Жабборнинг ҳақиқатпарварлиги Очилга ёқар-ди. Улар урушда ғалабамизни таъминлаган омил — ҳақиқатнинг биз томонда экани деган эътиқод билан яшардилар, ўша қон кечган кунлар ҳурмати ўз эъти-қодларига содиқ эдилар.

— Жаббор тирноқча ноҳақликни кўрса, ёниб ке-тарди, — дейди Очил ака, — тарих имтиҳонидан аса-бийлашиб чиқди. Ўқитувчи яхши жавоб берсам ҳам паст баҳо қўйди, хоразмликка ошириб қўйди, деди. Безовта бўлиб юрди. Охири комиссия туздириб, қайта топширди, ўз баҳосини олди. Биз «Нима қиласан бо-шингни қотириб», деб ундан йўриғида кулган бўлдик. Бироқ шундай қилмаса, тинчимасди. Ана шунақа виж-дон безовталиги бор эди унда.

Бош агроном сифатида ҳам яхши ишлади, ишда ўзини кўрсатди. Ҳаётда баъзи ўзгаришлар ҳам бўлди. Раҳбарлар алмашди. Китоб тумани яна қайта ташкил этилди. Ж. Раҳимов қараб турмай, туман партия коми-тети бюроси қароридан норози бўлиб юқори ташки-лотларга мурожаат қилди. Ниҳоят, юқорининг арала-шуви билан тикланди, чорвачилик фермасига мудир-лик қила бошлади.

Халқда «Сут билан кирган жон билан чиқади» де-ган гап бор. Агар яхши фазилатлар сут билан кирса, қандай буюк бахт! Ўз қаҳрамонимни ана шундай бахт-ли одам деб аташга ҳақлиман. Тўғри, уни кўпчилик ёқтирмаган, кириб борганида ғийбатта тўлиб тошган суҳбатлар гулхани сўнган, даврага совуқлик оралаган бўлиши мумкин. Ахир тўғри гап тўққанига ҳам ёқмай-ди деб нақл қилишади-ку! Тўғрилики ёқлаган одам ҳаммага ёқавермайди. Лекин бу одам ўз йўлини адаш-май белгилаган, йиллар, баъзи зарбалар уни ўзгартира олмади. Ўша ўжарлиги, чўрткесарлигида қолди.

Фермада ишлар мақтанарли аҳволда эмасди. Жаб-бор Раҳимов аламзада одамнинг ўзини кўрсатиб қўйиш-га ўхшаган иштиёқи билан ишлади. Қўл қовуштириб тургани йўқ. Чўпонлар билан ёнма-ён бўлди, ярим

белигача шилта кечди. Совуқ хоналарда тонг оттирди. Айниқса, чорвадор учун ташвиш кўпайган қиш кунлари халоватини йўқотарди. Ҳар кеча тонгга яқин бир қур фарзандларидан хабар олгани уйига келар, бедор кутиб ўтирган оила аъзолари унинг аҳволига раҳмлари келарди. Ўзини шунчалар аямасдики, исиниб олишни ҳам унутарди, куни билан ташқарида юрганидан мўйловлари музлаб шамдек қотиб қоларди. Мабодо, жонини асраш ҳақида танбеҳ беришса, чуқур ўйга толганча, фақат «Ишлаш керак» деб қўярди оҳиста.

Чинакам меҳнат ўз самарасини кўрсатди. У ишлаган биринчи йилдаёқ олдинги йилдан 16 тонна сут ортиқ топширилди. 47 бош бузоқ кўп олинди. Барибир, умумий аҳвол шундан иборат эдики, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш эҳтиёждан орқада қолаётганди, юқоридан нореал режалар бериларди. Яна нохуш шамоллар Жаббор аканинг бошида эса бошлади. Кейинги йили котиб ҳисоботни қабул қила туриб, 15 тонна сут, 15 бош бузоқ қўшиб ёзишни талаб қилди. Бундан сих ҳам, кабоб ҳам куймас, фақат кўрсаткичлар ошар, бир гап бўлса ўзи балагардон эди. Жаббор Раҳимов кўнмади. Оқибатда, оширилган режа бўйича ферма топшириқни бажармади. Масала қайта кўрилди. Чорвачилик фермасида ишларни барбод берганлиги, маҳсулот топшириш режасининг бажарилишини издан чиқаргани учун Ж. Раҳимов яна партиядан ўчирилди.

Унинг кечикиб бўлса ҳам ҳақиқат тантана қилишга ишончи бор эди. Партиядош ўртоқлари ҳовурдан тушгач, ўзининг ҳақлигини исботлаб кўрсатмоқчи, бунда юқорининг кўмагига кўз тутганди. Бироқ бу жуда қийин бўлди ва узоқ чўзилди. Аввало, бу сафарги жазонинг асоси пухтароқ эди: режа барбод берилгани рост. «Кўшиб ёзишга қарши бўлдим» каби виждон нидосини эшитадиган қулоқлар ҳам батанг бўлаётган, мамлакатта биз энди турғунлик даври, деб атаётган осойишталик кайфияти тарқалаётган эди.

Бироқ Жаббор Раҳимов сафдан чекинмади, кучи, имконияти етганча, бироқ ҳалол меҳнат қилди. Вақт ўтар, унинг шикоятларига ҳеч ҳам қулоқ солмасди. Ниҳоят, орадан анча вақт ўтгач, партияга тиклаб бўлмаслигини, агар хоҳласа, янгидан қабул қилишлари мумкинлигини билдиришди. Жаббор ака эса ўжар-

лик билан «Ҳаётимда бир соат ҳам партия талабларидан чекинмаганман, шунинг учун партиявий стажимда узилиш бўлишини хоҳламайман, мени дастлабки тарзда тиклайсизлар», деб туриб олди. Охирги марта ўн бир йилдан сўнг юқорига мурожаат этди. У ердан апелляция муддати ўтиб кетгани, узоқ муддат партия сафларида бўлмагани учун тиклаш имкони йўқ, деган узил-кесил жавоб олди.

Қайта қуришни эзгуликка ташна одам сифатида кучоқ очиб қарши олди. Ўзгаришлардан қувонди. Бу буюк маслак йўлида хизмат қилишини дилига тутиб қўйди. Бироқ қарилик, урушда орттирган ярадорлиги ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Ўлим эса кутилмаганда келди.

Ўшанда қиш эди, ҳаммаёқ муз қотган, Ота иситма-лаб турганди, кечга бориб ётиб қолди. «Тез ёрдам»га телефон қилишди. Қани кела қолса?! Касалхона ҳам ночор аҳволда эди, совуқ хоналарда итни боғлаб қўйса турмайди, шприцни қайнатиш амри маҳол. Ота ўзини дадил тутди, фарзандларига жавоб бериб юборди. Кеч-қурун яна келишди. Беморнинг юзлари бўғриққан, кўзлари қизарган, хойнаҳой, дўхтирлар билан тортишган бўлса керак. Нима гап юз берганлигини айтмади, «бораверинглар, болаларим, эрталаб келасизлар» деди.

Эрталаб эса... телефон нохуш хабар етқарди. Башир қишлоғидан тош кўчганди. Кўпларга ёқмаган ҳақиқатгўй Жаббор Раҳимов бандаликни бажо келтирган эди.

* * *

Баҳорга пешвоз чиқаётган Варганзадаги суҳбатимизнинг охирида Очил акадан сўрадим:

— Қалби ёниқ одам дунёдан номурод кетибди. Қанча руҳий азоб, тагин таъна-маломатлар. Тақдирнинг бундай аччиқ киноясида қандай сир бор?

— Жабборкул бир одамдек яшади. Босган изидан гул унди, — видолашув онларида сўзланадиган нутқдек юрагининг тубидан чиқариб гапирарди суҳбатдошим. — У арслон юраклик қилди, пистирмадан ногоҳ отилиб чиқди-да, ўққа учди.

Тағдор бу гапларга узоқ ва мусаффал изоҳ битиш мумкин. Бу шарҳнинг баъзи чизгилари мазкур ҳикоямизда берилди. Ахир танқид — душманлик қуроли

деб қаралган, осмонга маҳлиё бўлиб, жар ёқасига кел-
лаётганини сезмаган кечаги кунларнинг қобилига ҳақ,
адолат истаган одам сифармиди? У кунлар кўпчилик-
нинг имон, эътиқодидан айирди. Менинг ҳали унча
бой бўлмаган шуурим эса ҳаётдаги чуқур бир ман-
тиққа дуч келди. Ҳайтовур, ҳақиқат нима? Унинг су-
рати чизилганми? Агар таъбир жоиз бўлса, тирик
ҳақиқатлар — бутун жисми-жаҳони ростликка ўрган-
ган одамлар борми? Улар кимлар, қандайлар?

Яна болаларча бир қизиқиш билан сўрайман: «Нега
одамлар ҳар доим ҳақиқат, ҳақиқат деяверади?»
«Ҳақиқат — кескир қиличдир» («Ал-ҳаққу сайфун
қотиъун») дейилибди араб мақолида. Бир мутафаккир
эса «Ҳақиқат доридек аччиқ, лекин фойдали» деган
экан. Фалсафада эса «Биз мутлоқ ҳақиқатга интила-
миз» деган тариқат бор. Тасаввуримда ҳақиқат — ду-
нени тутиб турган ўқдек туюлади. Дунё шу ўқ атро-
фида айланади ва унга интилади. Етиша оладими? Ҳа!
Бирдан ўзимнинг жайдари бир фалсафам тилимга ке-
лади: «Ботаётган қуёш — ҳақиқат». Биласизми, қуёш
асло ботмайди, фақат ер баъзан унга орқасини ўнга-
риб олади ва бу бизга қуёш ботишидек туюлади. Ас-
лида қуёш — мангу, ҳақиқат — мангу!

Бизни ёруғ кунларимиздан ажратманг, бизни хоти-
рамиздан ажратманг. Агар карвон эртанги сафарини
ўйласа, бутунги қўналғасини вайрон қилмасин, чунки
изидан янги карвон келиши, у ўзи билан нон ва сув
келтириши мумкин. Сунъий даҳоларнинг-ку миси чиқ-
ди. Мабодо, ўз юдузини истаган кимдир ер бағирлаб
ётган бир қабрдан мутаассир бўлса, унга дахл қилманг.

Ўз қаҳрамонининг кимлигини тўлароқ билиш учун
сўраб-суриштиришларимда ҳар хил жавоблар бўлган.
Кўпчилик марҳумни асосан ёқлаган, уни яхши деб
таърифлаган. Баъзан «одамови эди», «кавлаштириб
юрарди», ҳатто «ичарди» деган гапларни эшитдим.
Жаббор отанинг туғилган жойи тоғдаги чекка қишлоқ
бўлгани учун биров у «Африкадан эди» қабилада мен-
симай гапирди. Буларда ҳам балки жон бордир. Ме-
нимча, бу мулоҳазалар ҳам ҳақиқат суратига чизги-
лардир. Ахир ҳусни мутлоқ бўлиш мумкинми? Кам-
чиликсиз ким бор? Хато қилмаслик эса ўтмишдаги
хатоларни такрорламасликдир.

1989 йил, Қарши.

МУҲАЙЁНИНГ КАКЛИКЛАРИ

Қарши шаҳри яқинидаги ўзига тўқ ва фаровон қишлоқларнинг бирида яшовчи Муҳайё исмли шоиртабиат қизнинг дунёдан энг кўп истагани — меҳр-шафқат. У асли олам силсиласи худди шу тамойил асосига қурилган, деб ҳисоблайди ва унингча бунга шак келтириш Яратганнинг иродасига қарши боришдир. Фунча дудоғидаги шабнамни кўриб, жами наботот ва ҳатто ҳайвонот дунёси ғам-андуҳдан ҳоли эмаслигини ҳис этган қиз «Меҳр-шафқат — бокираликнинг онасидир» деган эътиқод билан яшайди. Шунданми, унга ўн саккиз ёшида — ҳаёт жоми севги шаробига тўлган паллада не бир илинж билан қўлини сўраган йигитга ачиниб ва ҳамдардлик изҳор этгандек:

— Ўзимни шунча авайлаб юриб-а, — деб жавоб берганди. Бу асли «Менга шафқат қилинг» дегани эди. Дунёда яралганидан истиҳола қиладиган бу нозик ниҳол хилқат булутлар оғушида ўсди, борлиққа муносабатини асло ўзгартирмай яшади. Унинг завқи, овунчи ва келажаги ўша битта калима эди. Шунданми, ҳозир ҳам унга турмушидан сўз очсалар, ўша ҳолатга тушади, бунга журъат этган одамдан фахрлангандек бўлади ва бир ютиниб, кўзларини сузганча такрорлайди.

— Ўзимни шунча авайлаб юриб-а...

Шу қиз вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасига йўриқчи бўлиб ишга ўтди-да, феъл-атвори ўзгара бошлади. Дастлаб нима бўлса-да, бўшаб кетиш пайига тушиб қолди. Рухсат беришавермагач, аста-аста кўника бошлади ва бирданига бу ерда ишлашни ёқтириб қолди. Бизнингча, бир умр «Шакар ширин бўлади», деб тарбияланган бола ногоҳ шўр тузни чайнаб қўйган ва ўжарлик билан ширин шакарга етгунча чидашга аҳд қилган эди.

Уни табиатдаги бўҳрон оғир изтиробга солади. Одамлардан истагани — меҳр-шафқат танқислигига қанчалик кўп гувоҳ бўлса, ўзини шунчалар яхши кўриб кетаверар, гўё денгиз тубига яширинган маржонга интилган ошиқдек виқор сезар, асосийси — энг тансиқ нарсага сажда қилиб яшаганидан фахрланарди. Бироқ пайҳон бўлаётган ўрмонлар, қирилиб кетаётган ҳайвонлар, осмонда кезиб юрган туз тўфони, атом синов-

ларидан қийналган бечораларнинг фигони кечалари азоб берар, баъзан мижжа қоқмай тонг оттирарди. Ҳа, у ўзини авайлашни билган, афсуски, одамзотга умумий хонадонимиз — табиатни авайлаш лозимлигини уқтира олмаган экан. Ҳатто кўз олдидаги бу фалокатдан шунчалар кечикиб хабар топганлиги уни қийнар, қандай қилса одамларни гафлат уйқусидан уйғотиб, она сайёрамизнинг умри боқийлиги йўлида жиндек хайрли ишга руҳлантириш мумкинлиги ҳақида қайғурарди. Муҳайё энди бу «қора иш»га ўзини авайламай бағишлашга рози эди.

Қўмига яна янги маълумотлар олиб келинди. Ер майдони 92 минг гектар бўлган Дехқонобод ов хўжалигида 1993 йил 17-18 минг каклик санашган экан. Бу йил 7,5 минг қолибди. Шунингдек, худди шу ҳудудда икки йилда қуён, тулки, тўнғиз 4-5 марта, бўри, бўрсик 10-12 марта, жайра 20-23 марта камайиб кетибди. Қалқама, Сандиқли ов хўжаликларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас экан. Айниқса, ёввойи роз ва ўрдакларга қирон келганга ўхшайди. Тўқайлар, қамишзорларнинг кўрки бўлган бу қанотли гўзалликларга кўзларимиз тобора ташна бўлиб қолаяпти.

— Дайди овчиларнинг кўпайиб кетганлиги, ёввойи ҳайвонлар яшайдиган масканларнинг ўзлаштирилиши, мол боқилиши шундай аянчли аҳволга олиб келмоқда. Балиқлар яшайдиган, жониворлар сувланадиган дарё, кўлларга оқавалар, кимёвий оғулар ташланади. Боз устига ёввойи ҳайвон турларини кўпайтириш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган, — дейди Муҳайё ҳисоботлар ёзилган қалин дафтарни ўйчан варақлаб. У шу ўтиришда мислсиз офатга қарши якка ўзи курашга аҳд қилган сеҳрарга ўхшарди: табиат дарди унинг қалб тугёнларига қўшилиб, уйғунлашиб кетибди.

Кейинги пайтларда табиат ва инсон мувозанатини барқарорлаштириш мақсадида кўриқхона ва миллий боғлар ташкил этила бошланди. Аммо бу жойларда чинакамига иш бошлангани йўқ. Энг даҳшатлиси шундаки, «табиат жонкуялари» қиёфасида юрган баъзи сохта ўрмончиларнинг ўзи браконьерлик билан шуғулланади.

— Қаранг-а, қўйни бўрига топшириб ишляпман, — дейди Муҳайё фигони ошиб.

Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги Ҳисор кўриқ-

хонаси Марказий Осиёда энг йирик. Унинг ҳудуди 87 минг гектарни ташкил этади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу ерда 600 хил ўсимлик ўсади, ҳайвонот олами ҳам бой! 30 хил сут эмизувчилар, 180 хил қушлар, судралиб юрувчилар-у, бир неча хил балиқ турлари мавжуд. Бу масканда «Қизил китоб»га киритилган қор қоплони, қўнғир айиқ, бургут, қора лайлак, заҳарли илонлар, Туркистон силовсини ва бўрсиқ кўпайтирилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси назоратчилари қушлар ва ҳайвонлар сонини йилма-йил ҳисоблаб боришаяпти. Аҳвол эса нохуш: йўқотишлар салмоғи тобора ортиб бораёпти.

Теварак-атрофга муносабат қўриқчи Муҳайёнинг ҳаёт мазмунига айланди. Худди шу нуқтада ўзининг кераклигини, хизмати асқотишини сезиб олди. Энди болаларча беғуборлик ва бироз тантиқлик билан эмас, етук инсон назари билан ўз эътиқодини ана шу мақсад йўлига сарфлаши лозимлигини аниқ тушунди. Табиат миллионлаб Муҳайёларнинг эътиборига муштоқ, у кўмак ўтинади.

Олам энди ўзининг нигоҳида ҳар четида омонат ўтирган кўзлари сурмали каклик тимсолида гавдалана бошлади. Қанийди, қуш самога озод парвоз қилаверса, унинг чағ-чағи тоғу тошларни тўлдириб, янграйверса! Афсуски, яроғ кўтарган алаким ўрмалаб, унга яқинлашмоқда.

Муҳайё фожианинг кўламини аниқ тасаввур этгандек бўлади. Баъзан офир юмушлар қаршисида чарчоқ ҳис этади ва шунда ўйланиб қолади: «Бу ташвиш ҳозирги даврнинг бош масаласи бўлиши керак. Нега одамлар жим?!».

Табиат нажот сўрайди. Ундан шафқатингизни аяманг, одамлар!

1994 йил, Қарши

P.S. «Муҳайёнинг какликлари» қўлёзмаси кутилмаганда бисотим ичидан чиқиб қолди. Унинг мутолааси эски хотираларни кўзгаб юборди.

«Қашқадарё ҳақиқати»га хизматга борганимда у ҳамон корректурада ишлаётган экан. Дастлаб 3—4 йил олдин амалиёт пайтида дуч келганим бу қиз атрофдагиларга ўхшамас, суратида қандайдир камёб нафислик

яширинган, сифратда эса гўзаллик, шеърият, адабиёт ҳақида соатлаб сўзлашишни ёқтирадиган ошuftа қалб соҳибаси эди. Ойдек юзи, толма қомати ички хуснига ҳамоҳанг, хуллас, сулув деса сулув дегулик эди. Фақат эшитишдаги туғма заифликданми, ўзини тортиб юрар, баъзан унинг бу қилиғи кибрга ҳам ўхшаб кетарди. Очилиб суҳбатлашарди-ю, ўзига қилинган хушомадларни хушламас, ҳеч кимни кўнглига яқин олмас, ўзига ҳурмат билан қарашга ўзгаларни мажбур қиларди. Озгина ҳаддидан ошганлардан қаттиқ ранжир, бир ажабсиниб қараб кўярди. Шу қараши билан «Билмайсизми, менинг нуқсим бор» демоқчи бўлардимми ёки ўша одамнинг устидан кулардимми — билиб бўлмасди.

«Қашқадарё ҳақиқати» билан хайрлашиб, пастга тушсам, эшик олдида дуч келиб қолди. Гап нимадалагини айтиб, музқаймоққа таклиф қилган эдим, рад этмади. Оқшом чўкаётган эди. Қаршининг бош майдонигаги фавворалар бўйлаб кетдик. Негадир унинг гаплашишга ҳафсаласи бисёр эди. «Тошкентда йўлингизни топиб кетармикансиз?» деб ташвишланди. Мен «Жонлашиб олсам, сизни ҳам чақираман», деб ҳазиллашдим. У кетишга шошилмас эди. Суҳбат билан Эски шаҳарга, у бувиси билан яшайдиган хонадон рўпарасига келиб қолибмиз. Шу ерда хайрлашдик.

Тошкентдан унга хат ёздим. Хатим «Бундай манзил йўқ» деган почта эътирози ёпиштирилган қоғоз билан қайтиб келди.

Кунлардан бир кун «Халқ сўзи»даги хонамга кимдир уни бошлаб келди. Иш билан пойтахтга тушган экан. Рамазон ойи эди, у «Рўзадорман» деди. Эртага вақт ажратиб келишини айтиб, тез кетди. Эртасига эса мен гаплашадиган кайфиятда эмас эдим: уйга ўғри тушибди...

Охирги пайтларда унинг табиатни муҳофаза қилиш идорасида ишлаётганини эшитган эдим. Бир куни почта орқали ишлари ҳақида мақола юборибди.

Баҳор кунларининг бирида юртга сафар қилдим. Чўлда яйлов кезиб юрарканмиз, кимдир менинг редакциядан эканимни билиб, «Қашқадарё ҳақиқати»да бир кар қиз бор эди-ку, ўша ўзини каналга ташлабди», деб юборди. Бир гулнинг хазон бўлгани ҳақидаги шум хабар саҳродек тақир қалба ана шундай совуқ акс-садо берганди.

Бу гап рост эди. Айтишларича, у кейинги пайтларда ёлғизланиб (айниқса, бувиси вафот этгач), одамови бўлиб қолган, эски танишлари эса йўқламай қўйган. Хотира куни гулдаста олиб чиқиб кетган-у, қайтиб келмаган. Роса излашган, ҳатто вилоят телевидениесидан жар солишган. Ҳафталар ўтиб, Қарши бош каналдан топилган. Ўлимнинг сабаби — номаълум.

Шундай қилиб, бир гўзал қиз билагини бировга ушлатмай дунёни сирли равишда тарк этди. (*Шу қўшимчани ёзмагунча таскин топмадим*).

УМИДЛАР ҚУРШОВИДАГИ МАЙСА

— Ҳамсая хола, ҳой ҳамсая хола, эшитдингизми, кеча қурбақа қуруллади?

— Ўлай сенга, қақажон, эшитмабман, эшитсам Ҳаққулжонимга атаб тутун боғлардим.

Сумбулсоч, сулудан-сулув келинчакнинг қўшниси — кенгурудек ёлғиз арзандасини доим опичлаб юрувчи, ғариб кулбасида бир нави кун ўтказаётган жувоннинг зулмат дунёсини ёруғ қилиш учун айтган суюнчиси тонги шабада каби бутун қишлоққа тарқалади. Дилгирлик билан фалакнинг тўрт бурчидан баҳор дарагини кутиб ётган илҳақ кўнгиллар уйғонади. Тоғлар қуршовидаги қишлоқ пойида ёмғир суваридан ҳосил бўлган кўлмақдан эшитилган овоз билан қаҳратон совуқнинг ҳужум қилиши ҳақидаги ваҳималар тарқалади, тирқишлар очилади.

Қурбақа сас берибдими, энди аёз бўлмайди. Одамзот қанча закий ва ақли тошни ёрадиган бўлмасин, об-ҳавонинг райини табиатнинг ана шу бадбашара махлуқичалик аниқ билмас экан. Тоғликлар неча юз йиллар давомида бу кароматга тўла ишонч ҳосил қилганлар. Гарчи кунлар исиб, ердан ҳарорат кўтарилиб қолганда ҳам:

— Қурбақа қуриладими? — деб сўрашади.

Ҳеч ким буни тасдиқламаса:

— Ҳали бир балоси боров, — деб қўйишади осмонга қараб. Ростдан, бир-икки кун ўткариб, шундай аёз ёки қор бостириб келардики, ҳамма яна қиш кўрпасига ўзини урарди.

Бугун эса чинакамига кўклардан мужда келди. Худди шуни тасдиқлагандек, осмонда бир парча ҳам бу-

лут йўқ, қушлар пастлаб учмоқда. Ҳадемай шаррак (тарнов)лардаги музлар кўчди, жилғаларни қор сувлари тўлдирди. Баҳор ўз салтанати билан бостириб, кириб кела бошлади.

Ана шундай ёруғ наҳорлардан бирида қоқсуяк момолардан серғайратлиси кўнглига яқин ҳамсоясига лаб ёрди. Икала кампир ҳеч кимга билдирмай тугунда асраб юрган оқ буғдойдан нишаки қўйдилар. Уни ўз табаррук қўллари билан ўстириб, сумалак пишириб, болаларининг оғзига тутишни ният қилдилар.

Сумалакка тайёрланиш билан боғлиқ удумлар бир талай. Агар буни ҳар бир қишлоқ, гузарда қандай тарзда бўлиши жамланса, катта китоб юзага келади. Шу ҳақда ўйлаб, хаёлда болаликнинг ола-чалпоқ тасаввурлари жонланади, уларни хотира кучи билан тиклашга уринамиз. Бироқ бу осон эмас, тасаввурлар қоришиб кетган, бунинг устига бу юмушнинг миридан-сиригача яхши биладиган момоларимизнинг кўплари дунёдан ўтиб кетишган, борлари эса узоқда. Шунда беихтиёр удумларимизни яхши биладиган кишилар ҳам фанимат эканлиги, уларнинг тажрибасини ўрганиб, қоғозга тушириб, келаси авлодларга етказишни таъминлаш ҳам дарахт экиш ёки ариқ қазишдек келажак олдидаги қарз, савобли юмуш эканини кўнгил уқтиради. Биз халқимиз ўтмишини буюк деб тўла ҳуқуқ билан мақтанаяпмиз, мабодо, унинг белгиларини, унсурларини ҳар бир увоғигача сақлаб қололмас эканмиз, бу чўққининг бўйи пасайиб кетаверади...

Менинг тасаввуримча, нишаки (кўклик) учун қанча миқдорда, қандай буғдой танланиши, унинг ҳафтанинг қайси кунда бостирилишида ҳам ўзига хос тартиблар бўлган ва бунда чуқур маъно мужассам. Ёки ўша буғдойнинг аталиши («нишаки» деганимиз «ниш уриш» сўзидан бўлса керак) ҳам турли ҳудудда турличадир. Кейин бу тадбирлар жуда эҳтиёткорлик билан, сир тутилиб олиб бориларди. Албатта, бу ҳолни тушуниш мумкин — удумларимизнинг асосида поклик, озодалиқ, ба-тартиблик сингари нурли тилаклар, талаблар мужассам бўлган. Кўпчиликдан сир тутилишини ўша йиллардаги таъқиблар туфайли, деб тушуниш мумкин. Момоларнинг бундай ташаббусини энг яқин келинларидан бошқа ҳеч ким билмаган. Нишаки солинган қарсон ҳам хилват жойда турган, иложи борица бу хонага бегона одам-

лар киритилмаган, аксинча бўлса, майса секин ўсади ёки қовжираб қолади, деб ирим қилинган. Майсани парваришланинг сирлари ҳам бир жаҳон. Мабодо, унга амал қилинмаса, буғдой могорлаб ёки чириб кетган.

Айниқса, сумалакни тайёрланинг маънавий томонлари, уни халқимизнинг феъл-атвори, табиатини тасаввур қилиш, тушунишдаги аҳамияти беқиёс. Баҳорнинг, Наврўзнинг шоҳона таомини ҳозирлаш бир нечта кўшнилари ҳамжиҳатлигида амалга оширилган.

... Беллари букчайиб, кўзларидан нур кетган момолар шу дақиқадан бошлаб серғайрат бўлиб қолишди. Ҳар куни офтоб кўтарилганда деворнинг икки тарафида беозор мусичалардек бўйинларини ичкарига тортиб узоқ вақт туриб олиб, нималар ҳақидадир куймаланиб, пичирлашганча гаплашишар, ўзларича ҳовлининг турли бурчакларига, дарахт тағларига бориб, қандайдир режалар тузишади. Анча мулоҳазадан кейин бу сирдан Ҳаққулнинг онасини ҳам воқиф қиладиган бўлишди. Билагги бақувват, нишақини ухурда туйиб, элакдан ўтказади. Қозонда сумалакни қовлашга ҳам қорувли. Шу билан бу ёш жувон юрагидаги ҳасрат кўланкалари ҳам қувилди, у ҳам ёруғ туйғуларга ошно бўлиб, арзандасининг бир кун кўркам йигитга айланиши, шундан кейин қийноқлардан опичлаб ўтган онасига олиб келадиган хуш замонлари ҳақида ойдин халлар сура бошлади. Сумалака баҳонасида кўшнилари хонадонларига файз оралаб қолди. Гина-кудурат, ҳижилликлардан фориф бўлган кўнгилларга баҳор, янги кун нафаси кириб кела бошлади.

Бугун ҳамсоялар ҳар кунгидан ҳам серҳаракат бўлиб қолишди. Қанчалик босиқ бўлишга ҳаракат қилишмасин, гоҳ тоғора тарақлаб ерга тушиб кетар, гоҳ болажонлар чинқираб уйни бошига кўтаришади. Эркаклар ҳар доимгидан кўп ўтинни майдалаб гузарга чиқиб кетишган, қаллиқлари ва онажонларининг бутунги шаҳдига улар ҳам қойил эди. Ниҳоят, нишаки тобига етган, ундан сумалак тайёрлаш фурсати келган эди. Бу ёғига жуда ката ғайрат, куч талаб қилинади. Худо хоҳласа, неча кундан бери умид кўзини ўзига қаратган майса тонгача сумалакка айланади.

Кайвони момо ботинда Яратганга ҳамду сано, пайғамбарларга саловотлар ўқиб, ўттиз малакнинг ҳаққиға дуо қилиб, кўкатга тиф урди. Пайваста кўкарган буғ-

дой ниҳоллари оз-оздан қирқиб олинарди-да, ухурда туйилиб, шарбати ажратиларди. Келинлар, яна таклиф қилинган қўшни опалар роса райрат қилишди. Иш қанча тифиз бўлмасин, эҳтиёткорлик унутилгани йўқ. Эшик ичкаридан занжирланган, катта келин дарвозага ҳам кўз-қулоқ бўлиб турибди. Қишлоқ шўросидан ёки колхоздан биронта «катта» хабар топиб келаётган бўлса, масаллиқларни қаерга яшириш чоралари ҳам кўрилган. Ахир бурноғи йили нари гузарлик Қулфиной аманинг сумалак осилган қозонини тегиб ташлаганлари, ўзини ҳам олиб-бориб келганлари эсларида-да. Ўшанда Ҳожи бобо оқ соқолини-ю, имонини ўртага солиб ажратиб олиб қолганди. Бундай кунни... баъдасига бегона қилсин. «Сумалак-эскилик сарқити» эмиш.

Қандай кунлар бошимиздан ўтмади? Ўшандай таъқиқларнинг моҳияти ҳақида у пайтлар ўйлаб кўриш мавриди бўлмагандир. Энди истиқлол ғурури билан мушоҳада қилиб кўрсак, бундай хатти-ҳаракатлар миллат дарахтини қуритиш учун ўйлаб топилган экан. Томирлари қирқиб борилаверган дарахт бир кун қуриши шак-шубҳасиз бўлганидек, анъана ва удумларидан йироқлаштирилган миллат ҳам қиёфасини йўқотиб, шунчаки оломонга айланиб қолар эди. Бу ҳақиқат бошимизда ҳукмронлик қилган «катта оға»ларга аниқ бўлган, ўша йилларда фақат сумалак эмас, жувоз, чарх, тегирмон, мис офтобалар, шам фонуслар, ярғучоқ, ҳаложилардан фойдаланиш, ўрмак тўқиш, эски китобларни ўқиш, халқ кўшиқларини куйлаш ҳам таъқиқланган эди. Аммо Аллоҳ берган кўнгил майлларини, ўз тўп ёзган заминга садоқатини занжирбанд қилиб бўлмас экан. Мабодо, қўл-оёққа кишан солиниб, бошда зулм қамчиси ўйнаганда ҳам тилда бўлмаса-да, дил билан боқий ҳақиқатлар тасдиқланаверади.

Кун бўйи келинойилар сумалак ташвишида бўлишди. Офтоб ботиб, тун чўкканда ҳам бу юмуш адо бўлмаганди. Бу вақтда катта қозон остида арча, зардоли ўтинлари ёнар, буғдой майсасининг шарбати буғдой уни билан омукта бўлиб, тобора қуюқлаша борарди. Болалар уйқуга кетган, эркаклар ҳам мудрай бошладди. Ниҳоят, борлиққа сукунат чўқди. Фақат хира чирок нурлари ёритиб турган ўртадаги ўчоқда гуриллаб олов ёнаётган хонадон бедор. Худди ривоятларда сўзланганидек, элга Наврўз насибасини улашишга аҳд

қилган малаклар қозон бошида парвона. Яллуғланаётган чўғ, таралаётган ёқимли, тетиклантирувчи бўй, тун зулмати ошуфта дилларда ҳислар қўзғайди, тилга қўшиқ келади:

*Олмали боққа кириб шафтолини ерму киши,
Ўз ёри уйда қолиб, бегонани дерму киши.*

Худди ҳар бир қишлоқда сумалак билан боғлиқ удумлار бўлганидек, ҳар бир қишлоқнинг ўз ўланчилари, ўз қўшиқлари бўлган. Таажжубки, қуйида келтирилаётган қўшиқни бизнинг қишлоғимиздаги ҳар қандай аёл биларди. Бу бир томондан ҳайратлантирса, иккинчи тарафдан, унда тилга олинган тарихий атамаларнинг сирини изоҳлашга ақлимиз ожизлик қилади:

Ҳожи — номардди(р),
Тошқўрғоним баландди(р),
Тошқўрғондан мен ошай,
Турли ипак мен эшай,
Турли ипак —тугунчак,
Моҳларойим — келинчак.
Моҳларойнинг зулфи бор.
Дарвозанинг қулфи бор.
Дарвозани очинглар.
Қизил гулни сочинглар.
Қизил гул тера-тера
Қанотларим қайрилди.
Қанот беринг учайлик.
Оқсаройга тушайлик.
Оқсаройнинг оқ тоши,
Янгамнинг қалам қоши.
Янгамсан-а, янгамсан,
Кўйлак пичар бўлмабсан,
Қирқ игнани сиңдириб,
Ҳалиям чевар бўлмабсан.

Яна байт айтилди, яна ўлан ингради. Айниқса, ўртанча келиннинг даф (доира)ни олиб «Гижжа ватан»ни чалганида, унга Ҳаққулнинг онаси хиром қилганида ҳамма дилдан яйради. Тонг бўзаравериб, сумалак тайёр бўлди. Ўчоқ тагидаги чала ёнган ўтин (чичола)лар тортилди, ҳамма ўтирган ўрнида бир зум пинакка кетди.

Удумларимиз худди халқимизга ўхшаб ҳоқисорона, камтар, камқашам. Эҳтимол, уларнинг жаҳоний қиммати ҳам шундадир. Биз истиқлол туфайли ўзлигимизга қайтдик. Бу кўп ҳолатларда, жумладан, бой маънавиятга эгаликка дахлдорликда кўзга ташланади. Шунингдек, бу улкан масъулият ҳамдир. Масъулиятнинг биринчи талаби эса удумларни, анъаналарни аслича, софлигича сақлаб қолишда бўлса керак. Улар «халқаро тажрибалардан, замонавийлаштиришдан» қанчалик йироқ бўлса, шунчалик боқийлик ва ўзига хослик кашф этади. Шу истак илинжида баъзи унсурларни эсладик. Зеро, умуминсоний маданиятга ўзига хос қиёфада кириб бориш бу улкан хазинани бойитади, холос.

Бизнинг порлоқ умидларимиз ҳам худди баҳорни бошлаб келувчи даракчи яшил майсага ўхшайди. Бу умидлар азалий ва мукамал турмуш тарзи чиғириқларидан ўтиб, жамиятни улкан ютуқлар сари бошловчи куч-мадорга айланиши тайин.

ТАҚДИРГА ИСЁН

Унинг кўз олдида ҳеч нарса йўқ эди. Фақат туфлисининг қўнжими, пошнасими тирикчилик куйида оёғи куйган товукдек турли тарафларга физ-физ югураётган машиналарга тегиб кетмасин, деб баъзан бир зум тўхтар, уларни ўтказиб юбориб, яна қадам ташларди.

У йўлнинг нари бетидаги бекатига шошилмай ва тап тортмай ўтиб борарди. Эғнидаги қон рангли қипқизил ҳарир кўйлаги ҳайдовчиларнинг беихтиёр диққатини тортарди чоғи, баъзилари кабинадан бошини чиқариб қарар ёки бир зум тормозланиб ўтарди. Аёл эса гувиллаган шаҳар шовқини-ю, автоларнинг сигналларини эшитмас, жимирлаган ёз манзарасини илғамас, куйдурувчи ҳарорат тафтини ҳам сезмас, борликда бир ўзинигина ҳис этарди. Фақат кўнглининг туб-тубида чўнг қоя каби шодликларга ташна ва бепоён орзулар қанотида ҳаётдан тубсиз иштиёқ билан яхши кунлар кутган бедор зехнида мастура ғунча сингари ҳаммасини унутиш, худди босинқираган тушдан уйғонгандек даҳшатлардан қутилиш ва янги, тоза кунни бошлашга даъват яшарди. Ўша умидвор ҳис уни бошқарар, кўчалардан олиб ўтар, ишхонага етаклар, ўз вазифасини бажаришга ундар ва неча йилдан буён

бир йўлдан қатнайвериб ёд бўлиб кетган темир излар билан совуқ, гурбатларга тўла кулбасига эсон-омон бошлаб борар эди.

Барча умидлардан мосуво, зил-замбил кунлар катта портлашлар арафасидаги алдовчи сукунатга ўхшайди.

Серфайз тўкис оила бағрида ўсиб улғайган, имкон даражаси етканча, хаёл уфқи сиғдарганча беғубор орзулар қанотида вояга етган, бирон масалада бирон дақиқа қаршиликка дуч келмаган қиз турмушда бирданига ҳаммаси тескари келиб қолишини асло ўйламаганди. У эркакларни дунёни елкасида тутиб турган азаматлар, ҳаёт устунлари деб биларди. Ҳам она, ҳам ота бўлиб вояга етказган падари бузруквори кенжа зурриёдига меҳрининг сўнгги томчисигача бахшида этди. Отасининг осмони остида ўтган кунлари нурафшон, доруломон айёмлар — бир умрлик армонлари, қўл етмас имконлари бўлиб қолди. Бир-биридан ўктам акалари унга керагидан мўл оқибат, саховат кўрсатишди, уларнинг соясида истаклари ижобат, қаноти қайрилмас бўлиб улғайди. Унинг беғубор зеҳнида эркаклар улуғ мўъжизакор куч сифатида муҳрланган эди. Тақдирнинг аччиқ киноясини қарангки, турмуш унга бутунлай тескари июнат айлади. Қисмат уни инсон боласи қўл уриши мумкин бўлган жами пасткашликларга қодир бир нусхага дуч келтирди. Ажаб, ўз қондошлари феъл-атворида тирноқча нуқсон кўрмаган бўлса, бу зотнинг табиатида зиғирча ҳам эзгулик йўқ эди. Баъзан арслон деб сиғинганинг қашқир бўлиб чиқар экан. Яратган баъдаларини бир — биридан шунчалар фарқлар экан. Бу эркак ўзига ўзи ҳам ишонмасди чоғи, сабабсиз рашк қилиб хўрлар, таъқиб этар, тазйиқ ўтказарди. Кейинчалик ишламай ҳам қўйди, рўзғор ташвишлари бутунлай унинг нозик елкасида қолди. Инсофу уятдан шунчалар йироқ эдики, унинг келинлик бисотларини сотиб ичишгача борди-я! Аёл бунчалик тубанликни зеҳнига сиғдира олмас, эркаклар ҳақидаги ёруғ-ёрқин тасаввурларининг бунчалар чалкашиб кетганидан хўрланар эди.

Ана шундай азоблар билан йиллар ўтди. Яқинда ҳаммасига нуқта қўймоқчи бўлди, ажралиш ҳақида судга ариза берди. Аммо бу иш осон эмаслигини дастлабки дақиқалардан сезиб (ёмон нарсанинг қорасидан кўзингни олиб қочсанг, бад бўйи димоғингга урилар

экан), ўзини оғир тоғ кўчкиси остида қолгандек ҳис қилди. Бироқ қайтишга йўл йўқ эди.

Кунлар шу хилда ўтаётганига ҳам бир ойдан ошди. Бир ойдирки, турмушнинг зил-замбил тоғини елкасига олиб яшаяпти, фақат яшаяпти эмас, курашяпти, ўша қора шарпа билан, уни йўқотмоқчи, ҳаётдан юлиб олмоқчи, бутун умрини барбод этмоқчи бўлган қора шарпа билан аёвсиз жанг қиляпти. Бошида бунга журъати етишига ишонмаганди, неча йиллик хўрлашлардан букилиб, илвираб қолган иродаси дош бера олишига умиди йўқ эди. «Одамзот ҳаракат қилишдан кўра фикр қилишни афзал кўрган пайтда кузатувчилар кўпаяди, қаҳрамонлар эса йўқ. Одамзот ўз ниҳоясига етаётгани шундан бошланади» (М. Лермонтов). Бироқ у кўзини юмиб, муздек дарёга ўзини отди-ю, аёвсиз совуқ таъсиридан зеҳни очилди — ҳаммасига куч топа олди. Одамнинг боши тошдан қаттиқлиги рост экан. У ҳеч кимга сир бермаслик, оғриқни сездирмаслик учун лабини маҳкам тишлаганча сукут қилиб яшашга кўникади.

Ногоҳ бир сонияда туйғуларига эрк берди, хилватга ўтиб, жиндек кўз ёши тўкиб олмоқчи бўлганида, пойлаб юрган эканми ёки тасодифан дуч келиб қолдими, «эркак»лардан бири (у бу сўздан гижинар эди) унга сидқидилдан ҳамдардлик изҳор этди. Кейин ҳам атрофида гирдикапалак бўлиб, астойдил хокисорлик билан илтифот кўрсатди, дардига малҳам бўлажagini билдирди. Аслида худди шулардан бири туфайли орттирган азобларидан қоврилиб юрган бир пайтда бундай «марҳамат» ёмғирдан қутилиб дўлга тутилишга ўхшаган гап эди. Бироқ негадир ғазаблардан тош қотган қалбида меҳр йилтиради, уни жеркиб, силтаб ташлай олмади.

Ҳозир ҳам изидан кузатиб чиқди, қўймай «Ҳамада» музқаймоқ кафесига таклиф қилди. Суҳбат асносида тинмай шеърлар ўқиди, унга ёруғ кунлар тилади. Овози зариф, дардли эди, товуши юракдан чиқаётгани сезилиб турарди, ҳаракатлари соф, самимий эди.

У билан кечирган онларида ўша даҳшатли туш манзараларини бир зум унутгандек бўла бошлади. (Эй, Аллоҳ, мазлум бандаларга Ўзинг содиқ ҳамроҳлар ато эт). Сўзларини эшитмаса ҳам тинглашга майл уйғонди. Ундан изтироблардан куйган кўнглига бир эпкин, бир салқин шабада эсгандай туюлди. Айниқса, йигитнинг бисотидаги жами чиройли сўзларни саралаб, унинг

хуснини, талъатини, гўзаллигини жўшиб таърифлаши озурда қалбидаги ғурурни тетиклантира бошлади. Аёл ҳали ҳаммаси тамом бўлмаганини, кимнидир ўзига чинакам ошиқу шайдо айлаши мумкинлигини, шу билан мислсиз мўъжизаларга йўл очилиши, назари тушган кишиларни юксакларга улғайтирган Муҳаббат олами уни ҳам сарафроз этиши мумкинлигини англаётгандек бўлди. Ана шунинг таъсирида зулматда қолган оламида бир қатим нур пайдо бўлган, унинг шуъласига бутунлай ихтиёрий, ҳатто хорғин иштиёқ билан берила бошлаган эди. Қолаверса, суҳбатдоши ҳам ҳаётдан комрон эмас, армонлари бисёр, қалби кемтик, буларни тинимсиз такрорларди ва саргардонлик водийсида унинг ҳам, ўзининг ҳам ёлғиз эмаслигини таъкидлаб, таскин берарди.

... Аёл бутун ғурурини намойиш этганча кўзлаган манзили сари бораяпти. Жами ғофилларга ана шундай жасорат насиб этса қани эди. Унга кўплаб нигоҳлар қадалган, ўша жойда уни янги манзиллар кутаётгани аниқ. У тап тортмай, кўчани кесиб бормоқда. Турмушнинг майда ташвишларига қорилган автолар аёл туфлисининг пошнасига ҳам тўғри келмайди — ундан пастда елади.

Қонталаш уфқда тизиллаган из қолдириб қуёш ҳам унинг қадамлари пойига ботди гўё. У матонат билан боши кўкка етгудек бўлиб йўлдан ўтиб борарди.

КЎНГИЛДА ГУЛ ОЧИЛДИ

«Мен ҳаётимга мислсиз мўъжизага гуч келдим. Эҳтимол, қисматнинг бу ҳукми билан юзма-юз бўлмаганим маъқул эди. Начора, пешонага ёзилгани...»

(«Кундалиқдан»)

Йиллар турналардек учиб ўтмоқдалар умрим осмонидан...

Афсуски, хоҳишга қарши ифода анчайин чучмал ва тумтароқ чиқди.

Агар мазмунсиз ва бир-бирига ўхшаган кунлар қўшилиб, йилларни ташкил этса ва ўша «йиллар» умр аталса, у осмондан турналар учиб ўтгани бахт эмасми, ҳар ҳолда зоғлар ёки чивин-пашшалар эмас экан-ку!

Барибир қалам остида туғилган биринчи сатрлар худди қиёфаси аниқ бўлмаган одамнинг суратига тортилган чизикдек муаллақ эди. Аслида, ёрқин бир туйғу ичидаги одам нур билан йўғрилган сўзлардан оидин бир сатр тизмоқчи эдим. Афсуски, нурга тик қараб бўлмас экан, мабодо, шунга жазм этсанг, ёруғлик ниналари мижжангга санчилиб қорачуқларингдан учқун сачратиб юбораркан. Лекин нима бўлганда ҳам кечинмаларимни айнан бугун қоғозга туширишга аҳд қилдим, чунки эртага унинг туғилган куни, мен энди иккимиз учун ҳам ардоқли бўлиб қолган бу кунга ўзимча совға тайёрламоқчи бўлдим. Ахир қалам тутиб, севгили кишимга арзирли ҳунар кўрсата олмасам, ким деган одам бўлдим?

* * *

Ўшанда одатдаги ҳорғин кунлардан бири эди. Қироатхонадан чиқдим-да, яқинда ялтироқ кошинлар қоплаган йўлақдан оёғимни судраб юқорига йўл олдим. Зинадан кўтарилишда чап тарафда ҳам қандайдир хоналар борлигини, уларнинг эшиги ҳар доим очиқ туришини, кимлардир кириб-чиқиб юришини бир оз билардим. Бу сафар лоқайд нигоҳимни шу томонга ташлар эканман, кимсасиз йўлақда бошқа бир манзарага дуч келдим. Қора жилдли юмшоқ ўриндиқлардан бирида қўлини бошига тегириб У ўлтирарди. Оқ либосдаги аёл зулмат ранг оғушида шунчалар ажралиб турардики, узоқдан уни кўзмунчоқ сиртида бўладиган оппоқ доначаларга қиёс қилиш мумкин эди. Аёл нафақат бир қарашда кўзни тортар, балки ундан ёлғизлик ва ёлғизликдан уфуриб турган саросима силқиб тараларди.

Нима бўлганда ҳам унинг ёнидан бепарво ўтиб кета олмадим. Назаримда, у эзгин изтироб ичида эди, танҳоликдан зерикиб кетган, бир суҳбатдош истаётган ва ботинида юзага чиқармоқчи бўлган қандайдир гаплари бордек эди. Хилват йўлақда у кимнидир кутаётгандек туюлди менга ва табиатимга зид равишда пайдо бўлган журъат билан сўз қотдим:

— Хаёл билан ёлғиз қолиш хавфли, дейдилар.

— Ассалому алайкум!

Унинг тилидан янграган бу мўътабар сўз қатида барча саволларга жавоб яширинган эди. Латиф бир оҳангда айтилган шу калима бирдан дил қулфларини

очиб юборган, талаффуздаги нафосат мафтункор эди. Илк мулоқот умидларни қанотлангирди ва машқни баяндрок олиб, унга арзи ҳолимни етказмоқчи бўлдим:

— Сизга... Сиз юлдузлар қадар юксақдасиз. Сизга қўл етмайди.

— Нега? Йўғ-э, ёнингиздаман-ку.

Бу сўздан ниҳоний бир самимият балқиб турарди. Юз ифодасида тажассум топган ботиний ғурур ва унинг замиридаги изтиробми, безовталиқнингми беҳузур ифодаси аёлга ўзгача шукуҳ бағишлаганди. Мен бошида писандсизлик билан разм солиб шундай теранликка дуч келган ва беихтиёр «юлдузлар висоли»-ни тилга олган эдим. Қоп-қора зулфлари елкасига ёйилиб тушган, айниқса, кўксига томон осилиб турган бир тола қўнғироқ кокили яна ҳам ҳуснини очиб юборганди. Бунинг устига қўзлари — шахло, унда одамга ички бир меҳр балқиб турарди.

Мен кўздан буён бунчалик гўзал мазмунга дуч келмаган эдим. Атрофдаги расмий чехралар, ҳатто хотинларнинг нуқул буйруқ оҳангида гапиришлари ҳисларга парда ташлаган, кўнгил ҳам бундан ортиқчасини истамай қўйган эди. Ҳозирги ҳолатим худди совуқ қор қатлами остида ёлмуғланиб турган чўғни топиб олгандек гап эди. Яна аёлнинг ҳаяжонли мурожаатимга эътибор бериб, назокат билан «ёнингиздаман» дегани муросага йўл очар, таскин берарди. Овози ҳам ширали, бир оз маҳзун, ҳатто тўйиб йиғлаб олган боланики сингари ғубордан фориг бўлган, шаффоф эди.

Бир лаҳзада кўриб, ҳис қилиб улгурганларим беихтиёр аёлга нисбатан меҳримни қўзғади, бегонасираш пардаси ўртадан кўтарилди, кўринмас ришталар дилларни боғлади. Яна бир қадам олдинга қўйдим ва энди жиндай дадиллик ва жасорат билан уни жонли суҳбатга чорладим:

— Сиз билан ҳазиллашиш ҳам қийин

«Жиддий гаплашиш керак» демоқчи эдим, давоми-ни эшитмай, жавоб қилди:

— Агар меъёрида бўлса... мумкин.

Албатта, бирданига ҳазил ҳақида гап қотиш довлараш, фикрни тўла тўплай олмаганлик аломати эди. Ўтаётган сониялар эса ўзимни босиб олишим ва бир оз жўяли гап айтишим учун менга имконият ҳозирлаётган эди. Шундай ҳам бўлди. Тилимга одатда ҳар қан-

дай кишига бемалол мурожаат қилиш мумкин бўлган энг оддий жумла келиб қолди:

— Нега хомушсиз?

— Бир оз байрам қилувдик. Ичкаридаги гап-сўзлардан қисилиб кетдим.

У менга разм солиб турар, мен ҳам шижоатсиз бир тарзда унга тикилардим. Гапини тугатди-да, хижолат чеккандек қизаринқиради, узун киприкларини четга ўтирди, кейин ўз сирини, «ичкарида»ги гапини ошкор қилиб қўйганидан безовта бўлгандек шошиб шундай деди:

— Ўзи, мендек хаёлпараст одамга байрам ҳам татимайди.

Шундан кейин ё суҳбатдошим таклиф қилди, ё ўзим илтифотсизлик билан ўтириб олдим, ёнма-ён курсидан жой эгалладим. Энди бизлар бегона одамлар эмас эдик.

* * *

Байрам сайлига чиққан одамлар билан Тантаналар майдонига йўл олар эканман, атрофимдаги оқим гўё мени чанг-ғубордан тозалар, қадам ташлаганим сари руҳим очилиб, ёруғ бир аъмолга яқинлашаётгандек сезардим ўзимни. Бир томондан — қиш табиати, яна ўта жиддий иш билан машғуллим мени босиб қўйган, офир карвон, ҳатто бепарво бўлиб қолган эканман. Буни илк қадамлардан сеза бошладим ва зеҳнимга бир ғайрат инди: мен бундай лоқайдликдан тезроқ қутулишим керак. Бугун гўзаллик билан, тугён билан учрашадиган кун эканини олдиндан сезаётган эдим.

Ҳали келишилган вақтга анча бор. Бемалол майдонни ҳам энига, ҳам бўйига кезиб чиқишим мумкин. Бундай сайр кишига ўзига хос улуғворлик бағишлайди. Ростдан, шодон одамлар даврасида ҳукмрон бўлган ёруғ кайфият сенга ҳам кўчади, ички қувватларингни кўзғайди ва борлиққа юқори назар билан разм сола бошлайсан. Кўкрак қафасинг кенгайиб, елканг тоғдек кўтарилади. Бунинг устига бугун мен дилбар бир аёлнинг илтифотидан сарафроз эдим: у учрашиб, бир оз гаплашиш ҳақидаги таклифимни рад этмаган эди.

Ҳисобимда анча вақт бор экан, майдонни тўла кезиб чиқдим бироқ унинг руҳига сингиб кета олмадим.

Хаёлим ўзимда эмас, яна икки соатдан сўнг рўй бериши кутилаётган мўъжизада эди. Мен ўша дамни мўъжиза, чинакам мўъжиза сифатида кутаётган эдим.

Ўша кунги қисқа суҳбат асносида мен ҳозиргача излаган мўъжизага дуч келгандек бўлдим, бугун ўша рўй бериши лозим.

Ҳаяжонланардим, ўзимни босиб, совуққон мулоҳаза юритишга интилардим, фикрларимни рад этардим: «Шунчаки йўлига ваъда бергандир, балки келмас».

Атрофда уйғонаётган борлиқ нафаси уфуради. Менинг ҳолатимга зид равишда ҳамма яйраб, очилиб гашт қилар, оламга шодлик, қувонч ташриф буюрганига ҳеч кимда шубҳа йўқ эди гўё.

Орадаги масофа икки-уч бекат бўлса-да, пиёда кетдим. Ҳам вақт ўтади, ҳам теварақдаги мунавварликдан кайфиятим ёруғланади, деб ўйладим.

Ташриф кутилаётган бекат манзараси бутунлай ўзгариб кетибди. Кўп қаватли дўкон, биқинида бозорча. Айниқса, гуллар сероб экан. Улардан бир дастасини харид қилмоқчи бўлдим, яна истиҳола қилдим. Дабдурустдан гулдаста билан кутиб олиш қандай бўларкин, ахир у кишининг хаёлидаги гапни, менга муносабатини билмайман-ку. Бунинг устига ҳар томонга тўрва-халталарни зиппилатиб ташишдан тўхтамайдиган одамлар орасида гул кўтариб юриш ҳам эриш туюлар.

Узоқ-яқинда аста кезиндим. Эски услубдаги ойнаванд магазинлар, дид билан ясатилган хусусий емакхоналар, турли пишириқлар билан савдо қилувчи қандолатпазлар ёнидан ўтдим. Ҳар бир гўша азиз туюлар, ҳамма жой худди мендек ўз меҳмонига мунтазирдек таассурот уйғотарди. Қалбимга ўзгача бир саховат тўлган, бутун борлиқни эзгуликлар тўлиб-тошган жаннатдек тасаввур қилардим. Шундай кайфиятда менинг бир сирим бор эди: суҳбат учун энг мақбул жой излар эдим.

Соат миллари ўша фурсатга яқинлашиб қолганда трамвай бекатига бордим. Бозордаги гуллар панасида кута бошладим. Тахминимча, ўн-ўн беш дақиқа кечикишлари мумкин, одатда, шунча вақт куттиришни қизлар ўз қадрларини мустаҳкамлаш деб билишар экан. Мен эса соатлаб кутишга тайёр эдим.

Баногоҳ йўловчилар орасидаги таниш чеҳра кўзимга чақмоқдек туюлиб кетди. Айни вақтида трамвайдан

тушиб келар эдилар. Пешвоз чиқдим, «гуллар билан кутиб олсам ҳам бўлар экан». Биринчи таассуротнинг ўзиёқ чуқур ҳурмат қўзғатган эди.

— Хуш келибсиз...

— Кечикмадимми?

— Бир сония ҳам.

Режам бўйича сув ёқасидаги қаҳвахона томон юрдик. Оралиқ анча бор. Кетар эканмиз, дуч келган одам бепарво қолмас, аёлга суқланиб қарарди. У ростдан бетимсол гўзал эди. Калта чарм курткеси, пошнаси баланд туфлиси ҳаракатларига шиддат бағишлаган, баҳор елларида ўйнаётган кокиллари бу ҳолатни янада кучайтирарди. Бирданига қиш бўйи елкамдан тушмаган, барлари узун пальтом юришимга халақит бераётганини сезиб қолдим.

Майин шарқ мусиқаси янграб турган қаҳвахонада одам сийрак эди. Юзма-юз ўтирдик-да, беихтиёр бир-биримизга тикилиб қолдик. Нигоҳлар унсиз ҳикоя сўзлар ва тинглар эди. Мен ўз шодлигимни, бошим осмонда эканини изҳор этардим. Унинг ақлли кўзларини қоплаган маъюслик тарқаб, қорачиқларида учқун порлади. Ўз ҳолатимни суҳбатдошимга ўтказа олдим. Юрагим титраб кетди, лабимдан бир калима сўз аранг сирғалиб чиқди:

— Гўзалсиз!

У бошини қуйи эгди, мақтовимдан уялди чоғи, шунингдек, ўктамлик билан дил изҳорини баён қила олди:

— Лекин... бахтсизман.

Унинг изҳори ниҳоятда аянчли бўлса-да, бу эмин-эркин, дилкаш суҳбатга изн берарди. Негаки, одам кўнглига яқин олган, обдон дардлашаман, деб мўлжаллаган кишигагина ўз маҳзунлигини ошкора қилади, билъакс, бегоналар бир-бирига шодумон кўринишга уринадилар.

Бирданига бундай киришиб кетиш, бир-бирини тушуниш дили, тақдири, борлиғи яқин кишиларда учраса керак. Қисқа саволлар, латиф ишоралар билан кўнгида қон каби уюб қолган ҳасрат тилга чиқди. Бир-биримизни эшитиб, таскин бериб узоқ ўтирдик. Аёл тақдир уммонининг бошида турар, эртага рўй бериши кутилаётган воқеалар уни саросимага солиб қўйганди.

— Бу кунни тўққиз йил орқага ташлаб келдим.

Худо инсоф берар, мени тушунар, деб ўйладим. Лекин ҳеч нарса ўзгармади — сабабсиз рашк, қийноқ, хўрлаш, аксинча, яна кучайди, иш жойимга келиб йиғлатиб кетадиган бўлди. Худо шоҳид — виждоним олдида покман. Охирги кучимни тўплаб судга муурожаат қилдим. Иш кейинги ойнанинг йигирмасида кўрилиши керак. Билмадим, қандай чидайман...

Мен эшитганларим, кўрганларимни шоҳидлик келтириб, унга таскин берар, яхши кунлар келишига ишонтиришга уринар, аслида тирикликнинг бу англамас асрори ҳақида ўз ҳасратимни баён этар эдим. Турмуш ўзи кимни сийлаган? Аёл бутун ҳаётимга назар солишда — кўзгу, бахти кемтикликда менинг адашиб юрган жуфти-ҳамроҳим эди.

* * *

Эрталабдан тор хонага сизмаяпман. Кўзларим деразининг қалин шишасини тешиб юборгудек бўлади. Ҳар қандай тўсиқни писанд қилмай ҳаяжоним кенгликка интилади. Ердан музни кўчирган, дарахтда япроқ пайдо қилган, кўнгилда гул ундирган ғолиб ҳаёт кўшиғи жўшиб келади, ўн йиллардан буён бегона бўлиб қолган қадрдон наво қайтади:

«Баҳор янглиғ юрагимда гуллади туйғу...»

Бу биз туғилган кун, муштарак туйғуларнинг туғилган куну эди.

МУНДАРИЖА

Изҳор 3

ҚАЛПОҚ ВА КОВУШ ЎРТАЛИФИДА

Бу — ўша, олис ва яқин муҳаббат	13
Англонаётган ҳақиқат	28
Яхшиликнинг баҳоси	34
Ўзбекча «корридо»	41
Ош	47
Олтин ойкумена	55
Қўнғироқчалар	69
Миссия	88
Бир ажиб қавм	97
Бўйингдан	109
Матриархат	117
Тирикчилик «илм»и	128
Синган одам	141
Кўпқари	149

БИР ТОЛА НУР ЖИЛВАСИ

Академик Холмуродов	161
Барибир кўнгида эътироф яшар	172
Сибирга кетмаган ўзбек	182
Ёлғиз дарахт	195
«Мен болаликдан ошиқман»	215
«Ранглар мени ҳар кўйга солди»	223
Бахтиёр Ихтиёров «... касбини ўзгартиради»ми?	228
Япон олимнинг ҳиммати	234
Рустамнинг шахмат достони	240
Бухоронинг икки гўшасида	257
Бешикка осилган кўнғироқ	262
Сўзларда не гуноҳ?	265
Шу тупроқни меҳроб билганлар	266
Истиффор	268

АЛВОН ШАФАҚ СОЯСИ

Парда ортидаги ҳаёт	320
Довдирнинг фалсафаси	340
Учиб кетди уч қушча	348
Ўз уйида меҳмон	357
Кўпларга ёқмаган ҳақиқатгўй	368
Муҳайёнинг какликлари	380
Умидлар қуршовидаги майса	384
Тақдирга исён	389
Кўнгилда гул очилди	392

Ҳаким САТТОРИЙ

ИМЗОЛИ ХАТЛАР

Танланган бадиий публицистика

①

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Муҳаррир *Рустам Бойтўра*
Бадиий муҳаррир *Толиб Қаноатов*
Техник муҳаррир *Лина Хижова*
Мусаҳҳиҳлар: *Юлдуз Бизаатова, Нодира Охунжонова*
Саҳифаловчи *Анипа Шафиулина*

Босишга рухсат этилди 22.11.2007. Бичими 84x108^{1/32}. Офсет босма.
Балтика гарнитураси. Шартли босма табоғи 21,0. Нашриёт-ҳисоб табо-
ғи 19,7. Адади 3000 нусха. Буюртма № 3874. Баҳоси келишилган
нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.